

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ

Ш. ОТАБОЕВ
З. ҲИДОЯТОВА

**ЭКОЛОГИЯ, ГИГИЕНА
ВА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК**

ТОШКЕНТ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«ФАН» нашриёти
2007

51.1

20.1

Мазкур китобда она табиатнинг ҳозирги аҳволи, унинг инсонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига таъсири, экологик, гигиеник ҳолатнинг тобора бузилиб бораётгани ва унинг дунёвий муаммога айлантаётгани, шу боисдан биосферани муҳофаза қилиш умуминсоният иши бўлиб қолганлиги, бу борада жаҳон ҳамжамияти, жумладан, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий, ташкилий ва амалий ишлар ҳақида ҳикоя қилинади. Табиатни муҳофазаси билан боғлик муаммоларни ҳал этишда аҳоли, турли нодавлат ташкилотлар ва бошқаларнинг бажараётган ишлари ва уларнинг вазифалари батафсил ўз аксини топган.

Китоб олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари талабалари, илмий ходимлар, ўқитувчилар, врачлар, экологлар, биологлар, гигиенистлар, қоловерса кент жамоатчиликка мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

А. Э. ЭРГАШЕВ, биология фанлари доктори, профессор.


Тақризчилар:

А. С. БОБОЖНОВ, тиббиёт фанлари доктори, Тошкент Тиббиёт Академияси институти профессори, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва умумий гигиена кафедраси мудири.

О. ИСҲОҚОВ, тиббиёт фанлари доктори, умумий гигиена ва тиббиёт экологияси кафедраси профессори.

Отабоев Ш., З.Хидоятова

О-86 **Экология, гигиена ва сиҳат саломатлик/ Ш.Отабоев,
З.Хидоятова; Ред. А.Э.Эргашев; Тошкент врачлар малакасини
ошириш институти. — Т.: Фан, 2007. — 332 б.**



Ю 33361
39

ББК 20.1
ББК 51.1

ISBN 978-9943-09-290-7

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«ФАН» нашриёти, 2007 йил.

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик ҳавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўзўзини ўлимга маҳсум этиши билан баробардир. Афсуски ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик билан ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқда.

Ислом Каримов

КИРИШ СЎЗИ

Она табиат ниҳоятда гўзал, унинг инсоният учун марҳамати кент. Табиат тирик жонларнинг онаси. У, инсониятни кийинтиради, озиқ-овқат билан таъминлайди, нафас олиш учун керак бўлган тоза ҳавони етказиб беради. Жониворларнинг тириклигини давом эттириш учун зарур бўлган кислородни ишлаб чиқади. Дунёвий модда алмашиниш жараёнлари табиий муҳитда амалга ошади. Тирик жонларнинг тириклигини, дунёвий модда алмашинув жараёнларининг давомийлигини таъминлаш, она табиат инъом этган зилол сувларнинг фаол иштироки билан амалга ошади. Бу кўркам ва серхосият наботат олами дилга ҳузур бағишлайдиган, тароватли боғу роғлари, кўкни суюб тургандек азим тоғлари, бағри кенг водийлари, турфа рангли чаманлари билан гўзал. Бу гўзалликка раҳна солишдан инсониятни қайтармоқ, уни бу борада маънавий баркамоликка ундумоқ, келажакка очиқ кўз билан қарамоқ шу куннинг, XXI асрнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлмоғи керак.

Албатта, нега деган савол туғилиши табиий.

Гап шундаки, бутунги кунда инсониятни турли туман таҳдидлар остида қолдираётган ҳодисалардан бири экологик вазият ҳисобланади. Экологик инқироз ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига шиддат билан кириб бормоқда.

Маълумки, илм-фан ва техника тараққиёти биринчи навбатда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш воситалари билан ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан ўзгартириб юборди. Ишлаб чиқариш жараёнларини компьютерлаштириш, илғор технологиялардан фойдаланиш, юқори рентабелли жиҳозлар билан ишлаб чиқаришни қуроллантириш катта ривожланишга йўл очди, саноат маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқишида муҳим омил вазифасини ўтади.

Технологик жараёнларнинг тез ривожланиши инсоннинг меҳнат шароитини ҳам ўзгартириб юборди, жисмоний меҳнат ўрнига ақлий меҳнатдан фойдаланиш устун келмоқда.

Бундай тараққиёт хоҳ саноат, хоҳ ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида бўлмасин, прогрессив аҳамиятта эга бўлсада, инсонни ўраб турган атроф-муҳитнинг бир қадар бузилишига ва ўз навбатида, аҳоли турли қатламларининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқ бўлмоқда, ҳатто ки аҳолининг генофондини ҳам ўзгаришига олиб бормоқда.

Маълумки, ҳар қандай ҳолатда ҳам саноати тараққий этган мамлакталар табиий ресурслардан фойдаланмасдан ривожлана олмайди. Демак, табиий бойликлардан ўйламай нетмай ошиқча фойдаланиш ва тараққиёт, технологик жараёнларнинг табиий ресурслардан фойдаланишгагина асосланганлиги оқибатида, сайдёрамизнинг қиёғасини борган сари салбий томонга ўзгариб боришининг гувоҳи бўлиб қолмоқдамиз. Жумладан, ўрмонларнинг тобора йўқолиб бориши, чўлу биёбонлар, қум саҳроларининг борган сари силжиб аҳоли яшайдиган минтақаларга яқинлашаётгани, дарёларнинг саёзланиши, баъзи бир ҳолатларда йўқолиб бораёттани, Орол денгизининг тугаб бораёттани, чучук сув ҳавзаларининг тобора саноат, хўжалик ва бошқа ифлосланган чиқинди сувларни қабул қилиб оловчи сув ҳавзаларига айланиб бораётгани, ўсимлик ва ҳайвонот турларининг камайиб бориши, баъзи бир турларнинг йўқолиб кетаётгани, фойдали қазилмаларнинг тугаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Жуда шиддат билан атмосфера ҳавзаси, сув манбалари, тупроқ, она замин ва бошқаларнинг ифлосланиб бориши, инсоннинг турли антропоген (хўжалик) фаолияти оқибатида пайдо бўлаётган саноат, корхона чиқиндилари млн. тонналаб йигилиб бориши, хўжалик чиқинди аҳлатлари жуда кўп микдорда тўпланиб бориши, ерларнинг шўрланиб бораёттани, ҳосилдорликларнинг тобора камая бораёттани ва бошқалар давлат арбобларини, олим ва инженерларни, врач ва ўқитувчиларни, қолаверса инсониятнинг турли қатламини ташвишга солмоқда. Сабаби, экологик тоза сув, ҳаво, озиқ-овқат камайиб бормоқда, касалликлар, ўлим кўпаймоқда. Аҳолини экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат билан таъминлаш тобора қийинлашиб бормоқда.

Демак, ҳозирда, яъни XXI асрдаги аҳоли олдида турган мұаммалардан энг долзарби аҳоли истиқомат қилаётган мінтақаларни, уларни ўраб олган атроф-мухитни тезроқ соғломлаштириш, гүзәл табиатимизга раҳна солмаслик, табий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айниқса, тиклаб бўлмайдиган табий ресурсларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Шундай қилиб, XXI асрда экологик ҳолат кўз ўнгимизда қайтариб бўлмайдиган воқеликка айланмоқда. Демак, ҳозирги вазифа шундан иборатки, табиатда бўлаётган техноген таъсирни камайтириш йўлларини қидириш, бундай жараённинг ижтимоий-иқтисодий томонларини чукурроқ ўрганиш, фалокатнинг олдини олиш йўл-йўриқларини қидириш, табий факторлар билан тирик жонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг механизmlарини, ўзаро таъсир этиш қонуниятларини ўрганиш, айниқса, инсон, табиат ва жамият ўртасидаги номутаносиблик сабабларини аниқлаш ва бунга барҳам бериш зарур.

Шу вазифаларни ҳал этишда, экология фанининг вазифаси ниҳоятда улуг. Бу фан бизнинг кўз ўнгимизда оёққа тураяпти, ривожланаяпти ва ўз доирасига бир қанча фанларни тортиб, уларнинг онасига айланмоқда, яъни кўпчилик фанларни: биология, табобат, зоология, жуғрофия, гигиена, фалсафа, ижтимоий фанлар ва бошқаларни бирлаштирувчи она фанга айланмоқда. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, табий, ижтимоий ва техник фанларни боғловчى интегратив фан сифатида шаклланмоқда, фақатгина шундай фан экологик жараёнларни, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро боғланишни чуқур ўрганиб илмий асосда табиатдан оқилона фойдаланишнинг йўл-йўриқларини очиб беради. Бу борада, инсонларнинг тўғри фикрлашига, ўзи яшаб турган муҳитга нисбатан муносабати, дунёқараши ижобийлашувига кўмаклашади. Шундагина жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро уйғунлик тикланади (коэволюция).

Экология фанининг бир қисми гигиена фани ҳисобланади. Чунки, гигиена ҳамма экологик ноқулайликларнинг инсон организмига таъсир этиш механизмларини ўрганади, инсонга оптимал маъқул бўлган шароитни туғдиришга имкон яратади, норматив ҳужжат, кўрсатмалар, қоидалар, давлат стандартларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга жорий этади ва экологик ҳолатлар

таъсирида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишга чора-тадбирлар яратади.

Бу чора-тадбирлар, ақоли турар жойларини лойиҳалашда, атмосфера ҳавоси, сув ва сув ҳавзаларини, тупроқ, озиқ-овқатларни муҳофаза қилишда құл келади.

Экология ва гигиена фанлари бир-бирларини далиллар билан түләтади, табиатни муҳофаза қилишда бир-бутун бўлиб, огоҳлантириш, табиий объектларни экологик ноқулай ҳолатта тушиб қолишининг олдини олишга хизмат қиласади. Шундай қилиб экогигиена инсониятни соғломлаштиришда асосий фан бўлиб хизмат қиласади ва ҳозирги замон талабига лаббай деб жавоб беради.

Экогигиена фани олиб борадиган илмий ишлар ва унинг ривожи келажакда дунёвий аҳамиятта зга бўладиган даражага етади. Бу фаннинг ривожи, инсон экологиясидан келиб чиқсан ҳолатда унинг ўзини турли экологик ноқулайликлардан асрайди ва соғломлаштиради.

I боб. Экология ва экогигиена тўғрисида тушунча

1. Экогигиена

Хоҳлаймизми ёки йўқми тирик организмларнинг ҳаммаси, шулар қаторида инсон организми ҳам бир-бутун табиат, яъни биосфера билан чамбарчас боғланган. XX аср, инсоният ҳаётига катта ўзгаришларни олиб келди, фан-техника ривожи жуда тез суръатлар билан кечди. Бутун дунё мамлакатларида олиб борилётган илмий изланишлар, атроф-муҳитни назорат қилиш ва кузатиш, алоқа жараёнлари, телевидения, метеорология, картография, космик техника ривожи ва бошқа илмий йўналишлар, инсон ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий муаммоларни бирмунча ижобий ечимини топди.

Илмий техника ривожи жараёнларида инсоният ўзининг эҳтиёжини қондириш мақсадида табиатнинг янги ўрганилмаган сирларини ўрганишга, унинг қонуниятларини очишга, табиий бойликлардан керагидан ортиқча фойдалана олишга имкон яратди. Техника имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланишга яхши шароитлар туғдирди. Океан ва денгизларни, космик фазони, одам организмининг турли мураккаб функцияларини ўргана бошлиди, хўжайра ва ядро даражасидаги жараёнларни ўрганиб, турли касалликларнинг сирларини очишга муваффақ бўлди.

Шулар билан бир қаторда, саноат корхоналаридаги технологик жараёнларнинг ривожи жисмоний меҳнат ўрнини ақлий меҳнат олишига, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида кимё саноати маҳсулотларининг кенг кўламда ишлатилишига имкон яратди. Кимё саноати янги-янги минерал ўғитлар, пестициidlар, гербициidlар, дефолиантлар, турли-туман синтетик полимер, пластик моддаларни ишлаб чиқишига имкон берди.

Бундай ривожланиш кўзни кувонтиради, чунки саноатнинг турли соҳаларининг ривожи, қишлоқ хўжалиги ривожига албатта ижобий таъсир кўрсатади, ҳалқнинг фаровон яшашига имкон туғдиради ва шундай ҳам бўлмоқда.

Минг афсуски, ҳар қандай тараққиётнинг ижобий томони бўлиши билан бир қаторда, салбий томонлари ҳам бўлар экан.

Илмий техника революцияси, инсоннинг ҳаётида жуда күп салбий ноқулай ҳолатларни келтириб чиқарди. Жумладан, атмосфера ҳавоси автомобил транспортыдан чиқаёттан ва турли хусусиятларга зәг бүлган 200 хилдан күпроқ захарлы моддалар билан ифлосланмоқда, гигант завод ва саноат корхоналаридан ҳавога ташланаёттан күл, тутун, чаңг, захарлы газлар, оғир металлар, мис, құрғошин, рух, темир, молибден ва бошқа рангли металларни атмосферага ташланиши ҳавони, тупроқни, сув ҳавзаларини зааррламоқда. Атроф-мухит пестицидлар, минерал ўғит ва бошқа кимёвий моддалар билан ифлосланмоқда, саноат корхоналаридан чиқаёттан чиқынди сувларнинг, хұжалик чиқынди сувларини чала ярим тозаланиб дарё сувларига ташланиши, қолаверса, инсонни ўраб олган атроф-мухиттің заарланиши инсониятта ноқулай экологогигиеник ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, инсоннинг сиҳат-саломатлигига салбий таъсир күрсатмоқда. Шунинг учун ҳам XXI асрда атроф-мухитни, яғни табиий мухитни, қолаверса табиатни асраш, муҳофаза қилиш вазифаси әнг долзарб масалага айланмоқда.

Бундан келиб чиқадиган хulosаса шуки, табиатни муҳофаза қилиш инсоннинг ўзини ҳар қандай салбий таъсирлардан асраш демекдир. Инсон табиаттнинг ҳосиласи, инсон табиаттнинг асосий объектлари бүлган атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ва табиатдаги борлик билан чамбарчас бөгланған. Демек, табиат объектларыда қандай ўзгаришлар рүй бермасин, бу ўзгаришлар, ўз навбатида, инсонга ўзининг салбий ёки ижобий таъсирини күрсатади.

Гигиена фаны маҳсус предмет бўлиб, соғлом инсон, соғлом жамоа, инсон популяцияси, қолаверса аҳоли билан доимо ўзгаришларга учраб турадиган атроф-мухит ўргасидаги ўзаро муносабатни, ўзаро бир-бирларига кўрсатиладиган таъсирларнинг қонуниятларини ўрганади ва шунинг заминида турли усуллар ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқиб инсоният жамиятини соғломлаштириш ва қолаверса инсонларнинг соғлигини таъминлайдиган услубларни топади ва амалиётга татбиқ этади.

Гигиена фаны бу вазифани гигиенага хос услублардан фойдаланиб амалга оширади, яғни:

- Аҳолини соғлигини эпидемиологик изланиш услубидан;
- Санитария текшириш услубидан;
- Гигиеник, токсикологик тажриба олиб бориш услубидан;
- Санитария экспертизасини қилиш услубидан.

Бу услублардан фойдаланиб, инсон ва атроф-муҳитни бир-бирларига нисбатан ўзаро муносабатларини, ўзаро таъсир этиш қонуниятларини ўрганади. Бу услублар ёрдамида соғлом инсонни, жамоани ва популацияни, табиий тез ўзгариб турадиган атроф-муҳит таъсирида инсон организмидаги пайдо бўладиган касалликларни ўрганиб, тўғри йўллар билан (профилактика) касалликни олдини олишга тадбир ва чоралар ишлаб чиқишига, қолаверса соғлиқни сақлаш ва уни янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Гигиена, профилактик илм бўлиб, касалликни келиб чиқишининг олдини оловчи, соғлиқни сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқувчи фундаментал фандир. «Соғлом инсон, атроф-муҳит» унинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Гигиена фани бир қанча бўлимларга бўлинниб ўқилади. Жумладан, умумий гигиена, меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, радиацион, космос гигиенаси, ҳарбий гигиена, овқатланиш гигиенаси, болалар ва ўсмиirlар гигиенаси, санитария ва тоxсикология, санитар микробиологияси, эпидемиология. Бу фанларнинг мақсади, унга эришиш услуби, ўрганиш объекти инсон, атроф-муҳитdir.

Жумладан, коммунал гигиена, шаҳарларда, тураржойларда, географик минтақаларда, яшаш маконларида инсонларнинг соғлигидаги бўладиган ўзгаришларни ва бу ўзгаришларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганади; меҳнат гигиенаси меҳнат шароитини, иш жараёнларининг инсон соғлиғига таъсирини, организмдаги бўладиган ўзгаришларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганади; ижтимоий гигиена ижтимоий факторлар таъсирини ўрганади ва ҳоказо.

Гигиена фанининг қорида экологик гигиенанинг ўрни қандай, қандай ўхшашлиги ва қандай фарқи бор? Жуда кўп гигиеник олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтиш зарурки, экогигиена жуда кўп томонлари билан, айниқса, ижтимоий ва умумий гигиена билан катта ўхшашликларга эга. Жумладан, мақсади, текшириш услублари, объектлари бир хил, яъни атроф-муҳит ва инсон. Аммо, экология фанининг фарқли томони унинг миқдорий ёки кенг кўламлилигига дейди Н.В.Лазарев. Юқорида зикр қилинган гигиена фанлари ҳажми билан, минтақалар билан ёки миллий чегаралар даражасида чегаралантган илмий-тадқиқот ишларини олиб борадиган бўлсалар, экология, экогигиена эса планетар доираларни ўз ичига олади, ҳажм жиҳатдан, сайёрамиздаги бўлаётган жараёнларни ўрганади. Н.В.Лазеревнинг хизмати шундаки, гигиена

фанини биринчи бўлиб юқори поғонага кўтариш, планетар жараёнлар билан шуғулланадиган фанга айлантириш фикрини олдинга сурди ва бунга биринчилар қаторида тушунча берди. Гигиена фанининг экологик гигиена фани даражасига етиши, уни услубларини, обьектларини, мақсадларини ўзгартириш эмас, балки унинг кенгроқ кўламда тадқиқотлар олиб боришини тақозо этади. Экологик гигиена, ҳозирда амалий соҳада ёки назарий соҳада мустақил фанга айланиб алоҳида бўлиб чиқиб кетадими деган фикр туғилади. Аммо, ҳозирги даврда, жаҳонда кечайтган гигиеник (дунё миқёсида) глобал жараёнлар, яъни саноат, техника, инсоннинг антропоген (хўжалик) фаолиятининг ривож топиб бораётганлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликнинг тараққиёти натижасида халқаро тузилмаларнинг мавжудлиги, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Магатэ ва бошқа ташкилотларнинг дунё миқёсида кечайтган экологигиеник жараёнларни ва инсоният саломатлигини улар томонидан назорат қилинаётганлиги, инсоният яшаётган мұхитнинг назорат остига олингандылык экологигиена фанининг алоҳида мустақил фан бўлиб чиқишга заруратни туғдирмоқда.

Албатта, бундай мустақиллик миллат чегарасида бўлолмайди, экологиенанинг услубий концепцияси (қарашлари, мағизи), аниқ фикрлаш даражаси ва шунга мос келадиган фаолияти минтақавий, миллий чегарадан чиқади ҳамда дунёвий муммаларни ечишнинг амалий, назарий томонларини биргалашиб ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, экологик гигиена фанини, инсониятнинг соғлигини сақлаш, унинг услубларини излаш, соғлигини янада мустаҳкамлаш, асраш тўғрисидаги таълимот деб тушунмоқ керак. Шу мулоҳазалардан келиб чиқадиган хулоса шундай: экологиенанинг олиб борадиган илмий тадқиқотларининг обьекти бўлиб инсон ва инсон популяцияси ҳисобланади, унинг мавзуси одамнинг соғлиги ва популяцияси, мақсади унинг соғлигини асраш, янада мустаҳкамлашдир, мақсадга эришиш услуги касаллик келиб чиқишининг олдини олиш, барваҳт қартайишининг олдини олишдир. Буларни амалга ошириш атроф-мұхитни соғомлаштириш йўли билан, одамлар ўртасда соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан амалга оширилади.

2. Экология тұғрисидеги түшүнчә. Экологияның вазифалари

Экология фаны ўз таркибиға күпгина фанларни қамраб олган улуф фанга айланди. Ҳозирги даврда бу фан тиббий экология, ижтимоий экология, иқтисодий экология, жуғрофий экология, табиат экологиясы, биологик экология ва бошқа қысмаларга бўлиниб ўрганилади.

Экология юончада сўз бўлиб *ecos* — уй, макон *logus* — фан деган маънени беради. Биология фанига бу атама биринчи бўлиб дарвинист олим Эрнст Геккел томонидан 1866 йили киритилган. Бу олимнинг таърифика, экология тирик организмларнинг (ўсимлик, ҳайвонот, микроорганизмлар дунёси ва инсоннинг), умуман тирик мавжудотларнинг яшаб турган атроф-муҳит билан мураккаб, ўзаро муносабатларини (биргаликда яшаши, бир-бирига нисбатан ўзаро таъсир кўрсатиши, яашаш учун кураши) қонуниятларини ўрганади, қолаверса, ўзаро муносабатлар, таъсиrlар оқибатида пайдо бўлган экологик нокулайликларнинг олдини олиш чора ва тадбирларини ишлаб чиқади.

Тирик мавжудотларнинг, организмларнинг тузилиш даражасига мос ҳолатда экология аутозэкология ва синээкологияга бўлинади.

Аутозэкология, ўз навбатида, айрим организмларнинг индивидуал, ўз хусусияти орқали атроф-муҳит билан боғланишини, ҳаётий вазифаларини ўташини, ўша системадан ташқари, алоҳида бошқа компонентлардан ажralган ҳолатда яшашини ўрганади. Шундай қилиб аутозэкология айрим зотларнинг муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганади.

Синээкология деганда, бир гурух организмларни диалектик бирлигига ва ўзаро боғланганлигини ҳисобга олиб ҳар томонлама комплекс ўрганиш тушунилади.

Экологияни конкрет объектлар ва изланиш муҳитларига қараб ҳам синфларга бўлиш мумкин. Масалан, ижтимоий экология (социоэкология), инсон экологиясы, ҳайвонлар экологиясы, ўсимликлар экологияси, микроорганизмлар экологияси ва бошқалар. Ўз навбатида бу гурухларни зоти даражасида, популяция даражасида ўрганиш мумкин, ҳаттоқи буларни сувда, тупроқда, атмосфера, космос бўшлиқларида ҳам ўрганиш мумкин.

Инсон ва инсоният жамияти экологияси алоҳида аҳамиятга эга. Инсон экологияси деганда, биосфера ва антропосистемани ўзаро

муносабатларининг умумий қонуниятларини, инсонга, унинг гурұларига табиий мұхит, ҳаттоқи ижтимоий мұхиттің таъсирини комплекс ўрганадиган мустақıl фан деб түшүнілади.

Хозирғы әмбап экологиясынинг асосий вазифаларини қўйидагича таърифлаш мүмкин:

1. Ҳаёт тузилиши қонуниятларини, шу билан бирга табиий система ва биосферага антропоген фаолиятнинг таъсирини ўрганиш;
2. Табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг асосини яратиш, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида биосферада бўладиган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, биосферада бўлаётган жараёнларни бошқариш, инсоннинг яшаш мұхитини сақлаб қолишининг назарий, амалий томонини ўрганиш;
3. Популяция сонини бошқариб боришни ўрганиш;
4. Агросаноат комплексларида кимёвий воситалар жуда кам ишлатиладиган комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиши таъминлаш;
5. Табиий мұхит ифлосланишининг экологик индикациясини ишлаб чиқиши;
6. Бузилган табиий мұхитни тиклаш, шулар қаторида қишлоқ хўжалик мақсадида фойдаланиб издан чиқсан ерларни, чорва боқиладиган яйловларни, ҳосилдорлиги пасайиб кетган тупроқларни қайта тиклаш, сув ҳавзалари ва бошқа экологик системаларнинг унумдорларгини ошириш;
7. Биосферанинг намуна бўладиган қисмини сақлаб қолиши;
8. Мұхиттің сифатини инсонларга, тирик мавжудотларга зарари тегмайдиган ҳолатда сақлашнинг ҳуқуқий, техник, ташкилий бошқаришнинг, табиий мұхиттің фазилатларини яхшилашни комплекс, стратегик чора-тадбирларини ишлаб чиқиши, қолаверса охир пировардида аҳолининг сиҳат ва саломатлик даражасини кўтариш;
9. Урбанизация жараёнларининг экосистемага тазијиини ўрганиш, унинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиши;
10. Аҳолининг экологик маънавий таълимоти тизимини ишлаб чиқиши, ёшликтан бошлаб узлуксиз таълим бериш услубларини ишлаб чиқиши ва амалиётта татбиқ этиш, баркамол экологик маънавиятга эга бўлган авлодларни тайёрлаш; имкони борича, табиий мұхиттің шахсий манфаатда фойдаланиш оқибатида бузилишига йўл қўймасликнинг қонуний томонларини ишлаб чиқиши ва қонун олдида ҳамма баб-баробар эканини оммага тушуниришни

кучайтириш, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ишини тубдан яхшилаш вазифаси ётади.

3. Биосфера, экологик система, биогеоценоз

Илмий техника революцияси инсон билан табиат орасыдаги муносабатларни ўта долзарб муаммога айлантириб қўйди. Сайёрамизнинг биосфераси инсон фаолиятининг асосий обьекти бўлиб қолди, аммо ҳозиргача инсон организмининг атроф-муҳит ва космик фазодаги ўрнини ва улар билан чукур боғланганлигини тўлиқ билиб етганимиз йўқ. Ваҳолонки, инсоннинг яшаш муҳитига, яъни биосферага антропоген факторларни тазиқи натижасида кўп муаммолар келиб чиқаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Хўш, биосфера деганда нимани түшүнмоқ керак?

1875 йилда австриялик олим, геолог мутахассис Эдуард Зюсс, биосфера тұғрисида изоҳ бериб шундай деди: «Биосфера ернинг алоҳида қобиги бўлиб, тирик организмларнинг ҳаммасини ўз таркибига олади». В.И.Вернадскийнинг фикрича, биосфера бу, планетадаги ҳаётнинг тарқалиш жойи бўлиб, тирик модда ва уларнинг яшаш жойларини ҳам ўз ичига олади. Демак, биосфера ер куррасининг алоҳида қобиги бўлибгина қолмай, у моддадан, энергиядан иборат бўлиб, биотик ва абиотик компонентларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири сабабли ташкил топган.

Бошқача қилиб айттанды, биосфера тирик организмларни ва уларнинг қолдиқларини ҳамда атмосфера, гидросфера ва литосферанинг түрли кўринишдаги тирик организмлар тарқалган қисмини ўз ичига олади. В.И.Вернадский ўз фикрини давом эттириб, ҳаёт биргина турдаги тирик жонлар ҳисобига эмас, балки бир қанча ҳар хил турдаги тирик организмларни бир маконда яшаши ҳисобига пайдо бўлган, бу эса биоценоздир (1967 й.) дейди.*

Ер юзидағи ҳаёт географик, иқлимий шарт-шароитлар билан чамбарчас боғланган, аммо, инсониятнинг тараққий этиши даврида бу факторлар катта аҳамият касб этиши билан бирга, унинг тараққиётида асосий аниқловчи ролни ўйнамаган. Аксинча, географик ва иқлимий шароитларга ва сайёрамизнинг қиёфасига илмий техника тараққиёти, ҳозирги замон ишлаб чиқариш воситалари билан ишлаб чиқариш кучлари таъсир кўрсатмоқда.

* Вернадский В. И. Биосфера. М. 1967 йил.

Инсон ҳаёти энг катта геологик фактордир, бу фактор табиий мұхиттің үзгаришига катта таъсир күрсатмоқда, қолаверса, инсон таъсирида күзатилаёттан үзгаришлар инсоннинг үзини хавф остида қолдирмоқда. Тирик организмларнинг морфологияси, физиологияси ва қар бир организмнинг үзини тутиши, уларнинг эволюцияси натижасыда мұкаммал ишлаб чиқылған қонуният асосида үша шароит билан ҳамоғанғлиги таъминланади (гармонияда бўлиши). Демак, тирик организмларни үша үзгарувчан шароитларга мослашишини (адаптация) оқибати деса ҳам бўлади.

Адаптация деганда шуни тушунмоқ керакки, ташқи мұхит, тирик организм олдига шундай муаммоларни күндаланғ қилиб қўядики, организм үша шароитга кўниши, үша шароитда ривож топиши, соғлом насл қолдириши масалаларини ҳал этиши керак бўлади.

Аммо, адаптация жараёнлари чегарасиз эмас, буни эсдан чиқариш катта хатога йўл қўйишидир. Ҳозирда, инсон томонидан қўйилган ва қўйилаётган хатолар оқибатида турли туман касалликлар, жароҳатлар, ўлимлар инсоннинг кундалик ҳаётидаги воқеликка айланиб қолмоқда. Чунки, экологик нокулайликлар, инсоннинг үша шароитга мослаша олмаслигининг натижасидир. Аммо, инсон үзининг онги, ақл-заковати билан бу нокулайликларни бартараф қилишга қодир.

Қизиги шундаки, баъзи бир чет эллик олимларнинг фикрига қараганда ижтимоий факторлар билан биологик факторлар ўртасыда доимо ихтилофлар чиқаверади. Улар бунинг сабаби, инсон томонидан эришилган ижтимоий ва моддий тараққиётнинг қасоси деб тушунтиришга интилмоқдалар.

Ф. Энгельснинг айтишича, одам үзининг меҳнати билан маҳлуклик, жониворлик ҳолатидан чиқиб кетишга қодир бирдан бир жонивор. Бошқача қилиб айттанды, инсон меҳнати, ақли, онги билан үзига қулагай шароит туғдиришга қодир^{*}.

Инсон табиат ҳосиласи бўлиб, у ўзи яшаб турган табиий мұхитдан холи эмас, аксинча чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам, одамнинг ҳаёт фаолиятини экологик нұқтаи назардан ўрганиш ва ёндашиш замон талаби бўлиб қолди.

^{*} Энгельс Ф. Диалектика природы. М. 1950 йил.

Инсон экологияси тўғрисидаги фаннинг асосий мақсади, йўналиши инсон яшаб турган табиий мұхит билан ва ишлаб чиқариш мұхити билан ўзаро таъсирларини, ўзаро муносабатларини бир-бирларига мос келадиган ҳолатга келтиришдир, шунга шарт-шароит түгдеришдир, акс ҳолда инсон популяцияси орасида жуда кўп, ўзига хос касалликлар, жароҳатлар рўй бериши муқаррар. Соғлик эса, бу бойлик, капитал эса, инсоннинг яшаш шароитини кулагаштиришга, яхшилашга хизмат қилувчи омилдир.

Биосферани ўрганиш экология изланишларининг тўртингчى даври бўлиб, биосфера барча тирик жонлар ва инсоннинг яшашиб макони эканлигини, уларнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқликларини, боғланиш қонуниятларини очиб беради. Биосфера бу планетамиздаги ҳамма экосистемаларнинг бирлигини ва бир-бири билан боғлиқ эканлигини ифодалайди. Биосфера дунёвий модда алмашиниш жараёни, тирик жонларнинг бир-бирларини овқат сифатида ейиш эвазига, қўёш энергияси қатнашган ҳолатда рўй беради. Биосфера бу тирик табиатни ифодалайди.

Шундай қилиб, экосистема ҳар хил турларнинг, организмларнинг биргаликда бир-бирлари ва уларни ўраб турган атроф-мухит билан ҳам ўзаро бир-бутун бўлиб, табиий қонуниятлар асосида яшаш шароитидир. Бунга мисол: ўрмон, яйловлар ва улар кўйнидаги жониворлар экосистмани ташкил қиласди. Демак, экосистема табиатнинг жонли ва жонсиз компонентларини бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатиб, ҳаётий жараёнларини таъминлайди. «Экосистема» ибораси инглиз олимни эколог Тенсли томонидан 1935 йилда фанга киритилган. Ваҳолонки, бу ибора бўлмасдан экосистема тўғрисидаги фикрлар анча илгари пайдо бўлган. Аниқроғи, экосистема тўғрисидаги фикрлар ўтган асрнинг охирларида Америка, Европа ва рус олимларининг экология тўғрисидаги асарларида ва илмий адабиётларда шакллана борди.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё республикаларида, яъни илгариги Туркистанда, Турон ўлкасида экогигиена, экосистемалар тўғрисида X ва XI асрларда фикр юритилган. Ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида, Исмоил Журжоний ўз асарларида экология, экосистема атамаси бўлмасада, экологик қулагай шароитларнинг инсон учун яратилишини ўша давлардаёқ аниқлаб беради. Ибн Сино табиат мұхити атмосфера ҳавосини, сув ва сув ҳавзалари тўғрисидаги,

аҳолининг турар, яшаш жойларида қандай экологик ҳолат бўлиши кераклигини ўзининг ўлмас ноёб асарларида ёритиб кетганлар.

Жумладан, Ибн Сино ўзининг “Тиб қонуңлари” китобида, инсон саломатлигини сақлаш мақсадида турар жойларни ер майдонининг соғ тупроқса эга бўлган жойида қуришни таклиф этади, рельефи баландроқ, шабода эсадиган, кунгай жойда қурилишини бир неча бор уқтиради. Шу билан бирга пастқам ботқоқлик ёки намлиги кўп жойларда яшаш касаллик келтиришини ҳам айтган. Алломанинг, экология тўғрисидаги фикрлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Журжоний ўз асарларида одамларнинг касалланиши қуйидаги сабаблар таъсирида пайдо бўлишини илгаритдан айтиб кетган, яъни тоза ҳаво ва иқлим, дори-дармон, уйқу ва уйқусизлик, жисмоний ҳаракат ва ҳаракатсизлик, ҳаддан ташқари хурсандчилик ва хафагарчилик, организмга моддаларнинг кириши ва ундан ажралиб чиқиши катта аҳамият касб этади.

Журжоний сувнинг таркибидаги темир моддаси, умуман организмга, буйрак, меда-ичак ва жинсий аъзо органларининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, шўр сув эса, аксинча, қонни ўзгартиради, ич кетказади, буйракда, ўт ва сийдик қопларида тош пайдо қиласди, деган фикрларни айтиб кетиб, яъни экологик тоза сувдан истеъмол қилинишини кўзда тутган. Булоқнинг фильтрланган сувини тоза сув деб, баҳолайди.

Мұхаммад Омолий, одамлар саёҳатта чиққанларида тоза сув, озиқ-овқатларни истеъмол қилишга даъват этиб, экогигиенада айтиладиган фикрларни олдинга суради.

Экосистема, яъни табиий мұхит системаси, организм билан табиатнинг бирлиги ва табиат мұхитида бўладиган ўзгаришлар албатта одам организмида ҳам турли ҳолатда кечишини, одам организмига таъсир этиши олдиндан айтиб кетилган. «Экосистема» тушунчаси ва «биогеоценоз» тўғрисидаги тушунчалар анчагина бир-бирларига яқин.

Биогеоценоз тўғрисида тушунча В. Н. Сукачёв томонидан табиатдаги тўда, гала сўзини белгилаш мақсадида «биогеоценоз» атамасини яъни, биос — ҳаёт, гео — ер, ценоз — тўда деган маънони берувчи сўзни фанга киритди. «Биогеоценоз» ва «экоистема» тушунчаси бир-бирига яқин, лекин бир хил эмас*.

* Сукачев В. И. Основные понятия лесной биогеоценологии. В кн. Основы лесной биогеоценологии. М. 1964г.


Демак, «биогеоценоз» ер юзасининг маълум даврда ва маълум кенглигидаги юзата келадиган бир-бираға ўхшаш табиий ҳодиса, бунда табиат компонентларининг (атмосферадаги тоғ жисмлари, ўсимлик, ҳайвонот ва микро организмлар дүнёси) ўзига хос, ўзаро таъсири заминида аниқ типдаги энергия ва модда алмашиниши жараённи табиаттинг бошқа ҳодисалари билан диалектик бирликда ҳаракатланади, ривожланади, бу жараёнлар ички зиддиятларсиз ўтмайди. Экосистемани, бир қанча биогеоценозлар ташкил қиласы. Шундай қилиб, экосистема маъноси «биогеоценоз»га қараганда кенгрөк, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай биогеоценоз бу ўзига хос экологик системадир. Биогеоценоз, ер юзасидаги, биосферадаги ҳаёттады.

Биологик нұқтаи назардан экосистеманинг компонентларига қуйидагилар киради:

1. Ноорганик моддалар C, C_2, H_2O , булар модда айланишида қатнашади;
2. Органик моддалар, бирлашмалар (оқсил, карбон сувлар, гумус моддалари ва бошқалар), булар жонсиз ва жонли табиатни боғловчи омиллардир;
3. Ҳаво, сув ва иқлим режимига аралашып кетувчи мұхит ва физик факторлар;
4. Мустақил маңсулот ишлаб чиқувчи автотроф организмлар, асосан күк ўсимліклар, улар, оддий ноорганик моддалардан озуқа ишлаб чиқадылар.
5. Фаготрофлар ёки озуқаларни еб ютиб юборадиган ҳайвонлар, булар бошқа организмлар ёки органик моддаларнинг бўлаклари билан овқатланадиган жониворлар.
6. Гетеротроф организмлар, булар асосан микроорганизмлар ва могорлар, булар ўлган тўқималарни парчалаб ёки эритиб, ёки ютиб юбориб шулар ҳисобига энергия олади.

*Ю.Одумнинг (1986) фикрича сапротрофлар фаолияти натижасида, озуқаларнинг ноорганик элементлари ажралиб чиқади, бу элементлар маңсулот берувчи организмларга керак бўлган моддалардир, яъни сапротрофлар юқори даражадаги организмлар учун озуқа беради ва улар, ўз навбатида, гармонга ўхшаш моддалар ишлаб чиқиб экосистеманинг биотик компонентлари функцияларини ривожлантиради, кучайтиради.

* Одум Ю. Экология. М. Мир 1986 г.



4. Экологик факторлар ва уларнинг синфлари

Ҳар қандай тирик жон экологик омиллар билан боғланган бўлиб, улар иккига бўлинади:

1. Жонсиз табиий факторлар, яъни абиотик омиллар.
2. Жонли табиат факторлари, яъни биотик омиллар.

Экологик факторлар (омиллар) бу табиий мухит, ҳар қандай шарт-шароитда тирик жонларга билвосита ёки тўғридан тўғри унинг тараққиёти, ривожига яшаш давомида таъсир кўрсатади.

Бу таъсиротларга организм ўзига хос реакция билан жавоб беради, яъни бу адаптация мосланиш реакцияси, ёки мослаша олмай ўлиб кетиши, йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Организмнинг ривожи, кўпайиши, нормал ҳолатда яшashi учун қулай табиий мухит бўлишини тақозо қиласи.

1-жадвал

Экологик факторлар мухитининг классификацияси
(Н.Н.Паноморевадан, (1975 й.) келтирилади)

АБИОТИК факторлар	БИОТИК факторлар
Иқлимий факторлар: ёруғлик, ҳарорат, намлик ҳаво ҳарорати, босим	Фитоген факторлар: ўсимлик дунёси
Эдафоген факторлар: (эдафос — тупроқ деган сўз) механик таркиби: ҳаво ўтказувчанлик, намлик тортиши, зичлиги	Зооген факторлар: ҳайвонлар дунёси
Орографик факторлар: ернинг рельефи, денгиз сатҳидан баландлик, тепалик, тоғлик жойларнинг ёнбагри кўриниши, жойланиши	Микробиоген факторлар: вируслар, оддий ҳужайралар, бактериялар, риккесиялар
Кимёвий факторлар: ҳавонинг газли таркиби, сувнинг тузли таркиби, концентрацияси, нордонлиги(pH), тупроқдаги эритмаларнинг таркиби	

5. Атроф-мухиттинг абиотик факторлари

Атроф-мухиттинг абиотик компонентлари иқлимий ва тупроқ گрунт факторлари бўлиб улар ҳар доим, бир-бирларига ва турли организмларга ўз таъсирини ўтказиб турувчи ҳаракатдаги элементлар.

Асосий иқлимий факторлар:

1. Қуёшning нурли энергияси. Булар бўшлиқда электромагнит тўлқинлари сифатида тарқалади. Қуёш радиациясининг 99 фоизга яқин энергияси узун тўлқинли нур бўлиб $0,17\text{--}4,0$ мкм га тенг. Шулар ичидаги 48% кўзга кўринарли қисмининг (спектрини) тўлқин узунлиги $0,4\text{--}0,76$ мкм га тенг, 45% инфра қизил нурлар бўлиб, уларнинг тўлқин узунлиги $0,75$ мкм дан 10^{-3} м га тенг, 7% га яқини ультра фиолет нурини ташкил қилиб, тўлқин узунлиги $0,4$ мкм дан камроқ. Ердаги тирик жонларнинг ҳаёти учун қуёшнинг инфрақизил нурлари аҳамиятлидир, қизғиш, тўқ сариқ ва ультрабинафша нурлар фотосинтез жараёнларида муҳим рол ўйнайди.

Ер юзасига атмосферадан ўтиб келадиган қуёш нури энергияси доимий бўлиб, тахминан $21 \cdot 10^{23}$ Жоулга тенг. Аммо, қуёшнинг энергия кучи ер куррасининг ҳамма минтақаларига бир хилда тушмайди, чунки у куннинг узунлигига, нурларнинг тушиш бурчагига, атмосфера ҳавосининг тиниклиги, очиқлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Қуёш энергияси Ер юзасида шимилиб қолибгина эмас, балки бир қисми орқасига қайтади. Қуёш нурининг орқага қайтиши ер юзасини қандай рангга эта эканига жуда боғлиқ, яъни ёруғ ранг қуёш нурини қора рангта қараганда кўпроқ қайтаради. Мисол, оппоқ қор қуёш нурини $80\text{--}95\%$, ифлосланган қор $40\text{--}50\%$, қора тупроқ 5% , қуруқ лойли тупроқлар $35\text{--}45\%$, хвойли ўрмонлар $10\text{--}15\%$ қуёш нурини қайтарадилар. Бундай ҳодисаларни тирик жонлар ҳаётига салбий ёки ижобий таъсир этиши катта аҳамият касб этади.

2. Ёруғлик. Ер юзи ёруғлиги қуёш нури энергиясига боғлиқ бўлиб, куннинг узун ёки қисқа бўлишини аниқлайди. Ернинг айланиши куннинг ёруғлик ва қоронгулик даврини алмашиб туришини таъминлади. Ёруғлик тирик организмлар учун ўта аҳамиятга эга бўлиб, кеча ва кундуз бўлишига организмлар мослашади. Шунинг учун ҳам, инсон ва ҳайвонот оламидаги жонсиз

жониворлар куннинг ритмли активлигига зә. Мисол, баъзи бир ўсимликлар фақат кундузу очилади, инсонни активлиги кундузу ошиб боради, кечаси аксинча, дам олади ва ҳоказо.

3. Намлик. Атмосфера ҳавосининг намлиги уни сув парлари билан түйинганлитидандыр. Атмосферанинг пастки қавати (1,52 км) намликка бой бұлып, таҳминан ҳамма намликни 50% га зә. Ҳаводаги сув парларининг миқдори ҳавонинг ҳароратига боғлиқ. Атмосфера ҳавосининг намлиги инсон организмини физиологик ҳолатига катта таъсир күрсатади, айниқса, организмда касалык бұлса, уни таъсири ҳам юқоридир. Ҳаво намлиги уни сув парлари билан түйинишига жуда боғлиқ, аммо күпинчә ҳаво пари билан түйиниши эңг юқори чегарага етмайды, қандайдир миқдор тұла түйинишига етмайды, үргада тұла түйиниши билан тұла түйинмаслиги фарқи қолади, яъни намлик етишмовчилеги. Намликтининг иккінчи фарқи, ҳаво ҳароратини ва ҳаво намлиги күрсатқичларини аниқлады. Ҳаво намлиги етишмаслигининг баландлығы қуруқ ва иссиқликни күрсатади. Намликтининг етишмаслиги ўсимликтің вегетация даврида күпроқ маҳсулот берішини таъминлайды, ҳашаротлар ҳам шу даврда тезроқ күпаяди. Шундай қилиб ҳаво намликтининг аҳамияти жониворларнинг күпайишига, ўсимлик дүнеси маҳсулотига қандайдир имконият туғдирағынан омиллардан ҳисобланади.

4. Ҳавонинг газлы таркиби. Одатда ҳаво, асосан азот ва кислороддан (оксигендан) ҳамда озрок диоксид карбон, аргондан иборат. Бошқа газлар, номига учрайди. Атмосферанинг юқори қаватида азон гази ҳам мавжуд. Одатда, ҳаво таркибіде чант заррачалари, сув томчиларининг заррачалари, тутун ва бошқа моддаларнинг оксидлари учраб туради. Азот мұхим биоген элемент, оксид моддаларининг структура қурилишида қатнашади. Оксиген ўсимлик дүнеси таркибидан үтиб, ер куррасыда содир бўладиган оксидланиш тикланиш, модда алмашиниш жараёнларида актив қатнашадиган газдир. Диоксид карбон зарур газ бұлып, ўсимлик барглари, океан фитопланктонлари томонидан шимилиб қуёш нурининг ультрабинафша спектри таъсирида фотосинтез реакциясыга кируди ва кислородни ҳосил қилишда, ўсимлик маҳсулотларини ҳосил қилишда қатнашадиган компонент ҳисобланади. Ҳавонинг тиниқлигига ҳаводаги чант заррачалари, тутун, гигроскопик ҳолатидаги тузлар, қаттық ва суюқ ҳолатидаги оксидлар таъсир қилиб, атмосфера орқали қуёш нурини үтишига таъсир күрсатувчи омиллардир.

5. Ер юзасининг ҳарорати. Атмосфера ҳаво режими билан аниқланади ва қўёш нурининг иссиқлик нурланиши билан чамбарчас боғланган. Ернинг горизонтал юзасига қўёшдан тушадиган иссиқлик тўғридан тўғри уфқ устида турган қўёшнинг синус бурчагига мос келади. Шунинг учун ҳам, бир хилдаги минтақаларда ҳам, ҳароратнинг кундалик ва фаслларга қараб фарқланиши кузатилади. Шунга қараб ер шарининг ҳамма юзаси шартли равища поясларга (минтақаларга) бўлинган. Территорияларнинг шимол ва экватордан жануб кенгликларида Ернинг юзасига нисбатан қўёш нурининг тушиш қиялиқ бурчаги кўпроқ бўлса, ўша жойларнинг иқлими совуқроқ бўлади. Жониворларнинг ҳаёти учун минтақаларнинг иссиқ ёки совуқ иқлими аҳамиятлидир.

Ҳаво массасининг ҳаракати. Ҳаво ҳаракати одатда ер юзасининг ҳэр хил исишига, босимларни фарқли ўзгариб туришига боғлиқ. Шамол доимо босим камроқ бўлган томонга йўналади. Ернинг айланиш кучи ҳам ҳавони айланишига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳавонинг ерга яқин қаватидаги ҳаракати иқлимининг метеорологик элементларига, жумладан: ҳаракат, намлик режимига, Ер юзасидаги бугланиш ва ўсимлик транспирациясига ўз таъсирини кўрсатади.

Шамол атмосфера ҳавосидаги аралашмаларнинг бир жойдан иккинчи жойга тарқалишига, уларнинг йўналишига, бўлинишига таъсир кўрсатувчи омилдир. Шамол инсоннинг психофизиологик жараёнларига, ҳолатига таъсир этиб кўп касалликларнинг қайтарилишига сабаб бўлади, ҳайвонларнинг ҳаракатини оширади. Эксинча, секин ҳаракатланувчи сокин шабада одамга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг кайфиятини яхшилаб, организм ҳолатини енгиллаштиради.

Атмосфера босими. Атмосферани босими 750,1 мм симоб устунига мос келса, ундан босим нормал ҳисобланади. Ер куррасининг шундай минтақалари борки, атмосфера босими доимо баланд ва паст бўлади, шу билан бирга шундай нуқталар борки, уларда босим кунга қараб юқори ва паст бўлиши кузатилади. Шунингдек, денгиз ва континентал типидаги ўзгарадиган босимлар ҳам мавжуд.

Вақти-вақти билан паст босимли зоналарда пайдо бўладиган кучли ҳаво оқими айланма спирал типида бўшлиқдан марказга ҳаракатланиб циклонларни юзага чиқради. Циклонлар турғун бўлмаган об-ҳавони, кўп миқдорда ёғингарчиликни олиб келадиган жараёнлардир. Атмосфера ҳавосининг босими ўзгариб туриши кўп

жиҳатдан инсон организми, юрак қон томир системасига ўз таъсирини кўрсатади.

6. Биотик факторлар

Биологик факторлар деб, бир қанча тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти, бошқаларига таъсири тушунилади.

Ҳайвонларнинг, ўсимликларнинг, микроорганизмларнинг ўзаро муносабатлари фавқулодда кўп қирраликдир. Бундай ўзаро муносабатларга кўрсатиладиган таъсиrot гоҳо тўғридан тўғри бўлади, гоҳо билвосита таъсир бўлади.

Мисол, биринчи ҳолатда организмларнинг ўзи тўғридан тўғри бошқа организмларга ўз таъсирини кўрсатса, иккинчи ҳолатда эса, масалан, ўсимликнинг борлиги абиотик факторлар режимини ўзгартириб, ҳайвонларга ва бошқа ўсимликга бошқача шароит туғиради.

Ҳар қандай ҳолатда бир қанча ўсимлик турлари мухитни абиотик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўсимлик дунёси. Ер қаърида бирламчи органик моддаларни пайдо қиласди, шу билан бирга бошқа ҳамма ҳайвонларни энергия билан таъминлайди, яъни бу жараён озиқланиш оқибатида вужудга келади. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай тирик организм ёки ўсимлик ўзига керакли овқатларни олади. Ҳайвонот дунёсида шундай турлар борки, улар фақат ўсимликни истеъмол қилиб яшайди ёки бошқа турдаги ҳайвонларнинг бирортасини еб кун кўради, баъзилари ҳайвонларни кўп турларини ҳам еявверади. Ҳаёт шуни тасдиқлайдики, ҳайвонлар ҳам, ўсимлик дунёси ҳам, микроорганизмлар ҳам жуда кичик ўзгаришларга ҳам сезгирдирлар, айниқса, мухитнинг рНига.

Жумладан, агар сув танқислиги рўй берса, ўсимлик тупроқдаги озиқий элементларни ассимиляция қилишга ожиз бўлиб қолади, аксинча сув миқдори кўпроқ бўлса, ўсимлик қуриши мумкин, анаэроб шароит туғилиши, тупроқни шўрланишини вужудга келтириши аниқдир.

В.Шелфорд фикрича, ҳар бир табиий жараёнда қатнашашётган факторларнинг кўпроқ бўлиши ёки камроқ бўлиши (организмларга нисбатан) лимит кўрсаткичи бўлади. Бу лимитни табиий атроф-мухит муҳофазасида ишлатса бўлади, яъни зарарли омилларнинг нормадан ошиб кетиши атмосфера ҳавосини, сув ҳавзалари түвини, тупроқни, озиқ-овқатларни заарлайди, улар эса одам организмига зарар бериши мумкин.

Хайвонот дүнәси. Ҳайвонлар ўртасида күп тарқалған ўзаро муносабат, ҳайвонлар ўртасида тарқалған йиртқычлик, бир турдаги ҳайвонлар иккинчи турдаги ҳайвонларни таъқиб қиласы да еб юборади, ҳашаротларни эса құшлар еб күяди. Охир пировардида одам жасади ерга күмилиб қорт-құмұрсқаларга, микроорганизмларға ва бошқаларға емиш бўлади. Ҳашаротлар, қуртлар ва бошқа жониворлар ўртасида ҳам йиртқычлари маълум.

Бошқа турдаги ўзаро муносабат бу ҳар хил шаклдаги паразитизмдир. Бунда тирик организм, бошқа турдаги организмни ичига жойлашиб олиб, ўзини хұжайининг нисбатан паразиттік қиласы. Масалан, ҳайвонлар ва одамларни ички организмларига кириб олган гельминтлар ёки йиртқыч ҳашаротлар — битлар, бургалар, каналар ёки оддий хұжайралы организмлар одам ва ҳайвонларда хавфли касаллик чиқарувчилардир.

Баъзи бир ҳашаротлар ўсимликнинг маҳсулоти ва барглари билан овқатланиб, уларға зарар келтиради. Шундай қилиб, умум экологик нұқтаи назардан қараганда уларнинг ҳаммаси экосистема элементлари, улар ўзаро бир-бирига керак, бир-бирларига ўзаро таъсир күрсатыб, табии танланишни амалга оширадилар, бошқача таърифланса, бу энг зарур бўлган табиий эволюцион жараёнлардир.

Табиий шароитда бир турдаги жониворлар иккинчи турдаги жониворларни йўқ қилиб юборишга интилмайди. Агарда бир тур иккинчи турни йўқотишга уринса ўзи ҳам йўқ бўлиб кетади. Шу ҳолатларнинг ҳаммаси инсон экосистемани оқилона бошқарилиши популяциялардан оқилона фойдаланилиши, ташкил қилинадиган чора-тадбирларни ўйлаб, келажакда экосистема элементларига бевосита келадиган заарларни ҳисобга олиб иш қилишни талаб этади.

II боб. Ижтимоий-экологик муаммоларни ечишда экологиянинг аҳамияти

Инсоннинг антропоген фаолиятининг атроф-муҳитта, қолаверса, экосистемага оғир юқ эканини, унга ўта оғирлик қилаётганини инсоният энди сеза бошлайти. Табиий ресурслардан шиддатли равишида фойдаланиш, жамиятнинг экосистемага кучли таъсири фойдали қазилмаларнинг тобора камайишига олиб бормоқда. Бундай ҳолатнинг келиб чиқишига икки сабаб бор: биринчиси, инсон популяциясининг(демографик жараённинг) ниҳоятда тезлик билан ортиб бориши, табиий экологик системани йўқ қилишга ёки ўзгартиришга олиб бормоқда. Бундай ҳолат инсон популяциясининг экосистемага нисбатан трофик муносабатидадир, бу эса, ўз навбатида, моддаларни, энергияни инсон популяцияси орқали ҳаракатланишини таъминламоқда. Иккинчидан, инсон жамиятнинг техник тараққиёти ва экосистемадан фойдаланишда кучли техникани ишлатишидадир.

Шундай қилиб, инсон популяцияси ўзининг мақсадига эришиш учун кучли техника ёрдамида, биогеоценозларни бутун ер куррасида ўзгартириб юбормоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб инсоннинг антропоген фаолиятини ижтимоий экология даражасида ўрганиши, айниқса, экосистеманинг структура ва функциясига таъсирини ўрганиш вазифаси туради. Табиий муҳитнинг тобора ўзгариб бораётганини, тирик жонларнинг ўзгараётган шароитларга мосланишини, мослашиб механизмларини, экосистемага ташшанаётган катта миқдордаги чиқинди юкларнинг нормаларини аниқлашни, технологик жараёнлар лойиҳалари ишлаб чиқилаётганда эколог гигиенистларнинг актив қатнашишини тақозо қиласди. Акс ҳолда, технологик жараёнларнинг мукаммал эмаслиги эвазига атроф-муҳит ортиқчасига ифлосланиши, экосистемани деградацияга олиб боришини олимлар аллақачонлар билиб етдилар.

Ҳозирда, экосистемани қайси компонентларига инсоннинг антропоген фаолияти таъсир кўрсатаётганилиги, таъсир этишини ўрганиш қайси йўналишда олиб борилиши тўғрисида К.А. Малиновскийнинг фикрларини келтирамиз.

1. Абиотик муҳитидаги ўзгаришлар. Бу ўзгаришлар одатда абиотик

факторларга олдиндан ўйлаб таъсир кўрсатиш оқибатида ёки инсоннинг антропоген фаолиятининг оқибатида келиб чиқади. Бундай ўзгаришлар абиотик омилларга мослашиб яшётган биотик омилларни қайтадан мослашишига олиб келади, агар ўзгарган шароитга мослаша олишни уддасидан чиқмаса популяциялар қирилиб кетиши мумкин. Чунки, абиотик омиллардаги ўзгаришлар ўзининг гирдобига гидрогеологик, геологик, метеорологик шароитларни бузиб ташлаши, яъни тупроқ, сув, ҳаво таркибининг ўзгариб кетиши тирик жониворларни ўзгарган муҳитта бўладиган реакцияси улардаги физиологик функцияларни, биологик кундалик ритмларни ҳам бузишга олиб боради.

Бундай ўзгаришлар, саноат корхоналарининг ташқи муҳитга чиқариб ташланаётган чиқитлари, мелиоратив ишларни олиб бориша кечайётган жараёнлар, қишлоқ хўжалигида нотўғри, меъёридан кўп ишлатилаётган минерал ўғит ва заҳарли химикатлар, шаҳарларда, мегаполисларда бўлаётган урбанизация жараёнлари ва бошқалар оқибатида пайдо бўлмоқда.

2. Инсоннинг антропоген фаолиятининг биотик омилларга тўғридан тўғри таъсир этиши оқибатида ҳам биотик омилларни ҳаётий фаолиятини ёки тезлатишига, ёки секинлатиришга олиб боради. Айниқса, техник жараёнларнинг муҳит шароитига таъсири анчагина кучлидир.

3. Техник жараёнларни тўғридан тўғри тирик организмларга таъсир кўрсатиши мувозанатни бузиб юборади. Жумладан, маҳсулотларни ер майдонидан механизмлар ёрдамида йифишириб олиш, ёки уларга ўсиш даврида заҳарли моддалар билан ишлов бериш, автомобил, поездлар ҳаракати, катта йўллар куриш, кечалари сугориш ишларини олиб бориш ва бошқалар. Сунъий равища популяцияларни бўлиб ташлаш, ёки биогеоценозларни техник жараёнлар ёрдамида чегаралаб ташлаш, масалан, дамбалар куриш, ўрмонларни йўқотиш ҳисобига транзит йўлларни куриш, мисол трансамазония йўллари, транссибир йўллари ва ҳоказо.

4. Биотик омилларга тўғридан тўғри таъсир кўрсатиш. Масалан, фойдали ўт-ўланларни йиғиб олиш, ҳайвонларни отиб ўлдириш, балиқларни кўп миқдорда овлаш ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси популяцияни йўқ қилиши мумкин. Албатта, экосистеманинг биогеоценозлари, биотик омиллари инсоннинг антропоген таъсиридан шундай ҳолатга келадики, уларнинг ўзи инсонни ўзига қарши, унинг соғлигига қарши акс таъсирини кўрсатади. Бошқача

қилиб айттанда, бу қайтар дүнёдір. Бундай ҳолат фақат экосистемага таъсир қилибгина қолмай космик фазога ҳам ўз таъсирини күрсатмоқда. Бундай ҳолатни бошқараётган жамият охир пировардиде бу таъсирни ўзида ҳам сезади. Масалан, ақоли генефондининг ўзгариб кетиши, ўсимлик дүнёсига келаётган қирғинлар, борган сари ўрмонларнинг ёнаётгани, катта-катта регионларнинг сувни тагида қолиб кетиши инсон жамиятида кетаётган жараёнларни ўзгартириб юбормоқда.

Шунинг учун ҳам экология фанининг асосий вазифаси, инсон ва унинг тараққий этаётган ва ривожланыётган техникасининг жамиятдаги, табиий экосистемадаги бұлаётган ўзгаришлардаги ролини ўрганишдір. Бундай илмий изланишлар фақаттана назарий ақамиятга эмас, балки амалий ақамиятга ҳам эга эканини билмоқ зарур. Ҳозирда, далиллар асосида, экосистеманы инсонлар, ҳайвонылар дүнёсі өсіріп, биомассаның нормал яшашы учун қулай бўлишини таъминлашга мўлжалланған чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати, айнан XXI аср талаби бўлиб қолмоқда. Аммо, буюк алломалар, мутафаккир доно инсонлар томонидан биз яшаб турган эрадан илгари ҳам табиат ва тирик организмлар орасидаги ўзаро муносабатлар кўриб чиқилган, жумладан, бу жараёнларга Аристотел, Теофрестом, Гиппократ ва бошқалар ўзларининг асарларида ақамият беришган. Албатта, инсониятнинг дастлабки тараққиёти даврида кўпроқ биологик омил сифатида ўз функцияларини бажарган бўлса, унинг ҳаётини асл мазмуни ҳам, биологик жараёнга тааллуклиги ижтимоийликдан устун бўлмаган. Қачонки, инсоният жамияти ўтакатта кучга айлангач, ўзининг хўжалик фаолияти билан табиатда кетадиган жараёнларга, унинг экосистемасига таъсир кўрсата бошлади, яъни катта миқдорда табиий ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш маҳсулотининг ёнг кучли механизмларини табиий ресурсларни ўзлаштиришга йўналтириш, саноат ва хўжалик фаолиятидан ҳосил бўлган катта миқдордаги чиқитларни сув ҳавзалари, атмосфера ҳавосига месъердан ортиқ даражада ташлаш, ер юзасида ахлатхоналар пайдо бўлишининг сабабчиси бўлиб қолди. Инсон, катта ижтимоий кучга айланыб, ижтимоий экология мұаммоларини келтириб чиқармоқда.

1. Ижтимоий экологиянинг шаклланиши ва ривожланиши

В.М.Вернадскийнинг ибораси билан айтганда, келажакда экологик муаммолар инсоният жамиятининг табиий муҳит ўртасидаги модда ва энергия алмашиниши жараёнларини инсониятнинг бошқара олишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолди. Чунки, инсоният жамияти биосферада бўлаётган модда ва энергия алмашинишига катта таъсир этувчи кучга айланмоқда. Натижада дунёвий экосистема, дунё миқёсидаги ижтимоий экосистемага айланмоқда. Ижтимоий экосистема, бу биосферада бўлаётган жараёнларни ақл-идрок билан ҳал этиладиган ноосферага айланиши керак деб умид қилган эди.

Бундай умидларга жавоб топиш учун, жуда мураккаб бўлган ижтимоий экосистемани (социоэкосистема) чуқурроқ ўрганишни, экосистема компонентларида кетаётган жараёнлар қаридаги қонуниятларни бир-бирига боғлиқ эканлигини, бир-бирига таъсир этиш қонуниятларини очиш, инсоннинг нормал ҳаётини таъминлайдиган экосистемага ўхшаш моделларини ишлаб чиқиши тўғрисида фикр юритиш, унинг ривожи келажак натижаларини олдиндан тушуна билиш, кўра билишни ўрганиш тақозо қилинади. Бундай оғир мураккаб жараёнларни ўрганишга жуда кўп фанларнинг биргаликда илмий изланишлар олиб бориши талаб этилади. Булар табиий, ижтимоий, техник фанлар ва ижтимоий экология фани. Ижтимоий экология фани анча ёш, ўз олдига катта вазифларни қўя оладиган фанлар қаторида туроди дейишга умид боғласа бўлади. Чунки, бу фан биологик экология заминида пайдо бўлиб, инсоният жамиятида энг керак зот, инсон ва унинг популяцияси сиҳат-саломатлигини ўйлайдиган, унга экологик қулай яшаш мухитини яратишга мўлжалланган изланишларни олиб борувчи фан сифатида танилмоғи керак. Ижтимоий экологияга 1966 йилда Жаҳон социологларининг конгресси асос солди. 1970 йилда Варна шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи Жаҳон конгрессида ижтимоий экологияни ривожлантириш мақсадида дунё социологларини бирлаштириш учун илмий текшириш комитети ташкил қилинди. Шу асосда ижтимоий экологияни социологиянинг мустақил бир қисми деб тан олинди. Бу воқелик ижтимоий экология фанининг ривожига ва аниқ предмет бўлишишга зўр туртки бўлди. Ижтимоий экология фани кўп фанларни

богловчи фандир, унинг изланиш, ўрганиш обьекти инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари қонуниятлариридир. Бу фан ижтимоий, табиий муносабатларни қулайлаштиришни, бир-бирига мослаштиришни ҳамда ижтимоий экосистеманинг эволюцион жараён заминида ривожланишини таъминлайдиган предметдир. Ижтимоий экология тирик жонлар экологиясидан, ер курраси экологиясидан тубдан фарқ қиласи. Бу фан инсон, жамият ва табиий мұхитнинг ўзаро асосли чуқур боғланғанликларини, бу боғланишларнинг механизмлари қонуниятларини очиб беради. Бошқача айттылганда ижтимоий экология материянинг ҳар қандай шаклдаги ҳаракатининг ижтимоий ўзаро боғланиш қонуниятларини системали равища комплекс ўрганади. Г.А.Барчинский ибораси бүйіча талқин қилинса, ижтимоий экология фундаментал илм манбаи бўлиб, унинг фундаменти материалистик диалектика ҳисобланади. У жуғрофиянинг иқтисодий ва табиий фанларни биоэкология, инсон экологияси, мухандислик, қолаверса экология соҳасидаги бошқа фанларни бир-бутун яхлит қилиб ўрганишга даъват этади.

Ижтимоий экологиянинг назарий томони, инсон жамиятининг табиий атроф-мухит билан ўзаро таъсири қонуниятларини ўрганади, жамият билан табиатни ўзаро балансли (бир-бирига зарар бермайдиган) таъсир этиши чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Бу фаннинг амалий томони, регионал (маҳаллий) локал ижтимоий-экологик система моделида (қолипида) уларни комплекс ҳолатда ўрганиб, энг қурай функционал ижтимоий структурасини (тузилишини) билмоқ ва бошқариш ҳисобланади. Мақсад, инсониятнинг дунёвий экологик муаммоларини илмий асосда ҳал этиштириб. Бошқача қилиб айтганда, кўп эколог олимларнинг фикрича, ижтимоий экологиянинг асосий мақсади, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатларини мослаштириш, яратиш, сифат жиҳатдан янги антропоген компонентлар заминида санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, инсонларни табиатга бўлган талабини қондирадиган регионал, минтақавий ижтимоий экосистема структурасини ишлаб чиқиш ва яратиш вазифаси ётади.

2. Ижтимоий-экологик система — бу ижтимоий экологияни ўрганиш объекти

Умумий экология сингари ижтимоий экологиянинг ҳам ўзининг ўрганиш объекти бор. Бу ижтимоий-экологик системадир.

Ижтимоий-экологик система бу, биргаликда кўпчилик, ҳар хил ижтимоий гурухларнинг, популацияларнинг умумий ҳолда, диалектик бирликда ва ўзаро бир-бирлари ва атроф табиий мұхит билан ижтимоий-иктисодий тартиблика яшаш маконидир.

Ижтимоий-экологик система дунёвий (глобал) катта, регионал (минтақавий), маҳаллий экосистемаларга бўлинади.

Инсоният жамиятиянинг ҳаммаси қаерда, қайси ҳолатда бўлмасин сайёрамизнинг табиий мұхитлари билан ўзаро боғланниб бир-бирларига таъсир кўрсатиб ҳаракат қиласидилар. Минтақавий ва маҳаллий экологик системада инсон жамияти гуруҳи табиий атроф-мұхит билан ўзаро боғланган ҳолатда ўша минтақа ва маҳаллаларда маъмурий хўжалик бошқарувида бўладилар.

Ижтимоий экосистема

I-схема



Яъни, давлатта, маъмурий вилоятларга оид ва шаҳар, туманларга оид, йирик қишлоқ хўжалик корхоналарига оид экологик системалар мавжуд. Шундай қилиб, ижтимоий экосистемани босқичма босқич бир-бирларига бўйсунадиган структураси (тузилиш) ташкил топади. Булар, ўз навбатида, асосий икки тартибдаги ижтимоий эколгик системанинг, яъни табиий ва ижтимоий-иктисодий системалардан, уларнинг ўзи ҳам жонли ва

табиатдан ҳамда демографик ва хұжалик, ижтимоий-иктисодий экологик системадан иборатдир.

Булардан ташқары қаралған турли компонентлардан иборат. Жүмладан, табиий система үз ичига: ер қобиғини, тупроқни, үсімліктерни, ҳайвонот дунёсіні, юза ва ер ости сувларини, атмосфера қавосини олади, үз навбатида, ижтимоий-иктисодий экосистема үз ичига ақолини, биноларни, ишлаб чиқариш корхоналарини, муҳандислик иншоотларини, турли коммуникацияларни (темир ва алоқа йүллари ва бошқаларни) транспорт ва инсоннинг хұжалик фаолиятига тегишли ҳамма объектларни үз ичига қаралған олади (1-схемага қаранг).

Ижтимоий экосистема динамик система бўлиб, унга қарашли ҳамма компонентлар доимо ўзгариб туради ва ўзаро биргаликда ҳаракат қиласи. Нормал ривожланаётган ижтимоий экосистема доимо динамик мувозанатда туради, агар экосистема ривожида унинг бирор антропоген компонентида ортиқча зўриқишиш пайдо бўлса экосистемадаги мувозанатни бузади ва ижтимоий экосистемада инқироз юзага келади. Бундай ортиқча зўриқишишларниң иктисодий-ижтимоий оқибатлари яхшиликка олиб бормайди.

Мисол учун Ўрта Осиё республикаларидаги ижтимоий экосистемадаги инқирозли ҳолат, бу ҳудуддаги табиий ва ижтимоий экосистема компонентларида кузатилаётган ўзгаришлар Орол муаммосини келтириб чиқарди. Пировардида бу Орол муаммолари билан боғланган касалликлар, ерларнинг шўрхоклиги, Аму ва Сирдарё сувининг минераллашиб бориши, ақолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ижтимоий-экологик системаниң қаралған компоненти қатор кўрсатчилар билан характерлайди. Булар ўзларининг ҳудудларидаги, маконларидаги компонентларининг ҳусусиятлари ўзгаришини акс эттиради. Бу кўрсатчилар ижтимоий экосистемадаги динамик мувозанатга таъсир кўрсатувчи ва бир вақтнинг ўзида индикатор ролини ўйновчи омиллардир. Булар, үз навбатида, ижтимоий экосистемадаги ҳолатни акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Бундай ҳолат жамият мақсадли йұналишини түғри изга солишга, хұжалик фаолиятини түғри ташкил қилишга ва бошқариш жараёнларини йўлга кўйишга, инқирозли ҳолатдан қутултиришга имкон беради. Бу дегани табиий муҳитлардан түғри, одилона, режали, илм асосида фойдаланиш демакдир.

Ижтимоий-экологик системани ўрганишда ва изланишларда, жүйрофия, биология, геология, тиббиёт, демография, иқтисодий фанлар қатнашиб, жамият билан табиатнинг ўзаро муносабатларини мослаштиришда ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шундай қилиб, геэкология, ҳайвонлар, ўсимликлар экологияси, мұхандислик ва инсон экологияси, иқтисодий экология ва бошқа фанлар бу мұаммоларни ҳар томонлама ўрганиб, улар ижтимоий экология фанининг бир бўлагига, қисмига айланиб қолдилар.

Ижтимоий экология бошқа оралиқ фанларнинг услубларидан ўзининг изланишларида фойдаланади, айниқса, жүйрофия фани бу соҳага ўзининг катта ҳиссасини қўшиб бормоқда.

Биосферадаги табиий экосистема ва табиий тўхтовсиз ҳаракатдаги тўхтовсиз модда алмашиниш жараёни қонуниятларини экология фани томонидан ўрганилмай туриб ижтимоий экология фани ҳал қилмоқчи бўлган вазифаларни ечиб бўлмайди. Ижтимоий экологиянынг вазифаси жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро бир-бирига бўлаётган таъсирларни баланслаштириш, улар ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишидир. Бундай ҳолат минтақавий, маҳаллий, қолаверса, дунёвий экологик системада, биосфера баланс мувозанат сақланишига имкон беради. Шундагина жамият билан табиат ўртасида пайдо бўлаётган инқироздан кутилиш мумкин, акс ҳолда инсониятни жуда кўп экологик нокулайликлар кутмоқда. Жумладан, Орол мұаммоси, аҳолини чучук сув билан таъминлаш, ерларинг эрозияси, уларнинг шўрлаб кетиши, океанларда, денгизлардаги фавқулодда ҳолатлар, космик фазонинг аzon қаватидаги жараёнлар, космик фазонинг борган сари ифлосланиб бориши, дунёвий ҳароратнинг кўтарилиб бориши, мисли кўрилмаган сув тошқинлари шулар жумласидандир.

3. Инсон экологияси

Инсон экологияси — бу комплекс мустақил фанлараро илмий йўналиш бўлиб, у инсон популяциясининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсир этиш қонуниятларини ўрганадиган фандир. У, табиат билан инсон популяцияси ўзаро таъсири жараёнида аҳолининг ривожини, ундаги мұаммоларни мақсадли бошқариш ва унинг натижасида аҳолининг сиҳат ва саломатлигини асраш ҳамда турни (*Homo sapiens*)

ens) такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади¹. Аммо, шуны айтмоқ зарурки, «Инсон ва табиий мұхит» муаммоларини үрганиша эътибор бериладиган асосий объект инсоннинг табиий мұхит билан боғланиш томонини үрганиш ҳисобланади. Инсон экологиясининг илмий мазмунин инсоннинг жамият билан бевосита ўзаро таъсирини ахолини хотиржамлигини таъминлаш мақсадида үрганишдир. Шу нұқтаи назардан инсон экологияси ижтимоий экологияның бир қисми бўлиб, инсон ва унинг популяциясини атроф-мұхит ҳамда ижтимоий мұхит билан ўзаро таъсир этиш қонуниятларини, бошқача қилиб айтганда, бу илмий йўналиш антроподемоэкосистема ичидаги ижтимоий-биологик муносабатларни үрганади.

Инсон экологиясининг яна бир асосий қирраси ер курраси миңтақаларида иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, хўжаликни ривожлантириш мақсадида ўзлаштириш жараёни заминидаги қонуниятларни очиб бериш, инсоннинг морбофизиологик ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда биосферанинг техноген жараёнлар таъсирида ноосферага (техносферага) ўтиш даврида унинг сиҳат саломатлигини асраш муаммоси ҳисобланади. Бу борада В.И. Вернадскийнинг ибораси билан айтганда «инсоният табиатни ўзгартирувчи фактор сифатида намоён бўлаётган бир вақтда унинг хўжалик фаолиятининг табиатга нисбатан таъсири тобора кучайиб бораётган вақтда табиатнинг имкониятларини ҳисобга олиш зарурият бўлиб қолмоқда, акс ҳолда табиатдаги намоён бўлаётган экологик салбий ўзгаришлар инсонни, унинг саломатлигини ҳам ёмон томоннинг ўзгартириб юборади ва юбормоқда. Бу, бошқача қилиб айтганда, инсон биосферадаги ҳозирги ва келажакдаги бўладиган салбий ўзгаришларга жавобгар ҳисобланади. Бу биосферадаги эволюцион ўзгаришларни тўғри йўналтирадиган жамиятни тузишни тақозо этади».²

Чет эл илмий адабиётларида келтирилаётган далил ва фактлар, инсон экологиясининг дунёвий глобал муаммолари пайдо бўлаётганидан далолат беради. Инсон экологияси, биринчи бўлиб ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи АҚШ олимни Р. Паркер ва У.Бюргес томонидан илмий адабиётларда талқин этила бошланди.

¹ Казначеев В. П. Очерки Теории и практики экологии человека. — М. Наука 1983 г.

² Вернадский В. И. Биосфера. М. 1967 г.

Анча кейинроқ Англия олимі У.Бьюс ҳам инсон экологиси фанининг баъзи бир вазифалари түғрисида эслатиб ўтади.

Хуллас, инсон экологиясининг тарихий ривожи ва шаклланиши ижтимоий экологиянинг энг асосий, марказий йұналишини амалга оширишда табиий ва ижтимоий фанларнинг комплекс бир-бирларини құлшаб-құвватлаши заминида асос топди. Бунда физика, генетика, ижтимоий экология ва антропология фанлари, тарих, демография, иқтисод, фалсафа, хуқуқ ва табобат фанларининг қатнашиши катта рол ўйнайды. Бунда, асосий ролни табобат фанининг узвий қисми ижтимоий гигиена, умумий гигиена, эпидемиология тиббий география, микробиология фанлари ўйнайды. Урбанизация, индустриализация жараёнлари, атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари, тупроқнинг ифлосланиши ва бошқалар (оқибатида пайдо бўладиган касалликларни ўрганиш ва касаллик даврида доридармонлардан фойдаланиш) табиий эволюция жараёнларига биогеоценозларга ўз таъсирини кўрсатиб шаклланган экосистемани ўзгартириб юборди.

4. Ижтимоий-экологик факторлар юксалишининг инсон тараққиётидаги аҳамияти

Илмий техника тараққиёти инсонларнинг яшаш тарзига кўринарли таъсир кўрсатди, жамият билан табиатнинг ўзаро муносабатларини фаоллаштириди, бу эса ижтимоий тараққиётни ривожлантирувчи асосий фактор бўлиб қолди.

Инсоннинг ижтимоий фактор сифатида биосферага шиддатли, кент кўламда кўрсатаётган таъсири бутун дунёда экологияга, унинг услубларига жiddий этибор беришни кучайтириб юборди.

* И.Т.Фролов ибораси бўйича «бугун, инсоният жамиятининг илмий техника яратган жуда кучли техника қуроллари билан табиий ресурслардан бекиёс фойдаланиш оқибатида, ўзининг мисли кўрилмаган тараққиётига, цивилизациясига, биологик тур сифатида эришди. Аммо, инсоният цивилизацияси «табиатни ўзига бўйсундириб, ўзининг табиий ҳаётий фаолиятига, яшаш шароитига асосли путр етказди, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни бузди, унга зарар етказди, шу билан экологик мұаммоларни келтириб чиқарди».

* Фролов И. Т. Перспективы человека. М. Политиздат 1983 г.

Шунинг учун ҳам, ҳозирда экологиянинг ижтимоий, ижтимоий-гигиеник томонларини, бунда, янги услубий ёндашишлар ёрдамида инсон билан табиий атроф-мухитни, қолаверса, табиатни, инсон ва биосферани ўрганишни ривожлантириш, инсон билан табиат ўртасидаги бузилмас боғланишлар борлигини ҳамда жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаёт шароитларини узвий боғланганикларини ўрганиш зарурати туғилди. Чunksи, ҳозирги замон илмий техника революцияси шароитидаги ижтимоий-иктисодий, тиббий биологик, экологик ва бошқа жараёнларга комплекс ёндошиш зарурияти вужудга келяпты. Сабаби, илгариги ўтган даврларга қараганда, инсоннинг табиий муҳитта, биосферага кириб бориши (космос, океанлар, ер қарига) тобора кучаймоқда, бундай ҳолат ўз навбатида, ҳам табиатта, ҳам инсоннинг ўзига, унинг ҳаёттій, хұжалик фаолиятiga ўз таъсирини күрсатмоқда. Модомики, шундай экан, илмий техника ривожланишининг оқибатлари инсониятни жуда ташвишга солаётгани бу факт. Негаки, илмий техниканинг тез ривожланиши инсонлар учун, бир томондан, оғир меҳнатни енгиллаштириб, ҳаётда беҳисоб янгиликлар яратмоқда, иккінчі томондан, шу техника янгиликларини амалиётта татбиқ этиш жараёнларида, ижтимоий система қандай характеристика эга бўлишидан қатъий назар, жамиятда турли қарама қаршиликлар, зиддиятлар пайдо бўлмоқда.

Бу зиддиятлар, фақатгина ижтимоий, сиёсий, моддий бойликларни, меҳнат маҳсулотларини бўлиш соҳаларида бўлиб қолмай, балки инсон билан табиий ва сунъий экологик система соҳасида ҳам намоён бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳозирги замон экологик ҳолатида ҳаёт-мамотни, динамизмининг бузилишини асоси бўлмоқда. Бу зиддиятларнинг объектив томони шундаки, инсонларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнларининг илгарилаб кетиши, бунинг оқибатида инсоннинг келажакда нималар кутаётганини ўйламасдан иш тутиши, табиий жараёнларга аралашиш табиатда илгари сезилмаган ва кузатилмаган янги-янги табиий ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Орол денгизининг куриб бориши, Аму-Сирдарё сувининг ниҳоятда минералишиб кетиши, сув тошқинлари, зилзилалар, ернинг күчиши ва ҳоказолар бунга мисолдир. Жамият, атроф табиий муҳитдан ўзининг эҳтиёжи учун ҳамма нарсани олади (нефт, газ, тошкүмир, рангли металлар, ўрмон дарахтлари), уларга истеъмол қилиш ҳолатини, формасини беради,

кейинчалик ўша табиий мұхитдан олган нарсаларни бошқа шаклда (чиқынди сифатида) қайтаради. Шундай қилиб, ҳаёт учун эңг мұхим бүлған табиий ресурслар қайта ишланиб, миллионлаб тонна чиқындига айланып, қолдиқ моддалар сифатида табиатта биосферага қайтарилади. Бу эса, ўз навбатида, табиий атроф-мұхиттің сипатига доимо жамият томонидан назорат қилиш заруратини келтириб чиқаради.



Ижтимоий экология — фанларни ўзаро боғловчи фан (Г.А.Барчинский бўйича)

5. Экологик зиддиятларнинг илдизи қаерда?

Табиий муҳитнинг тобора ифлосланиб бориши экологик мувозанатни издан чиқаришга олиб бормоқда, бу ҳолатнинг олдини олиш ёки нейтраллаш фақаттина илмий техника ёрдамига асосланган чора-тадбирлар билан табиий муҳитни илгариги ҳолатига қайтириш жуда қийин. Бундай зиддиятли ҳолат, фақаттана капиталистик мамлакатларда эмас, балки социалистик тузимга эга бўлган мамлакатларда ҳам содир бўлди.

Гап шундаки, бир вақтлар олимлар томонидан аниқланган, олдиндан күра билингән, табиатдаги бўладиган ўзгаришлар тўғрисида жуда кўп давлатларнинг бошлиқлари огоҳлантирилишига қарамай, табиатдан ваҳшийларча фойдаланиш, бу жараёнда техниканинг салмоқли кучларидан фойдаланиш давом этаверди ва ҳозирда ҳам давом этаятти. Табиатдан, жамият талаби бўйича ҳамма нарса олинмоқда, аммо, олинган табиий ресурслар ўрнини нима билан тўлдириш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Табиий атроф-мухит чиқиндилар билан, хўжалик ахлатлари, саноат

корхоналарининг қаттиқ ва суюқ чиқиндилари, радиоактив моддаларнинг, нефт маңсулотларининг ва бошқаларнинг чиқиндилари билан ифлосланмоқда. Мана бу, асосий зиддиятдир. Ҳозирда, бозор иқтисодиети жадал ривожланаёттан бир пайтда ижтимоий ва иқтисодий система ҳозирги замон экологик инқизорзларини олдини олишта анча ожизлик қилаяпты. Радикал ўзгаришларнинг сезилиши қийин бўлмоқда.

Аммо, ҳамма мамлакатларда озми-кўпми экологик вазиятни жиловлаш мақсадида маҳсус ташкилотлар ташкил қилинмоқда, қонунлар ишлаб чиқилмоқда, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги мұаммолар халқаро анжуманларда, конгрессларда, симпозиумларда муҳокама қилинмоқда, негаки ҳозирги экологик ҳолатдан маънавий шаклланган инсонларнинг ҳаммаси безовта, хавотирда, ташвишда.

Гап шундаки, Ер юзида тирик жон сифатида инсон, катта кенг ақл-идрокта, заковатга эга бўлиб, ўзини ер юзининг ҳукмдоридек, бирдан-бир бошқарувчи зот сифатида ҳаракат қилмоқда. У онгли равишда, маълум мақсадни кўзлаб, табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилмоқда. У ўзининг хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини чегарасиз кенгайтироқда, унинг яшаш жойи ва фаолиятининг табиатга таъсири борган сари кучаймоқда. Янги табиий бойликларни қидириб, техника ва фан тараққиётидан фойдаланиб, денгиз ва океан қарини, космик фазони, энг узоқда жойлашган Шимолий кутбни, Антарктидани, энг баланд тоғларни, сувсиз ётган чўлу биёбонларни ўзлаштиришга интилмоқда ва згалламоқда. Мана шундай шароитда инсон атроф-муҳитта ўзининг табиатига мос келмайдиган салбий таъсирини кўрсатмоқда. Оқибатда, ўзларининг соғлиқларига путур етказмоқдалар. Бундай ҳолатлар уларнинг меҳнат қобилияtlарига салбий таъсир этаёттани сезилмоқда, ваҳолонки, халқ хўжалигининг тараққиёти кўп жиҳатдан аҳолининг жисмоний ҳолатига, сиҳат-саломатлигига боғлиқ.

Агар, содир бўлаётган жараёнга фалсафий нуқтаи назардан ёндошсак, инсоният ўзининг актив фаолияти натижасида табиийликдан сунъийликка ўтишни афзалроқ кўрмокда. Табиийликни табиатнинг ўзи яратади, сунъийликни инсоннинг табиий тараққиёт жараёнларига «зўравон»лик билан аралашуви маңсули деб қарамоқ лозим. Агар табиийлик табиатнинг таркибий қисмига мос келадиган табиий тарихий, ўзига хос юзага келган

жараён дейилса, иккінчиси инсоннинг фаолияти натижасыда яратылған сунъий жараён. Аммо, сунъийлик табиатнинг, табиий ривожига мос келавермайды. Инсоният жамиятининг табиатни тубдан ўзгартыришга қаратылған фаолияти табиат ривожига зид ҳолатни келтириб чиқаради. Табиийлик бир-бутунлик, табиатта мақбул бўладиган йўналишда ривожланаверади, сунъийлик инсоннинг ўз мақсадига эришишга интилишида юзага чиқади. Инсон ўзининг иқтисодий талабини қондиришни биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қиласди.

Шундай қилиб, жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсир, муносабат табиатни ўзгартыриб янги шарт-шароитларни, янги ўзаро муносабатларни келтириб чиқаряпти. Шу билан бирга, янги шароитда инсоннинг кўз ўнгидаги табиий экологик мұхит ўзининг аслидаги ҳолатда, аслидаги табиатга хос гўзалликда, нормал кўринишда кўзга ташланмоқни тақозо этади. Бундай ҳолат ҳар бир инсонга руҳланишни, тетикликни, яхши қайфиятли бўлишни таъминлайди. Гуллаб яшнаётган дарахтзорларни, ўрмонларни, гўзал табиатни, ҳали қўл тегмаган, инсон қадами етмаган кўкаламзорларни кўриш, уларни кўриб қувониш, руҳланиш, табиатни илоҳийлаштириш инсонга, албатта сиҳат-саломатликни ҳадя этади.

Илмий техника ривожланаётган бизнинг асримизда, инсон, табиий ҳолатни ўз аслида кўришга мұхтож. У, бунга ҳақлидир. Мамлакатимизда қабул килинган «Табиатни мұхофаза қилиш тўғрисида»га қонуннинг 3-моддасида инсонларнинг соғлигини сақлаш мақсадида уларга қулай шароит туғдириш учун экологик мувозанатни таъминлаш, республиканинг ижтимоий, иқтисодий ривожи учун табиатдан рационал фойдаланиш; бунинг учун, жонли табиий мұхитни, унинг бойликларини, генофондини асраш; кўп қиррали экологик системани, ландшафтларни ва бетакор табиий мавжудотларни асраш; экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий объектлар билан боғлиқ бўлган маданий-маънавий меросларни асраш тўғрисида сўз боради.

Кўриб турибсизки, табиатни уни табиий ресурсларини асраш қонунда аниқ ва равшан қилиб ёзилган. Қонуннинг 4-моддасининг учинчи абзацида: «...аҳолининг яхши, ёқимли, қулай табиий атроф-мұхит шароитида яшаш ҳуқуқини таъминлаш, ҳамма умумий

таълим-тарбия берувчи муассасаларда экологик таълимотни ўқитиши амалга ошириш...» шарт эканлиги тўғрисида гап боради.

Дарҳақиқат, табиий атроф-муҳитдан рационал фойдаланиш инсониятнинг ҳозирги кундаги эҳтиёжига айланмоқда, норационал қилинган ишлар, ҳам табиатга, ҳам инсонларга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига, жонсиз табиатга салбий таъсир этувчи оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Олимлар томонидан тўплангандан далиллар кўрсатишича, бизнинг мамлакатимизда ҳам, айниқса, кимёвий моддалардан фойдаланиш кўп хатоларни келтириб чиқармоқда. Инсон ва табиат учун зарарли кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва ишлатиш кўп нохушликларга сабаб бўлади. Жумладан, юқори заҳарликка эга бўлган кимёвий моддалар, яъни бутифос, фентиурам, ГХЦГ ва бошқалар 25—30 йил давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлатилиб келинди, ерларимизга нормадан ортиқ минерал ўғитлар ташланди. Оқибатда, улар аҳолига, табиатимизга ўз зарарли таъсирини кўрсатди. Айниқса, радиоактив чиқиндиларнинг йигилиб қолиши, пестицидлар, минерал ўғитларнинг ўйламасдан кўп миқдорда ишлатилиши тупроқни, сув ҳавзаларини, генафондимизни издан чиқарди.

Шундай қилиб, инсоннинг антропоген фаолияти кўп ҳолатларда ижтимоий-иқтисодий ва экологик нокулай асоратларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, экологик нуқтаи назардан техника ва инсон ўртасидаги ўзаро нисбат, инсонни яшаш шароити билан иқтисодий, табиий, ижтимоий, биологик ўзаро нисбат тобора қисқариб бормоқда. Экологик мувозанатнинг шиддатли ўзгариб бориши табиатда биохимик жараёнларнинг ўзгаришга олиб бораётгани, табиатга, қолаверса инсонга бўлаётган салбий таъсирдир. Бу таъсирлардан инсонни ҳимоя қилиш тобора қўйинлашмоқда.

Иккинчидан, илмий техника ривожи, кўп жиҳатдан инсон учун зарур бўлган қуляй психофизиологик мувозанатни сақлаб қололмасликка, унинг, компенсатор мослашиш имкониятларини издан чиқаришга, бузилишга олиб бормоқда.

Демак, тараққиёт тезлиги билан, инсонни ҳимоя қилишини такомиллаштириш тезлиги ўртасида зиддият туғилмоқда.

Учинчидан, илм-фан, техника тараққиёти даврида инсон факторининг активлигини ошириш, биоэкологик ҳолатни

бузилаётганини ўрганиш, конкрет эколгик ҳолатларни миңтақалардаги ҳолатни, иқлимий-жуғрофий, этник ва бошқа нуқтаи назарларни тезликда ўрганиш, бу борада фундаментал изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Шундай қилиб, ўзгариб бораётган атроф-муҳитга чидаш, мосланиш, унга ўрганиб яшаш ижтимоий муносабатлар билан аниқланилади.

Аслини олганда, жамиятнинг барқарор ривожини таъминлаш учун, «табиий» ва «сунъий» ривожланишга диалектик ёндошиш илмий асосланган ижтимоий-гигиеник ва экологик ўзгаришларни олдиндан кура билиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишини тақозо қиласи.

III боб. Инсон экологиясида ижтимоий ва биологик умумийлик (яхлитлик)

Инсон экологиясида ижтимоий ва биологик ўзаро боғланиш унинг меҳнати элементларида, шаклида, шароитларида, меҳнат жараёнларида, яшаш шароитида, шахсий ҳаётида кўринади. Меҳнатнинг ҳар бир элементи организмнинг онтогенез жараёнидан бошлаб, то ижтимоий-биологик тараққиётiga, ривожига ўз таъсирини намоён қиласди. Жумладан, инсоннинг истеъмол маҳсулотларининг қийматини яратишда қатнашиши унинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топишидан ва ижтимоий-биологик боғланишидан дарак беради. Яъни, бошқача қилиб айтганда, инсоннинг абстракт ва аниқ (конкрет) меҳнат жараёнида, ижтимоийлик ва ижтимоий-биологикликнинг диалектик боғланганлиги, умумийлиги яққол кўринади. Айрим шахс, гуруҳларнинг илмий-техника тараққиёти даврида кўп қиррали ва мураккаб муносабатлари, инсоннинг конкрет меҳнат фаолиятидаги, меҳнат шароитидаги одоб, психологик аҳвол, ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришдаги бошқа факторларнинг инсон организмига, унинг соғлигига таъсир этишини ўрганишини вазифа қилиб қўяди. Бундай ёндошиш оқибатида илмий-техника тараққиёти босқичларида меҳнат жараёнларининг ижтимоий, биологик ва иқтисодий ўзаро боғланишларини яққол кузатиш мумкин. Масалан, шундай тарзда баҳоламоқ «инсон, техника ва табиат» системасида асосан ижтимоийликнинг ролини тан олишдир.

Шундай қилиб, инсон ва жамиятни бир-бутун бўлиб шакланиши бу асосан ижтимоий ва ижтимоий-биологик ҳодисадир.

Шуни айтмоқ зарурки, инсоннинг жамиятдаги ўрнига қараб унга таъсир кўрсатувчи омиллар кўп қирралидир. Инсонга кўрсатиладиган таъсиротлар, жумладан, меҳнат соҳасида, турмуш, уй-жой, моддий ҳолат, ижтимоий хизмат ва бошқа соҳаларда ўзига яраша таъсирлар бўладики, ундан инсон қочиб қутила олмайди. Бу омиллар алоҳида ва биргаликда одамларнинг соғлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз, инсон экологиясини «инсон, жамият ва табиат» системасида ўрганар эканмиз, куйидаги ўзаро таъсирларни ажратамиз. Яъни, минтақавий, тармоқли (соҳали), меҳнат коллективлари даражасида, иш жойида ва корхонадаги бўладиган таъсирлар. Бунда ҳал этувчи бўлиб ижтимоий факторлар ҳисобланади, яъни:

- 1) алоҳида ва жамоа бўлиб ишни ташкил қилиш жараёнларида ижтимоий ва биологик факторларнинг таъсири;
- 2) айрим, конкрет инсоннинг меҳнат фаолиятини ташкил қилишда физиологик, психологик ҳолатнинг таъсири;
- 3) ҳар бир ишлаб чиқариш операциясида ақлий ва жисмоний меҳнатнинг таъсири этиши ва бошқалар.

Ҳар ҳолда инсон организмига ҳар қандай меҳнат, унинг ташкилий томони, сифати, меҳнат қилиш даври таъсири кўрсатади ва организм ҳам уларга доимо реакция беради ва ўзига яраша зиддиятларни келтириб чиқаради. Бундай зиддиятларни бартараф этишда илмий-техниканинг натижаларидан ишлаб чиқаришда, меҳнат қилишда фойдаланиш, меҳнатни такомиллаштириш катта рол ўйнайди.

Минтақа даражасидаги таъсиротлар: Ю.Шодиметовнинг фикрича, бунга яққол мисол бўлиб Ўрта Осиё минтақаси ҳисобланади. Жамиятнинг техника тараққиёти, меҳнатни ташкил қилишга, аҳолининг сиҳат-саломатлигини асринга нисбатан янгича ёндашишни тақозо қиласи, унда масалани ижтимоий-гиеник, психофизиологик ва экологик нуқтаи назарлари ҳисобта олинмоғи керак бўлади.

Хозирги замон кишиларига борган сари кучлироқ таъсири этувчи факторлар миқдори ортиб бормоқда, жумладан, илмий-техника ривожи натижасида пайдо бўлган заарли агентлар, атомли, кимёвий саноат корхоналарининг кўпайиши ишлаб чиқариш корхоналарининг кўп миқдорда заарли чиқиндилиари пайдо бўлишига олиб келади, у ўз навбатида, табиатнинг абиотик ва биотик ҳолатини ўзгартиришга ҳамда хозирги асрдаги урбанизация жараёнларининг салбий оқибати, демографиянинг салбий томонга ўзгариб боришига, аҳоли ўртасида кўп муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Урбанизация жараённининг ўзи инсон экологияси муаммоларини келтириб чиқарувчи асосий омил эканини эсдан чиқариш катта хатога йўл қўйишадир. Чунки, минтақавий илмий-техника ривожи, минтақавий урбанизация жараёнларининг тезлашуви инсоннинг демографик жараёнларига катта салбий таъсир этаётганини сезамиз. Бугунги кунда жуда катта шаҳарлардаги

муаммолардан бири аҳолининг миграцияси, ўлимнинг кўпайиб бориши, ишсизлик, касалликнинг тобора кўлпайиб бориши, янги янги касалликларнинг кўпаяётганлиги ва ҳоказолар. Ўрта Осиё мамлакатларида, Ҳиндистон ва Африкада ўлим ёшармоқда.

Тадқиқотчи А.А.Атаниязовнинг Орол бўйи минтақаларида олиб борган изланишлари шуни кўрсатдики, экологик нокулай шароитда яшаётган аҳоли ўртасида юракнинг ишемия касаллиги аёллар ўртасида 15,2 %, артериал гипертония эркаклар ўртасида 13,1%, аёлар ўртасида 11,6 % ташкил қиласди. Орол бўйи минтақаларидаги олинган далилларни Бўка туманидан олинган далилларга солиштирилса Бўка туманида эркаклар ўртасида юрак ишемия касали 5,7 %, аёллар ўртасида 1,6 % ни ташкил қиласди. Шундан маълумки, ҳар ҳолда экологик нуқтаи назардан нокулай шароит инсонларга салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Жамиятда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштиришда атроф-муҳит обьектларининг муҳофазасига эътибор бермаслик минтақада ижтимоий-экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Қолаверса, инсоннинг антропоген фаолияти антропогохимик аномалияларни келтириб чиқармоқда. Ўрта Осиё минтақаларида жойлашган Амударё ва Сирдарёнинг экологик аҳволи жуда ёмонлашиб қолди. Орол денгизида сувнинг тобора камайиб бориши, унинг акваториясининг қисқариб боришига сабаб бўлмоқда. Иссиққўлнинг суви ҳам, дарёларнинг оқиб келаётган суви камайиши оқибатида секин аста камаяёттани сезилиб бормоқда.

Бундай ҳолатнинг давом этиши минтақада санитария эпидемиологик ҳолатни салбий томонга ўзгаришига олиб бормоқда, бу, ўз навбатида, аҳоли ўртасида турли касалликларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шундай қилиб, экологик ва ижтимоий-биологик ҳолатлар орасида ва инсоннинг ҳаётий жараёнларида низоли ҳолатлар келиб чиқаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Шунинг учун ҳам Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг ҳамма ҳудудларида аҳолини иқтисодий, ижтимоий, экологик, ижтимоий-гигиеник ҳаётини қулай шароитларни эътиборга олган ҳолда жойлаштириш катта аҳамият касб этади. Инсон экологиясининг бундай муаммоларининг турли минтақаларда ижобий ҳал этилиши иқтисодий, демографик ва ижтимоий-экологик факторларни бир-бирига боғлангани

ифодасини топади ва аҳолини сиҳат-саломатлик даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

1.Турли соҳаларнинг инсон экологиясига таъсири

Марказий Осиё республикаларида ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларини қайтадан тиклаш, саноат корхоналарини янги технологик жараёнлар билан, техника билан қуроллантиришга эътибор берилиши, ишлаб чиқариш фондларини янгилаш асосий йўналишлардан бири бўлиб қолди. Чунки иккинчи жаҳон уруши йиллари собық Иттифоқнинг бошқа регионларидан эвакуация қилинган техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар аллақачонлар эскириб бўлган, улар янги техник, технологик, санитария ва гигиеник, экологик талабга жавоб беролмайдиган ҳолатга келиб қолган. Баъзи бир фактларга қараганда Ўзбекистоннинг энг йирик саноат корхоналарининг 500 тасини ичидан 366 таси янги технологик жараёнлар билан қуроллантиришни талаб этади. Янги заводлар, саноат корхоналарини, айниқса, техника ривожидан ўзид кетган мамлакатлар билан биргаликда замонавий жиҳозлар билан таъминланган саноат корхоналарини яратиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Чунки эскирган, ишлаш муддати ўтиб кетган жиҳозлар билан ишлаб чиқариш корхоналарининг ишларини тузатиш, ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш мумкин бўлмай қолади. Ҳозирда кўп саноат корхоналарида, жумладан, металлургияда, қора ва рангли металлургия саноатларида, электротехник, машинасозлик, минерал ўғит ишлаб чиқиши, кимё ва бошқа саноатларида бироз янгиланишлар бўлмоқда, аммо ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада эмас. Кейинги йилларда баъзи бир саноат корхоналарида мустақилликка эришилгандан сўнг анчагина силжишлар бор. Жумладан, АҚШ ва Ўзбекистон кўшма корхонаси мис ишлаб чиқиши, Асакадаги Корея ва Ўзбекистон кўшма корхоналари, текстили ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда янги замон талабига жавоб берадиган ҳолатда ишлаб чиқаришни ташкил қилинмоқда.

Аммо, қатор технологик жараёнларни, қурилаётган саноат корхоналарининг техника иқтисодий кўсаткичларини, янги чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини, технологик жараёнларнинг эксплуатация кўрсаткичларини анализ қиласар экансиз, жуда кўп камчиликлар борлигидан хабардор бўласиз. Негаки, ишлаб

чиқилаётган күпчилик режаларда фақат техник томондан эмас, балки ижтимоий-гигиеник, экологик муаммоларни келиб чиқиши, бошқача қилиб айттанда, инсон омили масалалари кўзда тутилмаган. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан тезликда фойдаланиш, унинг натижали бўлиш даражасини ошириш, меҳнатни илм асосида ташкил қилиш, хавфсиз меҳнатни уюштириш, бир томондан, ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг сифатини юқори даражага кўтарса, иккинчи томондан, ишчиларнинг соғлигини сақлаш таъминланади, ишлаб чиқариш шароитида ва унинг ташқарисида инсонни ўраб турган атроф-муҳитни экогигиеник ҳолати яхшиланиб, аҳолига экологик нуқтаи назардан қурай шароит туғдирилишига имкон яратилади. Агар ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини илмий техника тараққиётидан фойдаланиб қайта куриш, ишлаб чиқаришни самарали қилиш, бозор иқтисодиёти даврида, шунингдек, ижтимоий-гигиеник, экологик, меҳнатни эргономик томонларини диалектик бир-бутиллик асосида тушуниб меҳнатнинг турли ўзига хос тармоқларидаги иқтисодий ва ижтимоий-биологик жараёнларда инсоннинг асосий актив фактор сифатида кузатиладиган ҳолатини назарда тутсак, демак инсон ўз тақдирни, яъни сиҳат саломатлиги тўғрисида доимо ўйлаш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишига итилади.

Турли соҳаларда меҳнатни ташкил қилиш анализи шуни кўрсатмоқдаки, уни рационал, ҳозирги замон талаби асосида уюштириш айни муддаодир. Негаки, қишлоқ хўжалигига, саноатда, курилишда меҳнатни ташкил қилишда механизмлар ёрдамидан фойдаланиш, унда автоматика, роботларни ишлатиш ҳали анча орқада. Демак, ўз-ўзидан маълумки, ишнинг унумдорлигини юқори даражага кўтариш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқиш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг моддий аҳволини бошқа мамлакатлардагига қараганда аста-секин кўтарилишига олиб келади. Моддий таъминотнинг яхшиланиши аҳоли ўргасида касалликларни, меҳнат кунларини унумли бўлиши, иш жараёнида жароҳатланиш ва бошига ноҳушликларни камайтиради. Масалан, ҳозирда машинасозлик, кимё, нефт-химия ва бошқа шунга ўхшаш корхоналари анча ривож топмоқда, аммо, баъзи бир ҳолатларда иш жойлари ҳавосида турли заҳарли чанглар, газлар концентрацияси анча юқори. Баъзи завод ва фабрикаларда ишчилар учун дам олиш хоналари талабга жавоб

бермайды, ечиниш, ювиниш, душ ва бошқалар замон талаби даражасида эмас, аёлларга акушерлик ва бошқа тиббий ёрдам күрсатиш, айниңса, қишлоқ хұжалигида яхши ташкил қилинмаган, ҳомиладор аёлларни иш билан таъминлаш яхши эмас. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида аёлларнинг сони эркакларникита нисбатан күпчиликни ташкил қиласы. Республикадаги илмий текшириш институтлари олиб борган илмий ишлар шуни күрсатдикі, ҳомиладор аёлларни енгил ишга үтказишга кам эътибор берилади. Бозор иқтисодиёти даврида аёлларни санаторияларда, профилакторияларда соғломлаштириш доимо қўл келавермайды, йўлланмаларнинг нархи тобора ошиб бормоқда, кўпчиликнинг имконияти чегараланган, ойликка яшаётган аёллар бундай ёрдамни ололмайдилар.

Ташсельмаш, Навоий электрокимё саноатидаги меҳнатни механизация, автоматизациялаштириш жараёнлари текширилганда илмий-техника ривожи натижаларини бундай корхоналарда жорий қилиш аҳволи, айниңса, оғир меҳнат билан банд бўлган жойларда яхши эмаслиги аниқланди. Жумладан, зарарли цехларда ишлайдиган ишчилар сони 62 дан 1038 кишига ортган, шулардан 262 киши аёллардир. Иккала корхонада ҳам ижтимоий-экологик ҳолат таъсирида касалликларнинг ортиб бориши кузатилган. Кон металлургия комбинатларидаги экологик ҳолат шу даражада хавфлиki, нафас йўлларининг асосий касалликларидан чанглар таъсирида пайдо бўлувчи бронхитларни (Навоий кон металлургия корхонасидаги текширувлар оқибатида) 80%и чанглар таъсирида бўлганлиги аниқланган. Республиkaning жуда кўп корхоналарида иш жойларинг ноқулай ҳолатда эканлиги кўп касб касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади. М.С.Искандарова келитирган фактларга қараганда 8420 киши касб касалликлари рўйхатидан ўтган, шулардан 21 % сурункали бронхит, 16 % эшитиш нервининг ялигланиши, тебраниш таъсирида вибрация касаллиги 14,7 % ташкил қиласы. Шундан кўриниб турибдикি, иш шароитидаги эндоэкологик ҳолат ишчилар ўртасида турли касб касалликларини келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, ижтимоий-иқтисодий факторлар ичиде инсон организмига таъсир этувчи омиллардан, яъни меҳнат шароити, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, янги технологияни жорий қилиш, меҳнат хавфсизлигини, хавфсизлик қоидасини таъминлаш, иш

жойлари ҳавосининг тоза ҳолатини таъминлашда механизмларнинг ҳолати катта рол ўйнайди.

Ишчи жойларини параметрларини ишчиларнинг психофизиологик, антропометрик, эргономик имкониятларига тўғри келмаслиги, яъни шовқиннинг баландлиги, ҳавонинг турли газ ва чанглар билан заарланганлиги, тебраниш даражасининг баландлиги, ҳаво ҳароратининг доимо ўзгариб туриши ишчиларга салбий таъсир кўрсатади. Демак, ишчиларнинг соғлигини сақлаш ва касалликни камайтириш учун юқорида зикр қилинган ҳолатларга зътибор бериш, ишни илмий асосда ташкил қилишни тақозо қиласди.

Кўриниб турибдикি, инсон омилини фаоллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг муҳим йўналишиларидан бири экологиеник тадбирларни амалга ошириш экан.

2. Инсон экологиясининг демографик томони

Инсоният табиий муҳит билан қандай ўзаро муносабатда бўлмасин унинг учун энг асосий муаммо одамларни туғилиши, уларнинг кўпайиши барқарорлигини ушлаб туришдир. Аммо, ҳаётда икки жараён доимо қарама-қарши ҳаракатда бўлади. Бири доимо туғилишнинг мавжудлиги, иккинчиси унга қарама-қарши, ўлим жараёнининг мавжудлигидир. Жамиятнинг яшashi учун, одам зотининг яшashi учун доимо туғилиш ва ўлим оқими ўртасида қандайдир мувозанат сақланади. Аксинча, ўлим оқими туғилиш оқимидан устунроқ бўлса, ер юзида инсоният тур сифатида йўқолиб кетарди, аксинча бўлса, унда аҳоли жуда кўпайиб кетиб атроф-муҳитга, табиий ресурсларга бўлган эҳтиёж чегарасиз бўлиб, экологик ҳолатга ва ижтимоий-иктисодий аҳволга анчагина салбий таъсир қиласди. Шунинг учун ҳам бу оқимларни мувозанатли ривожини таъминлаш энг асосий вазифалардан бири, бундай ҳолатни ушлаб туриш учун жамиятнинг энг катта кучи сарфланади.

Тарихан, аҳоли ҳар доим бу мувозанатни ушлаб туриш учун қанча куч ва энергия кетаётганини тушуна билмайди. Инсоният табиатнинг турли инжиқликлари тазибида қирилиб кетиши мумкин эди, аммо жамият, унинг институтлари, структураси, маданияти ва бошқа объектив талаблари бу зарур жараёнларни, яъни инсон ҳаётини ушлаб қолиш учун зарур бўлган муаммоларни ижобий ҳал этиб, одам зотини шу бутунги кунгача на бундан бўён ҳам узоқ яшашини таъминлашга замин яратди. Масалан, инсоннинг

тарихий тараққиети, ақлий ривожи илм-фанни, кейинчалик техника тараққиётини, ўзининг ҳаёт кечириш жараёнларини енгиллаштириш воситасига айлантирди. Инсонга оғир босқычлардан янги, анча енгил ҳаёт кечириш босқычларига эришишида ўша ўзи яраттан техникадан фойдаланиши катта турткى бўлди. Инсоннинг кейинги авлодлари тарихан илгари яшаган авлодларидан кўра эпчилроқ, табиий ресурслардан ақлий фойдаланишни, табиатдан кўпроқ олишни ўрганди. У бошқа ҳайвонлардан кўра табиатан фарқ қилиб, улардан ажralиб ўзига хос ақл-идрок билан кун кечира бошлади, аммо экосистемада табиий, биологик, экологик факторлари таъсирида, назорати остида бўлди, айниқса, бу инсон популяциясига тегишилди. Кейинчалик инсон турли табиий оғатлар назоратини, оз бўлсада, кўлга олиб уларга қалқон бўла бошлади, инсоннинг табиатга таъсир этиш шароити ўзгара борди ва инсон популяциясини тикилаш, ўлиш билан туғилиш оқимларини тенглаштиришга имкон туғила борди.

Фақатгина бу мувозанат яқиндагина, икки юз йилликдан илгарироқ юзага кела бошлади. Агар тарихга назар ташласак, икки юз йил илгари инсонларнинг ўртача ёши 35 дан ошмаган. 100—150 йил илгари инсонларни табиий таъсирдан асрашга, уларнинг яшаш даврини узайтиришга, турли касалликлар оқбатида қирилиб кетишини имкон борича тўхтатишга эришилди. Ўртача яшаш даври ҳам анчагина узайди, одамларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар устидан назорат қилиш, уларнинг таъсир кучини камайтиришнинг удласидан чиқиши имконияти яратилди. Атроф-муҳитнинг экзоген факторлари кўпинча инсониятни у ёки бу сабаблар билан ўлимга олиб борар эди, жумладан, сувнинг ифлосланиши оқибатида, сув орқали юқадиган вабо касали, ифлосланган ҳаво орқали юқадиган сил касали, ботулинизм касаллиги ва бошқалар қанча-қанча одамларнинг ёстигини куритди, безгақдан одамлар ҳозиргача азоб чекади.

Ҳозирги вақтда энг катта муаммолардан бири инсонни қаритувчи эндоген факторлар, улар ҳам инсонни қаритиб секин-секин ўлимга олиб боради. Айниқса, одамзотнинг антропоген фаолиятидан келиб чиқаётган экологик ҳаётий ноқулайликлар инсон ҳаётини қисқартирмоқда. Умуман олганда инсон учун ўлим ҳақ, ҳеч ким бу дунёда тирик қолмайди, қачондир бари бир бу ҳаётдан кўз юмади. Аммо, меҳнат, яшаш, экологик шароитлар яхшиланса, ижтимоий-иқтисодий ҳолат яхшиланса, умр боқийлик

таъминланади. Бунга мисол қилиб Япония, Швеция ва бошқа мамлакатларни келтириш мумкин. Агар ўлимнинг сабабларини олди олинса, қарилек сирларини билим заминида ўрганилса, ўлимга олиб борадиган касалликларнинг сирлари ўрганилса, албатта, инсоннинг умрини, унинг ўртacha ёшини анча узайтириш мумкин.

Англия индустриал тараққиёт эттан давлат, одамларнинг яшаши шароити ёмон эмас, аммо Англияда ўлим кўпроқ ўпка касаллиги билан боғлиқ, яъни ҳавонинг юқори намлиги, булутли кунлар кўп бўлиши, ҳавонинг ёмон экологик ҳолати турли заҳарли газлар билан ифлосланиши ва бошқалар шунга сабабdir. Аммо, ўртacha ўлим ёши юқори, бошқача айтганда, кўпроқ қариялар ўпка касаллиги билан оғрийди, чунки қарилек оқибатида организмнинг касалликка қарши кучи пасаяди. Эндоген ва экзоген факторлар нисбати кўпроқ эндоген факторлар фойдасига ҳал бўлади.

Ўрта Осиё республикаларида ҳам аксарият ўлим касаллик сабабидир, аммо таъсир этувчи факторлар кўпинча экзоген факторлари ҳисобланади, шунинг учун ўртacha ўлим ёши пастроқдир. Шундай ҳолат юрак-қон томир системаси касалликларига ҳам тегишли, яъни меҳнат шароити, ҳаётий муаммолар, овқатланиш жараёнлари, уларнинг сифати ва бошқа экзоген факторлари асосий рол ўйнайди.

Демак, ўлимни камайтириш, умр боқийликни узайтириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири. Аммо, илмий-техника ривожи даврида инсон билан табиий мухит ўртасида, ижтимоий-экологик ҳолат билан инсоннинг ҳаёти ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, одамга берилган умрни тўла-тўкис сақлаб қололмайди. Чунки инсон ҳозирги экологик бурилишларга ўзини кўпинча мослай олмайди. Янги яшаши шароити, ҳозирги замон одами организмидаги касаллик характеристини ўзгартириб юборди. Илгариги вақтлардаги инсон касаллиги характеристига ёқимсиз табиий нокулай шароитлар ҳамда умумий табиий ҳолат таъсир этса, ҳозирда сунъий шаклланган мухит ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун касаллик характеристи салбий томонга ўзгармоқда. Инсоннинг адаптация қобилияти механизмлари борган сари кучизланиб бормоқда. Оқибатда орқага қайтариш мумкин бўлмаган ўзгаришлар юз бермоқда. Инсон адаптациясининг мураккаблашиши икки воқийликка боғлиқ бўлиб қолмоқда. Биринчидан «сунъий» шаклланган табиий мухитга, табиатнинг тез ўзгарувчанлигига организм эволюцион тайёр эмас; иккинчидан, инсон томонидан

қайта туғдирілған табиий мұхитда, шундай янги кимёвий моддалар пайдо бўляптики, ундей моддалар билан инсон ўзининг эволюцион жараёнларида ҳеч учрамаган. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти далилларига қараганда, ҳозирги инсон йил давомида 60000 дан ортиқ кимёвий моддалар билан бевосита контактда бўлар экан, бунинг устига ҳар йили янги 200 — 1000 та кимёвий моддалар пайдо бўлмоқда, синтезланмоқда. Шундай қилиб, ҳозирги замон инсони кундан-кунга кўлайиб бораётган таъсир этувчи факторларга дуч келмоқда, чунки, тез фурсатлар билан ривожланаётган илмий-техника жараёнлари, янги-янги омилларни пайдо қылмоқдаки, инсон бу янгиликларга жавоб беришга, улар таъсирига мослашишга ожиз. Айниқса, физика, химия, атом саноати ривожи натижасида инсоннинг атрофида пайдо бўлаётган мўъжизалар, зарарли агентлар, корхоналарнинг чиқиндилиари биогеоценозларни тобора ўзгариб боришига сабаб бўлмоқда ва бошқа жуда кўп факторлар инсонни эсанкиратиб кўймоқда.

Демак, илмий-техника ривожи инсониятга турли янгиликларни, енгилликларни туғдиривни қолмай, бошқа ҳал қилиниши қийин бўлган муаммоларни келтириб чиқармоқда.

XX асрнинг 50-йилларида чет эл тиббиёт олимлари «ижтимоий мослана олмаслик» назариясини олға сурдилар. Аммо, бу назария тиббий-илмий чегарадан чиқиб, көнг масалаларни ўз доирасига қамраб олади. Бу назария мұхим илмий фикрларни ўргатга ташлайди, бунинг заминида, жумладан, кўп касалликларни, яъни юрак қонтомир системаси, рак касалини, жароҳатланиш ва бошқаларнинг келиб чиқишида илмий-техникани ривожланиш жараёни ётади. Бундай концепция тўғрисида ^{*}рус олимларидан Ю.П.Лисицин, Г.Царегородцев, М.Изуткина, В.П.Петленко ўз мақолаларида фикрларини билдириб, илмий-техника ривожининг касалликларнинг келиб чиқишидаги ролига тўхталиб ўтадилар. Делоранинг фикрига қараганда, касаллик бу инсоннинг ўзини ўраб турган биологик ва ижтимоий мұхитга мослана олмаслик оқибатидир.

^{*}Э.Гюан ва А.Дюссер ўзларининг «Бизнинг мамлактимизнинг касаллиги» деган китобида шундай дейди: «Инсоннинг щахси ўзи

^{*}Изуткина А.М., Царегородцев Г.И. и др. Соцэкология медицины. Киев, Здоровье 1981 г. Лисицин Ю.П. Современную теории медицины. М. 1968 г.

^{**} Гюан Э., Дюссер А. Болезнь нашего общества. 1968 г.

шакллантирган ҳозирги тараққиёт факторларининг таъсирига, қолаверса, ҳозирги замон ижтимоий цивилизациясига мослаша олмаслиги оқибатида ўзлигини йўқотмоқда».

Чет эл олимларининг «адаптация» түғрисидаги назарияларига танқидий назар билан қаралса, бу концепцияда қандайдир касалликнинг «тараққиёт, цивилизация» ва бошқа ўзгаришлар билан боғлиқлиги бор, аммо организмнинг касаллиги түғридан-түғри ўша шароитга мослаша олмаслиги оқибатидадир, дейиш като. Мана, юқорида зикр қилинган далиллар шуни кўрсатадики, таъсири этувчи фактор миқдор жиҳатдан организмга мумкин бўлганидан баланд, кучли бўлса, организмни йиқитиши аниқ. Мисол учун ҳаводаги ис газининг концентрацияси юқори бўлса, одам тўсатдан ўша газ таъсирида ўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Юқорида зикр қилинган олимларнинг фикрларича, касаллик бу инсонни ҳам табиий, ҳам ижтимоий факторлар таъсирига мослаша олмаслигининг оқибатидир. Шундай қилиб, ижтимоий мослаша олмаслик, ҳозирги замон цивилизациясининг ривож топавериши билан инсон ва инсониятнинг ижтимоий муҳитга бегоналашаётгани борган сари сезиларли бўлиб бораверади. Мазкур олимларнинг фикрича инсондаги бундай аҳволнинг олдини олиш учун, янги ижтимоий «ритм»ларни йўқотиш зарур.

“Р.Дюбонинг(АҚШ) олими фикрича, саноатнинг ривожи ҳар ҳолда инсониятнинг яаш даражасини юқорига кўтаришта анча ёрдам беради, шу билан бирга урбанизация жараёнлари инсонни ўрганиб қолган табиий муҳитдан сунъий равишда ажратиб қўяди, бундай аҳвол индустрисал жамиятда инсоннинг табиий яаш ритмини бузиб, дистармонияга, издан чиқишига олиб келади ва охир пировардида организмнинг физиологик нормал функциясининг ўзгаришига сабаб бўлади.

3. Инсоннинг табиий, ижтимоий муҳитта мослашиши

Табиатнинг бир қисми, бўлаги инсоният ўзининг таркибига сайдерамизнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини киритган биосферанинг ҳам бир қисмидир. Табиатни қанчалик чукур билсак, у түғрисида билимимиз кўпроқ бўлса, бизнинг онгимизда унга

^{“Дюбо Р. Человек и окружающая среда. Конфер. ООН. 1962 г.}

нисбатан гуурумиз, қойил қолишимиз, ҳурматимиз шунчалар ошади, чунки у бизнинг соғлигимиз, хурсандчилигимиз, тинчлигимиз, ҳаётимизнинг ва мазмунидир.

Табиатни билишимизда, ўрганишимизда экология фанининг ёрдами бениҳоя катта, чунки у турли фанларнинг далилларини бирлаштирувчи ва таҳтил қилувчи синтетик фан ҳисобланади. Инсон наслини асрлар давомида узоқча чўзувчи биосферани асрамоқ, унинг бирлигини сақламоқ инсониятнинг асосий вазифасидир. Чунки, инсон биосферанинг бир қисми сифатида унга ўзаро бевосита боғланган. Аммо, шуни айтиш зарурки, табиатда рўй берадиган воқеликлар маълум бир ритмдадир, бу табиатдаги ритм кетма-кет қайтарилаверади, инсон шунга ўрганади. Жумладан, кеча ва кундуз, куз ва баҳор, қишиш ва ёз, хуллас, ҳар доим ҳаёт маълум ритмда кечади. Ҳар қандай организмнинг функционал системалари ритмик ҳаракат қилувчи системалардир.

Биологик ритм бу организм мосланишининг эволюцион формаси, бу тирик организмнинг яшашини аниқлайди. Эволюцион жараёнларнинг ҳамма босқичларида, вақтнинчалик ишлаб чиқилган организмнинг турли функционал системаларининг табиат муҳити билан кетма-кет ўзаро таъсири, ҳаётнинг гармоник фаолиятининг келишилган ҳолати, ҳар хил ритмик биологик жараёнлар бир-бутун организмни нормал ҳаётини таъминлайди. Албатта, организмдаги келишилган нормал физиологик жараёнлар механизмининг бирор жараён таъсирида ўзгариши пировардидага патологик ҳолатларни келтириб чиқа олади.

Ҳаётнинг ҳамма босқичларида биологик ритмларни хужайрадаги оддий биохимик реакциялардан тортиб, энг мураккабида ҳам ритм борлиги аниқланган. Ҳар бир хужайра, тўқима ва орган ўзининг ишчи ритмига эга, булар ўзаро бир-бирлари билан суткалик ритм заминида 24 соатлик вақтда боғланадилар. Тирик организмдаги ритмлар жуда кенг диапазондаги кўринишларга эга бўлиб, масалан, улар вақти-вақти билан нафас олишнинг тебраниш ҳолатига тана ҳароратини тебраниши, юрак фаолияти ва қоннинг таркибини ўзгариш ҳодисасига тарқалиши мумкин. Ёки сутканинг ҳар хил соат вақтига қараб, оғриқнинг ўзгариши, мазани, ҳидни вақтга қараб сезишнинг ўзгариши, шовқинга нисбатан сезигирликнинг ўзгариши, ўлим, туғлиш ритми ва ҳоказолар мавжуд.

Инсоннинг янги табиий ва ишлаб чиқариш, ижтимоий-биологик шароитларга кўниши, мослашиши деганда бу организмнинг бир қанча ижтимоий-биологик хусусиятларини, организм ўзига хос томонларининг конкрет экологик муҳитда яшаш учун мослашиши деб тушунмоқ керак.

Аммо, одамларни доимо бир минтақадан, иқлим шароити мутлақо бошқа бўлган минтақаларга кўчиб юриши, ўша минтақалардаги мураккаб ижтимоий ишлаб чиқариш, табиий муҳит шароити одамларни ўша шароитта мустаҳкам ўрганиб кетишими, айниқса, инсоннинг ташқи муҳит шароитларига муносабати доимийлигини таъминлай олмайди. Бунинг оқибатида организмнинг функцияларини доимо тараангашган ҳолатда кўриш мумкин. Лекин, ҳайётнинг янги яшаш шароитида инсонлар билан атроф-муҳитнинг ўзаро таъсирини оғриқсиз ўтишини таъминлаш асосий муаммо. Бу муаммони тиббиёт билими, биология фани ҳал эта олади, уларнинг янги яшаш шароитида қандай касалликларнинг келиб чиқишини олдиндан билиши ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ҳозирда ва келажакдаги авлодларнинг соғлигини сақлашга имкон туғдиради.

Инсон популяциясининг саломатлик даражаси, нормал туғилиш, наслнинг соғлиги, генетик ҳар хил ҳолатлар, ҳар хил иқлим, географик шароитга мослашиш, шу шароитда турли ижтимоий ролларни бажариш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Айрим ҳолатларда шахс ёки бир-бутун популяциянинг мослашиш имкониятининг реал яшаш шароитда кўзга ташланишини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам организмнинг мослашиш имкониятларини амалда конкрет ижтимоий-экологик системада чукур ўрганиш мумкин. Одатда, инсон организмининг янги шароитга мослашиш хусусиятлари ва уларнинг активлиги, маълум кетма-кетликда кўринади, шу билан бирга улар маълум вақт орасида чегараланган. Ташқи муҳит факторларининг таъсирини организм томонидан тезда, натижали бартараф қилиш ёки нокулай шароит таъсири оқибатини тикланиши шахсни мослашиш имкониятини характерлаб беради.

* Т. Селье таълимотига кўра инсон организмининг янги шароитга кўнишида ёки мослашишида уч босқич мавжуд:

* Селье Т. Очерки об адаптационном синдроме.

1. Организмнинг хавотирланиши; организм бунда ўзининг ташқи мұхит таъсирига ҳимоя күчларини тайёрлайди;
2. Организм функцияларининг доимийлиги; Н.А.Агаджанян фикрича, бу фаза шу билан характерлики, организм атроф-мухитта нисбатан маълум даражада динамик доимийликда, (Гомеостаз) унинг функциялари ҳам доимийликда ишлаб туради. Бу фазада организмнинг ташқи мұхит таъсиrlарига юқори даражада чидамлиги намоён бўлади ва қарши турға олади.
3. Учинчи босқичда организм кучсизланади, қувват пасаяди организм ундаги бузилишни тиклай олмайди (Дисстресс).

Инсон организмининг янги факторлар таъсирига мослашиш механизмини ўрганиш физиологик нұқтаи назардан катта қизиқиш пайдо қиласади. Бу муаммонинг актуаллиги иссиқ континентал иқлимга эга бўлган минтақаларда жуда баланд. Айниқса, бу муаммони Ўрта Осиё ҳудудида ўрганиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади. Чунки, бу ҳудудда гемодинамикада, сув балансида, организмни витаминалар билан таъминлаш жараёнида, қоннинг морфологик ҳолатида, организмнинг иссиқлик ишлаб чиқиш ва уни бошқаришида, чарча жараёnlарида катта ўзгаришлар вужудга келади. Сабаби шундаки, Ўрта Осиё шароитида тез ўзгарувчан континентал иқлим, метеорологик факторларнинг тез ўзгариб туриши, йил давомида уларнинг тўлқинсимон тарзда вақти-вақти билан бирдан юқорилашиб ёки пастга тушиб кетиши, бир фаслдан иккинчисига ўтишда бирдан тез ўзгариб қолиши, суткали амплитуданинг бекарорлиги инсонни тез мослашишига қандайдир салбий таъсир кўрсатади. Ҳар фаслда суткали ҳаво ҳароратини $20-22^{\circ}\text{C}$ ўзгариши, ёз ойлари ўта қуруқлиги, ўртача ойлик ҳарорат $30-32^{\circ}\text{C}$ бўлса, энг юқориси 48°C , 2003 йили Сурхондарёда июл ойида ҳатто ҳаво ҳарорати $50-57^{\circ}\text{C}$ етиб борди. Бундай шароитда инсон организмининг мослашиши оғирроқ кечади.

Шунинг учун ҳам инсон организмининг бундай ҳолатга мослашишида ҳамма орган ва системалар қатнашади, бундай ҳолатта энг сезиларли реакцияни нерв системаси беради, унинг асосий функцияси қандай бўлмасин, ўша шароитга мослаштиришга қаратилган. Мослашишни, бошқача қилиб айтганда, бош мия, нерв система бошқаради.

Организмдаги мослашиш ва компенсатор функцияларнинг мавжудлиги организмга таъсир этувчи ноқулай физик факторларни енгиги ўтишга имкон туғдиради. Танаси соғлом бўлмаган одамни бошқача иқлимий шароитга кўчиши ва яшашга интилиши касалликни зўрайтиришга олиб боради, аксинча бошқа касалликлар бошқа ҳудудга ўтишлари билан соғлиқлари енгиллаша боради. Масалан, Тошкент шаҳрида асмойдли бронхит билан оғриганлар, Тошкент вилоятининг Оқтош ҳудудида ўзини жуда яхши сезади, чунки географик иқлим, тоза ҳаво ижобий таъсирини кўрсатади.

Ўрта Осиёning иссиқ иқлимида ишлатилаётган заҳарли моддалар одамларга ўтқирроқ таъсир кўрсатади, иссиқлиқда заҳарланиш оғир кечади. Иссик шароитда юза қон томирлар кенгайиб терига тушган заҳарнинг тезроқ шимилишига ва заҳарланиш аломатларининг юзага чиқишига имкон беради. Чунки жуда кўп пестицидлар тери орқали яхши шимилади ва организмни заҳарлайди.

Қизиги шундаки, физик ва кимёвий омилларга нисбатан адаптация кузатилмайди, аммо таъсир этувчи факторларнинг миқдори камайса ёки тўла тўқис йўқ қилинса, касаллик йўқолиб, тузалиш бошланади.

* Р. Дюбонинг фикрича, «инсон янги токсикологик хусусиятга эга бўлган моддаларга ва уларнинг таъсирига нисбатан мослаша олмайди». Бу жуда тўғри фикр, бунга мисол, 187 киши пестицидлар таъсирида тери касалига дучор бўлдилар, уларнинг 52 таси бошқа ишга ўтказилиши билан тери касали тузалиб, 49 тасида қайтарилимади (Б. Юсупов).

Кейинги вақтларда ишга қабул қилиш ҳам иқтисодий, ҳам ишлаб чиқаришга қулай бўлиши учун ишчиларни психофизиологик нуқтai назардан танлаш ижобий натижада бермоқда. Натижада ўкув юртларида 40—50% ўқишга қобилияти йўқлар, касбга яроқсиз бўлганликлари учун қабул қилинмади ёки танлов билан ишга олинса касб эгалари ўртасидаги авария бўлиш жараёnlари 40—70%га камайди.

Дарҳақиқат, психофизиологик танлов билан ишга қабул қилинган кишилар билан ҳозирги замон талабига жавоб берувчи механизmlарда, автоматларда, янги станокларда ишлаш анча куляироқ, иш самарали бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги концепция бўйича қуйидагича комплекс бўлиши керак: инсон—машина—муҳит. Машинанинг механизmlарнинг фаолиятлироқ бўлиши учун мутахассис касб эгаси

танланиши керак. Бунинг учун ўқув юртларыда тайёрланадиган касб әгалари ҳақиқий хунар әгаси бўлишини тақозо қиласи.

Ҳозирги инсон, ҳозирги замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида кўпроқ янги машиналар, механизмлар, станоклар ва бошқалар билан тўқнашади, уларнинг тез ишлаши, автоматлаштирилгани, вақтнинг камлиги, турли факторлар таъсирида меҳнат қилиш, уларнинг ўша шароитга мослашишини тақозо қиласи, акс ҳолда организм чидай олмайди, улар ишдан кетишга мажбур бўлади. Мисол, тўқимачилик комбинатларидаги ишчиларни ҳар йили ишдан бўшали ва янгиларининг ишга қабул қилиниши 2—3 мингта, катта тўқимачилик комбинатларida 4000 га етиб боради. Чунки, ишчилар қабул қилинаётган вақтда психофизиологик танлов асосида ишга жойлаштириш ҳамма корхоналарда оқсайди. Хулоса қилиб айтганда, инсон организмининг, бу ишлаб чиқаришда бўладими, умуман яшаш жараёнида бўладими инсоннинг ўзи яшаб турган атроф-муҳитга кўниши ёки ишлаб чиқариш шароитига кўнишиами, бу муаммо. Гоҳо кўникади, касалланмай ҳаёт кечираверади, гоҳо кўника олмайди, оқибатда организм касалланади.

Шунинг учун ҳам инсонлар ўзлари учун ҳар бир географик иклим шароитида, меҳнат шароитида кулайликни таъминлашлари керак. Акс ҳолда организмнинг мослашиш имконияти издан чиқади.

Илмий-техника тараққиёти даврида меҳнатда тартиб интизомли бўлиш, ҳар қандай ҳолатда бошлиқларда, меҳнат ташкилотчиларида маъсулият, жавобгарликни ҳис этиш туйғуси одамларнинг яшаши учун, меҳнат қилиш учун қулай шароитни туғдириш ижтимоий мослашишнинг гарови ва шартидир.

Ҳар қандай тирик жоннинг ўзи яшаб турган ва доимо ўзгариб турадиган шароитга мослашиши бу ҳаётни, яшашни таъминлайди, мослаша олмаса, у издан чиқади, касаллик, ўлим, йўқотиш вужудга келади. Демак, бу муаммони тинмасдан ўрганиш, бу борада изланишларни кенгроқ давом эттириш, мослашишнинг механизмларини илмий асосда очиш, бу борадаги кўп саволларга жавоб топишни давом эттириш зарур бўлади.

4. Ҳайвон организмларининг атроф-муҳит шароитига мослашишни.

Атроф-муҳит факторларини турли ҳайвонлар ҳар хил қабул қиласи. Баъзи бир организмларники ҳароратга, намлика сувнинг шўрлигига, ёруғликка талаби кенг, баъзи бирлариники тор. Демак, баъзи бир ҳайвонлар атроф-муҳитда бўлаётган факторларнинг кенг

ўзгариш оралиғида яшай олса, баъзилари кичик ўзгариши оралиғида яшай олади. Жумладан, карп балиғи фақат чучук сувда яшаса, бошқа балиқлар ҳам чучук, ҳам шўр сувларда яшаши мумкин.

Ўсимлик дунёсида ҳам намлини жуда хоҳлайдиган гигрофил, ўртача миқдорда хоҳлайдиган (мезофил) ва қуруқликни хоҳлайдиган (ксерофил) ўсимликлар бор.

Турларни алоҳида факторларга ёки уларнинг комплекс ҳолатдаги факторларига мослашиши экологик валентлик қобилияти дейилади ёки экологик мослашувчанликдир. Тирик жонларнинг мослашувчанлик даражаси қанча юқори бўлса, улар аниқ экологик ҳолатга мослашиши юқори, ундай жониворлар популяциясининг атроф-муҳит шароитида яшаб қолиши ва кўпайишига имкон бўлади.

Масалан, лось (буғи) номли ҳайвон ҳароратнинг ўзгаришига, қор қопламигининг қалинлигига ёввойи чўчқага қарагандা тез мослашади. Щунинг учун ҳам ҳайвонларнинг атроф-муҳитта тез мослашиши уларни географик кенгликларда тезроқ тарқалишига имконият беради.

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси жуда кўп факторлар таъсирига мослашишга мажбурдирлар, чунки бундай мослашиш эволюцион жараёнларда, табиий танланиш даврида, насл даражасида шакланади ва мустаҳкамланади. Ташиб муҳит шарт-шароитларига мослаша олмайдиган жониворлар ўз-ўзидан қирилиб, йўқолиб кетади.

Атроф-муҳитта мослашишнинг турлари кўп.

1. Морфологик мослашиш (адаптация). Сувда яшовчи жониворлар организмининг ўша шароитга мослашиши, яъни китта ўхшаш жониворларнинг тез сузишга ўрганиши ёки барги йўқ ўсимликларнинг саҳрова яшашга мослашиши, яъни кам сув йўқотишга мослашиши.

2. Физиологик мослашиш (адаптация), масалан, ҳайвонлар ошқозонидаги ферментларнинг ошқозондаги овқатлар таркибиغا қараб ишлаб чиқилиши, ўсимлик организмидаги фотосинтезнинг биохимик жараёнлари оқибатида ноорганик моддалардан органик моддалар синтезининг атмосфера ҳавосидаги газ таркибининг маълум миқдордаги даражасига боғлиқлиги ва ўсимликни шунга мослашиши физиологик адаптацияга мисол бўла олади.

3. Этологик мослашиш (поведенческая), яъни ҳайвонлар ўзининг ҳаёт жараёнида атроф-муҳит билан иссиқлиқ алмашишни нормал ҳолатда таъминлашга қодир. Масалан, ўзига бошланана яратиш,

* Этология — ҳайвонот оламнинг хулқ авторини ўрганадиган фан.

ҳарақатланиш, бир жойдан иккинчи жойга ўтиш, ўзига қурай ҳароратни танлаш, айниқса, экстремал ҳолатда бундай мосланиш жуда зарур.

Ҳайвонлар намлик ўзгаришларига, ёруғликнинг ўзгаришига ва бошқа экологик факторларга ҳам кўниши, мослашиши мумкин. Ҳуллас, ҳайвонларнинг ҳаёт жараёниларидаги фақулодда бўладиган ўзгаришларга реакциялари ҳар хил.

Тоғ олди ва тоғлик территорияларда Европа Осиёга тегишли ҳайвонлар тури ёки Қозогистон, Монголия даштларида яшовчи баъзи бир ҳайвонларнинг қариндош эканликларини борлиги аниқ. Демак, Ўрта Осиё текисликлари ва тоғлик минтақаларида яшовчи ҳайвонлар дунёсида икки ҳар хил комплексдаги ҳайвонлар гурухини кўз олдимишга келтирамиз.

Улар кенг бўлмаган кенгликларда бир-бирлари билан аралашган ҳолатда ва бир-бирларига маълум даражада таъсир этувчи гуруҳлар бўлиб, кичик тоғ оролларида ёки водийларда бевосита kontaktда бўладилар.

Ҳайвонот дунёсининг ўзига хос томонларини асосан сероб бўлган иссиқлик ва ўта бир хilda тақсимланмаган намлик билан бирлашиши аниқлайди. Иссиқликнинг сероблиги, тупроқ шароитининг яхшилиги турли фауналарнинг тез ривожига имкон туғдиради. Аммо ёғингарчиликнинг кам бўлиши баъзи бир фауналарнинг йўқолиб кетишига ёки ўта камайиб кетишига сабаб бўлади. Такир, дашт биёбонларда яшаётган ҳайвонларнинг тўқайларда, ўсимлик дунёси орасида яшаётган ҳайвонлардан фарқи кўзга ташланади.

Ўрта Осиёга характерли томондан яна бири табиий манзараларнинг тез-тез ўзгариб туриши, яъни кўп тоғларнинг ён бағирларида ўрмон дарахтзорларнинг йўқлиги, ўзига хос баланд бўйли совукқа чидамли ёғочбоп ўсимлик дарахтларининг бўлиши ўша минтақада яшаётган ҳайвонлар турига ўз таъсирини кўрсатади.

Тропик ҳайвонларнинг баъзи бирларини Тожикистаннинг жанубида ва Туркманистанда учратиш мумкин. Аммо, Марказий Осиёнинг баланд тоғларида, Қозогистон, Монголия, Ҳиндҳимолай, Сибир, Европа, Ўртаер денгизи, Туркистон, Осиё олди минтақаларида яшовчи ҳайвонларнинг вакиллари мавжуд, улар ичида асосий ядрои Марказий Осиё минтақасига тегишли фауна турларидир.

IV боб. Минтақавий ижтимоий-экологик мұаммалар

1. Марказий Осиё минтақасыда ижтимоий-экологик мұаммаларнинг келиб чиқиши

Шу нарса маълумки, Марказий Осиёнинг иқлими, географиясининг ўзига хос томонлари инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатларига, уларнинг шаклланишига, экосистема тараққиётига ҳар томонлама ўз таъсирини күрсатади. Марказий Осиё мисолида глобал ва регионал ижтимоий-экологик мұаммаларни бир-бирига боғланғанларини, ўзаро боғлиқ ҳолда юзага келишини кўриш, кузатиш мумкин.

Инсоннинг антропоген фаолиятининг таъсири Марказий Осиё регионасида секин-аста унинг табиатни бошқариш функциясини тобора пастга тушира борди. Унинг регион масштабида чидамлилиги, биохосилдорлигининг тушиб кетиши кишиларнинг безовта бўлишига олиб бормоқда. Табиатдаги мувозанатнинг бузилиб бораётгани объектив ҳавф туғдирмоқда, ўз навбатида, бундай ҳолат ижтимоий экосистеманинг глобал ривожига салбий таъсир күрсатмоқда. Бу регионнинг табиий мұхитидаги асосий бузилишлар инсоннинг хўжалик фаолиятига, ишлаб чиқариш кучларини экстенсив ривожланишига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Биосферанинг катта экологик резервлари бўлишига қарамай инсоннинг табиатга нисбатан ўта ўйламасдан қилган хатти-ҳаракатлари регионнинг биоценозига салбий таъсир күрсатмоқда, бу ўзгаришларни тузатиш анча вақтни талаб этади. Биринчидан, биосфера объектларининг токсик (заҳарли) моддалар билан ифлосланиши, бунинг устига табиий ресурслардан экологик тасдиқланмаган ҳолатда интенсив фойдаланиш, табиатнинг ўзини ўзи қайта тиклашига кучи етмай қолаётганлиги одамларни ташвишга солмоқда.

Экологик вазият регионда жуда ачинарли ҳолатда, чунки табиатга нисбатан саноат корхоналарининг, қишлоқ хўжалигининг ва транспортнинг, демографик ҳолатнинг ҳаддан ташқари тазийқи табиий мұхитни инсон ҳаётида заарли омилга айлантироқда. Гап

шундаки, инсон тараққиётининг ҳамма жабхаларида табиатни ҳақиқатдан асраш четда қолмоқда.

Қарорлар, кўрсатмалар, фармойишлар, норматив ҳужжатлар жуда кўп, аммо улар секин амалга ошмоқда.

М.Ш.Шарифхўжаевнинг фикрича, Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларидағи ҳозирги экологик ҳолат собиқ Иттифоқ давлатининг олиб борган иқтисодий нотўғри сиёсатининг асорати. Собиқ Иттифоқнинг, марказдан туриб, ҳисоблашмай табиий ресурслардан ўта тартибсизлик билан фойдаланилиши экологик системани бузиб ташлади. Оқибатда инсоннинг яшаш мұхити деградацияга, инқирозга учради. Айниқса, пахта якка ҳокимлигининг келиб чиқиши, илм-фанга асосланмаган аграр секторда даҳшатли экологик ҳолатни келтириб чиқарди, тупроқдаги гумус миқдори пасайиб кетди (30—40%), кам ҳосил берадиган ер майдони 500000 га етди, тупроқнинг мелиоратив ҳолати бузилди. Кўп миқдорда минерал ўғитлар, пестицидларнинг ишлатилиши ернинг биоценозини ўзгартириб юборди.

Бизнинг республикамизда табиатни муҳофаза қилишининг ва уни соғломлаштиришнинг энг кечикириб бўлмайдиган вазифалари турибди. Республикада ҳар йили 100 млн. тоннадан кўпроқ ахлатлар пайдо бўлади, уларнинг ҳозирги миқдори 2 млрд. тоннадан ортиб кетди, улар 20000 гектар ерни эгаллаб ётибди. Республикада чиқинди ахлатларни утилизация қилиш ниҳоятда паст. Бундай ҳолат тупроқни, сув ҳавзаларини ер ости сувларини ифлослантирувчи потенциал хавф тутдирувчи омилларга айланмоқда.

Ўзбекистон гидрометеорологиясининг далилларига қараганда республика биосферасининг умумий ифлосланишида атмосфера ҳавосига ташланадиган заарарли омилларнинг ҳиссаси 60% дан ортиқ ҳисобланди. Туркманистон республикасида эса биосферанинг умумий ифлосланишида ҳавога ташланадиган карбон сувли ифлосланишлар 58% ни ташкил қиласди. Умуман олганда Ўрта Осиё республикаларининг ички ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг асосий заарарли чиқинди омиллари ичida окис услерод (ис гази), сульфит ангидриди, карбон сувлар, қаттиқ заррачалар, азот оксиди, металлар, мис, рух, кўрғошин, цинк, молибден ва бошқа ингредиентлар биринчилардан бўлиб туради.

Атмосферага ташланадиган ҳар кунлик заарарли омиллар Тошкент вилоятида 23,6 кг/км², Қашқадарё вилоятида 39,9 кг/км², Фарғона водийсида ҳар йилги атмосферага ташланадиган заарарли омиллар 2 млн. тонна. Саноат корхоналарини кичик территорияларда кўпроқ

жойлашғанлиги катта бўлмаган минтақаларда атмосферанинг юқори даражада ифлосланишига олиб боради. Жумладан, юқори даражадаги техноген юки Тошкент, Фарғона иқтисодий районлариға, Қирғизистоннинг Чуй водийсига, Тожикистоннинг Ҳисор районлариға тўғри келади. Олмалиқ кон металлургия комбинатининг келтирган зарари учун тұлаган жаримаси 1990 йиллари собық Иттифоқ даврида 100000 сүмга етди. Аммо, аҳволни жарима тұлаш йўли билан тўғрилаб бўлмайди.

Охирги 25—30 йиллар давомида республикамизда олиб борилган мелиоратив ишлар натижаси ер ости сувларининг күтарилишига, қолаверса ҳамма территорияда сугориладиган ерларнинг шўрхоқланишига олиб келди. Бундай ерлар Аму ва Сирдарё жойлашган водийларда кузатилмоқда. Экологик мувозанатнинг бузилиши Орол муаммосини келтириб чиқарди, пировардида Орол дengизи юзасининг камайиши, сувнинг қирғоқдан 100—115 км узоқлашиб кетиши, дengиз ўрнида Оролқум деб аталмиш регионнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Хозирда Орол дengизи минтақасида, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган Оролдаги экологик заволга қаратилган муносабат пайдо бўлмоқда: 1) демографик ҳолат, яъни аҳоли сонининг кўпайиши ҳамда меҳнат ресурсларининг ортиб бориши; 2) аҳолининг ишга яроқлисини иш билан таъминлаш ва уларнинг яшаш шароитини тузатиш; 3) ҳалқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш; 4) сугориладиган ерларнинг аҳволини яхшилаш, сув тақсимотини бошқариш, тўғри йўлга солиш, сувни иқтисод қилиш; 5) Марказий Осиё давлатлари зиммасидаги Орол муаммосини иложи борича ижобий ҳал қилиш вазифаси; 6) давлатлараро шартнома асосида сувдан фойдаланишини регламентлаш вазифаси ётади. Мақсал, лоақал Оролнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиши.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё минтақасидаги экологик мувозанатнинг бузилиши, яъни Аму, Сирдарё сувининг ниҳоятда ифлосланиши, тупроқларнинг шўрланиши, Орол дengизининг йўқолиб бориши, балиқ заҳираларининг йўқотилиши, умуман Ўрта Осиё минтақасидаги табиий факторлар функцияларининг турли омиллар билан заарланиши оқибатида салбий томонга бузилиши, биоценозларнинг бузилиши ва бошқалар бутунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Жараён шундай давом этаверса келажакда аҳолини нима кутмоқда? Инсоннинг табиатта нисбатан антропоген

фаолияти қандай давом этади? Шунинг учун ҳам имкониятимиз даражасыда дүнёвий ва Ўрта Осиё республикаларининг ижтимоий-экологик ҳолати билан танишиб, сүнгра табиатни ҳар бир факторининг бутунги ҳолати, инсонларнинг сиҳат-саломатлеклари ҳақида, табиатни мұхофаза қилиш борасыда давлат ва нодавлат ташкилотларининг хайрли ишлери тұғрисида китобнинг кейинги бобларида батағсил тұхталиб үтәмиз.

2. Минтақавий ижтимоий-экологик мұаммоларнинг умумий ҳолати

Умуман, ижтимоий-экологик мұаммолар Құйидагиларга бўлинади. Глобал, минтақавий ва маҳаллий мұаммолар.

Минтақаларни ўз ичига олувчи ижтимоий-экологик мұаммолар ёки минтақавий ижтимоий-экологик системанинг мұаммолари чегарали бир минтақа ичидә бўлиб, уларнинг элементлари ичидә ўзаро инқизозлар, қарама-қаршиликлар мавжуд, улар глобал ижтимоий-экологик мұаммолардан шу билан фарқланади.

Минтақалардаги экологик ҳолат, ижтимоий мұхит, инсонларнинг антропоген фаолияти оқибатида пайдо бўлган мураскаб табиий шароит ва бошқаларни ўрганиш, маълум даражада айрим минтақалардаги ноқулай ижтимоий-экологик ҳолатни баҳолашга имкон туғдиради.

Бунинг учун жуда кўп миқдорда картографик, статистик ва турли соҳалардаги илмий адабиётлардан фойдаланилади, улардан ташқари табиий мұхит тұғрисида; ҳалқ хўжалигидаги ҳолатлар тұғрисида далиллар йиғилади, региондаги демографик ва ижтимоий-иктисодий ҳолатлар тұғрисида ҳам фактлар тұпланиб, улар таҳлил қилинади ва улардан фойдаланилади.

Минтақалардаги ижтимоий-экологик мұаммоларни баҳолашда асосий кўрсаткич бўлиб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражаси, сув ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши даражаси, заарарли омилларнинг рухсат этилган миқдордан ортиб кетиши, тупроқ эрозияси, яйловларнинг йўқолиб бориши, тупроқ устидаги ўтлоқларнинг сийраклашиб бориши, ўрмон даражаларининг камайиши ва бошқалардир.

Минтақалардаги ҳамма ижтимоий-экологик мұаммолар б ғурухга бўлиниши мумкин:

1. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши;

2. Сув ҳавзаларининг ифлосланиши, миқдор жиҳатдан камайиб бориши, ҳатто йўқ бўлиши;

3. Биологик муаммолар: ўрмонларнинг йўқ бўлиб бориши, ўйламасдан кесилиб йўқ қилиниши, яйловларнинг йўқолиб бориши, ўт қопламиининг камая бориши, балиқ бойликларининг йўқолиб бориши;

4. Тупроқ геоморфологияси муаммоси: тупроқ эрозияси, унинг шўрланиши, қамишзор, ботқоқликларнинг пайдо бўлиши, тупроқ ва ғрунтларнинг музлаш жараёнининг бузилиши;

5. Ер тупроқ муаммолари: ернинг бузилиши, қашшоқланиши, озиши, табиийлигининг бузилиши;

6. Ландшафт манзараларнинг, табиий дам олиш жойларининг йўқолиб бориши, ёмонлашуви, табиий обьектларни муҳофаза қилиш жараёнларининг бузилиши, уларнинг табиийлигининг йўқолиб бориши.

Аммо шуни айтиш зарурки, минтақалардаги ижтимоий-экологик ҳолатларнинг, табиий муҳитларнинг бузилиши тикланадиган, тикланиши қийин, умуман тикланиши мумкин бўлмайдиган ҳолатларда бўлиши мумкин.

Агар табиатни муҳофаза қилиш жараёнлари ёки ижтимоий-экологик ҳолат тикланиб бўладиган ҳолатда чегарадан чиқмаган бўлса, уларни тиклашга имкон бўлади, табиий муҳитнинг ўзи компенсация ҳисобига кўмаклашади ва тўла-тўкис табиий ҳолат тикланади. Экологик ҳолат бузилишининг тобора кучайиб бориши ижтимоий-экологик системанинг баланслилиги йўқолса унинг тикланиш жараёни ва имконияти ёмонлашиб боради. Бундай ҳолат субкомпенсация кўринишиди.

Агар экологик системанинг ахволи жуда ёмонлашиб, тўла деградацияга учраган бўлса, мутлақо тикланиши мумкин бўлмаган ҳолат юзага келса, биотик элементларнинг ўлишига, экосистеманинг йўқ бўлишига олиб келса декомпенсация ҳолати бўлади, яъни қайта тикланмайди.

Экологик муаммолар характеристига ва бўладиган асоратига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. *Антропозекологик асорат*, яъни аҳолининг соғлигига бўладиган ўзгаришлар.

2. *Иқтисодий экологик асорат*. Табиий ресурсларнинг (бойликларнинг камайиши) йўқолиб бориши, табиий маҳсулотларнинг камайиши, сифатининг ўзгариши, ишлаб чиқаришдаги пасайишлик.

3. Табиий ландшафтты асорт. Ландшафттарнинг (манзараларнинг) ўзгариши, генофонднинг йўқолиб бориши, табиий ажойиботларнинг йўқолиши.

Собиқ Иттифоқ даврида унинг территориясида 290 та нокулай экологик ҳолатга эга бўлган ареаллар, ҳудудлар бўлган (ареал ўсимлик ёки ҳайвонларни бирор тури тарқалган ҳудуд), бу ареаллар $3,7 \text{ млн.км}^2$ майдонни эгаллайди ёки территориянинг 16%ини ташкил қиласди.

Айрим ареалларнинг майдони $0,6$ мингдан 420 минг км^2 га чўзилган. Энг кўп ареаллар Фарбий Сибир ҳудудида жойлашган бўлиб 33 та, Шарқий Сибирда 22 та, булар асосан кон металургия саноатининг ривожи ва ўрмоннинг кўп кесилиши ва ёғоч ишлаб чиқаришнинг кўпайиши оқибати билан боғланган.

Нокулай экологик ареалларнинг энг катта майдонлари қуидаги ҳудудларда кузатилмоқда. Қозогистонда 67 минг км^2 , Ўрта Осиёда 400 минг км^2 , Шарқий Сибирда 523 км^2 , Ўрол минтақасида 326 км^2 майдонни эгаллаган.

Шундай мураккаб ареаллар борки, улар асосан узоқ вақтлар давомида оғир саноат чиққиндилари таъсирида ётадиган ва табиий ресурслардан жуда шиддатли равишда фойдаланадиган саноат марказларидир, улар урбанизациялашган регионлар қаторида туради. Булар Донбасс, Самара саноат марказлари, Кузбасс, Шарқий Ўрол саноат зонаси, Туладан Челябинскийгача, Фаргона водийси, Навоий, Зарафшон, Кавказ орти регионлари, Усткаменогорск, Харьков саноат зоналари ва ҳоказолар.

Юқорида зикр қилинган ареалларда асосий мұаммо атмосфера ҳавосининг ниҳоятда ифлосланганлиги ва сув ҳавазаларининг ифлослик натижасида издан чиққанлигидир. Шундай ареаллар миқдори 45 та, уларнинг майдонлари 676 минг км^2 ёки собиқ Иттифоқ территориясининг $3,3\%$ ташкил қиласди.

Ўтимли ареаллар гурухига ўта камбағаллашиб, ресурслари емирилиб, камайиб бораётган ҳудудлар киради. Улар, Россия территориясининг 3% ини ташкил қиласди. Шундай ареалларнинг миқдори 154 , умумий майдони 646 минг км^2 , буларга Норильск, Колск ярим ороли, Шимолий-Шарқий Сибир ва Прибайкал регионлари ва бошқалар киради.

Оддий ареаллар, асосан табиий ресурсларнинг маълум даражада йўқолиши ва камайиши билан боғлиқ. Бу ҳудудлардаги ўрмонларда ҳисобсиз ёғоч тайёрлаш, сув ҳавазаларининг тезда ифлосланиши, уларнинг саёzlаниб бориши, сувининг камайиши кўзга ташланади.

Мисол Азов, Оқ, Қора денгизлар, қысман Каспий денгизи, әрозияға учраган ҳайдаланадиган ва яйлов ерли Марказий қоратупроқ, Шимолий Қозоғистон ерлари, Қалмоқиянинг әrozияға учраётган яйловли ерлари мисол бўла олади.

Оддий ареалларга кўшимча бўлиб генофондларининг йўқолиб кетиши хавфи бўлган территориялар, йўқолиб кетаётган табиий ландшафтлар, декомпенсация ҳолатидаги экосистемалар киради. Буларнинг сони 91 та бўлиб, умумий майдони 2284 минг км² ёки собиқ Иттифоқнинг умумий территориясининг 10%ини ташкил қиласди. Булар ичида сув әrozиясига учраган тупроқлар 373 минг км², кесилган, деградацияга учраган ўрмонлар 534 минг км², шамол әrozиясига учраган 670 минг км² ерлар, тоб жинсларини ковлаб олиб, уларнинг чиқиндилари ташланган ерлар 162 минг км², қуруқликда суви қочган дарёлар, ифлосланган сувлар 496 минг км²ни ташкил қиласди. Хуллас, собық Иттифоқнинг умумий ақолисининг 20%и экологик жиҳатдан нокулай шароитда яшашга мажбур. Айниқса, Фарбий Сибир ҳудудларида нефть заҳираларидан ўта шафқатсизлик билан фойдаланиш, қазиб олиш жуда катта территорияларнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши оқибатида, бунинг устига ҳаво ҳароратининг пастлиги, ер, сув ҳавзаларининг музлаб қолиши оқибатида органик моддаларининг парчаланиш жараёнининг ниҳоятда пастлиги ифлосланишининг ниҳоятда ёмонлашишидан дарак беради. Бундай ифлосланиш жараёнлари балиқ ресурсларининг, буғулар ва бошқа ҳайвонлар генофондининг камайишига олиб бормоқда.

Үрта Осиёнинг ярим чўл ва чўл зоналаридаги табиий ресурсларнинг муҳофазаси, асосан йилдан йилга кўпайиб бораётган шўрланган ерларта, сув ҳавзаларининг ифлосланишига, сув ҳавзаларининг сувини асрашга қаратилган бўлиши керак, айниқса, яйлов ерлари әrozиясининг олдини олиш энг катта мұаммоларга айланмоқда.

Шундай қилиб, экологик ва гигиеник мұаммоларнинг пайдо бўлиши, айрим ҳудудларда табиий ресурсларга экстенсив ёндашиш оқибатидир, ландшафтлар, табиий ресурсларнинг, ўзига хос томонларини инкор этиш, инсоннинг антропоген фаолиятлари таъсирини эътиборга олмасликнинг асоратидир.

Совет иттифоқи парчаланиб кетгандан сўнг, унинг ўрнига СНГ давлатлари ташкил топди. Жаҳон жамиятининг эътиборини илгариги Туркестон ўлкаси таркибиға кирган мустақил Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон

мамлакатлари жалб этди. Бу ўлқада 50 млн.дан ортиқ аҳоли истиқомат қиласы, жумладан, 16 млн. аҳоли Қозғистонда, 25 млн. Ўзбекистонда, қолғанлари 3 республикада жойлашган, бу мамлакатларнинг территориялари 3,9 млн.км². Бу ўлка Туркия, Эрон, Россия, Афғонистон, Хитой, Озарбайжон мамлакатлари билан чегара доштирилген. Бу территорииядан Буюк ипак йўли ўтган, бу йўл узоқ давлатларни бирлаштириб савдо ишларини ривож топтиришига имкон яратди. Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўзларининг нигоҳларини яна Буюк ипак Йўлига қаратиб, уни тиклаш ниятларини изҳор этмоқдалар. Бу регионда табиий бойликларнинг кўплиги, ипак йўли орқали кўп мамлакатларни боғлаш, қолаверса Шарқ билан Фарб мамлакатларини боғлаш, савдони ривожлантириш, табиий ресурслардан фойдаланиш каби режалар тузишга мамлакатларнинг ўzlари интилоқдалар.

Регионнинг ижтимоий-экологик системаси географик жиҳатдан катта такрорланмас ранг-барангликка эга, бу ҳудудда чўлу биёбонлар, кумликлар, тоғлар, тепаликлар, ўрмонлар мавжуд, ҳаттоки, тоғ тизмалари ичидаги шарқда ажралиб турдиган улуғвор Помир, алпинистлар ибораси билан айтганда «Криша мира»— дунёнинг томи ётибди. Бу регионнинг биологик экологияси кўп жиҳатдан шарқдан ғарбга оқувчи дарёларига Орол денизига, катта кичик дарё сувларига боғлиқ. Региондаги таҳминан 2/3 қисм аҳоли қишлоқ шароитида яшайди.

Туғилиш коэффициентининг юқорилиги, ўлимнинг нисбатан камлиги аҳолининг тез ўсишига имкон туғдиради. Региондаги миллатлар, асосан, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва 9 дан 45% славянлар, руслар, украиналиклар, белоруслардир. Асосий тиллари турк тилидир, тожикларнинг тили форсийларга яқин.

Аслини олганда собиқ Иттифоқ парчаланиб кетмасдан илгари бу республикалар жуда катта табиий бойликларга эга бўлсада, бошқа иттифоқдош республикалар аҳолисига нисбатан энг камбагал регионларга кирган. 50% дан ортиқ моддий бойлик яратадиган аҳолининг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Пахта ишлаб чиқариш, энг асосий вазифа бўлиб, бунга бутун куч йўналтирилган, яъни саноат корхоналари, енгил саноат, сув хўжалиги, мелиорация ишлари, кадрларни тайёрлаш ва бошқалар. Саноат маҳсулотлари, ҳатто озиқ-овқатнинг энг асосий қисми бошқа республикалардан импорт қилинар эди.

3. Ўрта Осиёнинг экологик системаси

Ўрта Осиё ҳудуди күмли чўл, ярим чўл, доимо қор билан қопланган тоғлик, ярим тоғли қирлар, тепаликлар жойлашган ҳудуд. Бу тоғлар икки азим дарё Сир ва Амудан ташқари жуда кўп кичик дарёлар учун ҳам ўзининг музликларидан, кўп ёғадиган қорларидан сув беради, булар Зарафшон, Сурхондарё, Норин, Вахш, Панҷ ва бошқалар. Улардан ташқари жуда кўп сой, кичик дарёлар: Шоҳимардонсой, Марғилонсой, Кўқонсой, Новгарзонсой, Ризасой, Фовасой, Талас, хуллас 50—60 млн. аҳолига эга бўлган Ўрта Осиё давлатларини, уларнинг саноатини, қишлоқ ҳўжалигини сув билан тъминлайдиган асосий сув манбалариdir. Ўрта Осиё тоғлари жуда баланд, уларни баъзи бирларининг юқори баландлиги 7000 метрдан ошади, Коммунист номи билан аталувчи баландлик 7495 метрга, Фалаба баландлиги 7495 метрга тенг. Мана шу баландликларда Қирғизистон, Тоҷикистон ҳудудида жойлашган тоғларда музликлар мавжуддир (Федченко ва Инилчек музликлари). Бу музликлар ўзларининг қаърида 2000 км³ намликин ушлади.

Ўрта Осиё давлатлари территориялари жойлашган Қорақум, Қизилқум ва Устюрт чўлу биёбонлари Каспий денгизи қирғоқларидан бошланиб Тян Шан тоғ тизмалари этагигача етиб боради, яъни фарбдан шарққа қараб 1000 км дан ортиқ масофаларни эгаллаб ётади.

Ўрта Осиё орографик нуқтаи назардан икки қисмга бўлинади: фарб томонидан Турон текислиги кириб келади, шарқ томондан кучли Тян Шан тоғ тизмалари ва Помир тоғлари билан ажralиб туради. Ўрта Осиёнинг фарбий текисликларининг кўп қисми океанлар даражасидан анча пастда туради. Қорақум жойлашган Акчак пастлиги 81 метр, Чангичи қишлоғидаги Каракия пастлиги 132 метрга тенг. Ўрта Осиё тоғ тизмалари энг баланд тоғ системасига киради ва Евразия тоғ камари билан боғланиб кетган.

Ўрта Осиё минтақаларида Тян Шан, Помир ва Копетдаг тоғ тизмаларининг ярми фарбий томондан ястаниб ётади. Бу тоғларнинг ажralиб турадиган томонлари уларнинг рельефидаги текислик, булар ўз даврида тектоник жараёнларнинг шиддатли ўтиши ва узоқ даврлар ичida тоғ жинсларининг шамол, ёғингарчиликлар таъсирида

емирилиб боришидан пайдо бўлади. Тоғлардан емирилган, синган тоғ жинслари, материаллари тоғ этакларига сурилиб, даврлар ўтиши билан дараҳтзорларга, ўтлоқ ва яйловларга айланади. Айниқса, зилзилалар, тоғ кўчишлари, сел кетиши, айниқса, баҳор ойларининг бошланиши билан боғланган жараёнлар кўчган лойларни, тошларни, маъданларни тоғ этакларига улоқтириб ташлайди. Гоҳо тарихан аҳамиятта эга бўлган катта тоғ кўчмалари содир бўладики, бу жараёнлар оқитбатида икки тоғлар бирлашиб кетиб, улар орасида оқаётган дарёлар, сойлар бекилиб қолиб, тоғлар орасида кўллар пайдо бўлади. Масалан, Иссиққўл, Саричелак, Кўкнол, Помир тоғида жойлашган кўллар, Панжекент, Тожикистон ҳудудида пайдо бўлган Искандар кўл, Олмаота территориясидаги Иссиққўл ва ҳоказолар.

Ўрта Осиё республикаларининг тоғли районлари сейсмик далилларга қараганда 8—9 балли ер қимирлаши зоналарига киради. Бундай зоналарни олдиндан аниқлаш катта аҳамият касб этади. Чунки, катта-катта иншоотларни, туар жойлар қурилиши, тўғонлар, гидроэлектростанция ва бошқа иншоотларни қуришда ўша далиллар зарур бўлади.

а) иқлими

Минтақанинг иқлимини ҳосил қўлувчи факторлар: минтақанинг географик ўрни, атмосфера ҳавосининг айланиб юриши, қуёш радиацияси ва бошқалар Ўрта Осиё регионида қуруқ ҳаволи иқлимин таъминлайди, чунки иссиқликнинг кўплиги ёруғлик кунларнинг сероблиги, континентал иқлимий факторларнинг йиллар давомида ва бир йил ичida ўзгариб туриши иссиқлик ва қуруқчилик ҳолатини сақлаб туради. Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати энг совук даврда ёки энг иссиқ даврларда -30°C дан $+30^{\circ}\text{C}$ гача етиб боради. Ойлик ёғингарчиликлар бальзи бир ойларда 24 баробар кўпроқ ёғса ёки кўп йиллик ўртача миқдордан анча камроқ бўлиши мумкин. Иқлиминг континентал бўлиши кўп жиҳатдан ернинг рельефига ҳам боғлиқ.

Ўрта Осиёning жануб ва жанубий шарқ томонида баланд тоғларнинг бўлиши, шимол томондан бундай тўсиқ бўладиган тоғларнинг йўқлиги шимолдан келадиган совук шамол, ҳавонинг ўлканинг текисликлари томон бемалол кириб келишига имкон туғдиради. Ёз вақтида территорияда пайдо бўладиган совук ҳаво тез исиб кетади. Қиши вақтларида ҳаво ҳароратининг ўзгариши сезилмайди, шунинг учун қиши анчагина совукроқ бўлади. Ўрта

Осиёнинг иқлім шароити қишлоқ хұжалик экинларини етиштиришга күлай. Йил давомида Ўрта Осиё региони ҳар бир см^2 юзага нурланиши қүёшнинг ўртаса радиациясидан 120 ккал энергияни олади. Жанубий чегарасида 160 ккал / 1 см^2 майдонға олади. Текислик майдонларда очиқ ҳаво күнлари 90—95%, 60—80 % га етиб боради. Шунинг учун қүёшнинг күриниши йилига ўртаса 2400—3000 соатта тенг. Төглик районларда бу күрсаткичларнинг ҳаммаси ўзгариб кетади.

Регионда шундай миқдордаги иссиқликнинг олиниши қүёш нурининг горизонт тепасидан ерга узок ვაқт иссиқлик бериши қибатидадыр.

Ўрта Осиёнинг текислик қисміда радиация баланси ва унинг активлиги кенгликлар бүйіча кам ўзгаришда. Үндән ташқары ер қозасини қоплаб турған ўтларға, уларнинг сугорилишига ҳам боғлиқ. Йил давомида радиацион баланс ўртаса 1 см^2 майдонда бир минутда 7—11 ккал, июн ва июл ойларда күпинча күннинг ярмида 1 см^2 майдонига Қоракум ҳудудида радиацион баланс 0,65—0,80 ккал тенг. Пахта экилган сугориладиган ер майдонларида бу күрсаткич албедонинг¹ турбулент алмашинишга ўз нағбатида, камроқ сарфланади.

Іқлимининг шаклланишида атмосфера ҳавосининг циркуляцияси, яғни айланиб юриши ақамиятлайдыр. Ўрта Осиё территорияси устида турли циркуляция жараёнларини қўйидаги типларга бўлиш мумкин:

1. Фарб ва шарқ томондан кенгликлар типида кириб келувчи циклон ва циклонга қарши ҳаво оқими;
2. Меридионал типдаги шимол ва жанубдан кириб келувчи ҳаво массаси;
3. Стационар типидаги жуда секин ҳаракат қиласидиган ҳаво массаси. Йилнинг фаслларида бу типдаги ҳаво циркуляцияси бир хил қайтарилавермайди.

Ҳар бир ҳаво циркуляциясига кучли тоғ тизмаларининг таъсири жуда кучлидир. Энг аввало жойларнинг рельефи тоғли водийларда пайдо бўладиган атмосфера циркуляциясига таъсир кўрсатади, айниқса, унинг шарқий қисмидаги тоғ ва водийларида пайдо бўладиган циркуляция, чанг тўзонлар, намликларнинг суткада жойини ўзгаришига сабаб бўлади, кундузи тоғ олди тепаликлардан тоғ томон, кечаси тоғдан тоғ олди тепаликларига силжийди.

¹ Альбезо (латинча ёруғлик) юзани, унга тушган электромагнит заррачаларини қайтаришни характерловчи миқдор.

Ернинг рельефи атмосферадаги циклон ва антициклон жараёнларининг пайдо бўлишига ва ривожига қаттиқ таъсир кўрсатади. Кўёшнинг иссиқлик нурининг йиллар давомида ўзгариши жуда кам, шунинг учун ҳам иссиқ даврларда ҳарорат режими бирдек, совук даврларда ҳарорат режими шимол ва жанубдан кириб келадиган совук ҳароратига боғлиқ.

Ўрта Осиёning энг совуқли ойи январ, қиши ойлари асосан юмшоқ, ўртача юмшоқ, ўртача совук бўлади. Кўп йиллик ўртача ойлик ҳарорати жанубий текисликда $+4^{\circ}\text{C}$, шимолий районларида 28°C , тоғли худудларида — $15—22^{\circ}\text{C}$ тушиб кетади.

Ўрта Осиёning текислик худудларининг кўп қисмida иссиқ кунлари июл ойига тўғри келади, тоғли худудларида июл, август ойларига тўғри келади. Июл ва август ойларида Ўрта Осиёning атмосфра ҳавосида циклонлар ва у билан боғлиқ бўлган жараёнлар амалда йўқ. Ўртача ҳарорат июл ойида $+32^{\circ}\text{C}$ тенг, аммо 2003 йили июл ойларида Термиз, Тошкент, Хива, Қарши, Жиззах шаҳарларида ҳарорат анча юқори бўлиб, $45—50^{\circ}\text{C}$ кўтарилиб кетди. Кейинги вақтларда Орол денгизининг йўқола бориши ҳароратга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Тоғ олди текисликларида ўртача ҳарорат $+30^{\circ}\text{C}$, -35°C аниқланилади.

6) дарёлари

Худудларнинг иқлиmlари шаклланишида дарёларнинг роли анча каттадир. Ўрта Осиё минтақасида гидрографик турларининг ўзига хос дарёлари, уларнинг худудлар бўйича нотекис тақсимланиши региондаги ҳарорат режимининг ҳар хиллигига сабаб бўлади. Тоғли худудларда 10—12 минг дарёлар ва уларнинг тармоқлари бир бирларига қўшилиб икки сув arterиясини ташкил топтиради, яъни Амударё ва Сирдарёни. Тоғли районларда ҳосил бўлган бу дарёлар текислик худудларига етиб келиши биланоқ сугориш ерларига тақсимланиб кетади ва тезда дарё сувлари Орол денгизига етмай тутайди.

Ўрта Осиё давлатлари территориясига жойлашган сув ҳавзаларининг суви, катта денгиз сувларига, Орол ва Каспий денгизларини ҳисобга олмаганданда қўшила олмайди. Чунки, Каспий Орол денгиз пастликлари Ўрта Осиёning шарқий районларига қараганда чуқурлик ва пастликларда жойлашган. Баъзи бир тоғ тизимларида пайдо бўлган жилғалар, дарёлар ички территорияларда пайдо бўлиб кейинчалик Марказий Осиё Тарима бассейнида қолади. Ундан ташқари баланд тоғ ва тепаликларда кўллар бўлгани учун у сувлар ўша кўлларга ўз сувини беради, чиқиб оқиб кета олмайди,

масалан, Иссиқкүл бассейни, Ўрта Осиёнинг дарё сувлари асосан МДХ давлатларидан оқиб ўтадиган сувлардан ва Афғонистон ҳамда Эрондан оқиб келадиган сув ҳисобига шаклланади. Аммо, Текис ва Мурғаб дарёлари Ўрта Осиё давлатлари территориясидан шаклланиб, кейинчалик улар МДХ давлатлари территориясидан бошқа давлатларга ўтиб кетиб кейинроқ Ўрта Осиёга қайтиб киради.

Ўрта Осиё текисликларига тақсимланадиган дарё сувларининг умумий миқдори 153 km^3 , бу миқдорға Хитой территориясига ўтиб кетадиган сувлар кирмайды. Ўрта Осиёнинг сугориладиган текисликларida ер ости сувларидан ҳам фойдаланылади. Ўрта Осиё республикаларидаги дарё сувларининг ўртача ҳарорати тоғдаги қорлардан пайдо бўладиган жилға ва дарё сувлари ҳароратига боғлиқлик томонлари бор. Чунки, бу сувларнинг бошланғич ҳароратлари кўпинча 0°C tengdir. Тоғдан пастликларга силжиган сари сув ҳарорати ортиб боради, тоғлар минтақаларидан чиққач уларнинг ҳарорати $10-12^\circ\text{C}$ етади. Гоҳо бундай дарё сувларига булоқ сувлари кўпроқ миқдорда кўшилиб, уларни ҳароратида оз бўлсада ўзгаришлар бўлиши кузатилади. Энг юқори ўртача ойлик сув ҳарорати июл ёки август ойларида кузатилади. Гоҳо, май ойларида дарё сувлари оз бўлса-да исиди, кейин дарё сувларига қор сувлари кўшилиб сув ҳароратини пасайтиради. Чунки, асосий сув манбаи бўлиб эриган қор ва музликларнинг сувлари ҳисобланади.

Дарё сувларининг $10-20\%$ и асосан юқори баланд тоғлардаги қор ва музликларнинг эриган сувлари бўлса, дарёларнинг йиллик ҳажмини 1% тоғдаги ёғингарчиликлар ҳисобига бўлади, умуман олганда дарёлар сувининг 35% и йиллик ҳажми ёғингарчилик ҳисобига дейиш мумкин, фақатгина Шарқий Помир ва Марказий Тян Шан тоғларининг ҳисобига юзага келадиган дарё сувларининг устига, йиллик сув ҳажмининг 10% , ҳатто ундан кўпроғи ёғингарчилик сувларининг ҳисобига бўлиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш лозимки, баъзи бир дарёлар йиллик сувининг 40% ҳажми ер ости грунт сувларини дарёлар ўзанита оқиб тушиши оқибатида рўй беради. Агар ер ости юмшоқ, ғовакли ва дарз кетган жинслардан иборат бўлса, ҳатто 70% миқдоридаги дарё сувлари сизиб чиқадиган сув ҳисобига шаклланади. Мисол тариқасида Саккиз-яб, Туғузбулоқ ва Олти-яб дарёлари тўгрисида гапириш мумкин.

в) кўллари

Ўрта Осиё территориясида мингдан ортиқ кўллар мавжуд, шулардан 80% и текисликларда жойлашган. Бу кўллар ҳам табиий,

ҳам сунъий йўллар билан пайдо бўлган. Табиий кўлларнинг пайдо бўлишида ўтлоқли сув ўзанларини асосий манба деб тушиниш керак. Кўпинча сув манбаларидан тўла-тўқис фойдаланиш учун (айниқса, қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация даврида) дарё сувлари оқимига тўғон қурилади, гоҳо электр токи олиш мақсадида ҳам тўғонлар қурилади, сунъий пайдо бўлган кўллар сувидан ҳалқ хўжалигига кўп мақсадлар учун фойдаланилади.

Тектоник жараёнлар ҳисобига келиб чиққан кўлларга катта чукурликка эга бўлган Иссиккўл, Чатиркўл, Қоракўл киради. Булар ернинг чуқур ботган ерларида йигиладиган сувлар ҳисобига пайдо бўлади.

Тоғларнинг ўтирилиши, сув йўлларининг бекилиб қолиши ҳисобига пайдо бўлган кўлларга Сарёз, Яшилкўл, Искандаркўл кириб, булар Ҳисор тоғ тизмаларининг шимолий ён бағирларида, пастқам чукурликларда пайдо бўлган.

г) Ўрта Осиёнинг ер ости сувлари

Гидрогеологик нұқтаи назардан Ўрта Осиё худудларини уч гурух, янын: тоғли, тоғолди ва текислик территорияларга ажратиш мумкин.

Тоғлик районлар, асосан ёгингарчилик сувларини йиғувчи ва ер ости сувлари билан озиқлантирувчи манбалар бўлиб ҳисобланади. Тоғолди районлар ва тоғолди текисликлар, ер ости сувларини трансформация узатишида катта аҳамият касб этади, гоҳо тоғларни пастки қисмида сувларнинг бир қисми бир-бирлари билан қўшилиб дарёчалар, сойлар ташкил қиласи.

Бепоён даشتлар, ярим даشتли текисликлар гидрогеологик нұқтаи назардан уларни келиб чиқишига мувофиқ икки хил категорияга бўлиниши мумкин. Уларнинг бири ёш денгиз олди ва аллювиал бўлиб, текисликлар, деярли тўртламчи даврга тўғри келади. Бошқа категориясига, жуда қадимги эски текисликлар структураси киради. Даشت, даштсизмон текисликларни шундай категорияларга бўлишини амалий аҳамияти бор, у ҳам бўлса, گрунт ва яқин ёттан ер ости сувларини районлаштиришида аҳамиятлиdir.

д) тупроғи

Ўта континентал, қуруқ иқлимга эга бўлган, ўртача йиллик ҳарорати юқори даражада бўлгани ва вегетация даврининг гидротермик режимини икки базаси баҳорги, нисбатан иссиқроқ, намлироқ, қисқароқ ва ёзги баъзи, ўта қуруқ, иссиқ ва узоқ даном этадиган, қиши вақтида эса узоқ давом этмайдиган енгил, гоҳо қаттиқ совуқли, аммо ерни музлашгача олиб бормайдиган ва уларнинг ўртача иссиқлик билан алмашиниши заминида контрастли

фасллар ритми жараёнида тупроқнинг шаклланиши Ўрта Осиёга харakterлидир. Шундай қилиб Ўрта Осиё территориясининг катта қисми Турон тупроғига оид иқлимли кўринишга эга бўлиб, табиатан ўзи Эрон, Арабистон кенглигидаги кўринишга эга. Ўрта Осиё текисликларидаги тупроқнинг хусусиятига унинг шаклланишига ўта кам ёғадиган атмосфера ёғингарчиликлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Даштли минтақалардаги айрим тупроқ тигларига, уларнинг устки қатлами, унинг тагида ётган она жинслар, уларнинг ёши ҳамда тупроқнинг намлиги ва юза сувлар таъсир кўрсатади. Тупроқнинг тигларидаги фарқни ўша факторлар аниқлаб беради.

Ўрта Осиёнинг текисликларида асосан, қорамтирик қулранг, чўл тупроқ, тақир тупроқлар ва қумли дашт тупроқлари мавжуд.

Қора қулранг дашт тупроқларининг ривожи шаклланиши ва келиб чиқиши энг қадимда пайдо бўлган текисликлардаги тупроқларга тўғри келади, фақатгина иқлимининг эмас, балки палеогеографик шароитларнинг таъсирини акс эттиради.

Тақирли тупроқлар эса қуриб қолган қадимий дарёларнинг тупроқларига тўғри келади, улар ҳозирги замон аллювиал пролювиаллеювиал давридаги қўл ва қадимги ирригация қолдиқларининг тўпланиши оқибатида вужудга келди.

Ўрта Осиё шароитида бошқа типдаги тупроқлар ҳам мавжуд, яъни тақир, ўтзор ботқоқлик тупроқлари, аллювиал тўқайзор, аллювиал тўқай ботқоқли тупроқ, шўрхок ва сугориладиган тупроқлар. Уларнинг пайдо бўлишининг ўзига хос томонлари бор, аммо улар доимий намлик билан боғланган.

Тоф ва тоф олди тупроқлар жуда қалин бўлмаган қатлам, аммо тик минтақавий қонуниятлари заминида пайдо бўлиб, ўзига хос қиёфага эга.

е) ўсимликлар дунёси

Ўрта Осиё минтақасида ўсимлик дунёсига ўз таъсирини кўрсатувчи омиллар ичилда ўта аҳамиятлиси бу гидротермик режим. Гидротермик режим ўта ўзгарувчан, йилнинг фаслларига қараб ҳам, жойнинг географик ҳолатига қараб ҳам ўзгаради.

Текисликлардаги ўсимликлар учун характерли томони шундаки, улар арид, экстраарид типларига хосдир, улар ўзларининг келиб чиқишилари билан энг қадимги компонентларга тегишилдири, яъни кўп миқдорда қадимдан сақланиб қолган ўсимликлар таркибини ўзларига киритади. Ўсимликларнинг катта қисми Ўрта Осиёнинг айрим катта бўлмаган жанубий шарқ районларида жойлашиб қолган,

күплари 43° шимолий-шарқий ҳамма территорияларга тарқалған. Даشتли минтақаларда қадимги ўсимлик турлари билан бир қаторда ўзининг келиб чиқиши ёшроқ ўсимлик турлари сифатида тақдим этилади. Улар ўша чүли биёбон шароитига ўрганиб қолган, мослашған ўсимликлар дунёсидир.

У ўсимликлар биология нұқтаи назаридан ҳар хил формага эга, яғни бир йиллик, күп йиллик ўтлар, ярим бутазор, бутазор ўсимликлар ҳамда ёғочли ўсимликлар ўсади. Улардан ташқары замбуруғли ўтлар, тупроқда ўсувчи сув ўтлари ва бошқалар. Даشتли текисликдаги қандай ўтларнинг турлари бўлмасин умумий жойга манзара беради ва атроф-муҳит билан боғланған. Ўзига хос муҳитда ўсимликларнинг мосланиши бу ўткинчи кўриниш, чунки чўлни гидрологик режимини характерлилиги шунда. Ўрта Осиё даشتларидаги ўсимлик дунёсининг ҳар хил кўринишга эга бўлиши, уларнинг таркибидаги биологик гуруҳга киравчи у ёки бу ўсимлика ёки биологик гуруҳга кирган бир қанча ўсимликларнинг комбинациясидир. Қандай бўлмасин ер юзидағи ўсимлик қатламишининг ўзгариб бориши ёки мослашиши унинг остидаги тупроқнинг ҳам муҳитини ўзгартиради. Тупроқдаги намликтининг оз бўлсада ўзгариши ўсимлик қаватида ҳам худди шундай ўзгаришга олиб келади.

Тоғли ҳудудларда ўсимлик дунёсининг таркиби, уларнинг характерлилиги даشت текисликларидаги ўсимликларга нисбатан бироз ҳар хилроқдир. Бундай ҳолат тоғ ўсимликларининг ўзига хос томонлари билан тушунтирилади.

Шу билан бир қаторда тоғлардаги кўпчилик ўсимликларнинг турларини ўзига хос мустақиллиги кўриниб туради. Ўрта Осиё муҳитига хос мезофил ўсимликлари (катта баргли ёғочли ўсимликлар, бутазорлар, сув ўсимликлари) билан бир қаторда ҳар хил формага эга бўлган, мослашған киро菲尔 ўсимликларни ҳам учратиш мумкин.

Жойнинг дengiz сатҳидан баланд ёки пастлигига қараб, ўсимлик турларининг ранг-баранг бўлиб ўзгаришини кузатиш мумкин. Бир томондан тоғли районларда иссиқни хоҳловчи ўсимликлар ҳам йўқ эмас, жумладан, узум, анор, анжир ва бошқалар, иккинчи томондан, пастроқ бўлган ҳароратни хоҳловччи ўсимлик турлари ҳам мавжуд. Буларга криофитлар ёки нивал ўсимликлари киради. Булар ҳам тоғ ва тоғ бағри минтақаларига хос манзараларни кўрсатади, бу манзаралар бетакрор, чиройли ва гўзал Ўрта Осиёнинг

тоғли районларининг ўзига хос тақрорланмайдыган ўта гүзал манзараси бор.

Үрта Осиё республикаларидағи асосий ўсимликлар дунёси мева берувчи, ҳосилдорлиги яхши бўлган ўсимликлардир: яни олмазор, узумзор, шафтолизор, нок ва ўрикзорлар, ёнғоқзорлар ва бошқалар. Ердан ҳосил олинадиган маданий ўсимлик дунёсининг ҳар хиллиги одамзодни ҳайратда қолдиради. Қовун тарвузлар, помидор, болгар гаримдорлари, сабзи, картошка, қовоқ, бодринг, чеснок ва пиёзлар, минг-минглаб маданий ўсимликлар ҳосили одамзодни боқади, турли касалликларга даъво бўлади.

Ўрмонзор дараҳтзорлар оазисга хос манзара ато этади. Айниқса, жуда кўп турга эга бўлган полиз ўсимликлари, томорқаларда ўстиририладиган ҳосил берувчи ўсимликларнинг тури бетакрордир. Улар ҳосил берибгина қолмай, шаҳар ва қишлоқларда, ишчи посёлкаларда ўзига хос кўқаламзорларни шакллантиради.

Халқ ҳўжалигининг энг салмоқли даромад берадиган ўсимликларидан бири пахта ва канопидир. Улар билан банд бўлган шудгор, дала майдонлари худди кўк тўшак солингандек гўзаллик манзарасини кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси қўёш нурининг сероблиги, ота-боболаримизнинг бизга суғориладиган ерларни қолдириб кеттанидир.

3) ҳайвонот дунёси

Үрта Осиё минтақаларида ҳайвонот дунёси кенг тарқалган, улар тоғларда, чўлу биёбон, даштларда ва ўрмонзорларда яшайдилар. Табиий манзараларнинг ўта кескин фарқ қиласидиган кўринишларидан келиб чиққан ҳолда ҳайвонот дунёсининг ҳам шунга ўхшашлиги бор. Текисликларнинг тоғ олди ва тоғ минтақаларига ўтиб бориши сингари ҳайвонлар гуруҳи ҳам ўз чегараларида бўлинадилар. Масалан: тоғ олди текисликларда уларга мослашган ҳайвонлар тарқалган, улар эндемик минтақаларда яшайдилар, улардан бир неча 10 км масофада, тоғли ўтлоқларда эса ўша жойга мослашган ҳайвонлар яшайди. Бу ҳайвонларнинг кўпчилиги қадимги дашт биёбонларда, айниқса, Африканинг шимолий минтақаларида, Осиёнинг олди қисмидаги территорияларда яшаётган ҳайвонларга ўхшашлиги бор, айниқса, Хитойнинг, Монголиянинг гарбий минтақаларидаги ҳайвонларнинг ўхшашлиги анча сезиларли.

V боб. Сув ва сув ҳавзаларининг экологигиенаси

1. Сув ва сув ҳавзаларининг экологогигиеник ҳолатлари

Она табиатнинг бебаҳо иноятларидан бири бу сув. Ҳаммага маълум, сувсиз ҳаётни тасаввур қилиш мумкин эмас. Сув тугаган жойда чўлу биёбонлар, саҳролар, ҳаётта умидсизлик пайдо бўлади. Табиатнинг бу ҳосиласи тирикчилик, тириклик манбаи, бу иқлим мўътадиллиги, бу жаннатмакон ўрмонлар, ўсимликлар, боғлар, ажайиб водийлар, буғдойзорлар, кўкарамзорлар. Сувсиз табиат гўзаллигини тасаввур қилиб бўлмайди. Сув гигиеник талабларга жавоб бергандагина инсон сиҳат-саломатлигининг гаровидир. Шунинг учун ҳам, инсонга зарур бўлган чучук сув муаммоси бутун жаҳонда борган сари мураккаблашиб, унга бўлган муҳтоҷлик тобора ортиб бормоқда.

Маълумки, тирик жонларнинг ҳаммасининг организми маълум даражада сув ушлайди. Жумладан, одам организмидаги ўртача 65% сув бўлса, баъзи бир орган ва тўқималардаги сув миқдори 80—90% га етади. Ҳатто инсон ва ҳайвонларнинг қаттиқ суюкларида ҳам сув мавжуд. Шунинг учун ҳам агар одам организми 6—8% сув йўқотса, унинг соғлигига путур етади, ўзини лоҳаслиги тўғрисида шикоят қиласи, чунки организмдаги модда алмашиниш жараёнлари бузилади, сийдикда заҳарли моддалар миқдори ортиб боради. Коннинг ишқорий кислотали муҳити бузилади.

Сув дунёвий модда алмашиниш жараённинг асосидир. Сув молекуласининг босган йўлига назар ташласак, у қуйидагича:

1. Океан сув юзасидан қуёш нури, иссиқлиги таъсирида сув молекуласи парга айланиб ер юзасидан неча минг метр баландликка кўтарилади;

2. Юқорида, кўтарилган сув буғи паст ҳароратли баландликда бошқа молекулалар билан қўшилиб сув томчиларини пайдо қиласи; сув томчилари шамол таъсирида бир неча юз км.га олиб кетилади, кейинчалик буғга айланган молекула яна юқорига кўтарилиб ёмғир томчилари билан қўшилиб, оғирлашиб ерга ёмғир ҳолатида ёғилади ва тушади;

3. Тор ва тепаликлар бағрига ёқсан ёмғир томчиларининг ҳаммаси қўшилиб ёмғир суви бўлиб ариқчаларда оқади;

4. Ариқчалардан жониворлар (сигир, эчки, қўй, жайрон, кийик ва бошқалар) сувни ичади;

5. Бир неча соат ўтгач ҳайвонлар томонидан ичилган сувлар сийдикка айланниб, сув молекуласи ерга тушади, охир пировардида у ўсимликлар илдизларига бориб уларни сув билан таъминлайди;

6. Сув молекуласи дарахт танаси, шохларига ўтади ва охирида барг орқали буғга айланади;

7. Буғга айланган сув молекуласи осмонга кўтарилиб, ёмғир томчилари сифатида ерга, дарёларга тушади;

8. Дарёлар орқали сув денгиз ва океанларга оқади;

9. Денгиз ва океанлар сатҳидан сув яна буғта айланниб сув молекулаларини пайдо қиласди;

10. Кўпинча сув молекулалари дўл, қор сифатида кўпроқ қисми тоғларга, озроғи эса ерга ёғади;

11. Шимолий ҳудудларда қорлардан пайдо бўлган сув молекуласи кўпроқ микдорда ёғиб ерга тушади.

Шундай қилиб сув молекуласининг доимо табиатда айланниб юриши ҳеч тўхтамайди ва шу тариқа ерда ҳётни таъминлайди.

Энди бизнинг сайёрамиздаги сув ресурсларига эътибор берсак, аслида сув жуда кўп, ер юзининг қарийб 74%ни сув қоплаган.

Умуман, сувнинг ҳажми 1473 млн km^3 , шунинг ичидаги дунё океанларида 1369 млн km^3 , куруқлиқда 90 млн km^3 , га яқин (ер ости сувлари 12 минг km^3), атмосфера ҳавоси таркибида 14 минг km^3 гача сув бор. Аммо ер шарининг аҳолиси учун жуда зарур бўлган чучук сувнинг муаммолари борган сари мураккаблашиб бормоқда. Энг асосий сабаблардан бири сув ресурсларидан етарли даражада оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаганлигидадир. Унинг устига саноат корхоналарида бўлаётган сув сарфининг борган сари ортиб бориши, бу жумбоқни чукурлаштираяпти. Жумладан, бир тонна пахта толасидан мато тўқиши ва олиш учун 15 m^3 сув сарфланса, бир тонна синтетик толани олиш учун 2590—5000 m^3 сув сарфланади. Жуда кўп сув кимё саноатида, қора ва рангли металлургия маҳсулоти олишга сарфланади. Жумладан, бир тонна аммиак олиш учун 1000 m^3 сув керак, бир тонна синтетик каучук олиш учун 2000 m^3 , бир тонна чўян ишлаб чиқишга 180—200 m^3 сув керак.

Аҳолини коммунал хизмати мақсадлари учун ҳам анчагина сув ишлатилади. Масалан, кичикроқ шаҳарларда, кундалик физиологик талаб, ҳаво ҳарорати юқори бўлмагандага, оғир жисмоний меҳнат қилинмаган даврда 2,5—3 литр сув бир суткада катталар эҳтиёжи

учун сарфланса, овқат пишириш учун ҳам 3—4 литр сув сарфланади, тананинг гигиенаси учун 30—40 литр, уй хоналарининг тозалигини сақлашта 10 литр, ҳожатхона учун 18—25, дарахтларни сугоришга 32—35 литр, умумий коммунал эҳтиёжига 20 литр, жами бир суткада бир киши учун 130—140 литр сув кетади. Катта шаҳарларда эса, 350—600 литр сув сарфланиши кузатилади, жумладан, Тошкент, Москва, Париж, Нью-Йорк, Вашингтон, Санкт-Петербург ва бошқа йирик шаҳарлар бунга мисолдир.

Ҳар бир инсон 70 ёшга кирганига қадар 64—77 м³ сувни истеъмол қиласди. Бу тўғридан тўғри инсон организмига кирадиган сув. Жанубий, иссиқ иқлимли минтақаларда, айниқса, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланса бир кунлик сув истеъмоли 10 литрга етиши мумкин.

Инсон организми тўғридан тўғри сув билан контактда бўлади, яъни танани ювганда, спорт билан шуғулланганда ва ҳоказо. Одатда юза сув ҳавзаларидаги чучук сув 99,35% H₂O ни ушласа, дengиз сувлари 96,5% H₂O ни ушлайди, қолган қисми минерал тузлардир.

Инсоннинг ҳаётий хўжалик фаолияти натижасида жуда кўп микдорда сув ишлатилади, натижада катта микдорда ҳаётий хўжалик чиқинди ифлос сувлари пайдо бўлади. Бундай чиқинди сувларнинг сув ҳавзаларига тушиши очиқ сув ҳавзаларининг санитария ва экологик ҳолатини ўзгартириб юборади ва турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

«Уорлдуотч» институтининг чоп эттирган журналида келтирилишича, ривожланаётган мамлакатларда 80% касалликларнинг тарқалиши аҳолининг ифлосланган сувни истеъмол қилиши билан боғлиқ экан. Сувнинг таркибидаги касал чақирувчи микроорганизмлар сабабли ҳар йили 25 млн. киши дунёдан кўз юмар экан. Одатда ариқ, канал ва дарёларда оқаётган зилол тоза сувларни оби ҳаёт бағишловчи суюқликлар деб аталади. Ҳозир жуда кўп кичик-кичик дарё ва канал сувлари касаллик ва ўлим келтирувчи сув манбаларига айланмоқда.

Илмий адабиётларда келтирилишича, дengиз сувига тозаланмай ташланадиган саноат корхоналаридан чиқадиган чиқинди сувлар дengиз балиқ маҳсулотлари орқали одамларга зарар етказаётгани кузатилмоқда. Жумладан, минамата деб аталадиган касаллик одамларнинг марказий нерв системаси функциясини ишдан чиқариб оғир касалликка дучор қилмоқда, яъни ўша минтақада яшовчи японларнинг дengиз сувидан тутилган балиқларни ва крабларни овқат сифатида истеъмол қилиши оқибатида заҳарланиш туфайли касаллик пайдо бўлгани эътироф этилмоқда.

Ундан ташқари шолизорлардан денгизга тушган сувориш сувлари таркибидаги кадмий элементининг организмга тушиши «итай-итай» деб номланган касалликни келтириб чиқарғанлиги бизга маълум. Кадмийнинг организмга кириши, суяк тўқималарида оғир жароҳатни чақиради. Улардан ташқари, сув манбаларининг суви орқали юқадиган қорин тифини, ичбуруқ касаллитини, онхоцеркоз ва бошқа касалтикларни келтириб чиқариши хавотирилидир. Бундай касалтиклардан ҳар йили 50—60 минг одам ўлади.

Хозирда аниқланишича, жаҳондаги ҳамма касалтикларнинг 80%си сифатсиз сув орқали тарқалади.

Баъзи бир далилларга қараганда (Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмаси) йил давомида дарё сувларига ташланадиган хўжалик ва саноат корхоналарининг чиқинди сувларининг миқдори 500 млрд. м³га етди.

«Ўйғонинг» номли журналнинг 22 август 1997 йилда чоп этилган сонида келтирган далилларга қараганда 1993 йил давомида Америка Қўшма Штатларининг Висконсин штатида водопровод сувининг истеъмолидан сўнг 400000 киши касал бўлган, аниқланишича истеъмол қилинган «тоза» сувда хлорга нисбатан чидамли микроблар борлиги аниқланган. Шундай ҳолат Американинг Вашингтон, Нью-Йорк, Миссури штатларининг водопровод сувларида ҳам аниқланган. Шундан кейин америкаликлар водопровод сувини қайнатиб ичадиган бўлганлар. Чучук сув муаммоси бутун жаҳонда бўлаёттани каби, Ўзбекистон шароитида ҳам аллақачонлар сезилиб боряпти. Бизга маълумки, Ўрта Осиё республикалари миңтақасида сувориш системаси, гидромелиорация жараёнлари жуда тараққий этган. Шунинг учун ҳам кенг ер майдонларини сувориш учун Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Чирчик, Оҳангарон ва бошқа сув ҳавзаларидан фойдаланилди.

Амударё суви асосан Панҷ, Вахш, Кундуз, Кафирниганд, Сурхондарё, Шеробод ва Туркманистон, Афғонистондан қўшиладиган дарё сувларидан шаклланади ва унинг миқдори 78 км³, узунлиги 1440 км.

Сирдарё эса, асосан Норин, Қорадарё, Чирчик, Оҳангарон, Келес, Арис ва Фарғона водийсининг кичик дарё сувлари билан шаклланган, сувининг миқдори 36 км³, Амударёга нисбатан икки баробар кам, аммо узунлиги 2140 км.ни ташкил қиласиди.

Дарё сувларини бошқариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 53 та кичик, ўрта ва катта ҳажмдаги сув омборлари қурилган,

улардаги сувнинг умумий ҳажми 16 км^3 . Республикада мұтадил умумий фойдаланиладиган сув миқдори $62-65 \text{ км}^3$ бўлиб, шундан ярми — 36 км^3 ; жумладан, Амударёдан 25 км^3 , Сирдарёдан 11 км^3 сув олинади, қолган сув, яъни 29 км^3 сув кичик дарёлардан, ер ости ва коллектор дренаж сувларидан фойдаланилади.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлатиладиган сувни 100% деб олсак, шундан 85% қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжи ва тараққиёти учун ишлатилади, 12%ни саноат корхоналари олади, коммунал хўжалиги 3%ни олади. Демак, асосий сувнинг истеъмоли қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун ва саноатни таъминлашга сарфланади.

Республика сув хўжалиги вазирлигининг далилларига қараганда дарёлардан сув олиш жараёни борган сари кўпаймоқда, мўлжалланган режага ҳеч тўғри келмайди. Жумладан, бир гектар ерга жадвал бўйича сарфланадиган сув миқдори $12,5 \text{ минг м}^3$ тенг бўлса, аслида фойдаланаётган сув миқдори $13,5 \text{ минг м}^3$ тенг. Агар 1989 йили дарёлардан олинган сувнинг миқдори $53,7 \text{ млрд. м}^3$ бўлса, 1991 йилга келиб бу миқдор $55,4 \text{ млрд. м}^3$ етди. Шундай қилиб сувни иқтисод қилиш ва ундан рационал фойдаланишга ҳали эришилгани йўқ. Ер ости сувларидан фойдаланиш ҳам тобора ортиб бормоқда. Асли унинг заҳираси $17,6 \text{ км}^3$ бўлса, ер тагидан олинаётган сувнинг миқдори умумий миқдорнинг 54% ини ташкил қилмоқда. Шундан хўжалик ичимлик сувлари $3,2 \text{ км}^3$.

Ҳар йили юза сув ҳавзаларига ташланадиган коллектор дренаж сувининг миқдори $23-25 \text{ млрд. м}^3$. Шундан 5 млрд. м^3 Амударёга ташланса, 10 млрд. м^3 дан кўпроғи Сирдарёга ташланмоқда, қолган $8-10 \text{ млрд. м}^3$ сув кичик дарёларга, турли пастқамликларда пайдо бўлган шўр кўлларга оқизилмоқда, бундай ҳолат ўз-ўзидан маълумки, сувнинг минераллашувини оширишга, экологик, гигиеник сифатини ва тозалик кўрсаткичлари ёмонлашишига олиб боради.

Шунинг учун ҳам аҳолини кўпчилигининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўпинча ер ости сувлари ҳисобига тўғри келади. Бундай ер ости сувларининг заҳираси асосан республиканинг шарқий ва жанубий районларида жойлашган. Лекин республика ҳудудида ер ости сувларининг заҳирасини бир хилда эмаслиги, айникса, Ўзбекистоннинг гарбий районларида сувнинг етишмаслиги сезиларлидир. Жумладан, бундай ҳудудлар Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг гарбий минтақаларида ҳам бор.

Юқорида зикр қилинган ҳудудларнинг ер ости сувлари бундан 20—25 йиллар илгари ер ости сув манбаларига қўйилган талабларга жавоб берар эди. Ҳозирда, янги ерларнинг шиддат билан ўзлаштирилиши, сув ҳавзаларига қўшимча коллектор дренаж ҳамда шудгорларнинг суфорилгандан кейин пайдо бўладиган, саноат корхоналаридан чиқадиган чиқинди сувларни кўп миқдорда ташланиши ҳам ер ости сувларини, ҳам юза сув ҳавзаларининг сувлари минераллашишига олиб бормоқда.

Тошлоқ, Фарғона ва бошқа саноати ривожланган территориал минтақаларнинг ер ости сувларининг сифатини системали равишда кузатилиши натижаси шуни кўрсатдики, бу ҳудудлардаги сув энг ифлосланган, давлат стандартига тўғри келмайдиган сувга айланган. Тошлоқ ҳудудидаги грунт сувларининг юзаси нефт маҳсулотлари билан қопланганлиги аниқланди.

Сув ҳавзасидаги нефт қатлами 3 мм. ни ташкил қиласи, бундай сувни ер остида тарқалиш майдони 10 кв. км.га тенг бўлиб, артизиан кулуқ сувларининг ифлосланиш хавфини түгдирмоқда. Баъзи бир кудуқлар, ваҳолонки издан чиқиб бўлди.

Худди шунингдек, хавф янги Кўқон кимё заводи, Фарғона фурон бирикмалари ишлаб чиқиши заводи ҳудудларида ҳам кузатилмоқда. Кўриниб турибдики, саноат корхоналари жойлаштан ҳудудларнинг ер ости сувларининг ифлосланиш хавфи тобора кучайиб бормоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг келтирган далилларига қараганда, ҳозирги даврда юза сув ҳавзаларига 502 сув истеъмол қилувчи объектлардан чиқадиган ҳар хил моддалар билан ифлосланган чиқинди сувлар ташланмоқда, уларнинг бир йиллик ҳажми 6208 млн. м³га етди.

Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, саноат корхоналарида ҳосил бўладиган чиқинди сувлар миқдори 300 млн. м³ бўлса, очиқ сув ҳавзаларига тозаланмай ташланадиган сувнинг миқдори 230 млн. м³ ни ташкил қиласи.

Сув ҳавзаларига чиқинди сувлар билан тушадиган оғир, рангли металллар, фторидлар, феноллар, хлор, капролактам, ацетон, нефт маҳсулотлари ва бошқа ўзига хос специфик заарли моддалар қора-

металлургия, кимё, нефтехимия саноат корхоналарига ва минерал ўғит ишлаб чиқувчи корхоналарга тегишилидир.

Аҳоли туарар жойларини, канализация водопровод тармоқларининг кўлпайиши, аҳолини иссиқ сув билан таъминлаш, газлаштиришнинг ҳар бир хонадонга етиб бориши ўз-ўзидан кундалик сув сарфини жон бошига кўпайиб боришига ва хўжалик чиқинди сувларининг ниҳоятда кўп миқдорда пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Очиқ сув ҳавзаларини, қолаверса кейинчалик ер ости сувларини, таркибий жиҳатдан ранг-баранг бўлган хўжалик чиқинди сувлари билан ифлосланиши ҳаммани ташвишга солмоқда.

Шаҳарларда хўжалик канализация чиқинди сувлари очиқ сув ҳавзаларини ифлослантирувчи асосий омиллардан бири. Сабаби, шаҳар водопровод сувининг 80% и хонадонларга берилади. Хонадонлардан чиқадиган чиқинди сувлар ўзи билан жуда кўп миқдордаги ноорганик ва органик моддаларни, биологик ифлосликларни, микроорганизмларни, вирусларни, гельминт тухумларини ташиб юради. Агар бундай чиқинди сув тозаланмай, чала тозаланиб, чала заарсизлантириб сув ҳавзаларига ташланар экан, сув ҳавзалари издан чиқади, касал тарқатувчи манбага айланиб қолади. Кейинги вақтларда ҳаётда кир ювиш учун жуда кўп миқдорда синтетик унсимон юувучи моддалар ишлатилмоқда. Уларни тозалашга уриниш бефойда. Сабаби водопровод иншоотларида бундай моддаларни тозалаш имконияти йўқ.

2-жадвал

Хўжалик чиқинди сувларидаги бир кишига тўғри келадиган бир кунлик заарли моддалар миқдори.

Чиқинди сув таркибидаға моддаларнинг номи	МГ/л
Осигулиқ моддалар	65
БПК, тиндирилмаган суюқлиқда	54
БПК, тўлиқ тиндирилмаган суюқлиқда	75
БПК, тиндирилган суюқлиқда	35

БПК, тұлиқ тиндирилган суюқлиқда	40
Азот аммоний тузлари (М)	8
Фосфатлар	3,3
Фосфатлар юуувчи синтетик моддалардан	1,6
Хлоридлар	9
Юза актив моддалар (ПАВ)	2,5

Бундай таркибга эга бўлган чиқинди сувларни сув ҳаузаларига ташлаш, тезроқ чирийдиган чўқмаларни пайдо қилади. Агар, биологик осиғлик моддалар таркибида патоген микроблар, вируслар, паразитлар ва уларнинг тухумлари бўлса, эпидемик нуқтаи назардан хавф туғдириши мумкин.

Ифлосланган сув орқали тарқалиб кетиши мумкин бўлган бактерияларга вабо вибриони, бацилляр қорин тифи, паратифлар, гастроэнтерит касалини чақирувчи инфекциялар, болалар диареясини, лептосироз, туляремия касалларини тарқатувчи микроблар киради. Вабо касалини тарқатувчи Эль Тор эпидемик хавф туғдирадиган микроб ҳам сувда топилди.

Шуни эслатмоқ керакки, Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмасининг ҳисоботида айтилишича, ҳар саккиз секундда ифлосланган сув истеъмолидан бир бола нобуд бўлар экан.

Инсон ҳаётининг баъзи бир томонлари борки, уни эсласант ақл бовар қўлмайди. Бир мисол, АҚШда бир бой оиласининг қизи Мэри эрта билан туриб, ҳожатхонага кириб, сўнгра душда чўмилиб, тишларини ювиб нонуштага келгунча 350 литр водопровод сувини ишлатиб бўлади.

Африкада яшовчи қиз Дэде эса 8—10 литр сувни уйига тирикчилик учун олиб келгунга қадар 8 соат вақт кетказади. Ўша миқдор сув фақатгина оиласадаги 4—5 киши учун мўлжалланган, яъни сув ичиш ва овқат пишириш, юз кўлни ювиш учун сарфланади. Чўмилиш, кир ювиш фақат 4 соатли масофадаги дарёда амалга оширилади. Дарё суви ифлосланган, қайнатмай умуман ичиб бўлмайди. Шундай қилиб, табиатнинг ўзи сув ресурсларини аҳолининг яшаш регионлари ўртасида ҳар киң тақсимлаган.

Осиё мамлакатларининг худудларида дарё, кўллар сувининг

захираси дунё сувларининг 30%ини ташкил қилса, жаҳон халқларининг 60%и шу ҳудудларда истиқомат қиласди. Ҳозирда бутун дунё халқлари 6 млрд.га етган бўлса, шулардан 1300 млн.дан зиёдроғи Хитойда, 1 млрд. Ҳиндистонда, 250 млн. Индонезия, 135 млн. Японияда яшайди ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, табиатнинг сув заҳиралари аҳолини сонига қараб бўлинмаган. Аммо, индустрисал ривож топган мамлакатларнинг аҳолиси сув танқислигини сезмайдилар, уларнинг табиий сув ресурсларидан фойдаланиши катта капитал ҳисобига ўнгайроқ кечади, эндигина ривожланаётган мамлакатларнинг сув истеъмоли анчагина қийин.

Амазонка дарёсининг суви миқдори дунё чучук суви заҳирасининг 15%ини ташкил қиласди, бу ҳудудлаги сувдан фойдаланадиган аҳолини сони, дунё аҳолисининг 0,4%ини ташкил қиласди. Ёнгарчилик ҳам ҳудди шундай, ер куррасининг баъзи бир ҳудудларида ёнгарчилик жуда кам, гоҳо, умуман ёғмайди, баъзи бир ҳудудларда эса бир неча кунлаб ёғиши мумкин.

Ҳозирда, инсониятнинг антропоген фаолияти оқибатида иқлим ҳам ўзгариб бормоқда, оқибатда ёнгарчилик миқдори ҳам ўзгармоқда. Мана, 2003 йили Тошкент вилоятида ёнгарчилик апрел, март ойларида ўтган йилга қарагандан анча кўл бўлди. Шунга қарамасдан жуда кўп ҳудудларда сувнинг етишмаслиги маълум даражада иқлимининг ўзгаришига боғлиқ. Масалан, Жаҳон банкининг фикрича, сувнинг етишмаслиги дунё мамлакатларининг 80 тасида иқтисодий инқизозни ва аҳоли ўртасида турли касалликларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги даврда камбағал давлатларнинг икки млрд. аҳолиси тоза сувга ўз эҳтиёжини қондира олмаяпти, улар канализация хизматидан маҳрум, сабаби ер ости сувларидан фойдаланиш анчагина қиммат, дарёларга дамба қуриш ундан ҳам қиммат, шунга ўхшаш кўп сабаблар сув танқислигини келтириб чиқармоқда.

Кейинги 10 йилликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан қолоқ мамлакатларда катта ишлар амалга оширилди. 134 млрд. доллар сарфланиб бир млрд. аҳолини тоза сув билан таъминлаш, 750 млн. аҳолига канализация хизмати кўрсатиш таъминланди. Бизнинг минтақада, яъни Ўзбекистон Республикасининг баъзи бир ҳудудларида сув ҳавзаларидаги минерализация жараёнлари ҳам ниҳоятда тез фурсатлар билан салбий томонга ўзгармоқда.

* Ш.Т.Искандарованинг 1993—1996 йилларда олиб борган илмий изланишлари шуни кўрсатдики, Хоразм вилоятида санитария ва давлат стандарти талабига тўғри келмайдиган сувлар 62%. Санитария бактериология кўрсаткичлари бўйича ва санитария кимёвий кўрсаткичлари бўйича 59% ичимлик сув талабга жавоб бермайди, шундай аҳвол Қорақалпогистонда ҳам кузатилмоқда. 1998 йилдаги олиб борилган текшириш натижаси санитария бактериология кўрсаткичи бўйича 32%, санитария кимё кўрсаткич бўйича 62% сув талабга жавоб бермайди. Ҳаттоқи Тошкент вилояти водопровод сувлари 1000 намунасини 0,2% гельминт тухумлари аниқланган. Демак, бу водопровод системасида тозалаш, заарасизлантириш жараёнларининг яхши эмаслигидан, талабга жавоб бермаслигидан дарак беради.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, Қорақалпогистон Республикасида аҳолини водопровод ичимлик суви билан таъминлашнинг 59,3%га тўғри келади, шундан шаҳарларни водопровод суви билан таъминлаш 75,4% га етди, қишлоқ аҳолисини таъминлаш эса 40%ни ташкил қиласиди. Аҳолининг қолган қисми очиқ сув ҳавзаларидан ёки грунт қудуқ сувларидан фойдаланади. Бу сувларнинг 80% кимёвий таркиби билан, 30% бактериологик кўрсаткичлари билан давлат стандартига тўғри келмайди. Аҳолининг фақатгина 7,7%и канализация билан таъминланган. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида кузатиладиган касалликлар интенсив кўрсаткичлари бўйича ҳар 1000 аҳолига 1994 йили 976,9 бўлса, 1998 йили ўша кўрсаткич 1178,3 га етди. Касалликни ўсиши 20,6% ортди.

Хуллас юқорида зикр қилинганлар аҳолини тоза, экологигиеник жиҳатдан қулай бўлган сув билан таъминлашни тақозо қиласиди.

2. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари

1992 йили Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган ва Республика Президенти томонидан тасдиқланган Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасида шундай дейилган: «Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан

қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, хўжалик ичимлик суви таъминотининг марказлаштирилган тизимлари етказиб берадиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шарт». Бу қонун ҳамма учун баб-баробар бажарилиши шарт. Сабаби, сув орқали юқумли инфекцион ва юқумсиз ноинфекцион касалликлар тарқалиши мумкинлиги аллақачонлар исботланган.

Шунинг учун ҳам, ичимлик тоза сувга эҳтиёжи ортиб бораётган аҳолини тўла-тўқис экологик тоза сув билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. 1998 йилнинг 8 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 147-сонли «Санитария эпидемиология хизмати фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва 1998 йилнинг 2 марта даги «Санитария қонунларини бузганилик учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Президентнинг фармойиши санитария эпидемиологик барқарорликни таъминлаш фақат тиббиёт ходимларининггина эмас, балки бутун жамоатчиликнинг, қолаверса жойлардаги ҳокимликларнинг вазифаси эканлигига яна бир бор эътиборни жалб этди.

Шундан маълум бўладиким, аҳоли турар жойларида, сув ҳавзаларида экологик нуқтаи назардан қулай шароит туғдириш эпидемиологик барқарорликни таъминлашда аҳолининг қатнашиши, айниқса, мутасадди ташкилот раҳбарларининг актив қатнашиши айни муддао. Ҳозирда республикамизнинг ҳамма вилоятлари аҳолисини тоза сув билан таъминлаш мақсадида қатор водопровод тармоқлари қурилмоқда. Жумладан, Сирдарё вилоятида 61,5 км трасса қурилиб кўп туманларга тоза сув борди, ҳозирда Мөҳнатобод ва Ширин шаҳарлари томон сув трассаси қурилиши давом этмоқда, шунга ўхшашиб мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сув манбалари

Ер куррасида чучук сув манбалари турлича жойлашган. Ер ости сув манбалари камида учта чуқурлик ер қаватида жойлашади, очиқ сув ҳавзалари ер юзасида, яъни дарёлар, кўллар, каналлар, сув омборлари сифатида жойлашган.

Техниканинг ривожи аҳолининг давлат стандартларига тўғри келадиган ер ости тоза сувларидан кенг фойдаланишга имкон яратди.

Ичимлик тоза сув қандай бўлмасин, куйидаги экологигиеник талабларга жавоб бериши шарт. 2000 йилда тасдиқланган давлат стандартига «Ичимлик сув, гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш» O'z.DSt 950: 2000 да «Ичимлик суви эпидемик томондан хавфсиз, кимёвий таркиби бўйича заарсиз, радиация жиҳатдан хавфсиз ва ёқимли органолептик хусусиятларга эга бўлиши керак», дейилади. Албатта, савол туғилади. Яъни бу талабларга қандай эришиш мумкин? Бунинг учун ер усти сувлари, ер ости сувлари ҳам маҳсус водопровод иншоотларида ишловдан ўтиши керак, бунинг учун иншоотларга маҳсус жиҳозлар ўрнатилиб, сувни давлат стандартига тўғри келадиган қилиб ишлов берилади. Одатда, давлат стандарт бўйича сув манбаларини сувнинг таркибий қисмига қараб, синфларга бўлинади. Сув таркиби қайси синфга тўғри келса, яъни сувнинг таркибидаги кимёвий, биологик омилларнинг миқдорига ҳамда сувнинг физик хусусиятларига қараб ҳар бир курилган ва курилаётган водопровод иншоотига кўйиладиган талаблар турлича бўлади. Шундагина ичимлик сув давлат стандартига бироз тўғри келиши мумкин. Куйидаги жадвалларда сув манбаларининг синфига қараб физик, кимёвий ва биологик таркиби келтирилади.

3-жадвал

Аҳолини сув билан таъминлайдиган ер ости сувларининг сифатий кўрсаткичлари, сувнинг синфига қараб берилган

Сув кўрсаткичларининг номи	Сув сифатининг кўрсаткичлари, синфлар бўйича		
	1	2	3
Сувнинг лойқалиги мг/л гача	1,5	1,5	10,0
Сувнинг ранги, даражада (градусда)	20	20	30
Сувни pH	6—9	6—9	6—9
Сувдаги темир (Fe) мг/л гача	0,3	5,0	10,0
Сувдаги марганец (Мп) мг/л	0,1	1,0	2,0
Сероводород (Н,8) мг/л гача	—	—	3,0
Фтор (F) мг/л ва ундан кўпроқ	0,7	0,7	5,0
Оксидланиши О ₂ мг/л гача	2,0	5,0	10,0
1 литр сувдаги ичак таёқчалари миқдори (гача)	3	100	1000

4-жадвал

**Юза сув ҳавзаларидағы сувнинг синфлар бүйича сифат
күрсаткичлари**

Сув күрсаткичларининг номи	Сув сифатининг күрсаткичлари, синфлар бүйича		
	1	2	3
Сувнинг лойқалиги мг/л (гача)	20	1500	10000
Сувнинг ранги даражада градусда (гача)	30	50	100
Сувнинг ҳиди (баллда) (гача)	2	3	4
Сувни pH	6,5–8,5	6,5–8,5	6,5–8,5
Сувдаги темир (Fe) мг/л гача	0,3	1,0	3,0
Сувдаги марганец (Мп) мг/л гача	0,1	1,0	2,0
Фтор (F) мг/л гача	0,7	0,7	0,7
Сувни перманганат оксидланиши мг/л гача	7,0	15,0	20,0
БПК түлиқ мг/л гача лактозага ижобий ўсиш берган	3,0	5,0	7,0
Ичак тәекчаларини 1 литрдаги микдори гача	1000	10000	50000

Илова: юза сув ҳавзаларида учрайдиган жонли бир ҳужайрали фитопланктон микдори 1 мл сувда 5 ҳужайрадан ошмаслиги керак, ерости сувларина умуман бўлмаслиги керак.

Сувни таркиби бўйича синфларга бўлиш лаборатория текширишлари натижасида олинган далилларга асосланилади. Сувни анализи маҳсус ишлаб чиқилган режалар асосида бажарилади.

Давлат стандартида (О'з DSt 951:—2000 «Марказлаштирилган ҳўжалик ичимлик суви билан таъминлаш манбалари гигиеник техник талаблар ва танланыш қоидалари») кўрсатилган талабга асосан, агар танланган сув манбалари жадвалларда келтирилган сув сифатига тўғри келмаган тақдирда, санитария эпидемиология станциялари билан келишилган ҳолатда водопровод иншоотларидағи тозалаш услубларидан фойдаланиб, сўнгра давлат стандартига тўғри келсагина ҳўжалик ичимлик сувидан фойдаланишга рухсат берилади. Танланган

сув ҳавзалари атрофида санитария ҳимоя минтақалари ташкил қилиниши шарт.

Санитария ҳимоя минтақалари Ўзбекистон Республикаси худудида 1992 йилда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган санитария назорати қонунчилиги асосида ташкил қилинади.

Аҳоли учун сув манбалари танланганда, агар у манбадан аҳолини марказлаштирилган водопровод сув иншоотлари орқали таъминлаш кўзда тугилса, улар қуйидагича танланади.

1. Ерости сув манбалари:

- пластилар орасида жойлашган босимга эга бўлган сув манбалари;
- пластилараро жойлашган, босимга эга булмаган сув манбалари;
- грунт сувлари, сунъий тўлдирилган ер ости сувлари.

2. Юза сув ҳавзалари:

- дарё сувлари;
- сув омборларининг сувлари;
- кўл сувлари;
- канал сувлари.

Шулардан маълум бўладики, аҳолини имкони борича ернинг чуқур қаватида стандартга тўғри келадиган ер ости сувлари билан таъминлаш зарур. Имконияти бўлмаса, унда очиқ сув манбалари аҳолига хизмат қиласи. Бунинг учун замонавий технология жараёнларига эга бўлган водопровод иншоотларини қуриш ва марказлашган ҳолатда аҳолини тоза сув билан таъминлаш тавсия қилинади.

Аҳолини сув билан таъминлаш учун танланган сув манбаларидаги сувнинг сифатий кўрсаткичлари, территориал район, шаҳар, иложи бўлмаса вилоят санитария эпидемиология станцияси лабораториясига сув намуналарини таҳлилини бажаришта тўғри келади. Сабаби, вилоят СЭСларини лабораториялари юқори малакали врач лаборантлар билан, замонавий жиҳозлар билан ва турли зарур бўлган кимёвий реактивлар билан таъминланган бўлади.

Сув манбаларидаги сувнинг сифат кўрсаткичларига ёзиладиган хуносада қуйидагилар кўзда тутилади:

- келажакда аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида мўлжалланган сув ҳавзасига санитария жиҳатидан баҳо бериш;

б) сув ҳавзасининг сувининг сифатини ва аҳолини келажакда етарли миқдорда сув билан таъминлашнинг ҳисобини аниқлаш;

в) сув манбаидан аҳоли учун фойдаланишга мўлжалланган сувнинг сифатини давлат стандартти талабига жавоб берадиган даражада сувга ишлов бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Бундай хуносалар уч йилга мўлжалланилади.

3. Сув манбаларидағи сувнинг синфиға қараб уларга ишлов бериш услублари

a) ер ости сувлари

1-синф «Ичимлик сув. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш» Ўзбекистон Республикаси давлат стандартти талабига асосан сувнинг сифати, ҳамма кўрсаткичлари бўйича қониқарли;

2-синф юқорида зикр қилинган стандартга сувнинг бაъзи бир кўрсаткичлари мос келмайди, бу камчиликларни сувни аэрация, фильтрация, заарсизлантириш услублари билан йўқотиши мумкин ёки сув манбаларидан олинадиган сув фаслларга қараб ўзгарадиган бўлса, яъни қуруқ қолдиқни миқдори ўзгарган тақдирда ёки микробларни пайдо бўлиши заарсизлантириш услубидан фойдаланишни тақозо қиласди.

3-синф сувни сифатини, иккинчи синф сувлари учун ишлатилган услублар билан ишлов бериш, керак бўлса қўшимча маҳсус ишлов бериш йўли билан олдиндан тиндириш ва турли реагентлар ишлатиб стандарт талабига етказиш.

б) юза сув ҳавзалари

1-синф Ўзбекистон давлат стандартига, яъни «Ичимлик сув. Гигиеник талаблар ва сифатини назорати» талабига асосан юза сув ҳавзаларининг сувини водопровод иншоотида коугуляция, тиндириш, фильтрлаш, заарсизлантириш зарур бўлади.

2-синф давлат стандартти талабига асосан ишлаб чиқиладиган сувни коугуляция, тиндириш, фильтрлаш, заарсизлантиришдан ташқари, агар фитопланктон билан ифлосланган бўлса, қўшимча водопровод иншоотига микрофильтр мосламаси ҳам ўрнатилади.

3-синф сувини давлат стандартти талабига етказиш мақсадида иккинчи синф сувлари учун ишлатилган услублардан ташқари, яна қўшимча рангсизлантириш, оксидлантириш ва сорбция (шимилиш) услубларидан ва натижага берадиган заарсизлантириш методларидан водопровод иншоотларида фойдаланилади.

Юқорида зикр қилинган давлат стандартидан ташқари 2000 йили

Ўзбекистон давлат стандарти «Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш» чоп этилди. Иккала Давлат стандарти ҳам бир гурӯҳ олимлар томонидан ишлаб чиқилиб, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан имзоланган ва ичимлик сувларини сертификациялаш мақсадлари учун ва хўжалик ичимлик суви таъминоти соҳаси органлари томонидан фойдаланиши, синаса ва назорат қилиш хизматларидан фойдаланувчи сертификациялаш бўйича органлар, ичимлик сувини тайёрловчи ва истеъмолчиларга мўлжалланган.

Бу стандарт ичимлик сувига ва унинг органолептик хусусиятларига таъсир этувчи кўрсаткичлар бўйича гигиеник талабларни белгилайдиган нормативлардан вақтинча оғишишлар бўлиши мумкин. Сабаби, табиий шароитлардаги ўзгаришлар ёки ҳалокатли вазиятлар, яъни табиий оғатлар ва бошқалар пайдо бўлиши мумкин. Аммо бундай оғишишлар аҳоли соғлигига зарар етказмаслик шарти билан ҳудуддаги санэпидхизматининг қарорига биноан рухсат берилиши мумкин. Гигиеник талаблардан вақтинча рухсат этилган оғишишлар ҳақидаги маълумотлар минтақа аҳолисига етказилиши керак.

Сув билан таъминлаш корхоналари сув тайёрлаш технологик жараёнини назорати учун, технологик операцияларига ўз вақтида тузатиш киритиш, талаб қилинган тозалаш тўлалигини таъминловчи реагент сарфини ва сувни заарсизлантириш учун ва ишлаб чиқилаёттан ичимлик сувини белгиланган гигиеник талабларга мос келишини тартибга солиш имконини берувчи қўшимча кўрсаткичлар (ишқорийлиги, электр ўтказувчанлиги ва бошқалар) ишлатишлари мумкин.

Сув сифатининг назорати ва унинг ўрнатилган талабларга мослигини баҳолаш учун сувни олиш, сув таъминоти намуналарини манбаларидан тақсимлашдан олдин, сув ўтказиш тармоқлари ва тақсимлаш тармоқларига тушиш олдидан олиб борилди.

Ичимлик сувни тайёрлаш жараёнининг ҳар хил босқичларида сув сифатининг техник назорати технологик регламентга мос ҳолда, Республикада давлат санитария эпидемиология назорати билан келишилган ҳолда ўтказилади. Юқорида зикр қилинганлардан маълум бўладики, давлат стандарти етук назорат ҳужжати бўлиб, сувнинг сифатини талаб даражасига етказишни ташкилий ва амалий томонларини ўз ичига олган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чоп этилаётган гигиена, экология, аҳолининг соғлиғи тўғрисидаги хабар берувчи бюллетенда

келтирилган далиллар, вилоятлардаги, шаҳарлардаги ва турли районлардаги водопровод иншоотлари турли ишлов бериб чиқараётган хўжалик ичимлик сувларининг намуналарининг таҳлили Давлат стандартти талабларига тўғри келмайди. Нега, деган ўринли савол туғилади.

Назаримизда ҳозирги вақтдаги водопровод иншоотларида фойдаланилаётган технологик жараёнлар аҳоли учун ишлаб чиқилаётган ичимлик сувларини вирусологик, бактериологик ва кимёвий таркибини Давлат стандартти талабига нисбатан қониқарли ҳолатда ишлаб чиқишини таъминлай олмайди. Бу фикрларга илова қилиб куйидаги далилларни келтирамиз. Водопровод иншооти ёрдамида ишлов берилган «тоза ичимлик сув»и сифатида кишилар истеъмоли учун тайёрланган сув намуналарининг бактериологик анализи қуйидагиларни аниқлади. Жиззах вилояти водопровод сувининг 11,4 фоизи, Сирдарё вилояти водопровод сувининг 12,4 фоизи, Хоразм вилояти водопровод сувларининг 19,2% и бактериологик кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Давлат стандарттига тўғри келмайди. Сувнинг кимёвий таркиби бўйича Давлат стандарттига тўғри келмаган сув намуналари Қорақалпогистонда 62,7%, Тошкент вилоятида 50%, Бухоро вилоятида 71%ни ташкил қиласди.

Юза сув ҳавзалари сувларининг бактериологик кўрсаткичлари бўйича Давлат стандарттига тўғри келмайдиган сув намуналари Қашқадарё вилоятида 72,8%, Тошкент вилоятида 27,8%, Хоразм вилоятида 42,8% ташкил қиласди.

Кимёвий кўрсаткичлари бўйича юза сув намуналари Қашқадарё вилоятида 100%, Наманган вилоятида 60%, Қорақалпогистон республикасида 68% Давлат стандарттига тўғри келмаган. * 1995 йил 27 рақамли бюллетенда ҳам шуларга ўхшашиб ҳолатлар кузатилади.

Келтирилган далиллардан келиб чиқадики, очиқ юза сув ҳавзалари ниҳоятда ифлосланган, бунинг устига очиқ сув ҳавзаларидан тозалантган марказлаштирилган ичимлик хўжалик сувларини тозалаб бериш учун курилган водопровод мосламалари янгиланиши ва замонавий техник ва гигиеник талабларга жавоб бериши, уларнинг ҳақиқий мутахассислар билан таъминланиши зарурияти туғилмоқда. Кўпинча бундай эмас, оқибатда аҳоли истеъмоли учун ишлаб чиқилган сувни кўпчилик намуналарининг

* Информационный бюллетень гигиени, экологии и здоровья населения №27 Санэпидслужбы МЗ Республики Узбекистан 1995 г.

анализлари Давлат стандартига мос эмас. Ваҳолонки, аҳолига бериладиган ичимлик сув доимо муҳофазаланиши шарт, бундай мақсадгага эришиш учун қаттиқ санитария ҳимоя зонаси ва водопровод системасини ҳамма тармоқлари мустаҳкам беркитилган янги жиҳозлар билан таъминланган бўлиши шарт. Акс ҳолда сув турли йўллар билан ифлосланиши мумкин.

Кўп йил олиб борилган анализ шуни кўрсатдики:

а) водопровод сувларининг ифлосланиши техник сабабларга кура кузатилади: авария, системанинг ёрилиши, бузилиши ва бошқалар;

б) технологик жараёнларининг бузилиши оқибатидага сув бузилиши мумкин, яъни тозалаш жараёнларининг ва зарарсизлантириш технологиясининг бузилиши;

в) сув манбаларининг санитария гигиеник талабларга жавоб бермаслиги, яъни сув манбаларини бошқаришда, санитария қоидаларини бузиш оқибатидага рўй беради.

Жуда кўп маълумотларга қараганда Европа мамлакатларида экологик жиҳатдан хавф туғдирадиган муаммо водопровод сувларининг бактериологик ифлосланишидир. Оқибатда 70,3% юқумли касалликлар сув истеъмолидан тарқалган ва 85,8% касалликлар марказлашган водопровод сувининг зарарланиши оқибатидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам водопровод иншоотини ва унинг тармоқларини санитария ҳолатини яхшилаш сув билан тарқаладиган кўп касалликларнинг олдини олади.

Сув билан кўпинча вабо, қорин тифи, паратиф, ичбуруқ ва бошқа касалликлар тарқалади.

1965 йилда водопровод сувини етарли хлор билан зарарсиз ҳолатта келтирмаслик оқибатидаги салмонеллез касали билан 16000 киши оғриди.

Энтеровирус касаллиги ҳам одам ахлатининг сувга тушиб уни зарарлаши оқибатидаги тарқалади, юқумли гепатит касали ҳам шу йўл билан тарқалишини олимлар аллақачонлар аниқлашган. Одатда Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти талаби бўйича хўжалик ичимлиқ суви 4 талабга жавоб бериши шарт.

1. Сувнинг эпидемик нуқтаси назардан хавфсизлиги. Давлат стандартининг биринчи талабларидан, сувни эпидемик жиҳатдан хавфсиз бўлишини таъминлаш масаласига олимлар кўп асрлар давомида аҳамият беришган.

Жумладан, Р.Коҳ 1892 йили Гамбург шаҳридаги вабо эпидемиясини кузатиб, шундай фикрга келди, яъни аҳоли учун сувнинг эпидемик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш учун 1 мл сувдаги умумий микроблар сони 100 гача бўлгандагина касалликни олди олинади.

Аммо сувнинг санитария кўрсаткичлари сифатида ичак таёқчасининг ролини биринчи бўлиб рус олимлари тан олди. Олиб борилган тажрибалар, ичак таёқчасининг бошқа патоген микробларга нисбатан чидамли эканлигини исботлади. Шунинг учун ҳам водопровод сувини хлор ёки озон билан заарсизлантирилганида асосий кўрсаткич бўлиб коли индекс кўрсаткичи хизмат қиласди. У кўрсаткич, яъни колииндекс 3 бўлса стандартга тўғри келади. Юқорида зикр қилинган кўрсаткичлар ҳозирги давлат стандартларига меъёр сифатида киритилган. Яъни 1 мл суюлтирилмаган сувда микроблар сонини 100 гача, колииндекси 1 литр сувда 3 бўлиши, сувни эпидемик нуқтаи назардан хавфсиз эканини кўрсатади.

Давлат стандартини иккинчи талаби:

2. Аҳоли учун мўлжалланган хўжалик ичимлик суви кимёвий таркиби билан заҳарламаслиги керак ёки заарсиз бўлиши шарт.

Ичимли сув заарсиз бўлиши учун ҳар бир кимёвий модда учун белгиланган нормативларга мос келиши керак. Агар, кимёвий моддалар меъёрдан ортиқ бўлса, сув истеъмолидан сўнг организмда заҳарланиш жараёни юзага келади. Жумладан, ҳозирги фикрлар ва далиллар бўйича нитратлар одам ичагида қайта тикланиб нитратларга ўтади, бу жараён ичак микрофлораси ёрдамида амалга ошади. Ичак орқали қонга шимилган нитратлар ўз навбатида, меттемоглобин моддасининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Унинг қонда кўпайиб кетиши билан лабнинг кўкариши, артерия қон томири босимининг камайиши, юракнинг уриб кетиши, нафас олишнинг тезлашиши кузатилади. Бундай аҳвол нитратларнинг сувдаги миқдори 20—40 мг/л етганида кузатилади. Нитратларнинг рухсат этилган миқдори 1 литр сувда 3 мг/л. Кўроғошинга келсак, у кумулятив хусусиятга эга, организмга оз-оздан сув билан кириб турадиган бўлса, суякларда йиғилиб келажакда анемия касаллигини келтириб чиқаради. РЭМ 0,03 мг/л.

Маргуmuş ўта кумулятив хусусиятга эга бўлиб, у организмда йиғилиб боради. Кўйилган тажриба шуни кўрсатди, унинг 1 литр сувдаги миқдори 0,05 мг бўлганда таъсири бўлмайди, унинг концентрацияси рухсат этилган миқдордир. Шунга ўхшаш сув таркибига қайси йўл билан кимёвий моддалар тушмасин, уларга тажриба йўли билан рухсат этиладиган меъёр ишлаб чиқилади.

Агар сув манбай сувида бир хил зарарли лимитловчи кўрсаткичи билан, биринчи ва иккинчи хавфлилик гуруҳига киравчи бир неча кимёвий моддалар топилганда, топилган ҳар бир модданинг йиғиндинисини алоҳига рухсат берилган миқдорига (РЭМ)га нисбатан 1 дан ошмаслиги керак.

$$\frac{C_1}{PЭM} + \frac{C_2}{PЭM} + \frac{C_3}{PЭM} + \dots + \frac{C_n}{PЭM} \geqslant 1$$

$C_1; C_2; C_3; C_n$ — сувдаги моддалар концентрацияси.

3. Давлат стандартининг учинчи талаби. Ичимлик сувини органолептик хусусиятлари ёқимли, шубҳа туғдирилмайдиган бўлиши керак. Улар норматив талабларга жавоб бериши шарт. Агар бирор оғишишлик юз берса, бу оғишишлар агар инсон организмига зарар бермаса, СЭС ходимлари билан келишилган ҳолатда рухсат берилиши мумкин.

Органолептик кўрсаткичлар ва унга таъсир этувчи моддаларни РЭМ нормаси: таъми (ўзгача) — 2 баллгача, ҳиди — 2 балл, лойқалиги 1,5—2 мг/л; pH 6—9; қуруқ қолдиги 1000—1500 мг/л; темир 0,3 мг/л; умумий қаттиқлик 7—10 мгэкв/л; рангдорлик даражаси 20°—25°; марганец 0,1 мг/л; мис 1,0 мг/л; полифосфатлар 3,5 мг/л; сульфатлар 400—500 мг/л; хлоридлар 250—350 мг/л; рух 3 мг/л; маҳсус юза актив моддалар 0,5 мг/л; фенол 0,001 мл; нефт маҳсулотлари 0,1 мг/л.

4. Радиоактив ифлосланиш кўрсаткичлари:

суммар альфа радиоактивлик — Бк/л 0,1

суммар бетта радиоактивлик — Бк/л 1,0

Илова 5,1 ва 5,2 кўрсаткичларини ўрнатилган қийматлари юқори бўлган ҳолларда «Радиация хавфсизлик санитария қоида ва хужжатларида меъёрлар», санитария қоида меъёрларини 7.13.6 бандига мувофиқ ифлосланишни, радионуклид таркибини қўйидаги кўрсаткичлар бўйича қўшимча назорат қилинади: уран 238, радий 226, радон ғ, стронций 90. (РЭМ — рухсат этилган миқдор).

Марказлаштирилган водопровод иншоотини қуришдан асосий мақсад, аҳоли учун ишлаб чиқиладиган хўжалик ичимлик суви Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти талабига мос келиши тўғрисида айтилган эди. Шунга асосан, водопровод иншоотида олиб бориладиган технологик жараёнлар қўйидагича: сув, иншоотга кирмасдан олдин механик йўллар билан, кўзга кўринган нарсалардан (хашак, барг, ҳайвонлар ўлиги, қофоз, целофан пакетлар, баклажкалар ва бошқалардан) тозаланиши, сўнгра маҳсус

тиндиргич ҳовузларда тиндириш коагулянтлар билан коугуляция қилиш, сўнгра фильтлаш ва зарарсизлантириш (хлор, озон, полизэлектролит ВА-2, КФ-4 ва бошқалардан фойдаланилади) жараёнлари бажарилиши натижасида водопровод иншоотидан чиққан сув органолептик хусусиятлари кулай бўлган, эпидемиологик ҳафсизликни таъминлайдиган, кимёвий таркиби билан организмга зарар бермайдиган ҳолатда ишлаб чиқилади.

4. Аҳолини тоза хўжалик ичимлик суви билан таъминлашда Давлат экологик, санитария назоратини олиб бориш

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдек жуда маъсулиятли вазифани Давлат санитария назорати ва Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бажариб келмоқда.

5 -жадвал

Сув сифатини яхшилашнинг вазифалари, услублари ва воситалари

Кўйиладиган вазифалар	Ишлатиладиган услублар	Ишлатиладиган воситалар
Тиндирмоқ	Тиндириш	Тиндиргичлар
Рантсизлантириш	Коагуляциялаш, фильтрлаш	Коагулянтлар ёрдамида, фильтр ёрдамида
Зарарсиз ҳолатга келтирмоқ	Қайнатиш билан, хлорлаш билан	Қайнатгичлар ёрдамида, хлор ва хлорли дорилар дозаторлар билан
Безарар қилиш	Озон билан ишлов бериш ультрабинафша нурлари билан, қайнатиш, шимиш (сорбция)	Озон, озонаторлар ёрдамида, ультрабинафша жиҳози ёрдамида, кўмир, фильтр ва қайнатгичлардан фойдаланиш
Тузсизлантириш	Дисцилляция, ион алмашиниш, яхлатиш услубидан фойдаланиш	Тузсизлантириш жиҳозидан фойдаланиш, ионитлар, фильтрлар яхлатиш жиҳозидан фойдаланиш
Сув таркибида темирни йўқотиш	Аэрация услуги, оқсиддаш	ионитлар, тиндиргичлар, аэрация жиҳозларидан фойдаланиш

Сувнинг ҳидини кетказиш	Аэрация, озонлаш, коагуляциялаш	Градирни, тиндиригичлар озон, озонатор, кўмирлардан фойдаланиш
Сувни фторсизлантириш	Суюлтириш ион алмаштириш	Фторсиз сув билан суюлтириш
Сувни фторлаш	Фтор ушловчи тузлар қўшиш	Ионитлар, фильтрлар ишлатиш, фтор туз қўшадиган жиҳоздан фойдаланиш
Сувдан фито ва зоо планктонларни йўқотиш	Микрофильтрлар ёрдамида сувни тозалаш	Барабанли микрофильтрлар ёрдамида ва гидроциклонлар билан сувни тозалаш

Бу икки ташкилотнинг асосий вазифаси сув манбаларининг экологик ҳолатини муҳофаза қилиш, қолаверса аҳолини марказлашган водопровод системаси орқали ишлов берилган экологик ва санитария жиҳатдан тоза сув билан таъминлаштир. Бу жараёнлар ўта масъулиятли ва ўта зарур вазифа ҳисобланади.

a) огоҳлантириши санитария назорати

Аҳолини экологик тоза ҳўжалик ичимлик суви билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Назоратни олиб боришда Санитария эпидемиология хизмати ва Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан чора-тадбирлар давлатнинг қонунлари, кодекслари асосида олиб борилади ҳамда қонунлар асосида ишлаб чиқилган қоидалар, кўрсатмалар, низомлар ва норматив ҳужжатларга таяниб назорат қилинади. Юқорида зикр қилинган ташкилотларнинг назоратчи инспекторлари томонидан, аҳолини сув билан таъминлашга мўлжалланган сув ҳавзаларини, сув олинадиган жойларни, водопровод иншоотлари жойлаштириладиган жойни назорат остига оладилар, булардан ташқари сувнинг таркибини аниқлашда, санитария ҳимоя минтақаларини ташкил қилишда қатнашадилар.

Бу жараёнларда гидрогеологлар, гидрологлар, экологлар ва аҳолини сув билан таъминлаш учун қизиққан бошқа ташкилот вакиллари қатнашади. Мутахассислар жойларнинг санитария ва экологик ҳолатларини ва сув манбалари тўғрисидаги далилларни, атроф-мухит тўғрисидаги далилларни 2000 йилда тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти талаблари асосида йигади.

Булардан ташқари водопровод иншоотлари ва системаси тўғрисидаги лойиҳаларни ўрганадилар, камчиликларини топиб, ўз вақтида ўзгартиришлар киритилади. Водопровод иншоотларининг сув ишлаб чиқиш миқдори доимо аҳолининг келажакда кўпайишини ҳисобга олган ҳолатда кўрилади, сув беришининг узлуксизлигини таъминлаш, лойиҳада кўзда тутилади. Сув манбаидаги сувнинг дебити, сув ҳавзаларини ифлослантирувчи обьектлар тўғрисида чиқинди сувларини таркиби, суткалик соатлик миқдори тўғрисида, корхонанинг бош мухандиси ёки бошқа жавобгар шахслардан аниқ далиллар олинади. Чиқинди сувлар сув ҳавzasига ташланмасдан олдин маҳсус тозалаш иншоотлари ва тозалаш жараёнларидан ўтгани тўғрисида маълумот йифилади. Сув ҳавзаларидаги сувларнинг таркиби давлат стандартига мос келиши текширилади. Лойиҳага берилган хулоса давлат стандартига, санитария қоидаларига, норматив ҳужжатларга асосланилади. Лойиҳадаги камчиликлар асосли ва кўпроқ бўлса, у лойиҳа ишлаб чиқсан ташкилотларга қайтарилади ва қайта ишланилади.

Санитария врачлари водопровод иншоотлари ва тармоқлари қурилиши бошидан охиригача назорат қиласи, агар лойиҳага ўзгаришлар киритиш лозим бўлса, лойиҳачилар билан келишиб қўшимчалар албатта лойиҳага киритилади. Огоҳлантириш санитария назоратининг яна бир вазифаси, қурилиб битказилган обьектни ишчи комиссия ва Давлат қабул қилиш комиссияси ишида санитария врачларининг, Табиатни муҳофаза қилиш қўмита вакилларининг актив қатнашишларини тақозо қиласи. Комиссия аъзолари қабул қилиш учун тегишли ташкилотларнинг вакиллари бўлиб ҳисобланади.

Улар аҳолини маҳаллий сув манбалари орқали сув билан таъминлашни ўюштириш учун:

1. Сув манбаларини ва сув олиш жойини танлашда қатнашадилар;
2. Артезиан шахта қудуқлари қазиш лойиҳаларини текширишда ва уларга хулоса ёзишда иштирок этадилар;
3. Сув чиқариш иншоотлари ишлатишга қабул қилинаётганда, уларнинг атрофини ободонлаштиришда, сув сифатини текшириш, хлорлаш ва қуришда санитария врачлари ва экологлар актив қатнашадилар, охир пировардида хулоса далолатномасини ёzáдилар.

б) аҳолини марказлашган водопровод суви билан таъминлашда кундالик санитария назорати

Аҳолини хўжалик ичимлик суви билан таъминлашни ўюнтиришда водопровод иншоотлари ва унинг тармоқларининг давомли нормал ишланини ташкил қилиш катта аҳамият касб этади. Бунда сувнинг тозалигини давлат стандартига мос келадиган қилиб ишлаб чиқиш, технологик жараёнларни натижали ишлатиш ва уларни назорат қилиш, айниқса, сувнинг заарсизлитетини таъминлаш энг асосий вазифа бўлиб қолади.

Ишни яхши ташкил қилиш мақсадида санитария врачлари қуйидагиларни бажаришлари шарт:

1. Водопроводларнинг санитария паспортларини тузишади;
2. Сув манбалари санитария ҳолатини мунтазам текшириб назорат остига олиш, водопровод иншоотлари учун аниқланилган санитария муҳофаза зоналарини тартибли, интизомли бўлишини, Давлат стандартида кўрсатилган талабларни бажаришни таъминлашади;
3. Водопровод иншоотларининг санитария ҳолатини, уларни натижали ишланини, лабораторияда олиб бориладиган анализларни, сувнинг сифатини, олинган факт ва далиларни таҳлил қилиб, хulosалар ёзадилар. Водопровод ходимларининг ишбилармонлигини, санитария илми бўйича саводли эканликларини, ўзларининг сиҳат-саломатликлари, бациллалар ташиб юрувчи эмасликлари текширилади ҳамда бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади.
4. Водопровод тармоқлари ва иншоотлари устидан назорат ўрнатадилар, уларни ишлатиш, тузатиш ва хлорлашда санитария қоидалари асосида бажарилишини кузатадилар, санитария эпидемиология станциялари ёрдамида сув сифати текширилади, кўрсаткичлари аниқланилади.
5. Аҳолининг водопровод сувидан мамнун эканлиги, унинг соғлиғи, сувнинг сифати ва сув истеъмолчилари ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалганигити ёки тарқалмаганигитини ўрганадилар. Аҳоли ўртасида юқумсиз ёки юқумли касалликлар тарқалиши аниқланилса, тезда чора ва тадбирлар ишлаб чиқлади.
6. Туман, шаҳарларнинг тегишли раҳбар идоралари олдига худуд аҳолисини марказлашган сув билан таъминлашга тегишли муаммолар кўриб чиқиш масалаларини қараб чиқишга даъват этадилар.

5. Сув ҳавзаларининг санитария муҳофазаси

Илмий техника жараёнлари ривож топаётган даврда, аҳолининг сони борган сари ортиб бориши, тураг жойларнинг ниҳоятда ободонлашиши, водопровод, канализация тармоқларининг ривожи ва бошқалар оқибатида сув истеъмоли табора кўпайишининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Саноат корхоналарининг ривожи, ҳар бир тонна маҳсулот ишлаб чиқаришда сув ҳажмининг кўпроқ сарфланиши бу фактдир. Аммо, бу чиқинди сувларини қандай ҳолатда келиб чиқишидан қатъий назар, уларни тозаламай, заарсиз ҳолатга келтирмай қайтариб сув ҳавзаларига ташлаш қонунга зид. Шунга қарамай ҳар йили сув ҳавзаларига ташланадиган чиқинди сувларнинг миқдори 600 млрд.м³ дан ортиб кетмоқда, булар: саноат корхоналарининг, коммунал хўжалигининг ва қишлоқ хўжалиги шудгорларидан, коллекторт-дренаж сувларидан ташкил топади. Бу сувларни нейтраллаш, яъни зарар бермайдиган ҳолатга келтириш учун 6—12 баробар суюлтирилишни тақозо қиласи. Бунинг устига қишлоқ хўжалигидан чиқинди сувлар билан бирга жуда кўп биоген элементлар сув ҳавзаларига тушади. *Ю. Новиковнинг келтирган фактларига қараганда, АҚШнинг фақатгина Огайо ва Миссисипи дарёлари суви билан океанга ҳар йили 2,37 млн. тонна азот, калий ва фосфор компонентлари ташланади.

Айниқса, чиқинди сув, саноат корхоналарининг турли ишлаб чиқариш жараёнларида унинг айрилмас қисми бўлиб қолади. Жумладан, бир тонна чўянн эритиб пўлатта айлантириш жараённинг сувнинг сарфи 50—150 м³, бир тонна мих олиш учун 500 м³, бир тонна синтетик целлюлоза олиш учун 1325 м³, бир тонна қофоз ишлаб чиқиш учун 200 м³, бир тонна алюминий ишлаб чиқиш учун 1500 м³, мис ишлаб чиқиш учун 5000 м³, капрон толасини олишга 5000 м³, бир тонна пластмасса олиш учун 3000 м³ сув сарфланади. Ҳозирги замон metallurgия, кимё саноатлари ва бошқалар йил давомида бутун бир дарё сувларини қабул қилиб ифлослантириб юборишлари мумкин. Бу чиқинди сувлари билан бир неча минг тонна осиғлик моддалар, нефт маҳсулотлари, рангли металлар ва бошқалар сув ҳавзаларига ташланади. Булар инсон

соғлиги учун хавфсиз эмас. Кимё саноатининг чиқинди сувларини очиқ сув ҳавзаларига ташлаш катта хавф туғдиради, сабаби уларнинг таркибида хлоридлар, сульфатлар, феноллар, ацетонлар, алдегидлар, турли металлар ва бошқалар мавжуд, улар сувларнинг ҳамма кўрсаткичларини ўзгартириб юборади. Очиқ сув ҳавзаларига канализация сувлари ташланса, унинг эпидемиологик ҳолати сувнинг санитария режими, кимёвий таркиби, хавф туғдирадиган даражада бузилади.

Сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манбалар жуда кўп. Ҳаммамизга маълумки, саноат корхоналари жуда кўп чиқиндишларни чанг, газ, тутун ҳолатда атмосферага ташлайди, бундай зарарли омиллар охир пировардида ёғингарчилик оқибатида ҳаво таркибидан оддин ерга, сўнгра сув ҳавзаларига тушади. Жумладан, шу бугунги кунда фақатгина сульфит ангидридининг 150 млн. тоннаси газ ҳолатида атмосферага ташланади, кейинчалик у “SO₂” кислота бўлиб қайтиб ерга, сўнгра сувга тушади. Масалан, Норвегия давлатининг жанубида жойлашган кўлларнинг сувида pH 4,4—5,5 га яқинлашиб қолган. Сабаби, Норвегияга яқин давлатлар, Германия, Англия, Марказий Европа мамлакатларининг саноат корхоналаридан атмосфера ҳавосига ташланган газлар шамол ҳаракати ёрдамида Норвегия давлати тепасидаги ҳавони ифлослантириб, кислота сифатида ёмғир бўлиб ерга, кўл сувларига тушиб, улардаги балтиқларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Автомобил дудбуронларидан ажралиб чиқадиган заҳарли газлар ҳам ҳавога аралашиб ёмғир билан ерга тушиб уни кўрғошин билан ва бошқа моддалар билан зараплайди. Оқибатда сув ҳавзаларининг сувида кўрғошиннинг микдори 5—8 мг/л етади. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, АҚШнинг баъзи бир шаҳарларида ифлосланган атмосфера ҳавоси ёғингарчилик вақтида 125 тонна кўрғошинни, 15 тонна симобни ўзига шимдиради (Браун) ва ер юзасига ёмғир билан тушади. Юза сув ҳавзалари, чорва фермаларининг чиқинди сувлари билан ҳам ифлосланганда, ундаги органик азотнинг микдори бир литр сувда 800 мгга етади. Шундан аммоний азот 770 мгга, азот нитрит 1,3 мг/л, БПКси 500—1200 мг/л етгани маълум (Соокс). Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юқорида зикр қилинганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, аҳолини тоза хўжалик ичимлик суви билан таъминлашдаги асосий вазифаларидан бири сув олиш манбаларини ҳар қандай ифлосланишлардан муҳофаза қилиш, водопровод иншоотларидаги

технологик, кимёвий ва бошқа жараёнларни натижали ишлашини таъминлаштир. Албаттa савол туғилади, қандай қилиб?

Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлат сифатида тан олинганигидан кейин, 1992 йили экология муаммолари билан алоқадор икки қонун Олий Мажлис томонидан тасдиқланди ва бу қонунларга Президент имзо чекди. 1994 йили Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси қабул қилинди. Бу қонуний ҳужжатларнинг ҳаммаси аҳолининг саломатлигини сақлашга қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида шундай дейилган: «Ҳар бир одам қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлишга ҳақли». Демак, инсонга экологик ва санитария жиҳатидан тоза ичимлик сувига, тоза атмосфера ҳавосига, тоза тупроқقا, тоза озиқ-овқатга эга бўлмоқлиги ва шундай қулай шароитда яшамоқлик ҳукуқи берилган. Агар атроф-муҳитда бунинг акси бўлса инсонлар ўртасида турли касалликлар, заҳарланиш, юқумли касалликларнинг тарқалиб кетиш хавфи туғилади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида қонуннинг 6-моддасида қўйидагилар айтилган: «ҳар бир одам атроф-муҳитнинг зарарли кимёвий, физиковий, биологик ва бошқа омиллари, шунингдек, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳалқ истеъмоли моллари ва бошқа саноат буюллари таъсирида ўзига етказилган зарарни ўрнини тўлатиб олишга ҳақли».

Шундай қилиб, юқоридаги саволга қонуний жавоб топилди. Инсоннинг соғлиги қонун билан кафолатланади. Биз ҳозирда очик сув ҳавзаларининг муҳофазаси тўғрисида гап юритаётган эканмиз, демак аҳоли ўртасида сув истеъмоли орқали тарқаладиган касалликларнинг олдини олишда, уни қулай қилиб муҳофазалаш кераклиги тўғрисида ўз фикримизни юритамиз.

Сувлар таркибидағи кимёвий моддаларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш, сувни эпидемик нуқтаи назардан хавфсизлиги даражасига етказиш, сув ҳавзаларига ташланадиган тозаланган чиқинди сувлар, сув ҳавзаларини санитария режимига таъсир этмаслигини таъминлаш:

1. Сув ҳавзаларини муҳофаза қилишнинг бирдан бир йўли санитария техник жараёнларини бажариш ҳамда саноат корхоналарини, қишлоқ хўжалик обьектларини аҳоли турар жойларига нисбатан санитария ҳимоя зоналарини ташкил қилиш ва амалда жорий қилишини талаб қилади.

2. Илмий техника ривожи жараёнида хўжалик чиқинди сувларини, саноат корхоналари чиқинди сувларини юқори технология жараёнлари ёрдамида тозалашни тақозо этади.

3. Янги технология жараёнларидан фойдаланиб иложи борича саноат корхоналарини чиқитсиз ёки кам чиқитли технологияга эга бўлган саноат корхоналарига айлантиришни таъминлаш ёки тозалаш иншоотларида тозаланган сувни, қайта технологик жараёнда ишлатишни таъминлаш зарур.

4. Хўжалик чиқинди сувларини биоуслублар ёрдамида ёки физик ва химиёвий услублардан фойдаланиб, тозалангандан сўнг ундай тозаланган сувларни саноат корхоналарида қайта ишлатишни назарий ва амалий томондан оқланганлигини назарда тутиб ҳамда ҳозирда Минск, Чернигов шаҳарлари, Англия, Мексика, АҚШ давлатларининг катта шаҳарларида қўлланилаётган услубларни Ўрга Осиё республикаларида ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Кичик шаҳарлар, районлар ва корхоналарда пайдо бўладиган чиқинди сувларни механик ва биологик тозалаш услубларидан фойдаланиб, уларни қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда қўллаш йўлларини ахтариш ва таъминлаш зарур бўлади. Айниқса, тупроқни кучли биологик тозалаш имконияти борлигидан фойдаланиши зарурияти туғилади. Бу вазифаларни бажариш сув манбаларидан фойдаланувчи, уларни бошқаришга ҳаракат қилаётган ташкилотлар зиммасида, жумладан, саноат корхоналари раҳбарияти, Коммунал, Сув ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари, энергетика, балиқ хўжалиги ташкилотлари ва бошқалар, айниқса, аҳолини ўзи бу вазифаларни бошқаришда актив қатнашишини тақозо этади.

Шунинг учун ҳам қонуннинг 15-моддасида қуйидагилар таъкидланади: «Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, хўжалик ичимлик суви таъминотининг марказлаштирилган тизимлари етказиб берадиган сувнинг сифати экологик, гигиеник талабларга ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шарт». Бунинг учун ҳамма сув ҳавзаларини ифлосликлардан кўз қорачиғидек асраш ҳамма ташкилотларнинг вазифасига киради, акс ҳолда Давлатнинг «Экологик жиноятлар» тўғрисидаги кодексининг 193-моддаси амалга оширилади, яъни: саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа обьектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, куриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахслар томонидан бузилиши, ёхуд давлат

комиссиясининг аъзолари томонидан бу обьектларнинг норматив хужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишида касалланиши, экологияга салбий таъсир қиласиган даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бароваридан 100 бароваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланди.

Қонун ва кодексларнинг талаби шундан иборатки, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, сув ҳавзаларининг йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш, инсоният қарамоғидаги ҳамма имкониятлардан фойдаланиб сув ҳавзаларини муҳофаза қилишдир. Бу чора-тадбирлар экологик, санитария огоҳлантириш назоратидан бошланиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар қандай корхоналар лойиҳа асосида қурилиб, бу лойиҳаларда албатта тозалаш иншоотлари кўзда тутилиши ва натижка берадиган қилиб қурилиши керак. Тозалаш иншоотларида биринчи галда янги замонавий технологик жиҳозлар ўрнатилиши ва уларни натижали ишлатишни таъминлаш керак бўлади.

Ҳозирги вақтда катта аҳамият қасб этадиган чора-тадбирлардан бири гигиеник нормативларни ишлаб чиқиш, лойиҳаларга экологик ва гигиеник хulosаларни обьектив ёзиш, лойиҳалардаги камчиликлар йўқотилмагунча қурилишга рұксат бермаслик зарурати туғилади.

Рұксат этилган миқдорларни ишлаб чиқиш экологик ва санитария назоратини амалга оширишга ҳамда чиқинди сувларни таркибидаги зарарли омилларни технологик, кимёвий, физикавий услублар ёрдамида камайтиришга, лоақал рұксат этилган миқдорга яқинлаштиришга имкон беради.

Рұксат этилган миқдорни ишлаб чиқиш лойиҳаларга хulosа ёзишида ҳам кўл келади.

Шу чора-тадбирлар билан бир қаторда ер ости ва ер усти сув манбаларининг муҳофаза қилиниши, тупроқнинг ўзини ҳам муҳофаза қилишта имкон беради. Тупроқ бу ташқи муҳит обьектларини қайта ифлослантирувчи иккиламчи манба сифатида баҳоланди.

Куйидаги схемадан кўриниб турибдики, аввало, ҳамма зарарли омиллар табиий муҳитнинг омиллари орқали тупроққа тушади, сўнgra тупроқдан миграция ва транслокация йўли билан бошқа обьектларга тарқалади.

1. Сув → тупроқ → ўсимлик ва унинг маҳсулоти → ҳайвонот дунёси ва унинг маҳсулотлари → инсон

2. Сув → тупроқ → ўсимлик ва унинг маҳсулотлари → ҳайвонот дунёси маҳсулотлари

3. Тупроқ  ўсимлик ва унинг маҳсумили
хайвонот дунёси ва унинг маҳсумили
инсон орқали ва вафот этгач тупроқقا
қайтади

Биосферада, ана шундай жараёнлар кунда, ойда, йилда ва асрлар давомида қайтарила беради.

VI боб. Хўжалик-ичимлик, маданий ҳордиқ чиқариш ва спорт мақсадларида ва балиқ хўжалигида фойдаланишга мўлжалланган сув ҳавзалари сувининг норматив сифат кўрсаткичлари

Сув ҳавзаларига чиқинди сувлар ташланиши оқибатида хўжалик-ичимлик, маданий ҳордиқ чиқариш ва спорт мақсадлари учун фойдаланиладиган турли туркумли сув ҳавзаларининг фойдаланиш жойларида уларнинг таркибий нормалари ва сифатий хоссаларининг аҳолининг саломатлигига зарари тегмаслиги ҳамда улардан фойдаланишни чегаралаб қўймаслиги шарт. Аҳоли томонидан фойдаланиладиган сув ҳавзалари икки туркумдан иборат.

А. Биринчи туркумга кирувчи сув ҳавзалари, аҳолини марказлашган ёки марказлашмаган сув иншоотлари ёрдамида сув билан таъминлаш учун ҳамда озиқ-овқат саноатини сув билан таъминлашга мўлжалланган сув ҳавзаларидир.

Бундай туркумли сув ҳавзалари санитария-эпидемиология станциялари томонидан расмий лаборатория далилларидан фойдаланиб аниқланилади.

Аҳолини сув билан таъминлашда сув олинадиган нуқтадан сув оқимининг 1 км юқори қисмидаги сув ҳавзаларининг сувининг таркибий сифати ҳамда оқмайдиган сув ҳавзалари кўл, сув омборлари учун сув олинадиган нуқтадан ҳар икки томонга 1 км масофада очиқ сув ҳавзаларининг сувлари учун тасдиқланган расмий норматив кўрсаткичларига тўғри келиши керак (*Илова 1 ва 2*).

Сув обьектларига тушадиган кимёвий моддаларнинг заҳарлилиги бир хил лимит кўрсаткичли бир неча моддалар аралашмасидан иборат бўлса, бунда шуларни ҳаммасини сув ҳавзасига тушишини ҳисобга олиб куйидаги қоидани амалда бажариш инобатта олинади, яъни шу моддаларнинг концентрацияларининг йигиндиси (K_1 , K_2 , K_3 , ... K_n) сув ҳавзасидаги моддаларнинг ҳар бирининг РЭМга нисбати бирдан ошмаслиги керак.

$$K_1/P\mathcal{E}M_1 + K_2/P\mathcal{E}M_2 + K_3/P\mathcal{E}M_3 + K_n/P\mathcal{E}M_n \geq 1$$

Б. Иккинчи туркумга кирувчи сув ҳавзалари балиқ хўжалиги учун фойдаланиладиган сув ҳавзалардир.

1. Балиқ хўжалигини ривожлантириш учун фойдаланиладиган сув ҳавзалари сифатига қўйиладиган сифат нормалари уларнинг туркумларига қараб талаб қўйилади, бу талаблар сув ҳавзаларининг нормал ҳолатини сақлаб қолади. Бундай сув ҳавзаларининг туркумлари иккига бўлинади:

а) оксиген миқдорига нисбатан жуда сезгир бўлган қимматбаҳо балиқ турларини сақлаб қоладиган, уларни қайта ишлаб чиқишини таъминлайдиган сув ҳавзалари;

б) иккинчи туркумга, умуман балиқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида фойдаланиладиган сув ҳавзалари киради.

Шуни айтмоқ зарурки, балиқ хўжалигининг ривожи учун сув ҳавзалари туркумини балиқларни ҳимоя қилиш орган ва ташкилотлари аниқлайдилар. Шунинг учун ҳам балиқ хўжалигининг ривожи учун мўлжалланган сув ҳавзалари сувининг таркибини ва хоссаларини қандай талабга жавоб беришини балиқ хўжалиги ташкилотлари аниқлайдилар. Бунда сув ҳавзасига ташланадиган чиқинди сувни аралашиш, суюлиш даражаси, балиқ ривожига таъсир этмаслиги, ҳар ҳолда чиқинди сув ташлангандан сўнг 500 метр масофада сув ҳавзасининг сувга қўйилган талабга жавоб бериши шарт.

2. Балиқ урчийдиган, уруғ сочадиган, қиши, совуқ вақтида қишлоғ чуқурликларида яшаш шароитини бузмаслик учун чиқинди сувларни бундай сув ҳавзаларига ташлаш таъқиқланади, аммо балиқ хўжалигини ривожлантириш учун мўлжалланган сув ҳавзаларига чиқинди сувларни ташлаш балиқларни муҳофаза қилиш ташкилотлари томонидан аниқланилади.

3. Балиқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган сув обьектларининг сувларининг таркиби, сифатий кўрсаткичлари З-иловада келтирилган талабларга жавоб бериш керак.

4. Балиқ хўжалиги ривожи учун мўлжалланган аҳамиятли сув обьектлари сувига заарли бир хил лимит кўрсаткичли моддалар танланганда, сувни асли таркибидаги моддаларни ҳисобга олган ҳолда, сув обьектининг ҳисоб-китоб қилинадиган нуқтасида у моддаларни концентрация йиғиндисининг ҳар бир заарли моддасини РЭМ миқдорига нисбати бирдан ошмаслиги керак.

Яъни $C_1/R\cdot M_1 + C_2/R\cdot M_2 + C_3/R\cdot M_3 + C_n/R\cdot M_n \leq 1$

1. Сув ҳавзаларини радиоактив моддалари билан иғлосланишидан муҳофаза қилиш

Бу мақсадда:

а) радиоактив моддаларни ушловчи чиқинди сувларни заарсизлантириш, уларни пайдо бўлган жойидан олиб чиқиб кетиш, очик сув ҳавзаларига ташлаш фақат Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган санитария нормалари ва қоидалари асосида бажарилади;

б) балиқ ишлаб чиқариш ва сув қушларини кўпайтириш мақсадида фойдаланиладиган сув ҳавзаларига, яъни кўлларга, сув омборларга, каналларга, радиоактив моддалар ушловчи чиқинди сувлар ташланishi таъкидланади.

2. Чиқинди сувларини сув ҳавзаларига ташлашнинг техник шарт-шароитлари

Канализация тармоқларини, тозалаш иншоотларини ва чиқинди сувларни заарсизлантириш обьектларини куриш мақсадида уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишида куйидагиларни ҳисобга олиш шарт:

а) чиқинди сувларни таркибини, миқдорини ва уларни сув ҳавзаларига ташлаш тартибини;

б) чиқинди сув ташлаш учун лойиҳалаштириладиган сув ҳавзасининг санитария ҳолатини;

в) чиқинди сув ташлаш учун мўлжалланган сув ҳавзасининг сув ташланадиган жойдан юқори ва пастки қисмларидаги санитария ҳолатини;

г) чиқинди сув ташланадиган сув ҳавзасининг ҳозирда ва келажакда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашни, унинг маданий ҳордик чиқариш ва спорт ишлари учун, балиқ хўжалигини ривожлантириши мумкинлигини;

д) ҳозирда расмий кўлланилаётган шу «қоида»даги сув ҳавзалари категорияси учун қабул қилинган нормаларнинг ҳисобга олиниши шарт.

Лойиҳа ишлаб чиқиш вақтигача зарарли моддаларнинг меъёрлари аниқланмаган бўлса, аҳолини ичимлик сув билан таъминловчи ташкилотлар ҳар бир зарарли модда учун сув обьектлари категорияларига қараб рухсат этилган меъёрни ишлаб чиқиш мақсадида илмий текширишларни ташкил қилиши ва таъаб

Хўжалик-ичмалик, маданий ҳордиқ чиқарни ва спорт мақсадаларида ва балиқ хўжалигига фойдаланишга мўлжалланган сув ҳавзалари сувининг норматив сифати кўрсаткичлари доирасида гигиеник нормаларни ишлаб чиқишни таъминлашлари шарт.

Саноат корхоналарининг чиқинди сувларини заарсизлантириш масаласини ҳал этишда канализация, тозалаш, заарсизлантириш иншоотларининг қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишида қуйидаги ҳолатларга асосий эътибор қаратилади:

а) цех ёки корхона чиқинди сувларини имконият даражасида тозалаб заарсизлантириб, уларни қайтадан ишлатиш мумкинлигига;

б) хўжалик чиқинди сувлари тозаланиб, заарсизлантирилиб бўлгандан сўнг, уларни корхона ва цехларда техник сув сифатида фойдаланиш мумкинлигига;

в) баъзи бир саноат корхоналари, цехларининг чиқинди сувларининг техник сув сифатида бошқа корхоналарда фойдаланиш мумкинлигига;

г) шу ҳудудда жойлашган турли корхоналарнинг чиқинди сувларини физикавий, кимёвий, биологик таркиби жиҳатдан бир-бирларига ўхшаса, уларни биргаликда тозалаши иншоотларида тозалаш ва заарсизлантириш йўлларини ўйлаб кўриш ва амалга оширишга;

д) агар корхона ва цех чиқинди сувларининг таркибидаги фойдали кимёвий моддаларни утилизация қилиш имконияти туғилса ёки уларни тозалангандан сўнг қайта ишлатиш мумкин бўлса ёки уларни тўла-тўқис заарсизлантирилса, бундай чиқинди сувларни алоҳида канализация ёрдамида сув ҳавзаларига ташлаш мумкинлигига эътибор берилади;

е) агар саноат корхона чиқинди сувлари ўзининг кимёвий таркиби, миқдори жиҳатдан физик хусусиятлари билан куннинг маълум вақтида ёмон томонга ўзгариб турса ёки қуюқ чиқинди сувларни сув ҳавзаларига бирдан ташлаш ҳолати туғилиб қоладиган шароитни олдини олиш мақсадида, маҳсус бошқариш жиҳозлари, асбоб ускуналари қурилиши керак;

ж) саноат корхоналари ва бошқа обьектларининг чиқинди сувларини тозалаши иншоотлари ёрдамида тозалангандан сўнг сув ҳавзаси оқими томон фақатгина аҳоли яшаш чегараларидан ўтгандан сўнг ташлашга рухсат берилади. Бундан ташқари сув ҳавзасига ташланадиган чиқинди сувлар миқдорини ўлчайдиган, ҳисобга оладиган мосламалар ва улар намунасини таҳлилга олиш учун нуқталар аниқ бўлиши керак. Иложи бўлса чиқинди сувнинг таркибини, миқдорини назорат қилиш мақсадида автоматик асбоб-ускуналар ўрнатиш зарурияти туғилади;

Хұжалик-ічимлик, маданий жәрдік чиқарыши ва спорт мақсадаларыда ва балиқ хұжалигига фойдаланыша мүлжалланған сув ҳавзалары сүйнинг норматив сифат күрсатқычлари

3) сув ҳавзаларига ташланадиган сув миқдорининг сув ҳавзасидаги сув миқдорига аралашиш коэффициентига катта өзтибор берилади. Бунда сув ҳавзасидаги ўртача ҳар соатда сарфланадиган сув миқдори ва ҳар соатда ўртача ташланадиган сув миқдори ҳисобланиши керак. Асосий талаб, чиқинди сув таркибидаги кимёвий моддалар, бактериялар сув ҳавзалари категориялари учун тақиғланған нормалардан ортиб кетмаслиги шарт. Бунинг учун чиқинди сувларни тозалаш, заарарсизлантириш иншоотларига, саноат корхоналаридаги технологик жараёнларга доимо аҳамият берилмоги керак;

и) сув ҳавзаларининг айрим кам сувли даврларидан чиқинди сувларни ташлашнинг шарт-шароитлари сув ҳавзаларини бошқариш ташкилотлари ва санитария-эпидемиология хизмати ҳамда балиқларни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан келишилган ҳолатда амалта оширилиши керак.

3. Чиқинди сувларни очиқ сув ҳавзаларига ташлашни келишиб олиш чора-тадбирлари

1. Сув ҳавзаларига түрли корхона ва объектларнинг чиқинди сувларини ташлаш учун сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, бошқариш ташкилотлари билан санитария-эпидемиология хизмати муассасалари билан ва балиқ хұжалиги уни муҳофаза қылувчи ташкилотлар билан келишилиши керак, яъни:

а) ҳозирда ишлаб турған объектлар;

б) саноат корхоналарининг құвватини ошириш мақсадида янги технологик жараёнларни ўзгартыраёттан объектларда, агар улар чиқинди сувнинг кимёвий таркибини, физикавий хусусиятини ўзгартырадиган тақдирда албатта юқорида зикр қилинған ташкилотлар билан келишилиши шарт.

2. Чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлашнинг шарт-шароитлари қуйидаги ҳолатларда келишилади:

а) чиқинди сувлар пайдо қылувчи корхона ва объектлар, иншоотлар қурилиши учун ер майдони ажратиладиган даврда ёки объектларни қайта қуриш, кенгайтириш ёки технологик жараёнларга ўзгартырышлар киригтилаёттанды;

б) янги ёки кенгайтириледиган канализация, тозалаш ва заарарсизлантириш иншоотларини техник, ишчи технологик лойихаларини қараб чиқиш даврида;

в) ҳар қандай объектларнинг чиқинди сувларини сув ҳавзаларига ташлаш шарт-шароитлари түғри келишини муҳокама қилинаёттанды.

3. Чиқинди сувлар ҳосил қилувчи янги ёки қайта кенгайтирилаётган турли хил обьектларни қуриш учун ер майдони ажратилиш даврида муҳокама учун тақдим этилаётган қўйидаги материаллар келишилиши керак:

а) сув ҳавзасига ташланмоқчи бўлган турли хил ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқинди сувларининг микдори, таркибий қисми, уларнинг ҳусусиятлари, сув обьектига ташлаш жойлари, чиқинди сувларни ўрганилганлиги, ўзига хос заарали моддаларни ушлаши, уларнинг маҳсус тозалаш инишоотларида тозаланиши самарадорлиги тўғрисида баҳо берувчи далиллар ҳамда унда чиқинди сувларини тозалаш, заарсизлантиришнинг янги таклиф қилинаётган услублари тўғрисида, чиқинди сув таркибидаги фойдали моддаларни утилизация қилиш, агар керак бўлса чиқинди сувлар устидан маҳсус текшириш ишларини олиб бориш масалалари тўғрисида келишиб олинади;

б) сув ҳавзасининг гидрологик режимини, унинг юқорида оқиб келаётган қисмida чиқинди сувларнинг ташланаётганлиги тўғрисида маълумотларга, чиқинди сув ташлангандан сўнг сув ҳавзаси сувининг таркиби тўғрисида ҳамда сув оқими қисмida аҳолини ўша сув ҳавзасидан фойдаланиш имконияти тўғрисида, яъни чўмилиш, дам олиш, сув спорти ишлари тўғрисидаги ҳамма маълумотларга аҳамият берилади. Ташлаш учун мўлжалланаётган чиқинди суви, сув ҳавзасининг категориясига (аҳоли томонидан фойдаланиш учун I ва II категорияли сув ҳавзаси) таъсир кўрсатиши назарда тутилиши керак, айниқса, сув ҳавзасининг келажакдаги ҳолати тўғрисида батафсил тақдим этилган материалларга эътибор берилади. Агар тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, унда СЭС ходимлари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари қўшимча маълумотлар талаб қилишга ҳақидирлар.

4. Чиқинди сувларни ишлаб турган корхоналардан олиб чиқиб кетиши шарт-шароитларини келишиш учун ёки шулар тўғрисидаги лойиҳани келишиш мақсадида қўйидаги материаллар тақдим этилиши лозим:

а) жумладан, чиқинди сувлар маҳсус услублар билан ишлангандан сўнг уларни қайта ишлатиш ва корхоналарни ўша сув билан таъминлаш тўғрисидаги тасдиқловчи материаллар ёки чиқинди сувлар тўғрисида қониқарсиз қарор қабул қилинган бўлса, бундай ҳолатларда корхона технологиясиага аниқлик киргизиш

Хұжалик-ічимлик, маданий қордик чиқарыш ва спорт мақсадаларындағы балиқ хұжалигінде фойдаланышта мұлжалланған сув ҳавзаларынң норматив сифаттарын күрсатқычлары материаллари тақдим этилади. Бунда чиқынди сувларни сув ҳавзаларига ёки сув оқызадиган каналларга мажбуран ташлашнинг сабаблари, чиқынди сув миқдори, сув ҳавзаларининг гидрологик ва санитария ҳолати балиқ хұжалигини ривожлантириш нұқтаи назардан қаралиши керак;

б) ёки тозаланған чиқынди сувларини бошқа ишлаб чиқариш корхоналарыда ишлатиш мүмкінлеги ёки корхонанинг эхтиёжи учун бошқа корхоналарнинг тозаланған чиқынди сувларини ишлатиш мүмкінлеги тұғрисидаги материаллар ҳам тақдим этилади;

в) чиқынди сувлар, сув ҳавзасынша ташланғандан сұнг унинг сувини кимёвий, бактериологик таркиби ва санитария, гидрологик ҳолатининг ўзгармаслиги тұғрисидаги ҳисобий далиллар көлтирилиши керак;

г) чиқынди сувларни тозалаш, заарасизлантириш мақсадыда куриш ёки ишлаб турғанини тиклаш, кенгайтириш зарур бўлган иншоотларнинг тури, схемаси, лойиҳаси, унинг асосий ишлаб чиқариш куввати, улардан кутилаётган техник самараадорлиги (фоизда ёки абсолют миқдорда) тұғрисидаги материаллар ҳам тақдим этилади;

д) лойиҳалаш ёки иншоотни ишлатиш даврида пайдо бўлган маҳаллий ҳолатлар ва лойиҳадаги аниқланған хатолар тұғрисидаги далиллар ҳам тақдим этилади;

е) ишлаб чиқариш корхоналаридаги технологик жараёнларда ишлатилиши мумкин бўлган янги реагентлар ва бошқалар тұғрисидаги материаллар ҳам тақдим этилади.

5. Лойиҳаларни келишиш ва хulosса ёзища олдинги лойиҳага кўйилган талабларнинг бажарилишига эътибор берилади.

6. Агар олдинги келишилган шарт ва шароитлардан қандайdir сабабларга кўра лойиҳага тузатишлар киргизилмоқчи бўлса, у ҳолда ҳамма ўзгартиришлар фактлар билан асосланған ва исботланған бўлиши керак ва янгидан келишиладиган ташкилотларга тақдим этилади (санэпидстанцияга, табиатни муҳофаза қилиш қўмитасында сув ҳавзаларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш муҳофаза қилиш ташкилотларига).

7. Сув ҳавзаларини бошқариш ва муҳофаза қилиш ташкилотлари билан куйидагилар келишилиб олиниши керак:

а) сув ҳавзаларыда олиб бориладиган ҳамма ишлар, яъни канал ва ариқларни лойқа чўқмалардан, ўт-ўлан, қамишлардан ва сув ҳавзаларига ташланған қаттиқ чиқындишлардан тозалаш ишлари, сув

Хұжалик-иçимлик, мәданий ҳордақ чиқарыш ва спорт маңсадаларыда ва балық, хұжалигига фойдаланышта мұлжалланған сув ҳавзалари сүвнинең норматив сифат күрсатқышлари ҳавзаларига гидротехник иншоотлар қуриш ва улар орқали сув үтказиш, сув остидан фойдали қазилмаларни олиш, сув йўлига сув омборларини қуришни;

б) сув ҳавзалари қирғоқларыда чиқинди, балласт моддалар ва бошқа сувларни қабул қилиш мосламаларини жойлаштиришни;

в) сув транспорти воситаларидан оқиб тушадиган чиқинди сувларни, оқиб тушадиган нефт маңсулоти ва уларни сув юзасидан ийғишишириб олишни ва сув ҳавзаларыда ишлайдиган, ҳаракатда бўлган бошқа ҳамма транспортларнинг иши келишилиши керак.

4. Чиқинди сувларни заарсизлантириш, юқумсизлантириш ва тозалаш самарадорлигини назорат қилиш тартиби

1. Сувдан фойдаланувчи ва пайдо бўлган чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташловчи ташкилотлар, санитария-эпидемиология станцияси, табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар доимо чиқинди сувларни тозалайдиган, заарсизлайдиган ва юқумсизлантириш иншоотларини ишлаш самарадорлигини қўйидагича назорат қиладилар:

а) тозалаш иншоотларига келиб тушадиган чиқинди сувларни тозаланмасдан илгариги ҳолатини билиш учун ва тозалаш иншоотларидан амалга ошириладиган комплекс заарсизлантириш, юқумсизлантириш жараёнларидан сўнг сув намуналарини таҳлил қилиш йўли билан;

б) чиқинди сувларни тозалаш иншоотига тушмасдан илгари ва айрим тозалаш босқичларидан сўнг, яна ўргача сув аралашмаларидан сўнг, нейтраллаш, тиндириш жараёнидан кейин, биологик тозалаш мосламаларидан сўнг, хлорлаш, иккиласмачи тиндиригичлардан сўнг ва сув ҳавзасига ташлангандан сўнг, сув намуналари олиниб таҳлил қилиниши билан;

в) сув ҳавзаларига ташланмоқчи бўлган нуқтада чиқинди сувларнинг миқдорини ўлчаш билан;

г) чиқинди сув ташланадиган сув ҳавзаларининг сув ташлангунга қадар юқори қисмидан ва чиқинди сув ташланган сув оқимининг пастки қисмидан сув намуналари олиниб таҳлил қилиниши билан.

2. Сув истеъмол қилувчи сувдан фойдаланувчи ташкилотлар сув ҳавзаларини назорат қилиш тартибини СЭС муассасалари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва сувдан фойдаланишини бошқариш ва уни муҳофаза қилиш идоралари билан чиқинди

Хўжалик-иччимлиқ, маданий ҳордик чиқариш ва спорт мақсадаларида ва балиқ хўжалигига фойдаланишга мўлжалланган сув ҳавзалари сувининг норматив сифат кўрсаткичлари сувларнинг зарарлиги даражасини, маҳаллий аҳоли турар жой шароитини, чиқинди сувни ишлашни ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолатда келишиши шарт.

3. Шу қоидага асосан, чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлаш шартларига тўғри келишини аниқлаш учун давлат назоратини, яъни сувдан фойдаланишни бошқариш ва уни муҳофаза қилиш идоралари, санэпидстанцияси муассасалари, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ва балиқ захирасини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, тозалаш, зарарсизлантириш, юқумсизлантириш иншоотларининг қурилиши учун ер майдони ажратилаётганда, лойиҳа қилиш ташкилотлари ўша обьектларни лойиҳасини ишлаб чиқиляётганда, обьектларни ишлатилаётганда олиб боришлари шарт.

4. Баъзи бир ҳолатларда назорат органлари чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлашни тақиқлаш ёки уларнинг таркибидаги зарарли моддалар миқдорини камайтиришни кўйидаги ҳолатларда талаб қилишлари керак:

а) доимо сув ҳавзаларидаги сувларнинг органолептик ҳусусиятлари 1-, 2-, 3- иловаларда келтирилган кўрсаткичлардан юқори бўлганда;

б) сув ҳавзаларидаги сувларнинг таркибидаги кимёвий зарарли моддалар, илова № 23 да келтирилган гигиеник нормалардан ортиб кетса;

в) ифлосланган сув ҳавзаларида балиқларнинг ўлиш, қирилиши ҳолати кузатилганда.

5. Чиқинди сувларни очиқ сув ҳавзаларига ташлаш учун олиб бориладиган қидирув, текшириш ва сув намуналарини таҳлил қилиш ишлари ва чиқинди сувларни ташлаш, асослаш ва исботлаш учун олиб бориладиган лойиҳа ишлари сувдан фойдаланувчи ташкилотлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Шу «қоида»га асосан, ишлаб турган обьектларнинг бошлиқлари сувдан фойдаланишни бошқарув ва уни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан аниқ вақтни белгилаб сув ҳавзаларини ифлосланишдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ҳаммасини амалга оширишлари шарт.

5. «Қоида»ни бузганлик учун жавобгарлик

Шу «қоида»ни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида, яъни Ўзбекистон Республикасида «Табиатни

Хўжалик-ичимлик, маданий ҳордиқ чиқариш ва спорт мақсадаларида ва балиқ хўжалигига фойдаланишга мўлжалланган сув ҳавзалари сувининг норматив сифат кўрсаткичлари муҳофаза қилиш», Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунлар (1992 й.) ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси 1995 й. ва бошқалар асосида жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

6-жадвал

Аҳоли томонидан хўжалик-ичимлик ва маданий-маиший мақсадлар учун фойдаланиладиган сув ҳавзаларининг сувини таркибига ва хоссаларига умумий талаб

Сув ҳавзаларидаги сувнинг таркиби, хоссаларининг кўрсаткичлари	Фойдаланиладиган сув ҳавзаларининг категориялари	
	I	II
	Марказлашган ёки марказлашмаган хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш ва озиқ-саноат корхоналарида ишлатиш учун мўлжалланган сув ҳавзаси	Чўмилиш, спорт, аҳолининг дам олиши учун мўлжалланган сув ҳавзалари
1	2	3
Осиғлик моддалар (зараҷалар)	Осиғлик моддаларни сувдаги миқдори қўйидаги миқдордан ошмаслиги керак 0,25 мг/л	0,75 мг/л
	Агар, сув ҳавзалари суви таркибида табиий минерал моддалар миқдори 30 мг/л бўлса, осиғлик моддаларни миқдори 5% гача ошишига рұксат берилади. Оқар сувларда осиғлик моддаларнинг чўкиш тезлиги 0,4 мм/сек га ва сув омборларида эса 0,2 мм/сек teng бўлса, у ҳолда чиқинди сувларни уларга ташлаш таъқиқланади	
Сузиб юрувчи моддалар	Сув сатҳида оқиб, сузиб юрувчи минерал мой доғлари, пардалари ва қўшимча аралашмаларни тўпланишига рұксат берilmайди	
Ҳиди, мазаси	Сувни мазаси, ҳиди хлорланмасдан ёки хлорлашдан кейин 2 баллдан ошмаслиги керак. Сув унга ёт бўлган ҳид ва мазага эга бўлмаслиги керак	

Сув ранги, туси	Сув устунида кўринмаслик керак 20 см 10 см	
Сувнинг ҳарорати	Ез фаслида чиқинди сув ҳавзасига ташланса табиий сувни ўртача ойлик ҳароратидан 3°C гача ошиши мумкин	
Сувнинг минерал таркиби	Куруқ колдиқ бўйича 1000 мг/л дан ошмаслиги керак. Шу ҳисобда хлоридлар 350 мг/л, сульфатлар 500 мг/л бўлади	Сувнинг мазаси бўйича меъёри баллда аниқланилади
Сувдаги эриган оксиген	Соат 12 гача олинган сув намунасида қандай фасл бўлишига қарамай 4 мг/л дан кам бўлмаслиги керак	
Сувнинг оксигенга бўлган биохимик эҳтиёжи	20°C ҳароратда оксигенга эҳтиёжи 3 мг/л ортиқ бўлмаслиги керак	6 мг/л
Касалликни кўзғатувчи микроблар	Сувда касалликни кўзғатувчи микроблар бўлмаслиги керак. Агар чиқинди сувлар таркибida касаллик кўзғатувчи микроблар бўлса, у ҳолда улар заарсизлантирилиши шарт, бунда сув биологик йўл билан тозаланганда унинг коли индекси 1 литр сувда 1000 гача бўлиши мумкин, қолдиқ хлор эса 1,5 мг/л га тент бўлади	
Заҳарли моддалар	Сув ҳавзаларидағи моддалар одам организмига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган миқдорда бўлмаслиги шарт	

6. Аҳоли томонидан хўжалик ичимлик, майший-маданий мақсадлар учун фойдаланиладиган сув объектлари сувларида заҳарли моддаларнинг рухсат этилган миқдори

7-жадвал

№	Заарли моддаларнинг номи	Заарлигини кўрсатувчи лимит кўрсаткичи	Рухсат этилган миқдор, мг/л
1	Акрил кислота	Санитар-заҳарлилик	0,5
2	Анисол	бўйича	0,05
3	Анилин	.../...	0,1
4	Ацетофенон	.../...	0,1
5	Бензол	.../...	0,5

6	Акриламид	.../...	0,01
7	Алкилдеметиламин	.../...	0,2
8	Алюминий	.../...	0,5
9	Аммиак	Умумий санитар	2,0
10	Ампициллин	.../...	0,02
11	Анизидин	.../...	0,02
12	Ацетоксим	.../...	8,0
13	Ацетон	.../...	2,2
14	Барий	.../...	0,1
15	Оксил	.../...	0,02
16	Бензапирен	.../...	0,000006
17	Бензил пеницилин	.../...	0,02
18	Бензилхлористий	.../...	0,001
19	Бензол	.../...	0,5
20	Бензол сульфамид	.../...	6,0
21	Бериллий	Санитар заһарлилық	0,0002
22	Бор	бүйіча	0,5
23	Бром	.../...	0,2
24	Бутилхлористий	.../...	0,004
25	ВА-102 флокулянт	.../...	2,0
26	Винил ацетат	.../...	0,2
27	Висмут	.../...	0,1
28	Вольфрам	.../...	0,05
29	Гекса метилендиамин	.../...	0,01
30	Үротропин	.../...	0,5
31	Гексахлорбензол	.../...	0,05
32	Гидразин	.../...	0,01
33	Глифтөр	.../...	0,006
34	ДДБ	.../...	0,4
35	Дибром пропан	.../...	0,1
36	Дибутиламин	.../...	1,0
37	Циодрин	.../...	0,06
38	Дифеномид	.../...	1,2
39	Сайфос	.../...	0,1

40	Карбофос	.../...	0,05
42	ДДВор	.../...	1,0
41	Бромофос	Органолептик курсатгич бўйича	0,01
43	Метилацетофос	.../...	0,03
44	Ротор	.../...	0,03
45	Кильвал	.../...	0,3
46	Байтекс	.../...	0,001
47	Метилнитрофос	.../...	0,25
48	Антио	.../...	0,004
49	Метафос	.../...	0,02
50	Дактал	.../...	1,0
51	Диметил фенил карбинал	.../...	0,05
52	Динитроэтилен- гликол	.../...	1,0
53	2,4 динитротолуол	.../...	,5
54	2,4 динитровенол	.../...	0,03
55	Динитрохлорбензол	.../...	0,5
56	Антирофен	Органолептик курсатгич бўйича	0,06

Эслатма: Иловаларда келтирилган далиллар, яъни сув ҳавзаларининг
суви учун ишлаб чиқилган рухсат этиладиган меъёрлар 1500 дан ортиқ
кимёвий моддалар учун собиқ Иттифоқ ҳудудларида жойлашган турли
гирина соҳасидаги кафедралар, илмий текшириш институтларида олиб
борилган илмий ишлар натижасида аниқланган.

Бу меъёрлар собиқ Иттифоқ соғлиқни сақлаш вазирлиги
томонидан тасдиқланган қоида ва нормаларда, Ўзбекистон Соғлиқни
сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган хужжатларда
келтирилган.

Жумладан:

1) Предельнодопустимью концентрации (ПДК) и
ориентировочные безопасные уровни воздействия (ОБУВ) вредных
веществ в воде водных объектов хозяйственно питьевого и
культурно-бытового водопользования. Москва, 1983.г., МЗССР.

2) Правила охраны: поверхностных вод от загрязнения сточными водами. Москва, 1975. — МэСССР. Министерство рыбного хозяйства, Министерство мелиорации и водного хозяйства СССР и другие.

3) ГОСТ вода питьевая гигиенические требования и контрол за качеством. О'з DST950:2000 г. Ташкент.

4) Источники централизованного хозяйственнопитьевого водоснабжения (гигиенические и технические требования и правила выбора) О'з DST951: 2000. г.Ташкент.

VII боб. Атмосфера ҳавоси экогигиенаси ва инсон

Атмосфера ҳавоси. Ерни ўраб олган газли қатлам, бу табийи омиллардан бири. Инсон ва тирик жонлар яшаш мұхитининг энг асосий компонентларидан ҳисобланиб, у организмга физик омил сифатида таъсир күрсатади (яғни, атмосфера босими, ҳарорати, намлиги, ҳаво ҳаракат тезлиги, уни электрик ҳолати). Булардан ташқари, атмосфера ҳавоси ўзининг кимёвий таркиби билан ҳам таъсир күрсатади.

Инсонни овқатдан чекласангиз у 70 кунгача яшаши мүмкин, сувдан чекласангиз 3—7 кун, ҳаводан чекласангиз бир-икки минутда ҳаётдан күз юмади. Маълум бўлишича инсон организмидаги ҳавонинг захираси йўқ, шунинг учун ҳам организмга ҳаво кирмаса, у жуда тез ўла бошлади.

Атмосфера ҳавоси инсонга доимо ўз таъсирини күрсатади, шунингдек, инсоннинг ўзи ҳам ҳавога таъсир этиб, унинг кимёвий ва бошқа таркибларини ҳам ўзгартириб юборади. Маълумотларга қараганда, ер устидаги ҳаво қатлами юқорига қараб 1500—2000 км.гача тарқалган. У қуёшнинг иссиқлик нурини ўтказиб, ерни иситади, сўнгра ўзининг ҳам иссиқлик ҳарорати орта боради. Атмосфера ҳавосига буғлар сифатида ер, ўсимлик, денгиз, океан, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларидан кўтарилиган намликлар охир пировардида турли физик ва кимёвий ўзгариш таъсирида ёғин сифатида ер юзига, ўсимликлар, денгиз ва океанлар ва бошқалар юзасига ёмғир, қор, дўл бўлиб ёғилади. У модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўлган ҳар хил газларни қабул қўйувчи катта ҳавза — «бўшлиқ». Атмосфера ҳавоси, унинг кимёвий физик хусусиятлари билан дунёвий модда алмашиниш жараёнларида қатнашади, тирик жонлар организмидаги кечадиган физиологик, биокимёвий жараёнларга таъсир күрсатади. Ўз-ўзидан маълум бўладики, атмосфера ҳавосидаги ҳар қандай ўзгаришлар тирик жонларга, айниқса, инсон организмига ўз таъсирини кўрсатади ва соглиқни издан чиқаради. Ф.Ф.Эрисман фикрича, атмосфера ҳавоси умумий мұхит бўлиб, инсон у билан доимо бевосита kontaktda бўлади, унинг кимёвий, физик ва биологик ўзгариши организмда кетаётган жараёнларни енгиллик билан ўзгартириб юбориши

мумкин, доимийлик билан кечәётган биохимик жараёнлар мувозанатини бузиб қўйиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инсонни меҳнат қобилиятига, ҳаётий, физиологик жараёнларига, унинг умрини қисқартиришга ёки узайтиришга ва умумий сиҳат ва саломатлигига таъсир кўрсатади.

Ифлосланмаган табиий атмосфера ҳавосининг кимёвий таркибий қисми қўйидагича: азот — 78,084%, оксиген — 20,947%, аргон — 0,934, карбонат ангидриди — 0,0314, неон — 0,0018, гидроген — 0,00005, метан — 0,002, сульфит ангидриди — 0 дан 0,0001%гача.

Атмосфера ҳавосининг гигиеник аҳамияти шундаки, у тирик жонларни, дунёвий модда алмашиниш жараёнларини, табиатда кечадиган бошқа биохимик, физиолитик жараёнларни оксиген билан таъминлайди. Шулар билан бир қаторда, ҳавонинг кимёвий, биологик моддалар билан ифлосланиши инсон ва ҳайвонларни заҳарлаб қўйиши, юқумли касалликларни тарқатувчи омилга айланиши аниқ. Абу али Ибн Сино IX—Х асрлардаёқ шундай деган эди, «агар ҳавода губор бўлмаса, одамларнинг умри анчага чўзилган бўлар эди». Атмосфера ҳавосининг экогигиена муаммолари, ер куррасида яшаб, меҳнат ва ижод қилаётган аҳолини ҳамда ҳайвонот дунёсини тоза ҳаво билан таъминлашдир. Маълумки, инсон тинч турган вақтида 1 минут давомида 89 литр, бир соатда 500 литр ва бир суткада 12000 литр ҳавони истеъмол қиласи, бошқача қилиб айтганда 15 кг ҳавони ўпка орқали ўтказади. Инсон жисмоний ҳаракат қилса, оғир меҳнат билан шуғулланса оксиген истеъмоли ўн баробар ортади. Одатда, инсон асосан оксиген истеъмол қиласи. Холденнинг фикрича, инсон тинч ётган ҳолатда 24 соат давомида 341 литр оксиген истеъмол қиласи, агар соатига 8 км тезликда юрса 366 литр ёки 5 кг оксиген олади. Бу нормаларни инсон томонидан олиниши албатта керак, овқат ва сув нормасини камайтириш мумкин, аммо оксигенни бу нормаларини камайиши соғлиқ учун ва ҳаёт учун жуда хавфлидир. Организмга ҳаво етишимаса, уни ҳимоя қилувчи механизмлари йўқдир. Организм тоза ҳавода шаклланади, шунинг учун ҳам уни тоза ҳаво сифатида нисбатан талаби жуда юқоридир. Ҳавонинг сифати деганда бу ҳавони бир қанча хусусиятларини бирлиги бўлиб, ҳаво муҳитида инсонни нормал яшашига имкон яратиши деб тушунмоқ керак. Бу хусусиятлар кимёвий таркиб, ҳарорат, босим, ҳавонинг ҳаракат тезлиги, ҳавонинг электрик ва ионлашган ҳолатидир.

Шундай қилиб, ҳавонинг кимёвий таркиби ва физикавий хусусиятлари инсонни шу мұхитда нормал яшашина таъминлаши, бунда организмдаги ҳәёттій, физиологик жараёнларни меъерда таъминлаши, касаллуклар қелиб чиқармаслиги керак.


Денгиз сатхига нисбатан жойларнинг баландлиги ёки пастлиги ҳаво босимда ўзгаришлар қақыриши мүмкін, яғни босим ёки ошиши, ёки пастроқ бўлиши кузатилади. Бундай ҳолат инсоннинг иш қилиш ва ҳәёттій фаолиятларига салбий таъсир кўрсатиши мүмкін.

Атмосфера ҳавосининг экологик ва гигиеник томондан бузилиши, кўп жиҳатдан инсоннинг антропоген фаолиятига ва баъзи бир ҳолатларда, табиатдаги табиий ўзгаришларга жуда ҳам боғлиқлиги бор. Шуни айтиш зарурки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳеч қачон бир хил бўлмайди, таъсир этиш томонидан ҳам турличадир. Заарли омиллар кўпинча қаттиқ заррачалар, пар ҳолатда, томчилар ва газ ҳолатда кузатилади; жумладан, қаттиқ ҳолатда чанг, қурум, ёниб улгурмаган кўмир заарчалари; газлардан, карбонат ангидриди, олтингугуртли газлар, гидроген сульфит, сероуглерод, азот оксид, хлор; суюқ ёки пар ҳолатда, сульфат, азот, нордон кислоталари парлари, шунингдек, смолали бирикмалар ва бошқалар.

Атмосфера ҳавосига ўта заҳарли моддалардан, масалан, қўрошин, маргумуш, симоб, фенол, фтор, марганец ва бошқалар тушиши мүмкін.

Атмосфера ҳавосидаги ифлосланишлар, кўпинча аэродисперс ва газ ҳолатларида бўлади. Аэродисперс бу система бўлиб, у майдаланиб юборилган қаттиқ ёки суюқлик ҳолатидаги фаза, у атмосферанинг газли мұхитида тарқалган.

2-схема



Турли манбалардан ҳавога тушадиган моддаларнинг ҳар хил катталиқдаги заррачалари атмосфера ҳавосида доимо бўлган. Жумладан, табиий ифлосланиш оқибатида атмосферага тушадиган

моддаларнинг миқдори, бир йилига $2,200 \times 10^6$ тоннага етади, зарарчаларни катта-кичиклиги 20 мкм, ҳавонинг сунъий ифлосланишлари инсоннинг антропоген фаолиятининг натижаси бўлиб, чанг заррачаларининг миқдори йилига 415×206 тоннага етади.

Чангларнинг дисперслик даражаси кўп жиҳатдан уларнинг физик-механик ва кимёвий хусусиятларини аниқлаб беради, яъни учувчанлиги, эрувчанлиги, кимёвий активлиги электрланганигини ва оптик ҳолатини белгилайди.

Инсон организми учун катта аҳамият касб этадиган томони чангларнинг диаметри (катталиги) ҳисобланади. Чанг қанча майда бўлса, шунча кўпроқ ўпкага нафас билан кириб унинг алвеолаларигача етиб боради, йириклари нафас йўлини юқори қисмida қолиб кетади. Чанг ўзининг дисперс ҳолатига қараб қатор ўзига хос ҳолатларни келтириб чиқаради, жумладан:

1. Чанг заррачаларининг атмосфера ҳавосида осиғлиқ ҳолатда ушланиб қолиши ёки ҳавонинг пастки қаватига, ҳаттоки ер юзасига тушиб бориши кўп жиҳатдан унинг диаметрини катта ёки кичикилигига тўғридан тўғи боғлиқдир. Катта диаметрли зарарчалар ўзларининг оғирлигига қараб, тезлик билан ер томон ҳаракатда бўлади ва ер юзасига чўқади. Энг кичик диаметрли майда зарарчалар ҳавода осиғлиқ ҳолатда Браун ҳаракатида бўлади. Ҳар бир чанг заррачасига таъсир этувчи куч икки хил: бири заррачанинг оғирлик кучи, иккинчиси заррачаларнинг бир-бирига ишқаланиш кучи. Агар 10 мкм катталиктаги заррачанинг оғирлик кучи кўпроқ бўлса, заррача пастга, ер томон тез ҳаракат билан тушиб кетади. Агар, оғирлик кучи, ишқаланиш кучига тенг келса, унда заррачалар (100,1 мкм) доимий тезлик билан чўқадилар, 0,1 мкмдан кичик бўлган чанг заррачалари дисперс системадан чиқмай, доимий браун ҳаракатида бўлади.

2. Чанглар ўпкага ҳаво йўли билан кириб чегараланган ҳолатда узоқ вақт таъсир кўрсатади. Чанглар, ўпканинг альвеолаларидан, тўқималаридан анча вақтгача ушланиб қолиб, миқдори кўпаяверади, таъсири кучаяверади. Масалан, автомобилларни дудбуронларидан ташқарига чиқариладиган тутунлар таркибидаги кўргошинни 98% ҳаво билан аралашади, кўргошиннинг 40% зарарчаларининг диаметри 5 мкм. Бу заррачалар тўғридан-тўғри ўпкага тушади ва қонга ўтиб суюк тўқималаридан тўпланиб, гемопоэзга салбий таъсирини кўрсатади.

3. Ўпканинг юзаси катта бўлгани учун, уларда заҳарли моддалар шимилиб ва бошқа моддалар билан қўшилиб (газлар, парлар, аэ-

розоллар) комплекс кимёвий моддаларни ҳосил қилиш мумкин. Аэродисперслар радиоактив моддаларни ҳам шимиб ўз зичлилигини оширади, радиоактивлиги ошиб бораверади.

4. Улардан ташқари аэродисперслар ўзларида канцероген ва радиоактив моддаларни ташиб юрадилар, ҳозирда 400 га яқин канцероген моддалар, асосан 3,4 бензипирен, 1,2,5,6 дibenзантроцен ва бошқалар аэродисперслар таркибида топилган. Шаҳар ахолисининг ўзи бир йилда 200 мкг бензипиренни ўпкаси орқали организмга ўтказади, чекиш орқали қўшимча 150 мкг организмга киради.

5. Аэродисперслар ахоли турар жойларининг иқлимини ҳам ўзгартириб юборади. Аэрозоллар билан туманлар ўргасида тўғридан-тўғри боғланишлар бор. Туманлар кейинги йилларда кўпроқ тош-кўмир ёқиш оқибатида юзага келмоқда. 1970—71 йилларда Лас Вегасда (АҚШ) 106 кун давомида 800 соат туманли кунлар бўлган, яъни шунча вақт иқлим ўзгариб турган. 1991 йилда бўлган Ироқ урушида нефт қудуқларидаги нефт ва газ ёниб, унинг оқибатида жуда кўп ойлар давомида осмонда тутунлар концентрацияси шу даражада ўзгарганки, ҳатто қўшни давлатлар территориясида ҳам унинг салбий оқибатлари сезилган.

Чанг заррачалари доимо 82—99% ҳолатда ўзида плюс мусбат ёки минус электр зарядига эгадир. Электрозарядлар бирдан бир неча ўнлаб зарядга эга. Чанг заррачалари майдаланган хомашёдан ажralиб чиқса, унда зарядлар сони кўп бўлар экан. Шундай тахминлар борки, зарядларга эга бўлган заррачалар нафас йўлларида 28 баробар кўпроқ ушланиб қолади.

Чангларнинг кимёвий таркиби уларнинг физик хусусиятларини, яъни биологик активлигини, фиброгенлилигини, аллерген ва қитиқловчи хусусиятларини аниқлайди. Буларнинг ичida энг агрессив хусусиятлиги фиброген моддаси, эркин диоксид силиций, у ўпкани фиброзини чақириши мумкин. Диоксид силиций нафас йўлларини шилиқ қаватларида эриб силиций кислотасини ҳосил қиласди, у эса, протоглазмани заҳари ҳисобланади, ҳужайраларни функциясини ўлдиради ва некрозга олиб боради. Аллергик хоссага эга бўлган чанглар бронхиал астма касалини чақиради. Бу касалтикни каноп, пахта, ун, сомон, мевалар, хром, ипак ва жуннинг чанг заррачалари чақиради.

Атмосфера ҳавосида кул, SO₂, ва қурум кўпинча тошкўмир ёқилганда пайдо бўлади, буларнинг концентрацияси кўпинча кўмирнинг сифатига, кўмир ёқиладиган ўchoқقا, уларни

эксплуатация қилиш режимига боғлиқ. Тошкўмир ёқилганда пайдо бўладиган тутуннинг асосий компоненти кул, унинг миқдори кўмири кулилига боғлиқ.

Мисол, бир тонна тошкўмир ёқилганда атмосфера ҳавосига 120 кг кул ва SO_2 гази тушади. Тутун таркибида яна ёниб улгурмаган моддалар ҳам мавжуддир булар кўмири заррачалариридир, қурум эса, смолали моддаларнинг учувчи маҳсулотидир.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини маълум даражада шарт-шароитлар аниқлайди.

1. *Атмосфера ҳавосига ташланадиган чиқиндишларнинг миқдори унинг ифлосланиши даражасини аниқлайди.* Бу миқдор, маълум даражада чиқиндишларнинг қанча вақт давомида ташланишига боғлиқ, аммо бу ҳолатта бошқа факторлар ҳам актив таъсир кўрсатади. Жумладан: кун исиб кетган вақтда одатда ҳавонинг ифлосланиши камроқ, чунки дудбуронлардан чиқадиган чанглар, тутунлар атмосферанинг юқори томонига интилади, қиш кунлари, аксинча, пастга, ер юзасининг яқин қисмига тарқалиб соғлиққа ҳавф туғдиради. Ундан ташқари шаҳарларни ободонлашгани, яъни йўлларнинг асфалтлангани, дарахтзорларнинг кўплиги, кўкаламзорлаштириш, ирригация шохобчаларини ривожи шаҳар атмосферасига ижобий таъсир кўрсатади.

Аммо, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси саноат корхоналарининг катта-кичиклиги, тозалаш иншоотларининг натижали ишлашига, корхоналарда ишлатиладиган хомашёнинг агрерат ҳолатига ва бошқа омилларга жуда боғлиқ. Масалан, ҳавон тозалаш коэффициентини 99,8% дан 99,2% тушиб қолиши ҳавога ташланадиган чиқиндишларни 4 баробарга ошириб юборади. Булардан ташқари ёқиладиган хомашёни кимёвий таркиби жуда боғлиқ, айниқса, минерал таркиби аҳволни жуда ўзгартириб юбориши мумкин. Ангрен кўмири 45—50% минерал таркибга эга, Кизелев кўмири олтингугуртли минерал таркибга эга, Донецк кўмири кўп кулли ва ҳоказо.

2. *Ҳавонинг ифлосланишига, ҳаво ҳаракатининг йўналиши ва унинг тезлиги катта таъсир кўрсатади.* Ҳаво ҳаракати йўналишининг ўзгариши ва тезлиги аҳоли тураржой территориясини умуман ифлосланишдан холи этиши мумкин, аксинча бўлса территория ҳавосини кучли ифлосланишига олиб бориши ҳам мумкин.

Маҳаллий ҳолатни баҳолаш учун тутунланишнинг тик йўналишини юқори қисми ифлослантирувчи манбани яққол

күрсатиб беради. Бир хил миқдордаги ифлосланишларни ҳавонинг ҳаракат йўналиши ўзгаририб юбориши мумкин.

Юқорида зикр қилинганлардан ташқари, ҳавони манбадан ифлосланиши ҳаво ҳароратига ҳам боғлиқлиги аниқланган.

Шунинг учун ҳам фаслларга қараб ҳавони ифлосланиш даражаси ўзгариб боради. Ифлосланишни энг юқори концентрацияси ҳавони қаттиқ совуклигига қишики инверсия жараёнида аниқланади. Бу жараён ер юзасининг қаттиқ совуши оқибатида иссиқлик радиация йўли билан йўқотилиши натижасидир.

3. Ҳарорат градиенти бир сутка давомида ўзгариб туриши мумкин. Қиши кунлари очиқ ва қуруқ ҳавода ернинг нур тарқатиши, жуда совиб кетиши нечоғлик инверсияни келтириб чиқаради, айниқса, эрталабки совук анча қаттиқ бўлиб ер юзасига яқин ҳавони ифлосланиш даражасини ортиб кетишига сабаб бўлади. Юқори намли ва булутли ҳавода инверсия жараёни кузатилмайди.

Водийларда, тоғ оралигига саноат корхоналарини жойлаштириш атмосфера ҳавосининг ифлосланишини кучайтиради. Чунки тоғларнинг юқори қисмидаги совуклик инверсия жараёни ёрдамида водийга йўналади. Шунинг учун ҳам водийларда саноат корхоналарини жойлаштиришга рұксат берилмайди.

4. Ҳаво намлигининг унинг ифлосланишига таъсири. Ҳаводаги тутун концентрацияси билан ҳаво намлиги ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш борлиги аниқ. Ҳавони ифлослантирувчи заррачалар сув буғлари билан ўзаро бирикиб оғирлашадилар ва ҳавонинг пастки қисмига силжик, ҳавонинг кучлироқ ифлосланишига сабаб бўлади.

5. Ҳавонинг ифлосланишига ифлослантирувчи манбанинг узоқ ва яқинлигининг таъсири. Тутун заррачаларини атмосфера ҳавосида суюлиб кетиши, тўғридан-тўғри манбани яқин ёки узоқлигига ҳамда уларнинг сонига жуда боғлиқдир. Аҳоли турар жойларни ифлослантирувчи манбалардан қанчалик узоқда жойлашса ҳавонинг ифлосланиши шунча камроқ бўлади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига метеорология омилларини таъсири анча сезиларли бўлади. Жумладан, атмосфера ҳавосининг ҳаракат тезлиги, уни йўналиши ифлосланишни турли концентрациясини вужудга келтиради. Ҳаво ҳаракати горизонтал, вертикал ва айланма, гирдобли бўлиши мумкин.

Конуссимон ҳаво оқими ҳарорат градиентининг қучсиз ҳолатида ва ҳаво булутли, шабадали намроқ бўлиб турганда билинади. Ярим доира ҳаво оқими дудбурондан узоқлашгани сари кенгайиб, катта

худуд ҳавосини ифлослантириши мумкин. Аммо ифлосланиш даражаси анча пастроқ бўлади, чунки шабада ифлосланишларни узокроқ масофага олиб кетади ҳамда бошлангич миқдордаги заарли омиллар суюлиб концентрацияси камайиб кетади.

Экологик ва гигиеник нуқтаи назардан энг ноxуш ҳолат бу заарли омилларни мўрилардан бурқсиб чиқишиди. Бундай оқим заарли омилларнинг ер юзасига яқинлаштириб, тупроқ ва ўсимликларни булғайди. Бундай ҳолатларни бир неча кун кузатилиши аҳолининг саломатлигига анча зарар беради. Шамол тезлигининг юқори ёки пастроқ бўлиши ҳавонинг ифлосланиш даражаси салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Масалан, А.П.Шицкованинг маълумотига қараганда, шамол тезлиги секундига икки метрга камайиши, ҳаводаги бирикмаларни ерга яқинлашишини олдини олиб, ҳаво ифлосланишини икки марта камайишига олиб келади. Шамол ҳаракатини Ўрта Осиё шароитларида кўпинча «0»га тенг бўлиши, ёз ойларида жуда катта ифлосланишларга олиб келади.

Айниқса, ҳавони ифлослантирувчи обьектлар аҳоли турар жойларга нисбатан яқин бўлса, ҳавони кимёвий таркиби ёмоналашиб, одамларни саломатлигига путур етказади. Айниқса, ҳавони булғатувчи моддалар, заарли омилларнинг заҳарлилик даражаси юқори бўлса, инсонлар, айниқса, ёшлар, қарияларнинг нафас йўли орқали кирган моддаларга сезигирлиги баланд бўлади ва заҳарланиши ўнғайлашади.

Атмосфера ҳавосидаги заарли моддаларнинг тарқалишига шаҳарларнинг режалаштирилишининг таъсири жуда катта. Бизга маълумки, күёшнинг нури, намлик, қуруқлик, шамол режими ва ҳарорат катта урбанлашган шаҳарларда анчагина ўзгариш пайдо қилмоқда. Негаки, катта территорияларнинг асфалтланиши, темирбетонли уйларнинг ҳар қадамда пайдо бўлиши, автомобил транспортининг, троллейбус, автобусларнинг кўпайиши, бир томондан, уларнинг дудбуронларидан чиқаётган турли хил заҳарли моддалар, иккинчи томондан, катта корхоналардан дудбуронлар ёрдамида ҳавога ташланаётган қурум, тутун, кимёвий заҳарли моддалар миқдорини тобора орттирмоқда. Баланд ва зич жойлашган бинолар аэрация жараёнларини анчагина пасайтиришга олиб бормоқда.

Шаҳарлар, қандайdir ҳароратни тарқатувчи оролга ўхшаб бормоқда, натижада кичик ҳудудларда пастдан юқорига кўтаришувчи ёки юқоридан пастга интилевчи ҳаво оқими пайдо бўлиб, шаҳар

минтақаларида ҳавони турлича ифлосланиши кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам дудбурон мўрилар баланд қилиб ва юқорига тик узун қилиб қурилиши натижасида тутун машъали кўндаланг кесимининг катталашуви ва унинг асосий ифлосланишни вужудга келтирувчи чизиқдан узоқланиши ҳаводаги ифлосланиш концентрациясини камайишга олиб келади. Баланд қилиб қурилган дудбурон мўрилари ер юзига яқин бўлган ҳавони ифлосланишини камайтириши билан бирга унинг тугун босими минтақасини ўзгартиради ҳамда тутун билан булғаниш радиусини ошириб юборади. Бунда энг юқори даражадаги ифлосланиш мўрининг 20—40 баробар узунилигига тенг масофадаги атмосфера ҳавосида кузатилади.

Атмосфера ҳавосини m^3 , см^3 , литридаги ифлосланиш даражаси албатта ҳаво ҳавзасига чиқарилиб ташланаётган чиқиндиilar миқдорига жуда боғлиқdir. Чиқинди моддалар кг, г ва $\text{мг}/\text{м}^3$ лар билан ифодаланади ва маълум вақт билан белгиланади. Шуни айтиш лозимки, атмосфера ҳавосига ташланадиган чиқиндиilarning миқдорига мазкур корхонадаги тозалаш иншоотларининг самарали ишлаши маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, тозалаш иншоотларининг тозалаш жараёнларининг самарадорлиги пасайиши чиқинди миқдорининг тўрт баробар ошиб кетишига олиб келиши тўғрисида юқорида зикр қилинган эди.

Шунинг учун ҳам санитария врачлари, экологлар саноат корхоналарининг технологик жараёнларини тегишли лойиҳалар ёрдамида ёки бевосита ўрганиб, ташқи муҳитга ташланадиган чиқиндиilarning умумий миқдорини ҳамда чиқиндиilar таркибидаги заарли моддаларнинг аниқ концентрациясини билиши, чиқиндиilarга гигиеник нуқтаи назардан аниқ баҳо бериш, пировардида шу заарли чиқиндиilar атмосфера ҳавосига ташланмаслиги ёки мухандис техниклар билан кўмаклашиб, уларнинг янги, самарали тозалаш усулларини ишлаб чиқиши чораларини кўришлари керак бўлади.

1. Ҳавонинг ифлосланиши нималарга олиб келади?

Ҳавонинг меъеридан кўпроқ ифлосланиши унинг санитария, гигиеник ва экологик кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келади. Жумладан, ҳавода бўладиган туманларни кўпроқ қайтарилишига, узоқ масофаларнинг кўриниши пасайишига, ультрабинафша радиацияси ер юзасига тушишини камайтиришга, ҳавони тиниқлитигининг пасайишига, аҳолининг санитария хўжалик шароитига, уй-жой ва биноларнинг ифлосланишига олиб келади.

ҳавонинг турли заҳарли газлар билан ифлосланиши ўсимлик дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, уларни ҳавони табиий тозаланиш жараёнини бузади. Ҳавонинг ифлосланиши аҳоли ўртасида анемия, сурункали бронхит, аллергия касалликларини келтириб чиқаради. Заарли омиллар канцероген, мутаген, эмбриотоксик ва бошқа таъсирларни кўрсатади. Жумладан, шаҳар шароитида туманларнинг кўп қайтарилиши, кўча ҳаракатига зарар беради, кўчада одамлар ўртасида жароҳатларни, аварияларни кўпайтиради. Ҳаво ҳарорати паст бўлганда туманлар организмнинг тез совушига, танада иссиқлик реакциясининг бузилишига, кайфиятнинг ўзгаришига, лоҳасликка ёки узоқни кўриш реакциясининг пасайишига олиб боради. Ҳавода чанг заррачалари концентрацияси $0,03 \text{ мг}/\text{м}^3$ га етиши кўришни 4 баробар камайтиради. Атмосфера ҳавосидаги чанг ортиб бораверса, қуёш нурининг ерга тўғри тушишини, айниқса, ёйлиб тушиш даражасини пасайтириб юборади, оқибатда ёруғлик 40—50% камайиб кетади (М.П. Захарченко ва бошқалар).

Санкт-Петербургда атмосфера ҳавосини тутун билан ифлосланиши қуёш нурини 20% камайтиради. Чанг ва қурум уй хоналарига ҳаво билан кириб, уларни ифлослантиради. Оқибатда аҳолининг ойна ромларини берк тутипшини тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам ойналарни ёруғлик ўтказиш хусусияти пасайиб кетади. Олтингутуртли бирикмалар ҳаво намлиги билан ўзаро реакцияга кириб бино деворларининг емирилишига олиб келади.

Электростанция, кимё, металлургия, цемент заводлари, рангли металлар ишлаб чиқувчи корхоналар атрофида жойлашган мевали дарахтлар касалланади, ўрмонлар, қишлоқ хўжалик ўсимликлари курий бошлайди. Катта саноат корхоналарининг ифлосликлари ҳаво билан 15—20—25 км гача тарқалиши мумкин. Олтингутурт гази, заҳарли моддалар фотосинтез жараёнларига, ўсимлик ҳужайраси протоглазмасига салбий таъсир кўрсатиб, физиологик жараёнларни сусайтириб дарахтларнинг қуриб қолишига сабаб бўлади. Чанг, қурум, ўсимлик баргларидаги тешикларини беркитиб қўяди. Нафас олиш тешиклари улар билан тўлиб, қуёш нурини хлорофил моддасига стиб боришини тўхтатади. Масалан, адабий манбаларда келтирилишича, SO_2 ҳайвонларга нисбатан ўсимликка 25 баробар кучлироқ таъсир кўрсатар экан, аммиак эса 2,0, окисли азот 1,5 ва фармальдегид 2 баробар кучлироқ таъсир кўрсатади. Илмий манбалардаги далилларга қараганда инсоннинг антропоген фаолияти натижасида атмосфера ҳавосига ташланадиган диоксид карбоннинг

микдори 25 млрд. тоннага, ис гази 200 млн. тоннага, SO_2 200 млн. тоннага етди, 50 млрд. тоннадан күпроқ ҳар хил карбон сув бирикмалари ҳам ҳавога ташланмоқда.

Ёқилғиларнинг ёнишидан пайдо бўладиган карбон сувлар 15%ни, азот оксиди 60%ни, SO_2 80%ни, чанг 26%ни ташкил қиласди.

Ҳар бир енгил автомобиль бир соат юриши давомида 3 m^3 , катта оғир автомобиллар 6 m^3 ва ундан ортиқ СОни атмосферага ташлайди. Жаҳон мамлакатларидаги автомобиллар, ҳозирда ҳар йили атмосферага 200 млн. тоннага яқин CO, 40 млн. тонна карбон сув бирикмалари, 20 млн. тонна азот оксидини ташлайди. Автомобил машиналари атмосферани кўргошин билан ифлослантиради. АҚШни магистрал катта кўчалари яқинида яшаётган болалар қонида 40—60 мкг кўргошин топилган.

Ҳозирда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқувчи электростанциялар ҳар йили 100—120 млн. тонна кулни, 60 млн. тонна SO_2 газини атмосферага ташлайди.

АҚШ олимларининг далилларига қараганда, атмосферанинг ифлосланиши натижасида биноларга етказилган зарар 1959 й. 0,2 млрд., 1964 й. 11 млрд., 1965 й. 12 млрд., 1970 й. 16 млрд., 1977 й. 24,9 млрд. долларни ташкил қиласди. Англияда биноларга етказилган зарар 1980 й. 252 млн. фунт стерлинг, 1985 й. 350 млн. фунт стерлинга, Францияда 24 млрд. франкка, Италияда (1985 й.) 158 млрд. лирали зарар етказган. Япониядаги етказилган зарар 23 млрд. долларга етган.

Шундай қилиб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши факат инсонни, ҳайвонот дунёсини ва ўсимликларни заарлаб қолмай, балки турли биноларнинг кўпчилигига зарар бериб, уларнинг деворлари емирилишга, металларини каррозияга олиб келади. Инсонларнинг соғлиғи тўғрисида гапирсак, ҳар ҳолда атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан кўрилган зарар, ҳар бир кишига 15 доллардан 150 доллар микдорида тўғри келар экан.

Ҳозирги вақтда инсонлар жуда кўп заҳарли омиллар билан бевосита kontaktda бўлади. Айниқса, моддаларнинг ўпка орқали организм билан тўқнашиши катта хавф туғдиради. Жумладан, ҳисоб-китоб шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир киши тинч турганда бир суткада 12000 литр ҳавони ўпка орқали олар экан, модомики зарарли омилнинг ҳаводаги концентрацияси 1 мг/л бўлганда, организмга тушадиган модда микдори 12 грга тент, одатда 80% касб касалликлари, 60% юқумли касалликлар ҳаво йўли билан

организмда пайдо бўлиши аниқланган. Конга ўпка орқали ўтадиган заарли омиллар миқдорининг ошиши ва организмни тезроқ заҳарлайди, чунки, жуда кўп моддалар қонда яхши эрийди. Ўпка орқали қонга ўтган заҳарли омиллар тезроқ катта қон айланиш системасига ўтиб кетади ва бош мияга, юрак мушакларига ва жигарга бориб етади.

Олимларнинг келтирган далилларига қараганда, ўпка орқали қонга ўтган заҳарлар 80—100 баробар кучлироқ организмга таъсир кўрсата олади. Ошқозон ичак орқали организмга тушган заҳар ўпка орқали кирган заҳардан кўра 50—60 баробар кучсизроқ таъсир кўрсатади.

Кизиги шундаки, ҳаво йўли билан организмга кирадиган заҳарли моддаларни заҳарлигини олдини олиш анча қийинидир. Ҳаво билан организмга кирадиган заҳарлар ёш, қари, касал, соғ организмни ҳаммасини заарлайди. Чунки, ҳамма баб-баробар нафас олади. Ҳаво орқали нафас йўллари билан узоқ вақтларгача сурункали заҳарланиш мумкин. Гигиенистлар, экологлар бу ҳолатта доимо эътибор билан қарашлари тақозо қилинади.

2. Рухсат этилган миқдор (РЭМ)

Касаликларнинг, заҳарланишнинг олдини олишдаги энг долзарб вазифа заҳарли моддаларнинг қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг рухсат этилган миқдори ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Шундагина, атмосфера ҳавосига таққослаш йўли билан гигиеник баҳо бериш мумкин. Энг асосийси, рухсат этилган миқдор ёрдамида аҳолининг соғлигини сақлаш мақсадида турли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга татбиқ қилиш мумкин бўлади. Жумладан: тозалаш иншоотларини энг натижга берадиганини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш, ҳимоя минтақаларини ишлаб чиқиш (аҳоли турар жойлари билан ифлослантирувчи манбалар оралиғидаги ҳимоя масофалари), узун — 180—220 метрли дудбуронлар куриш, автомобилларни дудбуронларига нейтрализатор фильтрлар ўрнатиш, ҳавони табиий йўл билан тозалайдиган дараҳтларни кўпроқ экиш, режалаштириш ишларини илмий асосда амалга ошириш ва ҳоказолар.

Демак, рухсат этилган миқдор (норматив ҳужжат) атмосфера ҳавосини ўта ифлосланишдан асрайдиган йўлдан биридир. Аммо, рухсат этилган миқдор ҳар бир заарли модда учун ишлаб чиқилади,

ваҳолонки атмосфера ҳавосида заарли омилларни бир эмас, бир нечаси учраши мумкин. Улар организмни биргалиқда бир-бирини зақарлilik кучини ошириб таъсир күрсатиши мумкин. Бу муаммолар ҳали тұла-тұқис ўрганилган эмас. Бунинг устига РЭМ ҳайвонларда тажриба йўли билан аниқланилади, бундай далилларни одамлар учун татбиқ этиш тұғримикин? Бу борада анчагина саволлар пайдо бўлади. Аммо санитария ва экология нуқтаи назаридан РЭМ назорат олиб бориш учун зарур бўлган күрсаткичdir. Масалан, Россия давлатида РЭМ қонун сифатида қабул қилиниб, Давлат аҳамиятига эга бўлган чора-тадбирдир.

РЭМни ишлаб чиқишида қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

1. Рухсат этилган миқдор атмосфера ҳавоси билан инсон организмига кирганды ҳеч қандай асорат бермаслиги керак, яъни бевосита ёки билвосита салбий таъсир күрсатмаслиги, иш қобилиятини камайтирмаслиги, кишини кайфиятини бузмаслиги керак;

2. РЭМга нисбатан организмда ўрганиш ҳолатлари рўй берса, бундай ҳолат ёқимсиз деб ҳисобланади ва бундай моддаларни ишлаб чиқиш ёки унга РЭМни аниқлаш тақиқланади.

3. РЭМ ўзини салбий таъсирини ўсимлик ва тирик жонли организмларга, ҳавони тиниқлигига ҳамда аҳолини ҳаётий хўжалик фаолиятига күрсатса, унда РЭМга рухсат берилмайди. Улардан ташқари РЭМда моддалар ҳеч қандай ҳидга эга бўлмасликлари талаб қилинади.

3. Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси

Саноат корхоналарининг ривожланиши, автомобил, аэрофлот корхоналарида самолётларнинг тобора кўпайиб бориши, теплоходлар, тепловозлар, ёқилғи ёрдамида электр ишлаб чиқиш корхоналари ва бошқалар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалар бўлиб, шулар орқали ифлосланаётган ҳавони муҳофаза қилиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу муаммо, фақаттинга гигиеник ёки экологик муаммо бўлибгина қолмай, балки бу ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммодир. Бу муаммони ҳал этишида Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳокимликлар,

саноат ва бошқа корхоналарнинг раҳбарлари, жамоатчилик актив қатнашгандагина ҳал этиш мумкин.

Ҳозирги вақтда атмофера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида уч чора тадбирни амалга ошириш кўзда тутилади, булар технологик, лойиҳалаш ҳамда санитария техник чора-тадбирлардир.

а) технологик тадбирлар

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда технологик жараёнларни мукаммаллаштириб, уларнинг ишларини натижали қилиш катта аҳамият касб этади. Тозалаш технологик жараёнлари мукаммал бўлса, атмосферага тушадиган турли хил заарарли моддалар ёки қисқарали, камаяди ёки мутлақ тўхтайди, чиқитсиз технологияга ўтади.

Академик Б.Н.Ласкориннинг фикрича, кам чиқиндили технологияга эга бўлган корхоналар қуидаги йўналишда иш олиб боришлари керак: а) хом ашёларни ишлашда сув ва намлиқдан фойдаланишни жорий этиш; б) шунга мос асбоб-ускуна жиҳозларни яратиш; в) газларни ушлаб қолиш ва қайта ишлаб чиқаришда фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди.

Чиқитсиз ишлайдиган саноат корхоналари фаолияти асосини, барча хом ашёларни саноат маҳсулотига айлантириш жараёни ётади.

Масалан, 80 йилларда рангли металлургия корхоналарида, хом ашёлардан 15 элемент ажратиб олинарди, ҳозирдаги технологик жараёнлар ёрдамида ўшанга ўхшаш хом ашёлардан 25 элемент ажратиб олинади, жумладан, мис, рух, кўргошин, никель, олтин, кумуш, молибден, кадмий, селен, теллур, германий, рений ва бошқалар. Аммо баҳтга қарши чиқинди ажратмайдиган корхоналар сони жуда кам. Баъзан кўп маҳсулотлар давлат стандартига тўғри келмай, чиқинди ҳолатида атроф-муҳитга ташланади ва унинг ифлосланишига олиб келади.

Ҳозирда, маталлургия саноати жойлашган шаҳарларда янги технологик жараёнлар қўлланиши оқибатида, яъни, маданларни коксиз, домна ўчоқларисиз янги усуллар билан эритиб, керакли маҳсулотларни олиш йўлга қўйилмоқда. Масалан, темирли маданлар таркибидаги металлар газ ёки водород ёрдамида эритиб олинади. Бу технология чиқитсизdir, яъни атмосферага ташланадиган газлар, чанглар, курумлар ва бошқалар эндиликда ҳавони ифлослантиrmайди.

Рангли металлургия корхоналарида никель, вольфрам, молибден ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам чиқиндилар микдори тобора

камайиб бормоқда. Шунингдек, азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам, хом ашёлар тўла-тўқис чиқиндисиз ишлатилмоқда. Ҳавони ифлослантирувчи кимёвий моддалар яна қайтадан технологик жараёнларга қайтарилмоқда. Атмосфера ҳавоси бўлса ифлосланишдан ҳоли бўлмоқда.

Синтетик каучук ишлаб чиқариш заводида технология жараёнида пайдо бўладиган чиқиндилардан ҳозирда сульфат кислотаси, спирт ва стирол олинишида фойдаланилмоқда.

Корхоналарнинг зич жойлашиши, ҳудудларда чиқиндисиз корхоналарни қуришга катта аҳамият беришни тақозо этади. Олмалиқ, Бекобод, Тошкент, Самарқанд, Фарғона сингари саноат шоҳобчалари ривожланган шаҳарларда атмосфера ҳавосини тоза ҳолатда асраш катта муаммодир.

Масалан, Фарғона водийсидаги шаҳарларда, мегаполисларда жойлашган саноат корхоналари атмосфера ҳавосига 2 млн. тоннадан зиёдроқ заҳарли омилларни атмосферага ташлайди. Бу, ўз навбатида, ҳаво билан боғланган турли касалликларни кўпайтирмоқда. Жумладан, астмали бронхит, сурункали бронхит, ўпка касалликлари, терининг ялигланиши, аллергия ва бошқаларнинг кўпайиши кузатилмоқда (Б. Маматкулов — 1996 й.).

Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатларининг нуфузли ташкилотлари, олимлар, жамоат арбоблари, қолаверса аҳолининг, атмосфера ҳавоси экологик ҳолати юзасидан глобал масштабда ҳужжатлар қабул қилинишини талаб қилиши оқибатида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кам чиқиндили ва чиқитсиз саноат корхоналарини режалаштириш ва қуришни амалга ошириш мақсадида маҳсус декларация қабул қилинди. Бу ҳужжат асосида БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг чиқитсиз ва кам чиқитли программасида кўп мамлакатлар қатнашмоқда.

Диққатга сазовор технологик жараёнлардан яна бири ишлаб чиқаришда заҳарлиги ўткир моддаларни заҳарлиги кам моддаларга алмаштириш ёки тошкўмир, мазут ёқиладиган технологик жараёнларни газлаштиришга, электр кучидан фойдаланишга ўтказиш, заарли моддалар миқдорини 70—90% камайтиради. Ёки, автомобил транспортини бензиндан газга ўтказиш ҳавони автомобилларнинг дудбуронидан чиқадиган икки юз хил омиллардан сақлайди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда хом ашёларни заарли кимёвий моддалардан озод қилиб, сўнгра ишлатиш катта аҳамият касб этади. Жумладан, табиий газни олтингугуртдан, сепарация

йўли билан олтингутуртни тошкўмирдан ажратиб олиш каби чоралар ҳавони заарли омиллардан асрайди. Ёки чангли материалларни намлаб ишлатиш, куруқ цемент ишлашни намли технология жараёнлари ёрдамида ишлаб чиқиш, энг заарли чангларни ҳаво орқали ўпкага тушишини олдини олади.

Технологик жараёнларнинг берклигини таъминлаш, маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга ташишда транспортёлардан фойдаланиш катта самара беради. Технологик жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳавони муҳофазасида аҳамиятлидир. Технологик жараёнларнинг эскириши, саноат корхоналаридаги жиҳозларнинг издан чиқиши, тозалаш иншоотларини такомиллашмагани туфайли Россия Федерациясининг 200 га яқин шаҳарларидаги экологик ҳолат, аҳоли ўртасидаги касалликлар борасида 2003 йил 6 июнда «Труд» газетасида чоп этилган мақола кўпчиликнинг зътиборини жалб этди. Сабаби шундаки, аҳолининг норозилиги, атмосфера ҳавосининг, очик сув ҳавзаларининг ниҳоятда ифлосланиши, аҳоли ўртасида пайдо бўлаётган ташвишлар муаммони Россия Федерацияси Давлат кенгаши Президиуми томонидан муҳокама қилишга ва чоратадбирларни тезликда ишлаб чиқишга, олдинги режаларга ўзгартиришлар киритишга мажбур этди.

Газетанинг таъкидлашича, радионуклиидлар билан заарланган 581 km^2 майдоннинг фақатгина $0,5 \text{ km}^2$ тозаланган, 191 атом сув ости кемалари (ишдан чиққан, бузилган) таркибидаги радиоактив моддалар заарсиз ҳолатга келтирилмаган, шаҳарларда яшовчи 200000 дан кўпроқ аҳоли заҳарли моддалар билан кескин ифлосланаётган ҳаводан заарланиб қасалликларга дучор бўлмоқда. Экологик ҳолатни тузатиш учун мўлжалланган 110 млрд. рублни фақатгина 10% ажратилган.

БМТнинг экология бўйича комиссиясининг фикрича сайёрамизнинг энг ифлосланган шаҳри Челябинский вилоятининг Карабаш шаҳридир. 1996 йили бу шаҳар экологик энг хавфли шаҳар деб зълон қилинган. Бу шаҳарда аҳолининг кўпчилиги ўпка хасталигидан қийналади, болаларнинг соchlарida, қонида кўргошиннинг миқдори тобора ортиб бормоқда. Кўргошин тана суюкларида йигилиб борадиган, камқонлик касалликни чақирадиган элемент ҳисобланади.

Мис эритувчи заводлар ўнлаб тонна заарли омилларни аҳолининг бошига сочмоқда. Худди шунга ўхшаш шаҳарлар Россияда 200 дан ортиқ, Россия академияси вице президентининг айтишича Норильск шаҳри атрофида 1000 км² майдон үлк майдонга айланган, унда тирик жонлар йўқ бўлиб кетган, ҳаёт йўқ. Челябинск вилояти *губернатори Петр Семиннинг айтишича, ҳозирда «Маяк» саноат корхонасининг тиндиргичларида 340 млн. тонна заҳарли суюқликлар ётибди, ҳар йили бу жойга 67 млн. тонна суюқ чиқинди ташланади.

Аммо экологик ҳолатни соғломлаштириш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида атмосфера ҳавосига ташланадиган заҳарли моддалар миқдори 191 минг тоннага камайди.

Демак, технологик жараёнларни янгилаш, тозалаш иншоотларини такомиллаштириш атроф-муҳитни чиқинди заарарли моддалардан бирмунча бўлсада сақлади.

б) лойиҳалашга асосланган тадбирлар

Лойиҳалашга асосланган тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шашар ҳудудини минтақаларга бўлиш;
- табиий чанг чиқарувчи манбаъларга қарши курашиш;
- санитария ҳимоя чегараларини ташкил қилиш;
- туар жой лойиҳаларини такомиллаштириш;
- туар жойларни ободонлаштириш, яъни кўкаlamзорлаштириш, фавворалар қуриш, йўлларни асфалтлаш, водопровод сув системасини ривожлантириш, чанг ва газга чидамли ҳамда ҳавони чангдан, газлардан тозалайдиган дарахтлардан кўпроқ экиш ва ҳоказолар.

Лойиҳалашга асосланган тадбирлар асосан чиқинди ифлосликлар атмосфера ҳавосида тарқалиш қонуниятларига риоя қилади. Лойиҳалашда, саноат корхоналарини шашар тेरриториясида оқилона жойлаштириш, улар мажмуиларини ташкил қилиш, шашар Бош лойиҳаси ва туманлар лойиҳалари, санитария нормаларига асосланиши керак.

Саноат корхоналари қуриш учун ер майдонлари ажратишда жойларнинг рельефи, иқлим шароити, туманларни пайдо бўлиши, табиий шабада ва шамолларни бўлиб туриши ва саноат корхонларидан ажralиб чиқадиган чиқиндиларнинг атмосферада тарқалиш қонуниятлари назарда тутилади.

* Петр Семин. Труд газетаси. 2003 йил. 6. 06. 2003 да чоп этилган.

Шаҳар ҳудудини мінтақаларга бўлаётганда шамол йўналишини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади. Одатда саноат корхоналарини яхши шамоллатадиган жойларга куриш турар жойларни тутун ва бошқа заарарли омиллардан асрайди.

Шамол йўналишини ҳисобга олганда ўртача йиллик шамол йўналиши билан бирга унинг йил фаслларидағи ўзгаришлари ҳам ҳисобга олиниши шарт. Одатда, саноат корхоналари жойлашган ерларда ноxуш ҳолатлар, айниқса, қиши фаслида қаттиқ совуқ пайтида ёки катта намлиқ паллаларида атмосферанинг ер юза қатламларида ифлосланишлар юқори даражада бўлади. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи омиллардан яна бири шаҳар ҳудудида йиғилиб қоладиган чиқинди—хўжалик ахлатларидир. Ахлатлар, ҳавони чант, микроблар ва ахлатларнинг чиришидан пайдо бўладиган заарарли газлар—индол, скатол, аммиак, сероводород ва бошқалар билан заарлайди. Шунинг учун ҳам лойиҳалаш даврида аҳоли турар бинолар билан ахлат ташланадиган жойлар орасида ҳимоя чегаралари масофаси амалда бўлиши шарт, бунда энг асосий масала шаҳар ҳудудидан йигилган ахлатларни тезлик билан олиб чиқиб кетиш ва зарарсизлантиришидир. Шундагина ахлатлар шаҳар ҳавосини бузмайди.

в) аҳоли турар жойлари билан ифлослантирувчи манбалар оралиғидаги масофанинг катта-кичиклиги саноат корхоналаридан атмосферага ташланадиган чиқинди моддаларнинг заҳарлилик даражаси, миқдори, маҳсус санитария технологик жараёнлар ва ҳоказоларга боғлиқдир.

МДҲ мамлакатларида аҳоли турар жойлар билан саноат корхоналари оралиғидаги санитария ҳимоя мінтақаси бешта синфга бўлинади:

I синф тегишли саноат корхоналарининг санитария ҳимояси масофаси ифлослантирувчи манбаъдан аҳоли турар жойлар чегарасигача 1000 метр.

II синф саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси — 500 м.

III синф саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси — 300 м.

IV синф саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси — 100 м.

V синф саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси 50 м. Айрим ҳолларда ушбу ҳимоя масофаларни узайтириш ёки қисқартириш зарур бўлиб қолганда санитария врачлари тегишли давлат идораларининг қарори асосида уларни 3 марта кенгайтириши ёки қисқартириши мумкин.

Дарахтзорларнинг заарли моддаларга қарши табиий тўсиқ вазифасини ўтай олиши фанга кўпдан бери маълум. Чанг, қурум, аэрозол, осиғлик моддалар, заарли газлар ва бошқа таъсирчан моддаларни яшил қалқонлик вазифасини ўтаётган ўсимликлар атмосферадаги турли заарни ўзларига шимиб оладилар, ҳатто уларни заарсиз ҳолатта келтириши мумкин. Яшил минтақаларнинг бўлиши атмосфера ҳавосидаги чанг миқдорини 23 маротаба камайтириб юборади. Олинган далилларга қараганда, дарахтзорлар сульфид ангидрид газини ўзига сингдириб олади ва сульфатларга айлантиради.

Кўриниб турибдики, яшил қалқонлар чангларнигина эмас, балки заарли газларни ҳам ўзига сингдириб олиб заарсизлантиради, шу билан механик ва химиявий фильтрлик вазифасини ўтайди. Аммо шуни айтмоқ зарурки, яшил тўсиқларни барпо этишда заарли газларга, кислота ва ишқорларга чидамли дарахт қўчатларини ўtkазиш катта аҳамият касб этади. Саноат корхонаси жойлашган территорияларга мевали ўсимликларни экиш мумкин эмас, чунки ўта ифлосланган ҳаво муҳитида етиштирилган меваларнинг таркибида заҳарли омилларнинг салмоғи кўп бўлади.

Санитария ҳимоя минтақасининг 70% дарахтзорлар бўлиши мумкин. Масалан, I, II ва III синжаларга тааллуқли саноат корхоналари учун 10% майдон бирор обьект (гараж, кирхона, ошхона ва ҳоказолар) курилишига, 20% майдон эса йўл ва (йўлкалар) тратуар қуриш учун фойдаланилади, қолган қисмининг ҳаммаси дарахтлар билан банд бўлиши керак.

Саноат корхоналарининг IV ва V синжаларга тааллуқларни билан аҳоли истиқомат қиласидиган турар жойлар оралиғида ҳимоя масофаси очиқ қолдирилиб, уни ўтлоқларга, дарахтзорларга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Санитария ҳимоя минтақасидаги дарахтларга энг кўп заар етказадиган таъсирчан моддалар, асосан кимё, рангли ва қора металлургия, нефтехимия, кокса химия саноат корхоналаридан чиқадиган сульфит ва сульфат ангидриди, водород сульфит, фтор, амиак, азот, бром кислоталари ва бошқалар.

Шаҳар атмосфера ҳавосига шаҳар атрофига жойлашган маҳаллалардаги дарахтзорлар, истироҳат боғлари, кўкарамзор минтақалар ижобий таъсир кўрсатади.

4. Атмосфера ҳавосини автотранспорт чиқиндилиларидан муҳофаза қилиш

Дунёвий глобал муаммолардан бири, шаҳарлар ҳавосини автомобил транспорти дудбуронларидан ажралиб ҳавога тушадиган заҳарли моддалар ва улардан сақланишидир. Улар ифлослантирган ҳавонинг заҳарлилигини камайтириш мақсадида ёки ҳавога ташланадиган моддаларнинг умумий миқдорини камайтириш учун турил технологик жараёнларни қўллаб исталган мақсадга эришиш мумкин. Масалан, мотор цилиндрларида пайдо бўладиган заҳарлар кучини нейтрализаторлар ёрдамида нейтраллаш ёки ҳар қандай ёқилғини тўлиқ ёнишини таъминлайдиган моторлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш; шаҳар кўчалари одамлар билан гавжум бўлган жойларда ер ости йўлларини қуриш; шаҳар аэрациясини яхшилаш мақсадида тўғри равон магистрал йўлларни кўпайтириш; чорраҳаларда транспорт оқимининг тўхтаб қолишга йўл қуймаслик; кўшимча кўприк типидаги йўлларни қуришни ривожлантириш; кўча четларида лойиҳа асосида кўплаб дараҳтлар экиш, ирригация шоҳобчаларини ривожлантириш; фаввораларни кўплаб қуриш ва бошқаларни амалга ошириш лозим. Эски автомобиллардан фойдаланишини тақиқлаш ёки уларни дудбуронларидан ҳавога тушадиган зарарли омилларни меъёрида бўлишини таъминлаш зарурияти амалга оширилиши керак.

ГАИ ходимлари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари автомобил транспортининг созлигини назорат қилишни кучайтиришини вақтнинг ўзи талаб қиласди. Автомобилларнинг техник ҳолати ниҳоятда юқори даражада бўлмоғи зарур. Автомобил транспортини дудбуронидан чиқаётган ис гази миқдорини доимо меъёрда ушлашни таъминлаш, автомобил карбюраторлари нормал ишлашини таъминлаш, ҳавони асраш демакдир.

Масалан, автомобил мотори I режимда ишласа, унинг дудбуронларидан чиқадиган ис гази 1,5% дан, II режимда ишласа, 1% дан ошмаслиги шарт.

Ўзбекистон республикасида автомобил моторларининг ишини назорат қилиш мақсадида давлат автомобил назорат инспекциялари билан бирга ҳаракатдаги ис газини назорат қилувчи автолаборатория ташкил қилинган. Бу автолабораториялар шаҳарнинг мўлжалланган жойларида ҳаракатдаги автомобилларнинг дудбуронидан ташқарига чиқаётган из гази миқдорини ўлчайди, ошикча чиқса, нормага тўғри келмаса қаттиқ чоралар кўрилади.

Яна бир муаммо, бу дудбурондан ташқарига чиқадиган күрғошин. Күрғошин одатда бензинга унинг детанациясини олдини олиш мақсадида тетраметил ва тетраэтил күрғошины моддалари күшилади. Уларнинг таркибий қисми бўлиб күрғошин ҳисобланади. Дудбурондан чиқадиган моддаларнинг заҳарлилиги күрғошин күшилгандан сўнг ўта заҳарга айланади. Бундай ҳолнинг олдини олиш учун ёки тетраэтил моддасини қўшмасликка ёки камроқ кўшишга мўлжалланган чора-тадбир ишлаб чиқилиши керак. Фарбий Евropa мамлакатларида бир литр бензинга 0,4 гр күрғошиниلى тетраэтил свинец күшилади. Аммо амалиётда бир литр бензинга 1,0 гр күшилади. Техника томондан ривож топган мамлакатларда күрғошиндан кутилиш учун турли йўналишларда илмий ишлар олиб борилмоқда, яхши натижалар олинмоқда, аммо иқтисодий томондан ундей бензинни ишлатиш жуда қимматга тушади. Шунга қарамай изланишлар давом этмоқда. Жумладан, АҚШ давлати антидетонаторларнинг янги хилини ишлаб чиқиш учун 100 млн. доллар ажратди. Бу соҳада Германия, Италия, Франция ва Япония давлатлари катта илмий изланишлар олиб бормоқда. Күрғошин ўрнига бром ёки марганецни ишлатиш кутилмоқда.

5. Автомашиналар учун газ ёқилғиси

Автомашиналарда газ ёқилғисидан унумли фойдаланиш масаласи амалга оширилмоқда. Газда ишлайдиган автомобил эса ташқи муҳитни, айниқса, ҳавони ифлослантиришдан холи қиласи ва шунинг учун ҳам бундай машиналарга бўлган талаб каттадир. Чунки автомашинада ишлатилган газ тўла-тўкис ёниб бўлади. Масалан, Москва, Тошкент, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларда ишга тушган, газ билан таъминлайдиган станциялар, бир суткада 150 дан 300 дона автомашиналарга газ солиб бериши мумкин.

Газбаллонли автобус мотори ишлатилиб турган вақтида дудбуронидан 0,1% заҳарли газ чиқаради. Бензинда ишловчи автомобиллар ҳавога 23% заҳарни чиқариб таштайди. Демак, газдан фойдаланиш ифлосланишни 20—30 баробарга камайтиради. Хуллас, табиий газдан автомобил хўжаликларида тобора кўпроқ фойдаланиш кенгаймоқда. Агар, автомобиль учун пропанбутан табиий газидан фойдаланилса, автомобил моторини узоқ вақт ремонт қилмаса ҳам бўлаверади. Автомобилларни газификациялаш ривож топса, шаҳар ҳавоси анчагина тозаланади, саломатлик яхшиланади.

Автомобилларни дудбуронларидан ажралиб чиқадиган заҳарли газларни нейтраллаш чора-тадбирлари.

Бунинг учун, автомобиллардан ишланиб чиқсан заҳарли газларни зарарсиз ҳолатга келтириши мақсадида моторга биринчиликган махсус-жиҳозлар ёрдамида газларни нейтрализаторлар билан нейтраллаш мумкин. Жумладан, каталитик нейтрализаторлар, аллангали оловли нейтрализаторлар, термик нейтрализаторларда кимёвий суюқ реактивлар ёрдамида нейтрализация қилиш мумкин. Нейтрализаторлар глушител (овоз ўчирувчи) ўрнига ўрнатилади, улар ҳавога ташланадиган чиқинди газларни 70—80% ушлаб қолади, карбон сувларини 50% га камайтиради.

Японияда, дудбуронларга махсус мослама ўрнатилиб, газларни тозаланади, бунда ёқилгини охиригача ёниши иссиқлик ва катализатор ҳисобига амалга ошади.

Оқибатда, окисли азот ва карбон миқдори чиқариб ташланадиган чиқиндиларда 4 баробар камаяди. Аммо, катализаторлар таркибидағи металлар, жумладан, хром, мис, рух, никель ва бошқаларнинг осиғлик моддалари ҳолатида кўп миқдорда метал чанглари сифатида ҳавога тушади. Ҳозирда, автотранспорт воситалари 30—60% ҳажмида ҳавога азот оксидни, 40—90% ҳажмида ис гази ва карбонат ангидридни, 35—95% кўргошинни, 10% қаттиқ заррачаларни, 5% S_2 , ва канцероген моддаларни ҳавога ташлайди.

6. Ички ёниш моторларини таомиллаштириш

Атмосфера ҳавосига ташланадиган заарли омилларни миқдорини камайтириш мақсадида дунё мамлакатларининг кўпчилиги автомобил моторларининг таомиллаштирилишига қаратилган илмий изланишларни ривожлантирмоқда. Жумладан, 1959 йилдан бошлаб АҚШда янги карбюратор ишлаб чиқилди, бунда ёқилғи алоҳида аралашма ҳосил қиласи. Карбюраторнинг тузилиши одатдаги аралашмадан ташқари тўйинган аралашма ҳосил қиласи, бундай аралашма махсус камера олди бўшлиғига юборилиб, бу бўшлиқ олов чиқарувчи свеча билан жиҳозланган. Шундай карбюраторга эга бўлган мотор ишчи аралашмани тўла-тўкис ёндиради, оқибатда ишланган газлар таркибида ис гази, курум, карбон сувлар миқдори анчагина камаяди, окисли азот гази миқдори ҳам нормадан ошмайди.

Фарбий Германияда янги карбюратор ишлаб чиқилиб, унда бензин 500—700°C иссиқлиқда катализ реакциясига кириб

парчаланди, оқибатда пайдо бўлган кичик молекулали газ аралашмасини пайдо қиласди, бундай аралашмалар ўз таркибида водород, ис гази, метанни ушлайди. Натижада бундай карбюратор ёрдамида дудбурондан чиқадиган чиқинидилар таркибидаги ис гази, азот оксиди кам миқдорда ажралади, ҳаво муҳофазаланади.

Кейинги Йилларда электромобиллар ҳам олимлар томонидан ишлаб чиқила бошланди. Нефт маҳсулотларининг тобора камайиб бориши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши электромобилларни ишлаб чиқаришга ундали. Кейинги Йилларда Англиядаги 4550000 атрофида сут ташувчи автомобиллар электр кучи берадиган аккумуляторлардан фойдаланмоқда, бунинг устига шахталарда, заводларда, шифононаларда, паркларда 100000 дан ортиқ электромобиллар ўз хизматини кўрсатмоқда. Уларнинг тезлиги соатига 32 км га тенг.

Англиядаги «Клорид» компанияси электр батареясида ишлайдиган автобусни ишлаб чиқиши, соатига бу автобус 64 км тезликда юради, батареянинг кучи 64 км.ли массфага етади. Батареяни бошқатдан зарядланса, электромобил яна ишлайверади, аммо атмосфера ҳавоси ҳеч қачон ифлосланмайди. Лекин, жуда кўп миқдордаги аккумуляторли автомобилларнинг батареясини зарядлаш учун имконият қаердан топилади, деган савол туғилади.

7. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш

Чиқитсиз ишлаб чиқаришни ташкил қилишда илмий-техника тараққиёти натижаларини амалиётга татбиқ қилиш катта аҳамият касб этади, айниқса, бу масала атмосфера ҳавосини муҳофазасида асқотади. Атмосфера ҳавосининг мусаффолигини, тозалитини асраш фақатгина ижтимоий муаммо бўлиб қолмай, балки иқтисодий ва сиёсий аҳамиятта эга, чунки у инсоннинг сиҳат-саломатлиги билан, касалликларни келиб чиқишини олдини олиш билан боғланган.

Шунинг учун ҳам технолог инженерларнинг, фаннинг бошқа соҳа вакилларининг энг асосий вазифалари янги технологик жараёнларни, технологик схемаларни ишлаб чиқиб, атмосфера ҳавосининг тозалитини асраб қолишидир. Бу мақсад инсон томонидан ёки чиқитсиз технологияни ишлаб чиқишини ёки ишлаб чиқаришда қатнашадиган хом ашёларни зарарли омиллардан тозалашда йўл-йўриқларини топишни тақозо этади.

1. Жумладан: олтингугуртни олиш технологик жараёни

сероводород бирикмасини уч босқичлик оксидлантиришдан иборат. Иссиқлик босқичида сероводород ҳаво оксигени билан ёндирилади. Сероводороднинг бир қисми SO_2 ҳосил қўлгунича ёнади. Иккинчи босқичида олтингугуртни конденсациясидан сўнг, қолдиқ сероводородни каталитик оксидлантириб сернистий газга айлантирилади. Катализатор сифатида актив окис алюминий ишлатилади. Бу жараёнлар, реакторгенератор ва конденсатор генераторда ўтади. Ишлаб чиқилган жараён ёрдамида 92–98% сероводород утилизация қилинади. Сероводороднинг реакцияга кирмаган қисми SO_2 газигача ёндирилади ва атмосферага ташланади.

Озарбайжон Республикасининг Сумгайт шаҳрида жойлашган синтетик каучук ишлаб чиқариш заводида ҳам атмосферага ташланадиган заҳарли газ, чанг ва бошқа чиқиндилардан технологик жараёнларни замон талабига жавоб берадиган даражада ўзгартириб сульфат кислотаси, спирт ва стирол олиш йўлга кўйилган. Шаҳар ҳавоси ифлосланишдан анчагина озод бўлди.

Хуллас, инсоннинг ақл-заковатининг чегараси йўқ. Демак, ақл-идрокни, билимни ҳамма соҳада тўғри ишлатилса, атроф-муҳит муҳофаза қилинади, инсонларнинг сиҳат-саломатлиги яхшиланади. Бунинг учун чиқитсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, атроф-муҳитга ташланадиган чиқиндиларни утилизация қилиш, олинган маҳсулотларни халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатиш катта аҳамият касб этади.

2. Ҳозирда атмосфера ҳавосининг ифлосланишининг олдини олиш мақсадида заҳарли газларни, чангларни, кулларни ва бошқаларни ушлаб қолиш, уларни тозалаш катта катта саноат корхоналарининг қошида ташкил қилинади. Бу мақсадда турли заарли, ҳавонинг заҳарли газларини, чангларини ушлаб қолиш мақсадида газ ушлагич, чанг ушлагич жиҳозларининг энг натижа берадиган турларидан фойдаланилади.

3. Жумладан, абсорбцион аппаратлар, булар кам миқдордаги газларни шимиб қолиш мақсадида ишлатилади ёки кўпроқ миқдордаги газларни ушлаб қолиш мақсадида газларни ювадиган жиҳозлардан фойдаланилади ёки масхус газларни шимиб олувчи гигроскопик материаллардан ишланган мосламалардан ёки кимёвий моддалардан ҳам фойдаланилади, масалан, активланган кўмирлар, сликагель, алюмогель, цеолитлар шулар жумласидандир.

4. Улардан ташқари газларни ҳаводан ушлаб қолишда қуруқ ва нам оксидловчи жараёнлардан ҳам фойдаланилади ҳамда газларни

ўзгартирувчи каталитик жараёнлар ҳам қўлланилади. Масалан, олтингутургнинг органик биримларини каталитик оксидлаш йўли билан уларни сульфат, сульфит ангиридирагача оксидлантирилади.

5. Газларни, чангларни ҳаводан ажратиб ушлаб қолиш учун электрофильтрлардан фойдаланилади. Электрофильтрларни натижаси 96—98% етади, яъни ҳаводаги чангларни факат 42% ини ушлай олмайди, холос. Тик электрофильтрлар тошкўмир билан ишловчи иссиқлик электростанцияларида қўлланилади.

Рангли ва қора металлургия саноат корхоналарида, қурилиш материаллари ишлаб чиқиш корхоналарида горизонтал электрофильтрлар ишлатилади. Йигилган чанг, электрофильтр бункерларидан қуруқ ҳолда ташқарига туширилади, электрофильтрлар автоматик ҳолда ишлайди.

6. Кейинги 20—30 йиллар давомида скруббер номи билан аталувчи аппаратлар ҳам саноат корхоналарида ҳавони газ ва чанглардан тозалаш мақсадида кент қўламда ишлатилмоқда. Буларни ишлаш механизми чангларни намлик томчилари билан ҳаводан ушлаб қолишдир. Одатда, газ юқори тезликда (180 — 360 м/с) суюқликдан ўтказилади, бундай жараён суюқликни томчиларга айлантириб, газдаги чангларни ушлаб қолишга имкон беради.

7. Саноат корхоналарининг жуда кўпчилигида конусли барботаж абсорберлар ишлатилиши мумкин. Улар заҳарли газ аралашмаларини, эрийдиган, шимиб оладиган моддалар билан кимёвий реакцияга кирадиган заҳарларни ушлаб қолища қўлланилади. Булар атмосфера ҳавосини ифлосланишдан холи этади.

8. Ҳавони фтор водороддан озод қилиш мақсадида натрийнинг ишқорий эритмасидан ўтказилади. Жумладан, ҳаводаги фторводород миқдори 10 — 1000 мг/м³ бўлганда, натрийни ишқорий эритмаси ҳавони фторводородини ушлаб қолади, чиқаётган ҳавода газнинг миқдори $0,1$ — $0,5$ мг/м³ teng бўлади, бошқача айтганда, унинг миқдори рухсат этилган миқдоргacha тозаланади.

9. Циклонлар, мультициклонлар ҳавони заҳарли омиллардан тозалашда жуда кўл келади, яъни завод шароитида ишлаб чиқилган ЦН—15 типидаги циклонлар кўпроқ бирлаштирилиб ишлатилади.

10. Агар газ таркибидаги заррачалар диаметри 610 мкм бўлса циклонларни иш унуми 75 — 88% га, 20 мкм бўлса 92 — 95% га teng. Гоҳо газ билан чанглар ҳам ҳавога оз бўлсада тушади, бундай ҳолатдан кутилиш учун намли циклонлардан фойдаланилади.

11. Цемент ва электр пўлат эритища, рангли металлургия ишлаб

чиқаришда рух, алюминий кристалли силиций ишлаб чиқаришда матодан тайёрланган фильтрдан фойдаланилади. Бундай фильтрлар ҳавони 99,9% тозалаши мумкин, фильтрда йиғилган чанг бункерларга туширилади.

Баланд дудбурон трубалар ёрдамида ҳавога ташланадиган чиқиндилар тарқатадиган жараёнлар.

Кўтчилик саноат корхоналари ва иссиқлик электр станциялари учун, металлургия саноатида атмосферага ташланадиган чиқинди газлар, чанглар, тутун ва бошқаларни тозалашда натижа берувчи технологик жараёнлардан бири, уларнинг чиқиндиларини ушлаб қолувчи фильтр ва дудбурон трубалардир. Тутун, чангларни олиб кетувчи дудбуронларни икки вазифаси мавжуддир: а) биринчидан ҳавони тортиб олиш ва унинг оқибатида ёниш жараёнларида ҳавони қатнаштириш, бунинг учун хоҳлаганча ҳавони тортиб олиш ва ёниш ўчигига йўналтириш мумкин; б) иккинчидан ёниш жараёнида пайдо бўлган заарли газларни, қаттиқ чанг заррачаларини атмосферани юқори қисмига узун трубалар ёрдамида жўнатади. Ҳавонинг доимий турбулент ҳаракати сабабали заарли газлар, чанг ва тутунлар манбадан узоқларга йўналтирилиб, осмони фалакка тарқатилиб юборилади. Бунда иссиқ юқори ҳароратга эга бўлган газлар, тутун юқорига, ҳарорати пастроқ бўлган атмосферага интилиб труба орқали тез ҳаракатланиб чиқиб кетади ва шамол ёрдамида узоқларга сочилиб кетади. Одатда тутун ва газларни чиқариб юборувчи дудбуронларнинг баландлиги 180, 250, 320 метр баландликда қурилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам трубанинг баландлигига қараш чиқиндиларнинг тарқалиши маълумдир. Жумладан, 250 метр баландликка эга бўлган трубалардан тарқаладиган газ ва чанглар 75 км гача боради. Аммо, атмосферага чиқиндилар қайси ҳолатда тарқалмасин, улар атмосфера ҳавосини ифлосланишдан холи этолмайди.

Шунинг учун ҳам, технологик жараёнларни мукаммаллаштириб, атмосферанинг тозалигини муҳофаза қилиш бирдан-бир тўғри йўлдир.

VIII боб. Атроф-муҳитни канцероген моддалардан муҳофаза қилиш муаммолари

1. Атмосфера ҳавосининг канцероген моддалар билан ифлосланиши

Ҳозирги вақтда, атроф-муҳитни канцероген полицеиклик ароматик моддалар билан ифлослантирувчи объектлар аниқдир. Канцероген карбонсувларни ҳосил қилувчи моддалар қуидагилардир: тутун чиқиндилари иситиш, энергетик системаларда ҳосил бўлади, автотранспорт воситаларини дудбуронларидан чиқадиган газлар, қурумлар, саноат корхоналарини чиқиндилари, кўча чанглари ва бошқалар.

* Профессор Л.М.Шабад, А.И.Шиминаки далилларига қараганда бензапиреннинг миқдори 5000 тоннадан 180 минг тоннага етади, бу модда канцероген моддаларнинг энг асосий бирикмаси ҳисобланади. Йил давомида АҚШ академиясининг далилларига қараганда АҚШ бўйича иситиш ва энергетик жиҳозлар ҳисобига бенз(а)пиреннинг ташланадиган миқдори 500 тонна, саноат корхоналарининг, қишлоқ хўжалик ва коммунал объектлари чиқиндиларининг ёқилиши натижасида пайдо бўладиган бенз(а)пиренни миқдори 600 тоннага яқин, кокслаш жараёнлари натижасида 200 тонна, автотранспорт воситалари 22 тонна канцерогенларни ҳавога чиқаради.

Кейинги йилларда ўсимталли касалликлар сони тобора ортиб бораётгани сабабли, жаҳон мамлакатлари ҳудудларида канцероген моддалари келиб чиқишига, уларни ҳавода тарқалишига катта аҳамият берилмоқда, бу табиий жараён, сабаби бу жараённи кузатиш, олинган далилларни анализ қилиш, касаликни олдини олиш, ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан бири.

Ҳозирда, аҳоли турар жойларининг атмофера ҳавосида 130 га

* Шабад и другие. Канцерогенные вещества в окружающей человека среде и принципы профилактики их воздействия на здоровье человека. ВКН. Канцерогены и биосфера. М. ВНИЦЦМИ 1980 г.

яқын полицеиклик ороматик карбонсувлар аниқланған. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишида бенз(а)пирен билан бир қаторда унинг энг актив канцероген хусусиятига эга бўлган полицеиклик ароматик карбонсувлар синфига кирувчи қуидаги моддалар аниқланған: дibenз(а)пирен, дibenз(а/һ)антроцен, ўртача активликка эга бўлган бенз(в)францен ва кучсиз канцероген бенз(е)пирен, бенз(а)антроцен, дibenз(а,с)антроцен, хрузен, индеко (1,2,3с) пирен.

Бу моддаларнинг микдори, ҳаводан намуна олиш услугига, намуна олинадиган жойдан манбанинг яқын ва узоқлиги, аниқлаш учун танланған услубни сезгирилигига, аниқлигига ва бошқа факторларга боғлиқ.

А. Я. Хесинани олиб борган изланишлари шуни кўрсатдик, саноат корхоналари кўп жойлашган, транспорт воситалари микдори жиҳатидан ортиқча бўлган шаҳарларда, полицеиклик ароматик карбонсувларини энг канцероген актив моддалари микдори жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қиласи. Қишлоқларда, аксинча, канцероген моддалар атмосфера ҳавосида анча камроқдир.

Канцероген моддаларнинг таркибидаги касал чақириувчи актив бирикмалар бенз(а)пирен 16—36%ни, дibenз(а,І)пирен, дibenз(а,һ) антроцен 02,4,5%ни, ўртача активликка эга бўлган бенз(б) флуарентек 27—41% ни ташкил қиласи. М. Кертеснинг кузатишлари шуни кўрсатдик, бенз(а)пирен атмосфера ҳавосида, айниқса, очиқ ҳавода 1485 км ли масофада тарқалган, ёғингарчиллик даврида бу массфа 1158 км ни ташкил қиласи.

Қизиги шундаки, катта бир ҳудудда унинг тарқалиши ҳар хил, жумладан, шаҳарларнинг катта кўчаларида канцерогенларнинг концентрацияси кичик кўчалардагига қараганда юқори. Масалан, Лондонда 1168 мг/м³, Цюрихда 2,313 мг/м³, Нью-Йоркда 01,3,5 мг/м³, Детройитда 3,413,7 мг/м³ (А.Я.Хесина).*

Шуни айтиш керакки, автотранспорт воситаларининг микдори шиддатли ўсиб бормоқда. Шаҳар экологиясини бенз(а)пирен ва бошқа канцерогенларни ҳисобга олганда энг кўп бузәётган обьект, бу автотранспортдир, кейинги вақтларда унинг ҳисобига канцероген моддалар 10—25% кўпайди.

Н. Янншева ва И.Н. Димантнинг фикрича, бенз(а) пиреннинг

* Хесина А. Я. Экологические проблемы оценки лимитирования химических канцерогенов. Доклад на совете ВОНЦАМН СССР 5. 01. 1990 г.

ұаводаги миқдори баъзи бир саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда күпроқ учрайди. Жумладан, металлургия саноати атрофларида, коксехимия корхоналари, нефтни қайта ишлаб чиқариш заводларини мисол тариқасида келтириш мүмкін. Бенз(а)пиреннинг тарқалиши шаҳар ҳудудларида миқдорига қараб қуийдагича, яъни энг күп миқдор автомагистрал күчалар ұавосида, сұнгра саноат корхоналари жойлашган миңтақада, сұнгра турар жойлар ұавосида, энг кам миқдор канцерогенлар эса дараҳтзорлар, парклар, хиёбонлар атрофдаги ұавода топилади. Олиб борилған илмий тадқиқот ишлари натижасида атмосфера ұавосидаги 3,4 бенз(а)пиренни ўртача йиллик рухсат этилган миқдори 1 мг/м³ га тенг. Бу миқдор организмде саратон касаллигини пайдо бўлишини олдини олади ва ҳавотирликка ўрин бўлмайди.

Шунинг учун атмосфера ұавосини канцероген моддаларга нисбатан таркибини доимо назорат қилиб бориш экологик мувозанатни бир томондан ушлаш, иккинчи томондан ўсимтали касалликларни олдини олишта имкон беради. Аҳоли турар жойлари ұавосининг полицеиклик ароматик канцероген моддалари аниқланганида, улар ичидаги, энг асосий бирикмалардан бўлмиш бенз(а)пирен, дибенз(a,h)антроцен, дибенз(ai)пирен, ўртача канцероген хусусиятига эга бўлган бенз(b)флуарентен ва кучсиз канцероген бенз(а)антроцен, хруzen, бенз(e)пирен моддаларига эътибор бериш керак.

Канцероген моддаларни атмосфера ұавосида тарқалишини назорат қилганда иқтисодий географик миңтақаларни, айниқса, саноат корхоналари жойлашган ҳудудларни, катта автомагистрал ва шаҳар марказларидағи кўча ұаволарига аҳамият берилиши керак.

Демак, миңтақалар бўйича канцероген тўғрисида хабарлар, далилларнинг йигилиши келажакда қандай чора-тадбирларни ишлаб чиқиши зарурлигини кўрсатиб боради.

Ҳавода канцерогенлар аниқланганда ўртача суткалик, ойлик ва ўртача йиллик канцентрация аниқланади. Бу текширишларни асосан гидрометео хизмати ташкилотлари олиб борса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун кузатиш пунктлари ташкил қилиниши керак, бунда катта магистрал йўлларда бир соат давомида ўртача машиналар сони, яъни 2000 ва ундан күпроқ машиналарни бир соатда ўтиши кўзда тутилади. Олинадиган бир суткалик намунанинг сони 25 тага

етиши керак, гоҳо ҳаво намуналари қисқа муддатли, яъни 103 соат давомида суткасида 34 маротаба олинади, кейинчалик ўртача миқдори чиқарилади.

Аммо, ҳар қандай ҳолатда организмга ҳаво йўли билан кирадиган канцероген моддалар (3,4 бенз(а) пирен) рухсат этилган миқдоридан ортиқ бўлмаслиги керак, яъни ўртача йиллик миқдори $1 \text{ мг}/\text{м}^3$.

Шуни айтиш зарурки, одам организмга атмосфера ҳавоси орқали фақат канцероген моддалар тушибгина қолмай, балки бошқа кимёвий моддалар ҳам киради. Уларнинг организмга таъсири анча кучайиб кетиши аниқ. Унинг устига атмосфера ҳавосида чанг, кул, курум ва заҳарли газлар билан ифлосланган ҳавонинг биологик хусусиятлари ҳам ўзгаради, ҳаво худди сунъий ҳавога ўхшаб қолади, ҳавонинг бузилиши қуёш нурини тўла тўқис ёритишга, ёғингарчиликка, намлика предметларни кўринишига таъсир кўрсатади.

9-жадвал

Шаҳар ва унинг атрофидаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиши оқибатида унинг турли хусусиятларининг ўзгарипти (Wohlers H.C.)

Ҳавони ифлослантирувчи моддалар	Чанг заррачаси, сероводород, икки окисли карбон (CO_2) окис карбон (ис гази)	10 маротаба 5 маротаба 10 маротаба 25 маротаба
Қуёшнинг ёритиши	Горизонтал юзасида Ультрафиолет нурлари қишида Ультрафиолет нурлари ёзда	Шаҳарда: 10–15% кам —30% кам —5% кам
Булутларнинг пайдо бўлиши	Булутларнинг пайдо бўлиши	5–10% кам
	Қишида туманларнинг пайдо бўлиши	100% кўпаяди
	Ёз ойларида — * —	30% кўпаяди
Ёғингарчилик	Миқдори Ёғингарчилик кунлари	5–10% кўпаяди 10% кўпаяди
Ҳарорат	Ўртача йиллик ҳарорат Қиши даврида энг сонук ҳарорат	0,5–1,0° С га кўпаяди 1,0–2° С кўпаяди

Нисбий намлиқ	Үртача йиллик	6% камаяди
	Киша	2% камаяди
	Езда	8% камаяди
Шамол тезлиги	Үртача йиллик	20—30% камаяди
	Қаттиқ шамол	10—20% камаяди
	Шамолсиз вақтлар	3—20% күпроқ бўлади
Кўриш		80—90% камаяди

Шундай қилиб, табиий ҳаводан ифлосланган ҳаво кўп жиҳатдан фарқ қиласи, заҳарли моддалар билан тўйинади, оғир ионлар кўпаяди, куёш нурининг атмосферада тарқалиши, ергача етиб келиши ҳам ўзгаради ва бошқалар. Оқибатда сурункали бронхитдан, туберкулётдан ўлиш сони кўпаяди. Айниқса, ўпка раки кўп одамларнинг ёстиғини қутилади.

Шунинг учун ҳам аҳоли турар жойларида ҳаво заарланишининг оддини олиш асосий мұаммолардан бири.

Катта шаҳарларнинг санитария ҳолати борган сари ёмонлашиб бормоқда, сабаби, шаҳарлардаги зич қурилишлар натижаси, шаҳарларнинг режалилиги бузилиши оқибатида уларда шамол ҳаракати борган сари секинлашиб (штил) ҳаракатсиз ҳолатта ўтиши шаҳардаги ҳаво ифлосланнишини зўрайтиришга олиб бормоқда, шундай қилиб шаҳарларнинг микро иклими салбий томонга ўзгармоқда, одамларнинг соғлигига путур етялти, ҳаво ҳарорати юқори ва куруқ бўлиб бормоқда.

* Нейманнинг далилларига қараганда, АҚШнинг энг катта шахри Нью-Йорқда, йил давомида 32 млн. тонна тошкўмир ёқилиши оқибатида 1,5 млн. тонна SO_2 гази билан шаҳар ҳавосининг ифлосланганлиги маълум, АҚШ мамлакати бўйича 24 млн. тонна SO_2 ҳавога ташланган, 1980 йилига келиб бу миқдор 2 баробар ортган, натижада шаҳар ҳавосида пайдо бўлган заҳарли туман (смог) ва SO_2 биргаликда кўп кишиларни касаллантирган. Унда бронхит касаллигига учрабгина қолмай, балки юрак қон-томир ва ўпка касаллиги ҳам ортиб кетган, қизифи шундаки, бундай ҳавони ифлосликларидан фақатгина одам эмас, балки шаҳардаги

ўсимликларнинг турлари қийналади, уларни ўсиш тезлиги пасаяди, улардаги модда алмашиниш даражаси тормозланади, дараҳтлар касалланади, охир пировардида қурийди.

Атмосфера ҳавоси совуганда ифлосланган ҳаво таъсири кучаяди, бурун ва бронхларнинг, трахеяның шиллиқ қаватлари яллигланади. Шаҳар атрофида жойлашган металлургия корхоналарининг ҳавога тушадиган ифлосликлари катта мұаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, мис әртиш заводларидан ҳавога ташланадиган чангларида мис — 15% гача, темир оксид 49—63% гача, олтингүргүт 9,7—12,5% гача, кварц 4—6,2%, 4% маргимуш, сурма, висмит, рух, құрғошин ва уларнинг бирикмалари бўлади. Бу элементлардан баъзи бирлари намлиқ таъсирида ўта заҳарли учувчи моддалар сифатида пайдо бўлиши мумкин, масалан, маргимуш оксиди. Булардан ташқари марганец, құрғошин, селен ва бошқа заҳарли элементларни ушлаши саноат корхоналарининг чангларини ўта зарарли қилади.

Масалан, марганец ишлаб чиқарадиган заводлар атрофида яшовчи аҳоли ўргасида затилжом касали, ўпка яллигланиши касали кўп учрайди. Кўп моддалар ўпка тўқималари ёрдамида қонга ўтиб, модда алмашиниш жараёнларига зарар беради, ифлосланган ҳаво қўёшнинг УФ нурларининг ер томон ўтишини 50% пасайтирган вақтлари бўлади. Болаларга зарур бўлган УФ нурлари етарли бўлмай, улар орасида рапит, гипотрофия касалитикларини келтириб чиқаради. Масалан, Чикагода туманли, булутли, намли ҳаво 1930 йилда 20 марта қайтарилса, ҳозирда 320 марта қайтарилади. Бундай ҳолат инсоннинг психикасига ёмон таъсир кўрсатади.

Жорхалинни Англияning 44 ҳудудида олиб борган изланишлари шуни кўрсатдики, атмосфера ҳавоси зарарли омиллар билан жуда ифлосланган, минтақаларда ўпка ракидан ўлганлар ҳавоси тозароқ районларга қараганда 25—30% кўпроқ, худди шу фикрни Наммонд ва Хорн ҳам тасдиқламоқда. Айниқса, автомобил транспорти кўп бўлганда шаҳарларда аҳвол жуда оғир. Масалан, соатига 40 км тезликда юрган автомобил 75 г СО гази чиқаради, соатига 80 км юрса СО ни миқдори икки баробарга ошади. Ҳозирги вақтда факат АҚШ мамлакатида автомобил транспорти 75 миллион тонна СО ни ҳавога ташлайди. Яъни аҳоли ўргасида оксигенга нисбатан етишмовчилек сезилади. Гемоглобин активлиги пастга тушиб кетади, организмда оксиген билан чамбарчас боғланган модда алмашиниш жараёни бузилади ва турли касалитиклар пайдо бўлишига олиб келади.

Метеорологик ноқулай шароитда автомобилларнинг

дудбуронларидан пуркаб юборилған зақарли газлар фотокимёвий үзгаришларга дучор бўлади.

АЗОТ ҚҰШ ОКСИДИ ПАРЧАЛАНИБ, АЗОТ ОКСИДИГА АЙЛАНАДИ, НАТИЖАДА АТОМЛАР ҲОЛИДАГИ ОКСИГЕН ҲОСИЛ БЎЛАДИ, АЛДЕГИД ВА КЕТОНЛАР ЭСА ТУРЛИ РАДИКАЛЛАРНИ ПАЙДО ҚИЛАДИ. МАЗКУР ҚҮРИНИШЛАГИ РЕАКЦИЯЛАР НАВБАТДАГИ ИККИНЧИ РЕАКЦИЯЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИ, ОҚИБАТДА ЎТА ЗАҚАРЛИ ТАРКИБГА ЭГА БЎЛГАН СМОГ ҲОСИЛ БЎЛАДИ. ФОТОКИМЁВИЙ РЕАКЦИЯЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ЙЎЛЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА: ҚУЁШНИНГ УЛЬТРАБИНАФША НУРИ ТАЪСИРИДА КАРБОН СУВЛАР ВА ФОТООКСИДАНГЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНГАН АТМОСФЕРА ҲАВОСИДА МУРАККАБ ФОТОКИМЁВИЙ РЕАКЦИЯЛАР КЕТАДИ. БУ РЕАКЦИЯЛАР НАТИЖАСИДА ЯНГИ ЗАҚАРЛИ ҲАМДА ТАЖОВУЗКОР МАҲСУЛОТЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ. БУНГА АЗОН, АЗОТ ҚҰШ ОКСИДИ, ПЕРОКСИАЦИЛ НИТРАТЛАР, АЛЬДЕГИДЛАР, ЭРКИН РАДИКАЛЛАР ВА БОШҚАЛАР МИСОЛ БЎЛАДИ. БУЛАР КУННИНГ ЖАЗИРАМА ИССИҚ КУНЛАРИДА, МАТЕОРОЛОГИК НОҚУЛАЙЛИКЛАР ОҚИБАТИДА ФОТОКИМЁВИЙ СМОГЛАР ПАЙДО ҚИЛАДИ. Ю. Новиков фикрича, ФОТООКСИДАНГЛАРНИНГ 75% И АЗОНДАН ИБОРАТ, ҚОЛГАНИ ПЕРОКСИАЦИЛ НИТРАТЛАРДИР, БУЛАР ОДАМЛАР УЧУН АНЧА ЗАРАРЛИДИР.

Олимлар томонидан келтирилган далилларга (А.В.Чаклин^{*} ва бошқалар) қараганда, ҳар 600 синтез қилинаётган кимёвий моддаларнинг 26 таси канцероген хусусиятга эга бўлган моддалар, яна 19 таси тўғрисида ҳам шундай фикр бор.

Эпидемиологик текширишлар шуни кўрсатдики, рак касаллигининг келиб чиқишига комплекс факторлар сабабчи, жумладан, озиқ-овқатларнинг бузилишидан, пархезни ушламаслигидан келиб чиқадиган ўсимта касалликларини 35%, чекиш, инфекциялар, паразит касалликлари 10%, ишлаб чиқариш факторлари 4%, географик факторлар 3%, спиртли ичимликлар 3% рак касаллигини келтириб чиқаради. Демак, рак касаллиги кўп факторлар таъсиридан келиб чиқадиган касаллик.

“Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларининг келтирган фактларича, бутун дунёда рак касаллиги билан 5 миллион киши оғрийди, 2 миллиондан ортиқроғи ўлади, кейинги ўн йилликларда рак касали билан оғриш кўпайиб бормоқда, айниқса, ўпкани, кўкрак безини, йўғон ичакни, простата безини касалланиши кўпаймокда, лейкоз касали ҳам кўп учрамоқда. Рак касалини

* Чаклин А. В. Вопросы онкологии. Т XXVIII №5. 1982 г.

** Злокачественные новообразования в СССР и союзных республиках. М. Медицина. 1989 г.

географияси нұқтаи назаридан экологик факторлар нокулай бўлган жойларда тўғридан-тўғри боғланишлар бор. Масалан, саноат корхоналари ривож топган, экологияси бузилган шаҳарларда, собиқ Иттифоқда ҳар 100 минг аҳолига рак касали билан оғриган 172,0 бўлса, 1986 йилга келиб 229,1 сонига етди. Украинада 1967 йили 176,1; 1986 йили 283,4; Молдовада шунга ўҳашаш 110,3 ва 183,4 ва бошқалар.

Ҳозирги замон онкология фанининг изоҳи бўйича рак касалининг келиб чиқиши кимёвий физикавий ва биологик факторларнинг таъсири ва бу таъсирга организмнинг жавоб реакциясидир. Дарҳақиқат, биз ўз ҳаётимизда жуда кўп факторлар билан тўқнашамиз, яъни нурланиш, озиқ-овқат, чекиш, табак чайнаш, нос чекиш ва ишлаб чиқаришдаги бошқа кимёвий бирикмалар билан тўғридан-тўғри тўқнашиш, бу касалликнинг келиб чиқишига алоқадордир.

Бу факторларнинг ҳаммаси рак касалининг келиб чиқишида қандайдир рол ўйнайди. Ракнинг жуда кўп формаларининг келиб чиқиши экологик нокулайликлар таъсири остиладир. Н.Н.Литвинов ва бошқалар фикрича, канцетроген моддалар ўзларини статусларини олиши учун (Комитет по канцерогенным веществам) шу комитетни баҳоси бўлиши керак. Комитетни таклифи бўйича қўйидаги қоида келтирилди. Шу қоидага асосан:

1. Канцероген моддалар бўйича комитет томонидан эътироф этилган моддаларгина канцероген моддалар бўлиб қолади.

2. Моддаларнинг канцерогенлиги тажрибалардан исботлангандан сўнг, одам учун хавф туғдирувчи канцерогенлик деб аталади.

3. Канцерогенлар рўйхатига шундай моддалар киргизилади, уларнинг гигиеник, ҳам экологик аҳамияти эътироф этилади ва улар билан контактда бўлганлар учун хавф-хатарлик туғдирали.

4. Агар ҳар хил йўллар билан организмга кириб, унга комплекс таъсир кўрсатиб, хавфлироқ бўлса, уларнинг олдини олиш учун биринчи галда чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Кейинги вақтларда, айрим канцероген моддаларнинг, бирикмаларининг аҳоли соғлигига таъсир этиши одамлар ўртасида маълум. Масалан, никел саноати канцероген ҳисобланади. Норильск шахридаги никел ишлаб чиқариш корхонасида кўп кишиларни ўпкасида рак борлиги аниқланган, қизиги шундаки, ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳамма босқичларида уларнинг сони ҳар хил. Ҳар 100000 эркакда, рудаларни қазиб олишда 29 кишида, рудани тўйинтириш жараёнида 73,1; уларга қайта ишлов беришда 81 кишида

үпка раки аниқланди. Бу, корхона ичидағи эндозекологик нокулайликлар оқибатида келиб чиқсан, яғни бунда никел ҳаво орқали, тери орқали киргани эътироф этилган.

Гигиеник нұқтаи назардан ҳар бир саноат корхонаси ўзининг заҳарли чангларини, газларини атмосфера ҳавосига ташлаганда, улар ҳаво оқими орқали санитария ҳимоя миңтақаларидан ҳам узоқтарга чўзилади, тарқалади. Жумладан, металлургия, коксохимия комбинатлари бўлган шаҳарларнинг ҳавосида бенз(а)пиренни концентрацияси $10 \text{ мг}/\text{м}^3$ тенг (Кривойрог, Рустави шаҳарлари), автотранспортдан чиқаётган бенз(а)пирен миқдори $5 \text{ мг}/\text{м}^3$ тенг. Ўрта Осиёning тоғли районларида ҳавода унинг концентрацияси $0,1 \text{ мг}/\text{м}^3$. Болтиқ деңгизи қирғоқлари атмосферасида, Баку шаҳари атрофлари ҳавосида $1 \text{ мг}/\text{м}^3$. Маҳаллий ҳавони ифлослантирувчи, манбалардан ажralиб чиқаётган канцероген моддалар бир неча ўн баробар РЭМга етиб боради.

Москва шаҳрининг Братево микрорайони ҳавосида бенз(а)пиренниң концентрацияси 20 РЭМ га тўғри келади. Москва дарёси сувида канцероген моддалар РЭМдан 100 маротаба кўпроқ топилди.

2. Озиқ-овқатларнинг полициклик ароматик канцерогенлар билан ифлосланиши

Канцероген моддаларнинг яна бир хавфли томони, уларнинг озиқ-овқат, ичимлик сув билан ошқозон системасига тушиб ўсимтали касалликларни чиқаришидир. Олимларнинг фикрича, бенз(а)пирен ва бошқа канцерогенлар кўп миқдорда озиқ-овқатлар, гўшт ва сут маҳсулотларида учраб туради. Бенз(а)пиренни сув ҳавзаларида учраб туришининг асосий сабабларидан бири саноат корхоналарининг чиқинди сувларини очиқ сув ҳавзаларига тозаланмай ташлаши ҳисобигадир. Айниқса, коксахимия, сланц нефтни қайта ишлаш, нефтехимия саноати корхоналарининг чиқинди сувлари сув ҳавзаларини канцерогенлар билан зарарлаши аниқdir. Улардан ташқари аҳоли турар жойларидаги ифлосликлар (ўз таркибида канцероген моддаларни ушловчи) ёғингарчилик, сел оқими билан ювилиб сув ҳавзаларининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Лекин, водопровод системаси замон талабига жавоб берадиган ҳолатда ишласа, яғни коагуляция, фильтрация, тиндириш, хлорлаш

жараёнлари ишласа қанцероген мoddаларидан 11—92% гача тозалаш мүмкін (А.П.Ильницкий; КЛ.Ершова ва бошқалар). Бундай водопровод сувларида қанцероген мoddаларнинг миқдори бир литрда 0,003—0,0073 мкг аниқланған. Агар, одамларни кундалик ичимлик сувини миқдорини 2,4 литр ҳисобланса, инсон умрининг охиригача, яғни 70 ёшида ҳаммаси бұлыб 0,27—0,47мг қанцероген маддаси олар экан.

Озиқ-овқатлар билан организмға тушадиган қанцерогенлар миқдори анча күпроқ. Негаки, у мoddаларни миқдори озиқ-овқат маҳсулотларида күпроқ учрайди. С.Фабиан далилларига қарaganда озиқ-овқатлар билан организмға тушадиган қанцерогенлар миқдори 10 мкг, бенз(а)пирен озиқ-овқатлар билан организмға 12 мг (йил давомида) киради. Худди шундай фикр Барнефф томонидан айттылған зди.

Аммо В.Фритц фикрича ва унинг далиллари бүйича 70 ёшли одам ейиш-ичиши орқали шу ёшга етгунча 24 дан 85 мг гача қанцероген мoddаларни олади. Жумладан, полиз маҳсулотлари билан 8,4—4,1 мг; хамирли овқатлар билан 4,7—28,4 мг; мевалар билан 1,1—7 мг; ёғ ва мойлар билан 1,4—5,3 мг ва бошқалар билан 1,9 мг; сув билан 0,5 мг. Бу маҳсулотлар күпинча саноат марказларига яқын шудгорлардан олинган намуналарда аниқланған. Қизиғи шундаки, ўсимликларнинг турларига қараб қанцерогенлар миқдори бир хил эмас. Фактлар шуни күрсатдикі, ўсимлик мойида ҳам қанцерогенлар күпроқ учрайди.

**70 ёшли организмінде 70 йыл давомида кирған
3,4 бенз(а)пирен (Waller)**

Ахоли турар жойи	Хаво билан организмге кирадиган канцерогенлар миқдори		Организмге сув билан тушадиган канцероген миқдори	Организмге озиқ-овқат билан тушадиган канцерогени миқдори
	Яшаш жойида	Автомагистрал ва саноат корхонаси жойлашган жойда		
Маъмурий идоралар маркази	0,76	4,7	0,37	4,6
Катта саноат маркази	0,53	3,20	0,27	4,6
Үрта саноат маркази	0,41	2,86	0,25	4,6
Кичик курорт шаҳри	0,25	1,78	0,47	4,6
Қишлоқ яшаш жойи	0,19	0,34	0,29	4,6

Жадвалдаги даиллардан күриниб турибиди, бенз(а)пиреннинг кўпроқ миқдори атмосфера ҳавоси ва озиқ-овқат билан кирад экан. Демак, инсон учун атмосфера ва озиқ-овқат экологияси катта аҳамият касб этади. Атмосфера ҳавосининг мұхофазаси түғридан-түғри инсон саломатлигини сақлашга қаратилган.

3. Тупроқнинг канцероген мoddалари билан ифлосланиши


Кейинги йиллардаги олиб борилған илмий тадқиқот ишлари шуны кўрсатдики, канцероген мoddалар ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо

бўлиб қолмайди. Тупроқни ифлослантирувчи манбалари 17 дан ортиб кетади. Авваламбор, канцероген моддаларнинг пайдо бўлишининг ўзи кўп тортишувларни келтириб чиқармоқда. Масалан 3,4 бенз(а)пирен турли туман пиролитик реакциялар натижасида пайдо бўлиб, инсонни ўраб турган атроф-мухитга тушади. Улар ичидаги космосдан ҳаво орқали ифлосланиш, геохимик жараёнлар оқибатида, яъни, нефт маҳсулотлари, газ, тошкўмир, торф ва бошқаларнинг ёниши оқибатида пайдо бўладиган полициклик ароматик карбон сувлари, вулкан жараёнларида, ўрмонларнинг ёниши оқибатида, ўсимликларнинг ўзида ультрафиолетни таъсири, фотосинтез реакцияси оқибатида пайдо бўладиган углеводород ва бошқалар шулар жумласидан.

Инсоннинг антропоген фаолиятини назарда тутиб Л.М.Шабад ва бошқалар тупроқни канцерогенлар билан ифлосланишини асосан атмосферадан ёғингарчилик оқибатида ерга ювилиб тушадиган канцероген моддалар деб тушинадилар, улар космосдан саноат марказларини дудбуронларида атмосферага тушадиган карбон сувлари, канцерогенлар, иситиш системалари дудбуронлардан атмосферага ташланадиган полициклик ароматик карбон сувлари, транспорт воситалари орқали пайдо бўладиган заарли омиллар, курум, кул, 3,4 бенз(а)пирен ва бошқалар шулар жумласидандир. Улардан ташқари канцероген моддаларни ушловчи чиқинди сувлар билан экинларни суғоришида ҳам тупроқларнинг ифлосланиши кузатилади, саноат марказлари жойлашган территориялардан ювилиб тушган чиқинди сув таркибидаги канцероген моддаларнинг ерга шимилиши ва бошқа жараёнлар тупроқнинг ифлосланишига олиб боради. Шаҳар тупроқларига қараганда қишлоқ тупроқларида канцероген моддаларнинг миқдори анча кам. Масалан, 13 мкг 1 кг тупроққа тўғри келади.

3-схема

Тупроқнинг, канцероген моддалар билан ифлосланиши



Тупроқнинг табиий мұхитида канцероген моддалар йиғилиб, күпайибгина қолмай, балки улар турли биологик жараёнлар оқибатида парчаланиб камаяди ҳам. А.Я.Хесина ва Я.М.Соровскаяларнинг олиб борган илмий ишлари канцероген моддалари билан ифлосланган тупроқларда турли патоген ва сапрофит микроорганизмлар уларни шимиб қолибгина эмас, балки уларни парчалар ва метаболитларини пайдо қиласы. Тажрибалар шуни күрсатдикі, тупроқ микрофлораси 7% гача канцероген моддаларни парчалаб 3 ой давомида камайтириб юборар экан.

Н.И.Тонкопий ва бошқаларни далилларига қараганда тупроққа тушган 100 мкг/кгканцерогенни 18,3—95 мкги, 1000 мкг/кг 701,7 мкги парчаланиб кетар экан. Ифлосланган тупроқда канцероген моддаларни бирламчи миқдорининг пасайиши, уни тупроқни пастки қаватларига шимшлиши оқибатида ҳам рүй беради.

Масалан, нефтни қайта ишлаш заводи атрофида канцероген моддаларни ернинг 1,5 метрлик чүкүргизгіда топилғани ҳамда бенз(а)пиренни грунт сұвларигача бориб етгани маълум.

3,4 бенз(а)пиренни тупроқдаги таъсирга чидамлилиги ҳам экологик, ҳам гигиеник ажамиятта зерттеуде. Баъзи бир олимларнинг фикрича, 3,4 бенз(а)пирен тупроқда анчагина чидамли. Масалан, нерозин моддаси тупроққа тушгандан сүнг 10—12 ойда парчаланарад экан. Тонкопийни фикрича, 3,4 бенз(а)пирен тупроқда 11—20 кундан кейин 22—50% камайган. З хил тупроққа солинган нерозин 14—16 ойдан сүнг парчаланиб тугаган, айниқса, актив реакцияяға зерттеуде бұлған тупроқда незаринни йүқолиши тезроқ үтганды. Бириңчи 10 кунда pH 4,5 реакцияяға зерттеуде бұлған тупроқда үртатача 95% бенз(а)пирен парчаланғани, pH-6,6—85,6%, pH—7,2 бұлғанданда парчаланиш 49,2% га етган.

Умуман, 3,4 бенз(а)пиренни тупроқдаги фон миқдорига етиши учун күпчилик олимларнинг фикри ҳар хил. Г.И.Сидоренко тупроқда лаборатория шароитида 99% канцерогенни йүқ бўлиши учун 4,3—5,2 йил керак. Шудгор шароитида эса 3,6—5,2 йил ўтиши керак. Яннуева ва бошқаларнинг фикрича канцерогенни парчаланиши учун 2—4 йил керак бўлади. Я.М.Шабаддининг фикрича тупроқдаги канцероген моддасини фон миқдори 1 кг тупроқда 13 мкг аниқланса бўлади. Чунки, абиоген ва биоген жараёнлар шуни тақозо қиласы.

Үқорида зикр қилингандардан келиб чиқадиган хulosса шуки, канцероген моддалар қаерда бұлмасин ерга тушади, ердан яна үсімлик танасига, ҳавога, ер ости сувларига үтиб, уларни заарлаши мүмкін. Инсон шу атроф-мухит ичида бүлгани учун унинг организмында комплекс ҳолда үтиши мүмкін, яғни ҳам чант, ҳам озиқ-овқат, сув ва атмосфера ҳавоси билан организмни заарлайды. Үтказилган ўнлаб тажрибалар шуни күрсатдикі, канцероген моддаларни қайси экосистема факторлари орқали организмта тушмасин барып рак касаллігіні чиқаради. Ҳаво билан кирса юқори нафас йүлларидә (үпкада күпроқ), сув ва озиқ-овқат билан кирса, касаллік ошқозон ичак системасыда, тери орқали таъсир күрсатса, терида рак касалліклари пайдо бўлади (В.А.Книжников, N.Waterman, Л.Ф.Ларионов ва бошқалар).

Шундай қилиб, канцероген моддалари, жумладан, 3,4 бенз(а)пирен қайси йўл билан организмга тушмасин, улар қонга тушади, қон орқали орган ва системаларга тарқалади ва бутун органларни заарлайды, жумладан, жигарни, қизил ўнгачни, ўлкани, буйракни, тўқима ва ҳужайраларда үсімта касаллікларнинг ривожи учун имконият туғилади.

Канцероген моддалар билан атроф-мухитдаги инсонни ўраб турган муҳитни ифлосланишини назарда тутиб, энг асосий экологик муаммо эканини тушунмоқ касаллікни келиб чиқишини олдини олмоқ асосий вазифа бўлиб ҳисобланади.

4. Атроф-мухитни канцероген моддалар билан ифлосланишдан мухофаза қилишининг йўл-йуриқлари

Инсонни ўраб олган атроф-мухитни канцероген моддалар билан ифлосланишдан мухофаза қилишда энг асосий вазифалардан қўйидагилар ҳисобланади:

1. Атроф-мухитни канцероген моддалар билан ифлосланишини кузатишини ташкил қилиш зарур.
2. Атроф-мухитнинг канцероген заҳарли моддалар билан заарланиши ва келиб чиқадиган үсімталы касалліклар ўртасида ўзаро боғланишлар борлитини аниқлайдиган услубларни ишлаб чиқиш лозим.
3. Бу услублар, аҳолини турли табақалари ўртасида аниқланиладиган үсімта касаллікларни канцероген моддалар билан ўзаро боғланишлари борлитини билибгина қолмай, балки

келажақдаги бўладиган ўсимтали касалликларни илмий асосда олдиндан кўра биладиган бўлишни тъминлаш керак.

4. Канцероген моддаларни меъёрини ишлаб чиқиш услубларини мукаммаллаштириш, яъни уларнинг айримлари учун ва бир нечта канцерогенлар учун ва асосан улар организмга комплекс турли йўллар билан тушганда қайси меъёрда бўлишини аниқлаш ва ишлаб чиқиш зарур.

5. Ва шулар асосида, инсон учун рухсат этиладиган меъёрни асослаш зарурати туғилади.

6. Канцероген моддаларни атроф-мухитга тарқатадиган манба ва сабаб бўлаеттан объектлардаги технологик жараёнларни янгилаш, иложи борича ҳавога, сувга ташланадиган канцерогенларни микдорини ўта камайтириш, уларни чиқиш жойларида зарарсизлантириш, нейтраллаш, рак касалини камайишида энг катта профилактик ҳисса бўлади.

IX боб. Тупроқ экогигиенасининг муаммолари

XX асрнинг ўрталари XXI асрнинг бошларида атроф-муҳитнинг энг асосий обьектларидан бири бўлмиш тупроққининг инсоннинг антропоген фаолияти оқибати таъсирида ниҳоятда ифлосланадигани, тупроқ билан бевосита ва билвосита боғлиқ жонли ва жонсиз табиатнинг аҳволи экологик нуқтаи назардан борган сари нокулай ҳолатни келтириб чиқараётгани, айниқса, тирик жонларга катта муаммоларни келтириб чиқараётгани ачинарли ҳолат.

Аслида, тупроқ атроф-муҳитнинг бир бўлаги, табиатнинг тириклиги асосларидан. Ундаги физик, химик, биологик жараёнларнинг узлуксизлиги ҳаётни таъминлайди. Тирик жонларнинг ҳаёти тупроқ билан чамбарчас боғланганлиги тарихий фактдир. Инсонларни, ҳайвон ва ўсимликларни, микроорганизмларнинг тириклиги, соғлиги, ривожи генетик ҳолати, насл-насаби тупроқ билан боғлангандир.

В.Р. Вильямс фикрича, тупроқ жуда мураккаб минерал ва органик моддалар аралашмаси бўлиб, унда доимо кимёвий, биохимиявий, физик ва бошқа жараёнлар тинимсиз ҳаракатда бўлади. Ундаги ҳаёт ва тирик жонлар бир-бири билан боғланниб кетган, тупроқнинг ўзи ҳаёт. Юқорида зикр қилинган жараёнлар ҳаракатдан қолса, тупроқ «ўлган тупроқ» қа айланади. Дарҳақиқат, тупроқда доимо ҳаёт қайнайди. Тупроқ қатламида пайдо бўладиган ўзгаришлар фақаттана табиий ўзгаришлар бўлибгина қолмай, балки ундаги ўзгаришларга инсоннинг ўзи катта таъсир кўрсатувчи факторга айланмоқда. Жумладан, инсоният томонидан ерларни ўзлаштириш жараёнлари, ўрмончилик, маданий ўсимликлар ўстириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тупроқ (ер) устида катта-катта иншоотлар қуриш, саноат корхоналарини барпо қилиш, сув омборларини яратиш, ўрмончиликни ташкил қилиш, ерлар мелиорациясини яхшилаш, тупроққа кўп миқдорда минерал ўғитлар, заҳарли моддаларни сепиш ва бошқа чора-тадбирлар тупроқ таркибини, ундаги кетаётган жараёнларни ўзгартириб юборишга қодир бўлиб қолди. Тупроқдаги физик, кимёвий биохимик ўзгаришлар унинг таркибий қисмини, унда кечадиган жараёнларни тоҳо яхши, тоҳо салбий томонга ўзгартириб юбормоқда. Бундай

ўзгаришларнинг чуқурлиги унга ташланаётган заарли омилларнинг меъёрига, заарли даражасига, физик, кимёвий хусусиятларига кўпдан боғлиқдир.

Ҳозирдаги тупроқ қопламасидаги ўзгаришлар яққол кўриниб, экологик ноқулайликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Саноат корхоналари кўп жойлашган ҳудудларда, тупроқдаги ўзгаришлар ниҳоятда сезиларли, негаки саноат корхоналари томонидан тупроққа ташланадиган кимёвий чиқиндилар (ҳам қаттифи, ҳам суюғи) уларни рНни турли томонга ўзgartирмоқда, улар органик ва ноорганик моддалар билан турли хоссага эга бўлган металлар билан тўйинмоқдалар. Техника тараққиёти ерни рельефини ўзgartирмоқда, бაъзи бир жойларда конларда ўта чуқурлашиб, баъзи бир жойларда чиқиндилар ҳисобига баланд тепаликлар пайдо бўлмоқда, ўтлоқ ерлар чиқиндилар билан тўлмоқда.

Фанга шу нарса маълумки, тупроқнинг таркибида жуда кўп микроорганизмлар мавжуд. Улар табиатга, ундаги кечётган жараёнларга ижобий таъсир кўрсатса, баъзи бирлари инсон ва бошқа жониворларга зарар бўлувчи омиллар бўлиб иштирок этади.

Ҳозирги вақтда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли турар жойларнинг, яъни шаҳарларнинг, йирик қишлоқларнинг тупроқдарининг таркиби табиийликдан анча йироқдир, улар экологик мувозанатни ушлаб туролмайдиган ҳолатта келиб қолдилар.

Аслида, табиий тупроқ экологик мувозанатни ушлаб турувчи асосий омил ҳисобланади, аммо шаҳар шароитида атмосфера ҳавоси, сув, сув ҳавзалари қандай салбий таъсирга учрат экан, ҳозирда тупроқ ҳам шундай таъсирга учрамоқда, у одам, ҳайвонлар, ҳатто ўсимлик дунёсига ҳам зарар берувчи факторга айланмоқда.

Ҳозирда тупроқ гигиенаси номли фан мавжуддир, аммо амалиётда буни тан олиш керак, тупроқ гигиенасига етарли аҳамият берилаётгани йўқ. Тупроқ, биосферанинг асосий компонентлари сифатида, атроф-муҳитнинг асосий биологик фактори сифатида, анчагина аҳамиятлироқдир, чунки у дунёвий модда алмашиш жараёнида актив қатнашадиган, тупроққа ташланаётган чиқиндиларни зарарсиз ҳолатта келтирувчи, асосий биологик омил сифатида иштирок этади. Яъни, тупроқ, сув, ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси бир-бирлари билан чамбарчас боғланганлигини исботидир. Тупроқ шундай хусусиятга эгаки, унга тушган «органик

моддалар ўз-ўзидан тозаланадилар, бу жараён «органик моддаларни ўз-ўзидан тозаланиш жараёни» деб аталади. Тупроқдаги органик моддалар микробларнинг ферментлари таъсирида парчаланади, минерализация жараёни кетади, ўсимликлар томонидан қабул қылғанған минерал моддалар ўзларининг олдинги миқдорига қайтади ва тикланади.

Шундай қилиб, тупроқ табиатдаги энг катта, мураккаб лаборатория, биологик, биохимик, кимёвий ва физикавий жараёнлар доимо мавжуд ва ҳаракатада.

1. Тупроқнинг модда алмашиниш жараёнидаги роли ва унинг гигиеник аҳамияти

Одатда, инсон билан тупроқ орасидаги ўзаро боғланиш модда алмашиниш жараёнлари билан амалга ошади. Тупроқ ҳам тирик жониворларга, уларнинг ривожи учун, ҳаёти учун жуда зарур бўлган озуқа моддаларини етказиб берувчи асосий омиллар. Ўсимликнинг ўсиши учун, инсон ва ҳайвонларнинг ривожи, насл қолдириши тупроқ орқали етказилган озиқ-овқатларга боғлиқдир. Шундай қилиб тупроқ, ер устида яшаётган одамларни, ҳайвонларни ва микроорганизмларни озиқ-овқат билан таъминлайдиган объект ҳисобланади.

Демак, тупроқнинг табиий сифатининг бузилиши, унинг биологик қийматини пастга тушириб, ўзини ўзи тозалаш жараёнларини издан чиқаради, ундағы биологик реакцияларни ўчиради, оқибатда аҳоли, ҳайвонлар ва ўсимликлар ўртасида касалликлар бошланади.

Ундан ташқари, минерализация жараёнларининг пасайиши оқибатида пайдо бўлган минерал тузлар, яъни калий, натрий, кальций, фосфор, азот, натрий ва нитратлар ер ости сувларига эриган ҳолатда фильтрланиб ўтиб, уни зааралрайди. Шундай сувларни истеъмол қилувчилар ўртасида турли касалликлар тарқалади. Айниқса, болалар ўртасида метгемоглобинемия касаллиги келиб чиқишига олиб боради. Бу айниқса, ёш болаларда кузатиласи. Бизда бундай касалликлар Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида учраб туради.

a) Тупроқ ва сув ҳамда чиқинди сувлар билан ўзаро боғланиш

Инсон ўзининг кундалик эҳтиёжи учун ернинг чуқур қатламларидан сувни олиб ишлатади. Бу, ўз навбатида, инсон ва ҳайвонот организмида модда алмашиниш жараёнларини таъминлайди. Ҳаётнинг ривож топишига имкон яратади. Ерости сувларининг сифати, кимёвий, физикавий, биологик таркиби тупроқнинг сифатига, унинг таркибий қисмига жуда боғлиқдир. Сувнинг сифати тупроқ сифатини акс эттиради. Чунки, тупроқдаги эриган тузлар, турли минерал моддалар сув таркибига ўтади. Демак, тупроқ ифлосланса ифлосликларнинг 70—80% сувга ўтади, минерал моддалар бўлса 100% ўтиши мумкин. Аммо, бу жараёнлар тупроқнинг фильтрлаш хусусиятига, ундаги жоғиворлар миқдорига боғлиқ.

Тупроқнинг ифлосланишини сув ва очиқ сув ҳавзаларига тўғридан-тўғри таъсирини атмосферадан ёғиладиган ёғингарчиликка боғлаш мумкин. Кўпроқ бўлган ёғингарчиликлар ерни устки қатламларидаги ифлосликларни ювиб, тўғридан-тўғри сув ҳавзаларига ташлаши мумкин. Шунинг учун ҳам сув ҳавзаларини суви ёғингарчилик даврида жуда ифлосланиб, у давр ўтгач, сув анча тозаланади ва сувдаги ўзини-ўзи тозалаш жараёни анча шиддатлироқ ўтади.

Ёғингарчилик даврида сув ҳавзаларидаги сувлар пестицидлар, гербицидлар, минерал ўғитлар, гўнг, супринди, ифлосланган тупроқ, хашак, барг ва бошқа моддалар билан, кейинги вақтларда полимерпластик моддалар билан, яъни поливинил хлоридли плёнкалар, баклажкалар, целофанлар билан ифлосланади. Булар, ўз навбатида, сувнинг сифат кўрсаткичлари бузилишига олиб боради. Айниқса, хўжалик чиқиндилари билан ифлосланган сувнинг сифат кўрсаткичлари ўта бузилади. Бу эса, аҳоли ўртасида турли юқумли ва юқумсиз касалликларнинг тарқалишига олиб боради.

Шуни айтиш зарурки, тозаланмаган ёки чала тозаланган хўжалик ва саноат корхоналарининг сувлари тупроқ таркиби табиий ҳолатини бузиб деградацияга (бузилишига) олиб боради.

Шунинг учун ҳам, аҳоли турар жойлари тупроқларини ифлосланишдан асраш биосферанинг бошқа элементлари тозалитини сақлаб қолишга имкон яратади. Акс ҳолда, ифлосланган тупроқ атмосфера ҳавосини, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳам зарарлаши мумкин.

Тупроққа ташланадиган қаттиқ ва суюқ чиқиндиларнинг миқдори ҳеч қачон тупроқда кечадиган ўзини-ўзи тозалаш жараёнига

түсиқ бўлмаслиги керак. Демак, тупроққа ташланадиган ҳар бир чиқиндининг меъёри бўлиши керак.

Кейинги 10—15 йиллар ичида қаттиқ чиқиндиларнинг таркибий қисми жуда ҳам ўзгариб кетди. Жумладан, Stephan Liong (Вашингтон) келтирған далилларга қараганда, АҚШ мамлакатидаги аҳоли турар жойларидаги йигилган қаттиқ чиқиндиларнинг таркиби текширилғанды қуидагича фоизда аниқланилди. Яъни, қофоз 31,3, ойна синиклари 9,7, пластмассалар 3,4, ёғоч маҳсулотлари 3,7, озиқ-овқат қолдиқлари 17,6, метал маҳсулотлари 9,9, латта, пахта ва бошқалар 1,4, бошқа чиқиндилар (тупроқ, кум, майда тош, супринди) 20,4 фоизни ташкил қиласди. АҚШда йигиладиган чиқиндилар 64,3 млн. тонна, шулардан 49,1 млн.тоннаси қофоз бўлса. аҳоли томонидан ташланадиган қофозлар миқдори 26,0 млн.тн, савдо шохобчаларидан йигиладиган қофоз аҳлатлар 23,1 млн. тоннага етади.

11-жадвал

Дунё мамлакатларининг энг қатта шаҳарлари аҳолисини жон бошита бир күнлик йигиладиган хўжалик аҳлатлари кг.да

Мамлакатлар	Шаҳарлар	Йигиладиган қаттиқ аҳлатлар кг.да. жон бошита 1 кунда
Венгрия	Будапешт	0,53—0,68
ФРГ	Гамбург	0,585
Англия	Франкфурт	1,030
Швейцария	Эдинбург	0,65
	Женева	0,59
Бразилия	Базел	0,49
	Риоде Жанейро	0,64
Хиндистан	Калькутта	1,060
АҚШ	Калифорния	0,930
	Лос-Анжелос	1110
Франция	Париж	0,900
	Бордо	0,800

Келтирилган фактлардан келиб чиқиб шуни айтамизки, ҳозирда хўжалик чиқинди аҳлатлар, саноат корхоналарининг чиқиндилари,

радиоактив моддалар шу даражада кўпки, уларни йўқотиш, зарарсиз ҳолатта келтириш дунё мамлакатлари олдида турган энг катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Тупроқ, нормал ҳолатда турли микроорганизмлар, макроорганизмларнинг маконидир, уларнинг ривожига тупроқнинг шароити, pH, унга ташланаштириш, айниқса, саноат корхоналарининг чиқиндилари ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Макроорганизмлардан ташқари тупроқда бир хужайрали содда жониворлар, моярлар, чувалчанглар, бактериофаглар, пашша ва уларнинг тухумлари, ҳашаротларнинг тухумлари ва улардан чиқсан куртлар, гельмент тухумлари ва ҳоказолар яшайди.

Тупроқ таркибида тирик жонларнинг мавжудлиги сабабли, унга ташланган органик моддаларнинг парчаланиши, қолаверса, минерализация жараёнлари анча фаоллашади, натижада тупроқ кўп нарсалардан тозаланади.

Тупроқдаги жуда кўп микроорганизмлар сапрофит гуруҳидаги микроорганизмларга киради. Аммо, унда кўп юқумли касалликларни тарқатувчи патоген ва спорали микроорганизмлар ҳам яшайди.

Тупроқ шароитида полимиэлит, гепатит, энтрорвируслар кўпроқ учрайди ва касал тарқатади.

Гигиеник ва эпидемиологик нуқтаи назардан энг хатарлиси микроорганизмларни тупроқда кўпроқ яшаши ва инсон организмига зарар беришидир. Мисол тариқасида шуни айтмоқ зарурки, ичбуруқ касалини келтириб чиқарувчи флекснер микроби, тупроқда 25 кундан 100 кунгача сақланиб қолиши мумкин, қорин тифи, паратиф микроблари 100 кундан 400 кунгача сақланиб қолади. Ботулизм касалини чақиравчи спорали микроб тупроқда 15 йил яшаши мумкин, куйдирги касалини келтириб чиқарувчи микроб ҳам 15—18 йил тупроқда қолиб, ўзини патоген эканлигини билдириши мумкин. Бундай тупроқлар экологик нуқтаи назардан ўта ноқулай ҳисобланади.

Шаҳар тупроқларини тоза тутмаслик, тупроқни гижжа тухумлари билан ифлосланишга сабаб бўлади.

Тупроқ турли саноат тармоқларидан чиқсан чиқиндиларнинг тушишидан ҳам ифлосланади. Жумладан, М.Гусевнинг, А.Комилжоновнинг ва бизларнинг илмий далилларимиз тупроқни турли минерал тузлари билан ифлосланишини кўрсатмокда.

Саноат корхоналари жойлашган жойдан анча узокроқдаги худудларда 10—15 км. масофада тупроқни корхона чиқиндилари

билин ифлосланиши аниқланган. Қызиги шундаки, тупроқ, саноат корхонаси ишлаб чиқарадиган маңсулотта, мутлақо тұғри келмаган бошқа маңсулот билан ҳам ифлосланиши мүмкін. Масалан, корхона алюмин ишлаб чиқаради, аммо атроф-мухит фтор элементи билан қаттық ифлосланади. Тожикистанда жойлашган алюмин заводи 20—30 км. масофада жойлашган Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани ҳудудидаги тупроқтарни, үсимлик дүнёсини фтор элементи билан ифлосланғанлыгининг гувоҳимиз.

Олмалиқ шаҳрида жойлашган мис, рух, кўрғошин ишлаб чиқариш корхонасининг дудбуронлари орқали ҳавога ташланадиган чиқиндилар шаҳар атрофи тупроқтарини, Пскент тумани (2—30 км радиус)даги тупроқтарни юқорида келтирилгандай элементлар билан, сульфат кислотаси билан ифлосланғанлиги А. Комилжонов томонидан аниқланган.

Автотранспортлардан чиқадиган заҳарли газлар ва тетраэтилсвиец билан кўча ён бағрида жойлашган ерларни ифлосланишининг гувоҳи бўлмоқдамиз, ундаи ифлосланишлардан рак, анемия, сурункали бронхит, астмоид бронхитларни пайдо бўлишини М.И.Гусев, А.Н.Золотов, М.Пинигин, А.Комилжонов далилларида кўришимиз мүмкін.

Автомобил транспорти ҳавони ацетон, окисли азот, алдегидлар, қурум, юқори молекулали карбон сувлар билан ифлослантириши мүмкін. Улар, ўз наебатида, тупроққа чўкиб, уларни заарлайди. Проф. Фельдманнинг далилларига қараганда, автомобилларнинг дудбуронларидан 200 хил турли заҳарликлар ажралиб чиқади ва пировардида тупроққа тушади.

Кишлоқ хўжалигига ишлатиладиган ҳар хил заҳарликка эга бўлган, ўта чидамли кимёвий моддалар тупроқни заарлаши аниқ. Жумладан, хлорорганик моддалар ўта чидамлидир. Улар тупроқ таркибида 1,5 йилдан 15 йилгача парчаланмай ёки чала парчаланиб, ўз таъсирини тупроқ чанглари орқали дала ишчиларига кўрсатиши мүмкін.

Кейинги йилларда тупроқнинг турли фосфорорганик моддалар билан, гербицидлар ва бошқа инсектицидлар билан заар топгани ҳақида далиллар келтирилмоқда.

Заҳарли химикатларнинг чидамлилиги тупроқнинг таркибиغا, pH-га, унинг таркибидаги органик моддаларнинг миқдорига, ҳаво ҳароратига боғлиқ.

Юқорида зикр қилингандардан келиб чиқадиган хулоса шуки, тупроқни муҳофаза қилиш, одамларни турли касалликлардан асрashдир.

Тупроқни муҳофаза қилиш комплекс чора-тадбир бўлиб, бунга агротехник, гигиеник, санитар-техник, биологик ва бошқа чора-тадбирларни ишлатиш зарур бўлади. Акс ҳолда, тупроқ орқали келиб чиқадиган юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олди олинмай қолади.

Шунинг учун ҳам тупроқни турли чиқиндилардан асрash, атроф-муҳит элементларини ифлосланишдан асрash ҳамда касалликнинг олдини олишдир. Шундан кўриниб турибдик, экологлар, агротехник ҳодимлар, қолаверса, врачларнинг асосий вазифаларидан бири, тупроқни асрash ва муҳофаза қилишдир.

2. Тупроқнинг асосий хоссалари ва уларнинг гигиеник, экологик аҳамияти

Қайси турдаги тупроқ бўлмасин, ҳаммасини гигиеник нуқтаи назардан ҳисобга олиб, уларнинг фойдаланишига қараб уч турга бўлинади:

а) турар жойлардан ташқарида жойлашган табиий тупроқ, бундай тупроқлар қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун, янги курилишлар учун фойдаланилади.

б) турар жойлар учун ҳосил қилинган сунъий тупроқ, бундай тупроқ аҳоли турар жойларида ҳосил бўлган, аммо саноат корхоналаридан чиқсан ахлат ва чиқиндилар уларни доимо ифлослантириб ва заарлаб келади.

в) сунъий қопламалар тагидаги тупроқлар, яъни асфалт, бетон, шағаллар остидаги ерлар.

Тупроқлар механик таркибига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади, яъни қумли, қумли лойли, лойли, қумоқ тупроқлар, қорамтири, қора, қизил шағалли, лойқумли ва бошқалар.

Экогигиеник нуқтаи назардан тупроқнинг юза қавати аҳамиятлидир, бунга тупроқни ҳайдаладиган қатлами, яъни 25—30 узоди билан 35—40 см.ли қавати киради. Тупроқда кечадиган минерализация жараёнлари тупроқнинг шу қаватида рўй бериб, тупроқ тозаланади. Турли чиқинди моддаларни заарсиз ҳолатга келтиради. Тупроқнинг бу қаватида турли қишлоқ хўжалиги экинлари экилади.

Тупроқнинг чуқурроқ қаватида биноларнинг фундаменти, водопровод ва канализация трубалари ётқизилади. Тупроқнинг шу қаватида ер ости сувларининг шаклланиши бошланади, яъни фильтрланиши, сув таркибидаги осигулик моддалар, микроблар, гельмент тухумлари ва бошқалар тупроқка шимилиб, ушланиб қолади. Ўсимликлар тупроқни шу қаватидан озуқа олиб ҳосил беради, илдиз отади ва ҳоказо.

Ёғингарчилик оқибатида пайдо бўлган сувлар ернинг 12 метрли қатламида фильтрланиб, сув ушлаб турувчи қаттиқ қатламида йигилиб боради. Бундай қатлам бўлмаса ундан ҳам чуқурроқ қатламида йигилади, жумладан, 60—80—100—120—200 метр ва ундан ҳам чуқурроқда сув ўтказмас қаватларида сақланиб йигилиб боради. Шундай қилиб ер ости сувлари пайдо бўлади. Шуни айтиш керакки, ернинг турли қаватларида сувни юқорига ёки пастга йўналтирувчи капилярлар мавжуд. Шу капилярлар ўсимлик илдизларини сув билан тъминлайди, ер ости сувларининг тўпланишига ёрдам беради.

А) тупроқнинг ғоваклиги.

Тупроқнинг ғоваклиги ва унинг тузилиши структурасига боғлиқ. Тупроқ ғовакли бўлса, модда алмашиниш жараёнлари анчагина шиддатлироқ ўтади. Тупроқнинг заррача доналари йирикроқ бўлса, ғоваклари шунча кўп бўлади. Қумли тупроқнинг ғоваклиги 40%, торфники 82%, катта ғовакли тупроқ тошлиқи тупроқдадир. Энг кичик ғовакли тупроқ лойли тупроқдир.

Тупроқнинг табиий ғовакларидан ташқари, уларда табиий ёки сунъий дарзлар топилади, демак ернинг бутунлигини бузилиши мумкин, бундай дарзлар кемирувчи ҳайвонлар фаолиятидан, ерни силкинишидан, уни портловчии моддалар ишлатиб инсонни ўзи ҳам пайдо қилиши мумкин. Масалан, қувурлар ётқизилганда, кудуқлар ковланганда, ерга катта бетонли қозиқ қоқишида ва бошқа ҳолатларда дарзлар кузатилиши мумкин.

Ер қатламларидаги ғоваклар қанча кўп бўлса, унинг фильтрлаш хусусияти шунча кўп бўлади, яъни ифлосликлар анча чуқур қатламларга етиб бориши мумкин.

Б) тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлиги.

Тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлиги унинг қатлами ғоваклигига, ғовакларнинг катта-кичиклигига боғлиқдир. Агар, бир минутда майда қумдан ўтган ҳавони бирлик деб қабул қилинса, шундай шароитда ўртача бўлган қумдан 84 ҳажмда ҳаво ўтади, йирик қумдан 981 ҳажм, майда шағал тошдан 5195 ҳажмда ҳаво ўтади. Тупроқнинг

ҳаво ўтказгичлиги барометрик босим ошиши билан ортиб боради, аксинча тупроқ қатламини намлиги ҳаво ўтказувчанликни пасайтиради. Тупроқ ғоваклари сувга тўлиб қолса, унинг ҳаво ўтказиши жуда пасаяди, агар, бордию ғоваклар сувга тўлса, унинг устига совуқда яхласа ҳавонинг тупроқ қатламидан ўтиши нолга тенг бўлиб қолади.

Аслида, тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлиги ва унинг оксиген гази билан таъминланиши экогигиеник, эпидемиологик нуқтаи назардан катта аҳамият касб этади. Сабаби, тупроқ шундай хусусиятга эга бўлса, тупроқнинг органик моддалардан тозаланиши анча шиддатли ўтади, яъни парчаланиши, оксидланиши, минерализация-цияланиши тез боради.

Шунинг учун ҳам йирик заррага эга бўлган қуруқ тупроқлар соғлом тупроқ номини олган. Уларда ўз-ўзини тозалаш жараёни яхши ўтади. Намлиги юқори бўлган тупроқлар, жумладан, ботқоқ лойли тупроқлар соғлом эмас, улардаги минерализация жараёнлари ҳам суст бўлади. Ўз замонасида бундай тупроқларни Абу Али ибн Сино касал тупроқ деб атади. У бундай тупроқли майдонларга бино қуриш мумкин эмаслигини исботлаб, ўзининг Тиб қонунлари китобида ёзиб қолдирган.

В) тупроқнинг фильтрлаш хусусияти.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги деганда, унинг юзасидан келадиган сувнинг шимиби олиниши ва пастки қаватларга ўтказиш хусусияти тушунилади. Тупроқдаги сувнинг шимишини фильтрлаш жараёнининг биринчи босқичи, бунда ҳамма ғоваклар сувга тўлади. Тўйинган тупроқ сувнинг оғирлик кучи таъсирида уни ҳаракатга келтириб, иккинчи босқичи, яъни фильтрлаш босқичига ўтади. Тупроқнинг сув ўтказгич хусусияти тупроқдаги сув томчиларини йиғишига, ер ости сув ҳавзаларини ҳосил қилишда катта аҳамият касб этади.

Ер ости сувлари аҳолининг ичимлик суви билан таъминлашда катта рол ўйнайди, ундан ташқари ҳалқ хўжалиги обьектларини сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда ҳам аҳамиятлидир. Тупроқнинг фильтрлаш хусусияти, туар жойларда пайдо бўладиган хўжалик чиқинди сувларини тупроқ ёрдамида заарсизлантиришда катта аҳамият касб этади.

Г) тупроқнинг сув сифими.

Тупроқнинг сув сифими унинг шимиш ва капиляр кучлар воситасида ўзида намликни ушлаб қолиш хусусиятидир. Тупроқнинг

сув сиғими фильтр сувларининг шимиш кучи сабабли рүёбга чиқади. Тупроқнинг сув сиғими, унинг ғовак ўлчамлари, қанчалик кичик бўлса ва ҳажми қанча ортиқ бўлса, сиғими ҳам катта бўлади.

Шунинг учун ҳам тупроқнинг донадорлиги қанча юқори бўлса, унинг сув сиғими шунча катта. Текширишлар шуни кўрсатадики, ўртача шағал 7% сув ушлайди, йирик қум 23%, ўртача қум 47% ва майда қум 65% гача сув ушлаши мумкин.

Тупроқнинг юқори намлиги экогигиеник нуқтаи назардан кам аҳамиятга эга, чунки намлиги кўпроқ бўлган тупроқларда биноларнинг фундаменти намланади, уйларнинг деворларини зах босади, могорли микроорганизмлар ривож топади, ўзига хос ҳидлар пайдо бўлади, бундай тупроқларга тушган ахлатлар зарарсиз ҳолатта келмай қўшимча экологик ҳолатни бузувчи манбага айтаниб қолади. Бундай тупроқлар носоғлом тупроқ дейилади.

Д) тупроқнинг капилярги.

Тупроқнинг турли қатламларидан намлик капиляр найлар ёрдамида юқорига кўтарилиши, паст қатламларига ҳам фильтрланишини тупроқнинг капилярги дейилади. Тупроқнинг донадорлиги кам бўлса, бошқача қилиб айтганда тупроқ заррачалари майда бўлса, у ғовакли бўлади ва капилярларга бой бўлади, сувнинг кўтарилиш даражаси ҳам юқори бўлади. Тупроқ капиляргини юқори бўлиши гигиеник талабга жавоб бермайди, чунки бундай тупроқларга уй фундаментини қуриш нокулай ҳисобланади. Уй бинолари, турли маъмурий идоралар ва бошқа бинолар лойиҳаланётган вақтда тупроқнинг бу хоссаси ҳисобга олинмас, унда бинолар қурилиб битгач, унинг подвал хоналарига сув йиғила боради, чивин ва каламушларга макон бўлади, бошқача қилиб айтганда нокулай шароит туғилади.

Масалан, зилзила оқибатида зах иморатларнинг мўрт бўлиб қолиши, фундаментда дарзларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар кузатилади. 1966 йилдаги Тошкентда бўлиб ўтган зилзила Тошкент шаҳрини бошқача лойиҳалаш, замон талабига тўғри келадиган биноларни, туар жойларни қуришга даъват этди.

Натижада қиёфаси мутлақо ўзгарган гўзал Тошкент шаҳри тикланди. Аммо, кўпчилик қурилган биноларнинг подвалларида сувлар йиғилиб қоладиган бўлиб қолди. Чивинларни кўпайишиган имкон туғилиб қолди. Бундай аҳвол, лойиҳачи ва қурувчиларнинг айби билан вужудга келди. Подвалдаги чивинлар, каламуш,

тараканлар кўпчилик аҳолининг тинчлигининг йўқолишига олиб бормоқда. Лойиҳачилар томонидан бино қурилишларини лойиҳалаш даврида, тупроқнинг хоссаларини ўрганилмаганлиги, лойиҳаларни фундаментал ишланилмаганлиги асосий сабабидир.

Иккинчи мисол, Арманистоннинг Спитак шаҳаридаги зилзила кўпчиликни жонига жабр бўлганилтидан хабаримиз бор. Бу асосан, лойиҳачиларнинг хатоси эканидан дарак беради, бу шошқалоқлик билан қилинган ишларнинг оқибатидир, бу тупроқнинг капилярлик хусусиятларини ўрганилмасдан қилинган ишлардир.

2. Тупроқ таркибининг экологиеник аҳамияти

Тупроқнинг турлари қанча кўп бўлмасин, уларнинг таркиби ҳам ҳар хил. Уларнинг таркибидаги органик ва ноорганик моддалар микдори, микроэлементлар ва макроэлементлар микдори ҳар хилдир. Улар енгил эрийдиган ва эримайдиган бирикмалар таркибida бўлиб, минерал тузлар шаклида учрайди. Улардан ташқари, тупроқнинг таркибida ҳаво, газлар, микро ва макроорганизмлар мавжуддир. Шу сабабли тупроқнинг экологиеник ҳолатига қараб юқумли, юқумсиз касалликлар тарқалиб кўзга ташланиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам, экологлар, гигиенистлар, санитария врачлари турли минтақаларда экологик, гигиеник нуқтаи назардан тўғри келадиган, касал тарқатмайдиган тупроқларни билишларини тақозо қиласди. Буни аниқлаш учун турар жойларнинг, экин экиладиган ҳудуд тупроқларининг саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар тупроғининг таркибий қисмларини билишлари шарт.

12-жадвал

Тупроқнинг тозалигини қўрсатувчи гигиеник ва санитария қўрсаткичлари

Тупроқ	0,25 м ² тупроқда пашшаларни личинкаси	1 кг тупроқ- даги гель- минтлар микдори	Коли- титр	Анаэроб- лар титри	Санита- рия раками
Тоза	0	0	1 ва ундан юқори	0,1 ва ундан юқори	0,8—1,0

Кам ифлосланган		10 гача	1,0—0,01 ва юқори	0,1—0,001 ва юқори	0,85—0,98
Ифлосланган	10—25	11 дан 100 гача	0,01—0,001	0,001—0,0001	0,70—0,80
Ўта ифлосланган	25	100	0,001 ва ундан паст	0,0001 ва ундан паст	0,7 ва ундан паст

Тупроқнинг ноорганик моддалари, асосан кристалли силицийлик тупроқлардан ёки кварцдан иборат бўлиб, улар 60—80% ташкил қиласи. Тупроқнинг минерал қисми, асосан алумосиликатдан иборат бўлиб, улар дала шпати, хлорид, шаффоф минераллар ва бошқалардан ташкил топган. Тупроқнинг асосий таркибий қисми она жинсга (порода) жуда боғлиқ, қолганларини инсоннинг ўзи фаолияти билан ўзгартириб юбормоқда.

Тупроқ таркибидаги алумосиликатлар ва силиций тупроқларидан ташқари, Менделеев даврий системасидаги ҳамма элементлар учрайди. Микроэлементларнинг жуда кўпчилиги инсоннинг, ҳайвонларнинг қонида, ферментлар, гармонлар таркибидаги, сукда, жигарда, талоқ, буйрак ва бошқа тўқималарда учрайди. Ўсимликларни маҳсулотларида, тўқималарида, баргларида органик моддалар билан бирикмалар ҳолида учрайди ва таркиб топади. Улар: темир, фтор, йод, мис, рух, селен, кўргошин, марганец, ош тузи, молибден, бор, стронций ва бошқалар. Дунёвий модда алмашиниш шароитида тирик жонлар таркибидаги макро элементлар, микроэлементлар охир пировардида тупроққа, тупроқдан яна қайта орган ва системаларга ўтади. Бу жараёнда қуёшнинг нури, ҳарорати, намлик ва бошқа биологик, биохимик, кимёвий, физикавий факторлар катта аҳамият касб этади (13-жадвал).

3. Тупроқнинг органик моддалари

Тупроқнинг ўзининг табиий органик моддалари бўлиб (гумус кислоталари, фульвокислоталар), бу моддалар тупроқнинг микроорганизми томонидан синтез қилинади, улардан ташқари тупроқлар учун бегона органик моддалар инсон фаолияти оқибатида ҳосил бўлган ва бўладиган моддалар, ўсимликларнинг баргларидан, таналарининг чиришидан ҳосил бўладиган моддалар, тупроқ таркибидаги пайдо бўлади.

13-жадвал

**Табиий тоза ва эндемик ҳудуд тупроқларида
микроэлементларнинг миқдори**

Микро- элементлар	Тоза тупроқ оғирлигига нисбатан фоизда	Эндемик туманлар тупроғи			
		Мутлоқ куруқ тупроқда мг/кг	Етарли эмас мг/кг	Норма- даги ҳолат мг/кг	Ортиқ- ча мг/кг
Йод	$5 \cdot 10^{-45,0}$	5,0	2–2	5–40	40
Марганец	$8,5 \cdot 10^{-2}$	850,0	400	400–3000	3000
Кобальт	$8 \cdot 10^{-4}$	8,0	2–7	10–30	30
Мис	$2,0 \cdot 10^{-3}$	20,0	6–15	15–60	60
Рух	$5 \cdot 10^{-3}$	50,0	30	30–70	70
Молибден	10^{-4}	3,0	1,5	1,5	1,5
Бор	$1,10^{-3}$	10,0	3–6,0	6,0–30,0	30
Стронций	$3,5 \cdot 10^{-2}$	350	600	600 – 1000	
Фтор	$2,10^{-2}$	200	250	250	2000

Тупроқ таркибидаги гумус моддаси, унинг сингдириш ҳажмини яхшилайди, тупроқнинг физик ҳусусиятларини ўзгартириб, ҳосилдорлигини оширишга имкон турдиради. Гумуснинг таркиби корбон элементига бой, ундан ташқари олимларнинг далилларига қараганда жаҳон мамлакатларининг тупрогининг гумуси таркибидаги азотнинг миқдори 150 млрд. тоннага тенг экан. Ҳатто азотта нисбатан энг камбағал тупроқда (дерновоподзолистой) 20 см қаватининг бир гектарида 24 тонна азот ушлар экан. Қора тупроқ азотни 20–30 тоннасини бир гектар ерда ушлайди. Одатда ернинг гумуси (оксил моддаси) секин-секин микроблар таъсирида парчаланиб, керак бўлган миқдордаги азотни ўсимликни ҳосилдорлигини оширишга ўзлаштирадиган миқдорда етказиб беради. Гумусни секин парчаланиши, ўсимлик дунёсидан етарли ҳосил олишнинг асосий гаровидир, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш гаровидир.

Аммо, инсоннинг антропоген фаолияти таъсирида тупроқ таркибида ҳам карбонни, ҳам азот ва унинг тузларини ва заҳарли бўлган фторни, кўрошинни, маргумишни, селен, молибденни ва бошқаларни миқдори ортиб кетиши кузатилмоқда. Унинг органик моддалар билан ифлосланиши тупроқда микроорганизмларнинг кўтайишига имкон яратмоқда. Бошқача қилиб айтганда, тупроқ одамлар, ҳайвонлар, ўсимлик ўртасида касал тарқатувчи омилга айланниб қолмоқда, эпидемиологик, гигиеник, экологик жиҳатдан хавфли бўлмоқда.

4. Тупроқнинг намлиги

Тупроқнинг намлилигининг гигиеник аҳамияти шундаки, вируслар, микроблар, гельминт тухумлари, бир ҳужайрали оддий ҳайвонлар ва бошқа тирик жонларнинг ҳёти, ривожи намлик, яъни сув билан чамбарчас боғланган. Тупроқда кечадиган биологик, биохимиявий, кимёвий жараёнларнинг ҳаммаси, ўзини ўзи тозалаш ва бошқалар намлик билан боғлиқдир.

Тупроқдаги намлик тупроқ заррачалари билан мустаҳкам боғланган суюқлик ва буғ ҳолатда бўлиши мумкин.

Одатда, сув суюқ ҳолатда қўйидагича учрайди:

А) тупроқнинг дона заррачалари юзасидан конденсациялашган гигроскопик сув ҳолатида;

Б) тупроқ заррачаларининг юзасида парда ҳолатида ушланиб қолган сув;

В) капиляр сув ҳолатида;

Г) гравитацион эркин сув ҳолатларида бўлади.

Сувнинг бундай ҳолатдаги қўринишларининг тупроқдаги ифлосликларни ҳаракатта келтиришда роли каттадир. Гигроскопик ёки мустаҳкам боғланган сув ўсимлик илдизи ёки бактериялар томонидан ўзлаштирила олмайди. Парда ҳолатидаги сувни фақат бактериялар ўзлаштириши мумкин, ўсимлик илдизлари бу сувларни ўзлаштира олмайди. Бактериялар ва ўсимликларни ўзлаштиришдаги сувлар, булар эркин гравитацион ва капиляр сувлардир. Демак, кимёвий моддалар, бактериялар, вируслар билан ифлосланишида пардали, эркин ва капиляр сувларнинг аҳамияти каттадир.

5. Тупроқнинг ҳавоси

Тупроқда ҳавонинг айланиб юришини гигиеник аҳамияти каттадир. Негаки, тупроқда кечадиган модда алмашиниш жараёнлари асосан атмосферанинг ҳавоси иштирокида амалга ошади. Атмосфера ҳавоси тупроқ ҳавоси билан доимо алмашиниб боради. Тупроқ ҳавосининг сарфи микроорганизмлар таъсирида органик моддаларини парчалаш учун кетади. Бундай сарф CO_2 моддасини (газини) пайдо бўлиши билан кузатилади ва бошқарилади.

14 -жадвал

Тупроқ ҳавоси миқдорининг унинг чуқурлигига нисбатан ўзгариши

Тупроқ чуқурлиги (метрда)	Тупроқ ҳавосидаги газлар миқдори фоизда	
	Оксиген	Карбонат ангидриди
0,2	20,0	0,6–0,8
1	19,2	0,9–1,0
2	1,6–19,0	2,9–3,0
3	15,7–16,8	4,1–5,6
6	14,2–15,0	4,2–8,0

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, тупроқ 0,2 метр чуқурлигидаги ҳавонинг миқдори атмосфера ҳавоси миқдорига тенг келади. Ҳаттоқи 3 метр чуқурлиқдаги тупроқ ҳавоси таркибидаги оксиген миқдори 15,7 дан 16,8 фоиз атрофида аниқланилади. Шундан маълумки, одатда қаерда намлик етарли бўлса, ҳаво оксигени нормада бўлса органик моддаларнинг оксидланиш, парчаланиш жараёнлари анча шиддатли ўтади. Бошқача қилиб айтганда ўз-ўзини зарарли органик моддалардан тозалаш мумкин бўлади.

Хўжалик чиқинди ахлатлари ва ҳайвон чиқиндилари билан ифлосланган тупроқ ҳавосида минерализация жараёнлари оқибатида пайдо бўлган карбонат ангидриди, амиак, сероводород (H_2S) ва бошқа газлар кўпроқ бўлади.

Келиб чиқадиган хуоса шуки, тупроқ ҳавосини кимёвий таркибини ўрганиб, ундау тупроқтарга экогигиеник баҳо бериш мүмкін.

6. Тупроқнинг гигиеник ва экологик аҳамияти

Тупроқ, дарxaқиқат катта лаборатория. Бу лабораторияда доимо тұхтосыз, мураккаб кимёвий, биологик, фотокимёвий жараёнлар содир бұлади. Бу жараёнлар оқибатида тупроқда органик ва неорганик моддалар синтезланады, улар протолетик ферментлар ва бошқа жараёнлар таъсирида парчаланады, минерализация реакциялар кетади. Шунинг оқибатида тупроққа тушған ахлатлар, чиқынди сувлар, ўсимлик баргларининг чириндилари, гүнглар ва бошқалар зарарсиз ҳолатта келади.

Ернинг рельефи жойнинг иқлимиға, унинг ўсимлик дүнёсига, атмосфера ҳавосига, сув ҳавазаларига ўзининг таъсирини күрсатади. Шунға қарамай, кейинги 20—30 йиллар ичидә ташланған ахлатларнинг структурасы ёмон, салбий томонға ўзгараётгани туфайли, тупроқнинг ифлосланиш даражаси тобора ортиб бормоқда.

Жумладан, саноат корхоналарининг дудбуронларидан чиқаётган, атмосферага ташланған миллиардлаб тонна чиқынди захарлы газлар, өндерлер, куллар, курум ва канцероген, мутаген, аллерген моддалар ер юзасига тупроққа тушмоқда. Инсоннинг антропоген фаолияти оқибатида тупроққа пестицидлар, гербицидлар, минерал ўғитлар, биостимуляторлар, полициклик ароматик моддалар, карбон сувлар, саноат корхоналарининг қаттық чиқынди ахлатлари ва бошқалар ташланмоқда. Автотранспортдан, унинг корхоналаридан чиқаётган ва ташланған нефт маңсулотлари, ақоли турар жойларда пайдо бўлаётган ахлатлар, полимер пластик моддалар ва бошқалар, ер юзини, тупроқни ниҳоятда юқори даражада ифлослантириб юбормоқда.

Ваҳолонки, тупроқ ернинг устки пўстлоғи бўлиб, ерда ҳаётни таъминловчи, биосферанинг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади. У, биосферанинг элементтери сифатида инсон учун ерда биогеохимик шароитни туғдириб берувчи омиллар, она замин факат инсон учун эмас, балки ҳайвонот дүнёси, ўсимлик дүнёси ва бутун жониворлар дүнёсини ҳаёт билан, озуқа, сув, ҳаво билан таъминловчи заминдир. Факат тупроқ, тирик жонларни озуқа билан таъминловчи озуқий моддалар ишлаб чиқувчи, юқори даражада

энергияни сингдирувчи, ўз-ўзини тозалаш хусусиятини ўзига сингдирған объектдир. Ер ва тупроқ табиий бир тана сифатида атмосферадаги ёғингарчылайларни бошқарувчи, сувларни йиғиб ўсимлик, ҳайвонот дунёсига, инсониятта трансформация қилувчи күпприк сифатида хизмат қилади.

Тупроқ иқлим таъсирида, инсонияттың антропоген фаолияти таъсирида жуда қийин ахволга тушиб қолди, у тобора шиддатли равишда ифлосланмоқда, заарламоқда, эрозияга учрамоқда. Тупроқ, инсонияттың маңавий қашшоқлигидан әзилмоқда ва маылум даражада инсондан қастини олмоқда, яъни ҳосилдорлиги камаймоқда, шүрламоқда, күчмоқда ва ҳоказолар.

Агар, биосфера элементларини ўзаро бир-бирларига боялаганликларини, бир-бирларига ўзаро таъсир күрсатиб туришларини күз ўнгимизга келтириб, бироз бұлсада ўйлаб күрсак, инсон ўзининг эҳтиёжини қондириш мақсадыда ўйламасдан қилаёттан ишлари охир пировардиде унинг ўзига зарба бериши аниқ. Чунки, тупроқни ваҳшийларча ифлослантириш ўз-ўзидан занжирли реакцияни бошлаб юборади, яъни бу ифлосланиш ўсимлик ва ҳайвонот, микроблар дунёсига салбий таъсирини күрсатади, у атмосферани, сув ҳавзаларини ифлослантирувчи иккинчи асосий объектта айланиб қолади, охир оқибатда бундай занжирли реакциядан, агар бундай ифлосланишларнинг олди олинмаса, инсоннинг ўзи азобга қолади.

Тупроқ биосферада кечеёттан модда алмашиниң жараёнларыда әнг актив қатнашаёттан бу жараённинг, ўзини ичига олган қисмидир. Бу жараён оқибатида сувдаги, ўсимликтер, ҳаво таркибидаги элементлар бевосита бир объектдан иккинчисига ўтаверади, ўз таъсирини күрсатаверади. Инсоннинг антропоген фаолияти натижасыда биосфера қийин ахволга тушиб қолди. Сабаби, бутун дунёдаги ахолининг демографик ўсиши, уни оқиатта бұлган эҳтиёжини қондириш мақсадыда техника ривожидан фойдаланиш тупроқнинг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб бериши имконияти борган сары пасайишига олиб бормоқда (тупроқнинг эрозияси, шүрланиб бориш, гумус моддасының борган сары камайиб кетиши, агротехника фани ютуқларидан оқилюна фойдаланмаслик шундай салбий оқибатларга олиб келди.

Булардан ташқари, тупроқнинг ифлосланиши турли касалликларнинг ахоли ўртасыда тарқалиш механизмида катта рол ўйнамоқда.

15-жадвал

Патоген микробларниң тупроқда яшаш муддати

Касаллик күзғатувчи инфекциялар	Чиқиндилар	Яшаш муддати кун ҳисобида
Вабо вибриони	Нажасда Хожатхона чиқиндисида Чиқинди сувда	20–216 7–12 2–15
Қорин тифи таёқчаси	Нажасда Хожатхона чиқиндисида Чиқинди сувда Ошхона чиқиндисида	30–100 30–150 6 4
Паратиф таёқчаси	Үй чиқиндисида Ошхона чиқиндисида Үй суприндисида	42 24 107
Ичбуруғ таёқчаси	Ошхона чиқиндисида Үй суприндисида Балғамда	5 24 120–200 с
Күйдирги таёқчаси	Үй суприндисида	10–14 йил
Ботулиzm микроби	Тупроқда	10–14 йил

Тупроқнинг, гигиеник ва экологик нуқтai назардан қараганда, ўзига хос томонлари бор. Яъни, табиатнинг бошқа обьектларига қараганда (сув, ҳаво) кам ҳаракатли, шу сабабли унда ўзини ўзи табиий тозалаш жараёни уларга қараганда анча кучсиз. Инсоннинг антропоген фаолияти оқибатида тупроқнинг танасига ташланадётган ахлат ва турли чиқиндилар айниқса, ташқи мұхит таъсирларига чидамлилари йиғилиб бораверади. Заарарлы омиллар унинг қаърига шимилиб пастки чукур қаватларига ҳам етиб боради, ер ости сувларини, айниқса, қудук сувларини ифлослантириб, касал тарқатишга имкон туғилади. Ифлос, заарарлы омиллар йиғилиб, бир-бирларини кучини оширишга, бошқа моддаларни, заҳарлиги күчлироқ бўлган моддаларни синтезланиши имконияти туғилади.

Масалан, нитрозоаминалар буларни пайдо бўлишида азот ушловчи минерал ўғитларнинг роли жуда каттадир, нитрозоаминалар ҳозирда ўсимтали касалликлар чақиришда аҳамиятли деб топилмоқда.

Экзоген кимёвий моддаларнинг бир муҳитдан иккинчисига ўтиши (миграция жараёнлари) тупроқда секинроқ кечади, шунинг учун ҳам, у доимо кучлироқ ифлосланаверади, ҳатто бундай зарарли омилларнинг ҳудудларда йигилиб бориши «сунъий» биогеохимик территорияларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай ҳолатларнинг келиб чиқишини олдини олиш мақсадида экзоген кимёвий моддаларнинг рухсат этиладиган нормаларини турли тупроқларда ишлаб чиқиш услуглари, назариялари ишлаб чиқилди (Е.И.Гончарук). Рухсат этилган микдорнинг ишлаб чиқилиши катта аҳамиятта эгадир. Негаки, назорат қилиш ташкилотларини, тупроқнинг ифлосланишини кузатиш ва назорат қилиш жуда зарурдир. Экология ва гигиена фани амалиётида объектлар текширилганда уларни таққослаш ва шунинг далиллари асосида тупроқнинг заараланғанлыги тұғрисида баҳо бериш асосий мақсаддир. Сабаби, тупроқни назорат қилиш ифлосланишнинг олдини олишда чора-тадбирлар ишлаб чиқиша рухсат этилган микдор жуда құл келади. Аммо, тупроқ учун заарли омиллар нормасини (жараёни) ишлаб чиқиш амри маҳол. Айниқса, Иттифоқ парчаланыб кетилгач нормаларни ишлаб чиқувчи илмий текшириш институтларининг молиявий ҳолати бу ишларни чегаралаб қўйди. Бу борада олиб борилаёттан илмий ишларни бажариш ҳозирда Украина ва Россияда холос. Уларда ҳам бу соҳада анча түсиқлар бор.

Кези келганды шуни айтмоқни зарур деб биламиз, гап, аҳоли турар жойлари тупроқларининг ифлосланиши (айниқса, поливинил хлорид, турли полимеризация жараёнларида пайдо бўлган полимер пластик массалар билан, плёнка қопчалар, идишлар, стаканчалар, баклажкалар ва бошқалар билан ифлосланиши) ҳеч қаҷон яхшиликка олиб бормайди. Улардан ташқари тупроқнинг ўзи бошқа объектларни иккинчи ифлослантирувчи манбаъга айланәёттани катта ҳавфdir. Биз, бу ҳақда биринчи китобимизда (Инсон ва биосфера, 1980 й.) ўз фикримизни билдирган эдик. Аммо, ҳозирдаги аҳолини маънавий қашшоқлиги, бутун хаёли пул топиш билан бандлиги, ўзини атрофидаги гўзал табиат элементларини ифлосланиб бораёттанини кўрмаслик бизни ташвишга солмоқда. Булар тўғисида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Аҳоли турар жойларидаги, қишлоқ ҳўжалик экинлари

екиладиган ер майдонлари турли манбалар сабабли ҳар хил кимёвий моддалари билан ифлосланғанлыгини назорат қилиш зарурлiği 16-жадвалда көлтирилади.

16 -жадвал

**Тупроқдаги баъзи бир кимёвий моддаларни назорат қилиш
(Е.И.Гончарук)**

Назорат қилиш тартиби	Моддалар		
	Технологик жараёнларда пайдо бўлади	Қишлоқ ҳўжалик фаолиятида пайдо бўлади	Транспортлар- да фаолияти- дан пайдо бўлади
I босқич	Бенз(а)пирен, симоб, қўргошин, кадмий, Со, никел, Мо, ванадий, мис, маргимуш, рух, хром, суръма, селен, фтор (умумий миқдори)	Хлорорганик пестицидлар: ДЦТ, унинг метаболитлари, ГХЦГ, гексахлорбензол, полихлорпинен, полихлоркамфен, полихлорбен- фениллар	
II босқич	Олтингутурт бирикмалари тупроқ шўрлиги, нордонлиги, тупроқдаги металларни формалари, нефт маҳсулотлари, тупроқдаги микроорганизм- ларнинг ҳолати	Фосфор органик пестицидлар: фазалон, метафос, хлорофос, карбофос. Фосфамид, Гербицидлар: 2,4 Д, атразин, симазин, пропазин микрофлоралар ҳолати	Қўргошин, бенз(а)пирен автомобил йўллари яқинидаги тупроқлар
III босқич	Тупроқни турли қаттиқ ахлатлар билин ифлослан- гандаги ҳолати, таркиби органик моддалар,	Тупроқ минерал үғитлар билан ишланганда пайдо бўлади- таг заарарли	

	заҳарли бирикмалар, металлар бошқа органик токсик заҳарли моддалар, тупроқдаги физик ва кимёвий ўзгаришларни кузатиш	омилларни назорат қилиш	
--	--	-------------------------	--

Иловава: Ҳамма босқичларда бошқа объектлардан тупроққа ўтадиган ифлосланишлар ҳисобга олинади. Тупроқнинг ифлосланиши оқибатида бошқа муҳитларга, айниқса, ўсимлик танасига ўтадиган зарарли омилларни назорат қилиш, ўрганиш зарурияти туғилади.

Тупроқнинг ифлосланиши ва келгусида унинг табиий структурасининг бузилиши (денатурацияланиши) икки факторга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Биринчидан, атмосфера ҳавосининг глобал (жаҳон бўйлаб) ифлосланиши, токсик моддаларнинг узоқ масофаларга шамол, ҳаво билан бориб қолиши ва тупроқнинг ифлосланиши, иккинчи томонда, маҳаллий, минтақавий манбалардан чиқаётган токсикантлар, ахлатлар билан тупроқнинг ифлосланиши унинг табиий ҳолатини бузмоқда.

Демак, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, санитария эпидемиология станцияларнинг вазифалари, тупроқни глобал ҳамда минтақавий ифлосланиш ҳолатини назорат қилиш ва кузатишдан иборатdir. Даиллар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқишидир.

7. Тупроқни ифлослантирувчи манбалар

Тупроқни ифлослантирувчи манбаларнинг ҳаммаси икки гурӯҳга бўлинади, яъни табиий ва антропоген манбаълар. Эколог ва гигиенистлар томонидан олиб бориладиган кузатиш ва назорат маҳаллий ифлослантирувчи манбаълардан чиқадиган чиқиндиларни ҳисоблаш, анализ қилиш анча қулайроқ ва амалиётга жорий қилиш мумкин. Жумладан, стационар ёки маҳаллий саноат корхоналари: тошкўмирни ёқиб электроэнергияни олиш объектлари (ГРЭСлар), нефт маҳсулотлари, торф, сланц ишлатадиган корхоналар ва бошқалар, атроф-муҳитга ўзларининг дудбуронлари орқали кул, охиригача ёниб битмаган қўмир заррачалари, қурум, олтингутурт

оксиди, азот, циклик карбон сувлар, маргимуш бирикмалари, мис, фтор, титан ва бошқа минералларни таштайти.

Қора ва рангли металтургия корхоналари атроф-муҳитта күрғошин оксиди, цинк, кадмий, мис, симоб, темир, марганец ва бошқаларни таштайти. Курилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари цемент чанги, оқак, фтор, ёғоч чанглари, кимё саноати корхоналари ҳавога карбон сувлар, олтингугурт оксиди, кислоталар, феноллар, эфирлар ва бошқаларни чиқаради. Булардан ташқари бу корхоналарда, ҳар бир цехда қаттиқ чиқынди ахлатлар ҳам йигилади. Юқорида зикр қилинган барча ифлосликлар атмосфера ҳавосида диффузия, аэрозол, гидрозол, чанг заррачалари ҳолатида, ёғингарчиликлар оқибатида ерга чўқади ва уни юқори даражада ифлослантиради. Ёғингарчилик оқибатида фақатгина тупроқ эмас, балки сув ҳавзалари, экинлар, ер ости сувлари ҳам ифлосланиши мумкин.

Испан олимларининг ҳисоб-китобига қараганда бутун дунёда атмосфера ҳавосига ташланадиган чиқындишлар қуйидагича: Карбон сувлар 1 млрд 353 млн. тонна, ис гази 3 млрд. 345 млн. т., карбон 237 млн.т., азот оксиди 177 млн.т., сульфат ангидриди 394 млн.т., буларнинг маълум қисми ерга тушади, чўқади. Глобал масштабда ҳар йили ер юзига ҳаводан тушадиган моддалар қуйидагича: 3 млн.т. SO_2 , 1 млн. т. NO_3 , 8,3 млн. т. ис гази, 1,75 млн.т. органик бирикмалар, 7000 т. цинк, 6,5 минг.т. күрғошин, 80 т. кадмий ва бошқа турли кимёвий моддалар 600 т. Шунинг учун ер-тупроқ нима мақсадда, қандай экин экилишини ва фойдаланишини ҳисобга олиб, сўнгра экиладиган экин тавсия қилиниши мумкин. Демак, тупроқнинг кимёвий таркиби таҳлил қилинмоғи, тупроққа баҳо берилиши зарур, албаттa тупроқда аниқланилган токсикантлар миқдори рухсат этилган миқдор билан таққосланиши керак.

Автомобил транспортидан ажralиб чиқадиган заарли омиллар бу нефт маҳсулотларининг қолдиги ва унинг таркибидир, сўнгра авторезиналарнинг ишқаланиши оқибатида таркибидаги кимёвий моддалар бўлиб булар ичида инсон учун ўта заарлиси 3,4 бенз(а)пирен, ис гази, CO_2 , оксид, азот, қаттиқ заррачалар, кадмий, мис, марганец ва бошқа металлар. Булар турли типдаги тупроқ томонидан жуда яхши шимилиб, тупроқда йигилиб боради.

Англияда, автотранспорт чиқындишларининг бир қисми карбон сувлар 580 минг тоннани ташкил қиласиди, нефт маҳсулоти ишлаб

чиқариш компанияларидаги карбон сувлар эса 310 минг т.ни ташкил қиласы.

Ю.В. Новиковнинг далилларига қарғанда, ернинг 0—5 см.ли қаватидаги автомобил йүлини ёқасидаги 15—17 метрли масофада 1 кг. тупроқда 600—1000 мг. темир оксид, 20 мг цинк, 0,20 мг құргошин, кадмий ва бошқалар топилған. Валдай тепалиги автомобил йүли атрофидаги 1 кг. тупроқдаги бенз(а)пиренни миқдори 50 мг га етган. Бенз(а)пирен тупроқни фақатгина юза қаватидагина топилмай, балки чуқурлиғи 1,2—1,5 метрдан олинған тупроқ намуналарыда ҳам топилған.

Энг хавфли, зътибор беришга арзигулик томони шундаки, жуда күпчилик дараҳтларнинг барглари, күп миқдорда атмосфера ҳавосидан заарлы омилларни шиміб олади ёки атмосферадан дараҳт барғи устига аэрозолларни чүкиши оқибатидаги ўз таркибида ушлаб қолади, натижада 1 кг. куруқ барглар таркибида граммлаб кимёвий моддалар йигилади, охир пировардидә хазонлар түкилиб, тупроққа ўша йигилған моддалар билан тушиб уни бойитади.

17-жадвал

Санкт-Петербург шаҳридаги баргларда ўсаёттан хвой ва кустар ўсимликлар баргларидаги микрозлементлар миқдори

Усимлик түрлери	Барглар	Микrozлементларнинг миқдори, мкг, %							
		Курғошин	марганец	хром	никель	мис	барий	ко-бальт	мо-либден
Майды баргли липа	Ёзги бор	692-801	934-13850	762-935	415-467	1108-1468	692-934	374-400	415-467
	Михайллов борғи	644	537	1181	644	1502	537	359	1073
Үткір баргли кпён	Ёзги бор	346-665	776-9800	610-634	333-403	497-932	265-932	299-461	311-333
	Михайллов борғи	703	985	774	492	2673	703	422	563
	Таврик борғи	615-941	833-922	307-470	871-941	870-971	470-615	307-647	359-412
Дуб дараҳти	Ёзги бор	225-1208	412-3133	524-1790	225-1119	1423-4924	337-2238	225-1029	262-2238
	Михайллов борғи	298	331	442	276	1215	276	243	386
Берлин тераги	Смольний борғи	276-363	418-6138	563-767	225-349	869-893	256-348	307-377	385-488

Сибирекедри	Врачлар малакасини ошириш институты бөгі	88	80	117	44	160	44	102	95
Венгрия сирени	Смольний боги	289-544	673-761	529-762	289-362	1050-1196	481-653	385-435	337-598

Мисол, 1 кг. дарахт шохларидан түшган куруқ барғдан (ұазон тұқишида) 10 грамм олтингүргүт оксиди топилған. Кулагин 17-жадвалда Санкт-Петербург шаҳридеги хвой дарахтлари баргода, кустар ўсимлик баргода йиғилиб қолған металлар миқдори келтирилади (Кулагин).

Айниқса, ер-тупроқ учун энг салбий таъсир этувчи бирикмалар, кислотали ёғингарчиликтер ұқсабланады. Улар тупроқда нордон шароитни туғдириб, ўсимликтер учун озуқа бўладиган моддаларни тупроқдан юваб юборади, тупроқдаги микрофлоралар ривожига, ўсишига тўсиқлик қиласидар, табиий ўзини ўзи тозалаш жараёнларини секинлатади, тупроқ структура тузилишини бузаб юборади, бу эса ўз-ўзидан ҳосилдорликни пасайтириб юборади.

Бундай аҳволдан қутулиш учун, иложи борича саноат корхоналаридан атмосферага ташланадиган сульфат ангидридни, азот оксидини камайтириш керак. Демак, тошкўмир, нефт ёқилғиларини ишлатиб маҳсулот оладиган технологик жараёнларни газга ўтказиш айни муддао, автомобил дудбуронларига нейтрализатор ўрнатиш, заҳарли моддаларни тупроққа тушиш йўлини тўсади.

XX аср охирларидаги ва XXI аср бошларидаги мамлактлар ўртасидаги низолар, атмосферага ташланадиган чиқиндиларни бир мамлакатдан ҳаво ҳаракати билан иккинчи мамлакатга ўтиш хавфини туғдирмоқда. Агар уни жадвалда кўрсатсанак, қизиқ ҳолатнинг гувоҳи бўламиз.

АҚШнинг шимолий шарқий ҳудудларида жойлашган саноат корхоналарининг нордон pHга эга бўлган газли чиқиндилари ҳаво намликлари таъсирида кислотали ёғингарчиликларнинг 65% сульфат ангидриди ва 35% эса, азот оксиди билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда АҚШдан Канада ҳудудига шамол билан ўтадиган чиқиндилар миқдори йилига 4 млн.тн.га етади, АҚШга эса

18-жадвал

**Сера моддасининг ҳаво орқали ўтиши
(1 йилда минг тонна ҳисобида)**

Олтингугурт оксидини ўтиши	ЧССРға	Францияга	Собиқ ГДРға	Польшага	Швецияга	Австрияга	Ва бошқа мамлакатларга
ФРГдан	130,0	118,0	102,0	96,0	42	38	246
ФРГта	ЧССР дан 58,0 дан 130,0	Франциядан 142,0	Собиқ ГДРдан 142,0	Польшадан 22,0	Швециядан	Австриядан 10	Бош дав. дан 234

Канадалан ҳаммаси бўлиб 1 млн.т. чиқинди ҳаво орқали ўтади. 18-жадвалда, Европа мамлакатларининг чегарасидан йил давомида бир-бирларига ҳаво орқали ўтадиган зарарли омиллар келтирилади (ФРГ мисолида).

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, энг кўп олтингугурт ФРГдан бошқа давлатларга кўпроқ ҳаво орқали ўтар экан. Шунинг учун ҳам, Европа мамлакатлари ўзаро келишиб 1985 йили шартнома имзоладилар. Бу шартномада ҳамма мамлакатлар ўз зиммасига олтингугурт газини ҳавога ташлашни 30% га камайтиришга имзо чекдилар, бу эса, ўз навбатида, ижобий натижа беради, ҳавога ташланадиган газнинг микдорини камайтиради.

Ер ва тупроқ учун энг долзарб мұаммолардан бири ер ости конларининг турли рангли металлар олиш мақсадида ковланиши. Миллион тонналаб тоғлар қаридан олинган жинслар (породалар) атроф-мухитни ифлослаб ётибди. Ҳар бир конларнинг атрофида 40–50 млн.тонналаб ярим чала ишланган маъданлар ётибди, уларнинг таркибидаги турли металлар ёғингарчиликларда эриб ер қаърига капилляр сувлар билан ўтмоқда.

Жумладан, сульфид рудалари таркиби ишқорий реакцияга кириб металларни ажратиб олади, улар катта микдорда, масалан, фильтрланиб сувга тушади, сув орқали кадмий, маргимуш ва бошқалар ҳайвонлар, одамларнинг ўлимига сабаб бўлади. Кадмий одам организмига кўпроқ тушса буйракни ишдан чиқаради. Суяк тўқималарини емиради, жигар функцияларини ўзгартириб циррозга олиб боради. Агар, руда таркибидаги кўргошин эриб сув таркибига ўтса ёки ҳайвон организмига ўт-ўланлар билан тушса, охир пировардида инсон организмига ўтади, болаларда ақлий

жараёнларни камайтиради, буйрак функциясини ишдан чиқаради, қонда протеин синтезини камайтиради, агар симоб металини оз концентрацияси организмга тупроқ, сув, озиқ-овқат билан тушиб қолса марказий нерв система ишини бузади, молибден бирикмалари организмда мис элементини сингишини пасайтиради. Тупроқ таркибида маргимуш, молибденнинг йигилиб бориши ўсимлик ривожини пасайтиради, ҳосилдорликни камайтиради, уй ҳайвонларини заҳарлаб ўлдириши мумкин.

Умуман олганда, конлардан, тоғлардан олинган жинслар ишлангандан сўнг ер юзасига тушадиган заҳарли металларни келтирадиган заарларини айтишга тил бормайди, улар жуда заарлидир.

Тупроққа тушган заарли омиллар қандай қилиб ўсимлик дунёсига, ҳайвонлар организмига ўтиши мумкин? Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари қўйидагиларни очиб берди.

Тупроққа тушган заарли омиллар қўйидаги занжирда инсон организмига ўтади (бевосита ва билвосита):

Тупроқ—одам организми;

Тупроқ—сув, сув ҳавзалари одам организми;

Тупроқ—сув, ўсимликларнинг маҳсулоти одам организми;

Тупроқ—сув—ўсимликлар ҳайвонлар одам организми;

Тупроқ—ҳаво—одам организми;

Тупроқ—сув—балиқ—одам организми;

Тупроқ—ҳаво—ўсимлик маҳсулотлари—одам организми ва ҳоказолар.

Юқорида зикр қилингандардан қўйидаги хулоса чиқади:

а) тупроқни турли қаттиқ, суюқ чиқиндиларни табиий йўл билан зарарсиз ҳолатга келтиришнинг аҳамияти катта;

б) ифлосланган, ҳар хил заарли омиллар билан заарранган тупроқ юқумли ва юқумсиз касалликларни тарқатувчи асосий манбаъдир;

в) ифлосланган тупроқ атмосфера ҳавосини, очиқ ва ер ости сувларини, ўсимлик дунёсини қайтадан ифлослантирувчи иккиламчи омилдир;

г) тупроқ дунёвий модда алмашинуви жараёнида қатнашадиган табиий мухит ва объектдир;

д) тупроқ, ҳам табиий, ҳам сунъий эндемик ўчоқларни, пайдо қилувчи ва эндемик касалликларнинг келиб чиқишида ва уларнинг олдини олишда ёрдам берадиган асосий объектдир.

Тупроқни ифлослантирувчи, заарловчи фактор бўлиб,

инсоннинг антропоген фаолияти ҳисобланади, яъни инсоннинг ҳаётий хўжалик чиқиндилари, саноат корхоналарининг қаттиқ ва суюқ чиқиндилари, мол фермаларининг гўнги ва суюқ чиқиндилари ва ҳоказолар.

Ҳамма чиқиндилар икки гуруҳга бўлинади, суюқ ва қаттиқ чиқиндилар.

Қаттиқ чиқиндилар:

1. Уй хўжалик чиқинди ахлатлари;
2. Кўча суприндиси;
3. Жамоа овқатланиш корхоналарининг ахлатлари;
4. Саноат корхоналари, савдо обьектларидан чиқадиган, ташланадиган чиқинди ахлатлар (қофоз, упаковка материаллари, пластмассадан тайёрланган идишлар ва ҳоказолар);
5. Гўнг, ташландиқ хашак, сомон ва бошқалар;
6. Ҳайвонларнинг (ит, мушук, молларнинг) ўлик таналари, гўшт маҳсулотларининг, ишлаб чиқиш корхоналарининг чиқиндилари;
7. Курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариши корхоналарининг ташландиқ ахлатлари.

Суюқ чиқиндилар:

1. Канализация чиқинди сувлари;
2. Саноат корхоналари чиқинди сувлари;
3. Хожатхона чиқинди ахлатлари;
4. Молхоналарнинг суюқ чиқинди сувлари.

Чиқинди ахлатларни юқорида зикр қилинган классификациясидан кўриниб турибдики, улар ҳар хил ва турли хоссаларга эга.

Улар кимёвий таркиби билан, ҳажми, оғирлиги биологик хоссалари билан, физик ва кимёвий ҳусусиятлари билан фарқ қиласи. Кишиларни жон бошига қараб, ҳайвонларнинг катта-кичиллигига, жойларнинг канализация қилинганлигига, водопровод системаси ўрнатилганлигига қараб суюқ чиқинди ахлатларнинг миқдори турлича бўлиши мумкин.

Мисол тариқасида Тошкент шаҳри аҳолисининг хўжалик чиқинди сувлари миқдори бир суткада $2,5 \text{ млн.м}^3$ яқинлашади. Ёки қаттиқ ахлатларнинг йиллик миқдори кишиларнинг жон бошига 300—400 кг.дан ортиб кетади, айниқса, пишиқчилик даврида бу миқдор кўп томонга ўзгаради. Қаттиқ ахлатларнинг таркиби, структураси жуда ўзгариб кетади, яъни пластмасса материаллари, картон, қофоз, шиша, ойна, консерва банкалари, кум, курилиш материаллари

цемент, гишт синиқлари, қипиқ, эски пахта, латта, озиқ-овқат, пўчоқ ва бошқалар. Кейинги вақтда упаковка материалларининг тури кўпайиб, уларнинг ичида полимерлардан ишланганлари кўпроқ фоизни ташкил қиласди.

Ахлатларнинг физик ва биокимёвий хусусиятлари уларнинг намлигига, органик моддаларнинг борлигига, микроблар, ҳашаротлар билан тўйинганлигига ҳам боғлиқ Намлик етарли бўлса, уларнинг заарсизланиши тезроқ кечади. Куруқ ахлат бундай хусусиятга эга эмас. Ахлатлар қандай ҳолатда бўлмасин, улар ҳам бактериологик, ҳам кимёвий томондан заарлидир. Ахлатлар таркибида патоген ва сапрофит микроорганизмлар, гельминт тухумлари билан заарланган, қулай шароитларда булар аҳоли турган жойларни ҳавосини, сувларини ифлослантиради, ёғин сувлари билан заарли омиллар узоқларга тарқалади.

Суюқ ахлатлар эса канализация шохобчалари ёрдамида шаҳар, район тозалаш иншоотларига узатилади.

а) ахлатларни чиқариб ташлаш муаммолари

Гигиена фанининг уч қонунияти мавжуд:

1. Ахлатлар қайси классга тегишли бўлмасин, ўз вақтида йиғилиши, ўз вақтида ҳудуддан олиб чиқиб кетилиши шарт;

2. Ўз вақтида олиб чиқиб кетилган ахлат заарсиз ҳолатга келтирилиши шарт;

3. Ахлат таркибидаги қайта ишлаб фойдаланиш мумкин бўлган моддалар, нарсалар утилизация қилинмоғи ва маҳсус ташкилотларга топширилмоғи шарт. Шу жараёнлар бошдан-оёқ бажарилмаса, бунда ахлатлар аҳоли ўртасида касал тарқатувчи, заҳарли газлар билан ҳавони ифлослантирувчи манбага айланади, айниқса, ҳашаротларни, кемирувчи ҳайвонларнинг кўпайишига имкон туғилади.

Ахлатларни чиқариб ташлашда уч ҳолат инобатга олинади:

1. Туар жойларнинг тўла-тўқис канализация тармоқлари билан таъминланганлиги. Бунда барча пайдо бўлган суюқ чиқиндилар қувурлар ёрдамида чиқариб ташланади, тозалаш иншоотларига етказилади. Қаттиқ ахлатлар эса шаҳар, туман ахлат ташиш ташкилотлари ёрдамида ҳокимиятлар томонидан қарор билан ажратилган ахлатхоналарга олиб бориб ташланади. Маҳсус транс ахлат ташувчи автомобиллар ҳар куни аҳоли турган жойдан ахлатларни олиб чиқиб кетади.

2. Қисман канализациялашган туар жойларда иккала система ишлайди, яъни суюқ ахлатлар канализация ёрдамида олиб чиқиб

кетилади, қаттық ахлатлар автотранс автомобиллари ёрдамида чиқарилади ва тозалаш иншоотларда қайта ишланади.

3. Туар жойларда канализация тармоқларини қуриш ва ундан оқилюна фойдаланишининг, айниқса, эпидемиологик, гигиеник, иқтисодий ва эстетик аҳамияти каттадир. Инфекциялар тарқалишининг олдини олиш аңча ўнғайлашади. Шунинг учун ҳам, шаҳар, шаҳар типидаги район марказларини канализациялаш катта аҳамият касб этади, яъни чиқындиларнинг умумий миқдорини камайтиради, суюқ чиқындилар канализацияга туширилади.

Аҳоли туар жойларини газлаштириш умумий чиқындилар миқдорини 10—30% камайтиради, чунки күмир ва ўтиналар ёқилганда кул, ёнмаган хом тошкүмирлар, ўтиналар ахлатни 20—25% га оширади. Газлаштириш шулардан холи этади.

Энг асосий экогигиеник мұаммолардан бири аҳоли туар жойларида пайдо бўладиган ахлатлардан тупроқни муҳофаза қилишdir.

Туар жойларни турли ахлатлардан ҳалос қилиш учун ҳар бир хонадонда кундалик чиқындилар учун 12—15 литрли ҳажмдаги қопқоқли оддий челаклардан, пластмассадан тайёрланган идишлардан фойдаланиш мумкин. Одамлар кўп қатнайдиган жойларда бундай идишларнинг қопқоғини очиш мосламаси ўрнатилади, уни педалтепки ёрдамида, педални босиб очилади. Бундай идишдаги чиқындилар бир сутгода бир марта контейнерларга йигилади. Чет элларда ҳар бир хонадонларга 4 хил рангли целофан халталар берилади, одатда улардан бирига озиқ-овқат қолдиги, пўчоклар, алоҳида, қофозкартонлар ва бошқалар алоҳида, ойна синиқлари, суприндилар алоҳида йигилиб, охирида маҳсус ахлат ташувчи машиналар ёрдамида туар жойлардан олиб чиқиб кетилади.

Бизнинг мамлакатимизда, сабиқ Иттифоқдан қолган услубдан фойдаланилмоқда, яъни ахлат машинаси 3—4 кунда бир марта келиб сигнал орқали аҳолини огоҳлантириб, ахлатни тўғридан-тўғри машинага ортиб олиб кетади.

Аммо, шуни айтиш зарурки, кейинги вақтларда Тошкент шаҳрида аҳолига маъкул бўлган услублардан фойдаланилмоқда, яъни ҳокимият кўрсатмаси билан аҳоли туар жойларининг 1—1,5 км. масофасида маҳсус қопқоқли контейнерлар ўрнатиладиган жой курилади, бунда 8—10 та ҳажми 250—500 литрли контейнер сифадиган, асфалт ётқизилган, атрофи 1,5 метрли девор билан ўралган майдон қурилади. Майдон, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланади. Майдонда қоровулхона мавжуд. Қоровул, аҳоли

келтирадиган ахлатларни әхтиёткорлик билан контейнерларга бұшатиб, қопқоғини беркитиб (пашша ва кемируди ҳайвонлардан асрайди), уларни түлдірилгандан сұнг, ҳар куни ахлат машиналарға юкланади ва ахлатлар шаҳар ташқарисида жойлашған ахлатхоналарға ташланади. Ахлат машинасига ахлат орттирилгандан сұнг контейнерлар ювилади, майдон тозаланади ва сув билан ювилади. Бу услуга билан Тошкент шаҳрининг ҳамма тұманларида ишлашни ташкил қилиш масалалари ҳал бўлмоқда, аҳоли шунга ўрганмоқда.

Чиқинди ахлатларни санитария ва эпидемиологик томондан әхтиёт чораларини амалга оширишда ахлатни ортиш ва туширишни механизациялаш ва бу ишда банд одамларни сонини камайтиришга имкон туғилади.

Кўп қаватли иморатларнинг ҳар бир кириш жойига (подъездига) яқинроқ хонага (бункерга) маҳсус ахлат ташлайдиган трубакувурлар ёрдамида (ҳар бинонинг қаватида ахлат ташлайдиган мослама ёрдамида) ахлат түпланади ва ўша бункердан ахлат олиб чиқиб кетилади. Бу услуга бизнинг иссиқ иқлимли шароитда ўз ўрнини топмади. Негаки экологик жиҳатдан жойларни санитария ҳолатини бузди. Ҳавони турли газлар билан ифлослантириди. Натижада ахлатдаги оксил моддалар билан заарланди. Ўз хонадонидан ахлатларни шу йўл билан олиб чиқиб кетиш шимолий районларга, ҳарорати пастроқ худудларда ишлатса балки мақсадга мос келар.

Кўпинча кўп қаватли катта уйларнинг ҳовлисига бетондан қилинган майдончаларга ахлат йиғиши учун 420—700 литр ҳажмдаги алмаштириладиган контейнерлар жойлаширилади. Бундай контейнерлар, қалинлиги 2 мм.ли қаттик тункадан тайёрланади, унинг оғирлиги 106 кг. — ахлатлар тўлгач улар қопқоғи билан зич қилиб беркитилади. Контейнер қопқоғида очиқ деразаси бўлиб, ўша тешиқдан ахлат контейнерга ташланади. Бундай ҳажмга эга бўлган контейнерлар 400—500 аҳолининг ҳожатини чиқаради. Контейнерлар ҳар суткада алмаштирилади. Агар, бундай идишлардан фойдаланиш мумкин бўлмаса, у ҳолда таги йўқ, устки қопқоқли тахтадан тайёрланған яшиклардан фойдаланилади. Булар ҳам бетон ётқизилгандан ёки асфальтланған майдонга ўрнатиласи. Бундай яшикларни оғирлиги 60 кг.та тенг. Бундай усул билан йиғилган ахлатлар, ахлат ташийдиган машиналарга белкураклар билан ортилади, бу эса оғир меҳнатдир, баҳтга қарши шундай ҳолатлар Республикада кўплаб учраб туради. Бунда куруқ ахлатлар билан

күпчилик бевосита контактда бўлади. Бу эса соғлиқ учун хавф туғдиради.

Қоида бўйича ахлатларни йифиши ва олиб чиқиб кетиш турар жойларнинг шароитига қараб алоҳида-алоҳида ҳал этилади. Бунда, йил бошида иш режаси тузилиши керак. Режада коммунал хизмат идораларининг техник анжомлари билан жиҳозланганлиги, турар жойларнинг ободонлаштирилганлиги, чиқинди ахлатларни олиб бориб ташлайдиган жойларнинг аниқлиги, узоқ яқинлиги ва бошқалар режада ўз аксини топади. Энг асосий масала, ишни унумдорлигини ошириш мақсадида механизмлардан фойдаланиш коэффициентини оширишдир.

Кейинги йилларда, ахлатларни ташиш, турар жойлардан олиб чиқиш мақсадида Россия Федерациясидан, Германия Федерал республикасидан замонавий М-9, М-30 маркали, контейнерда ва ахлат ташийдиган М-50, КО-40, М-585, М-93 маркали машиналар ҳамда Мерседес-Бенц номли ахлат ташийдиган автомобиллар Ўзбекистонга келтирилмоқда ва ишлатилмоқда. Чиқинди ахлатларни заарсиз ҳолатга келтирадиган жойлар узоқ бўлса, унда ахлатлар районлараро ахлат йифиладиган жойга тўпланади ва катта ахлат ташувчи машиналарда қайтадан ортилиб мукаммаллашган ахлатхоналарда заарсиз ҳолатга келтирилади. Аммо, шуни айтиш керакки, ахлатларни йўқ қилиш, эпидемиологик нуқтаси назардан хавфсизликни таъминлашнинг бирдан бир йўли ахлат куйдириладиган заводларда уларни ёқишидир. Ёниш жараёни 950—1100°C амалга оширилади, баҳтга қарши бундай завод бизнинг республикамизда йўқдир.

б) ахлатларни заарсизлантириш ва улардан фойдаланиши

Умуман аҳоли турадиган жойлардаги тўпланадиган ахлатларни ахлатхоналарга ташлаш аллақачонлар гигиена фани томонидан қораланган. Бу иқтисодий жиҳатдан самарасиз, ифлосгарчиликка, жойнинг санитария ҳолатини бузилишига, инфекциянинг тарқалишига йўл очадиган услубдир.

Одатда, ахлатларни гигиена фани томонидан исботланган икки йўл ёки услуб билан заарсиз ҳолатга келтириш ва улардан ҳалқ хўжалигига фойдаланиш мумкин эканлиги маълум.

1. Биотермик усул, яъни ахлатни компост қилиш, иссиқ хоналарда фойдаланиш ва мукаммаллаштирилган ахлатхоналарда заарсиз ҳолатга келтириш;

2. Ахлатни ёқиладиган, сортлайдиган заводларда заарсиз ҳолатта келтириш.

Биотермик усул түпрақ билан заарсизлантириш усулига ўшшайды, асосан органик моддаларнинг биохимик парчаланиш жараёнлари микроорганизмлар ҳисобига бўлади, аммо бу жараёнлар юқори ҳароратда ва маътум намлиқда амалга ошади, тезроқ ўзини ниҳоясига етади.

Ахлатларни компостлаш. Бу мураккаб аэробли шароитда ўтадиган услугуб, биологик жараёнлар ёрдамида органик моддалар тез чирийди ва ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирадиган ҳолга келади. Жараён, гумус деган модданинг синтези билан давом этади. Компостлаш натижасида ахлатдан бир хил рангли гүнгга ўхшашиб модда ҳосил бўлади.

Табиий ҳолатда компост жараёни бир йил давом этиши мумкин. Механизмлар ёрдамида заарсизлантириш 13 кунда туғаши мумкин.

Компостлашда ахлатларни ўз-ўзидан қизишиб, ҳароратини кўтарилиши, хўжалик ахлатлари микроорганизмлар, гельминт тухумларидан яхши заарсизлантиради. Компостлашда ҳарорат ахлатни ички чуқурроқ қаватида $60-75^{\circ}\text{C}$ кўтарилиб, касал чақирувчи патоген микроорганизмлар, гижжа тухумлари ва турли ҳашаротлар, пашшаларнинг личинкалари қирилиб кетади, одамларнинг соғлигига путур етказувчи заарли омишлар ўз-ўзидан йўқолади.

Чиқинди ахлатларни заарсизлантиришда ахлатларнинг таркибий қисми, унинг физик ҳусусиятлари, намлиги, шамоллатиш режими, ҳарорати катта рол ўйнайди. Компостлашнинг биотермик жараёнлари уч босқичда ўтади.

1. Ҳароратнинг секин аста кўтарилиши;
2. Ҳароратнинг энг юқори даражага этиши;
3. Ҳароратнинг секинлик билан пасайиши.

Биринчи босқичда спораси бўлмаган мезофил микроорганизмлар жадал кўпаяверади. Уларнинг яшаши ва кўпайиши учун кулагай бўлган ҳарорат $25-30^{\circ}\text{C}$ атрофига бўлади. Бу микроорганизмлар учун ахлат таркибидаги органик моддаларнинг, яъни карбон сувлар, оқсиллар, органик кислоталар ва бошқаларнинг парчаланиш жараёни бошланади. Мана шу даврда шароитни ёқтирган спорали термофил микроорганизмларнинг кўпайишига шароит туғилади, мезофил микроорганизмлар эса Қирила бошлади.

Термофил микроорганизмлар тахминан 42—45°C да күпая боради. Компосттеги ҳароратнинг күтарилиши бир кундан 10 кунгача давом этади. Компост жарайёниң иккінчи босқичи юқори ҳароратли бўлиб, асосан бу шароитни мезофил микроорганизмлари термофил микроорганизмларнинг ўсиши ва кўпайишига шароит туғдириб беради. Бу шароитда спорали термофилли бактериялар тез ўсиб, ҳароратни ҳар 10°C күтарилиши микробиал жараёнларни 23 маротаба оширади. Бу жараён компост ҳароратини 70°C да күтарилиганга қадар давом этади.

Компостлашнинг учинчى босқичида ундаги ҳарорат секин-аста пасаяди, ҳамма микроорганизм сони камаяди, кўплари қирилиб кетади. Агар ахлатнинг таркибий қисмини кўпроқ озиқ-овқат ташкил қиласа, унинг намлиги 65% дан ошиқ бўлгани учун бундай ахлатларни компостлаш йўли билан зарарсиз ҳолатта келтириб бўлмайди. Ахлатни намлиги қанчалик кўп бўлса, уларни зарарсиз ҳолатта келтириш масаласи қийинлашади. Компост нафас ололмайди. Шунинг учун ҳам чиқинди ахлатларнинг намлиги 45—55% атрофида бўлгани маъқул.

Компостлаш майдонлари турар жойлардан махсус санитария ҳимоя зонасида, шаҳар ва аҳоли учун қулайроқ майдонда жойлаштирилади. Компостлаш майдони текис, жуда нишаб бўлмаган, ёғингарчилик даврида сув босмайдиган жой бўлиши керак. Компостлаш майдонларининг атрофида тўпланиб қолган сувни олиб кетадиган айланма ариқчалар ковланади, ариқлар чети 25—30 см кўтарилади, ёстиқча қилинади.

Ҳар 1000 аҳолига 0,13 га ер майдони компостлаш учун ажратилади. Ахлат гараларини ташкил қилиш учун аввало ер текисланади, гарам узунлигига қараб чукурлиги 20—25 см ясси ўра тайёрланади, ўранинг чети (валик) ястиқ қилиб кўтарилади. Одатда компост ўрасини узунлиги 25—30 метр, эни эса 3 метр кентликда ясалади. Сўнгра ўрани хашак, сомон ёки дараҳт барглари билан тўлатилади, қалинлиги 8—10 см. атрофида, кейинчалик уларнинг устига хўжалик каттиқ чиқинди ахлатлари босилади, компостнинг баландлиги 1,5 метрга етказилади.

Гарам қилиш ишлари тутагач, унинг устига, ёнига 15—20 см қалинликда турорқ тортилади, ҳамма томони компост гарамига пашиша, ҳашаротлар кирмайдиган қилиб беркитилади.

Биринчи кунданоқ иқлим шароитига қарамай компостнинг ички қаватларида ҳарорат кўтарила боради, у секин-аста 40—50, гоҳо 60°C кўтарилади. Термофил микроблар ёрдамида пайдо бўлган ҳароратнинг энг юқори даражаси 70—74°C, ўртачаси 50—70°C этади,

ҳарорат 50°C га етганды касал чақируды спораси йүқ микроорганизмларнинг ҳаммаси қирилады, жумладан, ичак таёқаси гурухлари ҳам үлади. Термофил микроорганизмлар 50—60°C жуда яхши ривож топады. Компост таркибіда азот 0,75%, фосфор 0,4—0,86%, калий 0,5—0,7% миқдорида аниқданилады. Иқлими иссиқ ҳудудларда компостті намлығы нормал ҳолатда бўлиши учун (45—60% намлик) уни вақти-вақти билан намланади.

Компосттинг етилиши учун 5—12 ой зарур бўлади, бу иқлим шароитга жуда боғлиқ. Ҳар ҳолда иссиқроқ иқлимда жараён шиддатлироқ ўтади. Компост етилганда у ҳидсиз, қорамтири жигарранг, пашшаларни ўзига тортмайдиган моддага айланади. Компост етилгач, уни сим тўр билан эланади, бегона нарсалардан озод этилади, яъни тош, синиқ шишалар, темир-терсак, цемент қотишмалари ва бошқалар олиниб ташланади. Кумок, унсимон компост бир гектар ерга 20—25 тонна солинса унинг ҳосилдорлигини анча оширади, йўқотилган гумус моддаси тикланади. Энг кераклиси аҳоли ахлат чиқиндилардан қутиласди. Аммо, бу услуг кўп ҳудудларда ташкил қилинмаган, одамлар негаки бундай ишларга кўл ургиси келмайди, фақатгина қишлоқда мол ахлатларига ҳашаклар қўшиб тўплайдилар, аммо уларни беркитиш, компостлаш тўғрисида ўйламайдилар. Бу услугнинг ташкилотчилари йўқ деса бўлади. Ваҳолонки, инсонлар кўп йиллар давомида бу услугдан фойдаланганлар. Бу услугни афзаллиги, экологик жиҳатдан яхшилиги, хавфсизлиги исботланиб бўлган.

в) чиқинди ахлатларни иссиқхоналарда заарасизлантириш
 Аҳоли турар жойларидаги чиқинди қаттиқ ахлатларни иссиқхоналарда бемалол заарасиз ҳолатга келтириш мумкин. Ахлатлар аввало тош, шиша синиқлари, темир-терсаклар, фишт, бетон қотишмалари, ёғоч чиқиндилари, латгалардан озод қилинади. Кейин иссиқхоналар тупроғини тагига феврал-март ойларида солинади, устидан тупроқ тортилади. Ахлатдаги биохимик жараёнлар экзотермик ҳолатда ўтгани учун юқори ҳарорат иссиқхонани иситади, бу иссиқлиқдан фойдаланиб унга турли эрта пишар экинлар экиш мумкин. Ахлатдан пайдо бўлган чиқинди ўсимлик учун яхши озуқа ўрнини босади. Бу услугнинг салбий томони шундаки, ахлат фақатгина қиши ёки кўкламда қабул қилиниши ва тупроқ остига солиниши мумкин, бошқа вақтларда иссиқхона ахлатларни қабул қилмайди.

г) такомиллаштирилган ахлатхоналар

Ҳаммага маълумки, шаҳар ва қишлоқларда йифилган ахлатлар

ұамма вақт қишлоқ хұжалигіда ишлатилавермайды. Унинг устига ахлатларнинг тобора структурасини ўзгариб бориши, ахлат таркибидаги моддалар ичіда чидамли, тез парчаланмайдыган моддаларни пайдо бўлиши уларни кенг кўламда ишлатиб бўлмаслигига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам ортиқча ахлатларни заарсиз ҳолатта келтириш мақсадида такомиллаштирилган ахлатхона шаҳарларнинг ташқарисида энг камида 1000 метрли масофада уюштирилади. Олдин ер майдони ҳокимият томонидан ажратилади, санитария-эпидемиология станцияси назорати ва рухсати билан такомиллаштирилган ахлатхона қурилади, унда ер ости сувларини неча метр чуқурлиқда ётгани, қайси йўналишда оқишига, тупроқни фильтрлаш даражасига, шамол оқимига катта аҳамият берилади. Ахлатхонанинг атрофи турли ҳайвонлардан эҳтиёт қилинади. Ахлатлар мөъерида булдозерлар ёрдамида бир чеккадан ёйилади, усти ва ён бағрига 0,25—0,30 метр тупроқ билан беркитилади. Бу ахлатларни пашшадан, атроф-муҳитни нохуш ҳидлардан ҳоли қиласы. Тупроқ билан беркитилган ахлат ичіда биохимик жараёнлар анча шиддатли кечади, ҳарорат 70°C кўтарилади, органик моддаларни бир қисми гумусга айланса, бир қисми парчаланиб минерализациялашади, патоген микроорганизмлар, гижжа тухумлари қурилади. Такомиллаштирилган ахлатхоналар тўлганидан сўнг қалин тупроқ билан устига бостирилади, текисланади, режаланади, 10—15 йил ўтгач, биохимик жараёнлар тўла-тўкис тамом бўлгач, дарахтзорларга айлантирилади, ободон масканга айланади.

Кейинги йилларда ахлатларни сортировка қилингандан сўнг, биотермик камераларда заарсизлантириш услугидан фойдаланилади. Бундай биотермик камераларда биохимик жараёнлар 13 кун давом этади, ахлатлар заарсиз ҳолатга келади.

д) ахлатларни ёкиш йўли билан заарсизлантириш

Бу услугнинг бошқалардан фарқи шундаки, чиқинди ахлатлар эпидемиологик, гигиеник ва эстетик нуқтаи назардан хавф ва зарар бермайдыган тежамкор услугидир. Бунда ахлатларни заарсиз ҳолатга келтириш тез ва қатъий ҳал этилади, ахлатхонага ер майдонлари кўп талаб қилинмайды, унинг ёнишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар, иссиқлик ҳалқ хұжалигини турли тармоқларида ишлатилиши мумкин.

Ахлатларни ёкиз заарсизлантириш қўйидаги ҳолатларда тавсия қилинади.

1. Ахлат миқдори жуда күп бўлганда, ер майдонини ахлат учун ажратиш қийин бўлган шаҳарларда тавсия қилинади.

2. Дам олиш жойлари, курорт, санаторийлар ва бошқа дам олиш масканларининг чиқиндиларини тез йўқотиш учун шароит бўлмаганда.

3. Саноат корхоналари жойлашган жойларда, кўпроқ тошкўмир ахлатларни асосий қисми бўлганда, ахлатларни компост йўли билан йўқотиб бўлмаганда.

4. Эпидемиологик ва эстетик жиҳатдан ноқулай, хавф туғдирадиган касалхона, санатория, профилактория, ветеринария ва бошқа обьектларнинг ахлатларини ёқиб заарсиз ҳолатга келтириш мумкин бўлганда.

Чиқинди ахлатларни ёқиши, куйдириш учун уларнинг қуруқ бўлиши, янги, чиримаган, намлиги 45% ошмаган бўлгандагина ёқиши услуби орқали йўқ қилинади. Ахлатларни ёқиб, заарсиз ҳолатга келтирувчи заводлар аҳоли турар жойлардан 300—500 метр масофада рухсат берилади, ундан узокроқ бўлса аҳоли учун янада яхшидир. Бундай қурилаётган заводларда ахлат чиқиндиларини ёқиш 1000—1200°C атрофида амалга оширилади. Чиқиндилар ёниши оқибатида пайдо бўлган иссиқлик ҳаммомларда, иссиқхоналарда, кичик биноларни иситишда қўлланилиши мумкин.

е) чиқиндиларни йиғиш ва саралаши

Маълумки, катта шаҳарларда жуда күп ахлатлар аҳолининг сонига қараб тез йиғилади, шунинг учун иқтисодий жиҳатдан анча самарали бўлган саралаш заводлари қуриш замон талабига жавоб беради. Ахлатларни саралайдиган корхоналарни қуриш замон талабидир.

Бундай корхоналарни қуришдан мақсад ахлатларнинг таркибидағи ҳамма керакли бўлган тайёр маҳсулотларни ва бошқа нарсаларни (қофоз, картон, темир, пластмассадан тайёрланган идишлар, шишалар ва бошқалар) утилизация қилиш мақсадида сараланади ва қайта ишлаш завод ва корхоналарига юборилади, ҳосил бўлган тикланган маҳсулотлар халқ хўжалигининг турли соҳасида ишлатилади. Кези келганда шуни айтиш керакки, Европа мамлакатларида, Япония ва Хитойда ахлатлардан рационал фойдаланишни жуда яхши биладилар, шунинг учун чиқитсиз корхоналарни яратишда жуда юқори даражада технологик жараёнлардан фойдаланадилар.

Ахлатларни саралаш заводларида куйидаги ишлар бажарилади:

- ахлатни қабул қилиш ва саралаш;
- керакли чиқиндиларни ажратиб олиш;
- майда чиқиндиларни элакдан ўтказиб йириклари ажратилиб олинади, энг майдаси ўғит сифатида фойдаланилади;
- қолган ахлатларни ёкиш, имкон бўлса ҳосил бўлган иссиғидан фойдаланиш.

8. Шаҳар кўчаларини тоза тутишнинг экологогигиеник аҳамияти

Катта шаҳарларда кўча, йўлка ва парк, майдонларни покизалигини сақлаш энг муҳим тадбир қаторига киради. Сабаби шундаки, минглаб автомобиллар, минглаб дўконлар, ошхоналар, дараҳтлар, минглаб ҳар хил характерга эга бўлган инсонлар, хоҳлаймизми, йўқми шаҳарларни ифлосланишига, покизалигини бузишга имкон яратади. Масалан, 1000 м² майдонда бир йилда 15 м³ ахлат йигилади, буларнинг таркибий қисми ҳар хил, асосан супринди, кум, тупроқ, қофозлар, папирос қолдиқлари, хазонлар, тупроқлар ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам шаҳар кўчалари, парк ва майдонлари ҳар куни тозаланмаса экологик ва гигиеник жиҳатдан ноқулай ҳолатни келтириб чиқаради, шаҳарнинг эстетик ҳолати бузилади, ҳавога кўтарилган чанг тўзонлар ҳаво орқали автомобил дудбуронидан пуркалган заҳарли газлар билан ўпкага ва қонга ўтиб, организмни заҳарлайди.

Тарихдан бизга маълумки, ота-боболаримиз озодаликка жуда катта аҳамият берганлар, сувга туфламаслик, ахлат ташламаслик, жамоатчилик жойларида ахлатни йиғилиб қолмаслигини таъминлаш, аҳоли ўртасида озодалик, орасталик соҳасида сухбатлар олиб бориш йўлга кўйилганди эди. Энди-чи? Ҳозирда бу масала мураккаблашди. Шаҳарда ахлатлар 3—6, ҳатто ўн кунлаб қолиб кетади. Ахлатхоналар тўлиб, тошиб кетади. Қоида бўйича шаҳар кўча ва майдонларида ахлат йиғиладиган жойларда, ахлатлар қиши вақтида 3 кун ичида, ёз вақтида ҳар куни олиб кетилиши керак.

Ахлатларнинг узоқ вақт қолиб кетиши, эстетик ноқулайликни келтириб чиқаради, уни устига улар турли микроорганизмлар, паща личинкалари, кемирувчилар ва турли касал ташиб юрувчи ҳашаротларнинг маконига айланади. Шуларни ҳисобга олиб табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, санитария назорат органлари жорий санитария назоратини кучайтиришлари керак.

Қишлоқ шароитига ҳайвон ахлатларини йиғиш ва асрашни түғри уюштириши турли гижжа тухумлари ривожланишини, қолаверса трихиониллеоз, эхинококкоз, тениоз ва бошқа касалликлар тарқалишининг олдини олади. Бунинг учун гүнгларни компостлаш, гүнг йиғиш майдонларини ташкил қилиш ва бошқа чоратадбирларни күриш керак. Бу атроф-муҳитни асрашга, санитария ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Қолаверса трихиниллез, эхинококкоз, тениоз ва бошқа касалликлар тарқалишининг олдини олади.

9. Шаҳарларнинг экологик ва санитария ҳолатини таъминлашда санитария назоратини уюштириши

Ҳаётда энг мушкул ишлардан бири турар жойларнинг санитария ҳолатини сақлашадир. Чиқинди ахлатларнинг эстетик, санитария, экологик, эпидемиологик томонларини ҳисобга олиб, чиқинди ахлатларни ўз вақтида йиғиш, ўз вақтида шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетиш, ўз вақтида заарсиз ҳолатта келтиришнинг қонун ва қоидалари ишлаб чиқилган. Шу қоиданинг бирорта босқичи бузилса, ҳеч қачон шаҳарнинг тоза ва покизалигини сақлаб бўлмайди. Бу ишларни бажариш, фақат юқори ташкилотлар томонидан тасдиқлангандан сўнг амалга оширилади. Одатда жойларни тозалигини сақлаб туриш коммунал хўжалик идораларига, назорат эса санитария органларига юклатилиди. Ҳозирда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташкил қилингач, назорат қилиш пастки туман, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш идораларига ҳам юклатилди.

Санитария назорат қилиш органларининг вазифалари:

1. Огоҳлантириш санитария назоратини олиб бориш;
2. Тозалаш иши билан шуғулланувчи корхоналар ишини назорат қилиш;

3. Чиқинди ахлатларни тозалаш иншоотларида, яъни ассенизация шудгорларида, компост қилиш майдонларида, ахлатларни кўйдириш, ёқиш корхоналарида қайта ишлашни назорат қиласи;

4. Шаҳарларнинг ифлослиги туфайли келиб чиқсан касалликларни ўрганиш, таҳлил қилиш, айниқса, ошқозон-ичак юқумли касалликларини ўрганиш, сариқ касаллигини келиб чиқишини, гельминтоз касаллигининг тарқалишини ўрганиш;

5. Одатда шаҳарларнинг кенгайини, аҳолининг демографик ўсишини, келажакда шаҳар тараққиётини кўзда тутиб, уларни тозалигини таъминлаш мақсадида, экологик ҳолатларни олдиндан кўриб, 5—10 йилга мўлжаллаб лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Беш йилга мўлжалланган лойиҳаларда аниқ вазифалар кўрсатилиди ва шу лойиҳалар асосида иш олиб борилади. Шунга яраша шаҳар коммунал хўжалиги, район ташкилотлари ҳозирги замон талабига жавоб берадиган асбоб ва анжомлари билан таъминланади ахлат ташиш автомобиллари, ассенизацион машиналар, тракторлар, булдозерлар, ер ўядиган механизмлар, хуллас керак асбобларни ҳаммаси бўлиши шарт.

Шаҳарларни тозалашни ташкил қилиш лойиҳалари таркибига:

- тозалашни бош режаси;
- режали вазифалар;
- иншоотларнинг, корхоналарнинг лойиҳалари;
- ишни бошқариш режаси ва бошқалар киради.

Санитария врачларининг вазифалари юқорида зикр қилинган, бажарилиши зарур бўлган ишларда актив қатнашиш. Шаҳарларнинг тозалигини таъминлаш лойиҳа ва режаларини амалга ошириш, бу режалар ками кўстсиз бўлиши учун қўйидаги факт ва далиллар ўрганилиши керак.

1. Жойларнинг табиий шароити, яъни рельефи, тупроғи текис-ноткислиги, иқлими, ёғингарчиликлари, шамол ҳаракати ва йўналиши;

2. Шаҳар ва унинг районларининг санитария ва экологик ҳолати;

3. Аҳоли ўртасида юқумли ошқозон-ичак касалликларини, гельминт касаллигини тарқалишини;

4. Тозалаш жараёнларининг барча босқичларини қайси аҳволда эканини;

5. Канализацияни ҳозирги аҳволи ва келажакда тараққий этиш режаларини аҳволи;

6. Аҳолининг районлар миқёсида зичлиги ва сони демографик кўрсаткичлари;

7. Майдонлар, тураг жойлар, уларни фонди, кўча ва хиёбонларнинг ободонлаштирилгани;

8. Кўкаламзорлаштиришнинг аҳволи, шаҳар, район ирригация шохобчалари, фавворалар, сув ҳавзаларининг аҳволи;

9. Шаҳар ва район марказларида дам олиш жойлари, парклар, дам олиш зоналари, ҳожатхоналар ва уларнинг аҳволи ва бошқалар;

10. Газификация, электр тармоқлари, водопровод тармоқларининг аҳволи.

Аҳоли тураг жойларини тоза тутилишини лойиҳалаштириш учун ҳозирги ва келажакда йиғиладиган турли ахлатларнинг миқдори тўғрисида маълумотлар режага вазифалар сифатида киритилади.

Тозалашының бош тархидә құйидагилар ўрин топади:

а). Шаҳарни тозалашының умумий режаси (бош режа);

б). Үй-жойларни мунтазам тозаланиб туриши режаси;

в). Ахлатларни заарсизлантириш услуглари ва улардан фойдаланиш режаси;

г). Ахлатларни тупроқ ёрдамида заарсизлантириш учун ер майдонларининг көнглиги, ҳажми;

д). Ақоли учун зарур бүлгап коммунал объектларнинг мавжудлиги: ҳожатхоналар, транспортлар учун парклар, ахлат ёқадиган ўчоқларнинг борлиги;

е). Күча ва майдонларни супириш, йиғишириш, тозалаш, сув сепиш, ювиш ва ҳоказолар;

ж). Лойиҳа бўйича тозалаш ва уни бошқариш таннархи (қиймати, харажати).

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган лойиҳа асосида хонадонлардан, маҳаллалардан йигиладиган чиқынди ахлатларни режали равища тозалаб олиб чиқиб кетиш ётади, канализация бўлмаган жойларда ҳожатхоналардан ахлатларни тезроқ олиб чиқиб кетилиши шарт. Шу вазифалар амалга оширилганда район, шаҳар ҳудудлари озода туриши мумкин. Бунда касалликлар тарқалишининг олди олинади.

10. Она замин, ернинг муҳофазаси

Ер, бу бойлик, бунда дуккакли ўсимликлар ўсади (буғдой, арпа, гуруч, ловия, мош). Мева ва сабзавот ўсимликлари етиштрилади, ўт ўланлар ўсади (ҳашак, беда ва бошқалар). Ернинг қаърида кон, бойлик, нефт, газ ноёб металлар бисёр. Инсон, ердан кўпроқ ҳосил олиш мақсадида уни не-не куйларга солмоқда, ерни кучли механизмлар ёрдамида ҳайдаймиз, ковлаймиз, портловчи моддаларнинг ёрдамида портлатамиз, оғир механизмлар ёрдамида эзамиз, хуллас нима истасак шуни қиласиз. «Тирик» ерни ўлик ерга, ҳосил бермайдиган, ўт ўсмайдиган ерга айлантирамиз, уни шўр ерларга, ёввойи ўтлар ўсадиган чўлларга айлантирамиз. Ақл-идрок билан ишласак, уни жаннатмакон боғларга айлантирамиз.

Ер, бу биосферани танаси, унинг ажралмас қисми, тирик организмлар ўсадиган, ривожланадиган, насл қолдирадиган, популяциялар кўпаядиган бир макон. Академик В.И.Вернадский фикри билан айтилганда, ер биосферанинг бирлашиб кеттан қисми,

жонли табиатнинг жонсиз табиат билан бирлашиб кетган ҳолати. Биосферада ва она заминда модда алмашиниш жараёнлари доимо узлуксиз давом этиб келмоқда, даврлар ўтган сари унинг кимёвий таркиби, физик хусусиятлари, биологик жараёнлари ўзгараётганинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Сабаби шундаки, ер юзида бинолар қад кўтарди, сув омборлари, электростанциялар, заводлар, гигант корхоналар курилди, ернинг кўриниши мутлақо ўзгариб кетди.

Тупроқнинг табиий зичлиги бузилмоқда, мувозанатлар ўзгармоқда, ер қаъри ковланиб, миллиард тонналаб нефт маҳсулотлари олинмоқда, миллиард тонналаб тоғ жинслари қўпориб ташланмоқда, ўта чукур бўш ўралар, форлар, чуқурликлар пайдо бўлмоқда. Ҳозирда маъданларни ер қаъридан олиш шунчалик чуқурлашиб кетдики, ақл бовар қилмайди. Жумладан, Чехословакияда ҳозирда 1300 метрлик чуқурликдан ҳар хил металлар олинмоқда. Германия, Белгия ва Жанубий Африка мамлакатларида тошкўмир 4000 метр чуқурликдан олинмоқда. Донбассда 1 км.ли чуқурликдан кўмир олинмоқда. Бир томонда ер бағрида чуқурликлар, иккинчи томонда баландлиги 100 ва ундан баланд терриконлар, тепаликлар пайдо бўлмоқда.

Ер юзасига, она заминга ташланяётган тоғ жинслари, булар реакцияга кирадиган, жуда кўп элементлар ушлайдиган, минераллардан таркиб топган моддалардир. Улар ишқорланиб, ўзидан кадмий, маргимуш, молибден, мис, қўроғошин ва бошқаларни ажратиб чиқадиган моддалардир. Улар, ўз навбатида, каттароқ дозаларда жуда катта заарни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, инсоннинг ўзига кўрсатиши мумкин.

Масалан, ўсимликнинг ўсишини маргимуш секинлатади, кадмий организмга кўпроқ тушиб қолса, буйракни, жигарни ишини бузиб, уларда органик ўзгаришларни чақиради. Агар, қўроғошин сувга ёки озиқ-овқатлар орқали болалар организмига тушиб қолса болаларни ақлий ривожини тормозлайди, симобни кичик концентрацияси мия функциясини бузади ва ҳоказо.

Демак, тоғ жинсларини ер юзасига ташлаш турли металларни тирик организмларга зарарини яна бир бор кўрсатади. Американинг Калифорния штати ер остидан олинаётган сувни ҳисобига жаннатмакон ўлкага айланган. Ўша штатда етиштирилаётган сабзавот мевалар билан АҚШнинг шимолда жойлашган ўлкаларини таъминлаб, аҳолини ўша маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Аммо, ер ости сувларининг шиддат билан насослар ёрдамида олиниши натижасида бу водийда ерни чўккани сезилмоқда, маълум бўлишибча, ер ҳар йили 30 см.га пасаяётган экан, ҳаммаси бўлиб ҳозирда 18 метрга пастга тушган (В.Городинская, В.Иванов, 1990 г.).

Кейинги вақтларда катта-катта шаҳарларнинг остидаги ерларнинг пасаяётгани кузатилмоқда. Бундай воқеалар ер остидаги сувларнинг аҳоли, саноат корхоналарининг эҳтиёжини қондириш мақсадида чегарасиз чиқариб олиш, иккинчи томондан ернинг устки қаватларида жойлашган кўп қаватли иморатларнинг оғирлиги, бошқа саноат корхоналарининг оғирлиги таъсири остида деб фикр қилинмоқда. Жумладан, кейинги 20 йил давомида Милан шаҳри 20 метрга, Боленъе 23 метр пасайған. АҚШнинг Бомонт, Уэйно ва Сан-Антонио шаҳарларида 400 бино чўкиб, иморатларда дарз кетиш бошланган, буларни олди тезроқ олинмаса, каттагина нохушликни кутиш мумкин.

Кейинги йилларда электроэнергия ишлаб чиқиши мақсадида она заминда оқаётган катта-катта дарёларга тўғонлар қурилмоқда, бунинг оқибатида жуда катта ҳосилдор ер майдонлар сув остида қолиб кетмоқда, экин экадиган ерлар, ҳайвонлар учун ўтлоқлар борган сари камайиб бормоқда. Қизиги шундаки, катта сув омборлари қурилган жойларда ҳатто 7 балл кучлигига ерларнинг зилзиласи кузатилмоқда. Масалан, Тожикистанда Нурек сув омбори қурилганда, Алжирда чукурлиги 100 метрга тенг сув омбори қурилганда, АҚШда Болдердам сув омбори қурилганда шундай зилзилалар рўй берган. Собиқ Иттифоқ даврида пахта ишлаб чиқариш яқкаҳокимлиги бошланди. Аму ва Сирдарёларга тўғонлар, сув омборлари қурила бошланди. Бу собиқ СССР даврида олиб борилган бир томонлама технократик сиёсатнинг оқибатидир. Мақсад, ерларни ўзлаштириш, пахта экиш, унинг ишлаб чиқиши миқдорини учта республикада, Жанубий Қозогистон ўлкаларида жами 8, кейинчалик 10 млн.тоннага етказиш кўзда тутилди. Натижада ерларнинг 50% дан кўли шўрланди, Орол денгизи қурий бошлаб, Орол қумга айланди. Айборлардан бири П.А.Пўладзода СССР сув хўжалиги ва мелиорация вазирининг муовини бўлиб, Орол денгизи қурийверсин, (Пустъ гибнет Арап) деган сўзни айтган эди, унинг атрофида жойлашган 3 млн. аҳолининг соглигига птур етказяпти. Хоразм воҳасидаги ҳосилдор ерлар шўрхокликдан

Үлмокда, даражатларнинг ўсиши қийинлашмоқда, күплари куриб битмоқда. Қадимий Хоразмдан, Қарақалпоғистондан одамларнинг күчіб кетиши аллақачоңлар бошланған, Мұйноқ шаҳрининг аҳволини күриб күзингдан ёш оққанни билмай қоласан.

Тұымýйин сув омбори қурилғач, Туркманистанда қурилған Қарақұм каналига сув борди. Аммо, сувнинг 70% қумга шимилиб, ерларни ботқоқликка, шұрлашға олиб бормоқда.

“Совет Ўзбекистони” газетаси 8.05.1991 й. ўз мақоласыда шундай изохладайды: «Сайёрамизнинг эңг катта экология фалокати бўлишида Орол муаммоси жуда кескин тус олди. Кенг минтақада санитария, эпидемиология, ижтимоий-иктисодий ва экология вазияти кун сайин ёмонлашиб бормоқда. Ҳаёти бевосита Орол билан туташ бўлган Хоразм вилояти, Қарақалпоғистон Республикаси, Қизил Ўрда ва Тошқовуз вилоятларида турмушнинг барча соҳаларида жонсараклик вазияти вужудга келди, одамларнинг яшаш шароити ва сиҳат-саломатлиги кескин ёмонлашмоқда, аҳолининг ва болаларнинг нобуд бўлиши даражаси ошмоқда».

Дарҳақиқат, аҳвол оғир. Минтақадаги экология вазияти инсон назоратидан чиқиб кетди, Орол атрофи иқлими ёмонлашмоқда, сизот сувлари кўтарилимоқда, токзор ва мевазорлар нобуд бўлмоқда, тупроқ унумдорлиги пасаймоқда, яйловлар завол топмоқда. Орол денгизи куриб, Орол атрофлари саҳрода айланмоқда. Бунинг сабаби ер ва сув бойликларидан интенсив фойдаланилганлиги, бу ерларда асосан пахта ва шоли экишга берилиб кетилганлигидир.

Юқорида келтирилган фактлардан кўриниб турибидики, инсоннинг ақл-заковати, тадбиркорлиги, режа билан иш тутиши табиатга, унинг асосий танаси она замин, ерга зарари етмаслиги керак.

Агар, инсон табиатга, атроф-муҳитга кўр-кўронада қарайдиган бўлса, у ҳолда уни ўнглаб бўлмайдиган асоратларга дучор қиласи.

Рус олими В.В.Докучаев, бутун умрини, онгли ҳаётини тупроқ, ерни ўрганишга бағишилади ва ўта қимматбаҳо маслаҳатларни қолдирди. Аввалинбор, тупроқшунос олим, тупроқнинг пайдо бўлишида комплекс факторларнинг қатнашишини исбот қилиб берди, яъни, тупроқ уни ҳосил қилувчи она жинсдан пайдо бўлишини ва ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг бу жараёнда актив қатнашишини, иқлимининг ролини, жойнинг рельефини ва ёшини, намликтининг аҳамиятли эканини, бу факторлар ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиб, тупроқнинг пайдо бўлганини исботлаб

берди. Кейинчалик тупроқшунослық илмини В.И.Вернадский давом эттири да биосфера илмігә ассо солди.

Тупроқни ҳосил қылувчи жинслар түрли минерал моддалардан ташкил топған, тупроқнинг намликтарынан үшләши, ғоваклилігі, капилярги, ҳаво ўтказувчанлық хусусиятлари она жинсга боелик эканлығы аниқланды. Шундай хусусиятты тупроқда доимо моддалар ҳаракатта бўлади. Биринчи марта ўсимликлар учун тупроқнинг минерал таркиби озуқа сифатида хизмат қиласи. Тупроқни сувли, иссиқлик режимини ўша минерал таркиб аниқлайди. Тупроқларнинг ҳар хил типга кириши она жинсга боелик, она жинс таркибидаги минералларга боелиқdir.

Тупроқнинг пайдо бўлишида ўсимлик дунёси жуда аҳамиятлайди. Тупроқда органик моддаларни ҳосил қылувчи фактор бу ўсимлик дунёсидир. Ҳавода СО₂, газини шимиб олиб, тупроқдан сув ва минерал тузларни илдизи орқали шимиб олиб, қуёш нури ва фотосинтез жараёни ёрдамида органик моддаларни синтез қиласи. Айниқса, ўрмандар, тропик миңтақалардаги дараҳтлар тупроқни органик моддалар билан бойитади. Дараҳтларнинг шох-шаббаларини, баргларининг ер бағрида чириши, ундағы моддаларнинг тупроқ таркибига шимилиши, органик моддаларнинг йигилишига, захира бўлишига имконият яратади. Ўсимлик баргларининг қиши олдидан ерга тушиши тропик ўрмонларда, дараҳтзорларда гектарига 250 центнерга етади.

Ерга тушган ўсимликнинг тупроқдаги барг ва шох-шаббалари микроорганизмлар, ҳашаротлар ва намлик, ҳавонинг оксиген ёрдамида чириб, парчаланиб, кимёвий, физикавий реакциялар ёрдамида гумусга айланадилар. Буларнинг ҳаммаси биологик, биохимиёвий жараён бўлиб, тупроқда ҳаётнинг тинимсиз тұхтамай ҳаракатта эканидан далолат беради. Тупроқдаги жонли организмнинг функцияларига ассо сан органик моддаларни бошқа минерал озуқаларга айлантириб беришдир. Тупроқ шароитидаги жониворлар оддий, умуртқасиз жониворлар гуруҳидир. Улар иккى гурухга бўлинади, биофаглар — улар тирик организмлар ва уларнинг тұқымалари билан овқатланади ва сапрофаглар — ўлик органик моддалар билан овқатланади, яъни нематодлар, ёмғир чувалчанглари ва бошқалар.

Бир гектар ерда 1 млн.дан ортиқ оддий ҳайвонлар тарқалған, 2 м² майдонда ўнлаб чувалчанглар, нематодлар ва бошқа

сапрофаглар тарқалған. Сапрофаглар түпроқ структурасыга, гумусни миқдорига ва бошқа хусусияттарини шаклланишига ўз таъсирини күрсатади.

Бу жониворлардан ташқари түпроқнинг шаклланишига энг катта таъсири түпроқнинг микроорганизмлари күрсатади. Улар турли хил, 1 грамм түпроқда млн.лаб микроорганизмлар бордир. Улар биотик модда алмашиниш жараёнларида қатнашади, мураккаб органик моддаларни парчалаб беради, минерал бирикмаларни оддийроқ моддаларгача парчалайди. Бу гурух микроблар карбон сувларни парчалаб (крахмал, кант, целлюозаларни, лигнин ва ёғларни бошқа моддаларга айлантиrsa, иккинчи гурух микроблар органик, азот ушловчи моддаларни парчалайди. Атмосфера азотини, эркин юрувчи азотни ўзига шимадиган микроблар олса, бошқа гурухли азотни ўзлаштириб олувчи (клубенков бактерия), азотни ўзлаштирувчи эркин яшовчи бактерияларга азотбактер ва клостридиумлар киради. Улар йил давомида атмосферадан бир неча 10 кг. азотни ерга ўзлаштириб олиб беради.

Тугунак бактериялар эса 200—300 кг.га азотни ўзлаштириб беради. Түпроқнинг шаклланишида иқлимининг ўрни жуда каттадир. Түпроқнинг сув ва иссиқлик режими иқлимга боғлиқ, чунки иқлим биологик ва физик кимёвий жараёнларни активлаштирадиган ва пассивлаштирадиган фактор. Түпроқнинг иссиқлик режими, иссиқликнинг түпроқдан тарқалиши ва қуёшнинг радиациясини ўзига йиғиши билан характерлидир. Одатда қуёш радиацияси түпроқда йиғилиб уни иситгач, түпроқдан ҳавога тарқаладиган иссиқлик ҳавони иситади.

Түпроқдаги иссиқликнинг тарқалиши, унинг юзасининг характеристига, иссиқликни ўзига сингдиришига, рангиға, намлигига ва бошқаларга боғлиқ. Ысимлик дүнёси ҳам түпроқни иссиқлик режимига таъсир күрсатади.

Ернинг рельефи ер юзасидаги иссиқлик ва намликни қайта бўлишда аҳамиятлидир. Рельефнинг баланд ва пастлиги сув ва иссиқлик режимига таъсир күрсатади. Тепаликнинг кунга қараган томонида ўсимлик дүнёси, дараҳтзорлар анча кам бўлиши мумкин, аксинча шимол ёки гарбга қараган томонларида дараҳтзорлар кўпроқ бўлиши мумкин. Ер ости ва ариқ сувлари, ёмғир сувда турли эрийдиган моддаларни ер бағрига шимилишига катта таъсири бор. Түпроқнинг шаклланишида вақтнинг роли каттадир, масалан,

тупроқнинг ёши Фарбий Сибирда, шимолий Америка қитъасида, Осиё мамлакатларыда бир неча 1000 йилларга тенгдир.

Инсон илмий техника тараққиётидан фойдаланиб ерни, тупроқни, қолаверса ер юзини мутлақ үзгартыриб юборди.

Унинг рельефи, иқлими, үсімлик ва ҳайвонот дунёси ҳаммаси үзгариб кетди. Миллион тонналаб тупроқ, тоғ жинслари у ёқдан бу ёққа олиб ташланмоқда, ер көвланмоқда, үзлаштирилмаган тупроқ ва ерлар үзлаштирилмоқда, сугориладиган ерларнинг майдони тобора ортиб бормоқда. Ҳайдаладиган ерларнинг умумий майдони $1,5 \times 10$ га, ўрмонлар $4,06 \times 10$ га, ўтли күкательлар билан қотланган ўтлоқларнинг майдони $2,6 \times 10$ га. ни ташкил қиласа.

Қуруқликнинг 30% қишлоқ хұжалиги томонидан үзлаштирилди. Ернинг асосий хусусиятларидан бири унинг ҳосилдорлигидир. Инсоният ернинг бу хусусиятини жуда юқори баҳолаб, она замин деб атайди.

Хүш, илмий техника даврида инсоннинг ерга, тупроққа бўлган муносабати қандай?

Илмий адабиётларда инсон ва тупроқ ёки тупроқнинг инсоннинг соғлигидаги ёки касаллигидаги аҳамияти тұғрисида кўп далиллар келтирилади. Агар, назар ташласак ёки юқорида зикр қилингандарга аҳамият берсак, тупроқнинг таркибида инсон учун, унинг соғлиги учун зарур бўлган моддалар жуда кўп. Шу билан бирга инсоннинг антропоген фаолияти оқибатида у ифлосланиши ва юқумли касалликларни тарқатувчи омилга айланиши тұғрисида биз юқорида қисқа ёзиб ўтган эдик.

Тупроқ жуда кўп касалликларни тарқатувчи микроблар учун макон бўлганлиги сабабли, баъзи бир инфекциялар тұғрисида гапириб ўтишга, бу соҳадаги билимни оз бўлсада оширишга ва тупроқни муҳофазасига зәтиборни жалб этишга қаратмоқчимиз.

Гап шундаки, тупроқда яшовчи баъзи бир патоген микроблар яхши шароит бўлгани учун ўзларининг устларига қалин, қаттיק пўстлоқ билан үралиб оладилар. Бу ҳолат, уларни тупроқда узоқ вақт қолиб кетишларига, касал чақиравчы хусусиятларини йўқотмаганлигидан дарак беради. Пўстлоқ (споры) ҳосил қилувчи микробларни клостиридийлар гуруҳи ташкил қиласа, улар тупроқда кўпайишлари ҳам мумкин.

Куйидирги касалини чақиравчы микроб ўта патоген, инсоннинг у билан заарланиши ифлосланган тупроқ орқали турли ҳолатларда

кечиши мүмкін. Жумладан, микроб түпроққа ишлов берилеётгандан, донларни йиғиши даврида, курилиш ишларини бажариш вақтида күйдирғи ярасини құзғатувчи микроб (сибир ярасини) касалланган ҳайвонларнинг сийдиги, ахлати билан түпроққа тушади, түпроқда пүстлөк орасига киради (спора), шу ҳолатда бир неча йил түпроқда яшаши мүмкін. Ҳайвонлар ердан чиққан ўт-хашакларни еб ўзига юқтириши мүмкін, сибир яраси ривож топиб, қон билан касалланган организмга тарқалади, уларнинг мускулларини заарлайды. Инсона түпроқта касалланған ҳайвонлардан, уларнинг маҳсулоти орқали ўтиши мүмкін. Жумладан, уларни сўйишида, терини ишлашда ёки шилиб олиш вақтида юқиши мүмкін ёки касал ҳайвонларни гүшти, териси, жуни орқали ёки тўғридан-тўғри микроб билан ифлосланған түпроқ билан бевосита контакт бўлганда ўтади.

(Қоқшол) Столбняк касалини тарқатувчи микроб ҳам түпроқда учрайди, у билан одам заарланиши терининг жароҳатли жойи орқали ўтиши мүмкін, шиллиқ қаватлар орқали ҳам ўтади.

Ботулизм касалини чақиравчы микроб спорали, түпроқда узоқ яшайды (10—14 йил), бу микроб билан оғриш озиқ-овқатта тушганда, уни одам томонидан истеъмол қилингандан пайдо бўлади, жуда оғир кечади. Олди олинмаса, касаллик ўлим билан тугайди. Бу микроб жаҳон мамлакатларининг ҳамма ерида учрайди. Микроб чиқарағидан заҳар ҳамма заҳарлардан заҳарлироқ. Айниқса, сабзавот маҳсулотларини, меваларини консервация қилиши даврида тасодифан түпроқ заррачалари билан тушиб, банкалар ичидаги ривожланади, оддий стерилизация унинг спораларини ўлдиролмайди.

Түпроқдаги яна бир гуруҳ микроблар газли гангrena касалини чақирадиган ўта хавфли микроблардир. Улар жароҳатланган, кесилган жойга түпроқ орқали тушиб, касаллик чақиради.

Касалликнинг олди олинмаса, у ўта хавфли, касаллик ўлим билан тугаши мүмкін.

Турли хил гельминтозлар түпроқ орқали одам организмига тушади. Түпроқда уларнинг тухумлари етилади ва личинка давригача ривожланади. Гельминтозлар уч турда бўлади, геогельминт, биогельминтлар ва контакт йўли билан ўтадиган гельминтлар. Улар чақирадиган касалликларнинг номи ҳам шундай аталади, аммо ҳар сўз охирида «оза» «оз» қўшимча қўшиб айтилади. Масалан: геогельминтлар, касални номи геогельминтозалар,

биогельминтозалар ва ҳоказолар. 1 гурұхта аскарида, власоглав киради, буларни тухумларини инвазион босқичи тупроқда үтади.

Масалан, думалоқ чувалчанғлар узунлиғи 15—20 см. одам организмининг ингичка ичагида яшайды, уларни сони 10 ва ундан күпроқ бўлади. Она паразит пешоқ тешикчасида 2500 гача гельминт тухумлари қўяди, улар нажас билан ташқарига ташланади. Уларни инсон учун личинкага айланган вақти зарарли бўлади, личинкагача тухумни ўсиш даври тупроқда үтади. Инсон организмига уларни (ўсиб унган тухум) личинкаси ифлосланган қўлдан, мева ва сабзавот маҳсулотларидан үтади.

II гурӯх гельминтлари — Бу чўчқа ва қора моллардан үтадиган гельминтлар. Буларни ўсиш даври узоқ ва мураккабdir. Инсоннинг ичагидан бу гельминтларни тухуми ташқарига нажас билан чиқади, ҳайвонлар эса ифлосланган тупроқда ва ўт-ўланларни истеъмол қилиш даврида уларнинг организмига тушади, уларни ичагига тушган тухум личинкагача ўсади, личинкалар қонга ўтиб организмга тарқалади, мускулларда тўхтайди. Инсон, зарарланган ҳайвонларни чала пиширилган гўштидан истеъмол қилиб, ўзига гельминтни юқтиради. Тупроқнинг юқумли касалликларни тарқатишдаги роли 19-жадвалда келтирилади.

Тупроқ фақатгина инфекция ёки гельминтларнинг яшаси учун макон бўлибгина қолмай, у инсон, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёсини керакли озуқа, минерал тузлар, микро ва макро элементлар, органик моддалар билан озиқдантирувчи манба ролини ҳам ўйнайди.

Ҳозирда олиб борилган жуда кўп илмий ишлар шуни кўрсатдик, тупроқнинг микро, макроэлементлар таркиби ўсимликларнинг ўсишига, ривожига, ҳайвонот дунёсини ўсишига, ривожига, модда алмашиниш жараёнларига ижобий таъсир этиб ҳаётни таъминлайди. Ҳозирда тирик организмларда 47 дан кўпроқ доимо мавжуд бўлган кимёвий элементлар бор. Улар, организм ва ташқи мұхит ўртасидаги модда алмашиниш жараёнларида актив қатнашадиган элементлар бўлиб, гармонлар, ферментлар, қон, оқсил моддалари, хужайралар билан чамбарчас борланган элементлардир.

Етарли ўрганилган элементларга мис, темир, рух, кўрғошин, марганец, селен, фтор, стронций, бор, молибден, ванадий, кадмий, йод ва бошқалар киради. Микроэлементлар биоген кимёвий моддалари бўлиб, катализатор ролини ўйнайди, азот моддасини ўзлаштиришда фотосинтез жараёнларида қатнашади.

**Тупроқнинг кўйдаги юқумли касалликларни
тарқатишдаги роли (Гончарук Е. И.)**

Ичак инфекцияси	Зоонозлар	Кеми-рувчи-лар тарқата-диган инфекциялар	Гельминтозлар	Пашша каналар тарқата-диган инфекция	Чанг орқали тарқала-диган инфекция	Спорали инфекциялар	Вируслар
Коринтифи	Куй-дирги	Чума	Власоглав	Энцефалит	Сил касалиги	Ботулизм	Полиэмилит
Вабо	Бруцеллэз	Туляремия	Аскарида лар			Куй-дирги	Боткин касаллиги
Ботулизм	Сал	Юқумли касаллиги	Анкилостома				

Баъзи бир микроэлементлар ҳайвонларнинг озуқасига кўшиб берилса, уларнинг ривожи яхшиланиши аниқланди. Ёки, микроэлементларнинг ташқи мұхитдаги миқдори кам бўлса, улар озиқ-овқатларда камайиб кетса, ҳайвонларнинг организмидаги одамларда касаллик аломатларини бошланишини аллақачонлар билишган. Қизифи шундаки, улар организмда маҳсус специфик ўзига хос касалликларни чақиради. Масалан, озуқада мисни етишмаслиги ва молибден билан сульфатларни кўпроқ бўлиши ҳайвонларда эндемикатаксия касаллигини пайдо қўлиш аниқланган.

Инсон қонида 24 микроэлемент, хотинларнинг кўкрак бези сутида 30 элемент борлиги аниқланган. Микроэлементлар инсон ва ҳайвон организмидаги ички безларининг секрети (суюқлиги) таркибида бўлибгина қолмай, ўша безларнинг функцияларини нормал боришини таъминлайди. Жумладан, бўқоқ, ошқозон ости, жинсий орган безларини физиологик функцияларида қатнашади.

Микроэлементларнинг табиатдаги ўрни, уларнинг тирик модда учун аҳамияти тўғрисида В.И.Вернадский, А.П.Виноградов, В.Войнар, Я.Х.Тўрақулов, С.Масумов, Р.Исломбеков, Ш.Отабоевлар шуғулланиб, микроэлементларни инсон организмининг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ажralmas қисми

эканлигини, уларнинг организмни физиологик функцияларини нормал ушлаб туришда ажамиятли эканини исботлаб бердилар.

Ернинг танасида, қобиғида кечәётган биохимик жараёнлар, тирик жонлар билан биосферанинг танаси ер, түпроқ билан бұлаёттан модда алмашиниш жараёнлари, тирик организмларнинг ўзаро боғланғанлығи, табиатда модда алмашиниш жараёнынинг айрим босқичларини ва уларнинг бир-бираға боғланиб кетиши ҳаётни таъминлады. Ҳаёт жараёнида шу занжирларнинг бироргаси узилса, бирор керак бұлған элемент етишмай қолса, организмларда ўзига хос ўзгаришлар пайдо бўлади. Табиатда бундай етишмовчиликлар кўпинча миңтақавий бўлиб, бундай ҳудудларни эндемик ҳудудлар ёки биогеохимик ҳудудлар деб номланади. Бу номни А.П. Виноградов берган.

Масалан, Фарғона водийсида йоднинг етишмаслиги оқибатида бўқоқ касали пайдо бўлишини бундан 50 йил илгари профессор С.А. Масумов исботлаб берган, Ё.Х. Тўракулов ва Р.К. Исломбеков биргаликда ош тузига йод элементини кўшишни тавсия қилиб, одамларда пайдо бўладиган бўқоқ касалининг олди олинди.

Биогеохимик ҳудудларга Украина нинг ғарбий ҳудудлари, Россиянинг Олтай водийси, Болтиқбўйи республикалари ва бошқа бир қанча ҳудудларни мисол қилиб келтириш мумкин. Йод элементи түпроқда кам бўлиши, уни сувда, ўсимлик маҳсулотларида камроқ учрашига олиб келади, бундай ҳолат, ўз нағбатида, инсон организми учун зарур бўлған йодни организмга кам кириб, бўқоқ касалини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ёки табиий муҳитларда фтор элементининг етишмаслиги унинг инсон организмига кам киришига сабаб бўлиб, кариес тишлиларни қорайиб дөф тушишига, кейин емирилиш касаллигига олиб келади.

Сувда кальцийнинг камайиши, стронцийни кўпайиши Кашен-Бек (Уров) касалини чақиради. Бунда сук мўртлашади, айниқса, кальций фосфор алмашиниш жараёни бузилади. Бунга ўхаш мисоллар жуда кўп.

Ҳозирда инсоннинг антропоген фаолияти оқибатида сунъий равища турли элементлар кўп миқдорда табиатта бошқача миқдорда қайта бўлинмоқда. Оқибатда, бу моддалар ҳам баязи бир ҳудудларда, айниқса, шаҳар шароитида табиий муҳитни бойитиб, ифлосликларни сунъий равища кўпайтироқда. Бундай ҳолат ҳам касаллик чақиришига сабаб бўлмоқда. Масалан, фтор, кўрғошин, селен, хром ва бошқаларнинг кўпайиши ўзига хос касалликларни келтириб чиқармоқда (анемия, флюороз, полиартрит ва бошқалар) бунга мисол.

Саноат корхоналарининг баланд дудбуронларида ҳавога ташланыётган заҳарли моддалари, қишлоқ хўжалигидаги ишлатилаётган

захарлы химикатлар, минерал ўғитлар тупроқни ифлослантиришга олиб бормоқда.

Тупроқнинг хусусиятларидан яна бири унга тушган моддаларнинг йигилиб бориши, айниқса, радиоактив моддалар Sr, C, Ce ва бошқалар. Бу моддалар чиқиндишлар таркибида, радиоактив изотоплар, илмий текшириш институтларидан, энергетик объектлардан, атмосферадан тушадиган радиоактив моддалардир. Радиоактив моддалар организмда йигилиб турли касалликларни чақиради, шулар қаторида ўсимта ва генетик касалликларни чақириши мүмкін.

Юқорида зикр қилингандардан келиб чиқадиган холоса шуки, агар тупроқ ҳамда ер экологиясига эътибор берилмас экан, тупроқ орқали атроф-мухитнинг бошқа объектлари ифлосланиб одамлар ўртасида турли касалликларни, ҳатто кейинчалик ўлимни келтириб чиқарадиган ҳолатни вужудга келтиради. Демак, тупроқни муҳофаза қилиш мақсадида давлат тарафидан қаттиқ қонуний норматив ҳужоатлар, қоидалар, кўрсатмалар ва бошқаларни амалга ошириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциясидаги XI бобнинг 50-моддасида шундай дейилган: «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар». Яъни, табиатни, она заминни экологик нокулайликлардан сақлаш, уни муҳофаза қилиш инсоннинг ўзини бу муаммога онгли, ахлоқий ёндошишга, одамларни ёшлиқдан бошлаб экологик таълимотни эгаллашта, инсон психологиясини бу борада ижобий томонга ўзгаришини таъминлаш ва маъсулиятини ҳис этадиган қилиб тарбиялаш зарурати туғилганлигини кўрсатиб турибди.

Экологик нокулайликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли сиҳат-саломатлигининг олдини олиш мақсадида давлатимизнинг ҳукуқшунос олимлари, юристлари, табиатшунос олимлар, гигиенистлар ва бошқа шу соҳанинг вакиллари томонидан янги қонунлар ва жиноий жавобгарлик кодексларига қўшимча бўлимлар ишлаб чиқылди, уларнинг сўзсиз бажарилши экологик ҳолатни яхшилашга имкон беради. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси (1994 йил) тўртингич бўлим —«Экология соҳасидаги жиноятлар». 196-моддада шундай дейилади: «Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача миқдорда жарима, 5 йилгача

муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиши шарттарынан да жазоланади.

«Шаш қылышларды одалар үлишига сабаб бўлса... З йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Кўриб турибсизки, қабул қилинган қарор жуда адолатли ва замонавий. Бундай қонуний ва норматив ҳужжатлар аҳолини бир томондан тарбиялади, иккиси томондан табиатни асрашта даъват этувчи ҳужжатлардир. Шунга қарамасдан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992 й.) қонуннинг «Экологик назорат вазифалари» моддасида (29-модда) атроф-муҳитни муҳофаза қилишда нималарга аҳамият бериш керак, қандай вазифаларни бажариш кераклиги аниқ кўрсатилган. «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати»ни қайси идоралар олиб боришиларни кераклиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилган (31-модда).

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, маҳсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади, улар қўйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

3. Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб боришини назорат қилиш ва кончиллик давлат қўмитаси;

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги маҳсус ваколатли давлат ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари хисобланади.

1. Шундан кўриниб турибдики, табиатни, она заминни муҳофаза қилиш жуда кўп нуфузли идораларга, вазирликларга топширилган. Республика Президенти ўзининг жуда кўп маърузаларида «Қонун олдида ҳамма бир, қонун ҳаммага баббаробар» деган сўзларини республика ҳалқи мамнуният билан эшигтан. Демак, шундай экан, республикамиздаги экологик ҳолат аллақачонлар тартиб интизомга солиниб, одамларнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги мұаммолар ечими ҳал бўлган, деб тушунамиз. Аммо мұаммолар ҳали бор.

Тұпроқ она замин ҳам сувдан баттар ифлосланмоқда. Чунки ксенобиотикларни ёки экзоген кимёвий омилларни тұпроқда силжиши ўта секин кечади, шунинг учун ҳам тұпроқ кўпроқ заарланади. Шундай ифлосланишларнинг олдини олиш мақсадида, яни тұпроқни асраш мақсадида:

1. Экзоген кимёвий моддалар мөъерини аниқлаш учун уларни назарий ва амалий томонлари ишлаб чиқилди. Кимёвий экзоген

моддаларни меъёри бўлса, тупроқни назорат қилиш ўнгайлашади ва унинг олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

2. Тупроқни асраш учун, уни асосан энг ифлослантирувчи манбаъларини аниқлаш, қанча миқдор қайси зарарли омиллар билан ифлосланаётганининг диагнозини кўйиш, сўнgra аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурияти туғилади.

20-жадвал

Тупроқдаги назорат қилиниадиган зарарли омиллар

Бос-кич	Зарарли омиллар (ингридиентлар)		
	Келиб чиқиши техноген	Кишлоқ хўжалигига Кўлланилади	Автотранспорт орқали тарқаладиган моддалар
I бос-кич	Бенз(а)пирен, кўрошин элементи, симоб, кадмий, никель, кобальт, молибден, ванадий, селен, хром. Фтор, цинк, суръма, маргимуш	Хлороорганик заҳарли моддалари, ДДТ, ГХЦГ, гексахлорон бензол, полихлорпинен, полихлоркамфен, полихлорбифенил	
II бос-кич	Олтингугурт бирикмаси, тупроқни кислотаси, металлар бирикмалари, тупроқ микрофлораси, нефт маҳсулотлари	Фослар: фазолон, метафос, хлоровос, крабофос, фосфамил, гербицидлар; Г, У, Д, атразин, симазин, пропазин, тупроқ микрофлораси	кўрошин ва бензпирен, автомагистралар четида
III бос-кич	Қаттиқ чиқиндилар билан заарланган ахлатларни элементар таркиби, металларни органик ва заҳарли бирикмалари, бошка заҳарли бирикмалар, тупроқдаги физик ва химик ўзгаришларни кузатиш	Тупроқка минерал ўғитлар билан тушадиган заҳарли моддаларни кузатиш	

3. Ифлослантирувчи манбалар бўлиб коммунал обьектлари, хўжалик чиқинди ахлатлар, чорвачилик фермаларининг чиқинди ахлатлари, тозалаш иншоотларини чиқиндилари, чўкма лойқалар ва бошқалар бўлиши мумкин.

4. Тупроқни ифлослантирувчи чиқинди ахлат сувлари, канализация, ҳожатхоналарнинг чиқиндилари ва бошқалар.

5. Кислотали ёғингарчилик ва коллектор-дренаж сувлари ва бошқалар.

6. Саноат корхона чиқинди сувлари.

7. Хўжалик ахлатлари.

Хуллас тупроқни ифлослантирувчи манбаъларнинг ҳар бирига қараб алоҳида алоҳида чора-тадбирлар СЭС, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқлади ва амалга оширилади.

Хўжалик чиқинди ахлатларини йўқотиш бутун жаҳонда муаммо бўлаётганини эътиборга олиб қуидагилар таклиф қилинади.

1. Хўжалик чиқинди қаттиқ ахлатларини утилизация қилиш мақсадида энг кулагай технология ишлатиб, уларни қайта ишлашни ташкил қилиш, бунда табиий иқлим шароитни назарда тутиб, экологик ҳолатта эътибор бериб, қайта ишлаш оқибатида пайдо бўлган маҳсулотни бошқа мақсадлар учун фойдаланишини ташкил қилиш;

2. Хўжалик чиқинди ахлатларини қайта ишлашни мукаммалаштириш, ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва уларни кўпроқ утилизация қилиш, корхонани рентабеллигини ошириш;

3. Ҳосил бўлган маҳсулотларни ишлатиш соҳаларини кенгайтириш, унинг иқтисодий рентабеллигини ошириш, шу йўллар билан атроф-муҳитни, она заминни ифлос ахлатлардан қутилтириш ва аҳоли ўртасида тарқаладиган касалликларнинг олдини олиш;

4. Саноат корхоналарининг фаолиятини тез утилизация қилиши мумкин бўлган упаковка маҳсулотлари ишлаб чиқишига қаратилишини таъминлаш;

5. Ахлатларни рационал йиғиши, уларни транспортировка қилиш ва ўз вақтида қайта ишлашни, уларни заарсиз ҳолатга келтириб, она заминни асраш, бунда аҳолининг активлигини, маънавий баркамоллигини, ёш авлодни тозалик қоядларини сақлашга ўргатиш, покизаликнинг инсоннинг соғлиғини сақлашдаги аҳамиятини узлуксиз тарғибот қилиш, бунда газета, журналлар, радио, телевидение, турли минбарлардан фойдаланиш зарур, иложи борича ўқитиши соҳасида олий ўқув юрти бўладими, мактабми,

колледжми, лицейми ҳамманинг ўқув дастурига тозалик, поклик, экология, гигиена сабоқлари киргизилиши керак. Бундай хатти-харакат она ерни асрайди, инсон соғлигини сақлашга имкон туғдиради.

11. Саноат корхоналары чиқіндилари ва тупроқнинг муҳофазаси

Кейинги 15—20 йиллар ичидә чиқытсиз ёки кам чиқитли саноат корхоналарини қуриш ёки эскисини бошқатдан янги технологиялар асосида қороллантиришга катта аҳамият берилмоқда. Асосий масала технология жараёнларини такомиллаштириш, хомашёларни тежаш, истрофгарчилликка йўл қўймаслик тадбир ва чоралари ишлаб чиқилмоқда. Аммо, шунга қарамасдан, ҳамон катта корхоналар металлургия, рангли металлар ишлаб чиқариш корхоналари, кимё саноати, нефтехимия ва бошқалар жуда кўп миқдорда заҳарли омилларни чиқармоқдаким, улар табиатга ҳам, унинг объектларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мисол учун бутун дунё мамлакатлари гувоҳлигига Камчатка ярим ороли ҳудудида уч контейнер заҳарли кимёвий моддаларни денгизга чўқтирилгани ва улардан бири сув юзасига қалқиб чиқиб, атроф-муҳитни, балиқ ва қушларни заҳарданаёттани Россия телевидениеси орқали кўрсатилиб ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Корхоналарнинг заҳарли чиқіндиларини токсикологик томондан тўғри баҳо бериш, уларни синфларга бўлиш ва шуларга қараб чора-тадбир ишлаб чиқиш зарурияти туғилади. Кейинги вақтларда далиллар шуни кўрсатмоқдаким, инсоннинг антропоген фаолияти оқибатида турли-туман чиқіндилар билан атроф-муҳит ниҳоятда ифлосланмоқда. Евройиттифоқига қарашли мамлакатларнинг ўзларидан чиқаётган ахлатларнинг ўзи 1 млрд. 300 млн. тоннадан ортиб кетди. Айниқса, тупроқнинг кимёвий элементлар, полимер пластик моддалар ва органик, ноорганик бирикмалар билан ифлосланиши аҳолини, жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Олимларнинг далилларига қараганда, ҳозир тупроққа тушаётган кимёвий моддаларнинг тури 200000 дан ортиб кетди. Улар ўта ҳавфли бўлиб наслга, ҳомиладорликнинг нормал жараёнларига, уруғларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. ИндустрIALIZация давридан илгари болаларни турли насл касалликларига дучор бўлиб туғилаётгани ҳозирдагига қараганда жуда кам эди. Ҳозирда генафонд ўзгариб бормоқда. Айниқса, кимё саноати тараққий этган, унинг

маҳсулотларини күп миқдорда ишлатаётган мамлакатларда аллергия, иммунитеттін пасайиши, насл қасалліктери үсімта ва бошқа химия билан боғланған қасалліктер, тобора ортиб бормоқда. Ўлим күпаймоқда.

Ишлаб чиқилаётган кимёвий моддаларнинг жуда күп қисми ташқи мұхит омыллари таъсирига анча чидамлидир. Улар тупроқда узоқ вақт қолиб кетиб, бир мұхитдан иккінчи мұхитта үтиб кетишини күп олимлар исботлаганлар. (Л.И.Медвед, Е.И.Спышу, Ш.Т. Отабоев, Е.И.Гончарук. Г.Светлый ва бошқалар).

Кимёвий моддалар дунёвий модда алмашиниши жараёнларida актив қатнашадилар. Саноат корхоналари ўта ривожланаётган катта шаҳарларнинг ташқи атроф-мұхиттеги таъсири жуда сезиларлидир. Саноат корхоналари комплекси, курилиш майдонлари, автомобил транспортининг ривожи ва бошқалар биосферани, она заминни табиийлигини бузиб ташламоқда, адабиётларда деградация, денатурация ва бошқа сўзлар пайдо бўлмоқда. Тупроқ, тоғларнинг эрозияга учраши, минг йиллик дараҳтларни кесиб ўтинга ишлатиш, тоғ ёнбағриларидаги үсімликларнинг тобора йўқ бўлиб бориши, тупроқдан озукали моддаларнинг тез йўқолаётгани, ҳосилдорликнинг камая бориши жамоатчиликни ташвишга солмоқда, одамларни соғлигини асраш мұаммолари туғилмоқда. Шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида атроф-мұхитни экологик, токсикологик нуқтаи назардан баҳо бериш мұаммоси ишланиб чиқилмоқда.

Булар нималарни ҳисобга олади?

1. Уларни күп қирралы таъсирини ва ўзаро реакцияга кириб бир-бирларига таъсирини ҳисобга олади;

2. Айрим элементларни, звеноларни, кичик ва юқори молекулали бирикмаларни ўзаро таъсирини ҳисобга олади;

3. Динамикада кимёвий моддалар атроф-мұхит ва инсон системасида уларни асосий баҳосини беришга қаратиласи;

Бунинг учун қуйидагилар аниқланилади ва уларга аҳамият берилади.

1. атроф-мұхиттеги тушадиган моддаларнинг миқдори, шу қаторда қанчаси тупроққа ташланиши;

2. Биосфера обьекті бўлмиш сувда, тупроқда, озиқ-овқатда, ҳавода ва бошқаларда кимёвий моддаларнинг чидамлилиги бардошлиги;

3. Кимёвий моддаларни табиий мұхитта ҳаракатланиши;

4. Биологик обьектларда уларнинг йиғилиб қолиши, түпланиб қолиши хусусиятлари;

5. Атроф-мухитда яшаётган турли жонивор, тирик ҳайвонларга кимёвий моддаларнинг заҳарлилик таъсири ўрганилади.

Атроф-мухитни ифлослантирувчи хавфли кимёвий моддаларнинг ўсимлилик танасига, сабзавотлар ва уларнинг маҳсулотларига ўтиши хавфини кўрсатувчи коэффициенти ҳисобга олинади.

а) тупроқда кимёвий моддаларнинг деградация бўлишини ҳисобга олиб уларни ўсимлик танасига ўтиши (миграцияси), йигилиши коэффициенти;

б) ўсимлик организми кимёвий моддаларга нисбатан жавоб реакцияси, яъни ҳосилдорликнинг камайиши ёки кўпайиши, ҳосилнинг озуқавий баҳосига таъсири, мева ва бошқа ҳосилларда йигилиб қолиши; РЭМ ошиб кетиши;

в) кимёвий моддаларнинг таъсирига тупроқнинг жавоб реакцияси, яъни фитотоксичностлиги, санитария ҳолатини ёмонлашуви, микроорганизмларни қирилиши, тупроқ ҳосилдорлигининг ёмонлашуви ва бошқалар.

Юқорида зикр қилинган ҳолатлар, кимёвий моддалар тушган тупроқ турига, унинг таркибидағи гумусга, ўсимликларни турларига таъсири, заҳарли моддаларнинг физик кимёвий хусусиятларига боғлиқ ҳамда кимёвий моддалар билан тупроқ таркибидағи моддаларнинг ўзаро таъсирига, биотик ва абиотик омилларни ўзаро таъсирига боғлиқ.

Собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган Давлат стандарти бўйича саноат корхоналарининг чиқиндиларини заҳарлиги ва атроф-мухитга хавфилилиги бўйича 4 гуруҳга бўлинади:

1. Фавқулодда ўта хавфли;
2. Ўта хавфли;
3. Ўртача хавфли;
4. Кам хавфли.

Масалан, чиқиндилар таркибида симоб, маргимуш, хром, кўрғошинли азот ва бошқалар бўлса, улар 1 гуруҳ элементларига киради. Одатда, камроқ заҳарли хусусиятига эга бўлган моддалар, чидамлиги пастроқ ёки чидамли моддалар турли классларга бўлинади. Сабаби, тупроқни асраш ва муҳофаза қилиш мақсадида олиб бориладиган чора-тадбирлари асқотади. Бундай ҳолат бошқа давлатларда ҳам қабул қилинган. Масалан, Канада давлатида саноат корхоналари чиқиндилари 10 туркумга бўлинади: органик химикатлар, эритмали зарарли омиллар, ёғлар, мойлар, бўёқлар, кислоталар, ишқорлар, металли чиқиндилар, полимерпластмасса, тўқимачилик корхона чиқиндилари, тери ва резинкалар, ёғоч, қоғоз, шиша ва бошқалар. Германияда чиқиндилар рўйхати ишлаб

чиқилган, мабодо янги чиқиндишлар пайдо бўлса, рўйхатга қўшилиб борилаверади.

Саноат корхона чиқиндишларини заарсизлантиришнинг ўзига хос томонлари бор. Асосий мақсад, саноат чиқиндишларини турли услублар билан заарсизлантирилганда на атроф-муҳитга, на тупроққа ва улар орқали одамга таъсир кўрсатмаслиги керак. Кейинги йилларда гигиеник талабларга бўйсунганд ҳолатда корхона чиқиндишларидан фойдаланишга оз бўлсада йўл очилмоқда. Масалан, 1 млн.тонна нефтни қайта ишлаш корхоналаридан чиқадиган шлак қолдиқ қатламларининг қайта ишлаш оқибатида 4300 тонна кобальт ва бошқа моддалар олиниши мумкин экан.

Металлургия саноати корхоналарининг шлакларидан ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарадиган обьектларнинг чиқинди кулидан цемент, ўғит, минерал толалар олиш мумкин экан.

Саноат корхоналарининг фойдаланиб бўлмайдиган чиқиндишларини заарсиз ҳолатга келтиришни ўзига хос томонлари бор. Уларни маълум ҳажмдаги контейнерларда, ҳокимият томонидан ажратилган ер майдонларига маҳсус полигонларда асралади. Улар тўгрисида алоҳида изоҳ берилади.

Саноат корхона чиқиндишларини термик, яъни иссиқлик ишлатиш усуслари билан заарсизлантириши мумкин, улар маҳсус ўчоқларда 1000—1200°С куйдирилади. Куйдирилиш жараёнларида пайдо бўладиган заарсли газлар, тутунлар, чанглар маҳсус фильтрларда; ушлагичларда ушланади, керак бўлса нейтралланиб заарсиз ҳолатга келтирилади. Гоҳо, саноат корхоналари чиқиндишларини, хўжалик ахлатларига қўшиб ёқиши амалиётда қўлланилади. Бордию кўпроқ ажратиладиган, аммо заарсиз ҳолатга келтириб бўлмайдиган чиқиндишлар корхонага яқин жойда тўпланади, кейинчалик қайта ишланиб, ундаги фойдали моддалар ажратиб олинади. Жумладан, ҳозирда Олмалиқ кон металлургия комбинати яқинида тахминан 40 млн. тоннадан ортиқ чиқинди тўпланган. Бу, асосан қумли тоғ жинслари, улар келажакда қайта ишлатилади ва улар таркибидаги керакли элементлар янги технологиялар ёрдамида ажратиб олинади.

Экологигиеник нуқтai назардан кимёвий заҳарли моддалар билан ифлосланган тупроқни атроф-муҳитга ва инсонларга ҳавфилигини баҳолашда қўйидагилар аниқланилади:

1. Ифлосланган тупроқни эпидемиологик аҳамияти;
2. Ифлосланган тупроқни, атмосфера ҳавосини, озиқ-овқат, сув ҳавзаларини, ер ости сувларини, ўсимлик дунёсини иккиласми ифлослантирувчи манбаи сифатидаги аҳамияти.

Тупроқдаги омилларнинг экологиеник таҳлили



Илова: Тупроқнинг ифлосланганлигини ва ундаги заарли омиллари таҳлил қилиш учун қўйидагилар бажарилади:

1. Майдонни санитария топографик нуқтаи назардан текшириш;
2. Физик ва механик таҳлил;
3. Санитария ва кимёвий томондан текшириш;
4. Санитария ва бактериологик текшириш;
5. Вирусологик текшириш;
6. Гельминтологик, энтомологик, радиометрик ва санитария токсикологик текшириш олиб борилади.

Буларнинг аҳамияти шундаки, тупроққа кимёвий юкни ортиб бориши тупроқда микробиоценоз жараёнини йўққа чиқариши ва патоген микробларнинг кўпайиб кетиши мумкин, чунки улар кимёвий моддалар таъсирига чидамли бўлиши мумкин.

Ёки, кўрошинни миқдори тупроқда 500 мг/кгетса, у атмосфера ҳавосини ифлослантириб, болаларда психоневрологик ҳолатни чақиради. Агар, тупроқда миснинг миқдори 1500 мг/кг, кўрошин миқдори 250 мг/кг етганда, уларнинг атмосфера ҳавосидаги миқдори рухсат этилган миқдордан 56 марта кўпроқ аниқланилади.

Шунинг учун ҳам, собиқ Иттилоқ даврида 25 май 1984 йилда 591-рақамли қарор чиқди. Шу қарор асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1985 йили ишлаб чиқилган санитария қоидасини ва нормасини тасдиқланди. Услубий қўлланманинг номи «Саноат корхоналарининг заҳарли чиқинди ахлатларини йигиши,

транспортировка қилиш, заарсизлантириш ва кўмиши (йўқотиш) бўлиб, бу кўлланмани амалиётда тадбиқ этишини тавсия этди. Шунга ўхаш қоидани Ўзбекистон республикаси соғлиқни саклаш вазирлиги 2002 йил 0128-02-сон билан ишлаб чиқди.

Бу санитария қоидаси саноат корхоналаридан чиқадиган заҳарли пастага ўхаш, қаттиқ, унга ўхаш, суюқ ҳолатдаги моддаларни заарсизлантиришни, сўнгра кўмиб йўқотишни кўзда тутади.

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқинди ахлатларнинг миқдори 1 одамга тўғри келадиган хўжалик ахлатларига қараганда бир йилда 18—20 марта кўпроқ экан.

Агар ҳамма саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндиларнинг миқдорини 100% десак, рангли металлургия, кимё саноатидан чиқадиган заҳарли моддалар 10—20% заҳарли хусусиятга эга.

Ҳар бир саноат корхонасида технологик жараёнлар оқибатида бир сменали (алмашувдан) иш вақтида ҳар бир цехда ҳар хил классга тегишли заҳарли моддалар ҳосил бўлади, бундай моддалар заҳарлик классига қараб ёки қофоз қопга ёки қалин пўлат тункадан қилинган контейнерга жойлаштирилади.

Одатда, ўта хавфли моддалар пўлатдан тайёрланган тараларга, иккинчи класс хавфига эга бўлган моддалар поливинил ёки полиэтилендан тайёрланган қопларга, учинчи, тўртинчи классга тегишли заҳарли моддалар қофоз қопларга йиғилиб, журналга регистрация қилиниб, бу журнал корхонадан чиқдан чиқиндиларни маҳсус рўйхатга олиш журналидир, кейин тараларга йиғилган чиқиндилар корхона майдончасига йиғилади ва кейинчалик кўмиб ташлаш учун полигонларга жўнатилиади.

Қишлоқ хўжалигига ишлатилиши мумкин бўлмаган, ишлатиш вақти тугаган заҳарли моддалар эса қофоз тараларида қишлоқ хўжалик химизация ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар кимё саноати корхоналари билан келишиб уларни утилизация ёки заарсизлантиришга, кўмиб йўқотишга келишиб оладилар.

Корхоналардан чиқдан заҳарли моддаларни завод лабораторияси ёки табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси лабораториялари анализ қилиб, у моддалар заҳарлилиги билан қайси классга тегишли эканини аниқлаб беради.

Масалан, чиқиндида симоб, сурма, хром, цианистий калий, уч хлорли сурма, бенз(а)пирен, маргимуш оксид ва бошқа ўта хавфли моддалар 1 классга, агарда чиқиндида мис, никель, уч оксидли сурма, кўргошиннинг азотли бирикмаси ва бошқалар бўлса, 2 классга ва ҳоказо бўлинниб, маҳсус тараларда, полигонларга олиб кетилади 3 ва 4 классга тегишли моддалар қофозли қопларга қопланиб, улар ҳам полигонларга олиб борилади ва кўмилади.

12. Зақарли моддаларни транспортировка қилиш ва үнга санитария талаби

Чиқинди зақарли моддаларни полигонларга жүнатиш корхоналарнинг транспорт воситалари билан амалға оширилади, бунинг учун маҳсус кўрсатма асосида иш бажарилади. Бу кўрсатма 20 ноябр 1980 йилда 371 рақам билан чоп этилган.

Кишлоқ хўжалигидаги чиқинди пестицидлар темир йўл маҳсус вагонларида транспортировка қилинади.

Иложи борича зарарли омилларни заарсизлантириш, транспортировка қилиш, кўмиш, уларни ортиш, тараларга солиш, транспорт воситаларида полигонларда тушириш механизмлар ёрдамида бажарилиши керак.

Акс ҳолда, бу ишлар билан боғланган кишилар зақарланиб қолиш хавфи туғилади. Улардан ташқари ҳар бир ишга шахсий ҳимоя кийим кечаклари билан таъминланиши керак, ҳам шу ишлар бажарилаётган вақтда атроф-муҳитни ифлосланишининг олдини олиш керак бўлади.

— ярим суюқ, суюқ зақарли моддаларни олиб борища автотранспорт маҳсус резина шлангалар билан жиҳозланиши керак, улар моддаларни контейнерларга бўшатиши керак бўлади;

— қаттиқ ва чангсимон моддалар автотранспортда ташилганда ўзига хос мослама ёки таралар бўлади, автомобиллар бўшатилаётган даврда маҳсус тараларни қаттиқ, сиқиб ушлаб қоладиган жиҳозлардан, механизмлардан автокранлардан фойдаланилади;

— чангсимон зақарли моддалар доимо намланган ҳолатда полигонларга олиб келинади, ҳамма босқичларида улар намланган бўлади, транспортировка, ортиш, тушириш, устини беркитиш ва бошқалар.

Саноат корхоналари чиқиндилиарини заарсизлантириш ва кўмиш

Бу жараёнлар маҳсус мухандислик иншиотларида, полигонларида амалға оширилади.

Полигонлар шароитида зақарли моддаларни заарсиз ҳолатга келтириш уч хил услугуб билан амалға оширилади.

а) ёқиши; б) нейтраллаш; в) кўмиш йўли билан.

Бунинг учун маҳсус полигонлар ҳокимият қарори билан ажратилган ер майдонида қурилади, ер майдонларини ажратиш, полигонлар қуриш, қатор вазирликлар билан келишилган ҳолатда амалға оширилади. Яъни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни

мухофаза қилиш күмитаси, Сув хұжалик ва мелиорация вазирлиги, қишлоқ хұжалиги вазирлиги, Кимә саноати қүмитаси ва ҳоказо.

Полигонлар 20—25 йилга мүлжалланади, күмилмайдыган ахлат чиқиндиларига құшимча резерв майдон ҳам ажратиласы.

Полигонлар махсус режалар асосида, Қурилиш ташкилотлари ёрдамида қурилади, полигонлар бир ёки бир неча шағарларнинг саноат корхоналарининг ажратадыган зақарли моддаларига мүлжалланылады.

Полигонлар кимә ишлаб чиқариш корхоналари типида қурилиб, улар кимә саноати қүмитаси ёки вазирлиги ҳамда ҳөкимияттар қарамогида бўлади.

Полигонларни қуриш, ташкил қилишдан мақсад, чиқиндиларнинг аҳоли турар жойларидан, нарироқда зарар бермайдыган масофада ва ҳолатда бўлишини таъминлашдир. Полигонлар аҳоли учун уй-жой қурилмайдыган, аҳоли яшамайдыган жойларда қурилади. Қишлоқ хұжалиги майдонларидан 200 метрли, транзит йўллардан 50 метрли масофада жойлашади. Полигон қуриладыган майдон тупроқларининг фильтрлаш көэффициенти бир кунда 106 метрга teng бўлиши тавсия қилинади, майдоннинг қиялиги 1,5% teng бўлади.

Тураржойлар қурилиши мүлжалланган майдонларда полигонларни жойлаштириш мумкин эмас, айниқса, аҳоли дам олиш жойларида, чўмилиш пляжларига яқин жойларда, дарёлар яқинида, зилзила бўладиган жойларда ва уларга яқин қилиб қуриш таъқиқланади.

Полигонларни режалаштириш ва қуриш

Полигон майдони айланма зовур ариқ билан ўралган бўлиб, у ёғингарчиликда пайдо бўладиган сувларни йиғиш ва зарар бермайдыган томонта оқизиш учун мүлжалланади. Ариқнинг чети 1,5—1,7 метрли баландликда, 3—3,5 метр кенглигіда фундамент учун ковланганда пайдо бўлган лойли тупроқ билан кўтарилади. Мақсад, зовур ариқдан зақарли моддаларни атрофга тушмаслиги учун мүлжалланылади.

Полигонда 2 минтақа мавжуд, бири ишлаб чиқариш минтақаси, иккинчиси (подсобний) хұжалик ишлари, асбоб-ускуналари, механизмлари, одамларнинг овқатланиши, дам олишига мүлжалланган жой ва бинолар, булар 1 полигон минтақасидан 15 метрли масофада эркин жойлашади.

Ишлаб чиқариш зonasи карталарга бўлинади, бу карталарда зақарли моддаларини классига қараб кўмиш ташкил қилинади.

Полигон автомобиль халқа йўли билан, заҳарларни ёқиши жиҳози жойлашган майдон билан уланади, моддаларни ёқиши майдони йўлдан камида 100—110 метр узоқликда жойлаштирилади. Заҳарли моддалар кўмилган зоналардан ёғингарчилик суви бошқа зоналарга оқиб ўтмайди, айниқса, хўжалик майдонларига оқиб ўтишига йўл кўйилмайди. Бундай сувлар мабодо пайдо бўлиб қолса маҳсус сувларни порлатиш майдонларига йигилади.

Полигон остидаги ер ости сувларининг ҳолатини текшириш учун, кимёвий таркиби, кудуқ сувлари қайси даражада баланд туришини, бактериал таркибини билиш учун кузатиш қудуфини режалаштирилади, бундай режа полигонни планлаштирганда амалга оширилади.

Полигонга келадиган йўллар электр билан ёритилади. 2,4 метр баландликда симли ўров қилинади, сигнализация жиҳозлари ўрнатилади, телефон ўтказилади, территорияни қоровуллар назорат қилиб туради, бегона кишиларга кириш таъқиқланади.

13. Корхона заҳарли моддаларини заарсизлантириш ва кўмиш услублари

Одатда кимёвий моддаларни агрегат ҳолатига қараб кўмиш услугини танлайдилар. Бунда, моддаларни сувда эрувчанлигига, хавфлилик классига аҳамият берилади. Полигонга олиб келинадиган ҳар қандай моддаларга кўйиладиган талаб:

1. Полигонга олиб келинадиган ҳар қандай модданинг паспорти, кимёвий характеристикаси, модданинг таркиби тўғрисида хабар ва модда билан контактда бўлинганда хавфсизлик қоидалари амалга оширилади.

2. 4-чи хавфли классга тегишли чиқиндилар маҳсус картада тўпланади, йигилади, ҳар бир қавати текисланади ва шиббаланади.

3. II ва III хавфли классга тегишли сувда эримайдиган моддалар котлаванга жойлаштирилади, улар қават-қават қилиб жойлаштирилади ва котлаван грунтини фильтрация коэффициенти суткасига 10^{-8} метрга тенг бўлса тўлатилган котлаван кўмиб ташланади.

4. Ўзини таркибida сувда эрийдиган пастага ўхшаш куюқ чиқиндилар моддаларни II ва III заҳарли класс хавфлилигига эга бўлгани котлаванларга кўмилади, аммо котлаваннинг таги ва ён бағрилари I метрли қалинликда лой билан сувалган бўлади.

1 класс хавфликка эга бўлган чиқинди заҳарлар кўмилганда

құшымча чора-тадбирлар күрилади. Уларнинг сувда оз бўлсада эрувчан бўлгани учун миграцияни олдини олиш мақсадида, котлаванларни деворлари, таги 1 метрли қалинликда, фильтрация коэффициенти суткасига 108 метрга тенг бўлган лой билан сувалади, улардан ташқари котлаванни таги, ёни бетонли плиталар билан мустаҳкамланади, бетонларни усти, бир-бирига уланган жойлари бетон билан сувалади, яマルади ёки бошқа сув ўтказмайдиган материаллардан қора сақицдан фойдаланилади.

Кичик миқдордаги ўта заҳарли моддалар, айниқса, сувда эрийдиган бўлса, 1 класс хавфликка эга бўлса пўлат туникали контейнерга солиниб ёки пўлат балонларга (қалинлиги 10 мм) солиниб, уларни (герметичлиги) қаттиқ, берк эканлиги текширилгандан сўнг, тўлдирилиб сўнгра бетон яшикка солинади, усти бетон билан беркитилади.

Заҳарли чиқиндилар билан тўлган котлаван шиббаланган грунт билан (қалинлиги 2,0 метр) беркитилади, унинг усти сув ўтказмайдиган модда гудрон, цементогудрон билан қуйилади, котлаван габаритидан 2—2,5 метр ҳамма томонига чиқарилади ва қўшни котлаван билан бирлаштириб беркитилади.

Агар, полигонга олиб бориладиган I, II, III класс хавфлигига эга бўлган заҳарли моддалар суюқ бўлса, уни паста ҳолатига келишигача қуйилтирилади, бу жараён корхонада амалга оширилади. Суюқ ҳолатда зарарли моддаларни кўмиш таъқиқланади.

Ёнадиган чиқиндилар 1000—1200°С ҳароратда ёқилади.

Юқорида зикр қилинган қоидалар атроф-муҳитни ифлосликлардан асрашга имкон беради.

Х боб. Урбанизация, экология ва саломатлик, урбанизациянинг тарихи

1. Урбанизациянинг тарихи

Инсоният кейинги 100—125 йил давомида манзараларни, тогу тошларни, ўрмонлар ва сув ҳавзалари қирғоқларини, денгиз ва океан қирғоқларини ва бошқаларни кенг кўламда ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Ўрмон ва ер майдонлари ўзлаштирилиб, магистрал йўллар қурилди, дарё ва бўғозлар устидан темир бетонли кўприклар қурилиб, икки ва уч материк ерлар, бир-бирларига йўл очдилар. Кейинчалик, қишлоқ хўжалиги, саноати ривожланаётган ҳудудларга, йўллар, кўприклар қурилиши билан шаҳар ва шаҳарчаларнинг пайдо бўлишига имкон туғилди, чунки ҳунармандчилик, савдо-сотик ўта ривожлана бошлади. Бундай ўзгаришлар заминида эволюцион жараёнлар ётгани билан, у шунчалар тез пайдо бўлдики, инсон бундай ҳолатдан эсанкираб, ҳатто унга реакция ҳам бермайдиган бўлиб қолди. Ахир оқибатда, табиат билан инсон ўргасидаги ўзаро таъсир соғлом жараёнга айланна олмади. Табиий муҳитта техника ва механизмлар бостириб кириб борди, табиий манзара кўринишларни оёқ ости қилиб, улар бузила бошланди. Бу эса урбанизацияни бошланиши эди.

Урбанизация бу эволюцион ўта мураккаб жараён, унинг ривожи, тараққиёти табиий кетма-кетликни эслатади. Овчи, ноаниқ структурага эга бўлган жамиятда деҳқонга айланади ва кейинчалик тураржой қуради, кўпчилик деҳқонлар бирлашиб шаҳар типидаги қишлоқларни, яшаш жойларни қуришади, булар келажакда ҳунармандчиликнинг турли хиллари бўйича мутахассисларга айланиб, олди-сотди ишлари ҳам ривож топа бошлайди. Сўнгра кўргонлар, шаҳар ва шаҳарчалар ҳунармандчилик ва савдо марказига айланна бошлайди. Демак, 10 минг йил илтари деҳқон бўлган инсон бора-бора шаҳар кишисига айланади. Демак, у шаҳарда, айниқса, урбанизациялашган шаҳарда экологик ноқулай жараёнлар гирдобига кириб қолади.

1900 йилгача бирорта жамият урбанизациялашган деб ном олмаган. Дунё, олам ҳали аграр иқтисодда, асосий ролни қишлоқ хўжалигига берган эди. 1900 йилда биргина Буюк Британия

урбанлашган мамлакат эди. 1965 йилга келиб, яъни 65 йилдан сўнг ҳамма саноати ривожланган индустрисал мамлакатларда урбанизация жараёнлари ривожланиб кетди. Яна 35 йил ўтди, жуда кўп мамлакатлар аҳолисининг 65—85 % и урбанлашган шаҳарлар шароитида яшашга одатланди. Урбанизация революциясининг таъсири табиатта ва унинг ҳосиласи инсонга ўзининг чукур таъсирини кўрсата бошлади. Кучайиб бораётган урбанизация, индустрIALIZАЦИЯ жараёнларининг ўта ривожланиб бориши, ўз навбатида,, табиий мұхитни, флора ва фауналарнинг ёмоналашишига, йўқ бўлиб кетаётганига сабаб бўлди. Бунга мисол Орол дengизининг йўқ бўлиб бориши, дарё сувларининг минераллашиши, уларнинг саёzlаниши, баъзи бирларининг сувининг йўқолиб кетиши, сувнинг етишмаслиги, суғориладиган, экин эклиладиган далаларнинг тобора камайиб бориши, улардан ташқари энг юқори ҳосил берадиган ерларни шаҳарлар эгаллаши бу катта даҳшатдир. “Агар, шундай жараён давом этаверса”, дейди Р. Смит “Нью-Жерси, Калифорния штатларининг полиз, сабзовот ўсимликларини маҳсулотини бераётган, яъни ҳосилдор далаларининг ўз-ўзидан йўқолиб кетиши аниқ. Агар, ўз вақтида бу жараёнларнинг олди олинмаса катта-катта шаҳарлар, мегаполислар уларга яқин ерларни издан чиқаради, бузади, деградацияга олиб боради, яхши ҳосилдор ерлар қолмайди».

Қизиги шундаки, катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши қишлоқдаги ишга лаёқатли кишиларни шаҳарга чорлайди, минглаб, бир неча ўн минглаб одамлар яхши ҳаёт кечириш умидида шаҳарга йўл оладилар, сабаби шаҳардаги ҳаёт, ижтимоий, иқтисодий ҳолат, маданият, майшат қишлоқдаги ҳаётдан ўлароқ катта фарқли эканлиги инсонни ўзига тортадиган омил. Шу билан бир қаторда бугунги кунда шаҳарнинг аҳолиси аҳоли зичлигидан, инсон учун шаҳардаги нокулай экологик ҳолатларнинг зарарли эканлигини тушуниб етган аҳоли, аксинча шаҳардан аста-секин қишлоқ томон силжиягти.

Келинг, урбанизация деганда нимани тушунмоқ зарур? Урбанизация бу эволюцион жараён бўлиб, бир кичик территорияда саноат корхоналари, транспорт воситалари, айниқса, автомобил транспорти, маъмурӣ идораларнинг, олий, ўрта ўқув юртлар, коллеж, лицей ва бошқа масканлар, банклар, маданий ҳордиқ чиқариш масканлари, кинотеатрлар, концерт заллари, осмонўпар иморатлар, фавворолар ва бошқа ижтимоий, иқтисодий

муаммоларни ҳал этувчи ташкилотлар, турли идоралар, савдо расталари, бозорлар, вокзаллар ва бошқаларнинг, тўпланган жойи, айниқса, одамларни зичлигидир.

Ҳозирги вақтда, урбанизация жараёнлари жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида кузатилмоқда, яъни биз яқин келажакда жуда кўлчилик аҳолининг шаҳар шароитида яшашининг гувоҳи бўламиз. Шаҳардаги ҳаёт кўп жиҳатдан қишлоқ ҳаётидан фарқ қиласди. Жумладан, иш жойларининг кўплиги ва тез топилиши, иш жараёнлари вақтининг аниқлиги, меъёрилигиги, шаҳарда маданий, майший хордиқ чиқаришликни бемалолроқлиги, турар ва яшаш уйлари, уларнинг жиҳозлари яхши яшашга шароит туғдириши, хизмат қилиши, иссиқ ва совуқ тоза сувлардан фойдаланишда катта имконият борлиги, водопровод ва канализация шоҳобчаларини қишлоқга қараганда имконият даражасида ишлатиш мумкинлиги, коммунал хизматининг йўлга қўйилганлиги, соғлиқни сақлаш хизматининг юқори даражада эканлиги ва бошқалар аҳолининг шаҳарга интилишининг асосий сабабидир.

Урбанизация ўта мураккаб жараён, унинг асосий кўзга ташланарли томони демографик кўрсаткичларнинг салбий томонга бурилиши ва шаҳар шароитида инсонларнинг зичлилигини тобора зўрайиб боришидир, шаҳарларнинг кундан-кунга катталашиб уларнинг атрофларида қўшимча кичик шаҳарларнинг пайдо бўлишидир. Масалан, Тошкент шаҳри, унга йўлдош Сирғали шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент вилоятига қарап эди, ҳозирда Тошкент шаҳрига қўшилиб кетди, Фарғона шаҳри, унинг мегаполиси Марғилон ва Қиргули шаҳарчалари, улар ҳам келажакда катта Фарғона шаҳрига қўшилиб кетадилар. Аммо, урбанизация жараёни ҳамма мамлакатлар учун бир хилдаги жараён бўлиб қололмайди. Негаки, мамлакатнинг иқтисодий ривожи, урбанизацияни ривожлантирувчи кучларнинг бир хил эмаслиги, урбанизациянинг асоратини тўғри сезишлик, унинг ижтимоий-табиий, экологик ҳолатларига салбий таъсирларини тўғри тушиниш ва бошқалар ижтимоий тузумга жуда боғлиқдир ҳамда жамиятни ижтимоий, иқтисодий томондан ривож топганлигига, аҳолининг ўзига хос этник урф-одатларига кўп жиҳатдан боғлиқлиги бор.

Ҳозирги кунда, урбанизация жараёнлари икки босқични ўз бошидан кечирмоқда. Биринчи босқич, энди ривожланаётган, тараққий этаётган мамлакатларга тегишли бўлиб улар миқдор жиҳатдан фарқланади. Урбанизациянинг иккинчи босқичига сифат кўрсаткичи характеристли бўлиб, бу босқичда энг тараққий этган давлатлар турибди. Жумладан, бу мамлакатларда:

1. Аҳолининг ижтимоий-иктисодий томондан яшаш шароитининг ўзгариши, яни иш билан бандлиги, меҳнат оқибатида олинадиган фойда, унинг ҳаёт қийматига нисбати, аёлларни жамият ишларига жалб қилиш, меҳнат вақтининг ўзгариши, аҳолини шаҳар минтақаларига жойлаштириш муоммоларини тўғри ечиш ва бошқалар кўзга ташланади.

2. Жамиятда ишчиларнинг ижтимоий касб-хунар томондан, синфларни пайдо бўлиши, яъни ишчилар миқдорининг ортиши, хизматчи интеллигентларнинг кўпайиб бориши, шу билан бирга қишлоқ ҳужалиги соҳасида ишлаётганлар сонининг камайиб бориши кўзга ташланмоқда.

3. Аҳолининг ижтимоий, маданий чегараларининг ўзгариши, яъни уларнинг умумий ва санитария маданиятининг юқорилашиб бориши, оиласвий, ҳаётий баъзи бир урф-одатларнинг бўшаши, билимдон бўлишга интилиш, маданий дам олишга имконият топиш ва бошқалар аҳолига ижобий таъсир этади.

4. Аҳолининг ижтимоий-тиббий кўрсаткичларининг ўзгариши, яъни аҳолининг юқори малакали тиббий ёрдам олиши, туғруқхоналардан фойдаланишни, турмушга чиқиш қоидаларини ўрганишни, турмушга чиққач организмда кечадиган физиологик жараёнларни билишни, касал болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишни ва бошқаларнинг ўзгариши аҳолига ижобий таъсир кўрсатади.

5. Аҳолининг ижтимоий-демографик кўрсаткичларининг ўзгариши, яни турмушга чиқиш ёшини юқорилаши, оилани меъёрдаги миқдори тўғрисидаги тущунчанинг ўзгариши, оилани режалаштириш foяларининг тарқала бошлаши, аҳолининг ёшига қараб таркиби ўзгариши, туғилишнинг камайиши, болалар ўлимининг қисқариши ва бошқалар кўзга ташланади.

Урбанизация объектив, дунёвий жараён бўлиб тез фурсатлар билан ривожланмоқда, аммо бу ривожланишнинг, яъни урбанизациянинг ўзига хос томонлари бўлиб, ижтимоий-иктисодий сфераларга, табиий ресурсларга ўзларининг салбий таъсирларини кўрсатмоқда, шунга қарамай одамларнинг шаҳарларни эгаллаши тобора кучаймоқда.

Ҳозирги вақтда, Ер юзининг катта мамлакатларида аҳолисининг кўп қисми шаҳарларга ўтиб яшамоқда. Жумладан, Шимолий Американинг 74% аҳолиси шаҳарларда яшайди, Лотин Америкасида 59%, Осиё мамлакатларида 25—30%, Африкадаги энди ривожланаётган мамлакат шаҳарларида 24—30%, Японияда 70—

75%, Германияда 85% аҳоли шаҳарларда яшамоқда. Аҳолининг бундай ҳаракати тараққиётнинг асосий омили. Бунда, фақатгина ишлаб чиқариш ривож топибгина қолмай, балки инсоннинг ўзининг ривожини, ўсишини таъминлайди. Аҳолини, территориялар бўйича ҳаракатланиши уша миңтақаларни ишчи кучи билан таъминлашга имкон туғдиради. Аҳолини жойлаштиришини ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги бор.

Юқорида такидлагинимиздек, урбанизация бу эволюцион жараён бўлиб, секин-секин ривож топиб кетди. Агар, 1700 йилда бутун жаҳонда 100000 аҳолига эга бўлган 31 шаҳар бўлган бўлса, 200 йилдан сўнг бундай шаҳарларнинг сони 1726 га етди. 1800 йилгача млн. аҳолига эга бўлган шаҳарлар йўқ эди, 170 йилдан сўнг миллионер шаҳарларнинг пайдо бўлиши бошланди, яъни 1970 йили 1 млн. ва ундан кўпроқ аҳоли жойлашган шаҳарлар сони 130 тага етди, 1985 йили 270 тага, 2001 йили 400 тага етди. Улардан ташқари, шундай шаҳарлар ер юзида пайдо бўлдики, уларнинг ўзида аҳолининг сони 10 млн.га ва ундан ҳам кўпроққа етиб борди. Ҳозирда Мехико шаҳрида 28 млн., Сан-Паулода 24 млн., Калькуттада 50 млн. аҳоли яшайди. Қоҳира, Караби, Пекин, Шанхай, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларнинг ҳар бирида 10—14 млн. аҳоли яшамоқда. Ҳозирда, Хитой халқи 1 млрд. 300 млн.га, Ҳиндистон давлатининг аҳолиси 1,1 млрд.га етиб борди.

Шу бугунги кунда катта шаҳарларнинг кичикроқ шаҳарлар билан қўшилиб кетаётгани кузатилмоқда. Масалан, АҚШнинг Атлантик океани соҳилларида Бостон шаҳри билан Вашингтон шаҳри қўшилиб Босваш номини олди, Японияда энг катта мегаполис Токайдо пайдо бўлди. У ўзининг таркибига Токио, Нагоя, Киото, Осако ва Кобе шаҳар ва шаҳар атрофини қўшилиб кетишидан пайдо бўлди. Хуллас бундай мегаполислар борган сари кўпайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси урбанизация жараёнларининг оқибатидир.

2. Урбанизациянинг ўзига хос томонлари

Урбанлашган шаҳарлар учун энг характерли томони қўйидагилардир:

1. Катта булмаган территорияларда аҳолининг 1 km^2 майдонда кўпайиб кетиши ва зичлигининг ошиб бориши;
2. Шаҳар шароитида аҳоли ҳаётий эҳтиёжининг қўйидагилар нисбатан ортиб бориппи (маънавият, маданият, ўзаро мулоқот,

ўйин-кулги, тиббиётдан фойдаланиш ўзини соғломлашириш, спорт-физкультура билан шуғулланиш, билим олиш ҳамда турли хабарларга қизиқиши ва бошқалар).

3. Ҳозирда, келажакда аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида турли зарур бўлган иншоотларни қуриш, водопровод, канализация, ҳаммом, сауна, мактаб, поликлиника, замонавий шифохоналар, лицеилар, колледжлар ва ҳоказолар.

4. Ҳар хил бир-бирига мос келмаган фикрларнинг пайдо бўлиши. Масалан, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш корхоналари ривожи моддий бойликни аҳолига келтирса, иккинчи томондан атроф-муҳитни ифлослантириши, касалликни келишига имкон яратади, аҳолини зичлигини ортишига сабаб бўлмоқда, у ўз навбатида, яшаш шароитининг ёмонлашишига олиб боради.

5. Аҳоли турар жойларида одамлар, ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт воситаларининг кўпроқ йиғилиб кетишидан аҳолига салбий таъсир этувчи омилларнинг пайдо бўлиши касалликларни келтириб чиқаради.

6. Шаҳар табиий муҳитининг доимо ўзгариб туриши янги муоммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда.

Демак, шаҳар табиий муҳитини сунъий муҳитга ўхшashi, инсонни мақсадли фаолият кўрсатишга, уларни тўғри аниқлашга, биринчи вазифаларни олдинроқ бажаришга, уларни ривожлантиришга қаратилиши керак бўлади.

Шундан кўриниб турибдики, урбанлашган шаҳар жуда мураккаб организм, унда табиий муҳит, техника ва ижтимоий механизмлар бир-бирларига бирлашиб кетган. Урбанлашган шаҳар шароитига техниканинг тазиёки жуда кучли, айниқса, уларнинг ўсимлик дунёсига, унинг табиий муҳитига, ҳайвонот дунёсига, сув ҳавзаларига таъсири кўзга ташланарлидир. Аҳолига экологик, ёқимли ҳаёт шароитини шакллантириш борган сари қийинлашиб бормоқда. Ҳавонинг, сувнинг, тупроқнинг турли хил кимёвий, канцероген, биологик омиллар билан зарапланиши, шаҳар шароитида жуда кўп миқдорда ҳаётий ахлатларни тўпланиб бориши, уларни ўз ваҳтида шаҳар территориясидан 100% олиб чиқиб кетишини имконини йўқлиги ва бошқа факторлар янги-янги муоммоларни келтириб чиқармоқда. Ваҳлонки, бу муаммолар тезликда бартараф қилинmas экан, аҳоли ўртасида юқумли ва юқумсиз касалликларнинг тарқалиб кетиши ҳавфи туғилади.

Шаҳар шароитида аҳолини сиҳат ва саломатлигига қуйидагилар таъсир кўрсатади:

1. Ноқулагай табиий мұхит, микроқлиматтың тобора ёмоналашиб бориши;
2. Ҳавонинг түрли моддалар билан доимо ифлосланып туриши, сув ҳавзаларини заарланиши;
3. Ҳаддан ташқары шовқин-суроннинг юқориличиги;
4. Тупроқнинг түрли ахлаттар билан ифлосланыши;
5. Контакт йўли билан тарқаладиган микроорганизмларга яхши имконнинг туғилиши ва бошқалар.

Мисол тариқасида Москва шаҳрини олайлик: шаҳарга экологигиеник баҳо берилар экан, қўйидагилар кўзга ташланади:

- 1) атмосфера ҳавосининг бир неча ўн кимёвий компонентлар билан ифлосланыши; атмосферанинг туман ҳолатда экани;
- 2) ҳаво ҳарорати ва шамол тезлиги режимининг ўзгариши;
- 3) табиий манзараларнинг ўзгариши, улар таркиби турли компонентларнинг кўшилиши ва ҳоказо;
- 4) буларниң ҳаммасининг бир-бирларига ўзаро таъсири, инсон организмига таъсири, шовқин-суронларнинг таъсири ва бошқалар.

Юқорида зикр қилинган факторлар комплекс ҳолатда одам организмига таъсир кўрсатиб, саломатликга зарари тегади.

Олинган далилларнинг таҳлили шуни кўрсатдик, Москванинг 70% территорияси — жануб-шарқ томондаги минтақалар заарли омиллар билан ифлосланар экан. Атмосферанинг тиниқлиги 30% камайган экан, шовқин-суронга келинса, юқори частотали шовқин ҳамма минтакага тарқалади. Ҳарорат, намлик режими ёмон томонга ўзгаради, биноларнинг ниҳоятда кўплиги, кўкаламзорларни яратишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам, бир жон бошига 1,4—2 м² кўкаламзорлар тўғри келади. Ваҳолонки, кўп шаҳарларда бундай кўрсаткичлар 10—15 баробар кўпdir.

Катта шаҳарлар тепасида, 200—500 метр баланлиқда (Тошкент, Москва, Челябинск, Нью-Йорк, Лос-Анжелос ва бошқалар) доимо туман қавати-плекнага ўхшаб кўриниб туради, уларнинг таркиби аслида чангдан, қурумдан, СО, СО₂, SO₂ ва бошқа ифлосликлардан иборат. Бундай туманларнинг атмосфера ҳавосида бўлиши сутка давомида қуёш радиациясини 18—25% камайтиради, қизифи шундаки, инсон учун энг фойдали, зарур бўлган қисқа тўлқинли ультрафиолет нури кўпроқ шимилади, уни йўқотиш 20—60% етади, Москва, Свердловск шаҳарларида ёруғлик 40% камайган.

Атмосфера ҳавосининг тиниқлигига, мусаффо бўлмаслигига сабаб инсоннинг урбанлашган шаҳарлардаги антропоген фаолиятидир. Масалан, АҚШ мамлакатида саноат корхонаси

жойлашган ҳудудларда ҳар йили атмосфера 200 млн. тонна турли туман зарарли чиқиндилар ташланади, жумладан, кул, курум, сульфит ангидриди, ис гази, карбонат ангидриди ва бошқалардир. Лос-Анжелос, Сан-Франциско, Вашингтон, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарлардаги фотохимик реакцияларнинг 90%и автомобилларнинг дудбуронларидан пуркаб чиқариладиган заҳарли омиллардир, улар кўзни, бурунни, бошқа шиллиқ-қаватларни қитиқловчи, ялигланишни қақиравчи омиллардир.

Профессор Фельдманнинг далилларига қараганда автомобиль дудбуронларидан чиқадиган зарарли омилларнинг таркиби 200 хил кимёвий зарарли моддалардан иборат экан.

1986 йили Япониянинг маркази бўлмиш Токиода 176 маротаба ҳавонинг ўта юқори даражада ифлосланиши оқибатида одамларнинг бўғилиб қолиш ҳавфи туғилган ва ҳаво тревогаси эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарашли жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йирик шаҳарлар атмосфера ҳавоси ифлосланишининг одамларнинг ўпкасида пайдо бўлган рак касалининг асосий сабабчиси деб қарайди. Ўпка рак касалидан саноат корхоналари жойлашган шаҳарларида ўлиши 2 баробарга ошганлиги маълум.

Локининг келтирган далилларига қараганда ўпка ракидан Нагоя шаҳрида ўлаётганлар сони ҳар 1000 аҳолига 9,4 тўғри келади, автомобиль ўтадиган йўлдан ва чорраҳасидан 50 метр нарироқда яшайдиган аҳолининг 14,1% ўлиши, автомобиль транспортини кўп миқдорда ўтиши оқибатида юзага келади. У йўлдан бир суткада 20 000 автомобиль транспорти ўтар экан. Табиийки, бу автомобиллар атмосфера ҳавосини, тупроқ ва бошқаларни дудбурондан чиқадиган заҳарли моддалар билан зарарлайди, улар эса инсонни касаллади.

Юқорида зикр қилинган далиллардан кўриниб турибдики, шаҳарнинг табиий муҳитига, урбанизациялашган шаҳарларнинг саноат корхоналари, транспорт воситалари, минглаб тонналаб йиғилаёттан ахлатлар, энергетика тармоқлари ва бошқа ҳисобга олинмаган манбалар сабаб бўлмоқда. Масалан, АҚШда зарарли ифлослар транспорт ҳисобига 65%, саноат корхоналарига 17%, энергетикага 14% ва бошқа манбаларга 9% тўғри келади. Шаҳар чанги заррачаларида маргумиш, кўргошин, марганец ва бошқа моддалар ҳам учраб туради. Аҳоли ўртасида сурункали бронхит, ларингит, трахеит ва бошқа касаллик учраб туради.

Тошкент шаҳрининг катта кўчаларида, айниқса, чорраҳаларда ис газининг ҳаводаги концентрацияси $100 \text{ мг} / (1 \text{ м}^3)$, бундай ҳолат

кўпчилик кишиларда заҳарланиш аломатларини чақиради. Ереван шаҳрида ис газининг миқдори 55 РЭМ тенг келади. Омск шаҳрида 224 та ифлослантирувчи манбалардан атмосферага ташланадиган чиқиндилар 783 тоннага етади, шулар ҳисобида 61 тонна сульфит ангидриди, 1,7 тонна сероводород мoddаси учрайди.

Автомобил транспортини дудбуронидан чиқадиган газлар ичидаги 3,4 бензинирендир, бу канцероген мoddа. Ис гази ҳам, кучли заҳар, қонга тушиб гемоглабин мoddаси билан ўзаро реакцияга кириб, мураккаб карбоксигемоглобин ҳосил қиласи. Организмда оксигенга нисбатан очиқиш, етишмовчилик бошланади.

3. Урбанизация ва шовқин-сурон, экологик фактор

Урбанлашган шаҳарларда шовқин-сурон жуда кўп асаб касалликларини чақиради. Инсоннинг психологик ҳолати ёмонлашади. Шовқин ҳозирги замон шаҳарларининг одамга асосий зарар берувчи омилларидан бири, уни ушлаб, кўриб, кўл теккизисб бўлмайди. Япония мамлакатининг миллий ҳисобатида келтирилган далилларга қараганда япон халқини энг безовта қиласидиган омил бу шовқин-сурондир. Лондонда чиқадиган Таймс газетаси, ҳозирги замоннинг энг заарли офати, бу шовқиндир деб ёзади. Унинг дастидан одамлар на кечаси, на кундузи дам ололмайдилар, уйқусизлик кўпчиликни касалликга гирифтор қилмоқда. XVIII асрдан бошлаб саноат корхоналари ривож топиб, бир йўла инсон ҳаётига шовқинни олиб келди, заводларда, фабрикаларда ишчиларни эшлишиш хусусияти йўқола борди, шундай шовқин манбаи бўлган объектлардан аҳоли ҳам азоб чека бошлади, айниқса, самолёт паравозларини, параводларнинг гудоги ҳеч кимга тинчлик бермайдиган бўлиб қолди. Ҳозирда атроф-муҳитни заарлаётган шовқин асосан аэропортдан учадиган самолётлар шовқини, вокзаллардаги тепловозлар шовқини ва бошқалардир, ҳақиқатда бу шовқинлар одамларнинг соғлиги учун жуда заарлидир. Қизиги шундаки, урбанлашган шаҳарларда бу офат инсонни ҳамма жойда кузатади ва тинчлик бермайди. Кўп қаватли биноларда лифт шовқинлари, кўп хонали квартиralарда инсоннинг ўзи яратадиган шовқин, масалан, қўшниларнинг юқори овозли мусиқа шовқинлари одамнинг кайфиятини бузади, ухлаш мумкин бўлмай қолади.

Аҳоли турар жойларига яқин аэропортлар шовқинидан одам ларзага келади. Масалан, Тошкент шаҳрини аэропорти шаҳарни

ишида, аэропорт атрофи ҳамма томондан аҳоли яшайдиган территориялар билан ўралган. Катта реактив самолётлари уча бошлиғтандан, айниқса, кўтарилиши вақтида уйлар зилзила бўлаётгандек титрайди. Самолёт учуб кетмагунча икки кишининг гапи қовушмайди, чунки бир-бирини эшитмайди. «Конкорд» самолётларини командирларини гапига қараганда энг кучли шовқинни шу самолётлар беради. Маълумотларга қараганда Афина шаҳри энг шовқини баланд шаҳарлар қаторига кўшилади. Шовқинли технологик жараёнларга эга бўлган завод ва фабрикаларда экологик нуқтаи назардан энг шовқинлилари темир бетон ишлаб чиқарадиган заводлар, текстил комбинатлари. Самолётсозлик заводларининг турли цехларида шовқиннинг кучи ҳар хил, қулоқнинг эшитмаслик касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу албатта касб касаллиги гуруҳига киради. Шовқиннинг узоқ вақт инсонга таъсири тез чарчашликга, ишлаб чиқариш унумдорлигининг пасайишига, маълум бир вақтда қон босимининг ошишига олиб боради. Марказий нерв системаси, юрак қон томир системасининг функциялари шовқиндан ўзгаради, касалликни келтириб чиқаради. Л.Н.Малишева далилларига қараганда информаяцияларни (хабарларни) компьютер системасида 64—77 дБа даражасидаги шовқинлар таъсирида юрак қон томир ва марказий нерв системаларида функционал ўзгаришларни кузатган. Шунинг учун ҳам шовқиннинг таъсирини, унинг таъсир этиш механизмлари эътибор бериб ўрганилмоқда. Шовқиннинг ўлчов бирлиги икки олим номи билан боғланган. Бирини исми Александр Грейама Белла. У биринчи бўлиб телефонни яратган. Иккинчиси Генрих Герц немис физиги. Белада ёки белани ўндан бири децибелада нисбий шовқин баландлиги(кучи) ўлчанса, Герцда шовқинни тақрорланиши ўлчанади. Амалиётда шовқиннинг катталик даражаси децибелда ўлчанади. Шовқин заарлими ёки йўқми инсоннинг ўзи аниқлайди. Инсоннинг қулоғини энг аниқ ўлчайдиган аппаратга ўхшатишади. Шунинг учун ҳам шовқиндан биринчи бўлиб қулоқ нерви азоб чекади. Шовқин таъсирида ички қулоқнинг сезгир нерв хўжайраларининг жароҳатланиши тузатиб бўлмайдиган, орқага қайтмайдиган оқибатларга олиб келади. Қулоқ нервига 80—90 дБа кучидаги баланд шовқин таъсир кўрсата бошласа эшитиш нервини функцияси пасая боради. Шовқин қанча шиддатли бўлса, бундай шовқин берувчи манбанинг олдида кўпроқ қолиб

кетиш эшитиш ҳолатининг сусайишига олиб боради. Шунинг учун ҳам ундаш шовқинлар яқинида бўлмаслик мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Ньюсайентист газетасининг ёзишича, концертда фойдаланадиган СД плейер асбоби билан рокмузика чалинганда пайдо бўладиган шовқиннинг баландлиги 100, баъзи бир вақтда 125 дБга етади. Концертда қатнашадиган жамоа шундай ҳолатни бошидан кечирадики, улар ярим тормозланган, эс-хушидан чала ажраган ҳолга тушади, жуда қаттиқ овоздан қулоқ пардаси йиртилиб кетгудек туйилади, қулоқ ичидаги гувуллаш, зириллаш кузатилади.

Бундай шовқинларнинг узоқ вақт таъсири инсоннинг характерига, психикасига салбий таъсири кўрсатади. Бундай ҳолатта тушган одамларнинг шовқин-суронни келтириб чиқарувчи айборларни кўришга кўзи йўқ, ҳатто уларни ўлдиришга ҳам тайёр экан. Кўпчиликнинг шовқин таъсирига нисбатан сезигрлиги юқори бўлгани сабабли, кишилар шовқин таъсирида ўз тинчлигини тез йўқотиб, асаблари таранглashedи, охир-оқибатда касалликга дучор бўладилар. Юқори децибелли шовқин-сурон ҳомилали аёлларга ўта салбий таъсири кўрсатар, туғиладиган чақалоқларда туфма касалликлар пайдо бўлар экан. Уйқунинг, асабнинг бузилиши организмнинг турли функциясини издан чиқаради. Ишлаб чиқариш унумдорлиги пасайиб кетади, соғлиқнинг нормал ҳолати бузилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг келтирган далилларига қараганда шовқин-сурон оқибатида АҚШ давлатининг иқтисодига келтирилган зарар 4 млрд. долларни ташкил қиласди. Шовқиннинг баландлиги 76—85 дБга етганда ишчиларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги 1%га камаяди.

Москва шаҳрининг ўзида шовқин баландлигидан зарар йилига 300 млн рублни ташкил қиласди. Шовқинли шароитда ишлаган ишчиларда ошқозон шиллиқ қаватининг яллиғланиши ва 12 бармоқли ичакда яранинг очилиши кузатилади.

Япония мамлакати олимларининг айтишича, аэропорт минтақасига яқин жойларда, самолётларнинг учиш йўналишида ўша атрофда яшаётган одамлар ўргасида шовқин таъсирида уйқуни бузилиши, асаб системасига таъсири кўрсатиши аниқланган, айниқса, кузатишлар натижасида янги туғилган болаларни жисмоний ўсиши ривожи пасаяди, ҳомиланинг кўпинча ўлик туғилиши ва болаларда туфма касалликлар борлиги кузатилмоқда.

Урбанлашган шаҳарларнинг ҳаммасида, айниқса, унинг магистрал кўчаларида шовқиннинг кучи 85—100 дБга етиши кузатилмоқда, аҳоли турар жойларида шовқиннинг кучи 6085 дБ етиб бормоқда. Шовқинли шаҳарларнинг аҳолиси маҳсус анкеталарни тўлдиришганда, аҳолининг 97%и шовқиннинг салбий таъсиридан шикоят қиласланлар, айниқса, мактабларнинг катта кўчаларга яқинлиги 29—39% ҳолатларда дарсларни нормал ўтишга имкон бермайди.

Албатта, савол туғилади, қандай қилиб урбанлашган шаҳар шароитида шовқинга нисбатан экологик нокулайликни бартараф қилса бўлади ёки лоақал уни ишлаб чиқилган нормага келтириш мумкин?

Одатда шовқин-сурон, бир томондан, ишлаб чиқариш корхоналарига тегишли бўлса, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари, кварталларда квартира хоналарида, кўчада ва бошқа жойларда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам, одамлар шовқин-сурон таъсиридан муҳофазани икки йўналишда олиб бориши — бири ишлаб чиқариш корхоналаридан, иккинчиси ташқаридан пайдо бўладиган шовқин-суронлардан муҳофазаланиши керак.

4. Шовқин-сурондан муҳофаза

Олдин ўйлаб кўрайлик, қаерда бўлишдан қатъий назар шовқин-сурон таъсиридан ўзимизни қандай ҳимоя қиласиз? Масалан, уйда, хоналарда, ишлаб чиқаришда ва ҳоказо.

а) хонани, квартирани қандай қилиб шовқин-сурондан ҳол қилиш керак? Одатда хонага шовқин-сурон ромларнинг, эшикларнинг тирқишиларидан, синган ойна тешикларидан, дераза ва дарз кетган деворларнинг тирқишидан, эшикдан ва бошқа жойлардан кириши мумкин. Демак, ҳамма тирқишиларни мустаҳкам беркитиш, девор тирқишиларини суваш, синган ойналарни қайта тикилаш, хуллас шовқин кириши мумкин бўлган жойларни беркитиш зарур бўлади. Бир қаватли ромни икки қаватли қилиб куриш, верандаларни беркитиш тавсия қилинади.

б) кўчадаги шовқинлар тез ўсмоқда, бунинг сабаби автомобил шинаси протекторини асфалтга урилиши, йўл асфалтларини хотекислиги оқибатида шовқин урилишлардан пайдо бўлади. Чет элларда шовқинга қарши шовқинни кам чиқарадиган шиналарни ишлаб чиқиб автомобилларнинг филдиракарига кийдирила бошлашиди, ундан ташқари транспорт йўлларини яхши қопламалар

билан ўта текис қилиб қопламоқдалар. Оқибатда енгил автомобиллардан пайдо бўладиган шовқин 2 децибелга, юк машиналари шовқини 1 децибелга камайди, жами 3 децибел, бу кўчадаги шовқинлар ярмига камайди деган гап. Бинолар билан санитария ҳимоя зоналарининг оралиғи кўкаламзорлаш-тирилиши зарур.

в) шовқинни ҳаво орқали тарқалишини камайтириш мақсадида кўчаларнинг четларига доимо кўкариб турадиган тўсиқ түғдирадиган пакана дараҳтлар экиласди. Катта магистрал кўчаларда энг камида 2 ёки 3 қаторли қилиб баланд ўсадиган дараҳтлар экиласди. Улар шовқинни 10—15% шимиб қолади. Бундан ташқари дам олиш уйлари, шифохоналар, мактаб, поликлиника ва бошқа ўкув юртлари магистрал йўллардан узоқроқ, кварталларнинг ичкариогига жойлаштириласди.

г) ишлаб чиқариш корхоналарида шовқиндан маҳсус муҳофаза қилиш мосламаси — шовқинга қарши кулоқни беркитадиган асбобдан фойдаланиласди, шовқин овози бу аппарат ёрдамида кам эшитиласди. Ундан ташқари кулоқнинг ичига тикиб кўйиладиган шовқинга қарши тампонлар ишлатиласди, тоҳо шовқин ҳосил қилувчи аппаратлар, асбоблар бошқа хоналарга ажратиб алоҳида кўйиласди, аппарат тагига амортизаторлар ҳам кўйилиши мумкин.

Урбанизиган шаҳарларнинг экологик нуқтаи назардан ўта муҳим муаммоларидан бири бу юқумли касалликларнинг тез тарқалиши. Шаҳар шароитида транспорт воситаларининг кўплиги, одамларнинг зичлиги, ўзаро контакт (яқин масофада бўлишга имконият кўплиги) йўли билан инфекциянинг тарқалиши жуда қулайдир. Сабаби шундаки, юқумли касалликларни чақирадиган қўзғатувчи микроблар атроф-муҳитда кўп тарқалган, бу муҳитда касал қўзғатувчи микробни узоқ яшаши учун қулай. Микроб учун атроф-муҳит ноқулай бўлса, у ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Бу ичак инфекцияси мисолида характерлидир, чунки уни инсон организмига тушиш йўли анча кўпроқ. Жумладан, озиқ-овқат ва сув орқали, ифлосланган қўл панжалари орқали, ҳатто пашша ҳам бундай инфекцияларни тарқатиши мумкин. Илгариги назарияларга қулоқ солсак, ичбуруғ, қорин тифи ва бошқа ичак инфекциялари фақат ифлосланган қўл орқали одамга ўтади ва касаллантиради. Ҳозирда эса бу инфекцияларни сув ва озиқ-овқатлар орқали тарқалиши тўла-тўқис исботланган. Айниқса, паратиф ва зонне таёқчаси чақирадиган ичбуруғ касалини сабабчиси, шу микроблар билан ифлосланган озиқ-овқатлар, мевалардир.

5. Урбанизация ва микроорганизмлар муаммоси

Урбанизациялашган шаҳарларда очиқ сув ҳавзаларини патоген касал чақиравчи микроблар билан ифлосланиш хавфи тобора ортиб боради. Бу, ўз навбатида,, очиқ сув ҳавзаларини марказлаштирилган водопровод орқали сув тарқатиш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин бўлмай қолади. Чунки, водопровод тозалаш иншоотларида жараёнлар сувни вирус ва микроблардан тўла-тўкис 100% озод қилолмайди. Айниқса, очиқ сув ҳавзаларига ташланадиган чиқинди сувлар, тозалаш иншоотларидан тозаланиб чиққандан сўнг ҳам патоген микробларини ушлаши ва ахолига хавф туғдириши мумкин. Масалан, хлорланган чиқинди сувларнинг ҳар 100 намунасининг 67 тасида салмонеллалар аниқланганлиги С.Н.Черкинский томонидан изоҳланган. Илмий адабиётларда келтирилган кўпгина далилларда, ҳатто водопровод суви ҳам кўп холларда юқумли касалликларни тарқатувчи манба бўлиб қолмоқда^{*}.

Урбанизациялашган шаҳарлардаги экологик факторларнинг одам организмига таъсири оқибатида ҳам макроорганизмлар ўзгарадилар. Айниқса, инсон организмини микроорганизмлар таъсирига чидамсиз бўлиб қолиши ва микроорганизмларни патогенлигини кучайиши касаллик тарқатишининг асосий сабаби бўлиб қолмоқда.

Организмни ҳимоя қилувчи, қўллаб-куватловчи иммунитет ҳам, наслдан ўтиб келаётган, уни доимий антигендан ва организмнинг ички муҳитининг доимийligини сақловчи ҳолат ҳам, бошқача қилиб айтганда, нормал физиологик ҳаёт ҳам ҳозир экологик юкни кўтаришга мажоли етмай қолаяпти.

Сабаби, ҳозирги вақтда қатор экологик нокулай шароитлар пайдо бўлмоқдаким, улар организмнинг иммун системасига кўзга кўринарли таъсирини кўрсатмоқда. Чунки, кимё саноатининг маҳсулотларининг уй хўжалик ишларида, саноатда, қишлоқ хўжалигида кенг ишлатилиши, кимёвий маҳсулотлар билан ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқатларнинг заарланиши бу, бир томондан, иккинчидан, жуда кучли электромагнит тўлқинлари, юқори тўлқинли частотали электроэнергиядан фойдаланиш, кент кўламда дори-дармон препаратларининг ўзгариб бориши, шаҳар ахолисининг кам ҳаракатли бўлиб қолиши, нерв асаб тизимини тобора таранглашиб бориши организмнинг ҳамма нормал физиологик

* Черкинский С. Н. Санитарные условия спуска сточных вод в водоемы. М. 1971 г.

жараёнларига қаттиқ таъсир этиб, касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, иммунитет пасайиб кетмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, организмнинг табиий ҳимоя қилиш воситалари бўшашиб боради, айниқса, Т ва В лимфоцитлар погуляциясининг нормал ҳолатини бузишга олиб келмоқда, бу ўз навбатида, иммун система функциясини бузилиши демакдир.

Урбанлашган шаҳарларда, шифохона ички инфекциясини тарқалиш жараёнлари аҳолининг бир-бири билан яқиндан мулокотда бўлиши, бир томондан, иккинчидан, урбанизация жараёнларида қувватсизланниб қолган кишиларнинг юқумли инфекциялар таъсирига чидамсизлиги оқибатида улар орасида юқумли касалликнинг тарқалишига имкон туғилади. Маълумки, кўпинча шифохоналарга қувватсизланган одамлар касал бўлиб тушадилар, уларни инфекцияларга қаршилик кўрсатиш хусусияти пастроқ. Айниқса, жарроҳлар операциясидан сўнг касаллар қувватсизланниб қоладилар. Ҳозирги вақтда юракда, жигарда, буйракда ва орқа мия нерв толалари умуртқа поғонасининг баъзи бир жойларида қисилиб қолганда (шморли грижаси) қилинадиган операциялар оғир ўтади. Шундай беморлар юқумли касалликларни енгил юқтириши мумкин. Бундай ҳолатда даволанаётган касаллар кўшимча шифохона ички инфекциялари сабабли касали оғирлашади, касалхонада даволаниш вақти чўзилиб кетади. Шифохона инфекцияларидан заараланган беморлар ўлими 5 маротаба ортиқ, бундай инфекциялар билан оғриган болалар ўргасида ўлим анчагина кўпроқ.

Демак, урбанлашган шаҳарларнинг бу борадаги муоммаларини ҳал этишда шифохоналардаги инфекцияларга қарши кураш, операция жараёнларини асептика ва антисептика қонун-қоидлари асосида ўтказиш, шифохоналарда кенг кўламда профилактика ишларини олиб бориш, айниқса, дезинфекция жараёнларини сифатли ўтказиш катта аҳамият касб этади.

6. Урбанизация ва ижтимоий муаммолар

Урбанлашган шаҳарларнинг яна бир муммоси наркоманиядир, бундай ёмон жараён ёшлиар ва ўсмирлар орасида жуда кенг тарқалмоқда. Нега наркотик моддаларни оғиз орқали ичиш, бурун орқали ҳидлаш, суюлтириб вена ёки артерия қон томирга тўғридан-тўғри шприц билан юбориш тарқалиб бормоқда?

Бизнинг назаримизда маънавий қашшоқлик, ижтимоий

қийинчиликлар, ишсизлик, таълим-тарбиянинг ўта пастлиги, урбанизация даврида оиласарнинг ажралиши, бегуноҳ тирик етимларнинг тарбияга муҳтоҷ бўлган вақтларида ўша тарбияни на отадан, на онадан ололмаслик, кўпи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга берилиб кеттани, алкоголизмнинг ривожи ва бошқа ижтимоий, иқтисодий аҳволлар бунга сабабдир. Бундай ҳолатлар инсонни деградацияга олиб боради, асабнинг нормал физиологик ҳолатини бузади, касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Жуда кўп мамлакатларда, айниқса, урбанизациялашган шаҳарларда бойлар синфи билан камбағалларнинг яшаш фарқи осмон билан ерчадир. Жумладан, Рио де Женейро шаҳрида 500 мингдан ортиқ аҳоли чайлаларда, экологик нокулай шароитларда яшайди. Калькутта шаҳрида 50 млн. аҳоли яшаса, шундан 15 млн. кўча ва тротуарларда, чайлаларда, инсон яшashi мумкин бўлмаган ерларда яшайдилар, бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Дарҳақиқат, камбағалчиликда бундай яшаш алкоголизмни, наркоманиянинг ривож топишига яхши имкондир.

Шаҳарларнинг катта-кичиклиги ҳамма мамлакатларда бир хил эмас, ваҳлонки шаҳарнинг катталигига унинг аҳолиси сонига қараб баҳо берилади. Аммо катта шаҳарларни ажратиб турадиган омиллар жуда сероб: аҳоли, иморатларнинг кўплиги, кўп завод ва фабрикалар, темир йўл станциялари, сув вокзаллари, аэропортлар ва ҳоказолар.

Баъзи бир мамлакатларда шаҳарлар фақат одамлар сонига қараб белгиланади. Масалан, Боливияда, Колумбияда шаҳар аҳолиси 1,5 минг бўлса, шаҳар номини олади, Кубада 2000; Мексикада, Венесуэлада 2500; Гана ва Мадагаскарда 5000 аҳолиси бўлса у шаҳар ҳисобланади. Аммо урбанилашган шаҳарлар борған сари кўпаяверган XIX аср охиirlарида, XX аср бошларида шаҳарларни қуриш ёки қурмаслик тўғрисида турли назарий баҳслар пайдо бўла бошлади. Шаҳарларни урбанизациялаш тарафдорлари ихчам, кўп қаватли биноларни бетон ва ойнадан ташкил топган қурилиш материалларидан фойдаланишни таклиф қилсалар, урбанизацияга қарши бўлган меъморлар, қурувчи, юқори малакали мухандислар шаҳарларни катталашибтиришга мутлақо қарши турганлар.

Собиқ социалистик давлатларининг назариячиларини таклифи бўйича, энг қулай, аҳолини яшаш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш корхоналарни ташкил қилиш, кам харажатли шаҳарларни барпо қилиш ва сони жиҳатдан 20000 дан 300 минггача аҳоли яшайдиган жойларни қуришни тавсия қиладилар. Шундагина

транспорт воситаларини, шаҳар муҳитини соғломлаштиришни бошқариш осонроқ кечади. Айниқса, одамларни бир-бирларига нисбатан меҳрли бўлиши, ҳурматли бўлиш, маъсулиятли бўлишини таъминлаш, шаҳар муҳитини заарали омиллардан асраш ҳар ҳолда катта шаҳарларга нисбатан анча қулай бўлади.

Оилани мустаҳкамлаш ҳар бир жамиятнинг асл мақсади бўлмоғи шарт. Аммо, урбанизация жараёнлари ривожланиб кетиб энг юқори даражага чиққан XX аср ва XXI аср бошларидаги аҳволни таҳдил қиласар эканмиз, аҳволни мутлақо ёмон томонга ўзгараётганини кўриш мумкин. 1 апрел 1998 йилда чоп этилган «Пробудитеся» журналининг «Семья в опасности, сохранится ли она?» сарлавҳали мақолосида қўйидагиларни ачиниб, қўйиниб ёзади. Масалан, Швеция мамлакатида ҳамма туғилган болаларнинг ярми оила кўрмаган аёлларнинг фарзандлари, худди шундай аҳвол Англияда, Данияда, Франция мамлакатларида ҳам кузатилмоқда.

1980 йилда АҚШда ҳар 100 боланинг 9 таси фақат онаси билан яшаётган бўлса, 1990 йилга келиб сони 25 тага етди. Қизифи шундаки, Европа мамлакатларида инсонларнинг бу бора даги фикри, психологияси ўзгариб, шундай бўлмоқдаки аёл киши ўзига четдан хуштор топиб, қонуний эридан ажраб ҳаёт кечирса, бу нормал ҳолат эмиш.

Кўпчилик аёлларнинг фикрини изоҳлаб, Ирландия миллий аёллар кенгашининг вакили Норн Берн шундай дейди «Эрга тегиб нима учун ўзимизга муаммо туғдиришимиз керак, яъни эрни пайғонини, иштонини, бошқа кийим кечагини ювиш, дазмоллашни нима кераги бор, ваҳолонки четдан бир хуштор топиб, ўзингни хурсанд қилишинг мумкин-ку, эрга тегиб ўзингта муаммо туғдириш ва мажбурият олишнинг нима кераги бор» дейди. Бу, албатта, даҳшат, кўпчилик аёлларнинг фикрича, эрсиз бемалол яшаш мумкин.

Хўш эрсиз ёки эрдан ажраган аёллардан туғилган бегуноқ болаларнинг етимлигини, уларга тарбия беришни, она меҳри, ота меҳрига тўймаган фарзандларнинг аҳволи қандай бўлар экан? 21-жадвалдаги фактларнинг ўзи юқорида зикр қилингандарга мисолдир.

Жадвалда келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, мамлакатлардаги оила, турмуш қуриш, уни мустаҳкамлаш нойчор аҳволда. Демак, келажакда оилани нима кутмоқда? Уларни мустаҳкамлаш, етим болаларга таълим тарбия бериш қайси йўналишда бориши керак?

21-жадвал

**Баъзи бир мамлакатлардаги турмуш қурган,
ва ажрашганиларнинг нисбати**

Мамлакатлар	Йиллар	Турмуш қурганлар	Ажрашганилар	%
Австралия	1993	113255	48324	42,6
Англия	1992	356013	174717	52
Германия	1993	442605	156425	35,3
Дания	1993	31507	12981	41,2
Канада	1992	164573	77031	46,8
Куба	1992	191837	63432	33,0
Малдив ороллари	1991	4065	2653	65,2
Норвегия	1993	19464	10943	56,2
Пуэрто Рико	1992	34222	14227	41,57
Россия	1993	1106723	663282	59,9
АҚШ	1993	2334000	187000	8,0
Франция	1991	280175	108086	98,5
Чехия	1993	66033	30227	45,7
Швеция	1993	34005	21673	63,7
Эстония	1993	7745	5757	34,5
Япония	1993	792658	188297	23,75

Аввалом бор оила жамиятнинг ажралмас қисми, оиласининг ҳамжиҳатлиги, ватаннинг, жамиятнинг ҳамжиҳатлигидир. Оиласининг кўп миқдорда ажралиши бу миллат ва жамиятнинг касали, унинг кучини қирқувчи омил, жамиятнинг тагидан дарз кетишидир. Оиласарнинг мустаҳкамлиги Рим империясини узоқ вақтлар давомида мустаҳкам туришига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ўзининг миллатларининг бирлиги мустаҳкамлигини сақлаб қолишни истаса оиласининг барқарор яшашини таъминлаши зарур.

Австралияда олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, 2100 усмирлар текширилганда (етим болалар) аён бўлди-ки, уларнинг соғлиги яхши эмас, сержаҳлик, жинсий алоқага нисбатан уларнинг активлигини юқорилиги, оиласда яшаган ўсмирлардагига нисбатан фарқ қиласди. АҚШдаги текширишлар шуни кўрсатдики, ажралган оиласининг болаларида бўладиган баҳтсиз ҳодисалар 25—30% баланд,

ўқиш даврида, синфда иккинчи йилга қолиб ўқиш кўпроқ, яъни 40—70%га тенг, ўқишдан ҳайдаладиган ўкувчи сони 70% ташкил қиласди. Улар ўртасида пайдо бўладиган шикоят ҳам кўпроқ бўлади.

Оила бу баҳт-саодат келтирувчи жой, оила аъзолари билан ҳаётни бирга меҳрибончилик билан ўтказиладиган жой. Оила аъзолари доимо бир-бирларига меҳрибон бўлиб, бўш вақтларини аямай бир-бирларига эътибор беришлари шарт. Оилада ота оиланинг бошлиғи, буни ҳар бир оила аъзоси билмоғи ва тушунмоғи шарт. Оилада доимо, ҳамма қандайдир меҳнат билан банд бўлмоғи, ҳаёт учун, оила учун зарур бўлган бирор нарсага қизиқиш, дам олиш қунлари оила аъзолари қандайдир ишлар билан банд бўлишини режалаштириш зарур. Яъни дам олиш куни боғ-далаларда бирга ишлаш ёки тоғ, ўрмонлар атрофларида дам олиши, сұхбат куришни ташкил қилиш ва амалга ошириш зарур. Швецияда чоп этиладиган бир газетанинг мухбири айтишича, 15 йиллик мухбирлик ишларida юриб жуда кўп ёш жиноятчилар билан учрашиб, шундай қарорга келган, яъни ёш болалар жиноятчиларининг асосий сабаби уларни тарбиялашда она ва ота меҳрининг йўқлиги, уларнинг болалар билан умуман кам вақт бўлганлиги, уларга маълум даражада эътибор берилмаганлиги, уларга қулоқ солинмаганлигига. Бу эса ҳақ гап.

Бу ишларни амалга ошириш қийин эмас, бунинг учун вақт ажратиш, телезэкранлар олдида камроқ ўтириш кифоя. Агар она уйда қолиш имконига эга бўлса, болаларига эътибор бериб, ҳаёт домласи, устози сифатида улар билан эътиборли бўлса, оилавий меҳр уйғонади, мустаҳкамланади.

Оила аъзолари харажатининг ҳаммаси келинадиган даромадга қараб сарфланса, оиланинг кўп муоммолари ўз-ўзидан ҳал этилади. Шунинг учун ўзинингиздан ёш авлодга, яъни оила аъзолари уйга келадиган маблағ, унинг нималарга харажат қилинишини билиб тушинса, улар ортиқча харажатларга бормайди, пул сўрамайди. Уйда ҳамма тартиб-интизомга бўйсуниши, кимдир машинани ювиш, кимдир ҳовли супириш ва сув сепиш билан шуғулланса, уйда тинчлик ҳукм суради.

Уйда Куръони карим сураларидан ўқиш, савоб ва ҳаром нима эканини тушунтириш, ўз ишларидан амал қилиш ёшлар тарбиясида катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, тарихан урбанизация жараёни ўзи билан комплекс: иқтисодий, ижтимоий, экологиктигиенник, демографик, психологик, тиббий муаммоларни келтириб чиқарадиган жараёндир. Урбанизация турли-туман масалаларга, энг муҳими жамият ва аҳолининг соғлигига ўз таъсирини кўрсатади. Бу муаммоларни ҳал этиш фақат демократик, ҳуқуқий давлат зиммасида бўлади.

XI боб. Заҳарли кимёвий моддалар ва экогигиена

1. Кимёвий заҳарли моддаларнинг ишлатилиш сабаблари

Ҳозирги илмий-техника ривожи даврида ҳаётнинг турли жабҳаларида кимё саноати маҳсулотлари кенг кўламда кўлланилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида кимёвий моддаларни, яъни пестицидларни, гербицидларни, дефолиантларни, десикантларни, антибиотикларни ва бошқаларни ишлатиш катта аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини янада тараққий эттириш, илфор технологияларни жорий этиш ва пировард натижада ҳалқимизнинг моддий бойлигини, дастурхонини янада тўкин қилиш, эл хирмонига барака киритиш каби долзарб муаммолар турибди. Қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини моддий техника базасини ҳар томонлама ривожлантириш, ўсимликларни ҳимоя қилувчи, ҳосилдорлигини оширувчи кимёвий, биологик воситалар, минерал ўғитлар, комплекс механизация ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бориш билан мақсадга еришиш мумкин.

Бундай улкан вазифа қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг моҳирона ва тадбиркорлик билан олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада ўсимликларни зааркунандалардан ва касалликлардан ҳимоя қилиш кимёвий воситалардан тўғри, ақл ва идрок билан фойдаланиш асосий ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг серқуёш табиати ва ўзига хос иқлим шароитлари қишлоқ хўжалигини барча жабҳаларининг ривожи учун қулайлик туддириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказувчи ҳар хил ҳашаротлар ва замбуруғли, микробли, вирусли касалликларнинг кўпайишига яхши шароит туддиради.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳалқ бошига очарчилик ва вайроналикни келтирадиган оғир оғатларнинг сабабчиларидан бири ўсимлик зааркунандалари ва касалликларидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ)нинг берган маълумотларига қараганда, дунё бўйича қишлоқ хўжалигига ҳар хил турдаги зааркунандалар етказаётган зарар ҳар йили 75 млрд.доллардан ошади. Чигирткаларнинг булутдек ёпирилиб миллион-миллион гектар

майдонлардаги экинзорларни йўқ қилиб юбораётганилиги ҳақида маълумотлар берилади. Бутун-бутун ўрмонлар, мевазор боғлар, токзорлар, ҳашаротлар туфайли касаллика учраб қуриб кетмоқда.

Қишлоқ хўжаллик зааркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг муҳим эканлиги мана шулардан кўриниб турибди. Демак, ўсимликларни оғатлардан сақлашда беминнат дастёр бўлиб хизмат қилувчи пестециidlар ва минерал ўғитлардан қишлоқ хўжалигига оқилона фойдаланиш катта фойда келтиради. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида заҳарли кимёвий моддаларни қишлоқ хўжалигига қўллаш 1970 йилда 5,5, саккизинч беш йилликнинг ўзида 20 млрд. сумдан зиёд фойда келтирганинг ўзи фикримизга далил бўлар экан.

Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институтининг берган маълумотларига кўра ўсимлик зааркунандалари ва касалликларига қарши кураш чора-тадбирлари яхши йўлга кўйилганда ҳар йили қўшимча равишда 600000 т пахта, 25 млн. т дон, 260 минг т қанд лавлаги ва бошқа қимматли ноз-неъматларни етишириш мумкин бўлади.

Ҳозирда ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий ва бошқа турли омиллардан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун ишлатилаётган кимёвий воситаларнинг аксарияти умумий таъсир кучига эгалиги билан ажralиб туради. Мазкур таъсирчан кимёвий моддаларни барча экин турларида ва ҳар йил тупроқ ва сувларда учрайдиган зааркунандалар, касаллик тарқатувчилар, паразитлар ва бегона ўтларга қўллаш мумкин, шунингдек, омборлар, хоналар, тегирмон элеваторлари ва бошқа иншоотларни дорилашда қўллаш мумкин.

Айрим таъсирчан кимёвий моддалардан ўсимликларнинг баргларини тўкишда, яна бир тури билан ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштиришда, салмоқли ҳосил беришини таъминлашда фойдаланилади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳозирда 1000 га яқин турли хил кимёвий моддалар атрофлича ишлатилмоқда. Йилига мингларча янги хил кимёвий моддалар кашф этилиб, уларнинг маълум бир қисми қишлоқ хўжалигига қўллаш учун тавсия этилади. Ҳар йили 100 минглаб гектардан зиёд экинзор ва мевазорларга ҳар хил кимёвий воситалар билан ишлов берилмоқда.

Заҳарли кимёвий моддаларнинг кенг кўламда ишлатилиши гигиена ва экология фани зиммасига кўп муаммоларни ечиш масаласини кўндаланг қилиб кўймоқда. Заҳарли кимёвий моддалар

ўз номи билан заҳардир. Мазкур моддаларнинг таъсири фақатгина ҳашаротлар, ўсимлик касалликларини чақирувчи микроблар, вируслар учунгина бўлмай, балки иссиқ қонли жониворлар, одамлар учун ҳам зарарлидир. Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалигида ташқи муҳит таъсирига чидамли кимёвий моддаларнинг ишлатилиши табиатда экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Кўлланилаётган заҳарли кимёвий моддаларнинг биологик жиҳатдан фаол эканлиги инобатга олинган ҳолда, шунингдек, уларнинг халқ хўжалигида кўп ишлатилиши муносабати билан мазкур моддаларнинг ташқи муҳиттага бўладиган таъсирини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Маълумки, инсон организми ташқи муҳит билан узвий ва чамбарчас боғланган. Демак, ташки атроф-муҳитнинг заҳарли кимёвий моддалар билан зарарланиши, ўз навбатида,, аҳоли соғлигига ва барча фойдали жониворларга салбий таъсирини кўрсатмай кўймайди.

Қишлоқ хўжалигида кўлланувчи заҳарли кимёвий моддаларнинг турлари жуда кўп бўлиб, улар ўзининг таъсир кўлами, кимёвий тузилиши ва хоссалари билан бир-биридан фарқ қиласди.

Мазкур таъсирчан кимёвий моддаларни атрофлича ўрганиш, синааб кўриш ва лозим бўлганда кўлланилишига оид тавсияларни ишлаб чиқишга доир барча масалалар қишлоқ хўжалиги билан бевосита шуғулланувчи Давлат комиссиясига тегишишидир. У ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ҳамда бегона ўтларга қарши кимёвий воситалар билан кураш борасида фаоллик кўрсатади. Комиссия таркибида гигиенистлар, токсикологлар, ўсимликни ҳимоя қилиш ташкилоти вакиллари, қишлоқ хўжалик соҳаси вакиллари фаол қатнашадилар ва ҳар бир заҳарли моддалар учун тавсияномалар ишлаб чиқади.

2. Ўсимликларни ҳимоя қилишда ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг гуруҳлари

Ўсимликларни касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлардан асраш учун ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг умумий атамаси пестицид (лотинча «pestis» — юкум, «cido» — ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ сўзлардан олинган)лар бўлиб, улар кимёвий таркиби, қайси мақсадлар учун қўлланилишига қараб, шунингдек, зараркунандалар организмига ўтиш усули ҳамда қандай таъсир қилишига қараб гуруҳларга бўлинади.

Кимёвий таркибиға күра пестицидларнинг учта гуруҳи қайл қилинади:

1. Анерганик бирикмалар (маргимуш, мис, рух, фтор, барий, симоб, олтингугурт бирикмалари, шунингдек хлоридлар ва боратлар).

2. Ўсимликлар, бактериялар ва замбуруғлардан олинадиган пестицидлар (перетринлар, анабазин, никотин, бактериал препаратлар, антибиотиклар ва бошқалар).

3. Органик бирикмалар. Мазкур гурухга таалтуқли пестицидлар физиологик таъсир жиҳатидан жуда фаол бўлган жуда кўп моддаларни ташкил қилади. Бу гуруҳ моддалар куйидагиларни ўз ичига олади:

а) хлороорганик бирикмалар (гексахлороциклогексан, полихлорпинен, полихлоркамфен, гептахлор, келтан, эфир сульфонат, ДДТ, азотокс, дитокс, геклатокс ва бошқалар);

б) фосфороорганик бирикмалар (метафос, трихлорметафос, метилнитрофос, рогор, карбофос, ДДВФ, цитидал, фазалон, фталафос, кильвал антио, метилмеркаптафос, сайфос, метатион, базудин ва бошқалар);

в) карбонат кислота, тио ва дитиокарбоминат кислота ҳосилалари (севин, карбатион, эптам, ИФК, хлор ИФК, цинеб, цирам, ТМТД ва бошқалар);

г) фенолларнинг нитроҳосилалари (ДНОК, динитроортокрезол, нитрофен, пентохлорфенол, пентохлорбензол, пентохлорнитробензол ва бошқалар);

д) фталамидлар (каптан, фталон ва бошқалар);

е) минерал мойлар ва яна бошқа турдаги кимёвий таъсирчан моддалар.

Пестицидлар аниқ бир мақсад учун қўлланишига қараб куйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ўсимлик зааркунандаларига қарши қўлланилидиган таъсирчан воситалар: ҳашарот ва каналарнинг тухумларини қутиши, йўқ қилишда ишлатиладиган акарицидлар; личинкаларни йўқ қиладиган лаврицидлар; думалоқ чувалчангларни қириш учун ишлатиладиган моддалар нематоцидлар; шиллиқ куртлар ва бузоқбошиларни нобуд қиладиган лимацидлар; кемирувчи ҳайвонларни ўлдириш учун ишлатиладиган зооцидлар каби таъсирчан моддалар тури қайд қилинади.

2. Ўсимликларнинг замбуруғлар ва бактериялардан пайдо бўладиган касалланишига қарши ишлатиладиган моддалар

функцийлар (замбуруғ) ва бактерицидлардир. Мазкур түркүм моддалар уругликларни, экинларни ва тупроқни дорилашда кенг күламда фойдаланилади. Бегона, ёвойи ўтларга қарши ишлатиладиган таъсирчан кимёвий моддалар тури гербицидлар номи билан юритилади.

3. Пахта ҳосилини механизация воситасида йигиб-териб олишда, ғұзаларни тайёрлаш мақсадида үсимлик баргларини сунъий йўл билан тўкиш, яъни дефолиация қилиш учун ишлатиладиган дефолиантлар.

4. Үсимликларнинг илдизини қуритишда ишлатиладиган кимёвий моддалар десикантлардан ҳам атрофлича фойдаланилади.

5. Халақит берадиган, керак бўлмайдиган дов-дараҳатларни қуритиш учун ишлатиладиган таъсирли кимёвий моддалар — арбоцидлар.

Пестицидларни ишлатилиш мақсадига қараб шартли равишда гурӯҳларга бўлинган. Чунки, талайгина пестицидлар кўп томонлама таъсир кўрсатиш хусусиятига эга ва хилма-хил обьектларга ишлатилади, яъни улар зааркунанда ҳашаротлар, уларнинг тухумлари, гумбак личинкаларини ҳам нобуд қилиш хусусиятига эга. Жумладан, рагор, метилмеркаптафос, антио ва бошқалар ҳам инсектицид ҳамда айни бир вақтда ўзида акарицид модда сифатида фойдаланилиши мумкин. Агар бир қатор гербицидларнинг ишлатилиш миқдори кўпайтириладиган бўлса, у ҳолда мазкур моддалар дов-дараҳатларни, шунингдек, бута үсимликларини қуритиб юбориши ҳам мумкин.

Пестицидлар зааркунандалар организмига қандай йўл билан тушиши, қандай таъсир кўрсатишига қараб ичак орқали, алоқа(контакт) йўли билан таъсир кўрсатадиган пестицидларга ва фумигантларга бўлинади.

Кимёвий ишлов берилганда пестицидлар ҳашарот ва личинкалар ичагига оғиз орқали тушади. Бу ҳодиса уларнинг заҳарли кимёвий моддалар сепилган үсимликларнинг барги ёки бошқа қисмлари билан озиқланишида кузатилади. Бевосита алоқа (контакт) йўли билан таъсир қиласидиган пестицидлар зааркунандалар ейдиган озуқа билан ҳам организмга тушиб ўз таъсирини кўрсатилиши мумкин.

Пестицидларнинг фумигантлар деб аталаидиган тури ҳашаротлар ва зааркунанда жониворларга газ ёки буг кўринишида нафас йўллари орқали ўтиб, ўз таъсирини кўрсатади.

Пестицидларнинг бундай хусусияти шартли ҳисобланади, чунки бир қатор заҳарли кимёвий моддалар бир вақтнинг ўзида ҳам ичак орқали, ҳам алоқа йўли билан таъсир этиш хусусиятига эга.

Хозирда жуда кўп пестицид намуналари тизимларга таъсир кўрсатиб яхши самара бериши билан қишлоқ хўжалигида атрофлича қўлланимокда. Улар ўсимликларнинг ичкарисига тез ўтиб, зааркунанда ҳашаротлар — триплар, каналар, ўсимлик битлари ва бошқаларга озуқа бўладиган ўсимлик шираларини маълум давргача заҳарлаб кўйиш хусусиятига эга. Заҳарланган ширалар билан озиқланган зааркунанда ҳашаротлар тез қирилади. Ичак орқали таъсир кўрсатадиган анорганик инсектицидлардан оғиз аппарати, кемирувчи типда бўладиган ҳашаротларни: гумбаклар, қўнғизлар, чигирткалар, ҳашаротлар ва бошқаларни нобуд қилишда фойдаланилар эди, тизимларга таъсир кўрсатадиган, органик асосга эга бўлган инсектицидлар эса асосан оғиз сурувчи аппарати бўладиган ҳашаротлар (ўсимлик битлари, триплар, шунингдек, ўсимлик каналари)га қарши ишлатилади. Зааркунандаларга таъсир кўрсатадиган пестицидларнинг афзалиги шундай бўлиши керакки, улар ишлатилганда фойдали, яъни зааркунандаларнинг қушандаси бўлган фойдали ҳашаротлар ва қушларнинг заҳарланиб қолишидан маълум даражада холи бўлиши керак, аммо мазкур пестицидларнинг аксарияти одам ва ҳайвонларнинг фавқулодда заҳарланиб қолишига сабаб бўлади, шу билан бирга заҳарланиш ҳодисаси пестицидларни тасодифан оғизга тушиб қолгандагина юз бермасдан ҳам содир бўлади, сабаби бу пестицидлар шикастланган тери орқали организмга осонлик билан ўтиш хусусиятига эга.

Пестицидлар барча организмлар учун заҳарли бўлиши туфайли, қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳар қандай зааркунандалардан муҳофаза этишда, касалликларга барҳам беришда барча кимёвий таъсирчан моддалар амалиётда жорий этилишидан олдин ҳар томонлама чуқур текширувлардан ўтказилиб, турли жиҳатдан синаб кўрилиши шарт. Заҳарли кимёвий моддаларга баҳо бериш дейилганда ана шу атрофлича текширув ва синовларда қўлга киритилган маълумотларга асосланиб чиқариладиган холоса қўзда тутилади.

Пестицид намунасининг устидан ўтказиладиган чуқур илмий текширув ва синовлар асосан икки мақсадни кўзлаб олиб борилади: бир томондан, кимёвий модда қишлоқ хўжалигида ишлатилганда унинг қанчалик самара бериши мумкинлигини аниқлаш мақсадида, иккинчи томондан, бирор йўл билан одам ва ҳайвонлар организмига тушиб қолгудек бўлса, қанчалик заҳарли таъсир кўрсата олишини аниқлаш мақсадида олиб борилади.

Кимёвий йўл билан синтез қилинган ҳар бир заҳарли кимёвий модданинг самара бериши дастлаб тегишли қишлоқ хўжалик муассасаларининг лабораторияларида, тажриба участкаларида, маҳсус майдонларда синаб кўрилади. Синов натижалари ижобий, яхши бўлса, мазкур кимёвий модда жамоа фермер ҳамда ширкат хўжалиги ишлаб чиқариш шароитларида ҳам синаб кўришга топширилади.

Таъсирчан кимёвий моддани ишлаб чиқариш шароитларида синаб кўриш учун давлат санитария инспекциясидан тегишли рухсат олинган бўлиши ва синон ишлари ўша кимёвий модда учун берилган вақтингчалик муваққат инструкцияларига мувофиқ олиб борилиши даркор.

Модомики шундай экан, таъсирчан кимёвий моддани гигиена ва токсикология жиҳатидан текшириш дала шароитларида синаб кўришдан аввал бошланади. Пестицидлар текширилганда унинг ҳар хил ҳайвонлар учун қанчалик заҳарли эканлиги тажриба йўли билан амалда аниқланади. Олиб борилган мазкур тажрибада модданинг ҳайвонларга кўрсатадиган маҳаллий ва умумий таъсири, жумладан, нафас йўллари, меъда-ичак йўли, шикаст етмаган тери ва шиллик пардалар орқали яхши сўрилиш-сўрилмаслиги аниқланади ва шу йўсинда унинг қандай заҳарлилиги белгиланади.

Ҳар бир пестицид намунасининг организм учун заҳарлилик даражасини белгилашда токсикологияда энг кам заҳарли доза, ўлдирадиган энг катта мутлақ доза деб номланувчи иборалардан фойдаланилади.

Заҳар деб қандай бўлмасин бирор йўл билан жуда оз миқдорда организмга тушганида организм тўқималари билан ўзаро таъсир қиласидиган ва унинг нормал ҳаёт фаолиятини издан чиқарадиган моддага айтилади.

Заҳарланиш организмга заҳарли модда таъсир этганда организмнинг нормал ҳаёт фаолияти бузилиб, касал бўлиб қолишдир. Заҳарлилик, яъни токсиклик деб кимёвий моддаларнинг организм ҳаёт фаолиятини издан чиқариб, заҳарлай олишига айтилади. Токсиклик модданинг ҳаёт билан чиқиша олмаслик мезони бўлиб, турли катталиклар билан белгиланади. Бирор пестицидинг токсиклиги кимёвий ҳам физиккимёвий хоссаларга боғлиқ бўлади ва кенг доирада ўзгариб туради. Заҳарланиш, яъни организмда рўй берадиган ўзгаришнинг табиати заҳарларнинг организм билан ўзаро таъсир қилишини белгилаб берадиган бир қанча шарт-шароитларга боғлиқ. Заҳарнинг дозаси, организмга қандай ўтиши, қанча муддат

таъсир қиласынан таңдашылғанда, организмнинг ахволи ва бошқалар ана шундай шарт-шароитларнинг энг мұхымлари ҳисобланади.

Зақарлы моддаларнинг таъсири белгилаб борадиган асосий омиллардан бири уларнинг қандай доза ёки концентрацияда организмга таъсир қилишидір.

«Зақар» түшүнчесининг ўзи ҳамиша модданинг дозаси, миқдори, таъсир этиш вақтининг қисқа ва узунлигига алоқадор бўлади. Доза деб зақарнинг маълум оғирлик ҳажми бирликларида ифода қилинадиган миқдорига айтилади. Одатда у мкг билан белгиланади. Концентрация деб пестициднинг турли мұхитлар (хаво, сув, қон ва бошқалар) шароитида суюлиш даражасига айтилади ва мгл ёки мгм³ лар билан ифодаланади.

Зақарлы кимёвий моддалар организмга хоҳ бир йўла кирган бўлсин, хоҳ кўп марта қайта-қайта кирган бўлсин, уларнинг таъсиричан миқдори бўсаға доза, токсик доза ва ўлдирадиган дозага бўлинади.

Бўсаға доза ёки концентрация деб кимёвий модданинг организм физиологик функцияларида ўта сезгир текшириш усулларидан фойдаланилганда қайд қилинадиган маълум ўзгаришларни келтириб чиқарувчи энг кам миқдорга айтилади. Бўсаға доза туфайли издан чиқсан физиологик функциялар тез орада тикланиб асл ҳолига келиб қолади.

Токсик зақарлы доза маълум клиник белгилар билан ўтадиган рўй-рост зақарланиш ҳодисасига сабаб бўлади.

Ўлдирадиган доза (ёки концентрация) зақарланиш ҳодисасининг ўлим билан тугашига олиб келади. Мутлақо ўлдирадиган доза зақарлы модданинг ҳамиша ўлимга олиб келадиган энг кам миқдори (дозаси, концентрациясидир).

Ўлдирадиган ўртача (LD_{50}) доза ёки (LC_{50}) концентрация бу тажриба учун зақарланган ҳайвонларнинг 50%ни ўлдирадиган дозадир. Ўлдирадиган ўртача доза пробитанализ усули билан ҳисоблаб чиқилади. Одатда турли зақарларнинг бўсаға, токсик ва ўлдирадиган доза ҳамда концентрацияларини бир-бирига солиштириб кўриш йўли билан ўша модданинг қанчалик зақарлилиги тўғрисида фикр юритилади.

Пестицидларнинг зақарлилик даражасини белгилаш учун куйидаги бошқа тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

Сурункали (хроник) таъсир бўсағаси деб пестициднинг ўткир бўсаға миқдорининг сурункали таъсир бўсағаси нисбатига айтилади.

Ишловга бериладиган майдонларда пестициднинг қўлланилиши

у ерда хизмат қилувчиларнинг саломатлигига салбий таъсир қилмаслиги лозим. Пестицид ишлатиладиган зона ҳавосидаги унинг йўл кўйса бўладиган концентрацияси, ҳар куни ишлаб турадиган одамлар организмига ўзгаришлар олиб келмайдиган концентрациядир.

Йўл кўйса бўладиган қолдиқ миқдор озиқ-овқат маҳсулотлари воситасида организмга тушганда физиолик нормал ҳолатни бузмайдиган миқдордир.

Заҳира коэффиценти (ҳавфсизлик индекси, ишончлилик коэффиценти) сурункали таъсир бўсағасининг йўл кўйса бўладиган энг катта концентрацияга нисбатан ҳисобланади.

Токсикология (юонча «toxiko» заҳар, «logia» таълимот, ўрганиш деган сўзлардан олинган) заҳарланиш ҳодисаларининг олдини олиш ва даволаш учун самарали воситаларни қидириб топиш мақсадида заҳарли моддалар ҳамда уларнинг ҳайвон организмидаги келтириб чиқарадиган патологик ўзгаришларни ўрганадиган фандир. Заҳарли моддалар тўғрисидаги фан сифатида токсикология аслида шу моддаларга алоқадор жами масалалар мажмумини ўз ичига олади. Бироқ унинг асосий мазмуни заҳарли модда туфайли организмда рўй берадиган патологик жараёнлар (заҳарланиш ҳодисаси) моҳиятини ўрганишдан иборат. Токсикология тирик модда билан кимёвий агент ўртасида бўладиган ўзаро таъсир шаклларидан бирини ўрганучи фандир. Токсикология фанининг ютуқларидан коммунал гигиена соҳасида кенг кўламда фойдаланилади. Жумладан, атмосфера ҳавоси ёки сув ҳавзалари учун заҳарли моддаларининг рухсат этиладиган миқдорини ишлаб чиқишида улар жуда зарур.

Токсикология фанининг энг муҳим вазифаси моддаларнинг заҳарлилик даражасини илмий асосда аниқлаш, улар организмга бир марта ёки такрор-такрор таъсир кўрсатганида рўй берадиган заҳарланиш манзарасини тасвиrlаш, организмдаги айrim функцияларнинг қандай бўлмасин бирор орган ёки тизимнинг бошқалардан кўпроқ ёки камроқ заҳарланишини топиш ва уларни патоморфологик жиҳатдан таърифлаб беришдир.

Токсикологиянинг яна бир вазифаси заҳарлар кучини кесадиган, камайтирадиган моддалар, яъни кучли заҳарланиш ҳодисаларининг олдини олиш усусларини ишлаб чиқишидир. Токсикологиянинг энг муҳим ва шу билан бирга қийин масалаларидан бири моддаларнинг организмга кўрсатадиган заҳарли таъсири механизмини ўрганиш ва заҳарнинг биологик таъсири асосида ётувчи бирламчи биокимёвий реакцияларини аниқлаб олишдир.

Заҳарнинг кучи организмда қандай ўзгаришларга учрашига кўп жиҳатдан боғлиқ. Маълум вақт мобайнида организмга кирган заҳар ундан ташқарига чиқариладиган ва зарарсизлантириладиган миқдордан кам бўлса, у организмда аста-секин тўпланиб боради, яъни кумуляция жараёни вужудга келади. Кумуляция жараёни моддий ва функционал ҳолатда кечади.

Моддий кумуляция бу организмда заҳарнинг тўплана бориб, организм тўқимлари билан маҳкам бирикиши ва уларда қайтмас ўзгаришлар келтириб чиқаришдир. Моддий кумуляцияга олиб борадиган заҳарлар учун концентрация (доза)нинг аҳамияти йўқ, бундай заҳарлар учун уларнинг нечоғли таъсир қилиб келаётгани, яъни вақт катта аҳамиятга эга.

Функционал кумуляция заҳарнинг организм ҳужайра ва тўқималарига кўрсатадиган таъсирининг тўпланиб боришидир. Бунда тўқималарда қайтмас ўзгаришлар келиб чиқмайди, лекин заҳарнинг улар функциясига кўрсатадиган таъсир кучи тўпланиб боради. Бу гурухга кирадиган заҳарлар учун улар концентрацияси (дозаси) ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади: концентрацияси бўсаға концентрациясидан кўра паст бўлса, организмда физиологик ўзгаришларга олиб келмайди.

Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалигига турли пестицид аралашмасидан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Модомики шундай экан, пестицидлар организмга аралаш мужассам таъсир кўрсатиши мумкин. Пестицидлар аралашмасининг таъсири ўзининг табиати ҳамда кучи жиҳатидан ўша фойдаланилаётган аралашма таркибиغا кирадиган айрим заҳарлар таъсиридан бошқача бўлиши мумкин. Агар бир неча заҳарли моддалар биргаликда организмга қаршилик кўрсатадиган бўлса, организм (таъсирининг кучайиши ҳодисаси), антогонизм (таъсирининг сусайиб қолиши) ёки аддитив ҳодисалари содир бўлиши мумкин.

Синергизм дейилганда аралашма таъсирининг унинг таркибиغا кирадиган ҳар бир модда таъсиридан кучли бўлиши кўзда тутилади. Бошқача айтганда, синергизмда пестицид аралашма таркибидаги айрим моддаларнинг жамидан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади.

Аддитив таъсир деб аралашманинг ундаги ҳар бир таркибий қисм таъсири билан тент таъсир кўрсатишига айтилади.

Антогонизм дейилганда аралашманинг умумий таъсири унинг таркибидаги айрим қисмлар жами таъсиридан кам бўлишига айтилади.

Фанда модданинг физиологик антогонизми деб аралашмага кирадиган айрим регулятор механизмларга қарама-қарши таъсир кўрсатиши ёки функционал жиҳатдан бир-бирига зид ишлайдиган унсурлар (масалан, функцияларни стимуллаш, сусайтириш)га бир хил таъсир кўрсатиши тушунилади.

Одатда кимёвий антогонизм аралашма таркибига кирадиган моддаларнинг бир-бири билан реакцияга киришиб, кам заҳарли ёки безараар бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятга айтилади. Бироқ пестицидлар аралашмасига татбиқан олганда бунинг аҳамияти йўқ, чунки аралашмалар тайёрлашда моддаларнинг бу хусусияти инобатта олинган бўлади.

3. Пестицидларнинг гигиеник ва токсикологик синфи

Жорий этилган тартибга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётида қўлланиш учун тавсия этилган ҳар қандай янги пестицид модда олдин токсикологик жиҳатдан синаб кўрилиши зарур. Янги моддани шу тариқа ўрганиш асосида уни қишлоқ хўжалигига ишлатиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги муаммо ҳал қилинади, шу билан бирга препарат қандай шароитларда фойдаланилганда бутунлай ҳавфсиз бўлиши белгилаб берилади. Мазкур кимёвий модда билан ишлаш вақтида унинг қандай концентрацияда ҳавода бўлишига йўл қўйилиши, озиқ-овқат маҳсулотларида кўпи билан қанча бўлишига рухсат этилиши аниқ кўрсатиб берилади. Бундай тадбирларнинг барчаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош бошқармаси чиқариб турадиган тегишли хужжат — инструкциялар ва қарорлар кўринишида расмийлаштирилади. Қишлоқ хўжалигига заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан дастлабки санитария назорати шу тариқа олиб борилади. Мазкур вазифа Соғлиқни сақлаш министрлигининг Бош санитария эпидемиология бошқармаси қошида пестицидлар регламентацияси юзасидан тузилган Давлат маҳсус комиссиясининг режасига кўра умумдавлат кўламида ўтказилиб турилади.

Заҳарли кимёвий моддалар заҳарлилигига қараб бир неча гурухларга ажратилади.

1. *Меъдага (кузатувда бўлган ҳайвонларнинг меъдасига) юборилганида кўрсатадиган таъсирига қараб:*

а) ўта кучли таъсир кўрсатадиган LD_{50} 1—50 мг/кгдан кам заҳарли моддалар;

- б) кучли зақарлы моддалар LD_{50} 50—200 мг/кг;
- в) ўртача зақарлы моддалар — LD_{50} 200—1000 мг/кг;
- г) кам зақарлы моддалар LD_{50} 1000 мг/кгдан ортиқ.

2. Теридан сүрилиб таъсири қилишига қараб:

а) таъсири жуда зўр моддалар LD 50—300 мг/кг дан кам; тери оғиз коэффициенти бирдан кам;

б) таъсири зўр моддалар LD_{50} 300—1000 мг/кг; тери оғиз коэффициенти 1—3;

в) таъсири суст моддалар LD_{50} 1000 мг/кг дан кўп; тери оғиз коэффициенти 3 дан ортиқ.

3. Учувчанилигига қараб:

а) жуда хавфли моддалар: тўйинган концентрацияси токсик концентрациясидан катта ёки унга тенг;

б) хавфли моддалар: тўйинган концентрацияси бўсаға концентрациясидан катта;

в) хавфи кам моддалар: тўйинган концентрацияси бўсаға концентрациясидан кичик.

4. Тўпланиши (кумуляцияланиши)га қараб:

а) жуда юқори: тўпландиган моддалар кумуляция коэффициенти 1 дан кам;

б) сезиларли даражада тўпланиб борадиган: кумуляция коэффициенти 1—3 дан кам;

в) ўртача тўпланиб борадиган: кумуляция коэффициенти 3—5 бўлган моддалар;

г) суст тўпланиб борадиган: кумуляция коэффициенти 5 дан ортиқ бўлган моддалар.

5. Чидамлилигига қараб (ташқи муҳитда):

а) жуда чидамли: зақарсиз таркибий қисмларга парчаланиш вақти 2 йилдан ортиқ моддалар;

б) чидамли: зақарсиз таркибий қисмларга парчаланиш даври бир йил бўлган моддалар;

в) ўртача чидамли: зақарсиз таркибий қисмларга парчаланиш вақти 16 ойдан ошмайдиган моддалар;

г) кам чидамли, зақарсиз таркибий қисмларга парчаланиш вақти 1 ойдан ошмайдиган моддалар.

6. Хавфли ўсмалар пайдо қилиши (канцерогенлиги)га қараб:

а) рўй-рост канцероген моддалар: одамларда рак пайдо қилиши маълум бўлган, ҳайвонлар устидаги тажрибаларда кучли канцероген таъсир кўрсатиши аниқланган моддалар;

б) канцероген моддалар: канцерогенлиги ҳайвонлардаги

тажрибаларда исбот этилгану, бирок одамларда исбот этилмаган моддалар;

в) канцероген таъсири суст моддалар: ҳайвонлардаги тажрибаларда суст канцероген таъсир кўрсатадиган моддалар;

г) канцероген деб гумон қилинадиган моддалар.

7. Мутагенишига қараб:

а) ўта мутагенлар: ўсимлик ва ҳайвонларда 100% гача мутациялар пайдо қиласидиган моддалар (100% деб 100 та хромосомада пайдо бўлган 100 та мутация қабул қилинади);

б) кучли мутагенлар, дрозофилда 5—100% мутация пайдо қиласидиган моддалар;

в) ўртacha мутагенлар, дрозофилда 25% мутация пайдо қиласидиган моддалар;

г) кучсиз мутация пайдо қиласидиган, дрозофилда 12% мутация пайдо қиласидиган моддалар;

д) жуда кучсиз мутагенлар, дрозофилда 0,5—1% мутация пайдо қиласидиган моддалар.

8. Тератогенлигига қараб:

а) рўй-рост тератогенлар, болаларнинг майиб мажруҳ бўлиб тугилишига олиб келиши мумкин бўлган, тажриба ҳайвонларда шундай нуқсонларга сабаб бўладидиган моддалар;

б) тератогенлиги асорат бериши гумон моддалар, ҳайвонлардаги тажрибаларда аниқланган моддалар.

9. Эмбриотроплигига қараб:

а) селектив эмбриотроп таъсирига эга моддалар, она организми учун заҳарли бўлмаган дозалардан эмбриотроп таъсир кўрсатадиган моддалар;

б) ўртacha эмбриотроп моддалар, эмбриотроп таъсири бошқа токсик таъсир билан бирга юзага чиқадиган моддалар;

10. Аллергик хоссаларига қараб:

а) кучи аллергенлар, турмушда учраб турадиган кичик дозаларда таъсир қиласидиган ҳам кўпчилик одамларда аллергия ҳолатини келтириб чиқарадиган моддалар;

б) кучсиз аллергенлар айrim кишиларда аллергия ҳолатини пайдо қиласидиган моддалар.

Атрофлича, чуқур ўрганиб чиқилган модда мазкур таснифотда келтирилган кўрсаткичларнинг бирортасидаги «а» бандига тўғри келадиган бўлса, уни амалда ишлатишга жорий қилинмайди. Мабодо, ҳозир амалда ишлатилиб келинаётган моддалар орасида шундайлари чиқиб қолса, буларнинг қўлланилишини тақиқлаб

қўйиши ва анча бехатар бўлган пестицид намуналари билан алиштириш зарур бўлади.

Одатда пестицидлар организмга турли йўллар билан: нафас йўллари, ҳазм йўллари, тери ва шиллиқ пардалар орқали кириши мумкин. Меҳнат шароитлари, уларнинг физик, кимёвий ва токсикологик хусусиятларига қараб, бу моддаларнинг баъзилари асосан нафас йўллари орқали организмга кирса, баъзилари кўпроқ бошқа йўллар орқали кириши мумкин. Бироқ уларнинг нафас йўллари орқали организмга кириши қишлоқ хўжалик амалиётида кўпроқ аҳамиятта эга.

Заҳарли кимёвий моддаларни қишлоқ хўжалигида ўсимликларга пуркаш, чантглаш, уруғларни дорилаш ва баъзи бошқа ишлар вақтида қаттиқ ёки ёғли пестицид зарарларидан иборат аэрозоллар ҳосил бўлади. Шунингдек, пестицидлар буғ ҳолида ҳавога чиқади, демак, улар ана шундай аэрозоллар ва буғ ҳолида нафас олинадиган ҳаво билан аралашиб организмга кириши мумкин.

Пестицидлар ҳаво йўлларига тушгандан кейин улар юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардасидан ҳам сўрила олади. Ўпка алвеоларининг юзасидан ҳам пестицидлар анчагина сўрилиши мумкин. Маълумотларга қараганда, ўпка алвеолалари ёзиб қўйиладиган бўлса, уларнинг умумий юза сатҳи тахминан 100 m^2 га тенг, альвеола мембраннынинг қалинлиги эса атиги 14 микрон атрофида бўлади.

Равшанки, ўпка алвеолалари юзасининг ҳаддан ташқари катта бўлиши, ўпка тўқимасида қанчадан-қанча лимфа томирлари борлиги туфайли нафасга олинган ҳаво билан кирган газлар, буғлар, зарралар, шунингдек, организм мұхитида эрийдиган заҳарли моддалар алвеолалардан тез сўрилиб ўтиб, организмнинг заҳарланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Чантланувчи пестицидларнинг нафас йўллари орқали нечоғли тез ва кўп ўтиши ҳавода муаллақ ҳолатда бўладиган зарраларнинг катта-кичиклигига боғлиқ. Мазкур зарра омиллар қанчалик майдада бўлса, организмга шунчалик чуқурроқ киради ва тезроқ сўрилиб боради.

Катталиги 30–50 (микрон) келадиган зарралар бурун, томоқ ва трахея шиллиқ пардаларида ўтириб қолади, катталиги 30–10 микрон келадиган зарралар бронхларга, 105 микрон келадиганлари бронхиолларга етиб боради, катталиги 31 микрон келадиган ва бутунлай майдароқ бўлган зарралар алвеолаларга ўтади. Диаметри 12 микрон келадиган зарралар алвеолаларда кўпроқ ушлаб қолинади. Умуман, ўпкага тушадиган ҳар қандай зарра ушланиб қолаверади.

Нафас йўллари орқали организмга кирадиган пестицидлар шиллиқ пардаларга ҳамда ўпка тўқимасига маҳаллий таъсир кўрсатиши, шунингдек, талайгина интерорецепторларни таъсирилантириб, рефлектор йўл билан бутун организмга ҳам таъсир қилиши мумкин, шу муносабат билан патологик рефлекслар ўткада пайдо бўлиши мумкин.

Пестицидларнинг ингаляцион йўл билан организмга кириши жуда хавфлидир. Нафас йўллари орқали организмга кирадиган пестицидлар меъда-ичак йўли шиллиқ пардасидан сўрилиб ўтадиган пестицидларга қараганда, одатда, бирмунча кучлироқ таъсир кўрсатади, чунки булар катта қон айланиш доирасига ўзгармаган ҳолда тушади ва жигар тўсиги (барерини)ни четлаб ўтади. Мана шу нарса пестицидлар билан ишлаш вақтида уларнинг ҳаводаги концентрациясини йўл қўядиган даражасига камайтириш, нафас йўлларини пестицидлар киришидан сақлаш чораларини кўришни муҳим қилиб қўяди.

Заҳарли кимёвий моддаларнинг организмга меъда-ичак йўли орқали кириши маълум даражада аҳамиятта эга. Нафас олинадиган ҳаво билан кириб қоладиган майдага заҳарли моддалар оғиз бўшлиғига тушиб, кейин ютиб юборилиши мумкин. Бундан ташқари, пестицидлар овқат ейиш ва тамаки чекиш билан, ифлосланган қўллар билан оғизга тушиши мумкин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари озиқ-овқат кўринишида истеъмол этилар экан, агар мазкур маҳсулотлар пестицид қолдиқлари билан ифлосланган бўлса, уларнинг киши организмига бевосита тушиш эҳтимоли бор.

Меъда-ичак йўлига тушган пестицидлар асосан ичакда сўрилади. Липоидларда эрийдиган айрим пестицид намуналари эса оғиз ва меъда шиллиқ пардасида ҳам сўрилиш хусусиятига эга. Ичак шиллиқ пардасида эса липоидларда эрийдиган заҳарли моддалар ҳам, буларда эримайдиганлари ҳам сўрилаверади. Сувли эритмалар асосан йўғон ичакда сўрилади.

Оғиз орқали тушиб, меъда-ичак йўллари орқали сўрилиб ўтган заҳарли моддалар қон ва лимфа томирлари билан бутун организмга тарқалиб боради. Улар катта қон айланиш доирасига тушишдан олдин вена орқали жигарга киради, бу ерда уларнинг бир қисми ушланиб қолиши, заҳарсиз ҳолга келтирилиши мумкин.

Жигарнинг тўсик—«барер» фаолияти ана шундан иборат. Заҳарли моддалар жигарда шу тариқа ўзгаришларга учрайдиган ҳамда пестицидларнинг бир қисми ичакда сўрилмай нажас билан бирга ташқарига чиқиб кетадиган бўлгани учун заҳарли моддаларнинг

ҳазм йўли орқали организмга кириши уларнинг ингаляцион ҳаво йўли билан ўтишига қараганда камроқ ҳавф түғдиради.

Пестицидларнинг маҳаллий, рефлектор ва умумий (резорбтив) таъсири тафовут қилинади. Маҳаллий таъсир дейилганда пестицидлар қайси жойга теккан бўлса, улар организмга сўрилиб ўтмасдан туриб ўша жойдаги тўқималарнинг таъсиrlанишидан рўй берадиган ўзгаришлар тушунилади. Кимёвий моддаларнинг таъсиrlайдиган, тўқималарни ҳалок қилиб эритадиган (некрозлайдиган), куритиб, бужмайтирадиган таъсири ана шундай маҳаллий таъсир жумласига киради. Гексахлоран, натрий фторид, кремний фторид, кальций цианамид, эркин цианамид ва бошқалар бадан терисини ачиштириб, яллиглантиради ва кўйдиради. Бироқ заҳарли химикатлар ҳам қандай маҳаллий таъсир кўрсатганида ҳам марказий нерв тизими орқали ҳар хил рефлектор реакцияларини келтириб чиқаради (нафас йўллари, меъда-ичак йўлидаги шиллиқ пардалар, тери юзаси, томирлар системасида рецепторлар билан кўп таъминланган, айниқса, умумий уйқу артериясининг ташқи ва ички уйқу артериясига бўлиниш жойидаги каротид коптокча кимёвий моддалар таъсирига жуда сезгир).

Организмга қандай йўл билан бўлмасин тушган пестицид умумий (резорбтив) таъсирини кўрсатади, яъни қонга сўрилиб ўтгандан кейин организмдаги тўқималарига тарқалиб, бутун организмга таъсир кўрсатади. Заҳарли моддалар организмга тушгач, турли ўзгаришларга учрайди (оксидланиш, қайтарилиш реакциялари, гидролиз реакциялари ва бошқалар).

Аксарият заҳарли кимёвий моддалар организмга тушганидан кейин бир қанча кимёвий ўзгаришлар оқибатида турли хил моддалар ҳосил бўлади.

Мазкур моддалар ластлабки бирикмаларга нисбатан физиологик жиҳатдан камроқ ёки кўпроқ фаол бўлиши, яъни камроқ ёки кўпроқ заҳарли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боисдан ҳам моддаларнинг таъсири ҳар хил бўлиши қайд этилади.

Заҳарли моддаларнинг организмдан чиқиб кетиши ҳақида чиқиб кетишини эмас, балки турли кимёвий ўзгаришларга учраши тўғрисида сўз юритилганда, уларнинг ўзгаришта учраганидан кейин организмдан бошқача моддалар ҳолида чиқиб кетишини назарда тутиш зарур. Масалан, метилмеркаптоф-сульфооксид сульфонгача оксидланади ва препаратнинг 97—98 фоизи шу бирикмалар ҳолида организмдан 15 соат мобайнида чиқарилади. Октаметил организмда аминооксидаза ферменти таъсирида фосфор аминооксидазага

оксидланади ва шу ҳолида организмдан чиқиб кетади. Ажратиш органлари парчаланиб ўзгарган химикатларнинг организмдан чиқишида катта рол йўнайди.

Сув мұхитида эрийдиган моддалар асосан буйрак орқали чиқарилади. Газсимон, бұғсимон ва утүвчан моддалар нафас йўллари орқали чиқиб кетиши мүмкін. Бир қатор пестицидлар, оғир металлар ва бошқа баъзи моддалар организмдан тери орқали чиқиб кетиши хусусиятига эга. Ёғсимон моддаларда яхши эрийдиган баъзи моддалар, хусусан хлороорганик моддалар: ДДТ, гексахлорциклогексан, гептахлор, баъзи бир фосфорорганик моддалар қондан сут безига ўтиб, сут билан бирга ажралиши ҳам мүмкін.

4. Пестицидлар ва атроф-муҳит

Атроф-муҳитнинг шохобчалари бўлмиш атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, тупроқ, истиқомат жойлари пестицидларнинг қўлланиши жараённида маълум даражада ифлосланиши аниқланган. Пестицидларни қўллаш усулларини тадбиркорлик билан олиб бориш туфайли атроф-муҳитни ифлосланишдан маълум даражада сақлашга имкон тугилади, қулай экологик ҳолат сақланади.

Табиий-иқлимий шароитларга, шунингдек, ўсимликлар, экинларнинг турли хусусиятларига, аҳволига, пестицидларнинг физик хоссаларига қараб уларни ишлатиш усуллари турлича бўлади.

Пуркаш дорилашга мўлжалланган ўсимликларга заҳарли химикатларни эритмалар ҳолида (бунда ўсимликларга заҳарли сув ёки органик эритувчиларда эритилган бўлади), суспензиялар ҳолида (бунда сувда эримайдиган қаттиқ пестицид сувга аралаштирилганидан кейин унда муаллақ турадиган қаттиқ зарралар ҳолида бўлади) ва эмульсиялар ҳолида (бунда сувда эримайдиган пестицид суюқлик кўринишида бўлиб, сув билан аралаштирилганидан кейин бир жинсли пуркаш томчилар ҳолида муаллақ қолади), дон омборлари, иссиқхоналар ва бошқа биноларни юқумсизлантириш учун ҳам шу усулдан фойдаланилади. Заҳарли кимёвий моддалар пуркаш усули билан қўлланиладиган препаратлар жуда тежамли ҳолда сарфланади, бироқ Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида бу усул кўп сув сарф қилинишини талаб этади: 1 га дала майдонидаги ўсимликлар трактор воситасида пуркаланилганда 400—600 л, авиация воситалари (самолёт, вертолёт) ёрдамида пуркаланилганида 100—120 л, дов-дараҳтларни пуркаш учун 200

л гача сув сарфланади. Бундай кўп миқдордаги сув сарфланадиган пуркаш усуллари айниқса, атмосфера ҳавосини, сув ҳавзаларини анчагина ифлослантиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳавода мавжуд бўлган заҳарли моддаларнинг концентрацияси рухsat этиладиган миқдордан 5—10 марта юқори бўлиши қайд этилган. Шундай ифлосланишларни камайтириш мақсадида энг кам ҳажмли усулдан фойдаланиш таклиф қилинмоқда. Бу усулда ҳар бир майдонга 100 ва 50 л гача бўлган сувли эритмалар қўлланилади, бунда таъсир қилувчи препаратларнинг эритма концентрацияси маълум даражада юқори бўлади.

Ўрта Осиёнинг иқлим шароитида ихчам ҳажмли усулни қўллаш унча тўғри келмайди. Чунки юқори ҳароратли шароитда мазкур усулдан фойдаланилганда атроф-муҳитнинг ифлосланиш ҳавфи ортади.

Чанглаш. Кукунсимон заҳарли моддаларни қишлоқ хўжалик зааркунданаларига қарши ишлатишда одатда чанглаш усулидан фойдаланилади. Кукунсимон препаратлар дустлар билан ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлиб турган пайтда ўтказилади. Мазкур усул энг осон бўлиб асосан қурғоқчил табиатли жойларда кўп расм бўлган. Чанглашда пестицид пуркаш усулидагига қараганда кўпроқ сарфланади, препаратнинг кўпгина қисми шамол билан ҳар ёққа (айниқса, юқори кўтариладиган ҳаво оқими билан юқорига) кетиб қолади ва исроф бўлади. Ёхуд бошқа экинларга тушиб, уларнинг заарланишига сабаб бўлади. Пестицидларнинг овқат учун ишлатиладиган сабзавот, полиз маҳсулотлари, резавор ва меваларга тушиши жуда ҳавфли. Чанглаш билан ишлов бериш усули ўсимликлар ҳали шудрингдан нам бўлиб турган эрта тонгтacha, шунда ҳам шамол йўқ пайтда ўтказилади. Бордию, ўсимликларни эрта тонгда чанглашнинг имкони бўлмаса, уларни дорилашдан олдин намлаш керак бўлади, бунинг учун маҳсус чанглагич машиналаридан фойдаланилади. Агар секундига 3 м дан кўра кўпроқ тезликда шамол эсиб турган бўлса, чанглаш ишини ўтказиб бўлмайди.

Аэрозол усул. Заҳарли кимёвий моддаларни қўллашда аэрозол усул бир қатор афзалликлари билан ажralиб туради. Мазкур усулда суюқлик ҳолидаги пестицидлар майда-майда томчи зарраларга бўлиниб, туман ҳолига ёки қаттиқ зарралар кўринишидаги пестицидлар маҳсус термик усулда ишланиб, тутун ҳолига келтирилади ҳамда генераторлар ёрдамида кимёвий таъсирчан моддалар пуркалади.

Заҳарли моддаларни аэрозол усули билан ишлатиш ҳозирда кенг тус олмоқда.

Заҳарли хўраклардан фойдаланиш. Зааркунанда кемирувчи ҳайвоnlар, турли ҳашаротлар ва айниқса, ғумбакларга қарши курашиш учун заҳарли хўраклардан фойдаланилади. Бунда зааркунандалар айниқса, хуш кўриб ейдиган овқатдан хўраклар махсус усулда тайёрланади. Пестицидлар қўшиб тайёрланадиган хўраклар (қуруқ озиқ моддасига аралаштирилиб тайёрланганда ва суюқ заҳарли модда суспензияси ёки эмульсияга суюқ ёки озиқ моддасини қўшиб тайёрланган) бўлиши мумкин. Одатда зааркунандалар макон қурган жойларга, далага сочиб қўйилади (юмонқозиқлар ва кемирувчи, қўнғиз ҳашаротларга қарши) ёки кемирувчи ҳайвоnlарнинг инига қўйилади (омборлар, молхоналар ва бошқаларда), бунда албатта фойдали ҳайвоnlар, паррандаларга озор бермаслик чоралари кўрилади. Заҳарли хўраклардан фойдаланишнинг хавфли томони шундаки, бу заҳарли омиллар ёғин сувлари билан ювилиб сув манбаларига тушиши, фавқулодда озиқ-овқат маҳсулотларига аралашиб қолиши мумкин. Умуман олганда заҳарли хўраклар нисбатан кичик майдонларда, маълум жойларда ишлатилиади.

Тупроққа донадор препаратларни солиш. Қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандаларига қарши кураш чора-тадбирларини янада мукаммаллаштириш, аввало, ўсимликларни кимёвий йўл билан ҳимоя қилиш тадбирларини тубдан яхшилашни талаб этади. Экин ва дов-дараҳтларни кимёвий йўл билан ҳимоя қилишда ҳозирда ишлатиб келинаётган пуркаш усуллари атроф-муҳитни пестицид моддалар билан ифлосланишга олиб келади. Бу усул одам ва ҳайвоnlар учунгина эмас, балки фойдали ҳашаротлар ва бошқа жонзотлар учун ҳам хавф туғдиради. Бу борада донадор инсектицидлардан фойдаланиб, беда ва ғўза экинларини кемирувчи ва сўрувчи зааркунандалардан сақлаш учун ишлаб чиқилган юқори самарали янги услуг гигиена нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ келади. Донадор шаклдаги инсектицидларни экин уруги билан бирга ерга солиш пестициднинг тежамли ишлатилишига ёрдам беради, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, мазкур усулда фойдали ҳашаротлар ҳамда ҳайвоnlарнинг озорланиш хавфи ҳам камаяди. Масалан, суперфосфатга аралаштирилиб тайёрланган 4%ли донадор рогордан фойдаланиш (доналарнинг диаметри 1—1,5 мм) экин ниҳолларини илдиз чиришига сабаб бўладиган ўсимликни битлардан бутунлай сақлайди. Ғўза

ниҳолларини ўсимлик битлари, ўргимчак кана ва гумбаклардан сақлаш учун бир қанча препаратларни бирга қўшиб тайёрланган донадор инсекцидлардан фойдаланилади (рогор ва антио препаратлари, гексахлораннинг гамма изомери гранулаларга қўшиб тайёрланиши мумкин).

Уруғларни дорилаш. Одатда техник ҳамда маданий, ўсимликлар, шу жумладан, чигит, маккажўхори ва бошқа экин уруғларини экишдан олдин тупроқда яшайдиган зааркунанда замбурууглар ҳамда бактерияларга қарши курашиш мақсадида кимёвий ишланади. Маълумки, табиатда турли зааркунандалар замбурууглар, микроорганизм ва вируслар уруғли донларни касаллантириб экинларнинг униб чиқишига, қолаверса ҳосилдорликка анчагина зарари тегади.

Уруғларни дорилаш билан турли касалликларга қарши курашилганда ташки муҳит обьектлари атмосфера ҳавоси, сув манбалари, неъмат ва резавор ўсимликлар ифлосланишдан ҳоли бўлади.

Уруғларни дорилашнинг уч усули мавжуд: қуруқ дорилаш, бир оз намлаб ва сувлаб дорилаш. Қуруқ усул билан дорилашда уруғлар кукун ҳолидаги препаратлар билан дориланади, бир оз намлаб дорилашда эса уруғлар бир оз миқдордаги ёпиштирувчи эритмалар билан намланади, сўнгра уларга кукун ҳолидаги препаратлар сепилади. Сувлаб дорилаш усулида уруғлар доривор кимёвий эритмага солиниб, бўклириб қўйилади.

Кейинги йилларда айрим ўсимлик уруғлари, чунончи чигитлар капсула усулида дориланмоқда. Бунда уруғлар, махсус полимер моддалар ҳамда кимёвий препаратлар муштараклигида ишловга берилади. Капсула ҳолидаги бундай уруғликлар, бир тарафдан заҳарли моддаларни аниқ миқдор, меъёрда ишлатишга ёрдам берса, иккинчи томондан, мазкур усулда дориланган чигитлар бенуқсон ўсиб чиқади, ҳосилдорлик бир қадар ошади. Чунки капсулалаштирилган моддалар таркибига ўсимликнинг ўсишини таъминлайдиган микроэлементлар ҳам қўшилади.

Уруғликларни қуруқ усул билан дорилашда кимёвий ишловга берувчи модда махсус асбоб ва механизmlар воситасида дориланади. Бироқ мазкур усулни қўллашда жуда эҳтиёткорлик ҳамда шахсий воситалардан (распиратор, противогаз, ниқоб ва бошқалар) тадбиркорлик билан фойдаланилмаса, у ҳолда кимёвий моддалар хавфли ва зарарли томонларини кўрсатиши мумкин. Шу боисдан кейинги йилларда уруғларни сал сувлаб ёки яхшигина намлаб,

сўнгра заҳарли моддалар билан ишланилмоқда. Уруғликларни дорилаш маҳсуслаштирилиб курилган биноларда СПЗМ, ОС, ОСХ ва 2ОСХ ва бошқа маркали машиналардан фойдаланилади.

Дориланган уруғликлар трактор мосламалари билан ерга қадалади. Уларни қўл билан экиш мутлақо таъқиқланади.

Заҳарли кимёвий моддалар трактор мосламалари ва елкага осиб олинадиган ассоблар ёрдамида ҳамда самолётлар ёдамида ишлатилади. Пестицидларни ерда туриб ишлатишда ОТН816, ОВХ14 маркали пуркагич чанглагичлардан фойдаланилади, самолётлардан сепилганда эса АН-2, ЯК маркали самолётлар хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳудудида ва бошқа иссиқ иқлимли шароитларда ўсимликларга самолётлар воситасида кимёвий моддалар билан ишлов бериш анчагина маъқул келмайди, чунки бу усулда атроф-муҳит обьектларининг (атмосфера ҳавоси, сув, сув ҳавзалари, озиқ-овқат маҳсулотлари бўлмиш мева, сабзовот, резавор, полиз ва бошқалар) пестицидлар билан ифлосланиши кўпроқ бўлади.

Ташқи муҳит обьектларининг заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши инсон соғлигига, шу жумладан, бутун жониворларга ёмон таъсир қилади. Чунки, пестицидлар биологик фаол моддалар бўлганлиги учун ҳар қандай тирик организмга асоратли таъсир кўрсатиб, йўқ қилиб юбориш хусусиятига эга. Шу боисдан ҳам пестицидларни ўз ўрнида, тадбиркорлик билан, белгиланган меъёрда ишлатиш лозим бўлади.

Аксарият, пестицидлар организмнинг биохимиявий тизимлари билан ўзаро реакцияга киришиб, унда мавжуд бўладиган табиий биохимиёвий жараёнларга таъсир этиб, ишдан чиқаради, натижада физиологик функциялар бузилиб, кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, органик симоб бирикмалари оқсиллардан иборат фермент гуруҳларининг ҳаёт учун муҳим, сульфидрил гуруҳларини қамраб (блоклаб) қўйса, фосфор органик бирикмалар холинэстереза ферментини қамраб қўяди. Ҳолбуки, бу ферментларнинг иккала гуруҳи ҳам тирик организмларда бўлиб у одамнинг ҳаёти фаолиятида муҳим рол ўйнаши билан ажralиб туради.

Табиатда, жумладан, биосферада, яъни одамдан тортиб курт-қумурсқа ва микроорганизмларгача бўлган жонзорлар яшаб турган муҳитда организмларнинг ҳаёт фаолиятига таъсир қила оладиган мингларча кимёвий моддаларнинг тинмай, узлуксиз айланиб юриши фан оламига маълум. Заҳарли кимёвий моддаларнинг одам насли

насабига асоратли таъсир қилиши мумкинлиги, генетик жиҳатдан олганда, энг мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Унинг долзарблиги шунга боғлиқки, ирсий касалликларни келтириб чиқаради. Бола ташлаш, боланинг ўлик ёки майиб мажруҳ бўлиб туғилиши сингари азиятли ҳодисаларнинг кейинги вақтларда кўпайиб бораётганлиги кишини ташвишга солмай қўймайди.

Ишлатилаётган кимёвий моддаларнинг аллерген тариқасида организмга таъсир қилиши борасидаги муаммо ҳам ечилиши қийин бўлган вазифа. Мазкур мураккаб масала, кимёвий моддаларни ишлатиш муносабати билан пайдо бўладиган аллергик касалликларни аниқлаш ва маҳсус даволаш усусларини ишлаб чиқиш вазифасини ечишга ундайди. Мазкур касалликларнинг олдини олиш чораларининг табиати билан йўналиши ҳам, кимёвий моддалардан ҳосил бўладиган аллергик касалликларни аниқлаш ва даволаш усусларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Диккатта сазовор томони шуки, кўпгина кимёвий моддалар жуда оз микдорда организмга тушади, унда гонадалар, эмбрион ҳужайраларига, иммунологик хусусиятларга заарли таъсир қила оладиган ўзгаришлар бошланишига олиб келиши мумкин. Бир қатор касалликларда, жумладан, кимёвий моддалар билан заҳарланиш ҳолларида ҳам организмнинг иммун реакциялари муҳим рол йўнашини қайл этиб ўтиш лозим.

Зироатчиликка, қишлоқ хўжалигига тааллуқли ишлар ва ялпи касалликларнинг тарқалишига қарши кўриладиган чора-тадбирларда пестицидларнинг кенг кўлланилиши ҳамда меҳнат жараёнида заҳарли кимёвий моддалар билан иш кўрадиган одамлар сонининг кўпайиб бораётганлиги организмда юзага келадиган иммунологик ўзгаришларни клиник нуқтаи назардан батафсил ўрганиб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Қатта-қатта экин майдонлари самолётлардан туриб ҳам, ердан туриб ҳам дориланади. Биосферанинг пестицидлар билан ифлосланиш эҳтимоли ҳам тобора кўпайиб боради, чунки майдамайда зарралар ҳолидаги талайгина пестицидлар ҳаво оқими билан атмосферанинг юқори қатламларига кўтарилиб, ер курраси атрофида узоқ муддат мобайнида айланиб юради ва қор-ёмғирга қўшилиб, яна ерга қайтиб тушади.

Хулоса қилиб айтганда, кимёвий моддалар тамомила парчаланиб кетгунича ташқи муҳит объектларида сақланиб туриш хусусиятларига эга. Шу муносабат билан амалда ишлатиш учун

жорий этиладиган препаратларни танлашда гигиеник мезонларни бундан кейин ҳам тинмай мукаммаллаштириб бориш масалалари жуда муҳим бўлиб қолади. Бунда, турли кимёвий синфларга кирадиган пестицидларнинг токсикодинамикаси ва таъсир механизмини батафсил ўрганишга, моддаларнинг қайси хоссалари кимёвий тузилишдаги қайси хусусиятга боғлиқлигини аниқлаш, пестицидларнинг аҳоли саломатлигига қай даражада ва қай хилда хавф солиши мумкинлигини олдиндан аниқлаб олишга катта аҳамият бериш зарур бўлади. Шу билан бирга, ташқи муҳит объектларини муҳофаза қилишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш даркор. атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мураккаб ҳамда долзарб масала бўлиб, у турли давлат вакиллари ҳамда ҳар хил ихтисосдаги мутахассисларнинг бирлашиб иш олиб борипини талаб қиласди. Мазкур масалани илмий асосда ҳар жиҳатдан ишлаб чиқиш муҳофаза қилишга имкон яратади.

Шуни қайд қилиш керакки, заҳарли кимёвий моддалар ташқи муҳитнинг қайси объектлари орқали организмга кирмасин, улар бирданига ўткир ёки сурункали (узоқ вақт давомида тушиб турадиган бўлса) заҳарланиш аломатларини келтириб чиқариши мумкин. Демак, ҳар бир тиббиёт ходими кимёвий омиллардан, заҳарланиш йўлларидан хабардор бўлмоғи, ана шундай фавқулодда ҳолларда заҳарланишнинг олдини олмоғи мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу мақсадда заҳарланишнинг келиб чиқиши, қайси тарзда намоён бўлиши, қандай аҳволда ўтиши, оғир-енгиллиги ва бошқа ҳолатларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқидир.

5. Бирданига ўткир ва сурункали заҳарланиш түғрисида тушунча

Тиббиётда физиологик фаол моддалар билан заҳарланишнинг икки тури: бирданига ўткир (қаттиқ) заҳарланиш ва сурункасига заҳарланиш тафовут қилинади. Таъсирчан, заҳарли моддаларнинг организмга бир йўла кўп миқдорда тушиши оқибатида содир бўладиган заҳарланиш бирданига ўткир заҳарланиш деб аталади. Мазкур таъсирчан модданинг узоқ вақт мобайнида организмга кам-кам кириб турадиган заҳарланиш ҳолати сурункали заҳарланиш деб аталади.

Организм бирдан, фавқулодда заҳарланганида юзага чиқадиган аломатлар сурункасига заҳарланишда кузатиладиган аломатлардан фарқ қиласди. Масалан, кучли таъсир кўрсатадиган бирор

фосфорорганик модданинг ўлдирадиган миқдори (дозаси) ҳайвон организмга бир йўла юборилса, ҳайвон дарров безовталаниб, файритабиий ҳолатга келади: мускуллари тортишади, жуни хурпайиб, нафаси бўғилиб қолади, оғзидан бемавруд сўлак оқиб, ичак перисталтикаси (тўлқинсимон ҳаракати) кучаяди, қон айланиши бузилади, оқибатда нафаси қийинлашади, ўлим ҳолати кузатиласи.

Пестицидлар ва кимёвий моддалар билан сурункасига заҳарланишда ўзгача ҳолатларни кузатиш мумкин. Бунда заҳарланишга хос белгилар аста-секин авж олиб боради, жумладан, турли мускул гурухлари, хусусан, орқа оёқ мускуллари биринкетин фалажланади, юрак мускуллари спазмага йўлиқади, ютиш ҳамда ҳазм қилиш қийинлашиб, ҳайвон озиб кетади ва шунинг асоратида ўлади.

Бир тур заҳарли моддалар организмга оз-оздан бироқ сурункасига тушиб турганда заҳарланиш аломатларини келтириб чиқаришга яна бир сабаб шуки, таъсирчан кимёвий моддалар (хусусан липоидтроп, яъни ёғларга сингийдиган моддалар ДДТ, альдирин, гексахлоран ва бошқалар) тери ости ёғ тўқималарига аста-секин тўпланиб боради (захар деполарини ҳосил қиляди).

6. Пестицидларнинг организмга таъсир қилиш механизми

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришилашда, уларни зааркунанда ҳашаротлар ва турли касалликлардан ҳимоя этишда кўлланиладиган пестицидларни кимёгарлар томонидан йилига юзлаб кашф этилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган пестицидлар хилма хил моддалар туркумига кириши туфайли, уларнинг қандай принципларга асосан таъсир қилишини изоҳлаб бериш мураккаб иш. Шунга қарамай, бир қатор пестицидларнинг организмга таъсир қилиш механизми (моҳияти) маълум даражада аниқланган. Чунончи, фосфорорганик кимёвий бирикмалар организмнинг фермент тизимига таъсир кўрсатади ва шу йўл билан организмдаги биокимёвий жараёнларнинг боришини ўзгартириб кўяди.

Маълумки, организмнинг ҳаёт фаолиятида, аникрофи, кўзғалишларнинг бир нерв охиридан ижрочи орган ҳужайрасига ўтишида медиаторлар деб аталадиган алоҳида кимёвий моддаларнинг аҳамияти катта. Ўз навбатида, медиаторлар нерв ҳужайраларидан ишланиб чиқади ва нерв охирларида бўлади. Нерв толасидан келаётган нерв импульси нерв охирига етгандан кейин медиатор

ажралиб чиқади ва ижрочи ҳужайранинг (кўпинча, мускул ёки без ҳужайрасининг) оқсил тузилмалари билан реакцияга киришади, шунинг натижасида ижрочи ҳужайра қўзғалиб, ўзига хос ишни бажаради (мускул ҳужайраси қисқаради, без ҳужайраси секрет ишлаб чиқаради). Фанда, ацетилхолин деган модда нерв импульсларини бир тузилмадан иккинчсига ўтказишда фаол иштирок этадиган медиаторларнинг бири эканлиги аниқланган. Нормал шароитларда нерв толасидан унинг охирига импульс етиб келганида бир оз миқдор ацетилхолин ажралиб чиқади. У мускул толасининг қисқаришига ёки безнинг секрет ажратишига сабаб бўлади. Ҳужайранинг ўзига хос фаолияти шу йўсинда охирига етганидан кейин, энди керак бўлмай қолган ацетилхолин тўқимадаги алоҳида фермент—холинэстера зара ферменти таъсирида парчаланиб кетади. Натижада, бояги ишчи ҳужайра яна аввалгидек қўзғалувчан ҳолга келади ва навбатдаги нерв импульсини қабул қилишга тайёр бўлиб туради. Илмий тадқиқотларда аниқланганидек, фосфороорганик бирикмалар холинэстраза ферменти билан реакцияга киришиб, шу фермент фаоллигини пасайтиради. Фермент фаоллиги пасайиб қолганидан кейин нерв қўзғашларида ажралиб чиқадиган ацетилхолиннинг парчаланиши тўхтайди ёки хийла камаяди, натижада ацетилхолин тўқималарда тўпланиб қолади ва ишчи ҳужайрага энди анча кучли ва узоқ таъсир кўрсатиб туради, шунга кўра заҳарланишга хос бир қанча ўзгаришлар юзага келади. Мазкур биокимёвий жараён сиртдан қараганды тегишли нервлар тонусининг бир қадар кескин кучайиши билан ифодаланиладиган жараёнга ўхшаб кетади.

Маргимуш (мишъяқ), симоб бирикмалари ҳам асосан фермент тизимларига таъсир кўрсатади. Лекин улар холинэстразага таъсир қилмай, балки бошқа ферментларнинг, хусусан, олtingугурт тутадиган ва хилма хил биокимёвий жараёнларда иштирок этадиган тиол ферментларининг активлигини пасайтиради.

Хлороорганик асосга эга бўлган пестицидлар паренхиматоз органлари, жумладан, жигарга таъсир қилиши билан ажралиб туради. Хлороорганик бирикмалар билан заҳарланган одамларда жигар функциялари издан чиқиб, организмнинг ҳимоя реакциялари сусайиб қолади. Организмда узлуксиз содир бўлиб турадиган оксидланиш жараёни ҳам бузилади. Сўз пестицидларнинг организмга таъсир қилиш механизми тўғрисида кетар экан, айнан бари бир пестицид организмнинг қандайдир функцияларини издан чиқаради, бошқа тизимларга таъсир қилмайди, деб айтиш нотўғри бўлар эди.

Организмга тушган ҳар қандай зақарли модда көнт доирада таъсир күрсатыб, нерв тизими, эндокрин безлар тизими, юрак қон томир тизими ва бошқа орган ва тұқымаларнинг ишини үзгартыради.

Зақарли кимёвий моддаларнинг организмга таъсири натижасыда, бунда хилма хил үзгаришлар орасыда организмнинг бирор тизимига хос үзгаришлар устун туриши мүмкін. Организмдаги қайси тизимнинг күпроқ үзгаришга учраши ҳар хил ҳодисада үша үзгаришларни келтириб чиқарадын кимёвий модданинг таркибан тузилишига, табиатига боғылған бўлади.

Инсоният яшаб ижод этаётган табиий муҳит нафақат инсон фаолияти билангина ифлосланиб қолмасдан, балки табиий жараёнлар оқибатида (вулқонларнинг отилиши, гейзерлар натижасыда, кенг кўламда ёнғинларнинг содир бўлиши, табиий чириш ҳамда инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти туфайли озор топмоқда. Инсоннинг кимё соҳасидаги фаолияти, том маънода олганда, ҳалқ ҳўжалигини ривожлантириш бобида фойят катта омил бўлиб ҳисобланадио, лекин шу билан бир вақтда гигиеник жиҳатдан муҳим бўлган жараёнларни ва бошқа бир қанча муаммоларни ҳам түғдиради.

Кимё фани ва унинг кўпгина жабжалари тез ривожланиши билан бир қаторда одам организмига асорат бериши мүмкін бўлган кимёвий моддалар таъсири атрофича, ҳар томонлама ўрганиб борилади. Шу билан бир қаторда ташқи муҳит ва аҳоли саломатлигини саҳлаш, пестицидларнинг организмга күрсатиши мүмкін бўлган заарли таъсирини бартараф этиш йўллари ва усуслари ишлаб чиқилади. Чунки, бу хилдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаса пестицидлар турли йўллар билан озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, атмосфера ҳавоси билан бирга организмга кириб, одамларнинг саломатлигига бир қадар таъсир кўрсата оладиган омилга айланиб қолиши мүмкін. Зироатчиликда, маданий ўсимликлар парваришида маргимуш ва симоб препаратларидан фойдаланиш муносабати билан одамларнинг пестицидлар ўрнида ишлатиладиган мазкур моддалардан заарланиб қолганлиги тўғрисидаги хабарлар XVIII асрда ёқ маълум бўла бошлаган эди.

XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмига таалуқли маълумотлар бу препаратлар билан зақарланиш ҳоллари Европа, хусусан, Германия, Франция, Испания ва бошқа мамлакатларда ҳам учраганлигидан далолат беради. Үша замондаги манбаларда одамларнинг никотин, мис, фосфор ва цианамидлар сингари препаратлар билан зақарланиб қолганлари ҳақида хабарлар ҳам

учрайди. Чунончи, зақарли кимёвий моддалардан 1945—1949 йиллар мобайнида 1700 киши, 1950 йилдан 1954 йилгача 7300 киши зақарланғанлыги тиббиётта таалуқли адабиётларда қайд қилинганд. 1955—1959 йилларда эса кимёвий препаратлардан зақарланған кишилар сони 150000 дан зиёд бўлган.

Кейинги ўн йилликларда қишлоқ хўжалигига ўсимлик зараркунандаларига ва касалликларга қарши, шунингдек, бошқа мақсадларда кўлланиладиган пестицидлар турли (ассортиментни) янги фосфор органик бирикмалар ҳисобига ошиб борди. Ўз-ўзидан маълумки, кўлланилувчи кимёвий омиллар турининг ортиши бу моддаларнинг кент кўламда ишлатилишидан дарак беради. Кейинги 25 йил ичida зақарли кимёвий моддаларни кўллайдиган мамлакатларда бу таъсирчан моддалардан зақарланған кишиларнинг сони бир неча ўн мингдан ортиб кетган. Кўпчилик ҳолларда одамларнинг ёппасига зақарланиш ҳодисалари ҳам содир бўлиб туради. Чунончи, аҳоли томонидан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, рўзгор буюмларига пестицидлар юқиб қолади, тиофос, ГХЦГ, гексахлорин, теодан, полихлорпринен ва бошқа препаратларнинг нотўғри ташилиши, сақланиши ва ишлатилиши натижасида сув, ҳаво, тупрок, озиқ-овқат маҳсулотлари заарланмоқда, шулар орқали инсон организмидаги турли кўринишдаги касалликлар содир бўлмоқда.

Бу борада сурункали зақарланиш салмоқли ўрин тутади. Зақарли кимёвий моддаларни тадбиркорлик билан сақлаш ва ишлатишга доир гигиена нормативига бекаму кўст амал қилиш аҳоли саломатлигини сақлашнинг ишончли йўли бўлиб қолади, уларнинг ташқи муҳит обьектларидаги миқдори гигиена нормативларидаги ошиб кетишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Пестицидларни ишлатиш меъёрига, муддатларига қатъий амал қилиб бориш катта аҳамият касб этади. Турли буюм ва асбобларнинг сиртида маълум даражада қоладиган ва мева ҳамда сабзавотларнинг бирмунча ичкари қатламларига ўта оладиган мойли эмульсиялар кўпроқ ҳавфлилиги билан ажралиб туради.

Тадбиркорлик билан ўз ўрнида сақланмайдиган ҳамда ишлатилмайдиган пестицидлар ёғингарчиллик даврида ерлардан оқиб келадиган сув билан бирга сув манбаларига тушиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун ариқ ва ҳовузларнинг қирғоқлари мустаҳкамлаб, бундай ҳолдан ҳоли қилиниши керак.

Зақарли кимёвий моддалар ичida, айниқса, хлороорганик пестицидлар ариқларда ушланиб қолиши мумкин, шунинг учун ариқларни вақти-вақти билан тозалаб туриш зарур бўлади. Қишлоқ

хұжалиғида ишлатиладиган жуда күп заңарли моддалар ташқы мұхит омылларига чидамли бўлиб, улар сув ва тупроқ мұхитида узоқ вақт сақланиб туриши ва тупроқнинг бир мұнча чуқур қатламларига ўтиши мүмкін (масалан, ДДТ, полихлорпинен, ГХЦГ, алдрин, полихлоркамfen ва бошқалар шулар жумласидандир).

Хлороорганик моддаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг сувда ёмон эришидир, бироқ органик эритувчи, жумладан, ёғларда яхши эрийди ва ташқы мұхитта чидамли бўлади.

Гигиена таснифига мувофиқ бир қанча хлороорганик бирикмалар жуда чидамли препаратлар жумласига киради. Масалан, ДДТ ишлатилганда жойида тупроқ мұхитида у 8—10 йилдан кейин ҳам, ГХЦГ, алъдин, гептохлор каби препаратлар эса 4—6 йилдан кейин тупроқда сақланғанлыги аникланган. Лииндан препарати 2—4,5 йил мобайнида тупроқнинг юқори қатламида сақланиб туриши хусусиятига зга ва аста-секин тупроқнинг чуқур қатламларига сингиб боради. Препаратнинг тупроқда қанчалик узоқ сақланиши тупроқ табиатига боғлиқ эканлиги ҳам аникланган (пестицидлар органик моддаларга бой тупроқларда минерал моддаларга бой тупроқларга қараганда күпроқ түпланади).

Заңарли моддаларни сақлашда тупроқ микроорганизмларининг қор ва ёмғир сувларининг күп-озлигининг ҳам аҳамияти бор. Хлороорганик бирикмаларнинг тупроқда қанчалик түпланиб бориши препаратларнинг қандай месъерда ва неча марта ишлатилғанлығига ҳам боғлиқ бўлади. Бу пестицидлар ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотларда ҳам түпланиб боради. Уларнинг ўсимликларда қандай миқдор ва қанча муддатда сақланиб туриши бир қанча омылларга узвий боғлиқ бўлади. Жумладан, препаратларнинг ташқы мұхит омыллари таъсирига чидамсиз ва чидамлилигига, қайта-қайта ишлатилишига, қўлланиш миқдорига, ўсимликларнинг турига, заңарли химикатлар ишлатиладиган туман ёки вилоятларнинг иқдим шароитларига ва бошқаларга боғлиқдир.

Кишлоқ хұжалиғи мақсадларига ишлатитувчи хлороорганик пестицидларга қараганда фосфороорганик препаратларининг афзаллиги шундаки, улар ташқы мұхитта камроқ чидамли бўлиб, айниқса, иссиқ кунларда зарарсиз маҳсулотларга парчаланиб кетади. Чунончи, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, метелмеркаптафос ўсимликларнинг баргларида 30 кун, антио 10 кун, фосфамид 7—10 кун мобайнида сақланиб туради. Модомики шундай экан, тадбиркорлик билан ишлатилганида ўсимликлар таркибида улар күп түпланиб қолмайди.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда ва уларни парваришлашда

ишлилладиган пестицидларнинг мумкин қадар иссиққонли организмларга заарсиз бўлиши катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам жаҳондаги кўпгина мамлакатлар олимлари ўсимликларнинг зааркунандалари ва касалликларига қарши курашда яхши наф берадиган, Ѣзу билан бирга, одам ва ҳайвонлар учун заҳарли таъсир кўрсатмайдиган фосфорорганик пестицидларни кашф этиш юзасидаги кенг кўламда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда хлорофос, карбофос ва бошқалар сингари кам заҳарли препаратлар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирда атрофлича қўлланиладиган пестицидларнинг яна бир гуруҳи карбоматлар, яъни карбоминат кислота ҳосилаларидир. Одатда, мазкур препаратлар кўпгина зааркунанда ҳашаротларга заҳарли таъсир кўрсатади, бироқ ташқи муҳитга кам чидамли бўлишлари билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланиладиган пестицидлар ўзининг физик кимёвий хоссалари, ташқи муҳитга чидамлилiği ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан анчагина фарқ қиласди. Шу туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари, атмосфера ҳавоси, шунингдек, тупроқнинг ифлосланишига йўл қўймаслик учун бу препаратларни тўғри танлаб, меъёрида, тадбиркорлик билан ишлилатиш ва айни вақтда гигиена қоидаларига бекаму кўст амал қилиб бориш жуда муҳим (фақат мазкур экин учун ижозат берилган пестицид намуналарини қўллаш, уларни ишлилатиш муддатлари, усувлари, меъёрига амал қилиш, бирор майдон дориланган бўлса, белгиланган муддат ўтганидан кейин ўша майдонга ишлашга чиқиши) ҳисобланади.

Ҳайвон ва ўсимликларнинг қандай бўлмасин бирор тури учун қишлоқ хўжалигида қабул қилинган меъёр ва регламентларни бошқа турдаги ҳайвон ёки ўсимликларга ва бошқа обьектларга қўллаш тақиқланади. Умуман, пестицидлардан фойдаланишда тинимсиз назорат олиб борилади.

Қишлоқ хўжалигида кўпроқ ишлилладиган айrim пестицид намуналарининг ташқи муҳит обьектларида қандай ўзгаришга йўлиқиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу эса ўқувчилар заҳарли кимёвий моддаларнинг табиатда қандай ҳолда айланиб юриши, сифат ва микдор ўзгаришларига учраши тўғрисида тасаввур ҳосил қилишларида ёрдам беради.

7. Пестицидларнинг ташқи мұхитда айланиб юриши

Қишлоқ хўжалигида экинзор ва мевазорларда учраб туралған зааркунандалар, касалликлар, бегона ўтлар ва уларга қарши, шунингдек, бошқа мақсадлар учун фойдаланиладиган заҳарли кимёвий моддалар билан ишланар экан, бу таъсирчан моддалар маълум миқдорда ташқи мұхитта тарқалади ва уни ифлослантириш хусусиятига эга. Бунинг оқибатида бизни ўраб турған атроф-мұхит: сув, ҳаво, тупроқ, озиқ-овқат, табиат неъматлари, ем-хашак ва бошқаларнинг қўлланилган пестицидлар билан ифлосланиб қолиш хавфи туғиладики, бунинг учун биринчи галда заҳарли химикатларнинг қандай йўллар билан ташқи мұхит объектларининг амалда қанчалик ифлосланиши мумкинлитетини ҳамда заҳарли химикатларнинг бир мұхитдан бошқасига қай тариқа ўтишини аниқлаб олиш керак бўлади. Бу нуқтаи назардан олганда ташқи мұхит омилларининг таъсирига анча чидамли бўлиб, бу мұхитда узлуксиз бўлиб туралған мураккаб биологик жараёнларда иштирок этувчи пестицидлар ДДТ, ГХЦГ, пентахлорбензол, полихлорпинен, полихлоркамфен ва бошқаларнинг қандай ўзгаришларга учраши катта аҳамият касб этади. Суғориладиган дехқончилик ривожланган туманларда бу таъсирчан моддаларнинг ташқи мұхитидаги бир обьектдан бошқасига ўтиб туриши анча енгил бўлади, чунки бундай жойларда пестицидлар экинларга бериладиган сув орқали ташқи мұхитнинг бошқа объектларига кўпроқ ўтиб туради.

Ташқи мұхит омилларига ҳийла чидамли пестицидлар, айниқса, ҳавфлидир, чунки бу хусусият уларнинг турли объектларга тинмай ўтиб туришига, мазкур объектларда аста-секин тўпланиб боришига ва шу тариқа одам ҳамда ҳайвон организмларига ҳам тушиб қолишига сабаб бўлади. Пестицидлар сув ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан организмга тушиб, унинг сурункали заҳарланиб боришига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, қанд лавлаги экилган майдонларга заҳарли химикатлар хоҳ ердан туриб, хоҳ самолёт воситасида пуркалганида тупроқ анчагина ифлосланади (ҳар бир килограмм тупроқда 4,4—0,74 мг рогор, 5,1—0,4 мг метилмеркаптрафос қайд қилинади). Ҳаво ҳарорати юқори ва намлиги кам бўлса, бу препаратларнинг тупроқ мағзидан ҳавога ўтиши бир қадар осонлашиади. Қанд лавлаги илдизини унинг битидан озод қилиш мақсадида мана шу пестицидларнинг аэрозоллари ишлатилганидан кейин 72 соат ўтгач, уларнинг миқдори (концентрацияси) ҳавода 0,0052 мг/м³, тупроқда 5,1—0,45 мг/кг, лавлаги илдизларида 3,0—0,4 мг/кг га, баргларда 2,85—27 мг/кгга етади.

Турли мақсадларда ишлатиладиган пестицидларнинг ташқи муҳитдаги бир объектдан бошқасига ўтиб боришига яна бир мисол келтириш мумкин. Дарё, кўл ва ҳовуз сувларини текшириб кўриш, бу сувларда 0,025 мг/л миқдорида, сув тагидаги чўкинди ва балчикда эса 2,0 мг/л миқдорида ДДТ препарати борлиги аниқланган.


Заҳарли кимёвий моддаларнинг ташқи муҳитда тўпланиб бориши одам организмига ҳам ўтиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Буни тасдиқлаш учун куйидаги рақамларга эътибор берса бўлади. Аппендэктомия (кўричакларни жарроҳлик амалида олиб ташлаш) вақтида, олиб ташланган тўқималардан ажратиб олинган ёт-тўқимсининг 36% ида 0,8—2,5 мг/кг миқдорида ДДТ топилган. Бу мисол пестицидларнинг одам организмидаги тўпланиб боришдан далолат беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, севин сингари айрим пестицид намуналари ўртача ҳарорат шароитида ҳам бир сферадан бошқа сферага ўтиб, одам саломатлиги учун хавф соладиган миқдорда тўплана боради. Чунончи, мазкур пестицид олма пўстидан ўтиб, этида аста-секин йигилиб боради, тупроқда эса 12 йилгача сақданиб қолиш хусусиятига эга, яъни тупроқ яна бошқа объектларнинг ифлосланишига сабаб бўладиган иккиласми резервуар (манба) бўлиб қолиши мумкин (севин тупроқнинг шудгорланадиган қатламларига ўтади ва бундан ҳам чукурроқ сингиши мумкин). Жумладан, севин тупроққа солинганидан кейин 3 ой ўтгач, унинг 90 фоизи ўсимликларнинг илдиз тизими тарқаладиган зонада аниқланган (М.Яким — Молдова).

Инсониятни куршаб турган ташқи муҳит объектлари (тупроқ, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимликлар дунёси, табиат неъматлари)ни назорат қилиш юзасидан олиб борилган кўп йиллик текширишлар натижасида бир қанча пестицидларнинг табиатда айланиб юришини аниқлаб олинди. Куйида уларнинг табиатда айланиб юришини ифодаловчи тархини келтириб ўтамиз. Содда қилиб кўрсатилган тарх шуни кўрсатиб турибдики, пестицидлар ишлатилгандан кейин ташқи муҳитнинг барча шохобчаларига ва пировард натижада, одам билан ҳайвонлар организмига тушади. Сабаби шундаки, одамлар билан ҳайвонлар ҳамиша ташқи муҳит билан бевосита мустаҳкам боғланган ҳолда ҳаёт кечираади. Агар шундай бўладиган бўлса, ташқи муҳитнинг бир ифлосланган омили тирик организмга маълум даражада таъсир қилиб, унда қатор ўзгаришларни келтириб чиқарадиган манбага айланиши мумкин (4-схема).

4-схема

Атроф-муҳитда чидамли кимёвий моддаларнинг айланиб юриши.



Бу таъсирот одам учун фойдали бўлиши ҳам, зарар келтириши ҳам мумкин. Ҳозирда фан ва техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган турли пестицидларнинг қишлоқ хўжалигига ишлатилиши ташқи муҳит объектлари орқали зиён етказадиган ана шундай таъсирот бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу туфайли ҳам ташқи муҳитнинг кимёвий моддалар билан ифлосланишининг олдини олиш гигиена ва экология жиҳатидан жуда катта аҳамиятта моликдир.

Энди агротехника қоидаларига риоя қилмай, кимёвий таъсирчан моддаларни кўр-кўrona, палапартиш ишлатиш натижасида ифлосланиб қолиши мумкин бўлган ташқи муҳит омиллари устида тўхталиб ўтамиз.

Сув ва сув ҳавзалари. Қишлоқ хўжалигининг барча сугориладиган жойларида сув ва сув ҳавзаларининг, ҳатто ер ости сизот сувларининг пестицидлар билан ифлосланиши аниқланган. Ўсимликларга кимёвий ишлов бериш жараёнида тўғридан-тўғри сув ва сув ҳавзалари заарланиши мумкин. Масалан, тупроққа тушган зарарли моддалар сув билан ювилиб, унда зериган ҳолда ёки суспензия кўринишида сув ҳавзаларига тушиши мумкин.

Ўрта Осиё шароитида сувнинг пестицидлар билан заарланишига шароит тутғирадиган бир қанча омиллар бор. Булар орасида экинларни сугориш асосий ўринда туради. Маълумки, Ўрта Осиёда йирик-йирик сув иншоотлари қурилган ва буларни барпо этиш келгусида янада ривожланади. Сугориш мақсадида қурилган ана шу иншоотларда оқиб келадиган сув экин майдонларига таралиб,

кимёвий моддалар ишлатилган ерларни ювиб ўтади ва ифлосланиб боради. Бунда ўша майдонларда мавжуд бўлган тупроқдаги заҳарли моддалар сув таркибига ўтиб қолади. Заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланган сув зовур, ариқ ва каналлардан оқиб ўтар экан, ундан аҳоли ўзининг мақсадлари учун фойдаланиши, ҳайвон ва паррандалар эса ундан ичиши мумкин. Демак, пестицид қолдиқлари шу йўл билан ҳам жонли организмга хавф туғдиради. Ҳозирда олиб борилаётган илмий тадқиқотларга қараганда зовур (коллектор) сувларида заҳарли кимёвий моддалар бўлмиш ДДТ, ГХЦГ, алдрин ва бошқа таъсирчан омиллар рухсат этилган миқдордан 210 марта ва ундан ҳам зиёд миқдорда бўлиши аниқланган.

Сув ва сув ҳавзалари ўз таркибида нафақат заҳарли кимёвий моддаларнинг қолдиқларини, балки ҳозирда қишлоқ хўжалиги экинларини (мева, сабзавот, резавор, полиз экинлари, шунингдек, техник ўсимликлар — пахта, зифир, каноп ва бошқалар) этиштиришда фойдаланиладиган минерал ўғит қолдиқларини ҳам сақлади.

Атмосфера ҳавоси. Атмосфера ҳавосининг заҳарли моддалар билан заҳарланиши борасида тўхталар эканмиз, шу таъсирчан моддаларнинг одамлар ишлайдиган зона ҳавосида ва умуман аҳоли яшайдиган пунктлар ҳавосида ҳар хил миқдорда бўлинишини назарда тутиш керак бўлади. Шунга кўра пестицидларнинг иш зонаси ҳавосида ва аҳоли яшайдиган пунктлар ҳавосида йўл қўйиладиган концентрациялари тафовут қилинади. Шу нарса аёнки, заҳарли химикатлар билан ишланадиган зонада, химикатлар сақланадиган бинолар ҳавосида бу препаратларнинг концентрацияси бошқа жойлардагидан фарқли ўлароқ, кўпроқ бўлади. Чунки, улар иш жараёнида, ишлаб чиқариш вақтида чангуб, тўзиб, майда-майда зарралар ҳолида ҳавога ўтади.

Заҳарли кимёвий моддаларга хос яна бир томон борки, бир қатор пестицидлар, жумладан, фосфор органик бирикмалар, айниқса, ёзда, кун иссиқ вақтда кўпроқ буғланади ва уларнинг ҳаводаги концентрацияси янада ортиб кетади. Аҳоли яшайдиган жойларда заҳарли кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши асосан икки сабабга боғлиқ. Биринчидан, заҳарли химикатлар турли техника воситалари: қишлоқ хўжалик авиацияси, трактор пуркагичлари ёрдамида сепилади, пуркалади ва бошқа йўллар билан ишлов берилади. Шу воситалардан фойдаланиши вақтида сепилаётган пестицидлар, табиийки, аввало, ҳавога учади. Ҳавонинг кимёвий моддалар ўтган қатлами кейинчалик бошқа қатламларга аралashiб,

пировардид аҳоли яшайдиган жойларгача етиб бориши ва арзимас миқдорда бўлса ҳам ўзи билан бирга заҳарли моддаларни олиб келиши мумкин. Шу боисдан ҳам аҳоли истиқомат қиласидиган жойлар ва кимёвий моддалар билан ишлов бериладиган экинзорлар орасида санитария ҳимоя зонаси бўлиши талаб этилади.

22 -жадвал

Гексахлоранинг атмосфера ҳавосидаги концентрацияси

Ишловга берилган майдон, гектар ҳисобида	Майдоннинг ишланиш усули	Майдон билан олинган нуқта орасидаги масофа	Гексахлоран концентрацияси, мг/л ³			Модданинг ҳаводаги турғунлиги (кун бўйлаб)
4 гектар	Трактор билан ишлаш	500	0,015	1,35	0,48	5
		200	0,01	0,95	0,29	5
		300	0,015	0,29	0,038	3
		500	0,015	0,022	0,18	2
		700	0	0	0	0
		1000	0	0	0	0
200 гектар	Самолёт билан ишлаш	300	0,01	1,46	0,58	7
		500	0,02	1,02	0,38	5
		700	0,02	0,5	0,22	3
		1000	0,01	0,03	0,02	1
		1500	0	0	0	0

23-жадвал

Ҳароратнинг ўзгаришинга қараб амифос моддасининг атмосфера ҳавосидаги миқдори (препарат самолёт воситасида сепилган)

Намуналар синган кунлари	Атмосфера ҳавосида мг/м ³ ҳисобида					
	Майдон ташқарисидаги турли масофалар					
	800	500	700	1000	1500	2000
ҳаво ҳарорати 20°C бўлганида						
1 0,467+0,016	0,170+0,003	0,086+0,007	0,059+0,002	0,04+0,001	0,006	+0,001
2 0,171+0,004	0,110+0,003	0,056+0,001	0,037+0,001	0,018+0,001	0	0
3 0,098+0,004	0,014+0,001	0,029+0,001	0,011+0,001	0	0	0
4 0,063+0,003	0,006+0,001	0,004+0,001	0	0	0	0
5 0,029+0,001	0,003+0,001	0	0	0	0	0
6 0,009+0,001	0,002+0,001	0	0	0	0	0
7 0	0	0	0	0	0	0
8 0	0	0	0	0	0	0

ҲАВО ҲАРОРАТИ 32°C БҮЛГАНИДА

1	0,707+0,035	0,293+0,003	0,163+0,002	0,105+0,003	0,060+0,003	0,003	+0,001
2	0,187+0,003	0,197+0,001	0,105+0,004	0,070+0,005	0,032+0,002	0,026	+0,001
3	0,103+0,005	0,096+0,001	0,037+0,004	0,028+0,004	0,014+0,002	0,011	+0,001
4	0,040+0,004	0,016+0,001	0,006+0,001	0	0	0	0
5	0,025+0,004	0,016+0,001	0	0	0	0	0
6	0,006+0,002	0	0	0	0	0	0
7	0	0	0	0	0	0	0
8	0	0	0	0	0	0	0

Иккинчидан, экин майдонига ишлатиладиган заҳарли кимёвий моддалар ўсимлик пояси, барглар ва тупроқ таъсирида ҳавога ўтади. Айниқса, иссиқ шароитда жуда күп заҳарли кимёвий моддалар буғланиш хусусиятига эга, шу туфайли ҳам атмосфера ҳавоси мазкур пестицидлар қўлланиладиган жойларда тезда ифлосланади. Пестицид буғлари билан ифлосланган ҳаво инсон организми учун жуда ҳавфли ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, заҳарли кимёвий моддалар авиация ёрдамида сепилганида ифлосланиш зонаси (доираси) 1000—1300 м гача чўзилиши мумкин. Бунда кимёвий моддалар билан ишловга берилган майдонлар ва аҳолининг турар жойлари ўргасидаги ҳимоя масофаси ҳам заҳарли химикатларнинг учувчанлик хусусиятларини, заҳарлилик даражасини назарда тутиб ҳамда уларнинг ҳавода муаллақ туриши ва сепилган, пуркаланган пестицидлар неча кунга қадар ҳавода туриб қолишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Масалан, ёзда дефолиацияси учун кенг кўламда ишлатилган бутифос учун санитария ҳимоя масофаси 1500 м дан 2000 гача, ГХЦГ учун 1000, дифос учун 500 м га тенг. Бундай санитария ҳимоя зоналари илмий асосда, чукур талқиқотлар натижасида тавсия этилиб, соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Санитария бош бошқармаси томонидан тасдиқланган.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, фосфор, органик заҳарли кимёвий моддалар, айниқса, юқори ҳароратли шароитда ўсимликларнинг танаси, барги, шохлари, шунингдек, тупроқда буғланиб ҳавони юқори миқдорли заҳарли моддалар билан зарарлайди ва ҳаво ҳаракати билан узоқ ерларга тарқалади. Демак, заҳарланган ҳаво нафақат хўжалик экин ва ўсимликларини, балки ўй хонадонлардаги ўсимликлар, табиат неъматлари, сув ва бошқа хўжалик буюмларини ҳам зарарлайди.

Бундай аҳвол айниқса, ўсимликларга самолётлар воситасида ишлов берганда кузатилади. Трактор ва бошқа ер устида

ҳаракатланувчи механизмлардан фойдаланишда атмосфера ҳавоси анчагина камроқ ифлосланади. Сабаби, тракторлар, шунингдек, турли жиҳозлар билан кўл ёрдамида (гидропулт, афтомакс каби) ўсимликларга бевосита ишлов берилганида кимёвий моддалар айнан мазкур жойлардаги ўсимлик намуналарини қамрайди. Ўсимликларга авиация ёрдамида кимёвий ишлов берилганида маълум даражада ноқулайликлар туғдиради, ташқи муҳит объектларининг заҳарли омиллар билан ифлосланишига сабаб бўлади. Масалан, самолёт узоги билан ер юзасидан 5—7 метр баландликда учиб ўсимликларга кимёвий ишлов берилганида бу усулнинг самараси яхши бўлиб атроф-муҳитга унчалик озор бермаслиги мумкин. Бироқ, самолёт бир қатор сабабларга кўра (дараҳтлар, электр симларининг борлиги туфайли), ер юзидан 25—30 метр баландликда учиб пестицид моддаларни сепади. Бунда кўзда тутилган мўлжалдати заҳарли модда ўсимлик устига тушмай уларнинг узоқ масофаларга учиб кетиш ҳоллари кузатилади. Бундай ҳолат, ўз навбатида, атмосфера ҳавосини, сув ҳавзаларини, тупроқларни ҳамда озиқ-овқатга яроқли табиат неъматлари, шунингдек, ҳайвонлар истеъмол қиласиган ўт-ўланларни ҳам зарарли манбага айлантириш эҳтимолини туғдиради.

Тупроқ. Биосферанинг асосий қисмларидан бири ҳисобланадиган, инсоният ҳаётида энг муҳим омиллардандир. Тупроқ қуёш энергиясини кўпроқ ўзига сингдириш қобилиятига эга бўлиб, ўсимликлар учун ҳаётбахш манба ҳисобланади.

Тупроқ таркибида турли микрозлементлар, микроорганизмлар, гельминтлар, чириндиilar ва бошқа моддалар мавжуд. Тупроқ ўз навбатида, қатор гидрогеологик вазифаларни ҳам бажаради. Булардан бири ва асосийси унинг ғоваклик хусусиятдир.

Маълумотларга қараганда, одамнинг ҳаётий фаолияти натижасида тупроқ ўзининг нормал табиий ҳолатини йўқотиб бормоқда. Чунки тупроқ ниҳоятда кўп турли кимёвий моддалар билан ифлосланаяпти. Тупроқ инсон ва саноат чиқиндилиари, кўп микдорда заҳарли химикатлар, минерал ўғитлар, кислота ва ишқорлар, полимер моддалар ва ҳоказолар билан ифлосланиб бормоқда.

Ҳозирда тупроқни ифлослантираётган заҳарли моддалар одамлар учунгина эмас, балки фойдали жониворлар учун ҳам зарарлиги билан ажralиб туради. Қишлоқ хўажлигига атрофлича қўлланилаётган пестицид турлари тупроқда мавжуд бўлган бактериялар оламига ҳам асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бу заҳарли омиллар юқори биологик фаол моддалар бўлганлиги туфайли

тупроқнинг остки қатламларига чуқур сингиб, сизот сувларини ҳам заарли манбага айлантиримоқда. Бунинг оқибатида улар ўсимлик органларида илдиз тизимлари орқали тўпланиб, одам ва ҳайвонлар учун катта ҳавф туддиради, янги пестицидлар, биоцидлар табиатдаги жониворларнинг ҳаммасига (агар улар нотўғри суистеъмоллик билан ишлатилган бўлса) зарар берувчи омилларга айланниши мумкин.

Вақт ўтиши билан тупроқда йиғилиб борадиган биоцидлар қаторига хлороорганик бирикмалар, яъни ДДТ, ГХЦГ, гептахлор, алдрин ва бошқалар кириб, улар 4—10 йиллар давомида сақланиб, ўзининг таъсирчанлигини йўқотмаслиги мумкин. Демак, биоцидлар тупроқда ҳаракатчан гравитацион молекуляр диффузия таъсирида капилляр сув билан кўчиб юради. Бу моддаларнинг табиатда кўчиб юриши заҳарли омилларнинг миқдори, адсорбция ва дисорбция кучлари таъсири, таъсирчан модданинг буғланиш тезлиги, мазкур жойларнинг сув ва иссиқлик тартибига боғлиқ бўлади.

Муттасил ёғингарчилик ёки экинларни сугориш жараёнида кучсиз сингдириладиган биоцидларнинг гидрофил хусусиятга эга бўлганлари тупроққа сув билан чуқур қатламларигача сингиб бориши мумкин. Мабодо об-ҳаво қуруқ келиб, тупроқ нами буғланса, у вақтда биоцидлар ер юзасига тарқалиши мумкин, умуман биоцидларнинг тупроқдаги тўпланиши, кўчиб юриши мазкур жойларнинг табиий жуғрофий шароитига боғлиқ. Булардан ташқари бир хил экологик шароитда тупроқ мағзида биоцидларнинг тўпланиб қолиши уларнинг ўзига хос табиатига ҳам боғлиқ бўлади.

Биоцидларнинг тупроқда узоқ вақт сақланиб қолиши тупроқнинг турига ҳам боғлиқ. Тупроқ гумус моддасига ва чириндига бой бўлса, унда биоцидлар ҳийла узоқ сақланиши мумкин. Фовак, енгил қумли, тупроқлардаги заҳарли кимёвий моддалар анчагина осон парчаланишга мойил бўлади.

Пестицидлар ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан сақлаш билан бирга, ҳосилдорликнинг ошишига ёрдам беради. Бироқ кейинги вақтларда улар тупроқда, ландшафтларда тўпланиб фитоценозларга, биоценозларга ва улар орқали кўпчилик ҳайвонот дунёси ҳамда одамзодга кўрсатадиган салбий таъсири ортиб бормоқда. Биоцидлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ноз-неъматлари орқали одам организмига тушиб, унда тўпланади ва организмнинг нормал ҳаёт кечиришига, шу жумладан, наслига ҳам салбий таъсир кўрсатиши қайд этилмоқда. Биоцидларнинг учдан бир қисми наслга радиациядан кучлироқ кимёвий генетик таъсир қилиб, мутацияяга олиб келиши қайд этилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биоцидлар туфайли олинадиган фойда пул ҳисобида ўлчамаслиги керак. Чунончи биоцидлар ўз ўрнида, тадбиркорлик билан ишлатилмаса фойдали ҳашаротлар, ҳайвонлар организмига, табиатга бўлган нохуш таъсири, инсон соғлиғига ва унинг наслига кўрсатадиган асоратларини пул билан баҳолашнинг иложи йўқ.

Биоцидлар қайси гуруҳга кириши ва қандай бўлишидан қатъи назар, улардан фойдаланишда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ зарур. Бунда, албатта, мазкур биоциднинг хоссалари, ўзига хос табиати, таъсирчанлиги, қолаверса, табиатга ҳамда тирик организмларга бериши мумкин бўлган асоратларини яхши билмоқ даркор. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган биоцид намуналарини ўз ўрнида, меъёрида қўллаш катта аҳамият касб этади.

8. Заҳарли химикатларнинг ташқи муҳит объектлари учун меъёрини ишлаб чиқиш

Заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш жараёнида уларнинг ташқи муҳит объектларидағи қолдиқ миқдорлари инсон организмига асорат бермайдиган даражада бўлишини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Санитария эпидемиология станциялари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари олиб борадиган назорат ишлари одамларни заҳарли кимёвий моддалар қолдиқларининг таъсиридан асрашга қаратилган.

Заҳарли кимёвий моддаларни кўллаганда уларнинг қолдиқларининг атроф-муҳит объектларида, меҳнат қилиш зонасидаги ҳавода, турар жойларнинг атмосфера ҳавосида, сув ва сув ҳавзаларида, тупроқ ва бошқаларда аниқлаш, шу миқдорнинг кам ёки кўплигини гигиеник ишлаб чиқилган меъёrlар билан таққослаш натижаси тегишли чора-тадбир ишлаб чиқишга имкон беради.

Мазкур китобнинг бошқа бобларида заҳарли кимёвий моддаларнинг атмосфера ҳавоси, сув ва сув манбалари учун ишлаб чиқилган гигиеник меъёrlари тўғрисида маълумотлар берилган эди. Куйида эса заҳарли кимёвий моддаларнинг тупроқ учун ишлаб чиқилган гигиеник меъёrlарининг принциплари устида тўхталиб ўтамиз.

Тупроқ учун заҳарли кимёвий моддаларнинг рухсат этиладиган миқдорини илмий тажриба асосида ишлаб чиқиш тупроқларнинг мазкур таъсирчан моддалар билан ифлосланиш даражасини аниқлаш,

қолаверса, уларни гигиеник нұқтаи назардан муҳофаза қилишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, одамларни таъсирчан кимёвий моддалар билан тупроқ орқали асоратланишининг олдини олади. Бу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1982 йили 260982 рақамли «Тупроқда кимёвий моддаларнинг рухсат этиладиган миқдорини гигиеник томонидан асослаш» номли услубий қўлланма тасдиқланди ва иккинчи бор нашр этилди.

Расмий тасдиқланган қўлланмага асосан тупроққа тушадиган ҳар бир заҳарли кимёвий моддаларнинг гигиеник меъёри ишлаб чиқилиши зарур. Қўлланувчи кимёвий препаратларнинг рухсат этиладиган миқдорини ишлаб чиқиш усули принциплари услубий жиҳатдан тўғри ва аниқ бўлмоғи шарт. Кимёвий моддалар, заҳарли препаратлар ва минерал ўғитларнинг тупроқ учун гигиеник меъёрларининг ишлаб чиқилиши атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва инсон саломатлигини сақлашга имкон беради.

Заҳарли кимёвий моддаларнинг рухсат этиладиган миқдори Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шу муаммога оид комиссияларнинг муҳим фикрига кўра келишилгач, сўнгра тасдиқланиб, қонун сифатида кучга киради.

Заҳарли кимёвий моддаларнинг тупроқдаги меъёрини ишлаб чиқишида қуйидаги талабларга аҳамият берилади. Биринчи навбатда чидамли пестицидлар ва уларнинг метаболитлари оғир метал тузлари, микроэлементлар, нефт маҳсулотлари, сульфит бирикмалари, минерал ўғитлар ва мунтазам равищда тупроққа тушиб турадиган бошқа моддалар меъёрлаштирилади. Бироқ кимёвий моддаларнинг тупроқ таркибида рухсат этиладиган миқдорини аниқлашда ўша моддаларнинг аввало атмосфера ҳавоси, сув ва сув ҳавзалари, озиқовқат маҳсулотлари учун рухсат этиладиган миқдори ишлаб чиқилган бўлиши шарт, шунингдек, мазкур препаратларнинг токсикологик ва бошқа томонлари атрофлича ўрганилган бўлиши даркор.

Тупроқ учун рухсат этилган кимёвий модданинг миқдори (куруқ тупроқнинг 1 кг миқдоридаги таъсирчан модданинг мг миқдори) бевосита ёки билвосита одам соғлигига зарар етказмайди, тупроқнинг табиий ўз-ўзини зарарсизлантириш (тозалаш) жараёнига ёмон таъсир кўрсатмайди. Заҳарли кимёвий моддаларнинг тупроқ учун гигиеник меъёрини ишлаб чиқишида унинг 4 та зарарли кўрсаткичи назарда тутилади, чунончи: а) заҳарли моддалар қишлоқ хўжалиги экинларининг илдиз тизими орқали ўтиши, унинг кўк массаси ва меваларида тўпланишини таърифлаш; б) заҳарли

моддаларнинг тупроқ орқали ер ости, ер юзаси, сув ҳавзаларига тарқалишини таърифлаш; в) заңарлы моддаларнинг тупроқдан атмосфера ҳавосига ўта олиши хусусиятини таърифлаш; г) тупроқка тушган заңарлы моддаларнинг тупроққа хос умумсанитария, яъни ўз-ўзини тозалаш жараёнинга ва унинг биологик фаоллигига таъсирини таърифлашдири.

Заңарлы кимёвий омиллар учун юқорида кўрсатиб ўтилган 4 та кўрсаткичларни аниқлаш, уларнинг бўсаға ости концентрациясини аниқлаш йўли билан олиб борилади. Бўсаға ости концентрацияси эса тупроқдаги кимёвий таъсирчан моддаларнинг мутлоқ қуруқ тупроқнинг кг мига нисбатан мг лар ҳисобида олинади. Бунда тупроқнинг ўз-ўзини тозалаш жараёнларига ва тупроқдаги микробиоценозга (умумсанитария кўрсаткичи) таъсир кўрсатмайдиган ҳамда мазкур модданинг ўсимлик танасига, унинг мевасига (йигиб териб олинаётган вақтда) тўпланган кимёвий модда ўсимлик учун рухсат этилган миқдордан кўпайиб кетмаслиги инобатта олинади. Ер ости, ер юзаси, сув манбаларига тупроқ орқали тарқаладиган заңарли кимёвий моддалар сув учун белгиланган рухсат этиладиган миқдордан ошиб кетмаслиги керак. Шунингдек, атмосфера ҳавосига тупроқ орқали тарқаладиган заңарли кимёвий моддалар атмосфера ҳавоси учун рухсат этиладиган миқдордан ошиб кетмаслиги назарда тутилмоғи даркор.

Мазкур кимёвий моддаларнинг заарли даражасини белгилайдиган 4 та миқдорий кўрсаткичларининг энг кичиги чекловчи кўрсаткич бўлиб, унинг тупроқдаги рухсат этиладиган миқдори, яъни меъёри ҳисобланади. Заңарли кимёвий моддаларнинг тупроқ учун йўл қўйса бўладиган миқдори маҳсус лабораторияларда тегишли тажрибалар асосида аниқланади.

Зарурият туғилганда бундай тажрибалар табиий шароитларда, яъни дала шароитларда ўтказилади. Бунда тупроқнинг турлари, таркибий хусусиятлари, муҳити (pH), гумус миқдори, намлаш ҳажми, хуллас, тупроқнинг агрокимёвий паспортидан маълум даражада фойдаланилади.

Масалан, тупроқ таркибидаги заңарли кимёвий моддаларнинг миқдори 3 мг/кг бўлса, унда ўсимлик илдизлари орқали ўтган препарат мазкур ўсимликнинг меваларида ёки унинг маҳсулотларида ўсимликлар учун рухсат этиладиган миқдордан ошиб кетмайди. Тупроқдаги заңарли кимёвий модданинг миқдори 10 мг/кг бўлса, тупроқдан атмосфера ҳавосига ўтадиган заңарли модданинг миқдори атмосфера ҳавоси учун белгиланган меъёрдан ошмайди. Агар тупроқ таркибидаги заңарли кимёвий модда 25 мг/кг атрофида бўлса, унинг

тупроқдан сув манбаларига ўтадиган микдори сув учун белгиланган меъёрдан ошмайди. Тупроқ таркибида мавжуд бўлувчи 50 мг/кг микдоридаги кимёвий молда тупроқ шароитида кечадиган микробиоценозга ва ўз-ўзини тозалаш жараёнинга таъсир кўрсатмайди.

Юқорида зикр этилган кимёвий модданинг тупроқдаги 4 та концентрацияси (3; 10; 25; 50 мг/кг) ичida энг кичик бўсаға ости энг кичик чекловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Заҳарли кимёвий моддаларнинг тупроқдаги меъерини белгилаш уларнинг атмосфера ҳавосида, сувда ва озиқ-овқат маҳсулотларида ишлаб чиқилган меъёрлари каби муҳим гигиеник аҳамиятга эга. Таъсирчан моддаларнинг гигиеник нуқтаи назардан рухсат этиладиган микдорларини белгилаш ташқи муҳит объектларини муҳофаза қилишда катта ёрдам беради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда инсон саломатлигини сақлаш учун заҳарли кимёвий моддаларни қўллашга тааллуқли маҳсус санитария ва агротехника қоидаларига сўзсиз амал қилиш лозим. Тупроқнинг тури заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланишини муҳофаза қилиш давлат стандарти (17.4 1.0.2 83) асосида олиб борилади. Мазкур стандартга мувофиқ тупроқни заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши устидан назорат қилиш моддаларнинг зарарли даражасига қараб тасниф қилинади. Давлат стандартига асосан кимёвий моддаларнинг хавфи (зарарли) даражаси 3 гурӯхга бўлинади, чунончи:

- 1) Ўта хавфли моддалар;
- 2) Ўртамиёна хавфли моддалар;
- 3) Кам хавфли моддалар.

24 -жадвал

Заҳарли кимёвий моддаларнинг хавфлилиги қайси гурӯхга тааллуқли бўлмасин, улар камида 3 курсаткич билан аниқланади.

Кўрсаткичлар	Хавфли гурӯхлар учун меъёрлар		
	1-гурӯҳ	2-гурӯҳ	3-гурӯҳ
Заҳарли ЛД ₅₀	200 гача	200 дан 1000 гача	1000 дан ортиқ
Ойлар ҳисобида тупроқда турғунли	12 ойдан зиёд	6 ойдан 12 ойгacha	6 ойдан кам
Тупроқдаги рухсат этилган микдор (мг/кг ҳисобида)	0,2 мг дан кам	0,2 дан 0,5 мг гача	0,5 мг дан ортиқ

Ўтиш	Ўтади	Кучсиз ўтади	Ўтмайди
Ўсимликда чидамлилиги (ої ҳисобида)	3 ойдан кўп	1 ойдан 3 ойгача	1 ойдан кам
Ўсимлик маҳсулотларига таъсири	Ўткир таъсир кўрсатади	Ўртача таъсир кўрсатади	Таъсир кўрсатмайди

• ЛД₅₀ заҳарли моддаларнинг ўртача ўлдирадиган миқдори кимёвий таъсирчан моддаларнинг ташки муҳит шохобчаларидағи меъёрини белгилашда юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларига эътибор берилади.

9. Атроф-муҳитни ифлосланишдан асрараш чоралари

Гигиеник меъёрларни таъминлашда санитария ва агротехника қоидаларини амалда тадбиқ этиш зарур, яъни:

1. Ҳар бир хўжалик заҳарли химикатларнинг қандай мақсадда ва қайси усуlda ишлатилишини қайд қилиб бориши, шу билан бирга уларнинг ўзига хос хусусиятларидан огоҳ бўлиши керак.

2. Экинлар (мевалар, сабзавотлар, резаворлар, полиз экинлари, техник хом ашё экинлари, ем-хашак учун етиштириладиган экинлар)нинг агросаноат муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария эпидемиология Бош бошқармаси билан келишиб олинган инструкцияда кўрсатилган муддатлардагина заҳарли кимёвий моддалар билан ишланиши тавсия қилинади.

3. Тупроқ, сув, атмосфера ҳавоси орқали заҳарли моддалар билан ифлосланган ем-хашак, сув, уй ҳайвонлари, шу жумладан, сут берувчи ва сўйиладиган молларга берилмаслиги керак.

4. Ташки муҳит обьектлари узоқ вақт мобайнида парчаланмайдиган барқарор заҳарли кимёвий моддалар билан ишлов берилган яйловларда сут берадиган, гўштта топшириладиган моллар боқилиши тақиқланган.

5. Кемириувчи зааркунанда ҳайвонларга қарши кураш мақсадида бинолар, маҳсус омборлар ва бошқа жойлар заҳарли кимёвий моддалар билан ишлов берилганда мазкур ерларда сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг заарланмаслиги чораларини кўриш даркор.

6. Аҳоли истиқомат қиласидаги пунктлар яқинидаги экинзорлар, боғлар ва дараҳтзорлар заҳарли кимёвий моддалар билан ишлов берилганида мазкур жойлар атрофида истиқомат қитувчи одамларни

огоҳлантириш ва маҳсус кўрсатмаларда кўрсатилган муддат ичидага ўша дорилаш амаллари ўтказилган жойларга яқинлашмасликни ахолига, ширкат хўжалиги хизматчиларига етказиш маҳаллий радио ва газеталар орқали хабарланиши шарт.

7. Сув ҳавзалари, ахоли яшайдиган пунктлар ва айрим бинолар билан дориландиган ер майдонлари оралиғи 1000 метрдан кам бўлса, авиация билан кимёвий ишлов бериш тақиқланган.

8. Заңарли кимёвий моддаларни қўллашда фойдаланиладиган механизмлар, машина ва аппаратлар, шунингдек, кимёвий моддалардан бўшаган идишлар ювилганида ҳосил бўладиган ювинди, оқова сувлар одатда заарсизлантирилиши керак. Заарсизлантириш тадбирлари маълум қонун ва қоидалар асосида туман, вилоят санитария эпидемиология марказлари билан келишилган ҳолда олиб борилиши зарур.

9. Бирор бир майдондаги экинлар заңарли кимёвий моддалар билан ишланганда ўша жойларнинг суви ва ҳавоси таркибидаги таъсиричан моддаларнинг миқдори аниқлаб берилиши керак. Бундай тадбирни санитария эпидемиология марказлари назорат қилиб боради ва аниқланган заңарли химикат миқдори рухсат этилган миқдор билан солиширилади, таққосланади. Агар, рухсат этилган миқдордан ортиқ бўлса тезликда тадбир ва чоралар ишлаб чиқилиб амалда қўлланилади.

10. Экинларни дорилашдан олдин ўша экин майдонига сув борадиган жўякларнинг барчаси 3 кун давомида берк туриши таъминланади. Шу муддатни инобатта олган ҳолда уйларга сув ғамлаб қўйилади. Далаларни кимёвий моддалар билан ишлов бериш тадбирлари кўрилаётганда, ичимлик сув, мева дарахти маҳсулотлари, сабзавот экинларининг ҳосили ифлосланишига мутлақо йўл қўймаслик зарур.

XII боб. Биосфера, инсон ва ўсимликлар

1. Биосфера ва ўсимликлар

Биосфера планетамизнинг ер қобиги, унда ҳаёт мавжуд. Биология фанига илгаридан маълумки, ер тирик жонлар, яъни табиатнинг биотик омилларининг яшаш макони, бунда ўсимлик, ҳайвонот, микро макроорганизмлар доимо яшайди. Инсон ҳам табиат маҳсулси сифатида унинг қучогида яшайди, улгаяди, ривож топади. Инсон популяциясини наботот оламисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки инсонлар, ҳайвонот дунёси, микроорганизмлар тирик экан, уларнинг тириклиги учун доимо озиқ-овқат керак, ҳаттоқи ҳайвонот дунёси учун, одамлар учун, ўсимлик дунёсининг ўзи ва улардан ҳосил бўлган маҳсулотлар озуқа сифатида фойдаланилса, ўсимлик дунёсининг ўзи ҳам озуқа талаб.

Инсон, ҳайвонот дунёси ичидаги энг етути, онг жиҳатдан, ақлзаковат жиҳатдан, ўзининг кўп қиррали фаолияти ва бунёдкорлиги билан ажralиб туради. Инсон ҳаёт экан, у доимо гўзалликка, табиат кўйнига, мусаффо ҳаво томон интилади.

Ўсимлик дунёси биз учун гўзаллик яратади, ҳавони тозалайди, уни оксигента бойитади, яъни ердаги ҳаётни давом эттиришда, дунёвий модда алманиниш жараёнларида қатнашади, табиий ресурслар, ўсимлик дунёси, саноат корхоналари учун хомашё сифатида фойдаланиш мумкин бўлган омил. Ўсимлик дунёси хўжалик ва қурилиш учун зарур восита, ўсимлик дунёси доридармон, саломатликни таъминловчи, шифобахш хислатларга эга бўлган табиат инъомидир.

Олимлар келтирган маълумотларга қараганда, сайёрамизда тирик моддаларнинг умумий оғирлигининг 99 фоизини яшил дўстларимиз — ўсимликлар дунёси ташкил қиласкан. Ўсимлик деганимизда биз қуруқ ерларда жойлашган дов-дараҳт, экин, ўт-ўланларнигина назарда тутмаймиз, балки дарё, денгиз ва океанлардаги сув ўтлари, фотосинтез қобилиятига эга ўсимликларнинг ҳаммасини кўз ўнгимизга келтирамиз. Ўсимликлар оламининг салмоқли қисми сайёрамиз ўрмонларига тўғри келади, улар бутун қуруқликнинг 47 фоиз майдонини эгаллаган. Биз мадҳэтадиган мана шу ўсимликлар дунёси инсониятни кислород билан таъминлаб турувчи «тириклик фабрикаси» ҳисобланади.

Ўсимликлар дунёсини тирик организмлар учун озиқ тайёрлаб берадиган улкан бир фабрикага қиёс қилиш мумкин. Жумладан, С.С.Шварц келтирган маълумотларга қараганда, жаҳонда маданий ҳолда ўстирилаётган барча ўсимликлар органик моддаларга айланадиган б 6 миллиард тоннага яқин карбон берса, тундра зоналаридағи ўсимликлар дунёси 9 миллиард биологик маҳсулот беради.

Афсуски, сайёрамизнинг энг катта бойлиги бўлган ўсимликлар дунёси инсон фаолияти, қолаверса фан-техника тараққиёти таъсирида борган сари камайиб бормоқда. Аниқ илмий манбаларда келтирилишича, биз яшаб, ижод қилаётган Ер куррасида бундан бир ярим минг йил муқаддам ўрмонлар 47 фоиз майдонни ишғол этган бўлса, ҳозир улар 27 фоизга тушиб қолди. Кўп мамлакатлардаги саноат корхоналарида фойда кетидан қувиш оқибатида жуда катта ўрмонлар кесилиб, ўрнига катта-катта завод, фабрика ва комбинатлар қурилмоқда. Устига-устак, атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида кўплаб нодир ва ноёб ўсимлик турлари қирилиб кетмоқда. БМТ берган расмий маълумотларга қараганда, саноат ривожлана бошлаган даврдан бўён 150 турдаги жонивор йўқотилган бўлса, келажакда 250 минг хил ўсимлик тури тамомила йўқ бўлиб кетиш хавфида.

Мустақил Ўзбекистонда ҳозирги замон илм-фан ва техникаси ёрдамида ўрмонлардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайтадан тиклаш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Ҳар ҳолда ўрмон массивларини кенгайтириб боришга ва бу борада режали иш тутишга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳа, бизда табиатнинг кўркам тухфаси бўлган ўсимликлар ардоқланади, бу табиат арзандасини қанчалик эъзозласак ва уни муҳофаза қилсан шунчалик оз.

Ўрмон бебаҳо бойлик, саломатликни тикловчи, кишига завқ-шавқ, дилларга ҳузур бағишиловчи маскан, кишига неъматларини тортиқ қилувчи манба. Ноёб қурилиш материаллари, миллионлаб тонна қофоз ва ҳоказо.

Ўрмон сув режимини, муҳитни меъёрда ушлаб турувчи омил, тупроқни шамол эрозиясидан асрорчи, курсоқчиликнинг олдини олувчи, атмосфера ҳавосидаги кислород балансини тутиб турувчи манба ҳисобланади.

Ўрмон қадим замонлардан бери кишиларни едириб-ичириб, кийинтириб келаётган ҳаёт тимсолидир. Ўрмонларнинг кишилилкка ато қилувчи марҳаматини ҳеч қандай нарса билан алмаштириб

бўлмайди. Шу туфайли ҳам ўрмон, умуман наботот олами, табиат мўъжизаси, саҳовати бутун тирик зот учун бекёёс тухфадир.

Ўсимликлар дунёси шундай мўъжиза яратадики, улар фотосинтез ёрдамида ҳаводаги карбонат ангидридни сингдириб олиб, ўрнига ҳаётбахш кислородни ажратади. Аниқ маълумотларга қараганда, оламдаги барча ўсимликлар йилига 180—250 миллиард тонна карбонад ангидридини ўзига сингдириб, 150—200 миллиард тонна кислород ажратади. Шундай экан, ўрмон массивлари камайиб бораверса, ҳавонинг табиий мусаффолигида ва иқлимда ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Афсуски, мана шу кўркам табиатнинг ажойиб илтифоти бўлган ўрмонлар жаҳон узра тобора камайиб бормоқда. Р.Ҳаққулова ва П.Баратовнинг терма маълумотларига қараганда, АҚШда сўнгги 300 йил ичиди 141 млн. гектар ердаги ўрмонни режасиз кесиш туфайли 114 млн. гектар ер эрозияга учраган, ернинг шираси кетиб, ялангланиб қолган. Шу нарса маълумки, ўрмонларнинг нес-нобуд бўлиши, уларнинг камайиб кетиши янада ҳавфлироқ оқибатларга олиб келади. Жумладан, бу ҳол тоғ кўчкиласига, сел каби оғатларга олиб келади, шунингдек, тоғ кўйнидан оқиб чиқувчи жилга, сой ва дарёлар ҳаракатининг бузилишига, шунингдек, ёмғир, кучли ёғин натижасида содир бўладиган сув тошқинларининг дарахтсиз жойларни тез ювиб кетишига сабаб бўлади. Ҳақиқатан ҳам дарахтлар кесилиб кетиб, ҳимоясиз қолган жойлар табиат инжиқлари ва таҳдидидан қутула олмайди.

Ўсимликларнинг бизга унчалик сезилмайдиган, бироқ жуда фойдали тарафларидан бири шуки, улар она табиатда азот балансини ушлаб туришда асосий воситалардан ҳисобланади. Ўсимлик барглари, шох-шаббалари ерга тушиб, микроорганизмлар ёрдамида чириб, тупроқнинг устки қаватини органик моддалар билан бойитади. Бу чириндилар ўсимликларга органик ўғит сифатида хизмат қилади.

Ўсимликлар дунёсининг аксарияти бир қатор биологик фаол моддаларни ҳосил қиласиди. Бу моддалар сонининг 300 дан ортиқлиги маълум. Мазкур шифобахш моддалар 1 гектар майдондаги кенг баргли ўрмон дарахтларидан 2 килограмм, нинабаргли ўрмонлардан 5 килограмм ажралади. Ўрмонлар атмосфера ҳавосидаги ифлос моддаларни оксидлантиради, уларни заарсиз ҳолатга келтиради. Ўрмон дарахтлари саноат марказларининг ифлос чиқинди газларини, чант заррачаларини, шунингдек, углеводородларни ва бошқа заарли моддаларни ўзига сингдириб олади.

Нинабаргли ўрмонларнинг яна бир ҳосияти шундаки, улар

ўзидан фитонцидларни ажратиб чиқаради. Маълумки, фитонцидлар касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар кушандаси, ҳавони соғломлаштиришга, мусаффо бўлишига ёрдам беради. Булардан ташқари фитонцидлар нерв тизимиға, юракка яхши таъсир кўрсатади, меъда-ичак функциясини яхшилаб унинг перистальтикасини (ҳаракатини) кучайтиради. Фитонцидлар қатор касалликларнинг ҳам олдини олади.

Терак, олма ва эвкалипт дараҳтларидан чиқадиган фитонцидлар грипп вирусини, карам, саримсоқ фитонцидлари сил микробларини ўлдиради.

Ўсимликларнинг шифобахшилиги ҳақида гап борар экан, уларнинг инсон саломатлигини сақлаш ҳамда даволашда тутган ўрни устида тўхтаб ўтмай бўлмайди. Шифобахш ўсимликлар жуда қадимдан ўрганилган. Ҳозир шифобахш ўсимликлар ҳақидағи фан тез суръатлар билан ривожланяпти.

Ҳозирги пайтда илмий тиббиётда қўлланилаётган дори-дармонларнинг қарийб 40%дан зиёдини ўсимлик маҳсулотлари ташкил қиласи. Илмий манбаларда келтирилишича табиат неъматларидан тайёрланадиган дори-дармонлар сунъий йўл билан олинадиган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажralиб туради. Ўсимлик маҳсулотларидан таркиб топган дорилар деярли асорат бермайди, яхши шифо бўлади. Шу боисдан ҳам табиий дори-дармон ҳисобланадиган ўсимлик маҳсулотларидан фойдаланиш устида чукур илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кейинги вақтларда шифобахш ўсимликларнинг серкирра хусусиятлари тўғрисида атрофлича маълумотлар берилмоқда. Мамлакатимизда шифобахш ўсимликлар маҳсулотини етиштириб берадиган маҳсус хўжаликлар борган сари кўпайиб бормоқда.

Афсуски, ҳозир жуда нодир ва ноёб доривор ўсимликлар тобора камайиб кетмоқда, бу кишини ташвишга солмай қўймайди. Шифобахшилиги билан донг таратган дўлана, чаканда, чилонжийда, ёнроқ, бодом, қорақанд, арча каби дараҳтлар, табиий ҳолда ўсадиган зира, анзор пиёзи, шунингдек, лолалар тури камайиб кетиб, ноёб ўсимликларга айланиб қолмоқда. Бунга нима сабаб бўляпти? Ҳозир, бир вақтлар оёқ тегмаган жойлар ўзлаштирилиб, кўплаб маданий ўсимликлар экияпти, янгидан-янги саноат ва ишлаб чиқариш мажмуалари курияпти, шаҳарлар барпо этиляпти, шунингдек, мазкур ўсимликлар неъматларига халқ талаби тобора ортиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси юқоридаги ноз-неъматларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, табиий ўсимликларни

пала-партиш ишлатиш натижасида ўсимликлар уруғи камайиб кетмоқда. Жумладан, баҳорги гаштакка чиққан табиат шинавандалари көнг далаларда алғон гиламини ёзіб ёттан лолаларни күчоқ-күчоқ қилиб териб олиб, нес-нобуд қиласылар.

Овқатни хушхұр ва мазали қиласылар шифобаҳаш зира ҳозир жуда антиқа нарсага айланыб қолди. Чунки табиий зираворлар ҳозир камайиб кетген; зираны вәқтида ўриб олиш ўрнига юлиб юлқилаш натижасида у камёб даражага тушиб қолған. Негадир тегишли ташкилотлар табиий зираворларни муҳофаза қилиш йүлида қатый бир чора күрмаяптылар. Бу борада ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида халқ орасыда тушунтириш ишлари олиб бориш керак. Шунда нохуш ҳоллар юз бермайды. Ота-боболаримиз бир дараҳт кессант, ўрнига иккита ниҳол ўтказ, деганлар. Ана шундай қилғанда яшил дүстларимиз сони ортиб боради.

Хукуматимиз табиатни муҳофаза қилишни, жумладан, ўсимликлар оламига муҳаббат билан қараши, уни эъзозлашни тарғиб қиласы. Бу борада көнг миқёсда амалий тадбирлар амалга оширилмокда, қатор қарорлар қабул қилиниб, қўриқхоналар ташкил этилмокда, шунигдек, нодир ҳайвонлар ва бошқа жониворлар, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ўсимликлар «Қизил китоб»га киритилди ва улар устидан қатый назорат ўрнатилмокда.

Кези келгандан бир лавҳани келтириб ўтиш мақсадида, шуни айтиб ўтиш керакки, В.В.Петровнинг ҳикоя қилишича, Австралиядаги Перта шаҳри атрофида эвкалаптзор ўрмонлар бор. Бу ўрмонда «кенгуру кафти» деб аталадын жуда чиройли ўсимлик ўсади. Бу антиқа гиёхни ҳеч ким узмайды, чунки уни кимда-ким узса, 200 доллар жарима тўлайди. Мана шундай қатый чора туфайли бу ноёб ўсимлик ҳануз насл қолдириб келмоқда.

Барчага маълумки, дараҳтлардан қурилиш материали сифатида фойдаланилади. Бироқ айрим жойларда маҳаллий аҳоли ноёб дараҳтларни режасиз кесиб, ҳар хил мақсадлар учун, жумладан, қурилишда фойдаланмокда. Асрый арчазорлар, кўркам қарағайларнинг кесилиб кетиши натижасида уларнинг жуда камайиб қолғанлиги кишини ташвишлантиrmай қўймайди.

Шаҳар атрофидаги кичик ўрмон хўжаликлари ривожлантирилса, бу жойларда шифохоналар, дам олиш уйлари, туристик базалар, ёзги ўқувчилар оромгоҳлари қурилса жуда хайрли иш бўлур эди. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ҳозир бир қатор шаҳарлар атрофидаги ана шундай сўлим гўшалар халқимиз оромгоҳига айланиб қолған. Бироқ, бундай кўркам жойлар яқинида завод, фабрика,

ўй-жой ишларини тартибга солиш, саноат корхоналари, автопаркларни иложи борича қурмасликка ҳаракат қилиш керак.

Ўзбекистонимиз ўз чиройи билан донг чиқарган. Уни хорижий давлатлар ҳам яхши билади. Ўрта Осиёнинг сўлим гўшаларини бир зум кўз олдимизга келтирайлик: нилий суви, мусаффо ҳавоси, кўркам ўсимликлар билан машҳур Иссиккўл, Норин вилоятига туташган Поччаота, Андижон вилоятидан юз чақирим наридаги Арслонобод ёки Жиззах вилоятидаги Бахмал, Наманганнинг Чортоги, Фарғона водийсининг Шоҳимардони, Самарқанд вилоятидаги Ургут, Омонқўтон, Тошкет вилоятидаги Сижжак каби гўшаларнинг сўлимлигини таъриф этиб поёнига етиш қийин. Бундай жаннати жойлар бизнинг ўлкамизда жуда кўп. Уларнинг барчаси ҳордиқ чиқарса, шифоланса арзигулик маскан бўладиган жойлардир.

Ўлкамиздаги оромгоҳ жойларнинг ўз оҳанграбоси бор, уларнинг кўркам бугу роғлари, мусаффо ҳаволи тоғлари, зилол сойлари, оромбахш чашмалари кишини мафтун этади. Юртимизнинг бундай ажойиб гўшаларида бўлган киши табиатнинг ниҳоятда гўзал ва дилрабо эканлигини англаш олади.

Ҳар бир ўлканинг ўзига яраша оромгоҳ жойлари бор. Оламга машҳур Кавказ гўзал масканлар санами, Швецария фусункор тоғлари ва сўлим боғлари билан довруғ қозонган бўлса, ўлкамизнинг ўзига хос табиати, оромижон боғлари, шўх жилғалари кишиларимизнинг қайноқ тафти билан гўзал. Ҳа, гўзаллик инсон учун яратилган, унинг намоён бўлишида табиат воситачи бўлади. Биз мадҳ этган асрий кўркам ўсимликлар, гулчечаклар, тоғлар ҳам, кўзга ҳузур бағишловчи жилғалар, сойлар ҳам табиатимиз марҳаматидир. Шунинг учун табиатни тоза ва мусаффо сақлаш учун курашиш гўзалликни, ҳаётийликни асраб қолиш билан баробардир.

Табиат гўзаллигини кашф этувчи омиллардан бири сон-саноқсиз ёввойи ўсимликлардир. Уларнинг нақадар фойдали эканлигини бир мисолда кўрсатишимиш мумкин: ҳар йили ёввойи ўсимликлардан дори-дармон тайёрлаш учун 20 минг тоннага яқин ҳом ашё олинади.

Ўрмонлар ва умуман ўсимликларнинг хосияти устида тўхтар эканмиз, уларнинг тупроқни шамол эрозиясидан сақлаши ҳамда тупроқда намни ушлаб туриши ҳақида айтиб ўтмоқчимиз.

Ўрмонлар ўзида жуда катта намни ушлайди, йиғади ва ўз вақтида тупроққа бериб туради. Шу туфайли ҳам улут рус олими Докучаев чўлларда ўрмонзорларни ўстиришга даъват этган. Россиянинг жуда кўп чўлларида курғоқчиликдан ҳимоя қилиш мақсадида ўрмон зоналари ташкил этилган. Ҳозир кўп республикаларда ўрмон

хўжалигини ривожлантириш мақсадида вазирликлар ташкил қилинган. Бизнинг республикамизда ҳам ўрмон хўжалиги қўмитаси томонидан тоғларнинг ён бағирларида, тоғларда, чўлларда миллионлаб ниҳоллар ўтказилипти.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ўрмон фонди 4800 минг гектар майдонни ташкил қиласди, жумладан, 937,2 минг гектар ер ёппасига ўрмон билан қопланган. Бу бизнинг республикамиз кўламида нисбатан кам, шу туфайли ўрмонзорларни кенгайтириш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Ўлкамизда ўрмонлар асосан водийларда жойлашган, уларнинг аксариятида тол, терак, акация, заранг, жийда, туронфи, қорақат ва бошқа дараҳтлар ўсади, тоғли районларимиздаги ўрмонларда эса дўлана, бодом, арча, зирк, тоғжумрут, қарангি кабилар учрайди.

Хозирги кунда Ўзбекистон флорасида 3750 га яқин ўсимлик тури бор, уларнинг маълум қисмини дараҳт ва буталар ташкил этади. Уларнинг аксарияти саноат хомаётси сифатида ишлатилмоқда ҳамда халқимизга ноз-неъматлар етказиб беришда фойдаланилмоқда, шифобахш ўсиликлардан дори-дармон олинмоқда. Ана шундай ўрмонларимизни янада кўпайтириб, уларни ажойиб оромгоҳларга айлантирилса, жуда хайрли иш бўлур эди.

Сойлар, сув омборлари, каналлар атрофини ўрмонлаштириш ҳар тарафлама маъкул ҳисобланади. Жаҳон амалиётида кургоқчилик бўладиган чўл зоналарини ўрмонларга айлантириш қатор ижобий натижалар келтирган.

Жамоа ҳамда давлат хўжалиги ерларини шамол эрозиясидан ҳимоя қилиши учун ўрмон миңтақалари ташкил қилинди. Бундай ўрмон зоналари анчагина ёш бўлишига қарамай сувни тақсимлашда, мўътадил иқлим яратишда, намни ушлаб туришда катта ёрдам беради. Одатда, ўрмонда қор кеч эрийди, нам эса тупроқ юзасида узоқ вақт ушланиб туради. Ўсимлик ўз танаси ва илдизлари билан намни узоқроқ ушлайди, дараҳт илдизлари тупроқ тузилласини яхшилайди, намни кўпроқ шимади. Мазкур ерларда ҳар бир гектар ерга 540 тонна нам заҳираси тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик ўсимликларининг яхши ўсишига замин яратади.

Ёзнинг иссиқ пайтларида ўсимликлар, айниқса, ўрмонлар атрофидаги ерларни фақат кургоқчиликдан сақлаб қолмай, балки қиши ва кўкламда йиқдан сувларини ер ости сувлари ва тупроқ орқали ўсимликларга беради.

Яшил массивлар экология нуқтаи назаридан олганда ташки мухитни ҳимоя қилувчи омиллардан биридир. Айниқса, тоғли

жойларда дараҳтларнинг аҳамияти катта. Негаки, улар соясида ўсаёттан ўтлар, буталар ер юзасини қоплаб олиб, уларни сел ва эрозиядан сақлади. Шу туфайли ҳам ўсимлик дунёси ва ташқи муҳит обьектлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши ёмон оқибатларга олиб келади. Вақт ўтганидан кейин уларни муросага келтириш амри маҳол бўлади. Масалан, ўсимликлар ёндириб юборилса ернинг нозик, кучсиз юпқа қавати очилиб, уларнинг тагидан яп-яланғоч тошлоқ қаватлар кўриниб қолади. Тошлоқ ер ўсимликларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласи, тупроқ ҳосил бермайдиган бўлиб қолади. Ўрмонларни тартибсизлик билан кесиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Агар ўрмонлар техника ёрдамида кесилса, тупроқни ағдар-тўнтар қилиб юборади, эрозия кучаяди.

Ўрмонлар, айниқса, ҳимоя мақсадида экиладиган дараҳтлар автомагистраларни, темир йўлларни қор ва кум босищдан сақлади. Бунда икки ёқдама фойда кўрилади: биринчидан, мазкур йўллар ҳар қандай кум ва қор кўчкиласидан сақланди. Иккинчидан атмосфера ҳавоси CO_2 газидан тозаланади, оксиген билан бойитилади.

Баъзи ҳолларда маданий дараҳтлар билан тупроқ асл ҳолига келтирилади. Масалан, очиқ конлар қазилганида жуда қалин тупроқ қавати (20—70 метр атрофида) олиб ташланиб, кон очилади. Бу тупроқлардан янги тепалик ва баландликлар ҳосил бўлади. Бу тепаликлар тексилангач, унинг устига ҳар хил ўсимликлар, дараҳтлар экиш мумкин бўлади. Бу рекультивация деб аталади. Бу борада кўйидаги мисолни кўрсатиш мумкин. Целебникининг Троицк ёнбағридаги 62 гектар ер чиқинди тупроқ, ахлат ташланадиган ботқоқликлардан иборат эди. Ҳозир эса, бу ер бутунлай ўзгариб кетган. Бу ер кўпчилик аҳоли ёрдамида қуритилиб истироҳат боғига айлантирилган. У ерда 20 минг тулдан ортиқ олма кўчати, нок, олча, смородина (қорақат) ва бошқа ўсимликлар гуркираб ўсмоқда.

Инсон йўқдан бор қилиб, бофу роғлар яратиш орзусида яшайди, баъзилар эса аксинча табиат саҳовати бўлмиш кўркам дараҳт ва ўсимликларни йўқ қиласи, илдизига болта уради. Бу борада табиат ошуфталари бўлмиш Т.Жумабоев ва А.Раҳматуллаевлар афсусланарли бир лавҳани келтирадилар. Нурота тоғларидағи сервиқор, кўркам арчалар 600—700 йилда 12—13 метрга ўсади. Демак, табиатнинг бу кўркам дараҳти жуда секин ўсар экан. Ачинарли нарса шуки, секин вояга етадиган арчаларни маҳаллий аҳоли, шунингдек, тоғ сайлига чикувчи «табиатсеварлар» кўплаб нобуд қилмоқдалар. Нурота, Зарафшон, Туркистон ва Ҳисор

тоғларидан бир вақтлар қалин ўрмон бўлиб ётган саребўй арчалар эндилиқда деярли йўқолиш арафасида турипти. Мана шундай кунгилсиз аҳвол Оқтоғда ҳам кузатиляпти. Шу туфайли ҳам арчаларни сақлаб қолиш учун жилдий тадбирлар кўриш керак. Дарасой ва Такабойсой ҳудудларида ҳозир арча бор, лекин бу жойлардан яйлов сифатида чорва учун фойдаланияпти. Бу жойларни давлат қўриқхонасига айлантириш, тоғдаги мавжуд арча дараҳтларини ҳисобга олиш ва уларни қирқиши бутунлай тақиқлаш, тоғ ёнбағирларига ёш арча ниҳоллари ва бошқа дараҳт кўчатлари ўтказиш лозим.

Бизнинг ўлқакмизда арчалар жуда ноёб бир дараҳт турига айланиб қолмоқда. Келтирилган маълумотларга қараганда, тоғлардаги дараҳтларни қирқиб юбориш туфайли республикамизда ўрмонлар нисбатан кам. Масалан, Қирғизистон тоғларидаги ўрмонларнинг умумий майдони шу тоғлар умумий майдонининг 3,4, Тожикистонда 1,8, Ўзбекистонда эса аттиги 1,6%ни ташкил қилас экан. Ваҳдолонки, тоғлардаги ўрмонларнинг 90%и арчазор ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўсимликлар дунёсининг экологик мувозанатини сақлаб туришда гап кўп. Ўсимликлар дунёсининг биосферанинг бир қисми бўлган атмосферани кислород билан бойитища ва табиатда кечадиган мураккаб табиий жараёнларни тутиб туришда фойдаси катта.

2. Ўрмонлар ва ўсимликлар сиҳат-саломатлик манбаи

Катта-катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши, уларда аҳолининг, саноат корхоналарининг, автотранспорт воситаларининг тобора ортиб бориши, ўрмонлар бағрида, дарё ва денгиз бўйларида ва тоғ ёнбағирларида жуда кўп туристик базалар, кемпинглар, дам олиш уйлари, оммавий ҳолда режасиз дам олувчилар сонининг кўпайиб бориши табиатнинг нозик томонларига гоҳо салбий таъсир кўрсатмоқда. Албатта, бу турмуш маданиятини инобатта олмаган ҳолда содир бўладиган воқеалардир; табиатнинг гўзал жойларида дам олувчи баъзи кишилар дараҳтлар танасини ўйиб, исмларини ёзадилар, кўркам дараҳтларни юладилар, ҳордиқ чиқарган жойларида озиқ-овқат қолдиқлари, шишалар, консерва идишларини ташлаб кетадилар. Гоҳо шундай ачинарли ҳоллар бўладики, дараҳт шоҳларини кесиб, гулхан ёқадилар.

Ўлкамизда оромгоҳ, сўлим жойлар жуда кўп, бундай жойлар баҳор, ёз ойларида табиат иштиёқмандлари билан тўлиб тошиб

кетади. Ана шундай ҳодисаларни Шоҳимардонда, Ургутда, Сўқоқ ва Кумушконда, Сангардакда, Тўпаланг дарёси бўйларида ва яна бир қанча жойларда кўришимиз мумкин.

Шуни айтиш керакки, ўт-ўланлар пайҳон бўлган жойларда тупроқоёқ зарбидан шиббаланиб, ер қаттиқ бўлиб қолади, унда ўсаётган нозик ўсимликлар ўлади, ўрнига қаттиқ ерга чидамли ўсимликлар ўсиб чиқа бошлайди. Бундай ёввойи ўсимликлардан на инсон, на ҳайвон баҳра олади.

Илмий манбаларда келтирилишича, ернинг қаттиқланиши дарахтнинг юза илдизлари функциясини бузади, ер орқали ўсимлик танасига намлик ва озуқа моддалар кам боради, бу эса дарахтларга ёмон таъсир этади. Тупроқ таркиби ўзгариб, микроорганизмларнинг ривожланиши ҳам қийинлашади, булар эса ўсимликларнинг ўсишига зарба бермай қўймайди. Ўрмонга ҳатто одам келса ҳам унда сезиларли из қолади. Гулхан ёқилган жойдаги тупроқ 67 йилдан сўнг асл ҳолига келиши мумкин экан. Дарахт танасининг ўйиб ёзилган жойларида заرارли ҳашарот ва микроблар ривожланиб, унинг қуриб қолишига сабаб бўлади.

Агар ўсимликлар ошёнида дам олувчилар сони меъёридан ошиб кетса, одамларнинг табиатга етказган «талафот»ини йўқотиб, у жойларни асл ҳолига келтириш учун узоқ вақт талаб қилинади. Шу туфайли ҳам ҳар бир киши она табиатга қатра озор бермаслик учун астойдил ҳаракат қилмоғи ва табиат гўзаллигини асрашга хайрли иш билан қатнашмоғи лозим.

3. Ўсимликлар дунёси ва ўрмонларни асранг

Инсоният табиатни қанчалик севмасин, уни эъзозламасин, баъзан табиатнинг ўзи ҳам фавқулодда озор чекади. Масалан, ўрмонларга яшин тушиши ёки ниҳоятда қурғоқчилик туфайли ўт тушиб, ёнгин бошланади. Баъзан одамларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида мингларча гектар ўрмонлар, ноёб ўсимликлар дунёси ёниб кетади. Д.П. Никитин ва Ю.В. Новиков келтирган маълумотларга қараганда, ҳар йили ўрмонлар ёниши оқибатида 2 млн. тонна органик модда йўқ бўлиб кетади; ўт кетиши ўрмон хўжалигига жуда катта путур етказади. Бунда фақат ўрмоннинг гўзаллигига дот тушишини эмас, балки бу билан кислороднинг камайиши, тупроқ таркибининг бузилиб кетишини ҳам инобатга олишимиз даркор.

Ўрмон таркиби ва ривожланишига кўра бир неча турларга

бўлинади. Ҳар бир муайян турдаги дараҳтлар саралаб қирқилса, ўрнига ўз вақтида ниҳоллар ўтказиб турилса, ўрмон марҳаматидан узоқ йиллар наф кўриш мумкин бўлади.

Ўрмонга ўт тушса ўсимликлар дунёсига катта зарар етади, яъни тупроқ унумдорлигига, сув тартибига, таркибига, органик ва минерал моддаларнинг тўпланишига ёмон таъсир қиласи. Илмий манбаларда ёзилишича, ўрмонда намлик мўл бўлганда гумус моддаси кўп тўпланади, тупроқда ишқор камайиб, кислота даражаси ортади. Мабодо ёнгин бўлса, ўрмон кескин ўзгаради. Ўт тушган ўрмонларда ўсимликни қутиладиган замбуруғлар кўпайиб кетади.

Жаҳон статистикаси маълумотига кўра, ўрмонларда ёнгин чиқиши ҳодисасида 97% бевосита одамлар айбдор ҳисобланади, фақатгина 3% ҳодисада табиий чақмоқлар туфайли ўт чиқади.

Ўрмонларга ўт кетиши ўсимликлардан ташқари ўша ердаги күш ва ҳайвонларни ҳам ҳалокатга олиб келади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўрмонларни ва ўсимликлар дунёсини ёнгиндан сақлаш, уни турли ифлосликлардан муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга.

Кейинги вақтларда ўрмонларда ўт кетишининг олдини олиш, мабодо ёнгин чиқса, уни зудлик билан ўчириш йўллари ва чоратадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу мақсадда маҳсус ўт ўчиришда лозим бўладиган замонавий техника билан куролланган воситалар бор.

Ўт ўчиришнинг маҳсус бўлинмалари фақат ёнгинни ўчириш билан банд бўлмай, балки унинг олдини олиш, ёнгин бўлаётган жойни вақтида қидириб топиш ва уни тезда бартараф этиш чораларини кўради. Ҳозир мана шундай тадбирлар натижасида ёнгин ҳодисалари бир мунча камайиб қолган.

Ўрмон хўжалиги тобора ривожланяпти. Ўрмон дараҳтларини ўстириш ва қайта тиклаш, улар ҳисобини олиб бориш, ўрмонни ёнгиндан, зараркунанда ва касалликлардан муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, ҳалқ хўжалигининг ёғоч ва бошқа ўрмон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўлга кўйилмоқда.

Ҳозир, жумҳуриятимизда Ўрга Осиё ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти илмий ҳодимлари қатор хайрли ишларга кўл урганлар. Мазкур институт ишлаб чиқсан тавсияларга кўра, ўрмон мелиоратив тадбирлари экин майдонларини нокулай метереологик ҳодисалардан сақлашда фойдаланиш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларни ўрмон мелиоратив жиҳатдан

районлаштириш принциплари белгиланди, уларнинг параметрлари ишлаб чиқилди. Ўрмон миңтақаларининг агрометеорологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди, шунингдек, кучли шамоллар бўладиган районларда ўрмонларнинг эрозияга қарши роли ўрганилди.

Маълумотларга қараганда, ҳозир ўлкамизнинг ширкат ва фермер хўжаликлирида З минг гектарга яқин иҳота дараҳтзорлари бор. Ўрмон хўжалиги институти маълумотларига кўра, ўрмон миңтақалари тўғри жойлаштирилган ва оптималь параметрлари тўғри белгиланган жойларда тупроқнинг бузилиши, бир қатор техник экинлар, жумладан, рўза ниҳолларининг зааррланиши қайд қилинмаяпти. Бу жойларда микроқлим шароитлари яхшиланадиганлиги кўрсатиб ўтилмоқда. Мана шундай амалий ишлар пахтадан мўл ҳосил етиштиришга имкон бермоқда. Кўриниб турибдики, инсон қурдати ва шижоати гўзал табиатимизни янада кўркам қиласди.

Ўрмончилик борасида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилиши туфайли ўсимликларнинг янгидан-янги тилсимлари ечиляпти, уларнинг фойдали томонлари янада намоён бўляяпти. Экин майдонларида ўрмон миңтақалари барпо қилиш пахта ва дондан мўл ҳосил етиштириш гарови, қушлар ва фойдали ҳашаротлар яшаши учун қўшимча манба, зааркунандаларга қарши биологик кураш олиб борища муҳим омил ҳамдир. Шуни айтиш керакки, пахта майдонлари чеккасидаги дараҳтларда фойдали ҳашаротлар дараҳтлардан узоқ ерларга нисбатан икки баробар кўпдир.

Олимлар ўлкамизга мансуб бўлган хосиятли ўсимликларни қайси турини қаерларда экиш мумкинлиги тўғрисида ҳам амалий тавсиялар бермоқдалар.

Баҳорда экиладиган кўчатларнинг яхши тутиб кетиши тупроқнинг сифатли тайёрланганига, агротехника тадбирларининг қандай амалга оширилганига боғлиқдир. Айни пайтда навли кўчатлар танлашга ҳам катта эътибор бериш лозим. Тез ўсадиган ва бақувват кўчатлар экиш зарур. Лалмикор ерларда иҳота дараҳтзорлари барпо этишда қурғоқчиликка чидамли кўчатлардан фойдаланиш керак. Бунинг учун олимларимиз оқ акация, шумтол, жайдари нок, сиварс олмаси, дўлана, бодом дараҳтлари ўtkазишни лозим кўришади. Сугориладиган ерларда дараҳт навларини тупроқни ва ўша ерни сугориш шароитларини ҳисобга олган ҳолда танлаш лозим. Шўрхок бўлмаган ерларда эман, чинор, шумтол, қrim қарағайи, ўрик, нок, бодом, хурмо, оқтут, япон беҳиси каби дараҳтларни ўстириш

тавсия қилинади. Шўрхок ерларда эса тузга чидамли болле тераги, оқ акация, тут, япон беҳиси каби дараҳтлар ўтказган маъқул.

Мутахассисларимиз ўрмон минтақаларининг охирги қаторларида шоҳлаб кетадиган буталар ёки ёғоч берадиган дараҳтлар, шамол эсадиган томонга эса тут дараҳти экишни тавсия этадилар.

Аниқ маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 60 га яқин ўрмон хўжалиги бор. Мазқур хўжаликлар пахтазорлар атрофида ихота ўрмонлари ташкил қилиш, ўрмонларни қайта тиклаш, халқ хўжалиги учун ўрмон маҳсулотларини етишириш, доривор ўсимликларни ўстириш ва улардан маҳсулотлар тайёрлаш, шунингдек, лалмикор ерларда сунъий ўрмон яратиш, сугориладиган ерларда ихота ўрмонлари барпо этиш, тоғлардаги табиий арча, хандон писта, бодом, зирк ва ёнғоқларни қайта тиклаш, улар ҳосилдорлигини ошириш билан шуғулланади.

Ҳозир ўрмончилик фани ҳам мавжуддир. Бу фан ўрмон табиатини, дараҳт ўстириш усусларини ва уларнинг ҳосилдорлигини ўрганади. Ундан ташқари, ёғоч ва ўрмон маҳсулотлари олиш, шунингдек, даволаш, соғломлаштириш ва эстетик мақсадларда иш олиб бориш билан шуғулланади.

Ўрмон фақат хомашё ресурси бўлиб қолмай, балки биосферанинг муҳим таркибий қисмидир. Ўрмон маҳсулдорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш катта аҳамиятга эга. Ўрмон манбаларидаги нобудгарчиликка йўл қўймай тўғри фойдаланиш, тез ўсадиган ва сермаҳсул дараҳт навларини экиш, уларнинг таркибини яхшилаш масалаларини ечиш талаб этилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли ўсимлик моддалари кимё институтида Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликлардан жуда кўп шифобахш ўсимлик намуналари ўрганилди. Ҳозиргача 1398 кимёвий бирикма ажратиб олинган бўлиб, улардан 550 тасининг тузилиши, 60 дан ортигининг эса даволаш хусусиятга эга эканлиги аниқланди. Улардан ташқари, мой олиниши мумкин бўлган ўсимликлар танлаб олинди. Жумладан, триглицеридлар, мураккаб эфирлардан иборат органик бирикмалар ажратилади. Ўсимлик мойлари таркибида триглицеридлар, мум, фосфатлар, эркин ёғ кислоталари, липохромлар, витаминалар ва организм учун зарур бўлган бошқа омиллар мавжуддир (глюкоза, сахароза, микроэлементлар).

Киши организми эҳтиёжини қондирадиган ёғлар, ўрик, ёнғоқ, тарвуз, узум, олча, қовун, кунжут, ерёнғоқ, бодом, пахта каби ўсимликлар уругидан олинади. Хўжаликнинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган ёғлар эса бутгуллилар оиласига мансуб мой берувчи

ўсимлик магизларидан тайёрланади. Ўсимликнинг мойларидан совун, алиф, глицерин, ёғ кислоталари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

4. Ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш

Ўрмон табиатнинг узоқ яшайдиган кўркам мўъжизаси, бироқ унинг тикланиши жуда қийин. «Ўрмонни кесиш учун 5 минут кетади, уни ўстириш учун эса 100 йил керак бўлади», деган нақл бор. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ўрмонларни ва ўсимлик дунёсини асрash, улардан тўғри фойдаланиш учун давлат томонидан катта имкониятлар яратилди. Ўрмончилик иши умумхалқ иши бўлиб қолди, барча ўрмонлар хусусий мулкчиликдан умумхалқ мулкига айлантирилди.

Ҳозир ўрмон дарахтлари уругини кўпайтириш ишига катта аҳамият бериляпти. Ўрмон маликаси бўлмиш қарагай, арча, эман, писта ва бошқа дарахт уруғларини кўпайтириш ва экиш кейинги йилларга ҳам режалаб қўйилган. Ўрмонларни қайта тиклаш, уларни муҳофаза қилиш ва ўрмончиликка алоқадор бошқа тадбирларнинг қишлоқ ҳалқ ноиблари ва уларнинг ижро этувчи ташкилотлари назоратида бўлиши катта аҳамиятга эгадир.

Ўрмон дарахтларини зааркунанда ҳашаротлардан сақлаш, муҳофаза қилиш ва уларни касалликлардан асрash билан ўсимликларни ҳимоя қиласиган маҳсус ташкилотлар шуғулланади.

Ҳашаротлар ва зааркунандалар турли усуслар билан йўқотилади. Шу мақсадда зааркунанда ҳашаротлар, ўсимлик касалликлари атрофлича ўрганилади. Бундай хайрли ишда энтомологлар жуда катта ёрдам берадилар. Мазкур мутахассислар касаллик ёки заарли ҳашаротларнинг қаерда кўплайётганини, ўрмоннинг қайси жойида касаллик бошланаётганини аниқлаб берадилар. Олинган далилларга асосан, тегишли тадбир ва чоралар ишлаб чиқилади. Ўрмон ўсимликларини касаллик ва зааркунанда ҳашаротлардан асрashга доир тадбирлар кўзда тутилади, яъни бунда биологик, кимёвий воситаларда фойдаланилади, шунингдек, ўрмон хўжалиги ишлари ҳамда карантин бирга олиб борилади.

Ўрмон хўжалик ишлари нималардан иборат? Бунда ўсимликларни касалликлардан сақлаш чоралари кўрилади, жумладан, ўсимликнинг инфекция ва зааркунанда ҳашаротларга қарши чидамлилиги оширилади. Дарахт кўчатлари тайёрланаётганда сифатига қараб ажратилади, экиш вақтида ўсимлик ниҳоллари ва уруғларининг

соғломлигига эътибор берилади, чунки заарланган ниҳоллардаги микроорганизмлар ва ҳашаротлар ўрмонга ўтиб кетиши мумкин. Кўчат уруғларини экишда ва кўчат ўтказишда агротехника қоидаларига катта аҳамият берилади. Булардан ташқари, ўсимликларни вақтида буталаб туриш, буталантган жойларни дезинфекция қилиш яхши натижা беради.

Ўрмонларни биологик усуллар билан ҳам муҳофаза қилиш мумкин. Заарли ҳашаротларга қарши энтомофаг деб аталадиган воситадан, шунингдек, фойдали ҳайвонлар ва қушлардан ҳам фойдаланилади. Улардан ташқари ўрмон чумолилари ҳар бир зааркунанда ҳашаротларни қириши мумкин. Чумолилар органик моддаларни тупроқ мағзига олиб киради, тупроққа чумоли инлари орқали ҳаво киради, шу туфайли тупроқдаги реакция ҳам астасекин ўзгариб боради. Натижада чумоли ини яқинида ўсадиган дарахтлар озуқа моддалар билан яхшироқ таъминланиб тез ўса бошлайди.

Юқоридагилардан ташқари, ўсимлик касалликларига ва ҳашаротларга қарши курашда биопрепаратлардан ҳам фойдаланилади. Қуйидаги биопрепаратлар: дендробациллин, инсектин, триходермин, битокенбациллин, гемолин ва бошқалар Заарли ҳашаротларга қарши ишлатилади. Бироқ зааркунанда ҳашаротларга қарши қайси усул билан курашилмасин, инсон соғлигига улар зарар қилмаслиги керак.

Кимёвий усул билан ўсимликзааркундаларини қириш усули яхши самара беради. Кимёвий усул билан ҳар қандай зааркунанда ҳашаротларнинг касаллик кўзғайдиган микроорганизмларини йўқотиш мумкин.

Зааркунанда ҳашаротларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар инсектицилар, замбуруғли касалликларга қарши қўлланиладиган моддалар фунгицилар деб аталади. Ҳозир кимё саноати жуда кўп кимёвий модда ишлаб чиқаряпти. Давлат комиссияси томонидан ўрмон хўжалигига ишлатилиши мумкин бўлган заҳарли кимёвий моддалар рўйхати тайёрланди. Заҳарли препаратлар ўрмон хўжалигига рухсат этилган рўйхат бўйича ишлатилади. Кимёвий моддалар вертолётлар, самолётлар ва бошқа механизмлар ёрдамида сепилади.

Катта заар келтирувчи ҳашаротлар бошқа мамлакатлардан келиб қолмаслиги, шунингдек, бир вилоятдан иккинчи вилоят майдонларига касаллик тарқалмаслиги учун Давлат карантин ташкилоти тузилган ва бунга оид қонун ва қоидалар ишлаб

чиқылган. Каратин ташкилотлари ўсимлик маҳсулотларини бир жойдан иккинчи жойга олиб бораётгандан назорат қиласи. Шунингдек, касаллик тарқалишига йўл қўймаслик тадбирлари ишлаб чиқиласди.

Ўрмон ўсимликларини сақлаш ва уни қайта тиклашда жамоатчиликнинг роли ҳам катта. Маълумки, ҳар йили янги йил арафасида жуда кўп арча кесилади, натижада ўрмон хўжалигига маълум даражада зарар етказилади. Шунинг учун тегишли ташкилотлар ўрмонларга унча зарар етказмай, аҳолини янги йил арафасида арчага бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда.

5. Ўсимлик дунёси, ўрмонлар ва атмосфера ҳавоси

Инсон бир минутда 16—18, тезроқ ҳаракат қилса 50—60 ва ундан кўпроқ марта нафас олиш мумкин. Инсонни атмосфера ҳавосини олиши ҳар сафар 400—450—500 мл.ни ташкил қиласди. Агар атмосфера ҳавосининг 20%и оксигендан иборат бўлса, инсон ҳар нафас олганда тахминан 80—100 мл, тез ҳаракат қилса, ундан кўпроқ оксигенни ўзининг эҳтиёжи учун олади. «Оксиген» ишлаб чиқарадиган фабрика — бу дараҳтзорлардир деса ҳам бўлади. Ўрмонлар биосферанинг асосий таркибий қисми, улар дарё сувларини бошқариб туради, ердаги намликтини сақлаб боради, тоғлардаги тош ва ер кўчишининг олдини олади, кушлар ва баъзи бир жониворлар учун яшаш макони. Ўрмон ва дараҳтлар жуда кўп табиий маҳсулотларни инсон учун озуқа сифатида инъом қиласди, у инсон учун хизмат қиласди. Ўрмон энг қимматбаҳо моддий ресурслар манбай. Бу уйдаги гуттурт, дафттар, қофоз, чолғу асбоблар, катта кимёвий моддалар манбай.

Айниқса, экологик ноқулай шароитда ўрмонларнинг роли жуда катта. Ўрмон 20000 хил кимёвий моддаларни беради. Ўрмон хом ашё манбай бўлибгина қолмай, балки экологик ҳолатларни тузатишга ёрдам берувчи омил сифатида кўриласди.

Ҳар гектар қарағайзор 50 ёшга тўлганда йилига 5,5 тонна O_2 (оксиген) беради. Оксигеннинг енгил ионлари чарчоқни қолдиради, уларнинг барглари орқали ҳавога чиқадиган фитонциллари касал чақирувчи микробларни ўлдиради. Қарағайнинг хвой игна барглари 8 йилгача яшайди.

Ўрмон ва дараҳтзорлар табиатдаги CO_2 билан O_2 балансини сақлаб туради. Ҳаводаги CO_2 моддаси кўёшнинг ультрабинафша нури ёрдамида ўсимликлар томонидан шимилиб фотосинтез жараёни оқибатида унинг ўрнига ўзидан оксиген газини ишлаб чиқаради.

Ўрмонлар қанчалик яхши ривожланса, ҳаводаги CO_2 ни шунча кўп шимади ва шунча кўп оксигенни ҳавога чиқаради. Агар бир гектар арчали дараҳтларни CO_2 мoddасини шимишини 100% десак, баргли ўрмонлар 450%, жўка дараҳтли ўрмонлар 250%, теракли дараҳтзорлар 750% CO_2 ни шимади. Бир гектар ўрмон бир соатда 8 литр CO_2 ни шимади, яъни 200 киши нафасидан ажralаётган CO_2 шимилади.

Ҳозирги замон техносфераси оксигенни 15 баробар кўпроқ шимади, яъни ер шаридағи ҳамма жониворлардан кўпроқ сарфлайди.

Ўрмон, ҳаво бассейнини ифлослиқдан тозалайди, чангларни, заҳарли газларни ўзига тортади, тутунни, қоракуяларни ҳам шимади, шундай қилиб ҳавони тозалайди.

Бир гектардаги арча дараҳтининг шоҳ-шаббалари 32 т, сосна ўрмонлари эса 35 тонна, дуб 54 тонна, қайрағоч 43 т., қора қайин 68 тонна чангларни бир йил давомида ушлаб қолади. Дараҳтлар экилган кўчаларнинг 1 литр ҳавосидаги чанг уч баробар кам, дараҳтлари йўқ кўчаларда аксинча 3 баробар кўп. Кўп дараҳтларнинг барглари сульфат ангидридини, азот оксидини, ис газини, фтор, хлор, кўргошин ва бошқаларни шимади.

Ўрмонлар шамол тезлигини 40% камайтиради. Хуллас ўрмонлар инсониятнинг катта бойлиги. Ўрмонлари кўп мамлакатлар бу Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Колумбия, Канада, ва Индонезия ҳисобланади.

Аммо инсоннинг антропоген фаолияти натижасида фақат инсонлар ва ҳайвонлар қийналиб қолмай, ҳатто дараҳтзорлар ҳам зарар кўрмоқда. Оқибатда дараҳтларнинг қуриб қолиши, баргларининг рангини ўзгариши, касалликка учраши кузатилмоқда.

Айниқса, инсонларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида, экваторда жойлашган мамлакатларнинг ўрмонлари кесилиб ташланаётгани жуда ачинарли ҳол. Кейинги 25 йил давомида уларнинг майдони 50% қисқарди, ҳар йилги ўрмонларнинг йўқолиши 27 млн. гектарни ташкил қиласи.

Баъзи бир мамлакатлар ҳатто ўрмонларини йўқотиб ўрмонсиз қолмоқдалар. Асримизнинг бошларида Эфиопия давлатининг 40% майдони ўрмонлар билан қопланган эди, ҳозирда ҳаммаси бўлиб 3,5% майдонда ўрмон қолган.

Намли тропик ўрмонлари шунчалик кўп майдонни эгаллаб, улуғвор кўк лента бўлиб она заминда ястаниб ётарди, хаёлдан, бу улуғ ўрмонларни ҳеч йўқ қилиб бўлмайди деган туйфулар ўтар эди. 1671 йиллардан бошлаб Карип денгизидаги оролларда, тропик

ўрмонлар бирин-кетин йўқола борди. Барбадосдаги ўрмонларни шакар қамиши майдонлари эгаллади. Бугунги кунда намли тропик ўрмонлар ҳаммаси бўлиб ер куррасининг 5% майдонини эгаллайди, 100 йил илгари 12% эди. Ҳозирда ҳар йили Англия давлатининг майдонига тенг келадиган ўрмон майдонлари кесилмоқда ёки ёқилмоқда.

Ер йўлдоши аппаратлари ёрдамида олинган далиллар бўйича Амазон дарёлари соҳилларида 28% ўрмон ёндирилган, ҳозирда 1991 йилга қараганда ўрмонлар 34% ортиқ кесилмоқда. Бу ўрмонларни йўқ қилаётгандар фермерлардир. Улар оч қолмаслик ва ўлиб кетмаслик учун ўрмонларни очиб қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларни кўпайтиришга хуруж қилмоқдалар. У ерларда ишлаб чиқилган мол гўштининг эгаси шимолий Америка капиталистларидир. Унинг устига ўрмон дараҳтларини кесиб саноатда ишлатиш энг юқори даражага кўтарилимоқда. Ҳозирда 45 минг km^2 майдонда ёғоч тайёрланяпти. Ботаник Мануэл Фиделго, бундай ҳолатларни кўриб юрак қонга тўлиб кетади, кўзга ёш келади деб нолийди. Ёғоч тайёрлов компаниялари ўрмонларни тезда йўқотишга катта ёрдам бермоқдалар. Йўқолган ўрмонлар ўрнини фермерлар эгалламоқда. Хўш, бундай аҳволда иқлим қайси томонга қараб ўзгаради, инсонлар учун нима олиб келади? Экологик ноқулайликлар сабабчиси жаноби инсон ва ҳаммасининг заминида нафс ётади. Нафс балоси инсонларни иймонсизликка олиб боради, иймони йўқ кишилардан яхшилик кутиш бемаънилик. Шунинг учун ҳам, ўрмонлар йўқ бўляпти, улар ўрнига қуммиклар, дашт-биёбонлар пайдо бўлмоқда, шўрҳок ерларда ёввойи ўт-ўланлар ўсмоқда, сув омборлари тагида яйловлар, ўтлоқлар йўқ бўляпти, тобора тоғларнинг ёнбагирларида ернинг сурилиши, тошларнинг сурилиши рўй бермоқда. Ўрмонлар билан бирга у ерда яшаётган ҳайвонот турлари ҳам йўқ бўлиб кетмоқда. Мисол, кейинги 40 йиллар давомида Непал давлатининг Ҳималай тоғларида 50% ўрмонлар кесилиб ўтин сифатида ёки турли хўжалик ишларида фойдаланилди. Оқибатда тоғ бағридаги қияликларда ер сурилиши пайдо бўлмоқда, кесилган дараҳтларни илдизлари ер сурилишини тўхтатиб қолар эди. Энди эса улар йўқ. Непалда ҳар йилги ўрмонларнинг кесилиши оқибатида ернинг, тупроқнинг 50 млн. тоннасини селлар ювиб кетмоқда. Демак, ҳар бир жараён меъёри бўлишини тақозо қиласи.

АҚШ Миллий академияси далилларига қараганда 10 км намли тропик ўрмонларда 125 ҳайвон, 400 тур қушлар, 150 тур капалаклар

яшайди, агар Шимолий Америка минтақасига солиштирилса, ҳамма күшлар тури 1000 хилга етар етмас. Ваҳолонки, бошлангич ҳайвонлар биринчи бўлиб тропик ўрмонларда пайдо бўлган. Жумладан, маккажӯҳори, кофенинг макони Жанубий Америка, уй товуқларини биринчи макони Жанубий Шарқий Осиё ва ҳоказо. Инсониятни бирламчи озиқ-овқат берувчи ўсимликларнинг 80% тропик ўрмонлардан келтирилиб янги иқлим шароитга мослаштирилган.

Намли тропик ўрмонлар фақатгина озиқ-овқат макони бўлмасдан, балки ҳавони тозаловчи, ҳавога оксиген берувчи макон ҳам, унинг устига энг доривор моддалар ўша ўрмондаги ўсимликлардан олинади.

Тропик ўрмонлари ёғингарчиликларни, ҳавонинг ҳароратини ҳам бошқариб туради.

Ўсимлик дунёсининг инсоният саломатлигини сақлашдаги роли, атмосфера ҳавосини тозалашдаги, микроиқлими одамларга кайфият роллари бекёёсdir.

Шунинг учун ҳам аҳоли турар жойларининг қурилиши, режалаштирилиши бошланиши билан бирга дараҳтзорларни ташкил қилиш масаласини ҳам ҳал қилиниши параллел кетиши керак. Чунки, шаҳарнинг ландшафтти, микроиқлими одамларга кайфият бағишлиловчи омил сифатида қаралиши шарт. Экологик нуқтаи назардан, ўсимлик дунёси бошқа жониворларни ўзига жалб қиласди, одамларда қандайдир, ички ажойиб туйғуларни, яшашга интилишни, ҳиссий хурсандчилик реакциялари ўз-ўзидан келиб чиқишини таъминлайди.

Инсонлар қанча табиатта яқинлашса, уларда шунчалик дам олиш, асабни чарчогини қондиришдек ижобий ҳиссиятлар туғилади.

Шаҳар шароитида катта майдонларда ўсимлик массивларини, паркларни, дараҳтзорларни барпо қилиш имконияти чегаралантган. Шунинг учун шаҳар олди дам олиш яшил зоналарини барпо қилиш ҳамма мамлакатларда амалга оширилмоқда. Инсонни табиатдан ажратиб кўйиш мумкин эмас. Шаҳар олди парк минтақаларини барпо этиш шаҳар ҳавосини оксиген билан таъминлаб туради. Ўртacha бир туп дараҳт 25 соат ичидаги 3 киши учун керак бўлган оксиген билан таъминлайди. Бир гектар майдонга эга бўлган дараҳтзор ўрмон, бир қуёшли кунда 220—280 кг CO_2 карбонад ангидридини шимиб, 180—200 кг ҳаво оксигенини беради. 1 m^2 йўлка йўллар атрофида экилган майсазорлар бир соатда 200 гр сувни буғлатиб ҳаво

намлигини бирмунча кўтаради. Иссик кунларда ҳаво ҳароратини $2,5^{\circ}\text{C}$ пасайтиради, майсазор шамол кўтарган чангларни тўсади, ушлаб қолади.

Ҳозирги қурилаётган туарар жойларни кварталларида пиёда йўллар 60%ни ташкил қиласди.

Автомобил транспорти дудбуронларидан ҳавога ташланадиган заҳарли моддаларни 7 дан 35% гача ўсимлик дунёси шимиб олади. Шаҳар ичига жойлашган дам олиш яшил минтақаларида ҳаводаги осигулек моддаларни 10—40% миқдори камаяди, шунинг натижасида ультрабинафша нурларини тушиши 15—25% ортади.

Шаҳарлар ичидаги, кичик бўлсада, барпо қилинадиган ўрмон парк минтақалари шаҳарнинг микроқлимини, оксиген режимини, ҳаво ҳарорати ва намлигини мўътадил ушлаб туришга ёрдам қиласди.

Тошкент шаҳридаги «Кўнгил очиш боғи», Навоий парки, Улуғбек номидаги дам олиш, Амир Темур майдони, Боғи Эрам парки ва бошқалар шаҳар ландшафтини яхшилаш, ҳавода чанг ва бошқа фуборларни ушлаб қолишга яратилган. Хуллас, шаҳар аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган дараҳтзорларни m^2 қанча кўп бўлса, аҳолининг соғлигига шунча яхши бўлади.

Аммо ҳозирда инсоннинг айби билан бутун дунёда жуғрофий ўртacha кенглиқдаги ўрмонларнинг, тропик ўрмонларининг 50% йўқ бўлиб кетиши ва баъзи бир ўрмон массивларининг мутлақо йўқ бўлиб кетиши хавфли даражадаги масштабни эгалламоқда. Охирги далиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда ҳар йили 150000 гектардан 200000 km^2 гача майдондаги тропик ўрмонлар йўқотилмоқда. Бу майдон Уругвай давлати майдонига тўғри келади. Ўрмонларни бу даражада йўқолиши ерларни эрозияга айлантириб, дашту биёбонларнинг кўпайишига олиб бормоқда. Ерлар деградацияга учрамоқда. Демак, она табиатга бошқача кўз билан қараш вақти келмадимикин?

6. Жаннатмакон боғу роғларни барпо қилайлик

Боғу роғлар сиҳат-саломатликни таъминловчи асосий маскан. Кимки имконияти бўла туриб боғ яратмапти, демак савобли ишдан қайтибди. Тарихдан аллақачонлар маълумки, табиатга, унинг гўзаллигига ташналиқ билан қараш, тикилиб туриш инсонга, унинг саломатлигига энг яхши таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Ўсимлик дунёси, гуллар, ҳид берувчи ўтлар, тоғларнинг, қирларни ёнбағридаги кўкаламзорлар, лолазорлар, баҳорда гуллаётган

олмазорлар, шафтоли ва бодомзорлар ва бошқалар асабга, организмнинг ҳиссиётига, умумий ҳолатига шодлик, қувонч бағишлайдиган омиллардир. Оллоҳ яратган мўъжизаларни кўриш, қувониш унга муҳаббат кўзи билан қараши инсоннинг Оллоҳга яқинлигидан дарак беради.

Томас Джейферсон архитектор, олим, юрист, яратувчи ва АҚШ давлатининг сабиқ президенти йўзининг мемуарларида шундай дейди: «Мен боғбонман, ерни, боғ яратишни севаман, ерда ишлаш менга шунчалар мароқ берадики, уни тасаввур қилиш қийин, мен ерга доимо содиқ қоламан. Ёшим анчага боргани билан мен ёш боғбонман». Унинг олийжаноб бундай фикрини кўпчилик қўллаб-куватлади. Шунинг учундирки, қўли гул одамлар дунёга машҳур боғларни яратдилар. Жумладан, Англиядаги Қиролича ботаника боғи, Япониядаги Киота боғи, Франциядаги Версал боғи, АҚШдаги Лонгвуд боғи, Москвадаги Ботаника, Тошкентдаги Ботаника боғи бунга мисолдир. Яратилган боғларни ёшу қари ҳамма яхши кўради, ардоқлайди, чунки боғлар бу жаннат боғлари, ҳамма-ҳамма унга интилади, чунки у ором беради, чарчаган асабларга дам беради, ҳиссиётларни яхшилайди, юрак-юракдан хурсандлик аломатлари ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Тарихан, инсоният жаннатмакон боғларни яратишга уриниб келган ва яратган, чунки боғ яратиш инсоннинг шунга нисбатан эҳтиёжидан келиб чиқади.

Жумладан, Вавилондаги осма боғ оламдаги етти мўъжизанинг бири эди. Бу боғ 2500 йил бурун Новуходоносор исмли шоҳ томонидан маликанинг илтимосига кўра барпо этилган эди. Бу боғ, унинг хотинининг боғу роғларни кўришни истаб ҳамда ўзининг яшаган ютидаги тоб бағриларини, қирларни эслатадиган боғ яратишни шоҳдан илтимос қилиб, яратилган эди. Бу боғ барпо этилгач, шоҳнинг хотини учун анчатина енгилик туйғуси пайдо бўла бошлади.

Манзарали боғлар Миср давлатининг Нил дарёси бўйларида яратилган эди, Миср боғлари сингари форс боғлари ҳам жуда чиройли, ажойиб бўлган, улар жаннатта ўхшар эди.

Биринчи бўлиб Александр Македонский ва унинг шогирди Теофраст ботаника боғини Грекияда яратадилар, бу боғ ўсимликларни ўрганиш маскани ҳам бўлиб қолган.

XVII асрда Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларида Кашмир водийсида 700 та жаннатмакон боғлар яратилган, юзлаб фавворалар, гулзорлар, Дажла кўлини қирғоқларида Шоҳжаҳон жаннат

боғларини яратди. Шоғжақондан қолтан боғларнинг қора мраморига шундай сўзлар ёзилган экан. «Агар ҳақиқатда жаннат бўлса бу шу ерда, бу шу ерда, бу шу ерда». Демак, бу жаннатмакон боғ худди жаннатни эслатар экан.

Бизнинг мамлакатимизнинг ўзи жаннатмакондир, унинг унумли узумзорлари, олмазору ўриззорлари, бодомзору шафтолизорлари, неча юз хил атири гуллари, қишин ёзин гулчиларимиз ишлаб чиқаёттанди ранг-бараг гуллари инсон психологиясини, ички ҳиссиёт ва туйғуларини севинчга тўлдиради. Ҳар бир вилоятдаги дам олиш боғлари, хиёбонлари кўнгил очар боғларининг ўзига яраша гашти бор.

Наманган, Фарғона, Самарқанд, Гулистон, Жиззах шаҳарларида боғлар, ҳордик чиқарадиган, одам ором берадиган боғлардир.

Кейинги йиллари терак экишни жуда ривожлантириб юбордилар. Ҳар йили, млн.лаб туп дараҳтлар ўтказилмоқда. Каналларнинг, ариқ ва жилгалар, йўлларнинг бўйларини, сув омборларининг қирғоқларини турли декоратив дараҳтлари, чинор, арча ва шунга ўхшашиб дараҳтлар бежаб турибди.

Шаҳар ва ишчи посёлкаларининг табиий ҳолати, унинг кўркамлиги, оромбахшлиги фақат инсонларнинг ўзига боғлиқ. Уларнинг қўли билан истироҳат боғлари, хиёбонлари, кичик ўрмон дараҳтзорлари яратилмоқда. Булар, аҳолининг дам олиш масканига айланмоқда.

Дараҳтзорлар экологик ҳолатни, манзараларни, ландшафтларни тез яхши томонга ўзгартирувчи омиллардир, улар ҳавони тозаловчи, оксиген билан бойитувчи ажойиб табиат инъомидир. Сувларнинг қирғоқларига экилган маданий дараҳтлар шаҳар ҳуснини, чиройини очади, инсоннинг дилини курсанд қиласди.

Катта шаҳарларда умумий истироҳат боғларидан ташқари болалар учун маҳсус кўкарамзор майдонлар, ҳайвонот боғларини ташкил қилиш ёш авлодни табиат қўйнига яқинлаштиришга имкон беради. Истироҳат боғлари шаҳарларни марказларига жойлаштирилиб, 3—5—10—15 гектар атрофида, баязи бирлари 25—30 гектар катталигида яратилади. Одатда, шаҳар ва ишчи посёлкалари барпо қилинаётганда режаларда кўрсатилганидек, 65—70% майдон яшил минтақаларга, яъни хиёбонларга, боғларга, истироҳат боғлари ва бошқаларга ажратилади.

Режалардаги мўлжалланган боғ-роғлар барпо қилинса, ҳаво намуналарида таҳлиллар шуни кўрсатдики, уларнинг тепасидаги ҳавода енгил ионлар, 1 м³ ҳавода 800—1000 га етади, саноат

корхоналари тепасидаги ҳавода 200—400 ва одам зич яшаётган жойлар ҳавосида 25—100 енгил ионлар аниқланган. Енгил ионларни кўплиги ҳавони тозалигини кўрсатувчи омиллардир. Оғир ионлар мусбат зарядли бўлиб, улар тутун, сув бувлари, чанг ва газлар билан кўшилиб, атмосфера ҳавосини ифлослантиради.

Ўсимликлар ва дараҳтзорларнинг экологик ва санитария жиҳатидан аҳамияти шундаки, улар учувчан органик моддаларни ҳавога ажратиб чиқаради. Бу моддалар турли микроорганизмларни қириб ташловчи фитонцидлар, ҳавонинг тозалигини таъминлашда катта аҳамият қасб этади.

Оқ қайин, акация, терак, эман, тол каби дараҳтлар ҳаводаги енгил ион зарядларининг кўпайишига катта ёрдам беради.

Микробларни йўқотишга пиёз, саримсоқ пиёз катта ёрдам беради. Фитонцидлар миқдори фаслларга қараб ўзгариб туради. Ёз ва кўқламда улар кўп миқдорда ажралиб ҳавони микроорганизмлардан тозалашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам жаннатмакон боғларни яратишга қўл уринг, бу энг катта савобли ишдир, жаннатмакон боғлар сиҳат ва саломатлик манбаидир.

XIII боб. Биосфера, инсон ва ҳайвонот дунёси

Бутун жаҳонда ҳайвон турларининг йўқолиб кетаётганидан инсоният ҳавотирда, чунки табиат кўрки бўлган баъзи бир ҳайвонлардан турли сабабларга кура ажralиб қолинмоқда. Биосфера тирик жонларнинг яшаш макони, яъни ўсимлик, ҳайвонотлар дунёсининг ва микроорганизм, вируслар ва одамларнинг яшаш маконидир. Аммо инсоннинг табиатга, табиат омилларига нисбатан ўзаро муносабатларининг бузилиши, табиатдан фақатгина ўз эҳтиёжини қондириш учун ўта масъулиятсизлик билан фойдаланиши бугунги кун учун жуда кўп турларнинг йўқ бўлишига олиб келди.

Ер куррасида мавжуд бўлган барча ҳайвонот намуналари ҳам табиатнинг маҳсали ҳисобланади. Инсон зоти сингари жониворлар табиатнинг барча марҳаматларидан, жумладан, суви, ҳавоси, ўсимликлар дунёсининг саҳоватларидан баҳраманд бўлиб яшайди. Жониворларнинг ҳаёти табиат, атроф-муҳитнинг ҳолати билан узвий боғланган.

Ҳайвонот олами умуман инсониятнинг яшashi, ҳаёти фаолиятида жуда муҳим рол ўйнайди. Маълумки, уй ҳайвонлари ҳисобланадиган қорамол, кўй, эчки, тўнғиз, от, эшак, түя, қолаверса ит, мушук каби жонзотлар бизнинг ҳаётимизда тайин бир мақсад учун боқиласди. Айрим ҳайвон турлари биз учун оқсил, мой, сут манбаи, бошқаси хўжалик учун асқотадиган ишларни бажаради, транспортнинг энг оддий намунаси сифатида фойдаланилади, яна бири эса уйни кўриқлайди, яна бошқаси заараркунандалар билан курашда беминнат дастёр ҳисобланади.

Табиат қўйнида ёввойи ҳолда яшайдиган (масалан, сайроқ, буғи ва бошқа) ҳайвонларнинг ҳам ўзига хос фойдали хусусиятлари мавжуд, жумладан, улардан ажойиб мўйналар, доривор воситалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, жунлар олинади.

Ҳайвонлар табиатда табиий воситаларнинг мувозанатини сақлаб туришда хизмат қиласди. Умуман, ҳайвонлар дунёсини ташкил қиласдиган жониворларнинг тури жуда кўп, уларнинг бир ярим миллиондан зиёд тури борлиги аниқданган. Шуни айтиш керакки, ҳайвонот олами орасида инсонга бевосита ёрдам берадиган фойдалиларидан ташқари бир тоифа жониворлар ҳам борки, улар ҳаётда зиён келтиради.

Тадбиркор инсон ўзининг ақл-заковати билан бир қатор ҳайвонларни хонакилаштиришга мұяссар бўлган. Бироқ ана шу зотларнинг ўзи кўп фойдали жониворларнинг йўқ бўлиб кетишига бевосита ёки билвосита сабабчи бўлмоқда.

Инсоният ўз тараққиёти погоналарида ҳайвонлар билан доим ҳам муросада бўлавермаган. Одамлар ибтидоий жамоа даврида ҳайвонлар таҳдидидан анча ҳайиққанлар ва уларнинг ҳужумидан ҳоли бўлишга ҳаракат қилгандар, эндиликда эса одамлар ҳайвонларни ўз манфаатлари йўлида кўплаб қириб ташлаб, айрим турларнинг бутунлай йўқолиб кетишига ҳам сабабчи бўлди.

Жуда қадим замонлардан бери, шунингдек, ҳозирда илмий техника, аҳолининг савияси, маънавияти ниҳоятда тараққий этган бир вақтда ҳам маълум гуруҳ одамлар эрмаги, шахсий манфаати учун жониворлар териси, маззали гўшти, қимматбаҳо суяги, майнин момиги ёки жиловдор патларини деб қириб юборилмоқда. Баъзи ўта жоҳил кишилар ҳайвонот оламини йўқ қилиш ёки қиришга мазаҳўрак, шунчалик эрмак бўлиб қолган, бу иш улар учун овхисбланади.

Манбаларда шундай бир мудҳиш лавҳа келтирилади: 1872 ва 1874 йиллар мобайнида Америка Кўшма Штатларидаги Канзас темир йўли қурилиши вақтида «ишиёқманд» овчилар ҳар йили 2,5 миллион бизонни отиб ташлайверганлар, уларни бу беозор жониворнинг на гўшти, на териси қизиқтирганлар, шунчаки мазаҳўрлик қилишган. Бунинг оқибатида бизонлар шу қадар камайиб кетганки, ҳозир уларни озгинаси маҳсус қўриқхоналардагина қолган.

Жаҳон узра илмий-техника тараққиёти, бир тарафдан ҳайвонот оламини камайиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Жаҳон кўламида демографик ўзгаришлар, шаҳарлар ва саноат марказларининг тез суръатлар билан ўсиб бориши, янгидан янги улкан иншоотларнинг қурилиши, кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ўша жойларда яшовчи айрим ноёб ҳайвонларнинг янада камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида кенг кўламда ишлатилётган кимёвий моддалар маҳаллий қушлар ва ҳайвонларнинг камайиб кетишига, айрим ҳолларда бутунлай йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳондаги нотинчилклар, урушлар табиий ҳолда яшайдиган нодир ва ноёб жониворларнинг йўқ бўлишига олиб келди. Жўмладан, АҚШнинг Ветнамда олиб борган уруши давомида бомбалар портлаганда гўзал ва фусункор Ветнам ўрмонлари куйиб, нес-нобуд бўлди, уларда макон қурған жониворлар қирилиб кетди.

Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳалқаро ўюшмасининг маълумотларига қараганда (1973), ҳозирга қадар ер куррасида 63 турга ва 55 кенжা турга кирадиган сут эмизувчи ҳайвонлар умуман йўқолиб кетган, шунингдек, ҳозир 600 турга яқин ҳайвон ном-нишонсиз йўқолиш арафасида турибди.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида ҳайвонот олами қанчалик муҳофаза қилинмасин ва уларнинг кўпайишига шароит яратиб берилган бўлмасин, гоҳо уларни пинҳоний ов қиласидаги шахслар учраб туради.

Ўзбекистон ҳайвонот оламининг турлари кўп ва улар ранг-баранг. Жумҳурият ҳудудида 650 дан ортиқ умуртқали ҳайвон намуналари мавжуд бўлиб, шу жумладан, 79 балиқ тури, 3 та амфибий, 57 судралувчилар, 410 турдан зиёд қушлар ва 99 сут эмизувчилар яшайди.

Ўлкамиз ҳайвонот олами қадимий ҳамда мураккаб генетик боғланишлари билан ажralиб туради, бунда Ўрга Осиёning эндемик ва автохтонлари маълум даражада аҳамият касб этади. Ўлкада мавжуд бўлган кўргина жониворлар жуда қадим замонларда бошқа қитъя ва минтақалардан келиб қолган. Жумладан, Марказий Осиё, Хинду Хитой саҳро ва тоғларидан, шунингдек, Қозогистон, Ўрга Ер денгизи бўйи, Сибир, Жанубий Оврупанинг саҳро чўл минтақаларидан келиб қолган ҳайвон намуналари ҳам бор.

Ўзбекистон шароитида яшовчи ҳайвонлар ўзига хос тарафлари билан ажralиб туради. Кенг воҳалар, водийлар, турли кўринишдаги саҳро кўринишларига эга тоб чўллари, ўтлоқлари, тўқайлар, тоб ўрмонлари, сув ҳавзалари, маданийлаштирилган ерларнинг табиати ўзгача бўлиб, биоценозлари ҳам ўзига хосдир.

Ҳозирда бизда катта-катта қўриқ ва чўл зоналари, дарё делталари ўзлаштирилиб, улар ҳосилдор ерларга айлантирилмоқда. Лекин бир вақтлар чўл-биёбон бўлиб ётган ана шу жойларда жуда кўп фойдали жониворлар яшар эди. Чунончи, бизнинг чўлларимизда учрайдиган чипор сиртлонлар, илонлар, жайрон, тувалоқ, күён, тулки каби жониворлар сони жуда камайиб кетган, улар ноёб нусха бўлиб қолмоқда.

Ҳайвонлар дунёсини муҳофаза қилиш борасида сўз кетар экан, сув жониворларининг озорланиб, йўқ бўлиб кетишидан асрашга ҳам катта аҳамият бериш лозим бўлади.

Сув ҳайвонлари, жумладан, балиқларни муҳофаза қилиш катта аҳамиятта эга. Кўргина дарёлар, сой ва жилғалар суви камайиб кетмоқда. Маълумки, сув манбаларида турли туман балиқлар яшайди.

Сувнинг камайиши, биринчидан, бир қатор балиқ турларининг йўқолиб кетишига сабаб бўлса, иккинчидан, сувдаги туз салмоғи ошиб, маълум турдаги балиқлар яшаш шароити ёмонлашади. Булардан ташқари, сув ҳавзаларига табиий йўллар билан (сув, ер ости сувлари, ёмғир, қор сувлари, шамол, тўзон орқали) қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган пестицидлар ҳамда маданий ўғитлар тушади, натижада сувнинг таркиби ўзгариб, балиқларнинг яшашига салбий таъсир этади. Балиқлар зотига бузғунчи овчилар, яъни браконерлар ҳам жиддий зарар келтиради.

Ўзбекистон «Қизил китоби»да келтирилишича, ҳозирги авлод кишилари бир қанча ҳайвонот турлари йўқолиб кетганлигининг жонли гувоҳидир. Ўлка ҳудудидан Турон йўлбарси, шунингдек, қизил бўри бутунлай йўқолиб кетган бўлиб, қоплон, Осиё қоплони, йўл-йўл сиртлон, тўвалоқ каби жонзотларнинг йўқолиб кетиш хавфи бор. Айниқса, Устюрт қўйи (аркал), бураган шоҳли така, қора лайлак, оқкушоққул, чилор калтакесак, қум эфаси каби жониворлар хатарли даражада камайиб кетган. Бундай ноёб жониворларнинг сони кундан кунга камайиб бормоқда. Булар эса нотўғри ов қилиш, ер майдонларини хўжасизларча ўзлаштириш, атроф-муҳитнинг бевосита ифлосланиши оқибати ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, кейинги йигирма йил ичida Ўзбекистон ҳудудида Мирзачўл, Қарши чўли, Сурхон-Шеробод чўли, Фаргона водийсининг марказий қисмлари ўзлаштирилган. Тяншан ҳамда Помир Олой гарбий сарҳадларидағи адирлар интенсив равишда ўзлаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, саҳро-чўл муҳитида яшайдиган бир қатор жониворларнинг, жумладан, жайрон, гўзал тувалоқ каби ноёб зотларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўрта Осиёдаги буюк дарёлар ўтган водийларда ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди, кўпгина тўқайзорлар кесиб ташланди ёки сув ўзанини ўзгартиргач, қовжираб кетди. Бунинг натижасида Бухоро хонгули, тустовуқ ва бошқа тўқайда яшовчи жониворлар камайиб кетди. Орол денгизининг суви пасайиб кетиши Амударё делтасига макон қурган ажойиб қушлар бўлмиш оқкушоққул, бирқозон, кулранг ғоз ва бошқа ноёб қушлардан айрилишга олиб келди.

Бир қатор гўзал жониворлар, жумладан, тоғ қўйи, Эрон видраси, Ўрта Осиё қапча илони кабилар жоҳил овчилар томонидан бутунлай камайтириб юборилди.

1. «Қизил китоб» тушунчаси

Табиатнинг ўз қонуниятлари бор. Ҳар қандай инсон зотини ҳимоя этадиган, унинг яшашга бўлган заруриятини белгилайдиган конституцияси бўлганидек, табиатнинг нодир ва ноёб намуналарини муҳофаза кучогига оладиган «муқаддас» китоб мавжуд. «Қизил китоб» номи билан юритилувчи бу китоб табиатнинг мунгли нидоси ҳисобланади. «Қизил китоб» деб аталишига сабаб шуки, у табиатнинг нодир ва ноёб турига айланиб қолган намуналарнинг бутунлай йўқолиб кетмаслиги учун барча тегишли жамоат муассасалари, илмий ўchoқлар, кенг аҳолини ўзига жалб эттириш ва шу билан зудлик, тадбиркорлик билан табиат муҳофазаси билан шуғулланишни талаб этувчи манбадир.

«Қизил китоб»га асос солинишига 1948 йилда «Табиий ресурслар ва табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси»нинг ташкил этилиши сабаб бўлган, дейиш мумкин. Бу муассасанинг ташабbusи билан йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвонлар ва ўсимликлар намуналарининг рўйхати тузилди. Ана шунда уч ярим аср мобайнида ер юзидан 60 дан ортиқ ҳайвон ва 100 га яқин қушлар зоти мутлақо йўқ бўлиб кетганлиги қайд этилди. Бундай мудҳиш ҳолат, айниқса, ўтган асрнинг охиirlарида жуда хавфли тус олган. Афсуски, ҳали ҳам бир қатор ҳайвон турларининг йўқолиб кетиш хавфи бор. Жумладан, 120 тур сут эмизувчилар ва 187 тур қушлар бутунлай йўқолиб кетиши мумкин. Бундай хавфни бартараф этиш ҳозирда биринчи навбатдаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Собиқ Иттифоқда 1974 йилда «Қизил китоб» таъсис этилган бўлиб, 1978 йилда «СССР қизил китоби» чоп этилди. Унга 62 тур ва кенжа тур сут эмизувчилари, 63 та қуш, 8 та амфиби, 21 та судралиб юрувчи мавжудотлар киритилган эди. «Қизил китоб»нинг Ўзбекистонга тааллукли жойлари кўпгина олимлар томонидан ишлаб чиқилди.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, айрим сабабларга кўра ўсимлик ўз статусини у ёки бу томонга ўзgartириб туриши мумкин. Жумладан, давр ўтиши билан ўсимлик бутунлай йўқолиб кетиши ёки аксинча, кўпайиб муҳофаза қилиш даражасидан чиқиб кетиши мумкин. Шу сабабли ўз-ўзидан «Қизил китоб»ни қайта нашр қилиш зарурияти туғилди.

Умуман олганда, табиатшунос олимларимизнинг катта, машақатли илмий тадқиқот ишлари, кузатишлари асосида яратилган Ўзбекистон «Қизил китоб»и сўзсиз табиатимизнинг

кўркам дурданалари, нодир ва ноёб ҳайвонот турларининг сақланиб қолишида дастурамаллик вазифасини бажарувчи манба бўлиб қолади. Бу китоб нафақат ҳозирги барча табиатсеварлар, хўжалик ходимлари, илм аҳллари учунгина фойдали китоб бўлибгина қолмасдан, балки келажак авлодлар учун ҳам ҳайрли ишлиги билан зарур манба ҳисобланади.

Даврлар ўтиши билан «Қизил китоб» ичидаги муҳофаза талаб этувчи диёримизнинг ҳайвонот ҳамда наботот намуналарининг сони ўзгариб туриши мумкин. Баъзи йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимлик ҳамда ҳайвонот намуналари турли тадбирлар туфайли кўпаядиган бўлса, улар бу «муқаддас» китоб саҳифаларидан холи этилиши, мабодо янги бирор ўсимлик ёки жониворлар муҳофазага муҳтоҷ бўладиган бўлса, улар «Қизил китоб» саҳифаларидан ўрин олиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда «Қизил китоб»да баён этилган муҳофаза қучогига муҳтоҷ жониворлар ва ўсимликлар янга табиатдан ўз ўринларини эгаллашлари, йўқолиб кетиш хавфи чегарасидан холи бўлишлари керак.

Табиатнинг ноёб намуналарини муҳофаза қилишда нафақат мутасадди ташкилотлар, табиат ошуфтагари, балки барча кишилар, у соҳи оддий фуқаро, мактаб ўқувчиси, институт талабаси бўлсин, барча бир ёқадан бош чиқариб бу ҳайрли ҳамда савобли ишларда фаолият кўрсатишлари лозим. Бунда албатта табиат билимдонлари, биология фанининг мутахассислари яқиндан ёрдам беришлари керак.

Биз яшаб, давр суроётган табиий муҳитни, шу жумладан, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш муаммоси одамзод учун ҳеч қачон ҳозирги кундагидек ҳаётий аҳамиятга эга бўлган эмас. Инсон табиатнинг марҳаматларидан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиб, унинг табиий манзарасини бузуб юборди, бунинг оқибатида минг йиллар давомида ташкил топган биогеоценозга салбий таъсир кўрсатилмоқда.

Жумҳурият, вилоят ва туманлар кўламида саноат тармоқларининг шиддат билан ривожланаётгани, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг тез суръатлар билан ўсиб бориши ва табиий майдонларнинг кенг кўламда ўзлаштирилиши экологик мувозанатни бузишга олиб келмоқда, бунинг оқибатида ўсимлик, ҳайвон турларининг камайиб кетиши ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги генофондни камайишга маҳкум қиласи. Бу эса инсоният учун муҳим аҳамиятга эга бўлган турнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Наботот генофондининг сақлаб қолиниши селекция жабҳасида янги ўсимлик навларини яратишила ва амалдаги муҳим навларнинг сифатини

яхшилашда катта аҳамият касб этади. Ёввойи ўсимлик намуналарини, қишлоқ хўжалигида экилаётган маданий навларини етиштиришда асос бўлиб хизмат қиласи, улар келгуси авлодлар учун ҳам зарур табиий омил ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида 400 дан зиёдроқ ёввойи ўсимлик турлари бор. Улар орасида жиддий муҳофаза талаб қиласиган кўпгина ноёб, эндем ва релект турлар мавжуд. Келтирилган маълумотларга қараганда, бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар ўсимликлар оламининг 10—12 фоизини ташкил этади.

Шуни афсусланиб айтиш керакки, республика наботот оламининг аксарият қисмидан ҳалқ хўжалиги эҳтиёжлари учун тадбиркорлик билан оқилона фойдаланилмагпи. Натижада улардан кўпларининг табиий захиралари кескин даражада қисқариб, йўқолиб кетиш хавфи содир бўлган.

Ўзбекистон Республикаси табиий флорасининг салмоқли қисмидан ҳалқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ўз ўрнида, режали, тадбиркорона фойдаланилиш, шу билан бирга уларни сергаклик билан асрраб-авайлаб ҳимоя этиш ҳозирги замоннинг долзарб масалаларидандир.

Табиатимизнинг ноёб ўсимлик намуналаридан ҳисобланмиш лола, саллагуллар, саноат эҳтиёжи учун ҳом ашё сифатида йиғиб олинаётган сапония сақловчи қимматбаҳо ўсимлик — етмак, ҳозирда ажойиб бўлган бозулбанг (лапохиллус), озиқ-овқат ўсимлиги — анзор пиёз қабилар мисол бўлади.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ўсимлик намуналари Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқарилган таснифга биноан тоифага ажралади:

- 1. Йўқотилган ёки йўқолиши арафасидаги турлар.* Бир неча йиллар давомида табиат кўйнида учратилмаган, бироқ айрим йиғиб олиш қийин бўлган жойлардаги ёки маданий шароитда сақланиб қолиш эҳтимолига эга бўлган ўсимлик турлари.

- 2. Йўқолиб бораётган турлар.* Йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақланиб қолиш учун маҳсус муҳофаза талаб этадиган турлар.

- 3. Ноёб турлар.* Маълумки, кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўладиган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар.

- 4. Камайиб бораётган турлар.* Маълум вақт ичida сони ва тарқалган майдонлари табиий сабабларга кўра ёки инсонлар таъсири остида қисқариб кетаётган турлар. Айни вақтда бундай ўсимликлар ҳар томонлама назорат қилиб туришни талаб этади.

2. Қўриқхоналар, заказниклар, миллий боялар

Табиатнинг муҳофаза қилиш муаммолари кутарилгач, турли қўринишга эга бўлган муассаса ва ташкилотлар ташкил этила бошланди.

Давлат қўриқхоналари турли жойларда ташкил этилган бўлиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Табиат муҳофазаси долзарб масалалардан бўлғанлиги туфайли, ҳатто уруш кетаётган бир пайтда, яъни 1941 йилда Бадхиз Давлат қўриқхонаси ташкил этилди. Мазкур қўриқхона туфайлигина йўқолиб кетиш арафасида турган қулонлар сақланиб қолинган бўлиб, ҳозирда уларнинг сони 1000 бошдан ошиб кетди.

1960 йилда Саричелак кўли атрофи 33 минг гектарлик майдонда давлат қўриқхонаси ташкил қилинган. Бу Тяншан бағридаги ниҳоятда гўзал ва сўлим маскан бўлиб, унда 1000 га яқин нодир ва ноёб ўсимлик турлари, 32 хил ҳайвонлар ва 154 тур қушлар яшайди. У ерларда асрор ёнғоқзорлар мавжуд, унда қоплонлар, айиқлар, тўнғизлар, тоғ эчкилар, силовсин ва турли ажойиб қушлар макон топган.

Чотқол давлат қўриқхонасида мавжуд бўлган камёб ўсимлик ҳамда жониворлар дунёсини таъриф қилиш қийин. Бу жойларда табиий ҳолда ўсиб ётган ноёб дов-дараҳтлар, ўт-ўланлар ҳамда унинг бағрида яшаётган нодир ҳайвонларни кўриш мумкин.

Қўриқхона ҳамда заказниклар ноёб ва нодир ўсимлик намуналарининг, ёввойи ҳайвон, қушлар, балиқлар, фойдали қазилмалар, бокира ҳолдаги ўрмонларнинг сақланишига, ҳимоя топишига имконият яратади. Бундай ҳимоя қучоғига олинган масканлардаги барча мавжудотлар, наботот олами намуналарининг умри боқий бўлишига шубҳа йўқ.

Давлат қўриқхоналари булар, маҳсус равишда ажратилган, табиий воситаларга эга бўлган майдонлар бўлиб, улар алоҳида хўжалик, илмий ва маданий қимматга эга.

Қўриқхона ҳудудида мавжуд бўлган барча табиий бойликлар (ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар, фойдали қазилмалар, сув манбалари ва бошқалар) давлат қўриқхона фондини ташкил қилиб, қонун асосида ҳимоя қилинади. Мазкур жойлардаги ҳайвонот намуналарини, балиқларни ов қилиш, ўсимлик дунёсидан бережа фойдаланиш қўриқхона мақсадига тўғри келмайди. Қўриқхона ҳудудида ноқонуний ишларга йўл қўйилмайди.

Қўриқхоналарда кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб

борилмоқда. У ерда инсоннинг бевосита таъсиридан бузилмаган табиий мажмуалар атрофлича ўрганилади. Нодир ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот турларини кўпайтириш муаммолари устида илмий-амалий тадбирлар олиб борилади. Кўриқхона бисотида анчагина кўпайган ҳайвонлар бошқа жойларга жўнатилади.

Заказник маълум бир фаслда, айрим шароитларда, шунингдек, бутун йил мобайнида ҳимоя этиладиган ҳудуд (акватория) бўйлаб, уларда маълум бир ҳайвон турлари, ўсимлик намуналари мавжуд бўлади. У ердаги табиий воситалардан чегараланган микдорда фойдаланилади.

Ўлкамизда ов қилинадиган балиқ хўжалиги, ландшафтлари, геологик ва бошқа заказниклар ҳам бор. Баъзи заказниклар ҳудудидаги барча табиий воситалардан, қўриқхоналарга нисбатан фарқли ўлароқ, қисман фойдаланилади, ўсимлик ҳамда ҳайвон турлари, жумладан, ёввойи ўрдак, тустовуқлар каби баъзи жониворларнинг бир қисми овланиши мумкин. Заказниклар республика ҳамда маҳаллий аҳамиятига молик бўлиши мумкин.

Миллий боғлар бу табиатнинг муҳофаза этилишига арзигулик бўлган ҳудудлардан бир кўриниши ҳисобланади. Миллий боғлар майдони жуда кенг бўлиши мумкин, уларда муттасил равишда табиат дурдоналарини асраш, муҳофаза қилиш борасида кенг кўламда ишлар олиб борилади. Бундай муҳофаза этилаётган жойларга маълум тартибда сайёҳ, туристлар, табиат ошуфталарининг келишига рухсат берилади.

Умуман олганда кейинги вақтларда табиат муҳофазасига катта эътибор берилмоқда ва бу ишга турли ташкилотлар, муассасалар, шунингдек, кенг жамоатчилик жалб этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Кенгашининг 1983 йил 18 декбардаги қарорига биноан, катта бўлмаган ўрмонзорлар, кўллар, шаршаралар, горлар, минерал булоқлар, кўркам қоялар, айрим ноёб дараҳтлар табиат ёдгорликлари деб эълон қилинди. Табиий ёдгорликларни муҳофаза қўлувчи ташкилотлар томонидан ҳар бир ёдгорлик учун шу обиданинг номи, фотосурати, таърифи, у эгаллаб турган майдон чегараси, сақлаш таркиблари кўрсатилади. Маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 400 дан ортиқ табиат ёдгорлиги қайд этилган ва муҳофаза остига олинган.

Кейинги йилларда республика ҳукумати томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга (Миллий маъруза, Тошкент 2006 й. Чинор нашриёти) катта аҳамият берилмоқда, жумладан, 2004 йил

декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. Мана шу қонунга биноан дейилади «Миллий маърузада», Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга қуидагилар киради.

Ia — Давлат қўриқхоналари;

IB — Комплекс (ландшафтли) заказниклар, ов қилиш вақтинча тақиқланган қўриқхоналар;

II — Табиий боғлар;

III — Табиат ёдгорликлари; алоҳида табиат обьектлари ва комплексларини муҳофаза қилиш, қайта ишлаб чиқариш ва тиклаш учун ҳудудлар;

IV — Муҳофаза этиладиган ландшафтлар;

V — Гоҳида табиий муҳитни бошқариш учун ҳудудлар, биосферали резерватлар бу категориялардан ташқари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Шу қонунга биноан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини ҳукумат, жойларда давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳсус тайинланган давлат органлари амалга оширади.

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан қўриқхоналар, миллий боғлар билан бирга заказниклар ҳам мана шундай ҳудудларга киради.

Бугунги кунда заказникларнинг умумий майдони 1563 минг гектардан ортиқни ташкил қиласи. Улар Ўзбекистон ҳайвонот ўсимлик дунёсини муҳофаза қиладилар, уларнинг фаолияти биологик хилма хилликни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенцияларга тўғри келади.

Ҳозирда, маҳсус қарор билан «Қизил китоб»ни олиб бориш Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси зиммасига юклатилган. «Қизил китоб»нинг ўзи кам учрайдиган ва йўқолиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси рўйхатидан иборат бўлиб, бошқарув органлари, табиат ва илмий ташкилотлар орасида тарқатилиади.

Ҳайвонларнинг биринчи Қизил китоби 1983 йилда чиқсан. Кейингиси 1994 йилда чиқарилган бўлиб, 113 тур киритилган. 2001 йилда янги «Қизил китоб» тузилди, унга 184 турдаги ҳайвонлар киритилиб, аввалгисидан 71 та ҳайвонлар турига кўпайган.

Ўсимликлар «Қизил китоби» биринчи бор 1971 йилда,

иккинчиси 1984 йилда ва ҳозиргиси 1998 йилда тузилди. Охирги китобда ўсимликлар 301 тур бўлиб, аввалгисидан 138 турга кўпайган.

Ia—Давлат қўриқхоналари: Бадайтўқай, Ҳисор, Зомин, Зарафшон, Қизилқум, Нурота, Сурхон, Китоб;

II—Табиий боғлар: Угом-Чотқол давлат миллий боғи, Зомин ҳалқ боғи;

VI—Давлат биосфера резерватлари: Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси ва ҳоказолар.

3. Табиатни муҳофаза қилишининг маданий ва эстетик аҳамияти

Инсон табиат оғушида яшайди, ижод этади, фаолият кўрсатади, унинг кўркам манзарасидан завқ олади, саҳоватли марҳаматларидан баҳраманд бўлади. Табиат, у қандай кўринишидан қатъи назар ўзгача гаштли, фусункор бўлиши мумкин. Бизни ўраб турган табиатнинг кўркам манзараси нафақат қушлар хониши, мусавирлар, шоирлар, бастакор машшоқлар, хонандалар учун илҳомбахш кўриниш бўлибгина қолмасдан, балки кишиларнинг руҳиятини енгиллаштирувчи маънавий озуқа берувчи табиий манба бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Шуни айтиш керакки, табиатнинг кўркам эҳсонларига нисбатан том маъноли дилдан муҳаббат, эъзозлаш бўлмас экан, унинг марҳаматлари чегарали бўлиб қолади. Табиатдан инсон фақаттина ижодий илҳом, руҳий озуқа, маънавий лаззат олибгина қолмасдан, балки унинг ҳаётбахш неъматлари билан яшайди. Шундай экан, «она» деб эъзозланувчи табиатни ҳар қанча мадҳ этиб, уни мусаффо, бокира сақлаш учун ҳаракат қилинмоғи даркор.

Табиатнинг маҳсулни ҳисобланмиш ҳар бир киши, атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ёшлилар ташкилоти ер куррасида яшовчи жониворлар тақдирли, уларнинг ҳаёти устида қайғуришини ўзларининг муқаддас бурчи деб ҳисоблашлари керак. «Она» табиатта нисбатан меҳр, ҳурмат уйғотиш, уни эъзозлаш кўп жиҳатдан отоналар, мураббийлар, ўқитувчиларнинг берган тарбияси, тушунтириш ишларига ҳам боғлиқ.

Бевосита табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган айрим маълумотларни келтириб ўтиш айни муддао бўларди.

Латвияда мактаб ёшлигача бўлган болаларда табиатга ҳурмат билан қараш, унга нисбатан эстетик ҳиссиётни уйғотиш тажрибалари олиб борилиб, ижобий натижалар олинган. Болалар боғчасига

табиатсеварлар тўгарагининг фаоллари, «яшил посбонлар» сафарбар қилинган, шунингдек, Латвия дорилфунунининг биология факултети талабалари ҳам жалб этилган. Улар, ўз навбатида, болаларнинг ёши, билим кўламини инобатта олган ҳолда, уларнинг тафаккурига етиб борадиган даражада табиат тўғрисида, ўсимликлар олами ҳақида, ҳайвонот дунёси борасида қизиқарли ва мароқли суҳбатлар ўтказганлар. Улар табиат билан узвий боғлиқ бўлган мавзуда энг яхши расм учун танлов ўтказишган, улкан табиатнинг сўлим жойларига экскурсия томоша сайрини уюштиришган.

Латвияда мактабгача бўлган болалар учун табиат манзаралари намойишини ўтказганлар, унда турфа гулларнинг ранг-баранглиги, доривор, хосиятли ўсимликлар, сабзавот-резаворлар ҳақида қизиқарли маълумотлар, амалий машғулотлар билан сабоқ берганлар. Бундай ҳар бир эшиктиришда ёши беш-еттига етган 200 га яқин болалар қатнашган. Амалий машғулотлар кўламида ниҳоллар, сабзавот, гул намуналарини қандай ўтказиш, парваришлаш, фойдали қўзиқоринларни қандай танлаш ва қирқиб олиш борасида ҳам телевиденияда кўрсатувлар уюштирилади.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, катта кишиларнинг хатти-харакати ёшлиар учун ўрнак, сабоқ бўлиши табиий. Мабодо болалар бор хонадонда катталар уй ҳайвонларига, жониворларга нисбатан шафқатсиз бўлсалар (мушук, кучукларни улоқтириб ташлаш, заҳарлаш ва бошқалар), у ҳолда шу уйда яшаётган, тарбия топаётганларнинг жониворларга нисбатан қаҳрлари қаттиқ бўлиши турган гап. Гоҳо шундай болалар кўз ўнгидага турли курилишлар туфайли манзара кашф этувчи ҳамда мевали ўсимликларни аёвсиз қирқилади. Янада ачинарлиси шуки, айрим хўжалик, муассаса раҳбарлари томонидан мактаб ўқувчилари, институт талабалари жалб қилиниб, дараҳтлар кестирилади.

4. Табиатни муҳофаза қилишда жамоатчилик ва мактаб

Инсон табиат қўйнида яшар экан, унинг беминнат саҳовати, инъоми ва марҳаматидан баҳраманд бўлади. Шундай экан, инсоннинг энг яқин «дўсти» бўлмиш табиатни ардоқлаш ва эъзозлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлибгина қолмасдан, балки шу кўркам табиатнинг бир олий неъмати ҳисобланадиган инсоннинг шарафли бурчи бўлиши лозим. Муруватли, кўркам, саҳоватли кенг табиатни эъзозлаш, унга бўлган муҳаббат инсон қалбида ёшлиқдан уйғонади ва даврлар ўтиши билан шаклланади. Мурғак

қалбнинг она табиатга бўлган ҳурматини ортиришда кенг жамоатчилик, қолаверса ота-она ва ўқитувчиларнинг ҳиссаси салмоқли ўрин тутади.

Инсоният, шу жумладан, бутун борлиқ табиат билан шоисталикда яшайди. Маълумки, илк бор туғилган гўдакнинг назари аввало она кўзи ва табиатта тушади. У она меҳри, табиатнинг ажаб манзаралари оғушида яшайди, унади, камолотга етади. Тириклик, ҳаёт манбаи бўлмиш қуёш, ҳаво, сувдан, кўркам табиатнинг инъоми бўлмиш турфа неъматлардан баҳра олиб улғаяди. Ана шу инсониятта ҳаёт баҳш этган табиатни муҳофаза қилишга кенг ҳалқ оммасини жалб қилиш, табиий бойликлардан ўз ўринида тадбиркорлик билан фойдаланишга диққат эътиборни қаратиш лозим бўлади. Бунда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш катта аҳамият касб этади:

- табиат борасидаги билимларни кенгайтиришга имконият яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қонунчиликни ёритиб бериш;
- ёшларни ўз фуқаролик бурчларини англаб этишлари, табиат муҳофазаси борасида ўзларининг масъулиятларини ҳис эта билишларини тушунтириш;
- табиат муҳофазаси борасидаги ишларга ёшларни жалб этиш;
- табиат бойликларини ҳимоя этувчи давлат мутасадди ташкилотлари билан узвий боғланган ҳолда фаолият кўрсатиш.

Мактабларда, олий ўқув юртларида, саноат ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, жамоа хўжаликларида, маданият уйларида, қироатхоналарида табиатсеварлар клуби, ёшлар маърузахонаси, табиатни ҳимоя қилиш жамиятлари, ўлка музейлари, бурчаклари ташкил этилиб, уларда ўлканинг табиати, бойликларини кўрсатадиган, ҳикоя этадиган тадбирлар катта аҳамият касб этади. Табиат муҳофазаси талқин этиладиган кечалар ташкил қилиниб, уларда ўқитувчилар, олимлар билан ёшларнинг мулоқотини ўтказиш ҳам хайрли тадбирлардан ҳисобланади.

Ёшларни ўлка бўйлаб биологик сафарларга жалб этиш, уларни табиатнинг кўркам намуналари бўлмиш наботот олами, ҳайвонот ҳамда күшлар дунёси билан таништириш уларда табиатга нисбатан иштиёқни оширмай кўймайди. Ҳали табиатнинг бирорта ҳужжатда, манбаларда қайд этилмаган янгидан янги ажойиб ёдгорликларини

топиш, мұғыжизали манзараларни кашшы этиб, уларни ҳимоя қилиш таҳсинга лойиқ тадбирлардан ҳисобланади.

Ёшларни газета ва журналлар саҳифаларида табиат түғрисида чоп этилган мақолалар билан таништириш, шунингдек, радио ҳамда телевидениеларда доимий руқнлар ташкил этилиб, уларнинг саҳифаларида, кўрсатувларида, эшилтиришларида табиатни мадҳ этувчи, унинг эҳсонларини муҳофаза этувчи маълумотлар ёритилиши шарт.

Табиат муҳофазаси бўйича ишлаб турган муассасаларда табиатни мадҳ этадиган, уни муҳофаза этишга бағишлиган ҳаваскорлик филмлари, фотосуратлар, расмлар, шунингдек, мақола ва очерклар учун танловлар ўтказилиши ҳам атроф-муҳитни покиза саклаш борасида, унинг неъматларини ардоқлашда, ҳимоя этишда катта ёрдам берувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Даврий равиша республика, вилоят, туманларда слётлар, ёш олимлар, мутахассислар, фаолларнинг табиат муҳофазаси муаммолари бўйича семинарларини ўтказиш зарур тадбирлоардан ҳисобланади.

Ёш табиатшунослар станцияси, ёш саёҳатчилар клублари, ёшлар саройларининг ишини кенгайтиришга ҳаракат қилиниши лозим. Сайёҳларнинг макони, дам олиш гўшалари (туристик базаларда), кўркам манзилларда табиат муҳофазаси мавзуига бағишлиган бурчаклар, кўргазма стендлар муттасил равища янгиланниб туриши керак.

Ёшларнинг табиий бойликларни тиклаш ҳамда муҳофаза қилишга жалб қилиниши ва бу борада ўрмон ҳамда боғ ойликлари, шанбаликлар ҳамда якшанбаликлар ташкил қилиниши хайрли ишлардан ҳисобланади.

Фаслга қараб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг оммавий ҳолда ўтказилиши, Наврӯз, баҳор байрамларини табиат муҳофазаси билан шоисталикда олиб бориш кутилган натижа беради. Бу борада «қушлар», «гуллар байрами»ни ўтказиш ҳам ижобий тадбирлардан ҳисобланади.

Кўркам гўшалар, дам олиш масканларига илк бор келган кишиларга табиат муҳофазаси бўйича маслаҳат бериш, уларни нодир ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами намуналари билан таништириш зарур амаллардандир. Сайр қилувчилар, сайёҳларни

маълум бир йўналиш билан уюштиришда, албатта, табиатга озор бермаслик масалаларини асосий ўринда турмоги лозим. Сайёҳлар мутлақ ҳолда ўрмонлар ичида, ноёб ва нодир ўсимлик намуналарини мавжуд бўлган жойларда гулхан ёқмасликлари керак, шунингдек, муҳофазага мансуб дов-дараҳтлар синдирилмаслиги, ноёб гулчечак намуналари узилмаслиги шарт. Гаштакка чиққанлар ўзлари дам олган жойларни ифлослантирмасликлари, топтамасликлари, гиёҳларни пайҳон қилмасликлари даркор. Бу борада кенг ва чуқур тушунтириш ишлари олиб борилиши лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Роберт Л. Смит. *Наш дом планета земля*. М.: Мысль, 1982.
2. Ш.Т.Отабаев, М.Н.Набиев. *Инсон ва биосфера*. Тошкент, 1984.
3. Ш.Т.Отабаев, М.Н.Набиев. *Инсон ва биосфера*. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
4. Ш.Т.Отабаев, Т.И.Искандаров. *Комунал гигиена*. Тошкент: Ибн Сино, 1996.
5. Ш.Т.Отабаев, Э.Турсунов. *Тркистонда экологиянинг тарихи, бугуни ва келажаги*. Тошкент, 2000.
6. Н. А. Агаджанян. *Человек и биосфера*. М.: Знание, 1987.
7. Введение в геогигиены. АН СССР. М.: Наука, 1966.
8. В.Василенко. *На пути к ноосферен*. Алма-Ата, 1997.
9. К.С.Заиров, Ю.В. Новиков. *Вопросы гигиены водоснабжения*. Ташкент: Медицина, 1982.
10. В судьбе природы наша судьба: Писатели об экологических проблемах. КН. М.: Художественная литература, 1990.
11. Г.В.Новиков. *Санитарная охрана окружающей среды современного города*. М.:Мысль, 1978.
12. Данило Ж. Маркович. *Социальная экология*. М.: Просвещение, 1991.
13. Доклады к международному семинару ОБСЕ “Содействие устойчивому развитию окружающей среды в бассейне Аральского моря”. Международный фонд “Экосан”. Ташкент, 1996.
14. Влияние окружающей среды на здоровье человека. ВОЗ Женева, 1974.
15. М.Г.Шандала и др. *Охрана окружающей среды в условиях научно-технической революции*. Киев: Здоровья, 1982.
16. Ю.Шодиметов. *Введение в соцэкологию*. Ташкент: Ўқитувчи, 1993.
17. Б.Зиямухамедов. *Экология ва маънавият*. Тошкент: Меҳнат, 1997.
18. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент: Адолат, 1994.
19. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш түгрисида” қонуни. Тошкент, 1992.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғисида” қонуни. Тошкент, 1992.

21. Ўзбекистон Давлат стандарти. Ичимлик суви гигиеник талаблар, сифатини назорат қилиш. Оз.Дав.станд. 95:2000. Тошкент, 2000.

22. Ўзбекистон Давлат “Марказлаштирилган хўжалик ичимлик суви билан таъминлаш манбалари, гигиеник техник талаблар ва танлаш қоидалари” Оз.Дав.станд. 951:2000.

23. Сан ПиН санитарнью требования к хранению и обезверживанию твердых бытовых отходов на специальных полигонах в условиях Узбекистана. 015704. 12.07.2004.

24. Ўзбекистон халқ хўжалигида пестицидларнинг ишлатилиши, сақланиши ва ташиб жараёнларидаги санитария қоидалари ва гигиена мөъёрлари. № 015004, 14.05.2004.

25. Санитарнью правила инвентаризации, классификации складирования и обеззараживания промышленных отходов. №012802. 29.07.2002.

26. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида «Миллий маъзуза» Тошкент 2006, Чинор ЭНК нашриёти.

МУНДАРИЖА

I. Кириш сўзи.....	3
I боб. Экология ва экогигиена тўғрисида тушунча.....	7
1. Экогигиена.....	7
2. Экология тўғрисида тушунча. Экологиянинг вазифалари.....	11
3. Биосфера, экологик система, биогеоценоз.....	13
4. Экологик факторлар ва уларнинг синфлари.....	18
5. Атроф-муҳитнинг абиотик факторлари.....	19
II боб. Ижтимоий-экологик муаммоларни ечишда экологиянинг аҳамияти.....	24
1. Ижтимоий экологиянинг шаклланиши ва ривожи.....	27
2. Ижтимоий-экологик система — бу ижтимоий экологияни үрганиш обьекти.....	29
3. Инсон экологияси.....	31
4. Ижтимоий-экологик факторлар юксалишининг инсон тараққиётидаги аҳамияти.....	33
5. Экологик зиддиятларнинг илдизи қаерда?.....	35
III боб. Инсон экологиясида ижтимоий ва биологик умумийлик (яхлитлик).....	40
1. Турли соҳаларнинг инсон экологиясига таъсири.....	43
2. Инсон экологиясининг демографик томони.....	46
3. Инсоннинг табиий, ижтимоий муҳитга мослашиши.....	50
4. Ҳайвон организмларининг атроф-муҳит шароитига мослашиши.....	55
IV боб. Минтақавий ижтимоий-экологик муаммолар.....	58
1. Марказий Осиё минтақасида ижтимоий-экологик муаммоларнинг келиб чиқиши.....	58
2. Минтақавий ижтимоий-экологик	

Муаммоларнинг умумий ҳолати.....	61
3. Ўрта Осиёning экологик системаси.....	66
а) иқлими.....	67
б) дарёлари.....	69
в) куллари.....	70
г) Ўрта Осиёning ер ости сувлари.....	71
е) тупроғи.....	71
ж) ўсимликлар дунёси.....	72
з) ҳайвонот дунёси.....	74
V боб. Сув ва сув ҳавзаларининг экогигиенаси.....	75
1. Сув ва сув ҳавзаларининг экогигиеник ҳолатлари.....	75
2. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг чора-тадбирлари.....	84
3. Сув манбаларидаги сувнинг синфиға қараб уларга ишлов бериш услублари.....	89
4. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашда Давлат санитария, экологик назоратини олиб бориш.....	95
а) огоҳлантириш санитария назорати.....	96
б) аҳолини марказлашган водопровод суви билан таъминлашда кундалик санитария назорати.....	98
5. Сув ҳавзаларининг санитария муҳофазаси.....	99
VI боб. Ҳўжалик-ичимлик, маданий ҳордиқ чиқариш ва спорт мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган сув ҳавзалари сувининг норматив кўрсаткичлари.....	105
1. Сув ҳавзаларини радиоактив моддалар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш.....	107
2. Чиқинди сувларини сув ҳавзаларига ташлашнинг техник шарт-шароитлари.....	107
3. Чиқинди сувларни очиқ сув ҳавзаларига ташлашни келишиб олиш чора-тадбирлари.....	109
4. Чиқинди сувларни зарарсизлантириш, юкумсизлантириш ва тозалаш самарадорлигини назорат қилиш тартиби.....	112
5. “Қоида”ни бузганлик учун жавобгарлик.....	113
6. Аҳоли томонидан ҳўжалик-ичимлик, майший-маданий мақсадлар учун фойдаланиладиган сув обьектлари	

бўйларида заҳарли моддаларнинг рухсат этилган миқдори.....	115
VII боб. Атмосфера ҳавоси экогигиенаси ва инсон.....	119
1. Ҳавонинг ифлосланиши нималарни олиб келади?.....	127
2. Рухсат этилган миқдор (РЭМ).....	130
3. Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси.....	131
4. Атмосфера ҳавосини автотранспорт чиқиндиларидан муҳофаза қилиш.....	138
5. Автомашиналар учун газ ёқилғиси.....	139
6. Ички ёниш моторларини такомиллаштириш.....	140
7. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш.....	141
VIII боб. Атроф-муҳитни канцероген моддалардан муҳофаза қилиш муваммолари.....	145
1. Атмосфера ҳавосининг канцероген моддалар билан ифлосланиши.....	145
2. Озиқ-овқатларнинг полициклик ароматик канцероген моддалар билан ифлосланиши.....	153
3. Тупроқнинг канцероген моддалар билан ифлосланиши.....	155
4. Атроф-муҳитни канцероген моддалар билан ифлосланишидан муҳофаза қилишининг йўл-йўриқлари.....	158
IX боб. Тупроқ экогигиенасининг муваммолари.....	160
1. Тупроқнинг модда алмашиниш жараёнидаги роли ва унинг гигиеник аҳамияти.....	162
2. Тупроқнинг асосий хоссалари ва уларнинг гигиеник, экологик аҳамияти.....	167
3. Тупроқ таркибининг экогигиеник аҳамияти.....	171
4. Тупроқнинг органик моддалари.....	173
5. Тупроқнинг намлиги.....	174
6. Тупроқнинг ҳавоси.....	175
7. Тупроқнинг гигиеник ва экологик аҳамияти.....	176
8. Тупроқни ифсослантирувчи манбалар.....	181
а) ахлатларни чиқарип ташлаш муваммолари.....	188
б) ахлатларни зарарсизлантириш ва улардан фойдаланиш.....	191
в) чиқинди ахлатларни иссиқоналарда зарарсизлантириш.....	194
г) такомиллаштирилган ахлатоналар.....	194

д) ахлатларни ёқиши йўли билан заарсизлантириш.....	195
е) чиқиндиларни йигиш ва саралаш.....	196
9. Шаҳар кўчаларини тоза тутишнинг экологигиеник аҳамияти.....	197
10. Шаҳарларнинг экологик ва санитария ҳолатини тъъминлашда санитария назоратини уюштириш.....	198
11. Она замин, ернинг муҳофазаси.....	200
12. Саноат корхоналари чиқиндилари ва тупроқнинг муҳофазаси.....	215
13. Заҳарли моддаларни транспортировка қилиш ва унга санитария талаби.....	221
14. Корхона заҳарли моддаларини заарсизлантириш ва кўмиш услублари.....	223
X боб. Урбанизация, экология ва саломатлик, урбанизациянинг тарихи.....	225
1. Урбанизациянинг тарихи.....	225
2. Урбанизациянинг ўзига хос томонлари.....	229
3. Урбанизация ва шовқин-сурон, экологик фактор.....	233
4. Шовқин-сурондан муҳофаза.....	236
5. Урбанизация ва микроорганизмлар муаммоси.....	238
6. Урбанизация ва ижтимоий муаммолар.....	239
XI боб. Заҳарли кимёвий моддалар ва экогигиена.....	244
1. Кимёвий заҳарли моддаларнинг ишлатилиш сабаблари.....	244
2. Ўсимликларни химоя қилишда ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг гуруҳлари.....	246
3. Пестицидларнинг гигиеник ва токсикологик синфи.....	254
4. Пестицидлар ва атроф-муҳит.....	260
5. Бирданги ўткир ва сурункали заҳарланиш тўғрисида тушунча...	266
6. Пестицидларнинг организмга таъсир қилиш механизmlари.....	267
7. Пестицидларнинг ташқи муҳитда айланниб юриши.....	273
8. Заҳарли химикатларнинг ташқи муҳит объектлари учун мөъерини ишлаб чиқиши.....	281
9. Атроф-муҳитни ифлосланишдан асрар чоралари.....	285
XII боб. Биосфера, инсон ва ўсимликлар (доц. З.Хидоятова)	287
1. Биосфера ва ўсимликлар.....	287
2. Ўрмонлар ва ўсимликлар сиҳат-саломатлик манбаи.....	295

3. Үсімлікпар дүнёси ва ўрманндарни асранг.....	296
4. Ўрман ресурсларидан оқылона фойдаланиш.....	300
5. Үсімлік дүнёси, ўрманндар ва атмосфера ҳавоси.....	302
6. Жаннатмакон богу рөгларни барпо қылайлык.....	306
XIII боб. Биосфера, ҳайвон дүнёси ва инсон (доц. З.Хидоятова).....	310
1. «Қызыл китоб» түшүнчеси.....	314
2. Құриқхоналар, заказніклар, миллий боғлар.....	317
3. Табиятни мұхофаза қилишнинг маданий ва эстетик ажамияти.....	320
4. Табиятни мұхофаза қилишца жамоатчилик ва мактаб.....	321
Фойдаланилган адабиёттар.....	325

Ш. ОТАБОЕВ
З. ҲИДОЯТОВА

**ЭКОЛОГИЯ, ГИГИЕНА
ВА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК**

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Мұҳаррір *M. Содиқова*
Бадиий мұҳаррір *A. Тұрсынов*
Техник мұҳаррір *T. Смирнова*
Саҳифаловчи *B. Ирисбоеев*

Нашриёт рақами: М-63
Босишига 20.06.2007 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Офсет босма. Офсет қофоз.
Ҳисоб нашриёт табоги 21. Шартлы босма табоги 20,75 б.т.
6-буортма. 1000 нұсқада. Баҳоси келишилған нархда.

Ўз.РФА “ФАН” нашриёти:
100170, Тошкент, И. Мұмінов күчаси, 9-үй.

«Medianashr» МЧЖ босмахонаси.
Тошкент шаҳри, F. Мавлонов күчаси, 1-а.